**Аннотация.** Эластиклик назариясининг уч ўлчовли масаласи вариацион тенгламани (Кирхгоф-Ляв гипотезасини қаноатлантиради) ечишга олиб келинади. Агар ўрта текисликда нормалнинг айланиши инерциясини ҳисобга олувчи ҳадларни ташлаб юборсак, у ҳолда мураккаб бўлмаган жараёндан сўнг комплекс коэффициентли, оддий чизикли биринчи тартибли дифференциал тенгламалар системасини оламиз. Бу оддий биринчи тартибли дифференциал тенгламалар системаси комплекс арифметикада ортогонал прогонка ва Мюллер усуллари асосида тузилган алгоритм ва дастур асосида сонли ечилди. Дисперсион муносабатлар ва сонли ечимлар пона кўринишдаги пластинка учун олинди.

**Таянч сўзлар:** қовушқоқ эластик пластинка, хос тўлқин, Кирхгоф-Ляв гипотезаси, ўрта текислик.

**Аннотация.** Трёхмерная задача теории упругости (с учетом гипотез Кирхгофа-Лява) приводит к решению вариационного уравнения. Если отбросить члены, учитывающие инерцию вращения нормали срединной плоскости, получим систему обыкновенных дифференциальных уравнений первого порядка с комплексными коэффициентами, которая решается по разработанному алгоритму и программе, методами ортогональной прогонки и Мюллера в комплексной арифметике. Дисперсионные соотношения и численные решения получены для клиновидной пластинки.

**Ключевые слова:** вязкоупругая пластинка, собственные волны, гипотезы Кирхгофа-Лява, срединная плоскость.

**Abstract.** The three-dimensional problem of the theory of elasticity (taking into account the Kirchhoff – Love hypotheses) leads to the solution of the variational equation. If we discard the terms that take into account the inertia of rotation of the normal of the middle plane, we get a system of ordinary differential equations of the first order with complex coefficients, which is solved according to the developed algorithm and program, by the methods of orthogonal sweep and Mueller in complex arithmetic. Dispersion relations and numerical solutions are obtained for a wedge-shaped plate.

**Key words:** viscoelastic plate, intrinsic waves, Kirchhoff-Love hypotheses, median plane.

Ўзгарувчан қатламли пластинкада хос тўлқинлар тарқалиш масаласининг математик қўйилиши ва ечиш методикаси. Мумкин бўлган кўчиш принципи асосида пластинканинг классик назариясидан фойдаланиб, ўзгарувчан қалинликка эга пластинканинг асосий муносабатларини чиқарамиз. Эластиклик назариясининг уч ўлчовли масаласини қўйишда, вариацион тенглама қуйидаги кўринишга келади:

$$\delta A_F + \delta A_I = 0 \quad (1)$$

Ички кучлар бажарган ишнинг вариацияси ( $\delta A_F$ ) қуйидагича бўлади:

$$\delta A_F = -\delta \Pi = -\int_V \sigma_{ij} \delta \varepsilon_{ij} dV \quad (2)$$

$\Pi$  – потенциал энергия;  $\sigma_{ij}$  – кучланиш тензорининг компоненталари;

## ANIQ VA TABIIY FANLAR

$\varepsilon_{ij}$  – деформация тензорининг компоненталари;  $V$  – фазода жисмнинг эгаллаган ҳажми. Пластинканинг физик хоссаларини ифодаловчи муносабатлар куйидагича:

$$\sigma_{ij} = \tilde{\lambda} \varepsilon_{kk} \delta_{ij} + 2\tilde{\mu} \varepsilon_{ij} \quad (i, j, k = 1, 2, 3). \quad (3)$$

Бу ерда эластиклик модуллари  $\tilde{\lambda}, \tilde{\mu}$  оператор кўринишидаги катталиклар

$$\tilde{\lambda}_j \varphi(t) = \frac{\nu_j}{(1 + \nu_j)(1 - 2\nu_j)} \tilde{E}_j \varphi(t); \quad \tilde{\mu}_j \varphi(t) = \frac{\nu_j}{2(1 + \nu_j)} \tilde{E}_j \varphi(t),$$

бунда:  $\tilde{E}$  – оператор кўринишдаги эластиклик модули бўлиб, куйидаги интеграл муносабатни ифодалайди [1,2]:

$$\tilde{E} \varphi(t) = E_{01} \left[ \varphi(t) - \int_0^t R_E(t - \tau) \varphi(\tau) d\tau \right] \quad (4)$$

$\varphi(t)$  – вақтнинг ихтиёрий функцияси;  $R_E(t - \tau)$  – релаксация ядроси;  $E_{01}$  – оний эластиклик модули;  $\delta_{ij}$  – Кронекер симболи:  $i = j$ , бўлса 1-га,  $i \neq j$  бўлса 0-га тенг.

Юқорида келтирилган (4) интеграл ҳад кичик ҳисобланади, шунинг учун  $\varphi(t)$  функция учун  $\varphi(t) = \psi(t) e^{-i\omega_R t}$  ўринли бўлади. Бу кичик чизикли тебранишларга мос келади. Бу ерда  $\psi(t)$  – вақтни секин ўзгарувчи функцияси,  $\omega_R$  – ҳақиқий катталик. У ҳолда [3] ишда келтирилган муносабатлардан фойдалансак, (3) куйидагича ифода билан тақрибан алмаштириш мумкин

$$\bar{E} \varphi = E [1 - \Gamma^C(\omega_R) - i\Gamma^S(\omega_R)] \varphi,$$

бунда:

$$\Gamma^C(\omega_R) = \int_0^\infty R(\tau) \cos \omega_R \tau d\tau, \quad \Gamma^S(\omega_R) = \int_0^\infty R(\tau) \sin \omega_R \tau d\tau$$


мос равишда материалнинг косинус ва синус образли Фурье ядро релаксацияси. Қовушқоқ  $x_1$  – эластик ядро релаксацияси сифатида уч параметрли Ржаницин-Колтуновнинг кам сингуляр ядроси қабул қилинган:

$$R(t) = A e^{-\beta t} / t^{1-\alpha}$$

Инерция кучининг виртуаль иши ( $\delta A_I$ ) куйидагича ифодаланеди:

$$\delta A_I = - \int_V \rho \ddot{u}_i \delta u_i dV, \quad (5)$$

бунда:  $\rho$  – материал зичлиги;  $u_i$  – кўчиш векторининг компоненталари;  $\ddot{u}_i = \partial^2 u_i / \partial t^2$ ;  $t$  – вақт. Бу ерда ва кейинчалик такрорланувчи индекслар бўйича йиғинди ҳосил қилиш кўзда тутилади. Чизмада тасвирланган понага ўхшаш пластинкани кўрамиз. Пластинка  $x_2$  – ўк бўйича чексиз узун ва  $x_1$  ўк бўйича эса чегараланган (пластинка эни). Агар Кирхгоф – Ляв гипотезаси ўринли бўлади деб олинса, у ҳолда куйидаги муносабатлар ўринли:



**ANIQ VA TABIIY FANLAR**

$$\sigma_{13} = \sigma_{23} = \sigma_{33} = 0;$$

$$u_i = -x_3 \frac{\ddot{a}W}{\ddot{a}x_i}; \quad (6)$$

$$W(x_3) \equiv W,$$

бунда,  $W$  – пластинка ўрта текисликнинг салқилиги.

Агар ўрта текисликда нормалнинг айланиш инерциясини ҳисобга олувчи (3) ҳадларни ташлаб юборсак, у ҳолда:

$$-\int_s ds \int_{-h/2}^{h/2} (\sigma_{11} \delta \varepsilon_{11} + 2\sigma_{12} \delta \varepsilon_{12} + \sigma_{22} \delta \varepsilon_{22}) dx_3 -$$

$$-\int_s ds \int_{-h/2}^{h/2} \rho \frac{\partial^2 W}{\partial t^2} \delta W dz = 0. \quad (7)$$

Кучланишлар ва деформация тензорининг ифодалари, эластиклик назариясининг геометрик муносабатлари ва умумлашган Гук қонуни ҳамда (4) кинематик гипотезалардан фойдалансак, қуйидаги катталиқларни оламиз. Пластинканинг қалинлиги бўйича интегралласак, у ҳолда (5) тенглик қуйидаги кўринишга келади

$$\int_s \left( M_{11} \frac{\partial^2 \delta W}{\partial x_1^2} + 2M_{12} \frac{\partial^2 \delta W}{\partial x_1 \partial x_2} + M_{22} \frac{\partial^2 \delta W}{\partial x_2^2} \right) ds -$$

$$-\int_s \rho h \frac{\partial^2 W}{\partial t^2} \delta W ds = 0 \quad (8)$$

Агар (8) тенгликдаги биринчи интеграл икки марта бўлаклаб интегралласак ва  $\square W$  вариациянинг олдидаги коэффицентларни нолга тенглаштирсак, у ҳолда жисмнинг ички соҳаси ва чегаравий нукталари учун қуйидаги дифференциал тенгламани оламиз:

$$\frac{\partial^2 M_{11}}{\partial x_1^2} + 2 \frac{\partial^2 M_{12}}{\partial x_1 \partial x_2} + \frac{\partial^2 M_{22}}{\partial x_2^2} - \rho h \frac{\partial^2 W}{\partial t^2} = 0, \quad (9)$$

табiiй чегаравий шартлар билан:

$$M_{11}(0, l_1) = 0;$$

$$\frac{\partial M_{11}}{\partial x_1} + 2 \frac{\partial M_{12}}{\partial x_2} = 0, \quad x_1 = 0, l_1,$$

бош альтернатив шарт сифатида қуйидаги тенглик хизмат қилади:

$$\begin{cases} \frac{\partial W}{\partial x_1} = 0, \\ W = 0, \quad x_1 = 0, l_1. \end{cases}$$

Қуйидаги янги ўзгарувчилар киритамиз:

$$W, \varphi_1 = \frac{\partial W}{\partial x_1}, \quad M_{11}, Q_1 = \frac{\partial M_{11}}{\partial x_1} + 2 \frac{\partial M_{12}}{\partial x_2},$$

ва уларни  $M_{22}$  орқали (3.7) муносабатдан фойдаланиб ифодалаймиз. У ҳолда:

$$M_{22} = -\bar{D} \frac{\partial^2 W}{\partial x_2^2} + \nu M_{11} + \nu^2 \bar{D} \frac{\partial^2 W}{\partial x_2^2},$$

ёки

$$M_{22} = -\frac{\bar{E}h^3}{12} \frac{\partial^2 W}{\partial x_2^2} + \nu M_{11} \quad (10)$$

Бу ерда  $M_{11}$  ва  $M_{22}$  эгувчи моментлар,  $M_{12}$  – буровчи момент.

Шундай қилиб қуйидаги дифференциал тенгламалар системасини оламиз:



$$\left\{ \begin{array}{l} \frac{\partial W}{\partial x_1} = \varphi_1; \\ \frac{\partial \varphi}{\partial x_1} = -\frac{M_{11}}{D} - \nu \frac{\partial^2 W}{\partial x_2^2}; \\ \frac{\partial M_{11}}{\partial x_1} = Q_1 + \frac{\bar{E}h^3}{6(1+\nu)} \frac{\partial^2 \varphi}{\partial x_2^2}; \\ \frac{\partial Q_1}{\partial x_1} = -\nu \frac{\partial^2 M_{11}}{\partial x_2^2} + \frac{\bar{E}h^3}{12} \frac{\partial^2 W}{\partial x_2^2} + \rho h \frac{\partial^2 W}{\partial t^2}, \end{array} \right. \quad (11)$$

ёки

$$\begin{aligned} \frac{\partial W}{\partial x_1} &= \varphi_1; \\ \frac{\partial \varphi}{\partial x_1} &= -\frac{6(1-\nu)}{h^3} \frac{M_{11}}{E_{01}\Gamma_\kappa} - \nu \frac{\partial^2 W}{\partial x_2^2}; \\ \frac{2(1+\nu)}{E_{01}} \frac{\partial M_{11}}{\partial x_1} &= \frac{2(1+\nu)}{E_{01}} Q_1 + \frac{\Gamma_\kappa h^3}{3} \frac{\partial^2 \varphi}{\partial x_2^2}; \\ \frac{2(1+\nu)}{E_{01}} \frac{\partial Q_1}{\partial x_1} &= -\nu \frac{2(1+\nu)}{E_{01}} \frac{\partial^2 M_{11}}{\partial x_2^2} + \frac{\Gamma_\kappa (1+\nu) h^3}{6} \frac{\partial^2 W}{\partial x_2^2} + \frac{2(1+\nu)}{E_{01}} \rho h \frac{\partial^2 W}{\partial t^2}, \end{aligned}$$

ёки алмаштиришлар киритиш натижасида қуйидаги хусусий ҳосилали комплекс коэффицентли дифференциал тенгламалар системасини олиш мумкин. Бу тенгламалар бир жинсли ва чизикли тенгламалар системаси ҳисобланади.

$$\left\{ \begin{array}{l} \frac{\partial y_1}{\partial x_1} = y_2; \\ \frac{\partial y_2}{\partial x_1} = -\frac{6(1-\nu)}{h^3} \Gamma_{1k}(\omega_R) y_3 - \nu \frac{\partial^2 y_1}{\partial x_2^2}; \\ \frac{\partial y_3}{\partial x_1} = y_4 + \Gamma_\kappa \frac{h^3}{3} \frac{\partial^2 y_2}{\partial x_2^2}; \\ \frac{\partial y_4}{\partial x_1} = -\nu \frac{\partial^2 y_3}{\partial x_2^2} + \frac{(1+\nu)h^3}{6} \Gamma_\kappa \frac{\partial^4 y_1}{\partial x_2^4} + \frac{h}{C_s^2} \frac{\partial^2 y_1}{\partial t^2}, \end{array} \right. \quad (12)$$

бунда:

$$\begin{aligned} y_1 &= W, \quad y_2 = \square_I, \quad y_3 = \frac{2(1+\nu)}{E_{01}} M_{11}, \quad y_4 = \frac{2(1+\nu)}{E_{01}} Q, \\ C_s^2 &= \frac{E_{01}}{2(1+\nu)\rho}, \quad C_s \end{aligned}$$

кўндаланг тўлқиннинг тарқалиш тезлиги:

$$1. \quad \Gamma_{1k}(\omega_R) = \frac{1 - \Gamma^C(\omega_R) + i\Gamma^S(\omega_R)}{(1 - \Gamma^C(\omega_R))^2 + (\Gamma^S(\omega_R))^2}.$$

Юқорида келтирилган хусусий ҳосилали чизикли дифференциал тенгламалар системаси (12) шундай ечимини танлаймизки, текис гармоник тўлқинни ифода қилсин, тўлқин  $x_2$  ўқ бўйича тарқалгани учун

$$y_i = z_i(x_1) e^{i(\kappa x_2 - \omega t)}, \quad (13)$$

бунда  $\kappa$  – тўлқин сони,  $\omega = \omega_R + i\omega_I$  – комплекс катталик,  $z_i(x_1)$  ( $i=1, \dots, 4$ ) – топилиши керак бўлган номаълум катталик.

## ANIQ VA TABIIY FANLAR

Агар (13) ечим хусусий ҳосилали чизиқли комплекс коэффициентли бир жинсли дифференциал тенгламалар системаси (12)-га қўйилса, у ҳолда оддий бир жинсли комплекс коэффициентли дифференциал тенгламалар системасини оламиз. Бу тенгламалар системаси биринчи тартибли дифференциалига нисбатан топиб олсак, қуйидаги кўринишда бўлади:

$$\begin{cases} z_1' = z_2; \\ z_2' = -\frac{6(1-\nu)}{h^3} \Gamma_{1k}(\omega_R) z_3 + \nu k^2 z_1; \\ z_3' = z_4 - \frac{h^3 \Gamma_k}{3} k^2 z_2; \\ z_4' = \nu k^2 z_3 + \frac{(1+\nu)h}{6} k^4 \Gamma_k z_1 - h \left( \frac{\omega}{C_s} \right)^2 z_1; \end{cases} \quad (14)$$

Бу система учун чегаравий шартларни қуйидагича ёзиш мумкин:

а) пластинканинг чап қирраси кучлардан озод этилган:

$$z_3(0) = z_4(0) = 0 \quad (15)$$

б) пластинканинг ўнг қирраси кучлардан озод этилган:

$$z_3(l_1) = z_4(l_1) = 0 \quad (16a)$$

в) пластинканинг ўнг қирраси қаттиқ маҳкамланган:

$$z_1(l_1) = z_2(l_1) = 0 \quad (16b)$$

Шундай қилиб, Крихгоф-Ляв гипотезасини қаноатлантирувчи ва пластинка қирралари бўйича тўлқин тарқалишини ифодаловчи, спектрал масала (14-16) ( $\square$  параметр бўйича) олинди. Бу спектрал масаланинг ечими комплекс частота ёки фаза тезлиги ( $c = c_R + ic_I$ ) –ни тўлқин сони  $k$  – орасидаги дисперсион муносабатни ифодалайди. У фақат сонли усулда ечилади.

Олдинги параграфларда ишлаб чиқилган спектрал масала (14), (15), (16) Годуновнинг ортогональ прогонка, Мюллер усуллари асосида яратилган методика ва алгоритм асосида ечилди [3]. Тест учун шундай масала танландики, пластинканинг чегаравий шартлари, ечимни аналитик тригонометрик функциялар ёрдамда танлаш имконини беради.

Крихгоф-Ляв гипотезасини қаноатлантирувчи (14) пластинка тенгламасини ечиш учун қуйидагича чегаравий шартлар қўйилди:

$$x_1 = 0, 1; \quad z_2 = z_4 = 0 \quad (29)$$

Сонли натижалар олишда ўлчамсиз каталиклардан фойдаланилди. Бунинг учун зичлик, оний Юнг модули, пластина кенглигининг қийматлари бирга тенг деб олинди. Пуассон коэффициенти  $\nu = 0.35$ . Қовушқоқ – эластикликни ифодаловчи релаксация ядросининг параметрлари эса қуйидагича олинган:

$$A = 0,048; \quad \beta = 0,05; \quad \alpha = 0,1.$$

### Хулоса

1. Тўлқининг комплекс фаза тезлиги биринчи модасининг ҳақиқий ва мавҳум қисмлари пона кўринишдаги пластинкалар учун Пуассон коэффициенти ўзгаришига деярли боғлиқ эмас экан (0,5 % чегарасида).

Комплекс фаза тезлиги юқори модаларининг ҳақиқий қисмини Пуассон коэффициенти кучли боғланган бўлади. Комплекс фаза тезлиги мавҳум қисмининг иккинчи ва кейинги модалари  $\nu$ -нинг ошиб бориши билан камайиб боради. Моддалар тартиби ошиб бориши билан унинг интенсив камайиши ошиб боради.

2. Ўзгарувчи қалинликли пластинка, яъни қалинлиги чизиқли бўлмаган қонун билан ўзгарганда, фаза тезлиги биринчи модасининг ўзгариши юқори частоталарда ўткир қирра атрофидаги қалинликнинг ўзгариш тезлигини ифодалайди.

## АДАБИЁТЛАР

1. Бозоров М.Б., Сафаров И.И., Шокин Ю.И. Численное моделирование колебаний диссипативно однородных и неоднородных механических систем. – Новосибирск: СО РАН, 1966, 188с.
2. Болтаев З.И. Распространение линейных гармонических волн в протяженных плоских и цилиндрических телах с учетом вязкоупругих свойств материала. – Ташкент: Таффакур.- 2012.-136с.
3. Сафаров И.И., Тешаев М.Х., Болтаев З.И. Волновые процессы в механическом волноводе. LAP LAMBERT Academic publishing (Германия). 2012.,217 с.

УДК: (535.34+535.37):577.164.12

## ЎЗ-ЎЗИДАН ЙИГИЛУВЧИ РИБОФЛАВИН МОЛЕКУЛАЛАРИНИНГ ЭЛЕКТРОН СПЕКТРЛАРИ

### ЭЛЕКТРОННЫЕ СПЕКТРЫ САМОСОБРАННЫХ МОЛЕКУЛ РИБОФЛАВИНА

### ELECTRONIC SPECTRA OF SELF-ASSEMBLED RIBOFLAVIN MOLECULES

*Астанов Солих Хусенович*  
проф. каф. физики, д.физ.-мат.н. БухИТИ,  
*Касимова Гузал Каримовна*  
ассис. каф. физики БухИТИ

**Аннотация.** Рибофлавин молекуласининг сувли эритмаларда ўз-ўзидан йигилишининг жараёни ўрганилди. Кўриниб турибдики витамин  $B_2$  нинг ўз-ўзидан йигилиши диполь-диполли таъсир натижасида электрон сатҳларининг бўлиниб кетишидир. Бу электрон сатҳларида гипохром эффектларида, мономернинг ютилиши ва люминесценция спектрларида кўринади. Аниқландики,  $B_2$  ўз-ўзидан йиғма молекулалар оптик активликка эга ва бу чизиқли дихроизмда яширин спектрал чизиқлар пайдо бўлишида кузатилади.

**Таянч сўзлар:** рибофлавин, ўз-ўзидан йиғиладиган агрегатлар, люминесценция, флуоресценция, ютилиш спектр, структура, водород боғлари, электрон сатҳли ўтишлар.

**Аннотация.** Спектроскопическим методом исследован процесс самосборки молекул рибофлавина в водных и бинарных смесях растворителей. Показано, что само сборка молекул витамина  $B_2$  происходит диполь-дипольным взаимодействием, в результате которого происходит резонансное расщепление возбужденных электронных уровней молекул рибофлавина. При этом в электронных спектрах наблюдается гипохромный эффект с падением поглощательной и люминесцентной способности мономеров рибофлавина. Установлено, что самоагрегаты витамина  $B_2$  обладают оптической активностью. По спектрам линейного дихроизма обнаружены скрытые полосы самоагрегатов рибофлавина.

**Ключевые слова:** рибофлавин, самоагрегация, люминесценция, флуоресценция, спектр, поглощения, структура, водородные связи, электронные переходы.

**Abstract.** The process of self-assembly of Riboflavin molecules in aqueous and binary mixtures of solvents was studied by spectroscopic method. It is shown that self-Assembly of vitamin  $B_2$  molecules occurs by dipole-dipole interaction, which results in resonant splitting of excited electronic levels of Riboflavin molecules. In this case, the electron spectra show a hypochromic effect with a drop in the absorption and luminescence capacity of Riboflavin monomers. It was found that vitamin  $B_2$  self-aggregates have optical activity on the spectra of linear dichroism, hidden bands of Riboflavin self-aggregates were found.

**Key words:** riboflavin, self-aggregation, luminescence, fluorescence, spectrum, absorption, structure, hydrogen bonds, electronic transitions.

**Введение.** Самосборка является процессом, в котором принимают участие только компоненты конечной структуры [11,14]. Основным условием самосборки наночастиц является образование высокомолекулярного локального объема [12]. Образования

локального объема с высокими концентрациями осуществляется тепловым выпариванием растворителя с капли раствора растворенного исследуемого соединения. Авторами [9,13] получены кольцевые структуры нано частиц на поверхности стеклянной подложки. Самосборка молекул также может осуществляться в концентрированных растворах и бинарных смесях растворителей. Выбор методики получения самособранных молекул является одним из актуальных вопросов данного направления. Процесс возникновения самоагрегатов сопровождается существенной деформацией электронных спектров в виде гипохромного эффекта [12,4].

**Объекты и методы исследования.** В работе использованы порошки рибофлавина марки «ЧДА». Электронные спектры поглощения измерялись на спектрофотометре ЕМС-30РС-UV, позволяющем проводить измерения значений оптической плотности с точностью 0,3 % и высоким разрешением в диапазоне 190-1100нм. Измерение спектров флюоресценции и возбуждения люминесценции проводилось на установке, собранной на базе двух монохроматоров типа МДР-76 с фотоэлектронной регистрацией. Для удобства сравнения спектров поглощения и флюоресценции, они нормированы к единице. Дисперсию оптического вращения и спектры линейного дихроизма снимали на круговом дихрографе Jasko-20, с использованием оптической приставки двойного параллелепипеда Френеля, рассчитанного для видимой и УФ части спектральной области.

В качестве растворителей были использованы: бидистиллированная вода, этиловый спирт, ацетон, хлороформ очищенный согласно методики [8]. Самосборка молекул рибофлавина была осуществлена в бинарных смесях растворителей: спирт + ацетон, спирт + хлороформ. Кванто-химический расчёт электронного строения, распределения зарядов и дипольный момент, в основном и возбуждённом состоянии электронов проведён с помощью пакета программ МОРАС 2009 [15], полуэмпирическим методом AM1 по стандартным выборам параметров [9]. Предварительно проведена оптимизация геометрий молекул с использованием ограниченного метода Хартри-Фока и алгоритма Полак-Рибьера с точностью 0,001ккал/(А<sup>0</sup> моль) и учетом различных вариантов исходных конформаций.

### Экспериментальные результаты и их обсуждение

**1. Влияния концентрации и состава бинарности растворителей.** В ранних наших работах была изучена концентрационная зависимость электронных спектров рибофлавина в воде. Показано, что в высококонцентрированных водных растворах ( $10^{-5} \text{ м} \div 2 \cdot 10^{-3} \text{ м}$ ) наблюдается падение поглощательной и люминесцентной способности раствора, т.е. наблюдается гипохромный эффект. Эти явления объясняют, что при концентрации  $10^{-5} \div 10^{-6} \text{ м}$ , молекулы рибофлавина находятся в мономерном состоянии. Наблюдаемый гипохромный эффект в интервале высоких концентрации относится к самоагрегатам молекул рибофлавина.


Существенные деформации электронных спектров наблюдались в бинарных смесях растворителей[4-7].

Бинарные растворители были выбраны таким образом, чтобы концентрация исследуемого соединения оставалась постоянной, менялись соотношения бинарности смесей растворителей. Во втором случае состав бинарных смесей растворителей оставались постоянными, менялась концентрация витамина  $B_2$ . Другим условием применения бинарных растворителей определялось тем, что растворители бесконечно растворялись между собой. В качестве примера на рис.1 приведены спектры поглощения рибофлавина при постоянной концентрации ( $С 10^{-4} \text{ М}$ ) в бинарных смесях растворителей спирт + ацетон в зависимости от доли добавляемого ацетона.

Из рис. 1а следует что, спектр поглощения рибофлавина в этиловом спирте практически совпадает с полосой витамина  $B_2$ , полученного в разбавленных водных растворах. Однако с увеличением доли ацетона в бинарных смесях наблюдается падение интегральных полос поглощения рибофлавина. В этих случаях также наблюдается падение относительной интенсивности свечения молекул витамин  $B_2$ . Аналогичные изменения электронных спектров, а также относительного выхода свечения при постоянном

## ANIQ VA TABIIY FANLAR


соотношении бинарных смесей растворителей наблюдаются с увеличением концентрации рибофлавина.



**Рис. 1а. Спектр поглощения рибофлавина (СМ) в бинарной смеси растворителей спирт+ацетон в зависимости от доли добавляемого ацетона (0-1; 20-2; 30-3; 50-4; 70-5) в % объёмного соотношения**

На рис. 1б приведена зависимость относительности выхода свечения от концентрации молекул рибофлавина при постоянных смесях бинарных растворителей спирт + ацетон (0,35-0,65). Как видно из рис.1б, при постоянном соотношении бинарных смесей растворителей наблюдаются концентрационные тушения люминесценции. Такие концентрационные тушения люминесценции наблюдались нами в бинарных смесях растворителей для молекул арилэтилена и пищевых красителей. Эти явления объясняются проявлением агрегации исследуемых молекул в бинарных смесях растворителей [4,10,7]. Наблюдаемые явления в бинарных смесях растворителей спирт +  $CHCl_3$  и спирт + ацетон, также, возможно, связаны с процессом проявления самоагрегаций молекул витамина  $B_2$ .

Процесс агрегации в бинарных смесях растворителей для молекул рибофлавина возможно объяснить на основании следующих рассуждений. При растворении рибофлавина в спирте каждая молекула рибофлавина окажется в сольвате спиртового растворителя. При этом исключаются ММВ непосредственно между молекулами растворённого соединения, и они окажутся в мономерном состоянии.



**Рис. 1б. Зависимость относительного выхода свечения от концентрации молекул рибофлавина в бинарной смеси растворителей спирт + ацетон (0,35 + 0,65)**

Добавление нерастворимого компонента растворителей, причем эти компоненты объединяются водородной связью,  $R\text{OH} \dots OR$ , либо  $R\text{OH} \dots ClR_2$ , где  $R, R_1$  и  $R_2$  соответственно отставшая часть молекул спирта, ацетона и хлороформа соответственно. В результате ММВ сольват вокруг растворённого вещества ослабевает. Увеличение доли второго компонента бинарного растворителя приводит к дальнейшему ослаблению сольвата вокруг каждой




## ANIQ VA TABIIY FANLAR

молекулы рибофлавина. В этих случаях молекулы исследуемого соединения выходят из сольвата и появляется возможность взаимодействия между молекулами растворённых молекул.

Эти процессы приводят к образованию локального объема с высокой концентрацией, которые приводят к самоагрегатам витамина  $B_2$ . При этом осуществляется самосборка молекул рибофлавина. На первом этапе агрегации образуются димеры. По мере увеличения доли нерастворимого компонента  $CHCl_3$ , ацетона, процесс агрегирования молекул медпрепарата усиливается и образуются сложные или более сложные агрегаты витамина  $B_2$ . Для подтверждения данного предположения нами проведены температурные исследования электронных спектров растворов рибофлавина, где наблюдается гипохромный эффект в полосе поглощения и свечения.

**Температурные исследования.** Экспериментально установлено, что при увеличении температуры раствора, где происходит гипохромный эффект, наблюдались рост интенсивности поглощательной и люминесцентной способности раствора. При температуре  $75-80^{\circ}C$ , происходит восстановление спектров поглощения и свечения мономерных молекул исследуемого соединения. Из температурных опытов была определена энергия связи самоагрегатов молекул рибофлавина. Данная энергия соответствует значению 20-22 КДж/моль, что соответствует энергии водородной связи.

На основе полученных экспериментальных результатов можно предположить, что определённая энергия связи относится к системе спирт + ацетон, спирт + хлороформ, а молекулы рибофлавина объединяются между собой под действием сил Ван-дер-Вальса. Для выяснения какие из Ван-дер-Вальсовых сил приведут к само агрегации молекул рибофлавина, определялись распределение зарядов на атомах витамина  $B_2$ . Также были определены дипольные моменты в основном  $\mu$  и  $\mu^*$  возбуждённом электронном состоянии исследуемого соединения [10]. Расчётные значения дипольного момента  $\mu=7,222$  Дб  $\mu^*=23,538$  Дб. Эти значения показывают, при самоагрегации молекул рибофлавина происходит сильное диполь-дипольное взаимодействие. В целях выявления природы электронных состояний нами были определены частоты 0-0перехода и, наиболее вероятные переходы в поглощение и люминесценции, рассчитанные для мономерных и самоагрегатов молекул рибофлавина. Для этой цели электронные спектры были переведены в шкале частот и по интенсивности нормированы к единице (рис. 2).



**Рис. 2. Нормированные спектры поглощения (1) и флюоресценции (2) разбавленных растворов рибофлавина**

Как видно из рис. 2, значения частот, соответствующие точке пересечения нормированных спектров поглощения и свечения, т.е. для разбавленных растворов соответствуют значению частот чисто электронного перехода  $\nu_{00}=20.200\text{см}^{-1}$ . Наиболее вероятные переходы частот в поглощении ( $\nu_p^a$ ) (слева направо по шкале частот) для разбавленных растворов водных и бинарных смесей растворителей соответствуют:

---

**ANIQ VA TABIIY FANLAR**


---

$$\nu_p^{a1} = 22300\text{см}^{-1} \text{ и } \sigma_p^{a1} = 4530\text{см}^{-1}; \nu_p^{a2} = 26800\text{см}^{-1} \text{ и } \sigma_p^{a2} = 8580\text{см}^{-1};$$

$$\nu_p^{a3} = 37450\text{см}^{-1} \text{ и } \sigma_p^{a3} = 4660\text{см}^{-1}; \nu_p^{a4} = 44840\text{см}^{-1} \text{ и } \sigma_p^{a1} = 5730\text{см}^{-1};$$

где,  $\sigma_p^{a1}$  значения полуширины соответствующих полос поглощения.

Для разбавленного водного раствора рибофлавина максимум интенсивности свечения соответствует частоте  $\nu_p^f = 19050 \text{ см}^{-1}$  и полуширина этой полосы имеет значение  $\sigma_p^f = 2500 \text{ см}^{-1}$ .

Аналогичным образом хотелось бы получить нормированные спектры поглощения и свечения для концентрированных водных и бинарных смесей растворителей рибофлавина. Однако, в водных и бинарных смесях растворителей медпрепарата спектры поглощения окажутся бесструктурным. На фоне бесструктурности в нормированных спектрах проявляются электронные полосы поглощения и свечения со следующим значениям частот:  $\nu^a = 22120, 37450, 4500 \text{ см}^{-1}, 19050 \text{ см}^{-1}$ . Эти электронные полосы по своим максимумам и по форме соответствуют разбавленным растворам рибофлавина. Эти результаты показывают, что концентрированные растворы витамина  $B_2$  обладают полосами поглощения намного меньшей интенсивности по отношению к электронным полосам разбавленных растворов. Те полосы поглощения являются скрытыми на фоне бесструктурного адсорбционного раствора.

**Исследования по спектрам линейного дихроизма.** В работе [10, 5, 6] отмечается, что спектры линейного дихроизма являются более информативными по отношению к спектрам поглощения. Для получения соответствующей информации о положении полос для концентрированных растворах препарата были исследованы возможность измерения спектров линейного дихроизма. Одну из таких возможностей мы реализовали с использованием кругового дихрографа Jasco-20, применяя рассчитанную и изготовленную для видимой и УФ части спектра, оптическую приставку, двойного параллелепипеда Френеля. На практике мерой кругового дихроизма служит величина эллиптичности, определяемая отношением малой и большой оси эллипса [7,10].

Экспериментально установлено, что при прокачке раствора самособранных молекул через проточную кювету, они становятся оптически активными. Такая проточная кювета разработана и запатентована авторами, а также применена для снятия линейного дихроизма пищевых красителей и витаминов [9,14].

Только в этом случае дихрограф регистрирует кривую спектра линейного дихроизма. Для чёткого снятия спектра линейного дихроизма экспериментально определена скорость прохождения раствора через проточную кювету (2мм/час). Такое значение скорости было выбрано для того, чтобы обеспечить ламинарность гидродинамического потока. При этом линейно-поляризованный свет падает под углом  $45^\circ$  на измерительную кювету. Экспериментально установлено, что при прокачке растворов самособранных молекул через проточную кювету, они становятся оптически активными.

Факт присутствия «положительных» и «отрицательных» направлений угла вращения плоскости поляризации показывает, что наблюдаемый спектр является результатом ММВ в виде экситонного взаимодействия, которое проявляется в процессе самосборки молекул рибофлавина в концентрированных водных растворах. В пользу такого предположения можно отнести факт наблюдения, как коротковолновых, так и длинноволновых полос в спектре линейного дихроизма [1-16].

Из анализа литературных данных следует, что проявление экситонного взаимодействия приводит к резонансному расщеплению возбужденного электронного состояния. На рис. 3 приведена схема электронных переходов между основным и возбуждённым состояниями рибофлавина в разбавленном (а) и концентрированном (б) водном растворе.




Рис. 3. Схема частот электронных переходов мономеров (м) и самоагрегатов (а) молекул рибофлавина

Из рис. 3 следует, что действительно, в концентрированных растворах наблюдается резонансное расщепление возбужденного электронного состояния витаминного препарата. Как видно из рис 3 величины резонансного расщепленные составляют  $\Delta\nu=3000\text{cm}^{-1}$  в электронных схемах толщина линии указывает на электронные переходы, которые проявляются в спектре поглощения. При этом, электронные переходы соотносятся между собой как отношения величины оптических плотностей. Для приведенной схемы можно записать следующие соотношения:

$$\Delta E_c = \Delta E + \Delta D + V_{1,2},$$

где:  $\Delta E_c$  и  $\Delta E$  – энергия электронного перехода для молекул, находящихся в концентрированных и разбавленных растворах соответственно.  $\Delta D$  – разность энергии взаимодействия возбужденных и нормальных молекул.  $V_{1,2}$  – энергия экситонного взаимодействия между молекулами в концентрированном локальном объеме растворителей.

Расчётные значения  $V_{1,2}$  соответствуют  $\cong 1700\text{cm}^{-1}$ , что является характерным для индуктивной связи. По-видимому, под действием этой силы образуется самосборка молекул.

Таким образом установлено, что молекулы самоагрегатов рибофлавина образуются под действием Ван-дер-Ваальсовых сил и наиболее вероятными являются диполь-дипольные взаимодействия. Определено, что в растворах витамина В<sub>2</sub> также происходит сильное индуктивно-индуктивное взаимодействие в результате которого происходит расщепление возбужденных электронных состояний рибофлавина в процессе их самоагрегации. Показано, что самособранные молекулы производного флавона обладают достаточно высоким значением оптической активности и обладают линейным дихроизмом.

#### ЛИТЕРАТУРА

1. Астанов С. Фотоника молекул пищевых красителей. Диссертация на соискание степени доктора физико-математических наук. Ташкент 2003.
2. Астанов С.Х., М.З.Шарипов, А.Р.Файзуллаев, Э.Н.Курталиев, Н.Низомов, Термодеструкция рибофлавина в различных агрегатных состояниях. Ж.Прикладной спектроскопии, стр81, 2014 №1
3. Астанов С.Х., Касимова Г.К.. Оптические кюветы и системы для изучения фотоники анизотропных молекул. Монография. 2019. LAP LAMBERT Academic Publishing. ISBN: 978-620-0-47852-8.
4. Astanov S.Kh., Kasimova G. K., Sharipov M.Z. Optical systems for removal of polarization spectra. ISSN 1811-1165. Eurasian Physical Technical Journal, 2019, Vol.16, No.2(32), P. 50-56
5. Astanov S.Kh., Kasimova G.K. The nature of electronic spectra of self-combined riboflavin molecules. Eurasian Physical Technical Journal, 2018, Vol.15, No.1(29), P 66-72
6. Astanov S.Kh., Sharipov M.Z, Kasimova G. K. Hypochromic effect in riboflavin solutions. ISSN 1811-1165. Eurasian Physical Technical Journal, 2019, Vol.16, No.1(31), P. 12-18
7. Astanov S., Sharipov M.Z., Fayzullayev A.R., Kurtaliyev E.N., Nizomov N.N. et al./Journal of Structure 1071 (2014) 133-138
8. Гордон А., Форд Р. Спутник химике. – М.: Мир, 1976. 54с
9. Каххаров А.М., Бахрамов С.А., Махманов У.К., Исмаилова О.Б., Гафуров Ш.П., Коххарова М.У. «Исследование процесса самосборки молекул фуллерена C<sub>60</sub> в бинарной смеси ЭТАНОЛ+БЕНЗОЛ».

ANIQ VA TABIIY FANLAR

Международная конференция. – Самарканд, 22-24 сентября 2016г. С.58.

10. Kasimova G.K., Astanov S., Kurtaliev E.N., Nizomov N. Structure of self-assembled riboflavin molecules in solutions. //Journal of Molecular Structure 2019. V.1185. P.107–111.

11. Лебедев-Степанов П.В., Кадушиников Р.М., Молчанов, Рубин Н.И., Штуркин Н.А., Алфимов М.В. // Российские нанотехнологии. 2011. №1-2. Сс. 83.

12. Лебедев-Степанов П.В., Кадушиников Р.М., Молчанов С.П. и др. Самосборка наночастиц в микрообъеме коллоидного раствора: физика, моделирование, эксперимент. // Российские нанотехнологии. – 2013. – Т. 8, № 3-4. – С. 5-23.

13. Махманов У.К., Исмаилова О.Б., Каххаров А.М., Бахрамов С.А., Гафуров Ш.П., Коххарова М.У. Самоорганизация молекул фуллерена C<sub>60</sub> в бинарной смеси ЭТАНОЛ+БЕНЗОЛ. Международная конференция, – Самарканд, 22-24 сентября 2016г. С.59.

14. Платон. Избранные диалоги. – М.: АСТ, 2006. – 512 с.

15. Stewert J.J.P., J.Comput-Aided Mol. Des.4(1990) 1.

16. Ching-Yi Wu and Yu-Chie Chen. Riboflavin immobilized Fe<sub>3</sub>O<sub>4</sub> magnetic nanoparticles carried with n-butylidenephthalide as targeting-based anticancer agents. Artificial Cells, Nanomedicine, and Biotechnology 2019, V. 47, №1, P. 210–220

УДК: 621.35.0 35

**САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ЗАРАРЛИ ГАЗ ВА ЧАНГЛАРДАН ТОЗАЛОВЧИ  
ЭНЕРГИЯ САМАРАДОР ЭЛЕКТР ФИЛЬТРЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ**

**ПРИМЕНЕНИЕ В ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЯХ ЭНЕРГОЭФФЕКТИВНЫХ  
ЭЛЕКТРИЧЕСКИХ ФИЛЬТРОВ ДЛЯ ОЧИЩЕНИЯ  
ОТ ВРЕДНЫХ ГАЗОВ И ПЫЛЕЙ**

**APPLICATION OF ENERGY EFFICIENT ELECTRIC FILTERS FOR CLEANING  
FROM HARMFUL GASES AND DUST IN INDUSTRIAL COMPANIES**

*Хафизов Ислом Икромович*

*БухМТИ электр механикаси ва технологиялари каф. доц.,*

*Шарипов Шерзод Насим ўгли*

*БухМТИ электр механикаси ва технологиялари каф. ассис.,*

*Худойназаров Фаррух Жуманазар ўгли*

*БухМТИ магистранти,*

*Хафизов Худоёр Исломович*

*БухМТИ талабаси*

**Аннотация.** Мақолада саноат корхоналарида зарарли газ ва чанглари тозаловчи энергия самарадор ва экологик тоза электр филтрларни қўллаш услуби баён этилган бўлиб, электр филтрларни турли хил шароитларда ва ҳатто юқори ҳароратли ва кимёвий фаол газларни тозалашида қўллаш шартлари келтирилган. Шунингдек мақолада келтирилган қурилмаларни саноатда қўллаш корхонадаги заҳарли чанг заррачалардан тозалаш имкониятини беради.

**Таянч сўзлар:** филтр, дисперс, циклон, аэрозол, электрон-ион технология, ион, тож разряд, эмпирик, Дрейф, металургия.

**Аннотация.** В данной статье изложено применение энергосберегающих и экологически чистых электрических фильтров на промышленном предприятии, которые предназначены для высокоэффективной очистки технологических газов и аспирационного воздуха от твердых или жидких частиц, выделяющихся при технологических процессах в различных отраслях промышленности.

**Ключевые слова:** филтр, дисперс, циклон, аэрозоль, электронно-ионная технология, ион, коронный разряд, эмпирик, дрейф, металургия.

**Abstract.** In given article application power saving and ecological pure electric filters in the industrial enterprise which are intended for highly effective clearing of technological gases and

*charged air of the solid or liquid particles allocated at technological processes in various industries is stated.*

**Keywords:** *The filter, dispers, a cyclone, aeroharms, an elektron-ion technology, an ion, a crown the category, emgirc, drift, metallurgy.*

**Кириш.** Кўплаб саноат корхоналари (металлургия, кимё, цемент, курилиш материаллари заводлари, текстиль фабрикалари, қозонхоналар ва бошқалар) атроф-муҳитни ифлословчи манбалардир. Уларда атмосферага катта миқдорда чанг-қурум томчилари чиқарилади. Бу заррачаларнинг ҳаводаги таркиби (ҳавода муаллақ туриши) ҳар хил дисперслиликка эга. Катта дисперсли заррачалар (ўлчамлари 1 микрометрдан катта) газ оқимидан циклон деб аталувчи механик филтёрлар билан олиб ташланиши мумкин [2]. Майда дисперсли заррачалар, яъни аэрозоллар газ ҳаракатининг кичик тезликларида ҳам муаллақ ҳолатда бўлади. Бундай зарарли аэрозолларни ҳозирда ишлатилаётган механик филтёрлар билан тозалашнинг имкони йўқ.

**Асосий қисм.** Ҳозирги вақтда янги илғор технологиялар қаторига электр технологиялар киради. Улар меҳнат унумдорлигини ошириш, ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқаришда энергия ва материаллар сарфланишини камайтириш имконини беради. Электр технологиялар ҳам шу илғор технологиялар қаторига киради. Электротехнологик усуллари қўллаш кўп ҳолларда меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулотни сифатини яхшилаш, буюмларнинг ишончилигини ошириш, меҳнат сарфларини камайтириш, ишчи жараёнларни автоматлаштириш, олдиндан белгилаб олинган хусусиятларга эга янги материаллар ва маҳсулотларни олиш, технологик жараёнларни жадаллаштириш, меҳнат ва материалларни яхшилаш ва ишлаб чиқаришнинг атроф-муҳитга зарарли таъсирини камайтиришга олиб келади [2].


Электрон-ион технологияни характерли хусусиятлари – усулнинг универсаллиги: ҳар қандай материаллар (ўтказувчи ҳамда изоляцияловчи) электрлангирилиши мумкин ва зарядланган ҳолда электр майдон таъсирига қўйилиши мумкин. Бундан ташқари, материаллар майдаланган (дисперланган) ҳолатда ишлатилади, бу эса узлуксиз жараённи мослаштириб бошқариш ва ташкил этиш имконини беради.

Заррачалар газ оқимида муаллақ ҳолатда бўлганлиги сабабли уларни маълум сирт билан тўқнаштиришнинг иложи йўқ, шунинг учун бу ерда контактли электрлаштириш усули қўлланилмайди. Фикримизча, бу ерда ионли электрлаштириш усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Электр филтёрларда ионли электрлаштириш усули қўлланилади, бу усулда чиқариб ташланаётган газ оқимидаги зарядланган заррачалар аэрозоллар билан тўқнашиб, уларга электр зарядларини бериши мумкин ва улар билан тесқари қутбли электродларга электр майдон кучи билан тортилиши мумкин. Аммо бу жараёнда ҳосил бўладиган ток заррачаларининг электродлар томон оқими газдаги зарядланган заррачаларнинг озлиги сабабли жуда кичик. Ионлашган заррачалар сонини кўпайтириш учун тож разряд ҳосил қилинади ва у электрон оқимини кескин кўпайтиради. Тож разряд ҳосил қилган шу электронлар газ оқимидаги аэрозоллар билан тўқнашиб, уларга электр зарядларини беради.

Тож разряд кескин бир жинсли бўлмаган электр майдонда ҳосил бўлади. Бунинг учун электродлар иккита концентрик цилиндрлар тизимида ясаиб, бири (тожланувчи) иккинчисидан анча кичик, масалан, уларнинг радиуслари нисбати 10 дан юқори қилиб олинади. Бу ҳолда кичик электродни яқинидаги электр майдонни кучланганлиги катта ва кучланганлик 15 кВ/см ва юқорироқ миқдорга етганда, кичик радиусли электрод атрофида газнинг интенсив ионланиши бошланади.

Одатда тожланувчи электрод 4 га манфий потенциал берилади (1-расм), ташқи (чўктирувчи) электрод 5 га – мусбат потенциал. Бу ҳолда аэрозоллар 2, чўктирувчи электрод 5 га тортилади. Тожнинг зонаси нисбатан кичик бўлгани учун ифлосланган газнинг асосий қисми тож 3 ва чўктирувчи электрод 5 орасидан ўтади. Шунинг учун ифлос газларнинг энг кўп қисми ташқи электродга чўқади [1].






**1-расм. Электрофильтрада заррачаларни электрлаштириш ва чўктириш схемаси:  
1-ўзгармас ЭЮК манбаси, 2-газдаги чангни заррачалари, 3-тож чегаралари,  
4-тожланувчи электрод, 5-чўктирувчи электрод, 6-электронлар,  
7-мусбат ионлар, 8-манфий зарядланган ионлар**

Электр филтрларнинг конструкциялари ҳар хил бўлиши мумкин. Газлар оқимларининг йўналишига қараб вертикал ва горизонтал электр филтрлар мавжуд. Чўктирувчи электрод конструкциясига қараб трубкали ва пластинкалилар мавжуд. Электродларга чўктирилган заррачаларни олиб ташлаш усулига қараб электр филтрлар курук ва хўл бўлади. Курук электр филтрларда электродларга ўтирган заррачалар силжитиш йўли билан олиб ташланади, яъни улар оғирлик кучи таъсирида бункерга тушади ва кейин қурилмадан чиқаради. Хўл филтрларда электродларга ўтирган заррачалар сув билан ювиб ташланади.

Бундан ташқари газларни зарарли чанглардан тозалаш учун трубкали ва пластинкали электрофильтрлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Бундай электр филтрларнинг тузилиши 2-расмда кўрсатилган.

Филтрга кўпайтирувчи трансформатор 2 ва тўғрилагич 3 дан кучланиш берилади. Трансформаторнинг кучланиши ва, демак, филтрнинг характеристикаларини ростлагич 1 ёрдамида ўзгартириш мумкин. 1,б-расмда пластинкали горизонтал филтрнинг тузилиш схемаси берилган, унда тожланувчи қатор электродлар 5 иккита чўктирувчи 4 электродлар оралиғига осиб қўйилган.

Пластинкали электрофильтрларда электр майдон трубкалилардагига нисбатан кувватсизроқ, аммо уларни тайёрлаш осонроқ ва электродлар силкитилишини таъминлаш осонроқ.



**2-расм. Трубкали (а) ва пластинкали (б) электрофильтрларни тузилиши**

Электрфилтрларни кучайтирувчи трансформаторлар кўп ҳолларда 380 В га мўлжалланган бир фазали қилиб тайёрланади. Чиқиш кучланиш 80 В гача етиш мумкин. Ҳисоб-китобларга кўра бундай электр филтрларда маҳсулдорлигига қараб 0,25 дан 2,5 ампергача токга мўлжалланган тиристорли кучланиш ростлагичлари ўрнатилиши мақсадга мувофиқ. Электродлар оралиғидаги тож ҳосил қилувчи кучланиш кВларда, эмпирик формуладан тахминан топилиши мумкин:

## ANIQ VA TABIIY FANLAR

$$U_k = \pi \rho \left( 1 + \frac{0,308}{\sqrt{\rho r_0}} \right) r_0 \ln \frac{2h}{r_0}, \quad (1)$$

бунда:  $\rho$ -тозаланаётган газни зичлиги, кг/м<sup>3</sup>;  $r_0$ -тожланувчи электродни радиуси, мм;  $h$ -электродлар орасидаги масофа, мм. Тозаланиш даражаси  $\eta$  (%) заррачаларни газдаги дрейфини тезлигига ( $v_r$ , см/с), чўктирувчи электродларни сиртига ( $S$ , м<sup>2</sup>) боғлиқ ва куйидаги ифодадан топилади:

$$\eta = \left( 1 - e^{-\chi v_r S / V} \right) \cdot 100\%$$

$\chi$ -заррачаларнинг электрофильтр кесимида тақсимланишини нотекислик коэффиценти;  $S$ -чўктирувчи электродларни сирти, м<sup>2</sup>,  $V$ -газни ҳажмий сарфи, м<sup>3</sup>/с.


Электр фильтрларда газни тозаланиш даражаси энергияни сарфи озлигида (0,3 кВтсоат/минг м<sup>3</sup>) ва фильтрда газни босимини деярли йўқотмай 99 %гача етиши мумкин. Заррачаларни чўктирувчи электрод томон харакатини тезлиги уларни ўлчамлари ва электр майдон кучланганлигини квадратига пропорционалдир. Демак, электр фильтрда биринчи навбатда катта заррачалар чўкади. Дрейфни тезлигини майдон кучланишига боғлиқлигини квадратик характеридан келиб чиқадики, жараёни максимал мумкин бўлган кучланиш, яъни учкун разряд чегарасида олиб бориш фойдалидир.

Газларни электр фильтрларда тозалаш сифатига чўктирилган чангни электроддан олиб ташланиши таъсир қилади. Газ оқимида чўктирилган чангнинг жуда оз қисми қайтарилиши тозаланишни сезиларли ёмонлаштиради. Электродларни силкитилишида заррачаларни ажратиб, газ оқими уларни қайта олиб кетишида, уларни чўктирилган қатламдан янги заррачалар ўрнашишида уриб чиқарилишида содир бўлади. Қайта олиб кетишга электродларни конструкцияси ва бошқа омиллар таъсир қилади.

Қайта олиб кетишни камайтириш учун газни бир оз турбулентлик ва оқимнинг текис тақсимланиши билан маълум тезлигини таъминлаш керак, силкитишда чангни катта блоklar шаклида ташлаш ҳам таъсир қилади. Қатор ҳолларда электрофильтрдан олиб ташланаётган чанг қиммат компонентларга эга. Хусусан, металлургия печлари чиқараётган чангда кумуш, цинк, сурьма, кўрғошин, магний ва бошқалар мавжуд. Бу элементларнинг бирикмалари соғлиқ учун зарарли. Электрофильтрлар ёрдамида уларни ушлаб қолиш эса атроф-муҳитни ифлос қилмасликдан ташқари иқтисодий фойда беради. Масалан, катта цемент заводида электрофильтр ўрнатилса, бир суткада битта фильтрда 120 тонна цемент чанги қайта тикланади (энергия сарфи 1,9 кВт·соат/т, бу эса бир тонна цемент ишлаб чиқаришга сарфланувчи энергиядан ўнлаб марта кам).

Электрофильтрларнинг таъминот манбалари таркибига кучланиш ростлагич, кучайтирувчи трансформатор, тўғрилагич ва интегратор киради. Ишлаш асосига кўра таъминот манбалари ток манбаи ва кучланиш манбаи турларига бўлинади. Электрофильтр ток манбаидан таъминланганида (таркиби: автотрансформатор, ўзини тўйинтирувчи магнит кучайтиргич, тиристорли ростлагич) тожнинг токи деярли ўзгармайди, чиқиш кучланиши эса юкланиш қаршилигига пропорционал равишда ўзгаради.

Электрофильтр кучланиш манбаидан таъминланганида тожнинг токи кучланишга боғлиқ даражаси юқоридир. Электрофильтрлар таъминот агрегатларининг ростлаш тизимлари куйидаги вазифаларни бажаради: 1) кучланишни минимал қийматидан максимал қийматгача ростлаш ва уни тешиш қийматига етганида чеклаш ҳамда берилган қийматгача пасайтириш билан бирга барқарор сақлаб туриш; 2) электрофильтрларнинг ёйли разрядларидан ажраладиган энергияни чеклаш (электродларнинг эриб кетишидан сақлаш учун) ва тешиб ўтиш кучланиши қийматида ёйни ўчириш учун зарур таъминлашдаги узилишлар вақти минимал бўлишини таъминлаш; 3) фақат минимал қийматли юқори кучланишни сақлаш; 4) кучланишни дастаки ростлаш; 5) агрегатнинг авария ҳолатларидан огоҳлантириши ва зарур бўлганда ўчириш.



**3-расм. АТФ турдаги таъминот манбаининг принципиал электр схемаси:**  
**1-автомат; 2-тўсиқлардан химоя фильтри; 3-тиристорли блок; 4-реактор;**  
**5-кучайтирувчи трансформатор; 6-тўғрилагич; 7-силикловчи реактор;**  
**8-коммутация ва бошқариш блоки**

Ҳозирда электрофильтрларни таъминлашда тиристорли кучланиш ростлагичли АТФ турлари кенг қўлланилади. Бу турдаги таъминот манбаларида кучланишнинг экстремал қийматларини белгилаш ва унинг қийматини бутун иш режими давомида узлуксиз назорат қилиб бориш мумкин (3-расм). Бу таъминот манбаида тожнинг нолдан номинал қийматигача токи ва кучланишини дастаки ва автоматик ростлаш мумкин.

**Хулоса.** Шундай қилиб, газларни электр усулларида тозалаш саноатни ҳамма соҳаларида газ оқимларидан муаллақ ҳолатдаги чанг ва қўшилмаларни юқори самара билан тозалаш имконини беради. Электрофильтрлар саноат газларини чанг ва суюқ зарралардан тозаловчи мукамал қурилмалардир. Электрофильтрлар турли шароитларда, ҳатто юқори ҳароратли ва кимёвий фаол газларни тозалашда ҳам қўлланилади. Улардан цемент, кимё, металлургия саноатлари ва иссиқлик электр станцияларида ҳам фойдаланиш мумкин.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Болотов А.П., Шепель Г.А. *Электротехнологические установки*. – М.: Высшая школа, 1988. – 336 б.
2. Джурбаев М. *электротехнология ва унинг қурилмалари*. – Наманган, 2003.

УДК: 681.3

## УЗЛУКСИЗ ШИФРЛАШ АЛГОРИТМЛАРИДА МАНТИҚИЙ АМАЛЛАР ВА ЖАДВАЛЛИ АЛМАШТИРИШЛАРНИНГ ТАТБИҚИ

### ПРИЛОЖЕНИЯ ЛОГИЧЕСКИХ ОПЕРАЦИЙ И ТАБЛИЧНЫХ ЗАМЕН ПРИ СОЗДАНИИ НЕПРЕРЫВНЫХ ШИФРОВ

### APPLICATIONS OF LOGICAL OPERATIONS AND TABULAR REPLACEMENTS WHEN CREATING CONTINUOUS CIPHERS

*Акбаров Давлатали Егиталиевич*

*Кўқон ДПИ математика каф. доц., физ.-мат.ф.н.,*

*Умаров Шухратжон Азизжонович*

*ТАТУ Фаргона филиали ахборот технологиялари каф. кат. ўқит.*

**Аннотация.** Мақолада узлуксиз шифрлаш алгоритмлари яратилишида мантиқий ва жадвалли алмаштиришларни қўллаш асослари ёритилган. Аввал мантиқий амаллар комбинацияларига асосланган псевдотасодифий кетма-кетлик ишлаб чиқиш алгоритмлари

## ANIQ VA TABIIY FANLAR

моделлари ўрганилади. Сўнгра текис тақсимланган жадвалли алмаштиришларнинг узлуксиз шифрлаш алгоритлари яратилади. Дастлабки калит блоқи битларини циклик суриши ҳамда улар бирикмасидан ҳосил қилинган даври етарли катта узунликка эга псевдотасодифий кетма-кетликдан узлуксиз шифрлаш алгоритмидан фойдаланиши ифодаланган. Битлар бирикмаларидан иборат текис тақсимланган жадвалли алмаштиришдан фойдаланиб, узлуксиз шифрлаш алгоритмлари яратилган. Бунда икки битлик, уч битлик чинлик жадвалларидан фойдаланилади. Шунингдек, бир нечта узлуксиз шифрлаш алгоритмлари ишлаб чиқилиб, уларнинг бардошли узлуксиз шифрлаш алгоритмлар туркуми мезонлари талабларига жавоб бериши кўрсатилган.

**Таянч сўзлар:** *матиқий ва жадвалли алмаштиришлар, узлуксиз шифрлаш, криптоалгоритм, псевдотасодифий кетма-кетлик, шифр қиймат, шифр белги, шифрлаш алифбоси белгилари тўплами қуввати.*

**Аннотация.** *В статье описывается обоснование использования логических и табличных перестановок при создании алгоритмов непрерывного шифрования. Сначала рассматриваются модели алгоритмов разработки псевдослучайных последовательностей, основанные на комбинациях логических операций. Затем создаются алгоритмы непрерывного шифрования равномерно распределенных сдвигов таблиц. Описана циклическая передача битов блока первичного ключа и использование алгоритма непрерывной псевдослучайной последовательности с достаточно большой длиной, генерируемой из их комбинации. Постоянные алгоритмы шифрования были созданы с использованием однораспределенного сдвига таблицы, состоящего из битов. Здесь использует двухбитные, трехбитные таблицы истинности. Кроме того, был разработан ряд алгоритмов непрерывного шифрования, чтобы продемонстрировать, что они соответствуют критериям надежного алгоритма непрерывного шифрования.*

**Ключевые слова:** *логические и табличные замены, непрерывное шифрование, криптоалгоритм, псевдослучайная последовательность, шифр величина, шифр знак, мощность множества знаков шифрования.*

**Abstract.** *The article describes the rationale for using logical and table permutations when creating continuous encryption algorithms. First, models of pseudo-random sequence development algorithms based on combinations of logical operations are considered. Then, algorithms for continuous encryption of uniformly distributed table shifts are created. The cyclic transmission of bits of the primary key block and the use of a continuous pseudo-random sequence algorithm with a sufficiently large length generated from a combination of them are described. Permanent encryption algorithms were created using a single-spread table shift consisting of bits. It uses two-bit, three-bit truth tables. In addition, a number of continuous encryption algorithms have been developed to demonstrate that they meet the criteria of a strong continuous encryption algorithm.*

**Key words:** *logical and tabular replace, continuous encryption, cryptoalgorithm, a pseudo-random sequence, code value, code sign, the cardinality of the set of characters encryption.*

**Кириш.** Узлуксиз шифрлаш алгоритмларининг яратилиши табиий зарурат асосида нисбатан кичик узунликка эга, яъни кафолатланган криптобардошлиликни таъминловчи узунликка эга – бугунги кунда 128 битдан кам бўлмаган калит билан бир томонлама криптографик акслантиришлар асосида, даври етарли даражада катта узунликдаги псевдотасодифий кетма-кетлик гаммасини ишлаб чиқарувчи генераторлар негизида узлуксиз шифрлаш алгоритмлари яратилади [4-7].

Узлуксиз шифрлаш алгоритмлари асосини псевдотасодифий кетма-кетлик ишлаб чиқарувчи генераторлар ташкил этиб, уларнинг криптобардошлигини эса ҳосил қилинган кетма-кетликнинг элементлари тасодифийлиги ҳамда даврининг узунлиги билан баҳоланади [2-6].

Узлуксиз шифрлаш алгоритмларини яратишда ташкил этувчи элемент ва элементлар бирикмалари текис тақсимланган, тасодифийлик даражаси юқори псевдотасодифий кетма-


## ANIQ VA TABIIY FANLAR

кетлик ишлаб чиқарувчи дастурий генераторлардан фойдаланилади.

**Масаланинг қўйилиши.** Чинлик жадвалидаги қийматлар тенг тақсимланган мантиқий амаллар ва жадвали алмаштиришда элементларининг қиймати тенг ва текис тақсимланган акслантиришлардан фойдаланиб, етарли катта узунликдаги псевдотасодифий кетма-кетлик ишлаб чиқишни таъминловчи алгоритмлар моделлари асосида узлуксиз шифрлар яратиш масаласи ечими таҳлил қилинади.

**Масаланинг ечилиши.** Дастлаб фақат мантиқий амаллар комбинацияларига асосланиб, псевдотасодифий кетма-кетлик ишлаб чиқарувчи генераторлар алгоритмлари моделлари яратилиши масаласи ҳал этилади. Сўнгра мантиқий амаллар ва жадвали акслантиришлар асосида псевдотасодифий кетма-кетлик ишлаб чиқарувчи генераторлар алгоритмлари моделлари яратилиши ҳамда уларнинг узлуксиз шифрлашга татбиқлари масалалари ечимлари ёритилади.

Узлуксиз шифрлаш алгоритмлари яратишнинг умумий функционал модели берилган бўлсин (1-расм).



**1-расм.** Узлуксиз шифрлаш алгоритмлари яратишнинг умумий функционал модели

**1. Дастлабки калит блоки битларини циклик суриш ҳамда улар бирикмасидан ҳосил қилинган даври етарли катта узунликка эга псевдотасодифий кетма-кетликдан узлуксиз шифрлаш алгоритми калити сифатида фойдаланиш.**

Бунинг учун  $k_d = k_1 k_2 \dots k_N$ ,  $k_i \in \{0;1\}$ ,  $i = 1, 2, \dots, N$ ;  $N = 2^m$ ,  $m \geq 7$ ; калит олиниб, бу блок битларини чапга ёки ўннга бирор туб сон, масалан  $s=11$  қийматда, циклик равишда сурилади:  $k_s = k_{12} k_{13} \dots k_N k_1 k_2 \dots k_{10} k_{11}$  ҳамда ушбу  $k_s k_d = k_{12} k_{13} \dots k_N k_1 k_2 \dots k_{10} k_{11} k_1 k_2 \dots k_N = k$  бирикма (конкитинация) ҳосил қилинади. Бу бирикмага ҳам бу жараён протокол кўринишида келишилган  $s = 11, 13, 17, 19, \dots < \infty$  каби қийматларда такрорланиб, етарли катта давр узунликдаги, тасодифийлик даражаси юқори бўлган битларнинг псевдотасодифий кетма-кетлик блоки калит сифатида яратилади.

Бундай ёндашув калит блоки битлари ва битлари бирикмаларидан иборат қисм блоklarни тасодифийлигини камайтирмаган ҳолда унинг даврини узайтиришнинг энг ишончли усулидир. Чунки, дастлабки олинган  $k_d = k_1 k_2 \dots k_N$  криптобардошли бўлса, ундан юқоридаги каби ёндашув билан ҳосил қилинган калитнинг битлари ва битлари бирикмаларидан тузилган қисм блоklarнинг самарали аралашуви ҳамда тарқалиши барча



ANIQ VA TABIIY FANLAR

битларга боғлиқ бўлиб, тасодифийлик даражаси талаб даражасида қолишини таъминлаши табиийдир. Етарлича катта давр узунлигидаги криптобардошли калит  $k = \dots k_{12}k_{13}\dots k_{N-1}k_N k_1\dots k_{10}k_{11} k_1k_2\dots k_N$  ҳосил қилиб олинади. Унинг битлари қайта рақамлаб олинади:  $k = \dots k_{12}k_{13}\dots k_{N-1}k_N k_1\dots k_{10}k_{11} k_1k_2\dots k_N = r_1r_2\dots r_{iN} = r$ , бу ерда  $t = 2^\alpha N$  бўлиб, циклик суришлар сони  $\alpha = 1, 2, \dots < \infty$ .

Шу ерда таъкидлаб ўтиш ўринлики, қайта рақамлаб олишда ҳосил қилинган етарли катта даврга эга псевдотасодифий кетма-кетлик блокини дастлабки битларидан бирор қисмини ёки ҳар хил кичикроқ қисмларини ташлаб юбориб, улар ўринлари махфий тутлишининг протоколларини ишлаб чиқиб, тизим криптобардошлигини яна ҳам оширишни ташкилий услубларини таъминлаш мумкин. Яна ушбу  $k_i = r_i, i = 1, \dots, N$ ; қайта белгиловлар қилиб олинади. У ҳолда текис тақсимотга эга чинлик жадвал (1-жадвал) элементлари криптобардошлилик хусусиятли мантиқий амаллардан фойдаланиб, очиқ маълумот  $x = x_1x_2 \dots x_{iN}$  битларини калит  $k = k_1k_2\dots k_{iN}$  мос битлари билан ушбу

$$x *_{i} k = (x_1 *_{i} k_1)(x_2 *_{i} k_2)\dots(x_{iN} *_{i} k_{iN}) = z_1z_2\dots z_{iN} = z, i = 6, 9, 12;$$

$$k *_{i} x = (k_1 *_{i} x_1)(k_2 *_{i} x_2)\dots(k_{iN} *_{i} x_{iN}) = z_1z_2\dots z_{iN} = z, i = 10;$$

модель асосида акслантирилиб, шифрлаш жараёни амалга оширилади [7].

Умумий ҳолда кўриб ўтилган мантиқий амаллар учун дешифрлаш жараёни моделлари қуйидагича:

$$z *_{i} k = (z_1 *_{i} k_1)(z_2 *_{i} k_2)\dots(z_{iN} *_{i} k_{iN}) = x_1x_2\dots x_{iN} = x, i = 6, 9, 12;$$

$$k *_{i} z = (k_1 *_{i} z_1)(k_2 *_{i} z_2)\dots(k_{iN} *_{i} z_{iN}) = x_1x_2\dots x_{iN} = x, i = 10;$$

ифодаланади.

1-жадвал

$x \oplus k =$	$x/k$	0	1
$= x *_{6} k$			
	0	0	1
	1	1	0

$x *_{9} k$	$x/k$	0	1
	0	1	0
	1	0	1

$x *_{10} k$	$x/k$	0	1
	0	1	0
	1	1	0

$x *_{12} k$	$x/k$	0	1
	0	1	1
	1	0	0

Масалан:  $x = x_1x_2\dots x_{iN} = 01011010\dots$  аниқ маълумотни ушбу калит  $k = k_1k_2\dots k_{iN} = 00111100\dots$  билан  $*_{10}$  –мантиқий амал чинлик жадвали бўйича шифрлаш ҳамда дешифрлаш жараёнлари қуйидагича амалга оширилади.

Бу  $*_{10}$ -амал чинлик жадвалига кўра:  $k *_{10} x = 0 *_{10} 0 = 1, k *_{10} x = 1 *_{10} 0 = 1, k *_{10} x = 0 *_{10} 1 = 0, k *_{10} x = 1 *_{10} 1 = 0.$

Унинг аниқ берилган  $x = x_1x_2\dots x_N = 01011010\dots$  очиқ маълумотни калит  $k = k_1k_2\dots k_N = 00111100\dots$  билан шифрлашга татбиқи натижаси

$$k *_{10} x = (k_1 *_{10} x_1)(k_2 *_{10} x_2)\dots(k_N *_{10} x_{iN}) = (0 *_{10} 0)(0 *_{10} 1)(1 *_{10} 0)(1 *_{10} 1)(1 *_{10} 1)(1 *_{10} 0)(0 *_{10} 1)(0 *_{10} 0)\dots = 10100101\dots = z_1z_2\dots z_{iN} = z$$

бўлади.

Дешифрлаш жараёни

$$k *_{10} z = (k_1 *_{10} z_1)(k_2 *_{10} z_2)\dots(k_N *_{10} z_{iN}) = x_1x_2\dots x_{iN} = x$$

моделига кўра:  $k = k_1k_2\dots k_N = 00111100\dots$  ва  $z = z_1z_2\dots z_{iN} = 10100101\dots$  бўлганда,

$$k *_{10} z = (k_1 *_{10} z_1)(k_2 *_{10} z_2)\dots(k_N *_{10} z_{iN}) = (0 *_{10} 1)(0 *_{10} 0)(1 *_{10} 1)(1 *_{10} 0)(1 *_{10} 0)(1 *_{10} 1)(0 *_{10} 0)(0 *_{10} 1)\dots = 01011010\dots = x_1x_2x_3x_4x_5x_6x_7x_8\dots = x,$$

эга бўлинади. Бу ерда  $x = x_1x_2x_3x_4x_5x_6x_7x_8\dots x_{iN} = 01011010\dots$  дастлабки шифрлаш учун олинган очиқ маълумотдир.

## ANIQ VA TABIIY FANLAR

**2. Битлар бирикмаларидан иборат элементлари текис тақсимланган жадвали алмаштириш акслантиришларидан фойдаланиб, узлуксиз шифрлаш алгоритмларини яратиш.** Юқорида олинган дастлабки калит блоки битларини циклик суриш ҳамда улар бирикмасидан даври етарли катта узунликка эга псевдотасодифий кетма-кетлик ҳосил қилинди. Ундан калит сифатида фойдаланиб, чинлик жадвали қийматлари текис тақсимланган чинлик жадвалига кўра, битлар борасида бажариладиган мантиқий амаллар асосида узлуксиз шифрлаш алгоритмлари яратиш масаласи ечилди.

Бу ёндашувнинг криптологик илмий асосларига таяниб, матн ва калит битларининг: 2-тадан, 3-тадан, 4-тадан ва ҳоказо бирикмалари орқали аниқланадиган акслантиришнинг чинлик жадвали бўйича узлуксиз шифрлаш алгоритмлари яратилиши мумкин.

Ҳақиқатан ҳам битлар жуфтликларини акслантиришнинг қуйидаги чинлик жадвали берилган бўлсин. Шифрбелгиларга мос келувчи “00”, “01”, “10”, “11” қийматлар тақсимоти тенг, яъни жадвалда 4 мартадан такрорланиб, текис тақсимотга эгаллиги, бу жадвал билан бажариладиган акслантиришларнинг криптобардошли бўлишини таъминлайди [4,5].

$x *_{(2 \times 2)} k$	$x/k$	00	01	10	11
	00	10	11	00	01
	01	11	00	01	10
	10	00	01	10	11
	11	01	10	11	00

Шифрланиши керак бўлган очиқ маълумот  $x = x_1 x_2 \dots x_{iN} = 01011010 \dots$  калит  $k = k_1 k_2 \dots k_{iN} = 00111100 \dots$  бўлганда шифрлаш жараёни моделини ушбу:

$$x *_{(2 \times 2)} k = (x_1 x_2 *_{(2 \times 2)} k_1 k_2)(x_3 x_4 *_{(2 \times 2)} k_3 k_4) \dots (x_{iN-1} x_{iN} *_{(2 \times 2)} k_{iN-1} k_{iN}) = z_1 z_2 z_3 z_4 \dots z_{iN-1} z_{iN} = z$$

кўринишда яниқлаш мумкин. Очиқ маълумот ва шифрлаш калити битлари кетм-кетлиги блокларини битлар жуфтликларига ажратилади:  $x = x_1 x_2 x_3 x_4 x_5 x_6 x_7 x_8 \dots x_i x_{i+1} \dots$  ҳамда  $k = k_1 k_2 k_3 k_4 k_5 k_6 k_7 k_8 \dots k_i k_{i+1} \dots$ . Шундан сўнг, шифрлаш натижаси сифатида акслантириш жадвали бўйича  $x_i x_{i+1}$ -сатр ва  $k_i k_{i+1}$ -устун кесишган ячейкадаги битлар жуфтлиги  $z_i z_{i+1}$  шифрбелги деб олинади, бу ерда  $i = 1, 2, \dots, N-1$ ;  $N = 2^m$ ,  $m = 7, 8, \dots, M < \infty$ . Шундай қилиб,

$$x *_{(2 \times 2)} k = (x_1 x_2 *_{(2 \times 2)} k_1 k_2)(x_3 x_4 *_{(2 \times 2)} k_3 k_4) \dots (x_{iN-1} x_{iN} *_{(2 \times 2)} k_{iN-1} k_{iN}) = \\ = (01 *_{(2 \times 2)} 00)(01 *_{(2 \times 2)} 11)(10 *_{(2 \times 2)} 11)(10 *_{(2 \times 2)} 00) \dots = 11101100 \dots = z_1 z_2 \dots z_{iN} = z.$$

Дешифрлаш  $k_i k_{i+1}$ -устун бўйича топилган  $z_i z_{i+1}$ -шифрбелгига мос сатрни  $x_i x_{i+1}$  -шифрқиймат деб олиш билан амалга оширилади, яъни:

$$k *_{(2 \times 2)} z = (k_1 k_2 *_{(2 \times 2)} z_1 z_2)(k_3 k_4 *_{(2 \times 2)} z_3 z_4) \dots (k_{iN-1} k_{iN} *_{(2 \times 2)} z_{iN-1} z_{iN}) = (00 *_{(2 \times 2)} 11)(11 *_{(2 \times 2)} 10) \\ (11 *_{(2 \times 2)} 11)(00 *_{(2 \times 2)} 00) \dots = 01011010 \dots = x_1 x_2 \dots x_{iN} = x.$$

Худди 2 талик битлар жуфтликлари каби 3 талик битлар бирикмалари учун қуйидаги акслантириш жадвалини киритиш мумкин:

$x *_{(3 \times 3)} k$	$x/k$	000	001	010	011	100	101	110	111
	000	110	111	000	001	010	011	100	101
	001	111	000	001	010	011	100	101	110
	010	000	001	010	011	100	101	110	111
	011	001	010	011	100	101	110	111	000
	100	010	011	100	101	110	111	000	001
	101	011	100	101	110	111	000	001	010
	110	100	101	110	111	000	001	010	011
	111	101	110	111	000	001	010	011	100

Шифрлаш жараёни моделини ушбу:

$$x *_{(3 \times 3)} k = (x_1 x_2 x_3 *_{(3 \times 3)} k_1 k_2 k_3)(x_4 x_5 x_6 *_{(3 \times 3)} k_4 k_5 k_6) \dots (x_{iN-2} x_{iN-1} x_{iN} *_{(3 \times 3)} k_{iN-2} k_{iN-1} k_{iN}) = \\ = z_1 z_2 z_3 z_4 z_5 z_6 \dots z_{iN-2} z_{iN-1} z_{iN} = z$$

## ANIQ VA TABIIY FANLAR

кўринишда ифодаланади. Шифрлаш натижаси сифатида акслантириш жадвали бўйича  $x_i x_{i+1} x_{i+2}$ -сатр ва  $k_i k_{i+1} k_{i+2}$ -устун кесишган ячейкадаги битлар бирикмаси  $z_i z_{i+1} z_{i+2}$  шифрбелги деб олинади, бу ерда  $i = 1, 2, \dots, tN - 1$ ;  $N = 3^m$ ,  $m = 5, 6, \dots, M < \infty$ .

Дешифрлаш  $k_i k_{i+1} k_{i+2}$ -устун бўйича топилган  $z_i z_{i+1} z_{i+2}$ -шифрбелгига мос сатрни  $x_i x_{i+1} x_{i+2}$ -шифрқиймат деб олиш билан амалга оширилади, яъни:

$$k_{(3 \times 3)}^* z = (k_1 k_2 k_3^*_{(3 \times 3)} z_1 z_2 z_3)(k_4 k_5 k_6^*_{(3 \times 3)} z_4 z_5 z_6) \dots (k_{tN-2} k_{tN-1} k_{tN}^*_{(3 \times 3)} z_{tN-2} z_{tN-1} z_{tN}) = \\ = x_1 x_2 x_3 x_4 x_5 x_6 \dots x_{tN-2} x_{tN-1} x_{tN} = x.$$

Битларнинг 4 талик, 5 талик бирикмалари учун ҳам мос текис тақсимот хоссасига эга акслантириш жадвалларини киритиб, узлуксиз шифрлаш алгоритмларини яратиш мумкин.

**Олинган натижалар таҳлили.** Мақолада дастлабки калит блоки битларини циклик суриш ҳамда улар бирикмасидан даври етарли катта узунликка эга псевдотасодикий кетма-кетлик ҳосил қилиш ёндашуви ва ундан узлуксиз шифрлаш алгоритми учун криптобардошли калит сифатида фойдаланиш илмий асосланди. Чинлик жадвали қийматлари тенг тақсимланган мантиқий амаллар ва битлар бирикмаларидан иборат қийматлари текис тақсимланган жадвалли алмаштириш акслантиришларидан фойдаланиб, узлуксиз шифрлаш алгоритмлари яратишга ёндашувнинг фундаментал асослари ёритилди. Бир нечта узлуксиз шифрлаш туркумига тегишли янги шифрлаш алгоритмлари ишлаб чиқилди. Бу алгоритмлар дастурий таъминотларини, аппарат-дастурий ва аппарат қурилмаларини яратиш қулайлиги билан кенг самарали назарий ҳамда амалий истиқболли татбиқларга эга бўлиши мумкин.

**Хулоса.** Бугунги ахборот техника ва технологиялари жадал ривожланиб, ахборот алмашинувининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий каби соҳаларда глобаллашиб бориши ечилган масалаларнинг долзарб эканлигини белгилайди. Ахборот-коммуникация тармоқларида унинг фойдаланувчилари томонидан алмашинадиган маълумотларнинг кафолатли муҳофазасини таъминлашнинг қулай воситаларини яратиш зарурати масалалари таҳлили ва ечими муҳим бўлиб бораверади.

### АДАБИЁТЛАР

1. Акбаров Д.Е. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг криптографик усуллари ва уларнинг қўлланилиши. – Тошкент: Ўзбекистон маркаси, 2009 – 434 бет.
2. Акбаров Д.Е., Умаров Ш.А., Хасанов Х.М. Ахборот муҳофазасини таъминлаш воситаларининг баъзи масалалари ечимларига мантиқий амаллар татбиқи. // ФарПИ Илмий-техника журнали. -2016, том № 20, махсус нашр. □29-33 бетлар.
3. Акбаров Д.Е., Умаров Ш.А. Узлуксиз шифрлаш алгоритмлари криптобардошлилик мезонларини - критерийларини текшириши. // Муҳаммад ал-Хоразмий авлодлари. Илмий-амалий ва ахборот-таҳлилий журнал. № 3(5). 2018. 65-70 бетлар.
4. Акбаров Д.Е., Умаров Ш.А. Хэши-функция алгоритмининг криптобардошлик зарурийлик мезонларини текшириш усуллари. // Бухоро давлат университети илмий ахбороти. №1. 2019. 20-27 бетлар.
5. Карондеев А. М. Сложение по модулю  $2n$  в блочном шифровании. // ПДМ. Приложение, 2015, № 8, 62–63. DOI: <https://doi.org/10.17223/2226308X/8/22>
6. Мусаев А.И. Криптобардошли алгоритмларни комбинациялашга асосланган узлуксиз шифрлаш алгоритми. // ТАТУ хабарлари. – Т., 2010. –№2. – 21-24 бетлар.
7. Шнайер Б. Прикладная криптография. Протоколы, алгоритмы, исходные тексты на языке Си. – М.: издательство «ТРИУМФ», 2003 - 816 с.

УДК: 681.3:681.5

**СУВ ХЎЖАЛИГИДА ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРНИ  
БОШҚАРИШДА АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМЛАР  
АРХИТЕКТУРАСИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**ОСОБЕННОСТИ АРХИТЕКТУРЫ АВТОМАТИЗИРОВАННЫХ СИСТЕМ  
УПРАВЛЕНИЯ ТЕХНОЛОГИЧЕСКИМИ ПРОЦЕССАМИ В ВОДНОМ ХОЗЯЙСТВЕ**

**FEATURES OF ARCHITECTURE OF AUTOMATED CONTROL SYSTEMS OF  
TECHNOLOGICAL PROCESSES IN WATER INDUSTRY**

*Убайдуллаева Шахноз Рахимджановна*

*ТИҚХММИ технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни  
автоматлаштириш ва бошқариш каф. доц., тех.ф.н.*

*Аннотация.* Сув хўжалигидаги замонавий ишлаб чиқариш тизимлари юқори даражадаги автоматлаштириш билан ажралиб туриши ва рақамли қурилмалар билан жиҳозланган бўлиши керак. Технологик жараёнларни автоматлаштиришнинг асосий масалаларини ақлли бошқарув тизимлари ёрдамида ҳал этиши эҳтиёжи юзага келди. Мазкур ишда технологик жараёнларни автоматлаштирилган бошқариш тизими архитектураси ва унинг стандарт IEC 61499 га мувофиқ модели ўрганилган. Тақсимланган автоматлаштирилган бошқариш тизимининг характеристикалари ва ўзига хос хусусиятлари берилган.

*Таянч сўзлар:* автоматлаштирилган тизим, контроллер, датчик, киритиш-чиқариш модули, тақсимланган тизим, автоматлаштирилган тизимнинг архитектураси.

*Аннотация.* Современные производственные системы сельского хозяйства должны быть оснащены цифровыми средствами и отличаться высокой степенью автоматизации. В решении основных задач автоматизации технологических процессов возникла потребность в интеллектуальных управляющих системах. В данной работе рассматривается архитектура автоматизированной системы управления технологическими процессами и ее модель в соответствии со стандартом МЭК 61499. Приведены характеристики и специфические особенности распределенной АСУТП.

*Ключевые слова:* автоматизированная система, контроллер, датчик, модуль ввода-вывода, распределённая система, архитектура автоматизированной системы.

*Abstract.* Modern agricultural production systems must be equipped with digital tools and have a high degree of automation. In solving the main problems of automation of technological processes, there is a need for intelligent control systems. In this paper we consider the architecture of automated process control system and its model in accordance with its IEC 61499 standard. The characteristics and distinctive features of the distributed system are given.


*Key words:* automated system, controller, sensor, input / output module, distributed system, architecture of the automated system.

Автоматлаштирилган тизим инсон меҳнатини енгиллаштириш, унинг функционал имкониятларини кенгайтириш ёки, агар мумкин бўлса, унинг ўрнини тўла алмаштиришга мўлжалланган. Шунинг учун автоматлаштириш тизимининг архитектураси кўп томонлама инсон тузилишини эслатади: сезги органлари ролини датчиклар, кўл, оёқ ва нутқ органларини – бажарувчи қурилмалар, мия ролини компьютер ёки контроллер бажаради. Шундай ўхшашлик туфайли автоматлаштириш тизими архитектураси ҳар бир кишига сезиш даражасида тушунарли бўлади. Аммо аниқ бир тизимни ишлаб чиқишда стандартлаш, хавфсизлик, тижорий самарадорлик, технологияклик, аниқлик, ишончлилиқ биргаликда мос келиш ва техник ҳамкорликка тегишли кўплаб мураккаб амалий саволлар юзага келади.

1-расмда автоматлаштирилган тизимнинг энг содда варианты кўрсатилган. Унинг

## ANIQ VA TABIIY FANLAR

қўлланилиши ва дастурий таъминотига мос равишда, маълумотларни йиғиш тизими, диспетчерлик ёки автоматик бошқариш тизими, назорат, синов, ташхис ва ҳ.к. тизими бўлиши мумкин. Бу, битта компьютер, киритиш-чиқариш қурилмалари, датчиклар ва бажарувчи қурилмалар (актуаторлар) асосида қурилган энг оддий автоматлаштирилган тизим вариантыдир.



**1-расм. Автоматлаштирилган тизимнинг энг оддий варианты**

Мазкур тизимда датчиклар битта кўпканалли ўлчов ўзгартиргичига уланган. Аммо датчикларнинг ҳар хил турлари, ўзгартиргичларнинг ҳар хил турланиши, талаб қилиши ёки умуман уларсиз ишлаши мумкин. Интеллектуал датчикларнинг баъзи турлари RS-485 интерфейсига эга ва бевосита компьютерга (контроллерга) уланиши мумкин, масалан, ReaLab фирмасининг NL-IS серияси датчиклари. Физик жараёнлар ортида мониторинг тизимлари бажарувчи қурилмаларга эга эмас ёки ўлчов занжирларининг коммутацияси учун электромагнит (жуда кам ҳолларда яримўтказгичли) реледан фойдаланади.

Одатда офис компютери стандарт конфигурацияда иккита USB портга, битта COM-портга, битта LPT-принтер портига ва Ethernet портига эга бўлади (у компьютерга Ethernet плата ўрнатилганидан кейин пайдо бўлади). USB- портларнинг сонини USB-хаблар орқали ошириш мумкин. Одатда саноат компютерлари ва контроллерлар RS-485, RS-422 ва оптик толали портларга эга. Бу портларнинг барчасидан компютер ва ташқи қурилмалар ўртасида маълумот алмаштириш учун фойдаланиш мумкин (2-расм).

Датчиклар сонининг ошиши, автоматлаштирилган тизим жойлаштирилган ҳудуднинг катталашуви ва бошқариш алгоритмларининг мураккаблашиб бориши тақсимланган тизимларни қўллашни борган сари самаралироқ қилади [1, 3].



**2-расм. Компютерга киритиш-чиқариш қурилмаларини улаш**

Тақсимланган тизимлар ҳудудлар бўйича киритилган кўплаб контроллерлар ва киритиш-чиқариш модулларидан иборат бўлади. Бундай ёндашувда тақсимланган тизим тузилмаси ва унинг ишлаш алгоритми автоматлаштириш объекти тузилмасининг ўзига ўхшаб боради ва маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, бошқариш ва ҳисоблаш функциялари кўплаб контроллерлар ўртасида тақсимланади. Ҳар бир контроллер ўз киритиш-чиқариш қурилмалари гуруҳи билан ишлайди ва бошқариш объектининг маълум қисмига хизмат қилади. Хусусий ҳолда, технологик жиҳоз, одатда, олдиндан ўрнатилган ПЛК (дастурлаштирилган мантикий контроллер)лар билан ишлаб чиқарилади.



## ANIQ VA TABIIY FANLAR

Бошқаришни марказдан қочириш (децентрализация) анъанаси ва контроллерларни бошқариш объектига яқинлаштириш автоматлаштиришнинг ҳамма тизимлари учун умумий ва объектга йўналтирилган дастурлаш муваффақиятлари билан йўриқланган. Бундан ташқари, бир жойга йўналтирилган тизим тақсимланган тизимнинг қисми ёки хусусий ҳолатидир, шунинг учун тақсимланган тизимларнинг пайдо бўлиши хусусийдан умумийга томон табиий ривожланиш натижаси бўлади.

Бошқаришнинг тақсимланган тизимини, фазода тақсимланган, ҳар бири бошқасига боғлиқ бўлмаган, аммо умумий вазифани бажариш учун, улар билан биргаликда иш кўрадиган қурилмалар тўпламидан иборат тизим, деб белгилаш мумкин (DCS – Distributed Control System)[3]. Ҳеч бўлмаганда тизим элементлари ернинг турли минтақаларида жойлашган бўлиши, улар ўртасидаги алоқа эса Интернет орқали бажарилиши мумкин. “Қурилмалар тўплами” сифатида ҳар қандай микропроцессорли қурилма, масалан, ПЛК ёки битта контроллернинг фазода тақсимланган киритиш-чиқариш модуллари, иш кўриши мумкин. Аммо бу ҳолатда, бошқариш функцияси битта контроллер қўлида бўлган бир вақтда, фақат маълумотлар йиғишгина тақсимланган, деб ҳисоблаш мумкин.

Контроллерлар автоном ишлаётган, улар ўртасида маълумот алмашуви минимумга олиб келинган бир вақтдагина тақсимланган тизимнинг максимал афзалликларига эришилади. Тақсимланган тизим, оддий автоматлаштирилган бошқариш тизимдан қуйидаги характеристикалари билан фарқланади:

- параллел ишловчи процессорлар ўртасида, вазифалар тақсимланганлиги туфайли, эришиладиган катта тезлик;
- юқори ишонччилик (битта контроллернинг ишдан чиқиши бошқаларнинг иш қобилиятига таъсир этмайди);
- тўхтаб қолишларга нисбатан катта турғунлик;
- тизимнинг анча оддий ривожланиши ёки унинг реконфигурацияланиши;
- оддий модернизация жараёни;
- лойиҳалаш, созлаш, ташхис (диагностика) ва хизмат кўрсатиш, тизим архитектурасининг бошқарув объекти архитектурасига мос келиши, шунингдек, тизим ҳар бир модулининг нисбатан соддалиги туфайли, жуда оддийлиги;
- халақит беришларга нисбатан яхшиланган турғунлик ва, датчиклардан киритиш қурилмаларига узатиладиган аналог сигнал линиялари узунлигининг камайтирилиши туфайли, ҳосил қилинадиган аниқлик;
- кабелли маҳсулотнинг кичик ҳажми, кабелга қўйилган нисбатан паст талаблар ва унинг анча кичик қиймати;
- кабель хўжалигини монтаж қилиш ва унга хизмат кўрсатишга сарфланувчи кам харажатлар.


Шунингдек, тақсимланган тизим, ҳар бирига алоҳида операцион тизим ўрнатилган параллел ишловчи контроллерлар ўртасида тақсимлаш масалалари тақсимланганлиги учун, операцион тизимларга (ОТ) белгиланган реал вақт талабларини ҳам енгиллаштиради.

Автоматлаштиришнинг тақсимланган тизимларини самарали лойиҳалаш учун улар баёнларининг қатъий методлари керак. Шунингдек тизимни, ҳар хил ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган ва тизим таркибига кирадиган ҳамма қурилмаларнинг ўзаро биргаликда ишлаш ва бир-бирини алмаштириш имконияти билан таъминлаш зарур.

Бу мақсадларда МЭК 61499 “Бошқаришнинг индустриал тизимлари учун функционал блоклар” [IEC] халқаро стандарти ишлаб чиқилган. У тақсимланган тизимларни ишлаб чиқишда моделларнинг уч даражали поғонасидан фойдаланади: тизим модели, физик қурилмалар модели ва функционал блоклар модели. Ҳамма даражадаги моделлар стандартга мос тарзда функционал блоклар кўринишида берилади, бу блоклар тизимда ахборот узатиш ва қайта ишлаш жараёнини баён этади.

## ANIQ VA TABIIY FANLAR

**Тақсимланган тизим модели.** Автоматлаштиришнинг тақсимланган тизим модели, МЭК 61499 стандартига мос тарзда, битта ёки бир нечта саноат тармоқлари ёрдамида ўзаро иш кўрувчи физик қурилмалар (масалан, ПЛК) тўплами сифатида берилиши мумкин (3-расм). Тармоқлар поғонали тузилмага эга бўлиши мумкин.




**3-расм. Автоматлаштиришнинг МЭК(IEC) 61499 стандартларига мос келувчи тақсимланган тизими модели**

Автоматлаштириш тизими томонидан бажариладиган функциялар, битта қурилмада (масалан, ПЛК да) жойлашиши мумкин бўлган дастурий илова ёрдамида, 3-расмда кўрсатилган В иловадаги каби, моделирланиши ёки расмдаги А ва Б иловалардаги каби, учта қурилмада тақсимланиши мумкин. Масалан, ПИД созланишни бажарадиган илова учта қурилмада жойлашиши мумкин, улардан биринчиси датчикларлардан олинadиган маълумотларни киритиш функциясини (киритиш модули бўлади), иккинчиси созлаш алгоритмини, учинчиси бажарувчи қурилмага маълумотларни чиқариш функциясини бажаради.

Иккинчи мисол сифатида мижоз-сервер иловасини кўрсатиш мумкин, унда мижоз битта қурилмада, сервер бошқасида жойлашган бўлади.

Умумий шинали тизим архитектураси. Умумий шина асосидаги саноат автоматизациясининг тақсимланган тизими архитектураси 4-расмда кўрсатилган.

Киритиш модуллари



**4-расм. RealLab! модулларида маълумотларни йиғиш ва бошқаришнинг тақсимланган тизими архитектурасига мисол**

## ANIQ VA TABIIY FANLAR

Компьютер (ёки контроллер) модуль ёки контроллердан маълумотларни олиши учун шинага унинг манзили ва маълумотларни сўраш буйруғини жўнатади. Ҳар бир модуль ёки контроллер таркибига кирувчи микропроцессор шинадаги манзилни унинг доимий эслаб қолувчи қурилмасида ёзилган хусусий адреси билан таққослайди, ва, агар манзиллар мос тушса, манзилдан кейинги буйруқни бажаради. Буйруқ, қурилма киришига келиб тушувчи маълумотларни ҳисоблаш ёки унинг чиқишидаги зарур маълумотларни белгилаш имконини беради.

Умумий шинали тақсимланган тизим “нуқта-нуқта” топологияси билан (4-расмда кўрсатилганидек, фақат иккита қурилма уланадиган бўлса) таққосланганида иккита янги муаммони: қурилмаларни адресациялаш ва навбат кутиш заруратини юзага келтиради. Коммуникацион пакетга манзилни қўшиш кичик ахборотлар билан алмашилиш тезлигини камайтиради, умумий шина бўйича алмашилиш эса шунга олиб келадики, бунда тезлигини секинлаштиради. Тармоқларда катта миқдордаги қурилмалар билан ушланиб қолиш, баъзи иловаларда, хусусан, ПИД созлаш ҳолатида (тармоқдаги тўхташ созлаш контури ишининг тактли частотасини чеклайди) умумий шинали топологияни қўллашга жиддий чегара қўяди. Бундай ҳолатлар учун локал ички тармоқлар ёки локал технологик контроллерлардан фойдаланилади.

Хулоса қилиб айтганда, сув ҳўжалигида объектлар кўп тармоқли ва минтақавий тақсимланган тузилишга эга. Бундай тизимларни бошқариш қўплаб минтақада тақсимланган контроллер ва киритиш-чиқариш модулларидан ташкил топган тақсимланган автоматлаштириш тизимидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Тақсимланган тизимнинг максимал фойдаларига контроллерлар автоном ишлаётганда эришилади ва улар ўртасида маълумот алмашинуви минималлаштирилади.

Тақсимланган тизимнинг анъанавий тизимга нисбатан афзалликлари:

- аналог сигналларнинг ўтказилувчи узунлиги ва тизимдаги симларнинг умумий узунлигини қисқартириш;
- тизим монтажини соддалаштириш ва хизмат кўрсатишни яхшилаш;
- кабелларнинг нархи ва сифатига талабни пасайтириш, чунки аналог сигналлар ўрнига рақамли сигналлар узатилади;
- тизимнинг ишончлилигини ошириш;
- тақсимланган тизимини ўрнатиш, тест синовидан ўтказиш, ишга тушириш ва хизмат кўрсатиш харажатлари анъанавий тизимдан анча паст.

Дастурий ва аппарат таъминоти арзон нархида тақсимланган тизимда универсал таркибий қисмлардан фойдаланиш турли хил мурракаблиқдаги синовларни режалаштириш имконини беради.

### АДАБИЁТЛАР

1. Bertocco M., Cappellazzo S., Flammini A., Parvis M. *A multi-layer architecture for distributed data acquisition. Proceedings of the 19th IEEE Instrumentation and Measurement Technology Conference, 2002. IMTC/2002, vol. 2, 2002, p. 1261 - 1264.*
2. Bonastre A., Capella J.V., Ors R. *A new generic architecture for the implementation of intelligent and distributed control systems. - IECON 02 - IEEE 2002 28th Annual Conference of the Industrial Electronics Society, vol. 3, 5-8 Nov. 2002, p. 1790 - 1795.*
3. Vyatkin V., Hirsch M., Hanisch H.-M. *Systematic Design and Implementation of Distributed Controllers in Industrial Automation. - IEEE Conference on Emerging Technologies and Factory Automation, 2006. ETFA '06, 20-22 Sept. 2006, p. 633 - 640.*
4. Федорова Ю.Н. «Справочник инженера по АСУТП: Проектирование и разработка. – М.: Инфра-инженерия, 2016, -485 с.

УДК: 517.9

БИТТА СИНИШ НУҚТАСИГА ЭГА АЙЛАНА ГОМЕОМОРФИЗМЛАРИНИНГ  
БИР ПАРАМЕТРЛИ ОИЛАСИ

ОДНОПАРАМЕТРИЧЕСКОЕ СЕМЕЙСТВО ГОМЕОМОРФИЗМОВ  
ОКРУЖНОСТИ С ОДНОЙ ТОЧКОЙ ИЗЛОМА  
ONE-PARAMETRIC FAMILY OF HOME HOMEOMORPHISMS OF THE CIRCLE  
WITH ONE BREAK POINT

*Қаршибоев Хайрулла Қиличевич*

к.физ.-мат.н., зав. каф. высшей математики  
и информационные технологии СамИЭС

**Аннотация.** Синишга эга айлана гомеоморфизмлари муҳим акслантиришлар синфи ҳисобланади. Битта нуқтада синишга эга айлана гомеоморфизмларини биринчи бўлиб Е.Б. Вул ва К.М. Ханинлар ишида ўрганилган. Битта нуқтада синишга эга бўлган айлана гомеоморфизмлари учун  $T_f$  акслантиришининг юқори тартибли итерациялари қайта нормалланган координаталарда каср чизиқли акслантиришга яқинлашади. Бу муҳим фактдан фойдаланиб, айлана гомеоморфизмларининг бир параметрли оиласининг буриши сони иррационал бўладиган параметрлари тўпламининг Лебег ўлчови нолга тенглиги исботланган.

Бу ишда битта синиш нуқтасига эга бўлган айлана гомеоморфизмларнинг бир параметрли оиласи ўрганилган бўлиб, буриши сони рационал бўлган ҳолда даврий траекториялар сони иккитадан ошмаслиги исботланган.

**Таянч сўзлар:** айлана гомеоморфизми, ренормализация, буриши сони.

**Аннотация.** Важным классом отображений с особенностями являются гомеоморфизмы окружности с изломами. Первыми исследователями гомеоморфизмов окружности с одной точкой излома являются Е.Б. Вула и К.М. Ханина. Для изломов с одной точкой нормированной окружности гомеоморфизмов итерация высокого порядка отражения приближается к линейному отображению в нормированных координатах. Используя этот важный факт, доказано, что размерность Лебега множества параметров, для которых облучается однопараметрическое семейство окружности гомеоморфизмов, равна нулю.

В этом исследовании изучено однопараметрическое семейство круговых гомеоморфизмов с единственными точками излома, причем число витков является рациональным, а число циклических траекторий не превышает двух.

**Ключевые слова:** гомеоморфизмов окружности, ренормализация, число вращения.

**Abstract.** An important class of mappings with singularities is homeomorphisms of a circle with kinks. The first researcher is homeomorphisms of a circle with one point kinks by E.B. Vul and K.M. Khanin. For single-point kinks of normalized circle homeomorphisms, a high-order iteration of reflection approaches linear mappings in normalized coordinates. Using this important fact, it is proved that the Lebesgue dimension of the set of parameters for which a one-parameter family of circle homeomorphisms is irradiated is zero.

In this article, we study a one-parameter family of circle homeomorphisms with one break point. It is proved that in the case of a rational rotation number the number of periodic trajectories does not exceed two.

**Key words:** circle homeomorphism, renormalization, rotation number.

Рассмотрим однопараметрическое семейство отображений единичной окружности [1]:

$$T_{\Omega}x = \{f(x, \Omega)\}, \quad x \in S^1 = [0, 1), \quad \Omega \in [0; 1]$$

---

**ANIQ VA TABIIY FANLAR**


---

где скобка  $\{\cdot\}$  - обозначает дробную часть числа, а  $f(x, \Omega)$  -удовлетворяет следующим условиям:

a) при фиксированном  $\Omega$ ,  $f(x; \Omega)$  -непрерывная монотонно возрастающая функция;

$$b) f(0;0) = 0, f(x+1; \Omega) = f(x; \Omega) + 1, \text{ для любого } x \in R^1;$$

$$c) \frac{\partial f(x; \Omega)}{\partial \Omega} > const > 0;$$

d)  $t_0 : [0;1] \rightarrow [0;1]$  непрерывная кривая;

$$e) \text{ при каждом фиксированном } \Omega \in [0;1], \frac{\partial f(x; \Omega)}{\partial x} > const > 0;$$

для  $\forall x \in S^1 \setminus \{t_0(\Omega)\}$ ,  $f(x; \Omega) \in C^{2+\varepsilon}(S^1 \setminus \{t_0(\Omega)\})$ , при некотором  $\varepsilon > 0$  и

$$\frac{f'_-(t_0(\Omega), \Omega)}{f'_+(t_0(\Omega), \Omega)} = c(\Omega) \neq 1.$$

Обозначим  $\rho_\Omega$  число вращений, отвечающее  $T_{f_\Omega}$  [2]:

$$\rho_\Omega = \lim_{n \rightarrow \infty} \frac{f^{(n)}(x, \Omega)}{n}$$

Из условий d) – e) вытекает, что  $T_\Omega x$  при каждом фиксированном значении параметра имеет только одну точку излома  $t_0(\Omega)$ . Число  $c(\Omega)$  называется величиной излома  $T_\Omega$ .

Всюду в дальнейшем мы будем обозначать через  $f^{(n)}$  –  $n$ -ую суперпозицию функции  $f$ . Легко видеть, что  $\rho_\Omega$  монотонно (не строго) зависит от параметра  $\Omega$ . Заметим, что каждому рациональному  $\rho = \frac{p}{q}$  отвечают невырожденный отрезок (значений  $\Omega$  таких, что

$\rho_\Omega = \frac{p}{q}$ , в том время как иррациональному  $\rho$  отвечает единственно  $\Omega$ ).

Пусть  $A = \left( \frac{p_1}{q_1}, \frac{p_2}{q_2} \right) \subset (0, 1)$  - интервал Фария  $n$  – го уровня [1]:

$$1) p_2 q_1 - p_1 q_2 = 1$$

2) Все рациональные числа внутри интервала  $A$  имеют вид  $\frac{kp_1 + lp_2}{kq_1 + lq_2}$ . Рациональное

число с минимальным знаменателем равно  $\frac{p_1 + p_2}{q_1 + q_2}$ .

Выберем произвольную точку  $x_0$  на окружности и отрезок траектории этой точки  $\{x_i = T_\Omega^i x_0, 0 \leq i < q_1 + q_2\}$ . Обозначим  $\Delta_0^{(1)}$  и  $\Delta_0^{(2)}$  отрезки  $[x_0, x_{q_1}]$  и  $[x_{q_2}, x_0]$ , соответственно. Обозначим также образы этих отрезков под действием  $T_\Omega$  через  $\Delta_i^{(1)}$  и  $\Delta_j^{(2)}$  [1]:

$$\Delta_i^{(1)} = T^i \Delta_0^{(1)}, \quad \Delta_j^{(2)} = T^j \Delta_0^{(2)}.$$

Следующее утверждение было доказано в [1] и в нашей ситуации работает без каких-либо изменений.



**ANIQ VA TABIIY FANLAR**

**Лемма 1.** Предположим  $\rho(T) \in \left(\frac{p_1}{q_1}, \frac{p_2}{q_2}\right)$ . Отрезок траектории  $\{x_i = T_{\Omega}^i x_0, 0 \leq i < q_1 + q_2\}$  разбивает окружность на непересекающиеся отрезки  $\Delta_i^{(1)}, 0 \leq i < q_2$  и  $\Delta_j^{(2)}, 0 \leq j < q_1$ .

Обозначим построенное разбиение  $\xi(A, x_0)$ . Положим  $\nu = \text{var}_{S^1} \ln f' < \infty, \bar{\nu} = \nu + |\ln f'(x_0 - 0) + \ln f'(x_0 + 0)|$ ,  $q = \max(q_1, q_2), p = \max(p_1, p_2)$ . Рассмотрим произвольную траекторию  $y_i = T_{\Omega}^i y_0, y_0 \in S^1$ , такую, что  $y_i \neq x_0 = 0, 0 \leq i < q_2$ .

**Лемма 2.** Предположим  $\rho(T) \in \left(\frac{p_1 + p_2}{q_1 + q_2}, \frac{p}{q}\right)$  или  $\rho(T) = \left(\frac{p}{q}\right)$ . Тогда 
$$e^{-\bar{\nu}} \leq \prod_{i=0}^{q-1} f'(y_i) \leq e^{\bar{\nu}}.$$

Пусть  $A_n = \left(\frac{p_1}{q_1}, \frac{p_2}{q_2}\right)$  - интервал Фарея  $n$ -го ранга [1], а  $A_m, m < n$  - некоторой интервал Фарея ранга  $m$ , содержащий  $A_n$ . Пусть  $\rho(T) \in A_n$ . Выберем  $\Delta_n$  - произвольным элемент разбиения  $\xi(A_m, t_0)$ , содержащий  $\Delta_n$ . Обозначим через  $|\Delta|$ .

**Лемма 3.** Положим  $\lambda = (1 + e^{-\bar{\nu}})^{-\frac{1}{2}} < 1$ .

$$|\Delta_n| \leq \text{const} \lambda^{n-m} |\Delta_m|, \quad |\Delta_n| \leq \text{const} \lambda^n.$$

Пусть разложение  $\rho$  в непрерывную дробь имеет вид

$$\rho(f(x, \Omega)) = \frac{p}{q} = [k_1, k_2, \dots, k_n], k_n \geq 2.$$

Обозначим  $I\left(\frac{p}{q}\right)$  отрезок значения параметра  $\Omega$  таких, что  $\rho(\Omega) = \frac{p}{q}$ . Зафиксируем

некоторой  $\Omega \in I\left(\frac{p}{q}\right)$  и обозначим  $f = f_{\Omega}, T_f = T_{f_{\Omega}}$ . Для рационального числа вращения

$\rho = \frac{p}{q}$  всегда существует по крайней мере одна периодическая траектория периода  $q$ .

Пусть  $\{y^{(i)}, 0 \leq i \leq q-1\}$  произвольная периодическая траектория. Обозначим  $[y_1, y_2]$  отрезок, образованный траекторий  $\{y^{(i)}, 0 \leq i \leq q-1\}$  и содержащий особую точку  $t_0$ . Перейдем к перенормированным координатам:

$$x = y_2 + (y_1 - y_2)z$$

и определим функцию, отвечающую  $T_f^q$  в перенормированной системе координат:

$$\bar{f}(z) = \frac{1}{y_1 - y_2} [T_f^q(y_2 + (y_1 - y_2)z) - y_2], \quad z \in [0, 1].$$

Обозначим  $d$  перенормированную координату точки  $t_0$ :

$$d = (t_0 - y_2)/(y_1 - y_2)$$

и определим функцию  $F_d(z)$ ,  $z \in [0, 1]$ :

$$F_d(z) = \begin{cases} \frac{zc}{d(1-c^2) + c^2 + z(c-1)}, & z \in [0, d] \\ \frac{d(1-c^2) + zc^2}{d(1-c^2) + c + zc(c-1)}, & z \in [d, 1] \end{cases}$$

**Теорема 1.** Существует константа  $c_3 > 0$  такая, что

$$\|\bar{f}(z) - F_d(z)\|_{C^2([0,1] \setminus \{d\})} \leq c_3 \lambda^{n\varepsilon}. \quad (1)$$

Доказательство. Рассмотрим разбиение окружности, порождённое траекторией  $(y^{(i)}, 0 \leq i \leq q-1)$ . Обозначим  $\Delta_0 = [y_1, y_2]$ ,  $\Delta_i = T_\theta^i \Delta_0$ ,  $1 \leq i \leq q-1$ . Очевидно  $T_\theta^q \Delta_0 = \Delta_0$ . Не трудно показать [1], что  $|\Delta_i| \leq \text{const } \lambda^n$ ,  $1 \leq i \leq q-1$ . Функцию  $\bar{f}(z)$  можно представить как суперпозицию двух функций  $f_1$  и  $f_2$ , отвечающих отображениям  $T_\theta : \Delta_0 \rightarrow \Delta_1$ ,  $T_\theta^{q-1} : \Delta_1 \rightarrow \Delta_q = \Delta_0$ . Определим относительные координаты внутри отрезков  $\Delta_i$ :

$$x = T_f^i y_2 + (T_f^i y_1 - T_f^i y_2)z.$$

Тогда функции  $f_1$  и  $f_2$  можно записать в виде:

$$f_1(z_0) = \frac{1}{(T_\theta y_1 - T_\theta y_2)} [T_\theta(y_2 + (y_1 - y_2)z_0) - T_\theta y_2]$$

$$f_2(z_1) = \frac{1}{y_1 - y_2} [T_\theta^{q-1}(T_\theta y_2 + (T_\theta y_1 - T_\theta y_2)z_1) - y_2]$$

При этом

$$\bar{f}(z) = f_2(f_1(z)). \quad (2)$$

В работе [1] доказано

$$\left\| f_2(z_1) - \frac{Mz_1}{1 + z_1(M-1)} \right\|_{C^2([0,1])} \leq \text{const } \lambda^{n\varepsilon} \quad (3)$$

где

$$\ln M = \sum_{i=1}^{q-1} \int_{\Delta_i} \frac{f''(y)}{2f'(y)} dy = \left( \sum_{i=0}^{q-1} \int_{\Delta_i} \frac{f''(y)}{2f'(y)} dy \right) - \int_{\Delta_0} \frac{f''(y)}{2f'(y)} dy = \ln c - \int_{\Delta_0} \frac{f''(y)}{2f'(y)} dy \quad (4)$$

Поскольку  $\left| \int_{\Delta_0} \frac{f''(y)}{2f'(y)} dy \right| \leq \text{const } \lambda^n$ , получаем

$$\left\| f_2(z_1) - \frac{cz_1}{1 + z_1(c-1)} \right\|_{C^2([0,1])} \leq \text{const } \lambda^{n\varepsilon} \quad (5)$$

Легко видеть, что функция  $f_1(z_0)$  близка к кусочно-линейной функции  $f_d(z_0)$ , где

$$f_d(z_0) = \begin{cases} \frac{z_0}{c^2(1-d) + d}, & z_0 \in [0, d] \\ \frac{d(1-c^2) + z_0c^2}{c^2(1-d) + d}, & z_0 \in [d, 1] \end{cases} \quad (6)$$

Поскольку  $|\Delta_0| \leq \text{const } \lambda^n$  справедлива оценка:

Используя (2)-(6) получаем (1).

## ANIQ VA TABIIY FANLAR

Из теоремы 1 вытекает выпуклость  $\bar{f}(z)$  при  $0 < c < 1$  и вогнутость при  $c > 1$ . Действительно, прямым вычислением легко убедиться, что

$$\frac{d^2}{dz^2} F_d(z) \geq 2c^2(1-c), \quad z \neq d \quad \text{при } 0 < c < 1$$

$$\frac{d^2}{dz^2} F_d(z) \leq -\frac{2}{c^3}(c-1), \quad z \neq d \quad \text{при } c > 1.$$

Положим

$$N = \left[ \frac{1}{\varepsilon \ln \lambda} \ln \left( \frac{1}{c^3} |c-1| \min \left( \frac{1}{c^3}, c^2 \right) \right) \right].$$

Обозначим интервал  $I\left(\frac{p}{q}\right) = \left[ \Omega_1\left(\frac{p}{q}\right), \Omega_2\left(\frac{p}{q}\right) \right]$ . Положим  $J = [0, 1] \setminus \bigcup_{0 \leq \frac{p}{q} \leq 1} I\left(\frac{p}{q}\right)$ .

Обозначим меру Лебега на  $[0, 1]$  через  $\lambda$ .

Теперь сформулируем основные результаты нашей работы.

**Теорема 2.** При всех  $n > N$  справедливы следующие утверждения:

(а) если  $\Omega = \Omega_1\left(\frac{p}{q}\right)$  или  $\Omega = \Omega_2\left(\frac{p}{q}\right)$ , то  $T_\Omega$  имеет единственную периодическую

траекторию периода  $q$ ;

(в) при  $\Omega \in \left( \Omega_1\left(\frac{p}{q}\right), \Omega_2\left(\frac{p}{q}\right) \right)$  существует ровно две периодические траектории

периода  $q$ .

**Теорема 3.** Мера Лебега множества  $J$  равно нулю, т.е.  $\lambda(J) = 0$ .

## ЛИТЕРАТУРА

1. Khanin K.M. and E.V.Vul. Circle Homeomorphisms with weak Discontinuities. *Advances in Soviet Mathematics*, v. 3, 1991, p. 57-98.
2. Корнфельд И.П., Синай Я.Г., Фомин С.В. *Эргодическая теория*. – М.: Наука, 1980.
3. Каршибоев Х.К. Поведение ренормализаций эргодических отображений окружности с изломом // *Узб. матем. журнал*. – Ташкент, 2009. – №4. – С.82-95.

УДК: 538.1: 548

## FeVO<sub>3</sub>:Mg КРИСТАЛЛИНИНГ МОДУЛЯЦИЯЛАНГАН МАГНИТ ХОЛАТЛИ СТРУКТУРАСИ

### МОДУЛИРОВАННОЕ МАГНИТНОЕ СОСТОЯНИЕ СТРУКТУРЫ КРИСТАЛЛА FeVO<sub>3</sub>:Mg

#### MODULATED MAGNETIC STATE OF THE CRYSTAL STRUCTURE OF FeVO<sub>3</sub>:Mg

**Файзиев Шахобиддин Шавкатович**

БухДУ физика каф. ўқит., физ.-мат.ф.ф.д.,

**Саидов Курбон Сайфуллоевич**

БухДУ физика каф. ўқит., физ.-мат.ф.н., доц.

**Аннотация.** Мазкур мақола кучсиз ферромагнетик бўлган темир-боратга магний диамагнит аралашма кристалланда содир бўладиган физикавий жараёнларнинг ташиқи таъсирлар натижасидаги ўзгаришини ўрганишга бағишланган. Намуналар тадқиқотларни 80 ÷ 290 К. ҳароратда олиб бориши имкониятини берувчи оптик криостатда жойлаштирилди. Намуна ўрнатилган криостат голографик столчага ўрнатилиб, уни микроскоп фокал текислиги бир координата бўйлаб бир маромда автоматик ҳаракатлантириши мумкин.

## ANIQ VA TABIIY FANLAR

**Таянч сўзлар:** Доменли тузилма, модуляцияланган магнитли тузилма, модуляцияланган магнитли чизиқли иккиланган нурсиниш.

**Аннотация.** Данная статья посвящена изучению физических процессов происходящих в слабом ферромагнетике железо-борат с примесью диамагнитного магния под внешним воздействием. Образцы размещались в оптическом криостате, позволяющем проводить исследования в температурном интервале  $80 \div 290$  К. Криостат с образцом монтировался на голографическом столике, позволяющем осуществлять плавное автоматическое однокоординатное перемещение криостата в фокальной плоскости микроскопа.

**Ключевые слова:** Доменная структура, модулированная магнитная структура, магнитное линейное двулучепреломление.

**Abstract.** This paper is devoted to study of physical processes occurring in weak ferromagnetic iron - borate doped diamagnetic magnesium under external influence. The samples were placed in an optical cryostat that allows conducting research in the temperature range of  $80 \div 290$  K. the Cryostat with the sample was mounted on a holographic table that allows for smooth automatic single-coordinate movement of the cryostat in the focal plane of the microscope.

**Key words:** Domain structure, modulated magnetic structure, magnetic linear birefringence

**Кириш.** Маълумки, темир боратнинг физикавий хоссалари электрон машиналарда магнит ёзувларда, хотира элементларида ва лазер техникаларда қўллаб келинмоқда. Магнит материалларнинг оптоэлектроникада ишлатилиши соҳаларини кенгайтириш мақсадида кизгин изланишлар олиб борилмоқда. Ҳозирги изланишларда  $\text{FeBO}_3\text{:Mg}$  монокристаллида ҳосил бўладиган модуляцияланган ҳолати эътибордадир.

Модуляцияланган магнит структураларнинг мавжуд бўлиш шарти ва ҳосил бўлиш сабабларини ҳаммадан ҳам соддароқ қилиб оддий спирал мисолида муҳокама қилиш мумкин. [6] ишдан келиб чиққан ҳолда, магнит атомлари симметриянинг бош ўқига перпендикуляр бўлган текисликларда жойлашган бир ўқли Бравэ панжарасини кўриб чиқамиз. Майли ҳар бир атом бош ўқ бўйлаб биринчи ва иккинчи яқин қўшнилар билан алмашинув боғланишда бўлсин.  $J_1$  ва  $J_2$  – танланган атом ва унинг биринчи ҳамда иккинчи қўшилари орасидаги ўзаро таъсирни ифодаловчи алмашинув интеграллари. Бир текислик чегарасида спинлар орасидаги алмашинув интегралини мусбат деб тасаввур қиламиз. Унда ҳосил бўладиган магнит структура ферромагнит қатламлардан иборат бўлади, кета-кет қатламларнинг магнитланиш вектори  $J_1$  ва  $J_2$  алмашинув интегралларининг қиймати ва ишораси билан аниқланади.

Бундай системанинг бирлик ҳажмига мос келувчи алмашинув энергияни қуйидаги кўринишда тасаввур этиш мумкин:

$$E_{\text{ex}} = -2 N S^2 (J_1 \cos\varphi + J_2 \cos 2\varphi),$$

бу ерда:  $N$  – бирлик ҳажмдаги атомлар сони;  $S$  – атомнинг спини;  $\varphi$  – биринчи ва иккинчи қатламда ётган спинлар орасидаги бурчак;  $2\varphi$  – биринчи ва учинчи қатламларда ётган спинлар орасидаги бурчак.

Мазкур ифодани  $\varphi$  га нисбатан минималлаштириб, мувозанатдаги магнит структура учун қуйидаги ифодани оламиз:

$$\cos \varphi = -J_1 / 4J_2,$$

бундан турғун спиралли структурани (геликоидни) ҳосил бўлиш шарти келиб чиқади:

$$|J_2| > J_1/4$$

$J_1$  ва  $|J_2|$  – катталиклар бир хил тартибда бўлганлиги сабабли  $\square$  бурчак ҳар қандай бўлиши мумкин. Мураккаброқ спиралли структураларни мавжуд бўлишини тушунтириш учун алмашинув кучларидан ташқари магнит анизотропия кучларини ҳам ҳисобга олиш керак.

Спирал магнитли структуранинг ҳосил бўлиш механизми бошқача тушунтириш [7] ишда амалга оширилган эди: бундай структуранинг ҳосил бўлиши релятивистик ўзаро таъсир

## ANIQ VA TABIIY FANLAR

билан боғланган эди (спин-спинли ва спин орбитал ўзаро таъсир). Бу худди аввал эслатилгандек, Дзоляшинский-Мория ўзаро таъсиридир [7]. Ишга асосан Браве панжараси структурасининг асосий чизгилари ва кристаллик панжаранинг қўшни тугунларидаги спинлар орасидаги бурчаклар алмашинув инвариантлар билан аниқланади, релятивистик инвариантлар эса кристаллографик ўқларга нисбатан спинларнинг ориентациясини беради.

Пайдо бўладиган магнит структурани худди асосий структурани буралганидек тасаввур этиш мумкин: биринчи яндашишда магнитли структура («қўпол») берилган кристалл структура (ферромагнит ёки антиферромагнит) учун бирор бир турғуни билан мос келади; кейинги яндашиш «қўпол» структурага узун даврли уришлар (биение) қўшилади, бунинг натижасида «қўпол» структура нуктадан нуктага фазода секин айланади. [7] – ишда келтирилган назарий муҳокамадан шу келиб чиқадики, бундай структураларнинг пайдо бўлиши учун кристаллнинг фазовий гуруҳида инверсия маркази бўлмаслиги керак экан (бу эса релятивистик келиб чиқишга эга бўлган бир жинсли бўлмаган кучли анизотроп ўзаро таъсирни бўлишини таъминлайди).

Техник магнитланиш жараёнида энгил текислигида оғир ўқлари бўйлаб ( $\mathbf{H} \perp C_2$  бўлганда), магнит майдони маълум бир критик қийматдан ошганда ушбу кучсиз ферромагнетикда бир жинсли магнит ҳолатидан фазовий модуляцияланган ҳолатга ўтиш кузатилган эди. [1,2] ишларда олинган натижаларни таҳлил этганда, ушбу ҳолатга ўтганда кристаллнинг ММС (магнит модуляция структураси) статистик кўндаланг спинли тўлқинли кўринишга эга бўлади деб тасаввур этилган эди. (111) текисликда чизикли кутбланган (мос равишда  $\mathbf{m}$  вектор ушбу ўқ йўналишига перпендикуляр яқинида осциляцияланади, яъни -  $\mathbf{H}$  йўналиши яқинида). Бироқ ромбоэдрик кучсиз ферромагнетикларнинг модуляцияланган магнит ҳолатининг мавжуд бўлиши мумкин бўлган структурасига алтернатив нуктаи назар ҳам мавжуд: кристалл магнит тартиби модуляцияси,  $C_2$  [3] ўқларга перпендикуляр йўналишлар бўйлаб силжишда ҳосил бўладиган  $\mathbf{m}$  векторнинг (111) текисликдан даврий равишда чиқиши билан боғланиши мумкин. Маълумки, экспериментга мос бир жинсли магнитли фазадан модуляцияланган ҳолатга ўтишнинг назарий моделини излаш учун унинг ММС топологиясини билиш муҳимдир. Шунинг учун  $\text{FeVO}_3:\text{Mg}$  даги ММС нинг  $\mathbf{m}$  ва  $\mathbf{l}$  локал векторларининг фазовий ориентациясини тадқиқ этиш экспериментал амалга оширилди, натижалар қуйида келтирилган.

Антиферромагнетиклар магнитооптик анизотропияси кристаллдаги  $\mathbf{l}$  вектор ориентациясига ҳамда зондловчи ёруғлик кутбланиш текислиги азимутига етарлича боғланишда бўлгани учун,  $\text{FeVO}_3:\text{Mg}$  нинг бир жинсли бўлмаган магнитли фаза топологиясини экспериментал аниқлаш мақсадида мазкур кристаллда магнитли иккиланган нур синишининг (111) текисликда фазовий координаталарга боғланиши тадқиқ этилди.

$\text{FeVO}_3:\text{Mg}$  даги антиферромагнит момент ориентацияси билан чизикли магнит дихроизми (МЛД) ўзаро боғланишини аниқлаш учун, шунга ўхшаш масала  $\text{FeVO}_3:\text{Ni}$  да фотоиндукцияланган модуляцияли магнитли структураси муҳокамаси билан Жонсон матрицаси усулида ечилган [4]. Ромбоэдрик кучсиз ферромагнетикларда ёруғликнинг оптик ўқ ( $C_3$  ўқ) бўйлаб тарқалишида, (111) текисликдаги координаталари  $(x,y)$  бўлган нуктадаги МЛД нинг қийматини қуйидаги кўринишда тасаввур этиш мумкин:

$$\psi = \varphi(x,y) \sin 2[\theta - \beta(x,y)]; \quad (.1)$$

$$\varphi(x,y) = \varphi_0(a^2 + b^2)^{1/2}; \quad \varphi_0 = 2\pi(n_{\parallel} - n_{\perp})d/\lambda \propto |\mathbf{l}|^2;$$

$$a = d^{-1} \int_0^d \cos 2\beta(x, y, z) dz; \quad b = d^{-1} \int_0^d \sin 2\beta(x, y, z) dz;$$

бу ерда:  $\beta$  –  $\mathbf{l}$  векторнинг (111) текисликдаги проекцияси йўналиши ва лаборатория координата системасидаги  $Y$  ўқи (аниқлик учун  $Y \parallel C_2$  деб қабул қиламиз (1-расм) орасидаги бурчак;  $\theta$  – ўша ўққа нисбатан кристаллга тушаётган ёруғлик кутбланиш текислиги азимут;  $n_{\parallel}, n_{\perp}$  – мос равишда  $\mathbf{l}$  вектори текисликли компоненталарининг бўйлама ва кўндаланг йўналишларида чизикли кутбланган  $\lambda$  тўлқин узунлигидаги ёруғлик учун синдириш



## ANIQ VA TABIIY FANLAR

кўрсаткичлари;  $\mathbf{d}$  – кристаллнинг  $Z$  ( $\mathbf{Z}||C_3$ ) ўқи бўйлаб қалинлиги ( $a$  ва  $b$  параметрлар  $C_3$  ўк бўйлаб  $\beta$  бурчакнинг бир жинсли бўлмаслигини ҳисобга оладилар) (1) ифодадан кўринадики, аниқ  $x$  ва  $y$  лар учун  $\psi(\theta)$  боғланиш гармоник функция кўринишида тасаввур этилади, бошланғич фазаси  $\beta$  ва амплитудаси  $\phi$  мос равишда (111) текисликда берилган нуқтадаги антиферромагнетик моментнинг йўналиши ва модулини характерлайди. Ўз навбатида, МЛД нинг координатага боғланиш тадқиқот натижаларидан (1) га асосан кристаллдаги  $\mathbf{I}$  векторнинг фазовий ориентацияси ҳақида фикр юритиш мумкин.


**Асосий қисм.** Экспериментларда кўндаланг кесими  $\sim 3 \times 3$  мм<sup>2</sup>, қалинлиги  $\approx 60$  мкм бўлган ясси параллел пластинкалар шаклидаги FeVO<sub>3</sub>:Mg монокристалл намуналар фойдаланилди. Намунанинг магнитли ҳолати магнитооптик усул [1] билан назорат қилиб борилди, кристалл доменли структурасининг ҳароратнинг ўзгариши, ҳамда  $\mathbf{H}$  нинг йўналиши ва қийматининг ўзгариши билан содир бўладиган эволюцияси поляризацияли микроскоп ёрдамида визуал кузатилди.

МЛДнинг тадқиқи ҳароратнинг  $80 \leq T \leq 290$  К интервалида, лазернинг  $\lambda = 0,63$  мкм тўлқин узунлигида бажарилди. Намунанинг магнитланиши учун кучланганлиги  $H \leq 50$  Э бўлган ўзгармас магнит майдони фойдаланилди (барча экспериментларда  $\mathbf{H}$  вектор кристаллнинг (111) текислигида ётди), ва МЛД катталикни ўлчаш ёруғликнинг намуна текислигига нормал тушишида амалга оширилди. МЛД нинг қиймати фазавий компенсатори ( $\lambda/4$  пластинкаси) ёрдамида, ёруғлик фотоприёмникнига тушаётган кутбланиш текислиги азимути модуляциясидан фойдаланиладиган методика ёрдамида аниқланди.

МЛДнинг ориентацияли ва координацион тадқиқ этишда лазер нури микроскоп ёрдамида намуна сиртига диаметри  $\sim 15$  мкм бўлган нуқта кўринишида фокусланди. FeVO<sub>3</sub>:Mg да фазовий магнитли бир жинсли бўлмасликнинг даври  $\sim 100$  мкм эканлигини эътиборга олиб, экспериментнинг ушбу шароитида кристаллнинг тадқиқ этиладиган сиртини бу ёруғлик майдони чегарасида  $\beta(x,y) \approx \text{const}$  нуқтавий деб қараш мумкин. Криостат микроскопнинг фокал текислигида икки координатали силжиш имкониятига эга эди, бу эса МЛД ни берилган нуқтада ўлчашни амалга ошириш имкониятини берди.

FeVO<sub>3</sub>:Mg кристаллида ММСни амалга ошириш учун [1,5] ишларда ўрнатилган мавжуд бўлиш шартлари қайта ўрнатилди: намуна  $T < T_c \approx 130$  К ҳароратгача созутилди ва (111) текисликда  $C_2$  ўқларнинг бири бўйлаб магнитланди. 1а-расмда FeVO<sub>3</sub>:Mg нинг хона ҳароратида ва намунанинг магнитсизланган ҳолатида домен структуранинг (ДС) тасвири келтирилган, 3.1б–д-расмларда ўша намунанинг  $T = 80$  К ҳароратда, магнит майдони кучланганлиги мос равишда  $H = 0,4, 5, 6$  ва  $8$  Э ( $\mathbf{H} \perp C_2$ ) бўлгандаги поляризацияли микроскопда кузатилган тасвирлари келтирилган. 3.1а-расмдан кўринадики, ҳарорат  $T = 290$  К магнитсизланган ҳолантда намуна одатдаги доменли чегаралари  $C_2$  ўқларнинг бирининг йўналишига яқин ориентацияланган икки қатламли 180-градусли ДСга эга бўлади.

Бироқ  $T \approx 150$  К ҳароратгача созутилганда унинг ДС – икки қатламлилиқдан хона ҳароратида мавжуд бўлган (1б-расм) бир қатламлилиқка айланади. Доменли чегараларининг ориентацияси, доменлар орасидаги доменли қатламларнинг бири йўналишидаги яхлит бир қатламлилиқка айланади. Намунанинг кейинчалик янада созутилиши, ҳаттоки экспериментда минимал етишиш мумкин бўлган  $T = 80$  К гача ҳам ДСнинг ўзгаришига олиб келмади. Ҳарорат  $T \approx 130$  К дан пастда ҳам, худди [1,5] ишлардагидек, намуна  $C_2$  ўққа перпендикуляр йўналишда магнитланганда, аввал  $H \approx 4,5$  Э бўлганда доменлар тасвири йўқолади (кристалл монодоменлашади) (1в-расм), ундан сўнг  $H$  ўсиши билан намунанинг тасвирида полосалар контрасти билан фарқ қилувчи, [1,5] ишларда кристаллни модуляцияланган магнитли ҳолатга ўтиши билан боғланган квазидавррий система ҳосил бўлади (1г,д-расм).




1-расм. Қутбланган ёруғликда, турлича магнит майдон кучланганлигида  $H$ :  $\epsilon - 4,5$ ,  $\zeta - 6$ ,  $\delta - 8$  Э ( $T = 80$  К,  $H \perp Y$ ) доменли структуранинг кўриниши ( $a - T = 290$  К,  $b - T = 290$  К) ва  $FeVO_3:Mg$  кристаллнинг тасвири

Иловада: ( $\epsilon$ )-иккиланган стрелкалар –  $C_2$  ўқларнинг йўналиши, пунктир чизиқ-магнитланиш йўналиши; ( $\zeta$ )-стрелкалар лаборатория системасидаги ўқларнинг ориентацияси; нуқталар-фокусланган лазер нурунинг ҳолати, расмда келтирилган магнитли иккиланган нур синишининг мос равишдаги нуқталар устидаги рақамлар билан кўрсатилган ориентацияларда олинган боғланиш.

**Хулоса.** Ўтказган тадқиқотлар кўрсатдики, кристаллни модуляцияланган магнитли ҳолатга ўтиш ҳароратидан юқори ҳароратлар соҳасида ( $T > T_c$  бўлганда),  $\psi$  ( $H$ ) боғланишининг кўриниши  $H$  вектор йўналишининг (111) текисликда ўзгариши билан амалда ўзгармади (2-расм). Шу вақтнинг ўзида  $T < T_c$  бўлганда магнитланиш майдонининг турли ориентациясида кузатиладиган  $\psi$  ( $H$ ) боғланиш сезирарли фарқ қилди.

Узлуксиз чизиқ -  $H \perp C_2$ , узлукли -  $H \parallel C_2$  (стрелкалар билан кристаллни қайта магнитланиш йўналиши кўрсатилган). Магнит майдонининг ёйилиш вақти  $\sim 1$  мин.



2-расм.  $T=80$  К ҳароратда  $FeVO_3:Mg$  даги магнитли иккиланган нур синишининг майдонга боғлиқлиги

## ANIQ VA TABIIY FANLAR

МЛДнинг майдонга боғланиши,  $T = 80\text{K}$ да кузатиладиган  $\mathbf{H}$  векторнинг  $\text{FeVO}_3:\text{Mg}$ нинг базисли текислиги бўйлаб,  $\text{C}_2$  ўқларнинг бири ва поляризатор азимутининг  $\theta = 45^\circ$  бўйлаб ва кўндаланг ориентацияланганида олинган (чунки, бундай йўналишларда магнитланиш эффекти турли ишораларга эга бўлади). Кўришиб турибдики, магнитланишнинг техник тўйинишида  $\psi$  модулининг қиймати ушбу икки йўналишлар бўйлаб катталиқ жиҳатдан мос келади (1-ифодага мувофиқ), бироқ  $|\psi|(\mathbf{H})$  эгри чизиқнинг йўли кристаллнинг  $\text{MMSi}$  мавжуд бўлиш майдони интервалида сезирарли фарқ қилади ( $\mathbf{H} \perp \text{C}_2$  бўлганда  $5 \leq H \leq 17 \text{ Э}$ ).

Хусусан,  $\mathbf{H} \parallel \text{C}_2$  бўлганда,  $H \approx 5 \text{ Э}$  майдонда  $|\psi|$  максимумга эришади, шу пайтнинг ўзиде  $\mathbf{H} \perp \text{C}_2$  бўлганда олинган  $|\psi|(\mathbf{H})$  боғланиш анча секин тўйинишга чиқади. Бу эса равшанки,  $\text{FeVO}_3:\text{Mg}$  нинг оғир ўқ бўйлаб магнитланиш жараёнида ҳосил бўлган магнит биржинсли эмаслик билан ифодаланган.

### АДАБИЁТЛАР

1. Азаматов З.Т., Караев А.Т., Соколов Б.Ю., Федоров Ю.М. Модулированная магнитная структура слабого ферромагнетика  $a - \text{Fe}_2\text{O}_3:\text{Ga}$ . // ЖТФ. – 2001. – Т.71. – В.3. – С.84 – 87.
2. Дзялошинский И.Е. Теория геликоидальных структур в антиферромагнетиках. // ЖЭТФ. – 1964 – Т.47. – В.2. – С.992 – 1002.
3. Караев А.Т., Соколов Б.Ю., Федоров Ю.М. Индуцированная магнитная сверхструктура в слабом ферромагнетике  $\text{FeVO}_3:\text{Mg}$ . // ФТТ. – 2000. – Т.42. – В.11. – С.2036 – 2041.
4. Караев А.Т. Влияние примесей на магнитную структуру легкоспоскостных слабых ферромагнетиков. Диссер... канд. физ. – мат. Наук. – Самарканд, 2008. – 117 с.
5. Чжан А.В. Образование неоднородных магнитных структур в слабых ферромагнетиках ромбоэдрической симметрии. // ФТТ. – 2008. – Т.50. – В.6. – С.1064 – 1067.
6. Федоров Ю.М., Воротынова О.В., Лексиков А.А. Структура фотоиндуцированного модулированного состояния в борате железа ( $\text{FeVO}_3:\text{Ni}$ ). // ФТТ. – 1989. – Т.31. – В.5. – С. 192 – 197.
7. *Incommensurate Phases in Dielectrics. Modern Problems in Condensed Matter Sciences. Editors Agranovich V.M., Maradudin A.A. Vol.1 North – Holland. – 1993, – 218 p.*

UDK: 52: 05-5

## YADROVIY NURLANISHLARNING INSON ORGANIZMIGA TA'SIRI VA EKOLOGIK TA'LIM

## ВОЗДЕЙСТВИЕ ЯДРОВЫХ ИЗЛУЧЕНИЙ НА ОРГАНИЗМ ЧЕЛОВЕКА И ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ ЗНАНИЯ

## INFLUENCE OF NUCLEAR RADIATION ON THE HUMAN BODY AND ENVIRONMENTAL EDUCATION

*Xudoyberdiyev Eliboy Norboyevich*

*Nav DPI fizika-astronomiya o'qitish metodikasi dots.,*

*Xolov Dilshod Murodilla o'g'li*

*Nav DPI fizika-astronomiya o'qitish metodikasi o'qit.,*

*Karimova Nargiza Istamovna*

*Nav DPI fizika-astronomiya o'qitish metodikasi magistranti*

**Annotatsiya.** Maqolada fizika fanini o'qitishda radioekologik ta'limning ahamiyati tahlil qilinadi. Dozimetriya elementlari va ionlashtiruvch nurlanishlarning biologik ta'sirini o'qitishning oddiy va sistemalashtirilgan uslubiyoti bayon etilgan. Dozimetriya asoslari bo'yicha keltirilgan ma'lumotlardan o'rinli foydalanish yadro fizikasi kursini o'qitish sifati va samaradorligini orttirishga xizmat qiladi. O'z navbatida, dozimetriya va radioekologiya bo'yicha mukammal bilimga ega bo'lgan mutaxassislarni shakllantirish "O'zbekiston atom energiyasi" dasturi bo'yicha mutaxassislar tayyorlash muhim ahamiyatga ega.

**Tayanch so'zlar:** yadro fizikasi, radioekologiya, ionlashtiruvchi nurlanishlar, atom energiyasi, ruxsat etilgan doza, dozimetriya, radiatsion effekt, yutilgan doza, ekvivalent doza, effektiv doza, ekspozitsion doza, toqima faktori, nurlanish.

## ANIQ VA TABIIY FANLAR

**Аннотация.** В данной статье анализируется значение радиоэкологического образования в обучении физики. Излагается простая и систематизированная методика обучения элементов дозиметрии и биологического воздействия ионизирующих излучений. Умелое использование приведенных данных по основам дозиметрии способствует повышению качества и эффективности обучения ядерной физики. В свою очередь, формирование специалистов, владеющих всесторонними знаниями по дозиметрии и радиоэкологии, играет важную роль при подготовке кадров по программе «Атомная энергия Узбекистана».

**Ключевые слова:** ядерная физика, радиоэкология, ионизирующие излучения, атомная энергия, допустимая доза, дозиметрия, радиационный эффект, поглощенная доза, эквивалентная доза, эффективная доза, экспозиционная доза, тканевый фактор, облучение.

**Abstract.** The article analyzes the importance of radio ecological education in teaching physics. A simple and systematic method of teaching the biological effects of dosimetry elements and ionizing radiation is described. Proper use of dosimeter data will enhance the quality and effectiveness of teaching nuclear physics courses. In its turn, formation of highly qualified specialists in dosimetry and radioecology is essential in training specialists for the Nuclear Energy Program of Uzbekistan.

**Key words:** nuclear physics, radioecology, ionizing radiation, atomic energy, allowable dose, dosimetry, radiation effect, absorbed dose, equivalent dose, effective dose, exposition dose, tissue factor, irradiation.

Ma'lumki, pedagogika institutlari o'quv dasturida "Umumiy fizika" kursining oxirgi bosqichida "Atom va yadro fizikasi" bo'limi o'rganiladi. Bu bo'limni o'rganishning o'ziga xos jihati shundan iboratki, bunda fizika kursining barcha avvalgigi bosqichlarida talabalar olgan bilimlari, shuningdek, nazariy fizika kursi materiallari hamda umumiy matematikadan olgan bilimlari asos bo'lib xizmat qiladi.

Bu kurs bo'yicha o'quv dasturida yadro fizikasining asosiy tushunchalariga, shuningdek, yadroviy jarayonlarning o'ziga xos jihatlari va amaliy qo'llanish sohalariga keng o'rin berilgan.

Hozirgi kunda yadro fizikasiga, yadroviy jarayonlarni tadqiq etishga butun jahonda, shu jumladan, respublikamizda ham jiddiy e'tibor berilmoqda. Buning sabablaridan biri insoniyat sivilizatsiyasi butun taraqqiyoti davomida o'zi yashab turgan koinot haqidagi zamonaviy tasavvurlarni aynan yadro fizikasi orqali olganligi bo'lsa, ikkinchi sababi yadro fizikasi yutuqlarining amaliy ahamiyatidir.

Garchi dastlabki yadro tadqiqotlari natijasida insoniyat uchun qirg'in quroli bo'lgan atom bombasi kashf etilganligi salbiy hodisa bo'lib, butun jahon afgor ommasini tomonidan qoralangan bo'lsa-da hozirgi kunda yadro ichida "yashirinib yotgan" ulkan energiyadan tinch maqsadlarda foydalanish masalasi dolzarb muammolaridan biridir. Bunga sabab, energiya muammosi insoniyat oldidagi global muammolardan biri ekanligidir. Butun dunyo ekspertlarining xulosasiga ko'ra, yer qa'rida million yillar davomida hosil bo'lib shakllangan ko'mir, neft, gaz zaxiralari insoniyat tomonidan ~200-300 yil ichida deyarli iste'mol qilib bo'lindi.

Baholovlar bu zaxiralar kundan-kunga kamayib borayotganligi, kundalik ehtiyojlar esa keskin ortayotganligini, bu ahvol shunday davom etsa energetik zaxiralar ~60-70 yilda butunlay tugashini ko'rsatmoqda. Bunday sharoitda kelajak avlodni-insoniyat kelajagini o'ylaydigan har bir davlat va uning fuqarolari, eng avvalo, shu xalq ziyolilari, olimlari tabiatdagi boshqa imkoniyatlarni qidiruvchi ilmiy tadqiqotchilarga e'tibor qaratishi lozim. Shu maqsadda, elektr energiyasi olishning muqobil usullariga kiruvchi quyosh energiyasi, geotermal energiyalardan foydalanish kabi usullardan foydalanilmoqda. Lekin bu usullar bilan olingan energiya inson ehtiyojlarini bor-yog'i 8-10 %ni qoplashi mumkin.

Shuning uchun ham olimlar kelajakda atom energiyasidan foydalanish orqaligina rivojlanayotgan sanoat ishlab chiqarishi ehtiyojlari qoplash mumkin degan xulosaga keldilar. Bu xulosa natijasi o'laroq O'zbekistonda ham "Rosatom" kompaniyasi bilan hamkorlikda har birining quvvati 2GW bo'lgan ikkita energetik reaktor-energoblok qurishga qaror qilindi. Bu energetik

## ANIQ VA TABIIY FANLAR

tizimni barqarorlashtirishdagi dastlabki qadam bo'lib, hozirgi kundagi ehtiyojning ~ 25 %ini qoplash nazarda tutilgan. Shu qaror asosida O'zbekistonda "O'zatom" davlat agentligi tashkil etildi, Moskva muhandislik fizika instituti Milliy yadro tadqiqotlari universitetining filiali ochildi. Respublikamizdagi nufuzli oliy o'quv yurtlarida "Yadro fizikasi va texnologiyasi" bo'yicha magistratura mutaxassisliklari tashkil etildi, pedagogika institutlari o'quv dasturida yadro fizikasini o'rganish soatlari keskin oshirildi. Bu chora-tadbirlardan ko'zda tutilgan maqsad rejalashtirilayotgan yadro energiyasidan tinch maqsadda foydalanish loyihasi uchun kadrlar tayyorlash masalasidir.

### 1-jadval

№	Yillar	Ekspertlar	REChD
1.	1902	S. Rollinz (Angliya)	10R/sutka
2.	№	M.Mitcheller (Amerika)	100 mR/sutka
3.	1934	Xalqaro radiatsiyadan himoyalash komissiyasi (XRHK)	200mR/sutka
4.	1936	(XRHK)	100mR/sutka
5.	1948	(XRHK)	50mR/sutka 6Zv/40 yil
6.	1953	(XRHK)	0.6Zv/30yil 6mR/sutka
7.	1997	(XRHK)	A-20 $\mu$ Zv/yil 6mR/sutka B-2 $\mu$ Zv/yil 0.6mR/sutka Aholi -1 $\mu$ Zv/yil 0.3 mR/sutka

Yadro fizikasida va yadro energiyasida asosiy masalalardan biri bo'lgan radiatsion xavfsizlik bo'yicha asosiy tushunchalar dozimetriya asoslari orqali beriladi. Bunda yadroviy nurlanishlarni qayd etish usullari, nurlanish dozasi, asosiy dozimetrik kattaliklar, o'lchov birliklari nurlanishning inson organizmiga ta'siri kabi asosiy tushunchalarni bilish muhim ahamiyatga ega. Bu borada ko'plab adabiyotlar bo'lishiga qaramay, til muammosi yoki turli adabiyotlar faqat tor sohadagi mutaxassislar uchun mo'ljallanganligi yoki ba'zilarida ma'lumot kamligi tufayli talabalarda bu boradagi ayrim tushunmovchiliklar bo'lishi tabiiy. Lekin bo'lajak pedagog-mutaxassislar tayyorlashda ularning o'z sohasi bo'yicha mukammal bilimga ega bo'lishiga erishish ta'limning asosiy talabidir. Bu talabni amalga oshirishda shu yo'nalishdagi uslubiy tadqiqotlar muhim ahamiyatga ega.

Mazkur maqolada biz dozimetriyaning asosiy elementlari va nurlanishlarning biologik ta'sirini ixcham va soddalashtirilgan holda bayon etish bilan birga qaralayotgan masala bo'yicha ma'lumotlarni jamlangan holda taqqoslash orqali tushuntirishga harakat qilamiz.

Radiatsion nurlanishlarning inson organizmiga ta'siriga rentgen nurlari (1895-y.) va radioaktivlik (1896-y.) kashf etilgandan so'ng salkan 7 yil o'tibgina e'tibor berildi. Bu davrda nurlanish bilan ishlayotgan olimlar terisidagi jarohatlar sistemali ravishda qayd etilgan edi. Shuning uchun radiatsiya bilan ishlovchi olimlar uchun xavfsiz nurlanish dozasi tushunchasi keritildi. Bu doza *ruxsat etilgan chegaraviy doza* deb ataldi. Ruxsat etilgan chegaraviy doza (REChD) deb insonning butun umri davomida sezilarli o'zgarishlarga olib kelmaydigan dozaga aytiladi. Bu dozaning miqdori esa turli yillarda turli ekspertlar tomonidan turlicha belgilandi.

Nurlanish dozalari uchun qabul qilingan dozimetrik birlik va ularning ta'riflari hamda turli birliklar orasidagi bog'lanishlar 2-jadvalda keltirilgan.

### 2-jadval

№	Doza turi	Ta'rif	Birligi	O'zaro bog'lanishi
1.	Ekspozitsion doza	Birlik massali havodagi bir xil ishorali ionlarning umumiy zaryadiga teng kattalik $D_{exp} = q/m$	Kl/kg $[D_{exp}] = Kl/kg$	Yutilgan doza 1R~0.0091Gr~0.96rad
			R 1 Rentgen (R)= $2.58 \cdot 10^{-4}$ Kl/kg	Ekvivalent doza 1R~0.0091Zv~0.91ber
2.	Yutilgan doza	Birlik massaga to'g'ri keluvchi nurlanish energiyasi $D = \frac{w}{m}$	Gr (Grey)	Ekspozitsion doza 1Gr~100rad~110R
			Rad	Ekvivalent doza 1Gr~1Zv~100ber
3.	Ekvivalent doza	Yutilgan dozaga har bir nurlanish turning xususiyatini hisobga oluvchi sifat koeffitsiyenti ko'paytiriladi $H=D \cdot W_p$ $W_p$ - sifat koeffitsiyenti yoki taqqoslovchi faktorining o'rtacha qiymati	Zv	Ekspozitsion doza 1Zv~110R
			Ber	Yutilgan doza 1Zv~100ber~1Gr



## ANIQ VA TABIIY FANLAR

Radiaktiv nurlanishlarning inson organizmiga ta'siri ular turiga va energiyasiga bog'liq ekanligi aniqlangan. Dozimetriyada bu holatni hisobga olish uchun taqqoslash faktori – sifat koeffitsiyenti tushunchasi kiritiladi. Quyidagi 3-jadvalda taqqoslovchi faktor sifat koeffitsiyenti ( $W_p$ )ning turli energiyalar uchun qiymatlari keltirilgan.

**3-jadval**

№	Nurlanish turi va energiya diapazoni	$W_p$
1.	Ixtiyoriy energiyali fotonlar (gamma va rentgen nurlari ham)	1
2.	Ixtiyoriy energiyali elektronlar (pozitronlar) va myuonlar	1
3.	Protonlar (energiyasi $W > 2\text{MeV}$ )	5
4.	Neytronlar ( $W < 10\text{keV}$ )	5
5.	Neytronlar ( $10 \div 100\text{keV}$ )	10
6.	Neytronlar ( $100\text{keV} \div 2\text{MeV}$ )	20
7.	Neytronlar ( $2\text{MeV} \div 20\text{MeV}$ )	10
8.	Neytronlar ( $W \div 20\text{MeV}$ )	5
9.	Alfa zarralar, bo'linish parchalari, og'ir tepki yadrolar	20

Berilgan ekvivalent dozada nurlanishning turli to'qimalarda ta'siri ham turlicha bo'ladi va bu effekt *to'qima taqqoslash faktori* bilan hisobga olinadi. Buning uchun, effektiv nurlanish dozasi tushunchasi kiritilgan. Effektiv nurlanish dozasi ( $E$ ) butun organism tekis nurlantirilgan holdagi o'zgarish effektlari, shu nurlanish bilan har bir organ alohida nurlantirilganda kuzatiladigan effektlarga teng bo'lishini ko'rsatadi. Effektiv nurlanish dozasi quyidagicha aniqlanadi:

$$E = H \cdot W_t$$

Bu yerda  $W_t$ -to'qima taqqoslash faktori bo'lib, uning turli organlar uchun qiymati 4-jadvalda keltirilgan.

**4-jadval**

№	To'qima yoki organ	$W_t$
1.	Jinsiy a'zolar	0.20
2.	Qizil ilk	0.12
3.	Yog'on ichak	0.12
4.	O'pka	0.12
5.	Oshqozon	0.12
6.	O't puffagi	0.05
7.	Sut bezi	0.05
8.	Jigar	0.05
9.	Qizilo'ngach	0.05
10.	Qalqonsimon bez	0.05
11.	Teri	0.01
12.	Suyakning ust qatlami	0.01
13.	Qolgan to'qima va organlar (buyrak, bosh miya, nafas yo'li, muskullar, bachadon, qorataloq, yog'on ichak, oshqozon osti bezi)	0.05
14.	Butun tana (to'liq gavda) bo'yicha	1.00

Hozirgi kunda radiatsiyaning jonli organizmlarga ta'siri ancha keng ko'lamda o'rganilgan. Lekin past, kichik nurlanish dozalarining genetik ta'sirlari to'liq ma'lum emas. Kuchli nurlanishning inson turli organizmlarga ta'siri esa ko'plab tajribalar orqali aniqlangan. Quyidagi 5-jadvalda tirik orgazmda kuzatilishi mumkin bo'lgan *nostoxastik effektlar* uchun chegaraviy yuqori nurlanish dozalari keltirilgan.

**5-jadval**

№	Organ, to'qima	Doza (Gr)	Nostoxastik effektlar
1.	Butun tana	0.5	Qayt qilish (qusish)
2.	Ilik	1.0	O'lim
3.	Teri	3.0	Kuyish, soch to'kilishi
4.	O'pka	5.0	Pnevmoniya
5.	O'pka	10	O'lim
6.	Qalqonsimon bez	10	Bez faoliyatidagi buzilishlar

Yadro fizikasi kursini o'qitishda dozimetriya asoslari bo'yicha yuqorida keltirilgan ma'lumotlardan tahliliy asosda o'rinli foydalanish ta'lim sifati va samaradorligini ortirishga xizmat qiladi. Dozimetriya bo'yicha mukammal bilimga ega bo'lgan mutaxassislarni shakllantirish hozirgi kunda "O'zbekiston atom energiyasi" dasturi uchun kadrlar tayyorlash masalasini hal qilishda muhim ahamiyatga ega.

## ADABIYOTLAR

1. Мухин К.Н. Экспериментальная физика. – М.: Энергоатом издат., 2001.
2. Тихомиров Г.Н. Ядерная физика. Сборник лекций. – М.: МИФИ, 2018.
3. Титаева Н.А. Ядерная геохимия. – М.: МГУ, 2000.
4. Ковалева Т.Н. Основы радиоэкологии и безопасной жизнедеятельности. – Томск, 2008.
5. Радиационная безопасность. Нормы радиационной безопасности (НРБ-2000), Основные санитарные правила обеспечения радиационной безопасности (ОСП-2002).
6. Ильенко А.И. Экология животных в радиационном биогеоценозе. / А.И. Ильенко, Т.П. Крапивко. – М.: Наука, 1989.
7. Кривоуцкий Д.А. Радиоэкология сообществ наземных животных. / Д.А. Кривоуцкий. – М.: Энергоиздат, 1983.

УДК: 53: 53-05

ДИСПЕРС СУЮҚЛИКЛАРДА АНОМАЛ ДИСПЕРСИЯНИ ТАЖРИБАДА  
ТЕКШИРИШ ИМКОНИАТЛАРИВОЗМОЖНОСТИ ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНОГО ИССЛЕДОВАНИЯ АНОМАЛЬНОЙ  
ДИСПЕРСИИ В ДИСПЕРСНЫХ ЖИДКОСТЯХPOSSIBILITIES OF EXPERIMENTAL INVESTIGATION OF ANOMALOUS  
DISPERSION IN DISPERSED LIQUIDS

*Рўзиева Дилноз Салимовна*  
БухМТИ физика каф. ассис.,

*Шарипов Мирзо Зокирович*

БухМТИ физика каф. мудири, физ.-мат..ф.д.,

*Ахроров Ибрагим Иноятович*

Навоий вилоят 40-йхтисослашган мактаб-интернати

олий тоифали физика фани ўқит.,

*Ахророва Мунира Ибрагимовна*

БухМТИ физика каф. ассис.,

*Раупова Ирода Баракаевна*

БухМТИ физика каф. ўқит.

**Аннотация.** Мақолада дисперс суюқликларда содир бўлувчи аномал дисперсия ҳодисасини тажрибада текшириш имкониятлари, шу билан бирга ЭМС-30 РС-UV Spektrofotometr қурилмасидан фойдаланишининг самараси ҳақида мулоҳазалар фикрлар ва натижалар баён этилади. Ёруғликнинг аномал дисперсияси, ёруғликнинг муҳитларда ютилиши ютилиш спектрлари каби мураккаб мавзуларни лаборатория шилари ёрдамида кўрсатиб ўқитилса, талабада мустақам билим ва тушунчалар ҳосил бўлади. Келгусидаги иш фаолиятларида ҳам фойдаланилувчи оптик асбоблар билан ишлаш кўникмалари шаклланади.

**Таянч сўзлар:** аномал дисперсия, дисперсия, призма, синдириш кўрсаткичи, спектрлар, ютилиш спектрлари, тўлқин узунлиги, синиш бурчаги, фильтрлар.

**Аннотация.** В статье описываются возможности тестирования явления аномальной дисперсии в дисперсных жидкостях в эксперименте, а также мнения и выводы об эффекте применения прибора ЭМС-30 ПК-УФ спектрофотометр. Когда сложные предметы, такие как аномальная дисперсия света, спектры поглощения света в окружающей среде демонстрируются и преподаются с использованием лабораторных работ, у студента формируются прочные знания и концепции. Формируются навыки работы с оптическими приборами, которые также используются в будущей деятельности.

**Ключевые слова:** дисперсия аномалия, дисперсия, призма, показатель преломления, спектры, поглощающие спектры, длина волны, угол разрыва, фильтры.

## ANIQ VA TABIIY FANLAR

**Abstract.** *The article describes the possibilities of testing the phenomenon of anomalous dispersion in dispersed liquids in the experiment, as well as opinions and conclusions about the effect of the device EMC-30 PC-UV spectrophotometer. when complex subjects such as anomalous dispersion of light, absorption spectra of light in environments are demonstrated and taught using laboratory work, solid knowledge and concepts are generated in the student. Skills for working with optical devices are formed, which are also used in future business activities.*

**Key words:** *dispersion anomaly, dispersion, prism, refractive index, spectra, absorption spectra, wavelength, fracture angle, filters.*

Республикамызда таълим тизимига берилаётган эътибор бугунги кунда катта амалий ишларни талаб этмоқда. Таълим тизимини ислоҳ этиш бўйича асосий ҳужжатлардан бири бўлган, Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да бозор иқтисодиёти жавоб берадиган кадрларни тайёрловчи таълим муассасаларида ўқув жараёнини ахборот коммуникация технологиялари, интернет ва компьютер тармоқлари негизида ташкил этиш зарурлиги алоҳида таъкидланган.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясининг “Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш” бўлимида узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш, таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, уларни замонавий ўқув ва лаборатория асбоблари, компьютер техникаси ва ўқув-методик қўлланмалар билан жиҳозлаш орқали уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан мақсадли чора-тадбирларни кўришга алоҳида эътибор қаратилган. Шу нуқтаи назардан таълим муассасаларида лабораторияларни ташкил этиш юқорида келтирилган бир қатор имкониятларни тақдим этади.

Техник йўналишдаги Олий таълим муассасалари талабалари учун физиканинг оптика бўлимига бошқа бўлимларга нисбатан ўқув машғулотлари учун кам вақт ажратилган. Оптикада интерференция, дифракция, дисперсия, кутбланиш каби ҳодисаларни фақат кўргазмалар, схемалар, чизмалар билан тушунтириш усуллариининг самарадорлиги етарлича бўлмайди. Чунки, юқорида қайд қилинган ҳодисалар оптика бўлимидаги мураккаб ва кўпроқ диққат талаб қиладиган мавзулар сирасига киради. Ҳолбуки, бўлғуси мутахассис амалиётда фойдаланиладиган оптик қайд этгичлар, спектрал таҳлил қилиш имкониятини берувчи лаборатория қурилмалари, лазер технологияси бўйича ишлайдиган барча ўлчов асбобларининг иш жараёнини оптикадан эгаллаган билимларига асосланиб тушуниш имкониятига эга бўла олади[3].

Шуларни инобатга олиб, ёруғликнинг дисперсияси ва муҳитда ютилиши ҳодисасини тушунтириш бўйича лаборатория машғулотларининг аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтамиз. Айнан ёруғлик дисперсияси ва ёруғликнинг муҳитларда ютилиши мавзуларининг танланганлигига сабаб:

1) ёруғлик дисперсиянинг мунозарали иккита тури нормал ва аномал дисперсия ҳодисаларининг;

2) ёруғликнинг муҳитдаги ютилиш коэффициентининг қийматини Ламберт -Бугер қонунидан фойдаланиб, реал тажриба усулида физик моҳиятини ёритиб беришдир.


Дарс жараёнида асосий оптик ҳодисалардан бири дисперсия мавзуси бўйича умумий тушунчалар бериш билан бирга дисперсиянинг иккита тури нормал ва аномал дисперсия ҳақида айтиб ўтилади. Синдириш кўрсаткичини аниқлашда қўлланилувчи ҳар қандай метод (призмаларда синдириш, тўла ички қайтиш, интерференцион асбоблар) дисперсияни топишга хизмат қилиши мумкин. Ёруғликнинг дисперсияси устидаги дастлабки экспериментал текширишларни И.Ньютон қилган (1672 й) бўлиб призмада синдириш усулида бажарилган эди (1-расм) бу текширишлар демонстрация қилишда ва илмий текширишда ҳозир ҳам яхши метод ҳисобланади[1].



1-расм. Дисперсия кузатилишининг Ньютон тажрибаси

Ҳозирги кунда синдириш кўрсаткичи билан дисперсия орасидаги боғлиқлик анча мураккаб бўлиши мумкинлиги маълум; одатда дисперсиянинг орта бориши билан синдириш кўрсаткичи орта борса-да, лекин ҳамма вақт бундай бўлавермайди. Хатто, дисперсиянинг умумий ўзгариб бориши, яъни тўлқин узунлик камайгани сари, синдириш кўрсаткичининг катталаша бориши ҳамма вақт ҳам ўринли бўлавермайди[2]. Леру (1862й) йод буғи тўлдирилган призмада ёруғлик синишини кузатиб, қизил нурларга нисбатан кўк нурлар камроқ синишини топди (бошқа нурларни йод ютади ва улар кўринмай қолади). Леру бу хусусиятни аномал дисперсия деб атади, бу ном ҳозиргача сақланиб келади (2-расм). Дисперсия суюқликларда ҳам аномал ўзгариб боради; батафсил тадқиқотларнинг кўрсатишича, ҳар қандай модда ўзининг ютиш полосаларига эга бўлади ва синдириш кўрсаткичининг умумий ўзгариб бориши (графики) бу полосалар спектрнинг қаерида жойлашганига боғлиқ бўлади.

Шунинг учун, нормал ва аномал дисперсияни бири-бирига қарши қўйишнинг маъноси йўқ. Ҳар қандай моддага тегишли тўла дисперсион манзара ютилиш чизиқлари ёки полосалари ичидаги соҳаларга мос аномал дисперсия соҳаларидан ва ютилиш полосалари орасида жойлашган нормал дисперсия соҳаларидан иборат бўлади. Аномал дисперсия ҳодисаси нормал дисперсияни инкор қилгандек туюлади.



2-расм. Нормал ва аномал дисперсияда синдириш кўрсаткичи  $n$ нинг частотага боғлиқлиги

Дарс жараёнида ўқитувчи умумий таърифлар билан чегараланиб қолади. Талабада айнан аномал дисперсия ҳодисаси ҳақидаги тасаввурлар мавҳумлигича қолади. Худди мана шу мавҳум тушунчаларни фақатгина тажриба иши билан кўрсатиб, аномал дисперсия тушунчаси ҳақида талаба аниқ маълумотларга эга бўлиши мумкин. Аномал дисперсия ҳодисасини кузатиш бўйича тажриба иши дисперс суюқликларда турли суюқликларнинг синдириш кўрсаткичларини ҳисоблаш ва қиёслаш; синдириш кўрсаткичининг қиймати тўлқин узунлигига боғлиқ бўлгандаги синдириш кўрсаткичининг қиймати мингдан бир улушларда ўзгаришини топиш суюқликларда ёруғлик дисперсиясини таҳлил қилиш имкониини беради.

Мазкур тажрибада 4 хил турлича суюқликлар (сув толуол скипидар этилциннамат) билан тўлдирилган учбурчак шаклли ғовак призмадан фойдаланамиз (3-расм). Призманинг ҳар бир бурчаги  $60^\circ$  га тенг, шунинг учун агар ёруғлик нури призманинг иккала томонига учинчи томонига нисбатан параллел тушса, синиш бурчаги орқали қуйидаги формула билан топилади:

## ANIQ VA TABIIY FANLAR

$$(\lambda) = 2 \sin(30^\circ + \frac{\alpha(\lambda)}{2}) \quad (1)$$

$$\alpha(\lambda) = \tan \frac{d(\lambda)}{D} \quad (2)$$

Бу тажриба ишини бажаришда талаба геометрик оптиканинг қонунларидан, геометрик ўлчов усулларидан фойдаланиб, синдириш кўрсаткичининг турли суюқликлар учун қийматларини аниқлаш билан бир қаторда аномал дисперсия ҳодисасининг рўй бериши натижасида синдириш кўрсаткичининг қийматидаги тўлқин ўзгариши билан юзага келувчи фарқни тажриба усулида олинган катталиқлар билан ҳисоблаб, етарлича тасаввур ва ҳулосаларга келиши мумкин(1-жадвал).

**1-жадвал**

Дисперс суюқлик тури	Синдириш кўрсаткичи	Синдириш кўрсаткичининг фарқи
Сув	1,33	0,006
Спирт	1,36	0,006
Толуол	1,50	0,014
Скипидар	1,47	0,014
Этилциннамат	1,56	0,028

Лаборатория ишида ёруғлик манбаига тартиб билан бир сафар қизил, кейинги сафар кўк рангли филтрларни қўйиб, ҳар бир суюқлик учун натижалар олиш мумкин.

Тажрибада ёруғлик манбаига турли хилдаги ранг филтрларини ўрнатиб, ҳар қайси ранг тўлқин узунлигида модданинг синдириш кўрсаткичининг қиймати ўзгариши топилди. Унга кўра сувнинг синдириш кўрсаткичи энг кичик, этилциннамат моддасида энг катта қийматга эришади.



**3-расм. Дисперсия ҳодисасини намоён этиш қурилмаси**

Асосийси, аномал дисперсия ҳодисасига кўра суюқликнинг ёруғликни синдириш коэффициентининг қиймати тўлқин узунлигига боғлиқ алоҳида ҳолатлар ҳам лаборатория усулида аниқланди. Унга кўра, қизил ва кўк филтрлардан ўтган ёруғлик нурлари дисперс суюқликлар билан тўлдирилган призмада синишини кузатиб, қизил нурларга нисбатан кўк нурлар камроқ синади, деган ҳулосага келиш мумкин.

Энди ёруғликнинг муҳитларда ютилиши ва ютилиш спектрлари мавзусига тўхталиб ўтамиз. Даставвал мавзуга тегишли назарий маълумотлар берилади.

Ёруғликнинг ютилиш қонуни Бугер томонидан ўрганилган. Кейинчалик эса Ламберт ва Бер томонидан ҳар томонлама ўрганилди. Бу қонуннинг қўлланилиш соҳасини Вавилов ўрганган ва у тушаётган ёруғлик интенсивлигини  $10^{-10}$  мартагача ўзгарганда ҳам Бугер қонуни ўринли эканлигини аниқлаган:

$$I = I_0 e^{-\beta x} \quad (3)$$

(3) ифода Бугер қонуни номи билан аталади.  $\beta$ - ютилиш коэффициенти дейилади. Масалан,  $x_1$  қалинлик учун интенсивлик  $I_1$  бўлса ва  $x_2$  учун  $I_2$  бўлса, у ҳолда ёруғликнинг берилган суюқликда ютилиш коэффициенти қуйидагича топилади:




## ANIQ VA TABIIY FANLAR

$$\beta = \frac{1}{x_1 - x_2} \ln\left(\frac{I_1}{I_2}\right) \quad (4)$$

Агар маълум тўлқин узунликли ёруғлик нури бирор миқдорда аралашмали эритмадан ўтганда фотонлар кўп бўлмаган миқдордаги ютувчи кимёвий бирикмалар билан тўқнашади ва мос ҳолатда юқори шаффофликни ва паст спектрал ютилишни кузатиш мумкин. Агар шу нур концентрацияси юқори бўлган эритмадан ўтса, фотонлар кўп миқдордаги ютилувчи кимёвий бирикмалар билан тўқнашади ва мос ҳолда паст шаффофликни ва юқори спектрал ютилишни кузатишимиз мумкин[1]. Шундай қилиб, спектрал ютилиш намуна концентрациясига боғлиқ. Спектрофотометрда оптик зичликнинг ёки ўтказувчанликнинг тўлқин узунлигига боғлиқлиги ўлчанади. Бизни модда ютилиш спектрининг шакли кизиқтирса, тажрибада ўлчанган оптик зичлик  $D$  нинг тўлқин узунлигига боғланиш графигини чизиш етарли бўлади. Агар, модда ютилиш спектрининг шакли билан биргаликда интенсивлигини аниқлаш талаб этилса, тажрибада  $D$  ни аниқлагач:


$$\beta = \frac{1}{x_1 - x_2} \ln\left(\frac{I_1}{I_2}\right) \quad (5)$$

бу формула ёрдамида ютилиш коэффиценти ёки ёруғлик моляр ютилиш коэффицентининг ҳар бир тўлқин узунлигига мос келувчи қиймати ҳисоблаб топилади[2]. Ёруғликнинг ютилиш ҳодисасидан абсорбцион спектрал таҳлилда фойдаланилади. Ютилиш спектрларининг структуравий тузилишига қараб, молекуляр тузилма ва таркиб аниқланади. Шу сабабли, ютилиш спектрларини ўрганиш моддани текширишнинг миқдор ва сифат жиҳатидан текшириш усули ҳисобланади. Назарий билимлар бериш жараёнини тажриба усуллари орқали ҳам бойитиш мумкин.



**4-расм. Фуксин моддасининг ютилиш спектри**

Лаборатория усулида рангли суюқликда ёруғликнинг ютилиш коэффицентининг қийматини Ламберт-Бугер формуласи билан аниқлашда ишчи модда сифатида фуксин моддаси берилган[4]. Фуксин моддасининг кимёвий тузилиш бўйича формуласи  $C_{20}H_{19}N_3HCl$  бўлиб, яшил ялтироқ кристалл кўринишда бўлади. Сувдаги эритмаси очик қизил рангдаги сунъий бўёқ ҳисобланади. Фуксиннинг сувдаги эритмасини тайёрлаб, унинг маълум қалинлигидаги ёруғлик ютилиш коэффиценти қиймати ва ютилиш спектрларини аниқлаш мумкин.



**5-расм. Ламберт-Бугер қонунини ўрганиш мавзусидаги лаборатория иши қурилмасининг умумий кўриниши**

Фуксин моддасининг ютилиш спектрлари EMC-30 PC-UV Spektrofotometr қурилмаси

## ANIQ VA TABIIY FANLAR

ёрдамида кузатилиб, ёруғлик тўлқин узунлиги  $\lambda$  нинг муҳитнинг оптик зичлиги  $D$  га боғлиқлик графиги ҳосил қилинди. Графикдан тўлқин узунлигининг қиймати ошган сари ютилиш спектрларининг каттароқ ва кенгроқ соҳани эгаллаши кўриниб турибди. Кенг ва катта соҳа яшил ранг тўлқин узунлигига тўғри келганлиги учун ҳам фуксинли қизил-бинафша эритманинг натижавий ранги олов рангда бўлишини асослаш мумкин.

Галоген лампа, йиғувчи линза, фуксинли қизил-бинафша рангли эритма солинган кювета, тўғри йўналишли кўриш призмаси бир хил баландликда кетма-кет жойлаштирилади. Ёруғлик манбаидан чиққан ёруғлик йиғувчи линзадан ўтиб кюветага тушади. Кюветадан ўтган ёруғлик нури тўғри йўналишли кўриш призмасидан экранда рангли полосалар ҳосил қилади. Полосаларда яшил ранг кўринмайди, демак фуксинли эритмада энг кўп ютиладиган спектр яшил рангга тегишли экан. Бу лаборатория ишини айниқса нефть ва газ саноати йўналишидаги талабалар учун ўта муҳим тажриба иши ҳисоблаш мумкин (5-расм). Бу орқали талабалар суюқ нефть маҳсулотларининг ёруғликни ютиш қобилиятига кўра, сифатини текшириш сингари амалий ишларни бажариш учун билим ва кўникмаларга эга бўладилар.

Демак, ёруғликнинг аномал дисперсияси, ёруғликнинг муҳитларда ютилиши ютилиш спектрлари сингари мураккаб мавзуларни лаборатория ишлари ёрдамида кўрсатиб ўқитилса, талабада мустақам билим ва тушунчалар ҳосил бўлади. Келгусидаги фаолиятларида ҳам фойдаланилувчи оптик асбоблар билан ишлаш кўникмалари шаклланади.

### АДАБИЁТЛАР

1. Ландсберг Г.С. Оптика. – Тошкент: Ўқитувчи, 1981.119-122-б.
2. Трофимова Т.И. Курс физики. – Москва: Высшая школа, 1985. 257-262-б.
3. [www/virtlab3/Виртуальная лаборатория по физике для студентов](http://www/virtlab3/Виртуальная лаборатория по физике для студентов).
4. Фриш С.Э., Тиморева А.В. Умумий физика курси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1962.75-78-б.

УДК: 631.362.36

## БУГДОЙ УРУҒИНИНГ ЭЛЕКТР ҚАРШИЛИГИНИ ЎЛЧАШ ҚУРИЛМАСИ ПРИБОР ПО ИЗМЕРЕНИЮ ЭЛЕКТРИЧЕСКОГО СОПРОТИВЛЕНИЯ СЕМЯН ПШЕНИЦЫ

### THE MEASUREMENT DEVICE OF ELECTRICAL RESISTANCE OF WHEAT SEEDS

*Рустамов Сухроб Шухрат ўгли*

*БухМТИ электр механикаси ва технология каф. ассис.,*

*Жўраев Миржалол Қахрамонович*

*БухМТИ электр механикаси ва технология каф. ўқит.,*

*Музаффаров Фирдавс Фузайл ўгли*

*БухМТИ электр механикаси ва технология каф. ўқит.,*

*Бадриддинов Рашиан Камолидинович*

*БухМТИ магистранти*

**Аннотация.** Муаллифлар томонидан мақолада келтирилган маълумотлар бугдойнинг электр қаршилигини қурилмада аниқ ўлчаш имконини беради ва бугдой уруғининг электр қаршилигининг вариацион тарқалишидаги ҳисобий ва тажрибавий графиги келтирилган. Графикада келтирилган қийматлар асосида бугдойнинг электр майдонидаги қаршилигининг нисбий қийматлари акс этирилган. Энг катта нисбий қаршилиқни  $0.2 \cdot 10^{12}$  ом қийматдан олади. Мақолада келтирилган қийматлар тажрибалар натижасида олинган ва амалиётда татбиқ қилинган.

**Таянч сўзлар:** Ўлчаиш қурилмаси, диэлектрик асос, параллел электродлар, электр қаршилиқ, бугдой уруғи.

## ANIQ VA TABIIY FANLAR

**Аннотация.** Представленные авторами данные обеспечивают точное измерение электрического сопротивления пшеницы в устройстве и расчетно-экспериментальную диаграмму изменения электрического сопротивления семян пшеницы. Значения, представленные в этой статье, получены из экспериментов и реализованы на практике.

**Ключевые слова:** устройство Измерительный прибор, диэлектрическая основа, параллельные электроды, электросопротивление, семена.

**Abstract.** The data presented by the authors provide accurate measurements of the electrical resistance of wheat in the device and a computational and experimental chart of the variation of the electrical resistance of the wheat seeds. The values presented in this article are derived from the experiments and implemented in practice.

**Key words:** Measuring apparatus, dielectric basis, parallel electrodes, electrical resistance, wheat seeds.

Бугунги кунда дунё микёсида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашда ва уруғчиликни ривожлантиришда “Кластр” корхоналарида янги технологияларни қўллашга катта этибор берилмоқда. Бунинг натижасида қўлланиладиган янги машина ва жиҳозларнинг иш унумдорлигини ошириш, электр энергияси сарфини камайтириш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг экиш сифатини янада яхшилаш, экиладиган қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини экиш сифатини яхшилаш ва экиладиган уруғ сарфини камайтириш, шу жумладан, уруғларни саралаб экишга катта этибор қаратилмоқда. Кластр корхоналарида мавжуд ускуна ва технологик қурилмалардан фойдаланишда буғдой уруғининг физик, механик биологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда турли органик, минерал, пишиб етилган уруғларда ажратиш муҳим ҳисобланади. Массасига кўра фракцияларга ажратиш учун зарур юқори унумли, металл ва энергия тежамкор ихчам қурилмалардан бири сифатида электросепараторни келтириш мумкин. Бу қурилмалар ишлашида буғдой уруғининг электр қаршилигини аниқлаш муҳим ва асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 3 октябрдаги ПК-1633-сонли қарори ҳамда мазкур қарорда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун “Кластр” корхоналарида мавжуд саралагичлардаги камчиликларни бир оз бўлса-да камайтириш имкони яратилади.

Илмий изланишлардан маълумки, уруғлар турли типга мансуб электр саралагичларда сараланганда ёки фракцияларга ажратилганда, асосий омиллардан бири уруғининг электр қаршилиги ҳисобланади [1,2]. Бу кўпгина илмий ишларда асосланган, уруғнинг электр қаршилиги юзаки ўрганилган, саралаш ва фракцияга ажратиш асосий омил сифатида ўрганилмаган.

Биз тажриба олиб борадиган уруғни диэлектрик саралаш ускунасида ишчи орган диэлектрик барабани ишлаши, тузилиши ва бажарадиган ишида ёки технологик жараёни кечишида буғдой уруғининг электр қаршилиги асосий омил ҳисобланади [2].

Техник, илмий адабиётларда ҳозиргача аниқ бир маълумот йўқ, у электр қаршилиги қийматидан фойдаланиб, технологик жараёни амалга оширсак, электр саралагичларда бир қанча муаммолар мавжуд [3], ўзларининг илмий ишларида уруғнинг юза қисми ва ҳажмий қисми технологик жараён боришида асосий сифатида ўрганилмаган. Цилиндр, труба, призма ва ҳоказолар кўринишида асос қилиб электр токи, кучланиш бериш орқали уруғнинг электр қаршилигини аниқланган [4].

Юқоридаги фикрларни эътиборга олиб, биз буғдой донининг электр қаршилигини ўлчаш қурилмасини яратдик.


Яратилган қурилма қуйидаги қисимлардан ташкил топган.

1. Ўлчаш қурилмаси.
2. Диэлетрик асос.
3. Паралел электродлар.
4. Буғдой уруғи.

Технологик қурилма қуйидагича ишлайди, электр қаршилиги ўлчаниши керак бўлган

## ANIQ VA TABIIY FANLAR

буғдой уруғи паралел электродлар устига жойлаштирилади ва электродларга ТГ-1020 трансформатор орқали юқори кучланиш бериледи.




**1-расм.**

Технологик қурилмадаги электродларнинг шундай хусусияти мавжудки, улар бирига нисбатан силжий олади ва экранлаштирилган кабель орқали ўлчов қурилмаси билан уланган.

Электр қаршилиги аниқланиши керак бўлган буғдой уруғини электродларнинг устига жойлаштириб, юқори кучланишни ўлчаймиз. Технологик қурилмани ўлчаш асбобининг даража кўрсаткичи аниқланган, яъни кўрсаткичнинг қиймати ёзиб олинади. Шу кетма-кетликда тажриба бир неча бор бошқа буғдой уруғлари билан такрорланади ва олинган натижаларни махсус жадвалга ёзиб оламиз ва электр қаршилиги аниқланиб, тегишли хулосага келамиз. Бунинг натижасида уруғ электр қаршилигининг аниқ қиймати ва электродларга берилган кучланишнинг қиймати аниқланади ва буғдой уруғининг қайси синфга тегишли эканлигига қараб кучланишнинг қиймати танланади.

**2-расмда.** Буғдой уруғини электр қаршилигининг вариацион тарқалиши келтирилган, қийшиқ чизикдан кўриниб турибдики, буғдойуруғининг эни ва узунлиги бўйлаб бифоляр чўлғамлар (электродлар) орасида жойлашганда олинган натижалар қуйидагилардан иборат бўлди, яъни электр қаршилиги  $0,1 \cdot 10^{12}$  Ом дан  $0,82 \cdot 10^{12}$  Ом гача ўртача  $R_{cp} = 0,11 \cdot 10^{12}$  Ом ни ташкил қилади андозага нисбатан  $S = 0,11$  Ом ни тажриба аниқлиги  $P = 3,43$  %ни ташкил этади. Буғдой уруғи электродлар оралиғида эни билан ўққа нисбатан жойлашса, электр қаршилиги камаяди.

Агар буғдой уруғи электродлар орасида узунлиги билан жойлашса ва ўққа нисбатан кўндаланг бўлса, у ҳолда буғдой уруғининг электр қаршилиги  $0,1 \cdot 10^{12}$  Ом дан,  $0,3 \cdot 10^{12}$  Ом ни ташкил қилади ва бу 2-расмда кўрсатилган.



**2-расм. Буғдой уруғи электр қаршилигининг вариацион тарқалиши**

— — — — —

Тажриба

—————


Ҳисобий

**2-расм.** Қийшиқ чизикдан кўриниб турибдики, буғдой уруғининг ўртача электр

## ANIQ VA TABIIY FANLAR

қаршилиги  $R=0,2 \cdot 10^{12}$  Ом, андазага нисбатан  $S=0,48$  Ом ни ва тажриба аниқлиги  $P=5,9$  %ни ташкил этади.

Олинган натижалардан айтиш мумкинки, электр қаршилигининг ўртача қиймати буғдой уруғининг узунлиги бўйича икки марта кўп бўлар экан, энига нисбатан. Бу ҳолни шундай тушунтириш мумкинки, электрод оралиғида жойлашганда буғдойнинг эни билан жойлашувга нисбатан, юзасида ўрнашувчи майдон ошар экан. Юқорида айтилганлар бир-бирига боғлиқлигини корреляцион текшириш орқали аниқладик, кўрсатилган иккала боғланиш орқали ва электр қаршилиги орасидаги боғланиш чизиғи 3-расмда келтирилган. Бу ҳолат ( $R_{R-e}=-0,10$ ) ёки  $R=0,35 \cdot 10^{12}$  дан  $R=0,133 \cdot 10^{12}$  Ом гача бўлган оралиқда аниқланди.



**3-расм. Корреляцион алоқа буғдой донининг электр қаршилиги R ва  $\theta$  орасидаги боғланишни кўрсатади**

Олинган натижалар кўрсатдики, электр саралагичлардаги технологик жараёнда, яъни фракциялаш ва саралашда электрон-ион технологиядан фойдаланилган. Ишчи органи турлича бажарилган стерженли, олмахон уяси кўринишидаги бифоляр ва икки йўналишли винт кўринишида бажарилган электр саралагичларда буғдой уруғинини электр қаршилиги асосий катталиқ ҳисобланиши исботланган.

Юқорида айтиб ўтилганлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, биз яратган қурилма орқали буғдой уруғини электр қаршилигини аниқ ўлчаш имкони яратилди.

### АДАБИЁТЛАР

1. Айдаров Ш.Г. Исследование сортирования опушенных семян хлопчатника в электронном барабанном сепараторе: Автореф. дис. ... канд. техн. Наук. – Янгиюль, 1973.-23с.
2. Мазаев В.В. Сортирование опушенных семян хлопчатника в электрическом поле коронного разряда: Автореф. дис. ... канд. техн. наук. – М., 1973.-23с.
3. Рахимов Х.Р., Руденко Л.С. Что определяет посевные качества семян. // Хлопководство.-1980.-ИЗ.-С.8-9.
4. Раруков Г.М. Технологические основы механизации сева хлопчатника. – Ташкент: Фан, 1974. - С. 72-96.

УДК: 519.6

## ТЎҒРИ ВА ТЕСКАРИ ПАРАБОЛИК ТЕНГЛАМАЛАР УЧУН ЧЕГАРАВИЙ МАСАЛАЛАРНИНГ ЕЧИЛУВЧАНЛИГИ

### РАЗРЕШИМОСТЬ КРАЕВЫХ ЗАДАЧ ДЛЯ ПРЯМО И ОБРАТНО ПАРАБОЛИЧЕСКИХ УРАВНЕНИЙ

#### SOLVABILITY OF BOUNDARY VALUE PROBLEMS FOR DIRECT AND REVERSE PARABOLIC EQUATIONS

*Исмоилова Махсума Нарзикуловна*

*ст. преп. каф. информационных технологий БухГУ,*

*Норова Фазилат Файзуллаевна*

*преп. каф. информационных технологий БухГУ*

*Аннотация.* Кўпгина масалалар математик моделлаштирилганда иккинчи тартибли оддий дифференциал тенгламалар системалари учун чегаравий масалаларга келади. Бундай



## ANIQ VA TABIIY FANLAR

ҳолларда масалалар ечимларини аналитик кўринишида аниқ топиб бўлмайди. Шунинг учун бу масалаларни юқори аниқликда тақрибий ечиши имконини берувчи методларни яратиши муҳим аҳамиятга эгадир. Ушбу мақолада тўғри ва тесқари параболик тенгламалар системаси учун баъзи чегаравий масалаларнинг ечими тадқиқ этилган бўлиб, бу дифференциал тенгламалар системасининг берилган шартларни қаноатлантирувчи  $Q$  соҳадаги ечими топилган.

**Таянч сўзлар:** чегаравий масала, кўпҳад, узлуксизлик, чегаравий масалалар, тенгламалар системаси, бошланғич шартлар.

**Аннотация.** Многие задачи поставляются с краевыми задачами для систем простых дифференциальных уравнений второго порядка при математическом моделировании. В таких случаях решение проблем не может быть четко определено в аналитической форме. Поэтому важно разработать методы, которые позволяют приблизительное решение этих проблем. В статье исследуется разрешимость некоторых краевых задач для данного уравнения, найдено решение данной системы в области  $Q$ , удовлетворяющее данным условиям.

**Ключевые слова:** краевая задача, полином, непрерывность, краевые задачи, система уравнений, начальные условия.

**Abstract.** Many problems are delivered with boundary value problems for systems of simple differential equations of the second order in mathematical modeling. In such cases, the solution to problems cannot be clearly defined in analytical form. That is why it is important to develop methods that allow an approximate solution to these problems. The article investigates the solvability of some boundary value problems for this equation, and finds a solution to this system in the domain  $Q$  that satisfies these conditions.

**Key words:** boundary value problem, polynomial, continuity, boundary value problems, system of equations, initial conditions.

В работе исследуется разрешимость некоторых краевых задач для уравнений

$$\frac{\partial}{\partial t} \left( \frac{\partial u}{\partial t} - \operatorname{sign} x \frac{\partial^2 u}{\partial x^2} \right) = 0 \quad (1)$$

и

$$\left( \frac{\partial}{\partial t} - \alpha^2 \frac{\partial^2}{\partial x^2} \right) \left( \frac{\partial u}{\partial t} - \operatorname{sign} x \frac{\partial^2 u}{\partial x^2} \right) = 0, \alpha = \operatorname{const}, \alpha \neq 0, |\alpha| \neq 1, \quad (2)$$

в области  $Q_1 = (|x| < 1) \times (0 < t < T)$  в классах  $H_{xt}^{2l+\beta, l+\beta/2}$ , когда на линии  $x = 0$  заданы определенные условия склеивания. Для удобства вместо уравнений (1), (2) будем рассматривать системы уравнений

$$\begin{aligned} \frac{\partial}{\partial t} \left( \frac{\partial u_1}{\partial t} - \frac{\partial^2 u_1}{\partial x^2} \right) &= 0, \quad (3) \\ \frac{\partial}{\partial t} \left( \frac{\partial u_2}{\partial t} - \frac{\partial^2 u_2}{\partial x^2} \right) &= 0, \end{aligned}$$

и

$$\left( \frac{\partial}{\partial t} - \alpha^2 \frac{\partial^2}{\partial x^2} \right) \left( \frac{\partial u_1}{\partial t} - \frac{\partial^2 u_1}{\partial x^2} \right) = 0 \quad \left( \frac{\partial}{\partial t} - \alpha^2 \frac{\partial^2}{\partial x^2} \right) \left( \frac{\partial u_2}{\partial t} - \frac{\partial^2 u_2}{\partial x^2} \right) = 0, \quad (4)$$

в области  $Q = (0 < x < 1) \times (0 < t < T)$ .

В начале приведем условия, при которых будем рассматривать краевые задачи для систем уравнений (3) или (4).

Начальные условия:

$$u_1(x, 0) = u_2(x, T) = 0, \frac{\partial u_1(x, 0)}{\partial t} = \varphi_1(x), 0 \leq x \leq 1, \quad (5)$$

$$\frac{\partial u_2(x, T)}{\partial t} = \varphi_2(x), 0 \leq x \leq 1, \quad (6)$$

$$\left(\frac{\partial u_2}{\partial t} + \frac{\partial^2 u_2}{\partial x^2}\right) \Big|_{t=0} = \varphi_3(x), 0 \leq x \leq 1 \quad (7)$$

Краевые условия:

$$u_1(1,t) = u_2(1,t) = 0, 0 \leq t \leq T, \quad (8)$$

$$\frac{\partial u_1(1,t)}{\partial x} = \frac{\partial u_2(1,t)}{\partial x} = 0, 0 \leq t \leq T, \quad (9)$$

$$\frac{\partial^2 u_1(1,t)}{\partial x^2} = \frac{\partial^2 u_2(1,t)}{\partial x^2} = 0, 0 \leq t \leq T \quad (10)$$

$$\frac{\partial^3 u_j(1,t)}{\partial x^3} = 0, 0 \leq t \leq T, j = 1, 2. \quad (11)$$

Условия склеивания:

$$u_1(0,t) = u_2(0,t), \frac{\partial u_1(0,t)}{\partial x} = -\frac{\partial u_2(0,t)}{\partial x} \quad (12)$$

$$\frac{\partial^2 u_1(0,t)}{\partial x^2} = -\frac{\partial^2 u_2(0,t)}{\partial x^2}, \frac{\partial^3 u_1(0,t)}{\partial x^3} = \frac{\partial^3 u_2(0,t)}{\partial x^3} \quad (13)$$

Будем рассматривать следующие задачи:

**Задача:** найти решение системы (3) в области  $Q$ , удовлетворяющее условиям (5), (6), (8), (12).

Различные краевые задачи в области  $Q$  для первого уравнения системы (3) исследованы в работе [1], при  $x \in \Omega \subset R^m$ , разрешимость краевых задач в пространствах С. Л. Соболева исследована в работе [2]. Исследованию различных краевых задач для первого уравнения системы (4) посвящено много работ: [3,4,5] и другие.

**Решение задач:** пусть  $\varphi_1, \varphi_2 \in H^{2l-2+\beta}(0,1)$  нечетные функции относительно  $x = 0$  и удовлетворяют условиям согласования

$$\varphi_1^{2s}(1) = \varphi_2^{2s}(1) = 0, s = 0, \dots, l-1 \quad (14)$$

Тогда, если

$$u_1(0,t) = u_2(0,t) \equiv \mu_1(t), \mu_1(t) \in H^{l+\beta/2}(0,T) \quad (15)$$

и

$$\begin{aligned} \mu_1(0) = \mu_1(T) = 0, \mu_1^{(s)}(0) &= \varphi_1^{(2s-1)}(0), \\ \mu_1^{(s)}(T) &= (-1)^{s+1} \varphi_2^{(2s-2)}(0), s = 1, \dots, l, \end{aligned} \quad (16)$$

то решениям задачи из пространства  $H_{xt}^{2l+\beta, l+\beta/2} Q$  будут функции

$$\begin{aligned} u_1(x,t) &= \int_0^t \mu_1(\tau) \frac{\partial}{\partial x} G(x, t-\tau) d\tau + \omega_1(x,t), \\ u_2(x,t) &= -\int_t^T \mu_2(\tau) \frac{\partial}{\partial x} G(x, \tau-t) d\tau + \omega_2(x,t), \end{aligned}$$

где

**Аннотация.** Проведен сравнительный анализ использования модель турбулентности: однопараметрическая модель Секундова  $v_t$ -92 на задаче осесимметричной дозвуковой струи. Проведено сравнение результатов расчёта с результатами экспериментов распространение скорости, напряжения и температуры. Течение имеет турбулентный характер, поэтому в качестве математической модели используется система уравнений Навье-Стокса осредненных по Рейнольдсу (RANS). Для поставленной задачи введена обобщенная функция тока  $\psi$ . Было выведено сравнение результатов модели  $v_t$ -92 с опытными данными из [5] безразмерной осевой скорости от расстояния до сопла.

**Ключевые слова:**  $v_t$ -92 секундова, уравнение Навье-Стокса, функция тока, неявная схема, турбулентная струя.

**Abstract.** A comparative analysis of the use of the turbulence model is carried out: the one-parameter Secundov  $v_t$ -92 model on the problem of an axisymmetric subsonic jet. The calculation results are compared with experimental results on the propagation of speed, voltage, and temperature. The flow is turbulent, therefore, as a mathematical model, the system of Navier-Stokes equations averaged by Reynolds (RANS) is used. For the posed problem, a generalized stream function  $\psi$  is introduced. A comparison was made of the results of the  $v_t$ -92 model with experimental data from [5] the dimensionless axial velocity from the distance to the nozzle.

**Key words:** secundov  $v_t$ -92, Navier-Stokes equations, stream function, implicit scheme, turbulent jet.

**Введение.** Во многих случаях движения жидкости и газа возникают так называемые поверхности тангенциального разрыва; течение жидкости в окрестности такой поверхности называется струей. В зависимости от относительного направления движения струи могут быть спутными или встречными. Тангенциальный разрыв терпят такие, например, параметры, как скорость течения, температура, концентрация примеси; распределение же статического давления оказывается непрерывным. Как известно, на поверхности тангенциального разрыва в связи с ее неустойчивостью возникают вихри, беспорядочно движущиеся вдоль и поперек потока; вследствие этого между соседними струями происходит обмен конечными массами (молями), т.е. поперечный перенос количества движения, тепла и примесей.

В результате на границе двух струй формируется область конечной толщины с непрерывным распределением скорости, температуры и концентрации примеси; эта область называется струйным турбулентным пограничным слоем. При очень малых значениях числа Рейнольдса струйный пограничный слой может быть ламинарным, но на этих сравнительно редких случаях течениях. Наиболее изученным видом турбулентной струи является струя, распространяющаяся в покоящейся среде; такая струя называется затопленной. При равномерном поле скорости в начальном сечении затопленной струи границы ее пограничного слоя представляют собой расходящиеся поверхности, которые пересекаются у кромки сопла.

С внешней стороны пограничный слой струи соприкасается с неподвижной жидкостью, причем под внешней границей понимают поверхность, во всех точках которой составляющая скорости по оси  $x$  равна нулю ( $u = 0$ ). С внутренней стороны пограничный слой переходит в ядро постоянной скорости, поэтому на внутренней границе пограничного слоя скорость потока равна скорости истечения  $u = u_0$ . Многочисленные опыты показывают, что профили избыточных значений скорости, температуры в турбулентной струе, распространяющейся в спутном потоке жидкости, имеют такой же характер, как и в затопленной струе [1].

В настоящей работе проведено сравнительное тестирование модель Секундова ( $v_t$ -92) на задаче осесимметричной дозвуковой струи. Эта задача имеет два положительных свойства. Во-первых, она очень близка к реальным задачам расчета дозвуковой струи в

турбинах авиационных двигателей, а во-вторых, для нее существуют очень подробные экспериментальные данные [1,5].

**Математическая модель.** Так как течение имеет турбулентный характер, в качестве математической модели будем использовать систему уравнений Навье-Стокса, осредненных по Рейнольдсу (RANS). Уравнения стационарного переноса импульса и температуры в цилиндрической системе координат имеют вид:

$$\begin{cases} \frac{\partial u}{\partial x} + \frac{\partial rv}{r\partial r} = 0, \\ \frac{\partial u}{\partial t} + u \frac{\partial u}{\partial x} + v \frac{\partial u}{\partial r} = \frac{\partial}{\partial r} \left( r(v + v_t) \frac{\partial u}{\partial r} \right), \\ \frac{\partial T}{\partial t} + u \frac{\partial T}{\partial x} + v \frac{\partial T}{\partial r} = \frac{\partial}{\partial r} \left( r \left( \frac{v}{Pr} + \frac{v_t}{Pr_t} \right) \frac{\partial T}{\partial r} \right), \end{cases} \quad (1)$$

здесь:  $v$ ,  $v_t$  – молекулярная и турбулентная вязкость,  $Pr$ ,  $Pr_t$  – молекулярное и турбулентное числа Прандтля. Начальные и граничные условия для системы уравнений (1) ставятся стандартным образом [6].

**Моделирование турбулентности.** Модель Секундова  $v_t$ -92 [4]. Эта модель относится к классу однопараметрических моделей турбулентности. Здесь появляется только одно дополнительное уравнение для расчета кинематического коэффициента вихревой вязкости. Это низкорейнольдсовая модель, которая описывает всю область течения, включая пристеночные слои. Эта модель была усовершенствована за прошедшие годы, включая модель под названием  $v_t$ -90. Ссылка для модели с одним уравнением  $v_t$ -92 [5]:

$$\frac{\partial \rho v_t}{\partial t} + \frac{\partial (\rho u_j v_t)}{\partial x_j} = \rho (P_v - D_v) + \frac{\partial}{\partial x_j} \left[ \rho (v + C_0 v_t) \frac{\partial v_t}{\partial x_j} \right] + \frac{\partial}{\partial x_j} \left[ \rho (-v + (C_1 - C_0) v_t) \frac{\partial v_t}{\partial x_j} \right]. \quad (2)$$

где

$$P_v = \rho C_2 A_2 (v_t \Gamma_1 + A_1 v_t^{4/3} \Gamma_2^{2/3}) + \rho C_2 F_2 A_2 N_1 \sqrt{(v + v_t) \Gamma_1} + \rho C_3 v_t \left( \frac{\partial^2 v_t}{\partial x_j \partial x_j} + N_2 \right),$$

$$D_v = \rho C_5 v_t^2 \Gamma_1^2 / a^2 + \rho C_4 v_t \left( \frac{\partial \langle u_j \rangle}{\partial x_j} + \left| \frac{\partial \langle u_j \rangle}{\partial x_j} \right| \right) + \rho [C_6 v_t (N_1 d_w + v_{t,w}) + C_7 F_1 v v_t] / d^2.$$

Здесь:  $a$  - скорость звука, а угловые скобки  $\langle \rangle$  представляют собой среднее по времени. Турбулентная вихревая вязкость:  $\mu_t = \rho v_t$ .

Другие термины, встречающиеся в приведенных выше уравнениях, определяются как:

$$F_1 = \frac{N_1 d_w + 0.4 C_8 v}{v_t + C_8 v + v_{t,w}}, F_2 = \frac{\chi^2 + 1.3 \chi + 0.2}{\chi^2 - 1.3 \chi + 1.0}, \chi = \frac{v_t}{7v}, \Gamma_1 = \sqrt{\frac{\partial u_i}{\partial x_j} \left( \frac{\partial u_i}{\partial x_j} + \frac{\partial u_j}{\partial x_i} \right)},$$

$$\Gamma_2 = \sqrt{\sum_i \left( \frac{\partial^2 u_i}{\partial x_j \partial x_j} \right)^2} = \sqrt{\left( \frac{\partial^2 u_i}{\partial x_n \partial x_n} \right) + \left( \frac{\partial^2 u_i}{\partial x_m \partial x_m} \right)}, N_1 = \sqrt{\frac{\partial v_t}{\partial x_j} \frac{\partial v_t}{\partial x_j}}, N_2 = \sqrt{\frac{\partial N_1}{\partial x_j} \frac{\partial N_1}{\partial x_j}}.$$

Термин  $d_w$  расстояние до ближайшей стены, и  $d = d_w + 0.01 k_s$  и  $k_s$  является высотой шкалы шероховатости Никурадзе (0 для гладких стен).

Константы:  $A_1 = -0.5$ ,  $A_2 = 4.0$ ,  $C_0 = 0.8$ ,  $C_1 = 1.6$ ,  $C_2 = 0.1$ ,  $C_3 = 4.0$ ,  $C_4 = 0.35$ ,  $C_5 = 3.5$ ,  $C_6 = 2.9$ ,  $C_7 = 31.5$ ,  $C_8 = 0.1$ .



## ANIQ VA TABIIY FANLAR

**Численный метод.** В большинстве случаев для численного исследования системы (1,2) использовались методы в двумерной постановке. Более того, для достижения необходимой точности вблизи стенки расчетная сетка в поперечном направлении сгущалась. Все это приводило к увеличению памяти программы и замедлению скорости расчета. Поэтому разработать численный алгоритм не требующих больших вычислительных ресурсов является актуальной задачей.

Для поставленной задачи введем обобщенную функцию тока  $\psi$ , для которой справедливы соотношения:

$$U = \frac{\psi^n \partial \psi}{r \partial r}, V = -\frac{\psi^n \partial \psi}{r \partial x}.$$

Тогда уравнение неразрывности системы (1) будет удовлетворяться автоматически. Запишем систему (1) в переменных Мизеса [7]  $(\xi, \psi)$ , где  $\xi = x$ .

$n$  – показатель сгущенности расчетных точек вблизи стеки. С увеличением данного показателя увеличивается и сгущенность точек. Далее, для расчетов авторами было использовано значение  $n=1$ .

В новых переменных, производные определяются по известной формуле:

$$\frac{\partial}{\partial x} = \frac{\partial \xi}{\partial x} \frac{\partial}{\partial \xi} + \frac{\partial \psi}{\partial x} \frac{\partial}{\partial \psi},$$

$$\frac{\partial}{\partial r} = \frac{\partial \xi}{\partial r} \frac{\partial}{\partial \xi} + \frac{\partial \psi}{\partial r} \frac{\partial}{\partial \psi}.$$

В новых переменных система уравнений (1) приобретает вид

$$\frac{\partial u}{\partial \xi} = \frac{\partial}{\psi \partial \psi} \left[ (v + v_t) \frac{u \partial u}{\psi \partial \psi} \right],$$

$$\frac{\partial T}{\partial \xi} = \frac{\partial}{\psi \partial \psi} \left[ \frac{u \partial T}{\psi \partial \psi} \left( \frac{v}{Pr} + \frac{v_t}{Pr_t} \right) \right],$$

$$\frac{\partial v_t}{\partial \xi} = (P_v - D_v) + \frac{\partial}{\psi \partial \psi} \left[ (v + C_0 v_t) \frac{u \partial v_t}{\psi \partial \psi} \right] + \frac{\partial}{\psi \partial \psi} \left[ (-v + (C_1 - C_0) v_t) \frac{u \partial v_t}{\psi \partial \psi} \right],$$
(3)

Таким образом, новые переменные позволяют привести все уравнения системы к параболическому виду и данную систему можно записать в векторном виде:

$$\frac{\partial \Phi}{\partial \xi} = \frac{\partial}{\psi \partial \psi} \left( q \frac{u \partial \Phi}{\psi \partial \psi} \right) + w. \quad (4)$$

В этом уравнении:

$$\Phi = \begin{bmatrix} u \\ T \\ v_t \end{bmatrix} \quad q = \begin{bmatrix} v + v_t \\ \frac{v}{Pr} + \frac{v_t}{Pr_t} \\ (v + C_0 v_t) \end{bmatrix} \quad w = \begin{bmatrix} 0 \\ 0 \\ (P_v - D_v) + \frac{\partial}{\psi \partial \psi} \left[ (-v + (C_1 - C_0) v_t) \frac{u \partial v_t}{\psi \partial \psi} \right] \end{bmatrix}$$

Для численной реализации уравнения (4) была использована неявная схема

$$\frac{\Phi_{i,j} - \Phi_{i-1,j}}{\Delta \xi} = \frac{0.5}{\psi_j \Delta \psi^2} \left[ (q_{j+1} + q_j) (\Phi_{i,j+1} - \Phi_{i,j}) - (q_j + q_{j-1}) (\Phi_{i,j} - \Phi_{i,j-1}) \right] + w_j.$$

Данная схема является абсолютно устойчивой и неизвестные на новом слое находились методом прогонки. Для интегрирования были использованы  $\Delta \xi = 0.001$ ,  $\Delta \psi = 0.01$ . Количество узлов в радиальном направлении было 600. Система (3) решалась для  $Re = 5600$ . Хорошее соответствие с экспериментальными данными дают следующие начальные условия:  $U = 1$ ,  $v_t = 0.0005$ . Численные результаты оказались не чувствительными к изменениям шага как по  $\xi$ , так и по  $\psi$ .

**Результаты расчетов.** Приведем некоторые конкретные примеры, иллюстрирующие кратко описанные выше свойства  $v_t$ -92 модель.

ANIQ VA TABIIY FANLAR

На рис. 1 выведено сравнение результатов модель  $\nu_t$ -92 с опытными данными из [5] безразмерной осевой скорости от расстояния до сопла.






Рис. 1. Сравнение модель  $\nu_t$ -92 с опытными данными для безразмерной осевой скорости от расстояния до сопла


На рис. 2 а, б, в, г, д выведено сравнение результатов модель  $\nu_t$ -92 с опытными данными [5] для профилей турбулентного напряжения для различных сечений.




а)




б)



в)




г)




д)

**Рис. 2. Сравнение результатов модель  $\nu_t$ -92 с опытными данными [5] профили турбулентного напряжения для различных сечений с условий экспериментов, а)  $x / D_{jet} = 2$ , б)  $x / D_{jet} = 5$ , в)  $x / D_{jet} = 10$ , г)  $x / D_{jet} = 15$ , д)  $x / D_{jet} = 20$  соответственно**


На рис. 3 а, б, в, г, д показано сравнение результатов модель  $\nu_t$ -92 с опытными данными [5] для профилей безразмерных продольных скоростей в различных расстояниях от сопла.




а)



б)



в)



г)






Рис. 3. Сравнение результатов модель  $\nu_t$ -92 с опытными данными [5] профили продольных скоростей для различных сечений с условий экспериментов, а)  $x / D_{jet} = 2$ , б)  $x / D_{jet} = 5$ , в)  $x / D_{jet} = 10$ , г)  $x / D_{jet} = 15$ , д)  $x / D_{jet} = 20$  соответственно


На рис. 4 а, б, в, г, д показано сравнение модель  $\nu_t$ -92 с опытными данными [5] иллюстрируются для профилей безразмерной поперечной скорости в различных расстояниях от сопла.




а)




б)



в)



г)



д)


**Рис. 4. Сравнение результатов модель  $\nu_t$ -92 с опытными данными [5] профили поперечной скорости для различных сечений, а)  $x / D_{jet} = 2$ , б)  $x / D_{jet} = 5$ , в)  $x / D_{jet} = 10$ , г)  $x / D_{jet} = 15$ , д)  $x / D_{jet} = 20$  соответственно**

На рис. 5 приведен универсальный профиль скорости, полученный в опытах [1] и результаты расчета на  $\nu_t$ -92 в основном участке осесимметричной струи воздуха, вытекающей в воздушный поток того же направления и той же температуры; безразмерные избыточные значения скорости построены в зависимости от безразмерных ординат:

$$\frac{u - u_{\delta}}{u_m - u_{\delta}} = f\left(\frac{y}{y_{0,5}}\right), \quad \frac{T - T_{\delta}}{T_m - T_{\delta}} = f\left(\frac{y}{y_{0,5}}\right).$$

Где:  $u_{\delta}$  – скорость спутного потока;  $y_{0,5}$  – расстояние от оси струи до места, в котором избыточная скорость вдвое меньше своего максимального значения:

$$u_c - u_{\delta} = 0.5(u_m - u_{\delta}).$$



**Рис. 5. Безразмерный профиль-избыточной скорости и температуры в основном участке осесимметричной воздушной струи, распространяющейся в спутном потоке воздуха, по опытными данными [1]**

**Заключение.** Проведено сравнительное тестирование модель  $\nu_t$ -92 Секундова [4] на задаче о осесимметричной дозвуковой струи.

Проведено сравнение результатов расчёта с результатами экспериментов из [1,5]. Получено, что это модель турбулентности дают очень близкие расчетные результаты для струйных течений. В целом наблюдается удовлетворительное совпадение расчетных и экспериментальных данных.



---

**ANIQ VA TABIIY FANLAR**

---

Поскольку многие модели турбулентности показали практически идентичные результаты см [4], как для струйных течений типа осесимметричной дозвуковой струи рекомендуется применять модель  $\nu_t$ -92 Секундова [4]. Она показала меньшую чувствительность к величине шага по времени, а также требует меньших затрат машинного времени и памяти, поскольку является однопараметрической моделью с одним дифференциальным уравнением и результаты очень близки к экспериментальным данным чем результаты моделей Спаларта-Аллараса [2] и Ментера [3].

**ЛИТЕРАТУРА**

1. *Абрамович Г.Н., Теория турбулентных струи. – Москва: Наука, 1984 г. – 716 с.*
2. *Spalart P. R., Allmaras S.R. A One-Equation Turbulence Model for Aerodynamic Flows. AIAA-92-0439.*
3. *Menter F.R. Two-equation eddy viscosity turbulence models for engineering applications. // AIAA J. 1994.32, № 11. P.1299–1310.*
4. *Шур М., Стрелец М., Зайков Л., Гуляев А., Козлов В., Секундов А. Сравнительное численное тестирование одно и двух выравнивающих моделей турбулентности для течений с разделением и присоединением, -AIAA Paper 95-0863, январь 1995 г.*
5. *“Turbulence modeling Resource. NASA Langley Research Center”, <http://turbmodels.larc.nasa.gov>.*
6. *Bradshaw P., Ferriss D. H., Atwell N. P. “Calculation of boundary layer development using the turbulent energy equation”, J. Fluid Mech., 1967.*
7. *Mises R., Zs. angew. Math. u. Mech., 7, 425(1927).*

УДК: 02. (038)

ЎЗБЕК ЛЕКСИКОГРАФИЯСИ ВА ЛУҒАТЧИЛИГИ ЯНГИЛАНИШИНИНГ  
АЙРИМ МАСАЛАЛАРИГА ДОИРО НЕКОТОРЫХ ПРОБЛЕМАХ ОБНОВЛЕНИЯ УЗБЕКСКОЙ  
ЛЕКСИКОГРАФИИ И СЛОВАРИСТИКИ

## SOME PROBLEMS OF UPDATING UZBEK LEXICOGRAPHY AND VOCABULARY

*Нигматова Лолахон Хамидовна**БухДУ рус тили ва адабиёти каф. доц., ф.ф.н.,**Шаринов Соҳиб Салимович**БухДУ рус тили ва адабиёти каф. кат. ўқит.*

**Аннотация.** Мақолада ўзбек лексикография ва луғатчиликка доир айрим масалалар кўтарилмоқда. Бугунги кунда тил ҳақидаги соҳада, хусусан, унинг фаол тармоғи лексикографияда янги ва эски методларнинг, “маҳсулот”ларнинг, лексикографик “маданият”ларнинг диалоглари кучаймоқда. Лексикология фундаментал соҳа, тил луғат бойлигининг моҳияти ва мавжудлик хусусият ва имкониятини тадқиқ қилар экан, бу жиҳати билан лексикографик тадқиқотлар учун асос бўлиб хизмат қилади. Лексикографик тадқиқотлар ўзида ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатни бирлаштиради. Назарий лингвистик хулосаларнинг янги амалий лексикографик маҳсулотлар учун инновацион моделларини яратилиши – лексикографик тадқиқотларнинг асосий вазифаси. Лексикография (луғатунослик) ва луғатчиликни, лексикограф ва луғатчини фарқлаш лозим. бугунги кунда фанлар интеграцияси талабларидан келиб чиққан ҳолда лингвистиканинг ўрни қандай бўлиши керак деган масалани ҳам кун тартибига қўйишига ҳам асос бўлади. Тилишносликни шу тарзда ёпиқ системага айлантириб қўйган XX аср ҳали ундан кўп қарздор. Демак, тилишнослик ва мантиқ уйғунлиги ва ҳамкорлиги лексикографик амалиётда муҳим тамойиллардан бири.

**Таянч сузлар:** ўзбек лексикография, луғатчилик, термин, таржима луғатлар, изоҳли луғат.

**Аннотация.** Статья посвящена вопросам узбекской лексикографии и проблемам составления новых словарей. Лексикология исследует фундаментальную область, словарный запас языка, таким образом, обеспечивая основу для лексикографического исследования. Лексикографические исследования сочетают в себе как теоретические, так и практические аспекты. Создание инновационных моделей теоретических лингвистических выводов для новых практических лексикографических продуктов – основная задача лексикографического исследования. Таким образом, вопрос о роли лингвистики, а также о требованиях интеграции науки интересует ученых до сегодняшнего дня. Следовательно, сочетание и сотрудничество лингвистики и логики является одним из важнейших принципов лексикографической практики.

**Ключевые слова:** узбекская лексикография, словаристика, термин, переводные словари, толковый словарь

**Abstract.** The article is devoted to issues of Uzbek lexicography and the problems of compiling new dictionaries. Lexicology explores the fundamental field, the vocabulary of a language, thus providing the basis for lexicographic research. Lexicographic studies combine both theoretical and practical aspects. The creation of innovative models of theoretical linguistic conclusions for new practical lexicographic products is the main task of lexicographic research. Thus, the question of the role of linguistics, as well as the requirements for the integration of science, interests scientists to this day. Therefore, the combination and cooperation of linguistics and logic is one of the most important principles of lexicographic practice.

**Key words:** Uzbek lexicography, vocabulary, term, translation dictionaries, annotated dictionary.

**Кириш. “Лексикография” ва лексикография.** Лексикография – тил луғат бойлигини тўплаш ва тушунтириш муаммоси ечимига ихтисослашган лингвистик соҳа. Одатда, назарий ва амалий лексикография фарқланади. Бу терминларни ўзбек тилидаги *луғатшунослик* ва *луғатчилик* терминларининг муқобиллари сифатида тушуниш мумкин.

**Асосий қисм.** *Луғатчилик* ёки амалий лексикография атамаси *луғатшунослик* терминига нисбатан кенгроқ мазмун-моҳиятга эга, у бир қатор ижтимоий вазифаларни бажаради:

- тил лексикасини тавсифлаш;
- адабий тил меъёрларини аниқлаш;
- миллатлараро коммуникацияни таъминлаш;
- тил лексикасига илмий баҳо бериш;
- муайян тил таълимига кўмаклашиш [13].

Тушунтириш ва кўрсатиш – лексикографиянинг бош тамойили. Изоҳли, этимологик ва таржима луғатлар тушунтириш вазифасини бажарса, имло ва талаффуз луғати кўрсатиш вазифасини бажаради. Илк луғатлар манбалар мазмунини тушунтириш мақсадида тузилган. Тушунтириш икки йўналишда намоён бўлади:

- эскирган тил бирликларини шу тил соҳибига тушунтириш;
- бир тил ифодасини бошқа тил соҳибига тушунтириш.

Биринчи ёндашув лексикографик табдил, иккинчиси эса лексикографик таржима моҳиятига эга.

Эскирган тил бирликларини шу тил соҳибига тушунтириш амалиёти икки ҳолатда амалга оширилади:

- 1) тилдаги сўз фонетик жиҳатдан эскирганда;
- 2) тил ва ёзув тараққий этганда.

Дастлабки луғатлар фойдаланиши жиҳатдан умумлашган (ҳаммабоп) ва мазмун-мундарижаси жиҳатдан контекстуал характерга эга бўлган. Бошқача айтганда, улар социал ёки профессионал хосланмаган бўлиб, маълум бир матнларни ўқиб тушуниш имконини бериш хусусияти билан характерланади.

Демак, “луғатшунослик” маъносидаги ўзбек лексикографияси мутлақо яқин тарихга эга, “луғатлар тартиб бериш” семаси етакчилик қиладиган *луғатчилик* атамаси денотати эса анча қадимийлиги билан характерланади. Хусусан, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғот-ит-турк” асари – ўзбек лексикографиясининг эмас, балки ўзбек луғатчилигининг ибтидоси. Шунингдек, Маҳмуд Замахшарийнинг “Асос-ул-балоғ”, “Муқаддимат-ул-адаб” асарлари, муаллифи номаълум Абушқа” изоҳли луғати, Толе Имони Ҳиравийнинг “Бадойе-ул-луғат”, Муҳаммад Ризо Хоксорнинг “Мунтахаб-ул-луғат”, Мирзо Меҳдихоннинг “Санглоҳ”, Муҳаммад Ёқуб Чингйининг “Келурнома”, Сулаймон Бухорийнинг “Луғати чифатой ва турки усмоний” (“Чифатойча-туркча луғат”), Исҳоқхон Ибратнинг “Луғати ситта-ас-сина” (“Олти тилли луғат”) каби луғатларини “Ўзбек лексикографияси” мавзуси остида бериш урфга айланди. Бироқ улар луғатларни тадқиқ қилувчи лексикография соҳаси маҳсулотлари эмас, балки лексикография соҳасининг ўрганиш материали ёки объекти.

Шу маънода лексикография луғат тузишнинг назарий масалалари, луғатчилик тарихи, мавжуд (яратилган) луғатларнинг тавсифи билан шуғулланиб, унда луғатлар ҳақида эмас, луғатлар ҳақида бажарилган тадқиқотлар бўйича фикр юритилади. Масалан, Ўзбекистон Миллий энциклопедиясининг “Лексикография” мақоласи остида берилган “ҳозирги кунгача 10 га яқин хорижий тил билан ўзбекчани қиёсловчи кўплаб таржима луғатлари, фан соҳаларига оид 100 дан зиёд бир, икки ва уч тилли терминологик луғатлар яратилди. Ўзбек халқи тарихида биринчи марта “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” тузилиб, нашр этилди (1981). XX аср ўзбек луғатчилиги ривожига А.Зоҳирӣ, А.Қодирӣ, Е.Д.Поливанов, А.К.Боровков, В.В.Решетов, С.Иброҳимов, Олим Усмон, З.Маъруфов, Ш.Раҳматуллаев, Н.Маматов, А.Ҳожиев, Т.Алиқулов ва бошқалар муносиб ҳисса қўшдилар.

Республика мустақиллиги туфайли ўзбек лексикографияси олдига янги давр талабларига жавоб берувчи энциклопедик ва лингвистик луғатлар яратиш вазифаси қўйилган

## TILSHUNOSLIK

ва бу вазифа ўз ўрни билан амалга оширилмоқда”[12] каби фикрлар бевосита лексикография эмас, балки луғатчилик (амалий) соҳасига тегишли. Юқорида тилга олинган “қўйилган вазифалар” тушунчаси ҳам луғат яратишнинг амалий масалалари сифатида луғатчиликка дахлдор. Хусусан, қуйидаги масалалар амалий луғатчилик муаммолари, улар бевосита луғатлар яратиш жараёнида амалга оширилади ва бу жараёндан олдинги бир нисбий мустақил жараёни ўзида ифодаламайди:

- луғатларнинг умумий типологияси ва янги луғатларни ишлаб чиқиш;
- луғатларнинг умумий структурасини яратиш (сўз танлаш, сўз ва луғат мақолаларини тартиблаш, омоним, синоним, полифункционал ва полисемантик бирликларни белгилаш, луғат таркибига ҳавола материалларни киритиш);
- луғатларнинг хусусий структурасини яратиш (яъни ҳар бир луғат мақоласини ишлаб чиқиш, сўзга грамматик ва фонетик изоҳ бериш, сўз маъноларини ажратиш ва таснифлаш, далил сифатидаги иллюстрация турлари, таърифлаш турлари, белгилар тизими, сўз этимологияси ҳақидаги маълумот).

Лексикографик тадқиқотлар натижалари луғатчилик амалиётига татбиқ этилади. Шунга кўра, лексикография татқиқий ва тавсифий назарий босқич бўлса, луғатчилик татбиқий мазмундаги амалий босқичдир. [14]

Лексикография ва луғатчилик тилшуносликнинг барча бўлимлари, хусусан, лексикология билан узвий боғланган. Шу маънода бу уч бўлим фанлар таркибидаги уч босқични ўзида ифодалайди:

- фундаментал соҳа;
- инновацион соҳа;
- амалий соҳа.

Лексикология фундаментал соҳа, тил луғат бойлигининг моҳияти ва мавжудлик хусусият ва имкониятини тадқиқ қилар экан, бу жиҳати билан лексикографик тадқиқотлар учун асос бўлиб хизмат қилади [9]. Лексикографик тадқиқотлар ўзида ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатни бирлаштиради. Назарий лингвистик хулосаларнинг янги амалий лексикографик маҳсулотлар учун инновацион моделларини яратиш – лексикографик тадқиқотларнинг асосий вазифаси.

Демак, шу йўналишда бориб, лексикография (луғатшунослик) ва луғатчиликни, лексикограф ва луғатчини фарқлаш лозим. Аксарият ҳолларда луғатшунос ва луғатчи бир шахсда мужассам бўлган ҳолатлар кам. Масалан, тилшунос А.К.Боровков ўзининг бирорта луғат яратмаганлигини, бироқ лексикография масалалари билан шуғулланишини таъкидлайди [2]. Шунингдек, бугунги кунда китоб пештахталаридаги сон-саноксиз луғатларни “луғат” деб атайдиган бўлсак, уларнинг тузувчилари фақат луғатчилардир, холос.

Луғатчилик ва луғатларда тилшунослик хулосалари моддийлашади ва реаллик касб этади. Мавҳум лингвистик абстракциялар аниқ татбиқларига эга бўлади.

Луғатчилик ўзида фанларнинг энг юқори интеграциясини акс эттирганлиги каби, том маънодаги луғатчи ҳам профессионал жиҳатдан интеграллашган бўлади. Оддийгина бир терминологик луғатни тартиб бериш учун ҳам лингвистик ва муайян бир соҳага хос билим синтезланади ва бу луғатни вужудга келтиради. Филологиянинг бошқа айрим соҳаларида бўлгани каби лексикография амалиётдан узилган бўлиши мутлақо мумкин эмас, ҳатто унда назария ва амалиёт энг кўп омикталашган бўлади, назария эса ана шу амалиётдан кристаллашади. Луғатчи бошқа тилшунослардан фарқли равишда ўз объектига кўпроқ яқин бўлади, аммо бу унинг назариядан узоқлашиб кетганлигидан далолат бермайди.

Бугунги кунда тил ҳақидаги соҳада, хусусан, унинг фаол тармоғи лексикографияда янги ва эски методларнинг, “маҳсулот”ларнинг, лексикографик “маданият”ларнинг диалоги кучаймоқда. Бу – табиий ҳол. Ахир, глобаллашув асрида яшаётган эканмиз, давр ҳар бир фан олдида, ҳеч қандай истисносиз, янги талабларни қўяди. Албатта, маълум янги усул, ёндашув, ғоя илгари сурилар экан, унинг олдингиларидан устунлиги ва афзаллиги асосланиши, амалий натижаси самарадорлик жиҳатдан баҳоланиши, ва у, пировардида, тил тилсимининг ботинига, сўз моҳияти қаърига осонроқ ва қулайроқ кириб бориш имкониятини ярата оладими, деган саволнинг қўйилиши ўринли.

Эскилик ва янгилик курашида мана шу объектив ҳолат фан, соҳа тараққиётига инерция беради. Агар янгича ёндашув ёки янги метод фақат терминологик бўёқдан иборат бўлиб, фаннинг илгари силжиши учун наф келтирмас экан, ундан вақтида воз кечишнинг ўзи ҳам тараққиётга хизмат қилади. Янгиликни фақат янги бўлгани учунгина қадрлаш халқнинг ҳаққоний маънавий тараққиёти моҳиятини тушунмасликдан далолат беради. Том маънодаги, ҳақиқий “янгилик” самарадорлиги, қулайлиги ва асосланганлиги билан характерланади. Далилланган илмий ёки амалий янгилик ишонарли бўлиб, ўтмиш воқелигига ҳаққоний эътибор ва ҳурматни акс эттиради[3]. Бу методологик асослар бевосита ўзбек назарий ва амалий лексикографияси тараққиёти ва ҳозирги ҳолатига ҳам, фарқланиши тақдим этилаётган *лексикография(луғатиунослик)* ва *луғатчилик, лексикограф (луғатиунос)* ва *луғатчи* терминларига ҳам бевосита дахлдор.

**Луғатларда “замонавийлик” ва “эскирганлик” тамойили.** Ҳар қандай замонавий (яратилаётган даврни акс эттирувчи) луғатни яратишда “замон” тушунчаси муайянлаштиришни тақозо этиб келган. Зеро, тилнинг лексик сатҳидай ўзгарувчан, ўзида барқарорлик ва беқарорлик зиддиятини акс эттирувчи тилнинг бошқа сатҳи йўқ. Шунингдек, “замонавий” сўзи “энг кейинги нуқта” маъносига ҳам, “энг кейинги кесма” маъносига ҳам эга. Улар бир жиҳатдан бирлашса-да, иккинчи жиҳатдан зид ҳам келади. Масалан, *замонавий* сўзи бугунги кунни ҳам, бугунги асрни ҳам, бугунги юз йилликни ҳам ифодалаши мумкин. Айниқса, бу лексикографияга қай даражада дахлдор, луғатлар замонавийлик нуқтаи назаридан қандай баҳоланади?

Ахир, тилга янги сўзлар ва терминлар пайдар-пай кириб келаётган бўлса, нашр этилган луғатнинг эса уларни “қувиб юриш” имкони чекланган бўлса! Демак, нашрсиз ҳеч қачон луғат бўлмаганлиги каби, нашрнинг ўзи луғатни эскиртиради. Бу эса анъанавий нашрий луғатларга нисбатан қўлланадиган “замонавий” тушунчаси умуман нисбий эканлигини кўрсатади. Бу сифат луғатнинг нашригача ўзининг тўлақонли моҳиятига мос равишда қўлланади ва нашр жараёни тугаши билан моҳиятидан узоқлашишни бошлайди. Шунинг учун Е.Косериу замонавий сўзини ҳар қандай янги нашр этилаётган луғатнинг номидан олиб ташланиши кераклигини тақлиф қилади. Унинг асоси шундай эди: тил техника, саноат, боринг-ки, адабиётдай ривожланмайди, шунинг учун эркин қўлланадиган *замонавий техника, замонавий адабиёт* бирикмаларидаги *замонавий* сўзини тил луғатига нисбатан қўллаш тўғри эмас.

Янги сўзлар эскисига таянади, улар орасида ворисийлик бўлади, бунга монанд ҳолатни техникада, адабиётда кўриш мумкин эмас[5]. Косериунинг фикрларини шундай тушунмоқ керакки, лингвист сўзни луғатга олар экан, уни тилдан, тилнинг оқимидан узиб олади, натижада у тилдан айрилиб, орқада қолиб кетади. Устоз тилшуноснинг фикрларини шу маънода тўғри қабул қилиш имкони мавжуд.

Ўзбек тилининг янги изоҳли луғатлари замонавийми? “Замонавийлик” тушунчаси уларда қай даражада акс этган?

XXI аср ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши, глобал “ўргимчак тўри”нинг дунёни қамраб олиши натижасида on-line луғатларнинг яратилиши айнан луғатчилик соҳасида *замонавий* сўзининг ўз моҳиятини тўла-тўқис сақлаб қолишига имкон яратди. On-line луғатларгина давр билан баравар қадам ташлайди ва ундаги ҳар бир янгиликни қайд этиб бориш имконига эга.

“Замонавийлик” ва “замонавий” тушунчалари луғатларга нисбатан қўлланар экан, у тилнинг тараққиётидаги энг сўнгги нуқтани эмас, балки энг сўнгги кесмани ифодалайди. Демак, энг сўнгги вақт нуқтасидан орқага қайтиш билан тилнинг тараққиёт вақти кесмаси ҳосил қилинади. “Специфика таких понятий, как современный и современность, по отношению к языку в целом и особенно по отношению к лексикографии заключается в том, что подобные понятия опираются и на данное время (“теперь”) и на близкое прошлое время (“классики”)[5].

Тилдаги замонавийлик нуқтаи назаридан “кесма” тушунчаси ҳар бир тилда ва унинг ҳар бир даврида ҳар хил тушунилиши мумкин. Масалан, бир тилдаги фонетик-лексик-



грамматик ҳолат баъзан ижтимоий-иқтисодий, техник-технологик тараққиёт билан боғлиқ равишда юз йилдан 500 йилгача ўзгармаслиги мумкин. Бу тилларнинг ўтган минг йилликдаги ҳолати билан исботланиши мумкин. X-XV аср ўзбек тили каби барча бошқа тилларнинг тараққиётини далил сифатида келтириш мумкин. Лекин бугунги кунда глобаллашув шароитида халқлараро интеграция шу даражада кучайиб кетдики, тилга бу горизонтал таъсир вертикал хусусиятга эга техник-технологик таъсир билан омикталлашиб, ҳатто тилдаги ҳар бир йилни ўтмишдаги асрларга тенглаштириб юборди.

“Бугун” ва “яқин ўтмиш” орасида тилда юз берган ўзгаришларни фақат янги сўзларнинг кириб келиши ва эскиларининг истеъмолдан чиқиб кетиши сифатидагина тушуниш маъқул эмас. Чунки бу давр “кесма”сида сўзларнинг жуда кўпларида янги маъновий-услубий бўёқлар пайдо бўлиб, сўз семантикаси сифатий ўзгаришларга дуч келмаса-да, миқдорий жиҳатдан эътиборли ўзгаришлар содир бўлиши мумкин. В.В.Виноградов таъкидлаганидек, “...от Пушкина до наших дней сменилось несколько (по крайней мере три) лексико-стилистических систем и соответствующих и литературно-языковых норм”[6].

Шунинг учун тилларнинг замонавийлигини белгилаш ёки “замонавийлик” чегарасини кўрсатишда сўзларнинг бирикмалар ҳосил қилиш хусусиятларини ҳам ўрганиш лозим бўлади. Демак, “замонавийлик” тамойилларидан бири – грамматик тамойил. Грамматик тамойил сўзларнинг семантик-услубий имкониятлари янгиланиши билан боғлиқ. Семантик-услубий бўёқларнинг янгиланиши ёки эскириши сўзларнинг валентлик имкониятларини ҳам ўзгартириб юборади. Масалан, ўтган асрнинг йигирманчи-ўттизинчи йилларида фаол бўлган *меҳробдан чаён* типидagi бирикмалар маълум муддат ўтгач, яъни ўша асрнинг 50- йилларидаёқ меъёр даражасидан тушиб кетди.

Поляк адабий тили тарихчиси Ян Парандовский таъкидлаганидек, романтизм даври поляк адиблари XIXасргача бўлган тил билан шу асрнинг биринчи ярмига бўлган тил орасида шундай ажратиш ҳосил қилдиларки, натижада кейинги давр адиблари бу асргача бўлган тилга мурожаат этмай қўйдилар[10].

Руҳшуносликдаги сезиш ва англаш категориялари луғатларда ҳам, бошқача айтганда, луғатларга сўзларни танлашда ҳам катта аҳамиятга эга. Унга кўра, луғатга олинаётган сўзларнинг янгилиги уларнинг сезилиши билан эмас, балки англаниши билан белгиланиши керак. Маълумки, психологияда сезиш объектни қисман билиш, англаш уни тўлиқ қамраб олишни ифодалайди[1]. Сўзларнинг эскираётганлиги ва замонавийлик бўёғидан маҳрум бўлаётганлиги унинг англаниш доирасидан сезим доирасига тушаётганлиги билан белгиланади. Буни лингвистикагашундай татбиқ қилиш мумкин. Замонавий сўз давр лисоний шахси томонидан тўлиқ англаниши керак. Агар бир вақтлар “тўлиқ англаниш” мақомида бўлиб, бироқ бугунги кунда тўлиқ англанимайдиган (сезим) ҳолатига тушган бўлса, уни “замонавийлик” белгисидан холи идрок этиш керак. Агар шундай қараладиган бўлса, масалан, ўзбек тилидаги *оҳанрабо* сўзининг “магнит” маъносида англашдан кўра сезим маъноси кучлироқ. Аксинча, “тортиш” бўёғини англаш сезимдан баландроқ. Бу эса *оҳанрабо* сўзининг “магнит” маъноси эскирганлигини, “тортиш” маъноси эса замонавийлигини сақлаб қолганлигини кўрсатади.

### ҚУРАЛАЙ

1. Кийик ёки охуларнинг ёш боласи.

2. *айн. қуралай кўз. Меҳрибон кўзлари жигарга мойил, қуралай...“Ёшлик”.*

**Қуралай кўз** Қуралайнинг кўзига ўхшаш кўзли. *Қуралай кўз, бодомқовоқ, сарв қомат..* С.Сиёев, Аваз.

Бу сўзнинг биринчи маъноси сезимга, иккинчи маъноси англашга оид. Демак, иккинчи маъносини “замонавийлик” сифати билан баҳолаш мумкин.

**ЧўЛИҚшв.** Кичик чўпон, чўпоннинг ёрдамчиси. *Ойчинор балозатга етгач, уни Холиёрнинг чўлиги севиб қолади. “Фан ва турмуш”. Холбўта... ўзим ана шу чўпонга чўлиқ бўлсам.. деб ўйларди. “Ёшлик”.*

Чўлиқ сўзининг маъноси ижтимоий онгда сезим билан характерланади. Демак, бу сўзни замонавий деб бўлмайди.

### ҲЎКИЗ

1. Икки ёшдан ошиб, қўшга ярайдиган ҳолга келган бичилган эркак қора мол. *У ердан сув чиқади деб ўйлаш — ҳўкиз сут беради, деб ўйлашдай гап.* Ҳ.Назир, Ёнар дарё. *У колхознинг қўш ҳўкизи билан ўз ерини ҳайдамоқда эди.* А.Қаҳҳор, Қўшчинор чироклари.

2. кўчма сўк. Шу молга нисбатли ҳақоратни билдиради. — *Анави ҳўкизни қаранг-у, манави парини!* — деди *Заврак анча нарида ўз чодирини ёнида турган Худододбекни яна кўрсатиб.. — бийрон ва шаддод қиз ўшанинг қўлига тушяпти.* Мирмуҳсин, Меъмор.

**БУҚА** Бичилмаган эркак қорамол. *Буқа шохидан илинар, Одам — тилидан.* Мақол. *Ҳар кунни бир наъма кўрсатадиган буқамиздан хавотирланиб, пода олдига илгарироқ чиқибтурмоқчи бўлдим.* “Ёшлик”. *Буқа, худди уятчан келинчақдек, ювош тортиб, хонасига кириб кетса бўладими.* “Муштум”[8].

Ҳўкиз ва буқа сўзларининг ҳам “бичилган” ва “бичилмаган” семалари замонавийлик нуқтаи назаридан сезим билан боғланади. Демак, улардан ҳам “замонавийлик” белгисини кидириш тўғри эмас. “Замонавийлик / эскирганлик” белгиси маълум маънода “фаоллик / нофаоллик” маънолари билан ҳам боғланиб кетади.

Ўзбек тилидаги *наинки* сўзининг маъно характеристикаси ва қўлланиш хусусиятларига тўхталамиз:

**НАИНКИ** [ф. — ... деб ҳам бўлмайди; аммо... унчалик эмас] *юкл.* /Шубҳа, ажабланиш, ишонмаслик каби маъноларни ифодалайди; **наҳотки.** *Наинки фашист фақат душмангина бўлса, наинки унинг бутун қилиш-қилмишларини минг йиллардан бери одам боласига маълум бўлган "душман" калимаси ифода қила олса*(А.Қаҳҳор, Олтин юлдуз). *Бу ёруғ дунёга нима учун келдик? Наинки муҳаббат, дўстлик, мурувват, одамгарчилик деган улуг гапларни бозорга олиб чиқсалар, пучак пулга сотсалар!* (Ҳамза, Бой ила хизматчи).— *Наинки Хўжа Абдулло Хотибдек бир аждарнафснинг бошига тушган тошни салтанатга нисбат берурсиз, — деди Навоий* (Ойбек, Навоий).

2 **Фақат** саналган нарсаларгина эмас маъносида; бундан ташқари; **нафақат.** *Умиданинг ўзига ором олиш қачон насиб бўларкин? У ўша француздан ҳам аянчроқ ҳис қилади ўзини.* *Наинки вужуди, бутун ҳаёти, руҳи қийноқда* (А.Мухтор, Чинор). *Жимжитлик, кимсасизлик, ярим ўлик табиат наинки инсон, жониворлар юрагига ҳам ваҳима соларди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Наинки сен, ишлайверсак, бизларнинг ҳам, бил, Оғзимизга келиб қолар она сутимиз* (А.Орипов, Йиллар армони).

Ўзбек тилининг изоҳли луғатларида *наинки* “наҳотки” маъносида қўлланиши далиллари кузатишларимиз бўйича Абдулла Қаҳҳор асарларида учради. “Нафақат” маъносидаги қўлланишлари эса ундан кейинги давр манбаларига тўғри келади. **Наинки битта шу қизи деб умрини ўтказса, кўзимнинг оқу қораси деб авайласа.. ўстирса-ю, у юзига тик қараса.** (Ў.Ҳошимов, Қалбингга кулоқсол). *У шу ёшга келиб, наинки худога, ҳатто буни — қорача, севгилисини — хўжа деб, бир-бирларининг қовушишларига.. йўл бермай келган урф-одатларга ҳам тил тегизмаган эди* (М.Исмоилий, Фарғона т.о.). *Сендақа пайтимизда биз, наинки машоқ, оғзимиздаги нонимизни ҳам эл дастурхонига қўйганмиз* (О.Ёкубов, Эр бошига иш тушса). *Кишининг юрагини қон қилиб юборасан.. наинки мен асал олсам! Асал отлиққа йўқ, ҳали биз пиёда-ку* (А.Қаҳҳор, Анор).

Бундан маълум бўладики, сўз “наҳотки” маъносида замонавийликнинг сезим, “нафақат” маъносида англаш даражасига тўғри келади. Демак, сўзнинг “наҳотки” маъноси замонавийлик даражасидан тушиб, эскириш босқичига ўтаётир.

**Луғатда сўз, маъно танланишива изоҳи муаммосига доир.** Назарий ва амалий луғатчиликнинг муаммолари сирасида сўз танлаш, шарҳлаш ва далиллаш масаласи алоҳида аҳамиятга эга. Ҳар қандай лексикограф учун ҳам, луғатчи учун ҳам, ўқувчи учун ҳам луғат тўлиқ ва изоҳлар (зарур бўлса) ҳам максимал даражада бўлиши пировард мақсад ҳисобланади. Аммо ҳақиқат нисбий бўлганлиги сабабли, бошқа ишларда бўлгани каби луғатчиликда ҳам бунинг максимал даражада амалга оширилиши имконсиз, албатта. Зеро,

## TILSHUNOSLIK

катта тилларда сўзлар захираси мутгасил бойиб боради, ўзлашма сўзлар оқими шиддат билан давом этади. Шунга мувофиқ равишда луғатларда камраб олинган лексика ҳажмининг бўрттирилиши анъанага айланиб бораётганлиги ҳам лексиканинг қамрови луғатнинг таянч хусусияти эканлиги билан белгиланади.

Сўз танлаш ҳар қандай луғатчилик муаммоларининг марказида туради. Ҳеч қачон ҳар қандай луғат сўзларининг миқдори бўйича мутлақ таҳсинга лойиқ эмас. Улар ҳар қандай ҳолатда ҳам табиий тилларнинг лексикасидан орқада юради. Бунинг ташқи ва ички омиллари мавжуд:

*биринчидан*, луғатлар ташқи жиҳатдан чекланганлик хусусиятига эга;

*иккинчидан*, луғатлар ички жиҳатдан ўзини чеклаш хусусиятига эга.

Ана шу иккинчи жиҳат сўз танлаш муаммоси билан боғланиб кетади. Зеро, адабий нутқ ва шева нутқи, эскирган қатлам ва замонавий қатлам, фаол қатлам ва нофаол қатлам, апеллятив қатлам ва терминологик қатлам орасидаги чегара аниқ эмас ва тилнинг узлуксизлиги бу чегаранинг бўлмаслигини тақозо этади. Шунингдек, кундан-кунга ўқувчиларнинг эҳтиёжларига мос равишда луғатлар турларининг кўпайиб кетаётганлиги, луғатларда ихтисослашувнинг кучайиб бораётганлиги:

*биринчидан*, қайси луғатга қайси сўзни танлаш;

*иккинчидан*, қайси сўзни қайси луғатда бериш;

*учинчидан*, қайси луғатда қайси сўзни бериш;

*тўртинчидан*, қайси луғатда қандай далиллардан фойдаланиш муаммоси луғатларга сўз танлаш масаласини мураккаблаштираётган замонавий лексикографик масалалардан ҳисобланади.

Ҳар қандай борлиқ ҳодисаси каби серқирра бўлганлиги каби тилдаги сўзлар ҳам кўп қиррали бўлиб, у ҳар бир қирраси билан бошқа-бошқа луғатларга мансуб бўлиш имкониятига эга. Масалан, темир, сув, ҳаво каби сўзлар кенг ва чуқур маъно қамровига эга ва полифункционал бўлиб, уларни луғатларда бериш қатор муаммоларни келтириб чиқараётганлиги бежиз эмас. Сув сўзининг луғатда берилишига эътибор қилинг:

### **СУВ.**

**1.** Водород билан кислород бирикувидан иборат рангсиз, ҳидсиз шаффоф суюқлик; табиатда муз ва буғ ҳолида ҳам учрайди, барча тирик организм ва кўпгина модданинг таркибий қисми.

**2.** Шундай суюқ ичимлик сифатида.

**3.** Сой, кўл, дарё ва ш.к. нинг сувли сатҳи.

**4.** Ҳўл мева, сабзавот ва ш.к. таркибидаги шира, шарбат, суюқлик.

**5.** Тирик организм ва аъзолардан ажралиб чиқадиган суюқлик, шира.

**6.** Умуман, турли нарсалар таркибидаги намлик.

**7.** кўчма с.т. Маза-матраси, шираси ёки жири йўқ (мева ёки овқат ҳақида).

**8.** Каштачиликда: тўғри ёки тўлқинсимон чизик шаклидаги гул элементи.

**9.** эск. Ўн танобга тенг ер ўлчов бирлиги.

**10.** Турли бирикмали номлар таркибида келади.

*Ўзбек тилининг изоҳли луғати оммабоп луғат бўлгани ҳолда терминологик маънонинг биринчи ўринга чиқарилиши лексеманинг терминологик қиррасига устуворлик бериб юборилганлигини кўрсатади. Буни темир, ҳаво сўзлари изоҳида ҳам кузатамиз:*

**ТЕМИР 1.** Менделеев даврий системасининг VIII гуруҳига мансуб кимёвий элемент, болғаланганда яссиланадиган, исталган шаклга кирадиган, углерод билан қўшилганда, пўлат ва чўян ҳосил қиладиган қорамтир кумуш рангли оғир металл.

**ҲАВО** [*а.* – атмосфера, ҳаво; иқлим; шамол; об-ҳаво] **1.** Ер атмосферасини ҳосил қилувчи, инсон, ҳайвон, ўсимлик ҳаёти учун зарур, асосан азот ва кислороддан иборат газлар аралашмаси.

Лексемалардаги маъноларнинг бу тарздаги берилишида ҳам юқорида айтилган сезим ва англаш категорияларининг зид муносабатини кўрамай. Ҳолбуки, оммабоп, умумий изоҳли луғатлардаги терминологик маънолар кейинги ўринга туширилиб, энг фаол ижтимоий маъно

биринчи ўринга чиқарилиши ушбу луғатнинг функцияси ва моҳиятига тўлароқ мос келади дейиш мумкин.

Луғатларнинг ўзаро фарқ ва ўхшашликлари ҳақида гап кетар экан, Л.В.Шчербанинг бу борадаги қимматли бир мулоҳазасини келтиришни ўринли деб биламиз: “Менинг вазифам бирмунча бошқачароқ: биринчидан, луғатлар орасидаги фарқларни кўрсатишдан кўра, ўхшашликларни таъкидлаш керак деб ўйлайман. Луғатларни шу нарса яқинлаштирадики, барча луғатлар сўзлар ва нарсалар билан иш кўради, барчаси инсонларнинг аниқ билимлари дунёси билан бирга, тасаввурлари оламини акс эттирадиган тил лексикасини таҳлил қилади. Аммо маълум даражада луғатлар сўз ёки нарсалар мавжудлиги, ҳатто сўз ёки нарса фақат инсон тасаввуридагина ҳукм сурганлиги учун муаммо дуч келадилар, агар борлиқда ҳам, тасаввурда ҳам улар бўлмаса, муаммо ҳам бўлмас эди. Бу барча материалистик лексикография тамойиллари мавжудлигининг асосидир. Ҳар қандай сифатли энциклопедик луғат Менделеев даврий жадвалидаги барча терминларни, хусусан, *перекись*, *окись* сўзларини қамраб олар экан, ксенон, гафний деган ифодалар изоҳини махсус терминологик луғатлар учун қолдиради. Шунингдек, қомусий луғатда *бормоқ*, *гапирмоқ* феълларини, *етарли*, *кўтинча* деган равишларни учратмаймиз”[7].

Изоҳли луғатдан фарқли равишда қомусий луғатлар кўп ҳолларда сезим асосли бирликларни тавсифлаб, англаш асосидаги ифодаларни четлаб ўтади. Изоҳли луғат асосан фаол кунда қўлланадиган сўзларни, қомус ва терминлогик луғатлар кунда қўлланмайдиган нофаол сўзларни танлайди ва шарҳлайди, изоҳлайди. Аммо ҳар икки ҳолатда ҳам тушунча (фаол/нофаоллигига қарамасдан) нима билан ифодаланиши, ифода (кунда қўлланадиган/кунда қўлланмайдиган бўлишига қарамай) нимани ифодалаши диққат марказида туради ва танлов шунга йўналтирилади.

Қомус нарса-ҳодиса, унинг моҳияти, кўринишлари, хусусиятлари, турлари талқинини берса, изоҳли луғатифоданинг бош ва кўчма маъноларини тавсифлаш билан банд бўлади. Изоҳли луғат семантик, қомусий луғат тушунча жиҳатини қамраб олганлиги сабабли уларнинг йўналишлари ажралади:

- 1) ифодадан маънога (изоҳли луғат);
- 2) ифодадан тушунчага (қомусий луғат).

Бу жўн масала нега таъкидланаётми? Чунки лингвистика маъно, мантиқ тушунча билан машғул бўлади деган қарашлар лексикографияда ўзини оқламай қолади. Зеро, лексикографияда лингвистик ва мантиқий чегаралар “ювилиб кетади”. Шу маънода Ф.де Соссюрнинг «единственным и истинным объектом лингвистики язык, рассмотренный в самом себе и для себя»[11] деган фикрлари бирёқламадек тасаввур уйғотади. Бу бугунги кунда фанлар интеграцияси талабларидан келиб чиққан ҳолда лингвистиканинг ўрни қандай бўлиши керак деган масалани ҳам кун тартибига қўйишга ҳам асос бўлади. Тилшуносликни шу тарзда ёпиқ системага айлантириб қўйган XX аср ҳали ундан кўп қарздор. Демак, тилшунослик ва мантиқ уйғунлиги ва ҳамкорлиги лексикографик амалиётда муҳим тамойиллардан бири.

Алоҳида таъкидлаш керакки, лексикографияда табиий ва сунъий тил ҳам аралашиб кетганлигини кўраемиз. Бу масалани қўйиш ўринлими, терминологик системани тилнинг ижтимоий келишув асосида шаклланган сунъий тизими деб аташ тўғрими деган муаммо ҳам пайдо бўлади. Аслида муайян бир тилдаги терминологик тизимдаги сўзлар икки кўринишда бўлади:

- ўз қатлам терминлари;
- ўзлашма қатлам терминлари.

**Хулоса.** Ўз қатлам терминлари аслида тилимизда мавжуд бўлган сўзларнинг терминологик моҳият касб этишидир: *қўшув*, *айирув*, *бўлиш*, *кўпайтириш*, *ёниш*, *тезлик*, *куч* каби. Бу ифодаларда ҳеч қандай сунъийликни кўриш ёки қидириш мумкин эмас. Бироқ ўзлашма терминлар гўё ўйлаб топилгандек тасаввур уйғотади. Аммо улар ҳам қайси тилдан ўзлашган бўлса, ўша тил учун бизнинг ўз қатлам терминларимиз каби табиийликка эга. Шунингдек, терминологик қатламга мансуб бўлмаган ўзлашмаларни сунъий деб баҳолай



олмаслигимиз ҳам “сунъий” терминларга муносабатимизни ўзгартиришни талаб этади. Ҳеч қачон қандайдир бир алоҳида фан тили бўлмаган ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Фақат яхлит лисоний имкониятдан ўзига хос кўринишда намоён бўлган илмий нутқ, фан баён услуби мавжуд, холос. Шунда яна асосий муаммо қайси луғатда қайси маънога урғу ва устуворлик бериш, изоҳ учун қайсисини танлаш масаласи бўлиб қолади.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Ананьев Б.Г. Психология чувственного познания. – М., 1960. – С.25.
2. Боровков А.К. Названия растений по Бухарскому списку “Мукаддимат-ал-адаб // Тюркская лексикология и лексикография. – М.: Наука, 1971. – С. 96.
3. Будагов Р.А. Толковые словари в национальной культуре народов. – М.: Изд-во МГУ, 1989. – С. 5-6
4. Будагов Р.А. Толковые словари в национальной культуре народов. – М.: Изд-во МГУ, 1989. – С. 12-13.
5. Будагов Р.А. Толковые словари в национальной культуре народов. – М.: Изд-во МГУ, 1989. – С. 14.
6. Виноградов В.В. Семнадцатитомный академический словарь современного русского литературного языка и его значение для советского языкознания. // Вопросы языкознания. – 1966. - № 6. – С. 25.
7. Щерба Л.В. Языковая система и речевая деятельность. – Л., 1974. – С.262-275.
8. Мисоллар ўзбек тилининг 5 жилдди изоҳли луғатидан олинди.
9. Ожегов С.И. Лексикология, Лексикография. Культура речи. – М., 1974.
10. Парандовский Я. Алхимия слова. – М., 1972. – 146.
11. Соссюр Ф. де. Курс общей лингвистики. – М., 1977. – С.268.
12. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси.
13. Щерба Л.В. Опыт общей теории лексикографии // В его кн.: Языковая система и речевая деятельность. – Л., 1974;
14. Юлдашев А.А. Принципы составления тюркско-русских словарей. – М., 1972.

УДК: 811

### ТИЛШУНОСЛИКДА ДЕЙКСИС НАЗАРИЯСИ ВА УНИ ЎЗБЕК ТИЛИДА ЎРГАНИШНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ

### ТЕОРИЯ ДЕЙКСИСА В ЛИНГВИСТИКЕ И АКТУАЛЬНОСТЬ ЕЕ ИЗУЧЕНИЯ В УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ

### THE THEORY OF DEXIS IN LINGUISTICS AND THE RELEVANCE OF ITS STUDY IN THE UZBEK LANGUAGE

*Давлатова Раъно Ҳайдаровна*

*НавДПИ мактабгача таълим каф. доц., ф.ф.н.*

**Аннотация.** Мазкур мақолада тилшуносликда дейксис назарияси, унинг жаҳон ва ўзбек тилшунослигидаги тадқиқ даражаси, дейксис моҳияти ва унинг турлари ҳақидаги назарий фикрларга муносабат билдирилди. Дейксиснинг матн таркибидаги ишоравий (дейктик) вазифасини прагматик аспектда ўрганилиши масаласига аниқлик киритилди. Тилшуносликда дейксиснинг функционал-семантик майдон нуқтаи назаридан ўрганилишига муносабат билдирилди ва ўзбек тилида дейктик бирликларнинг функционал-семантик майдонда ўринлашуви масаласига эътибор қаратилди.

**Таянч сўзлар:** прагматика, ишоравий бирликлар, дейксис, универсал категория, шифтер, эгоцентрик бирлик, индекс, оператор, паралингвистик воситалар, дейксис турлари, контекст.

**Аннотация.** В данной статье рассматривается теория дейксиса в лингвистике, уровень ее исследований в мировой и узбекской лингвистике, а также теории о сущности дейксиса и его типах. Выясняется, что функции указательности дейксиса в тексте может изучаться в прагматическом аспекте. Уделено отношение в лингвистике на изучение дейксиса с точки зрения функционально-семантического поле, а также основное внимание было уделено размещению дейксических единиц в функционально-семантическом поле на узбекском языке.



**Ключевые слова:** Ключевые слова: прагматика, указательные единицы, дейксис, универсальная категория, шифтер, эгоцентрические единицы, индекс, оператор, паралингвистические средства, виды дейксиса, контекст.

**Abstract.** This article discusses the theory of deixis in linguistics, the level of its research in the world and Uzbek linguistics, as well as the theory of the essence of deixis and its types. Issue which the deixis index function in the text was studied in a pragmatic aspect was clarified. The attitude in linguistics to the study of deixis from the point of view of the functional-semantic field was given, and the main attention was paid to the placement of deixis units in the functional-semantic field in the Uzbek language.

**Key words:** Pragmatics, index units, deixis, universal category, shifter, egocentric units, index, operator, paralinguistic tools, types of deixis, context.

Маълумки, ҳар бир тилда шу тил эгаларининг объектив борлиқ, дунёнинг идрок этилган ва онгда қабул қилинган тархи ёки кўриниши ифодаланади. Шунинг учун тил “содда реаллик”[2] деб ҳам таърифланади. Тилга бундай ёндашув замонавий тилшуносликда семантика ва прагматикага эҳтиёжни туғдирди. Чунки анъанавий тилшуносликда тил бирликлари ифодалаётган мазмун нутқий вазиятга, контекстга боғланмай ўрганилди. Натижада тил бирликларининг ифода имконияти тўлалигича очилмай қолди. Прагматик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, тилнинг юза кўриниши тил эгалари айтмоқчи бўлаётган фикрнинг ҳаммаси эмас. Улар тил бирликларига ҳавола қилиш, яширин ифодалаш сингари вазифаларни ҳам юклайдилар. Бу эса тилшуносликка янги ва қизиқарли материалларни тақдим этади. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, тил – кўринганидек реалликнинг содда ифодаси эмас, балки мураккаб ва кўпқирралидир. Шу нуқтаи назардан айтиш мумкинки, дейксисни ўрганиш тил бирликларининг ифода имкониятларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, жаҳон тилшунослигида **дейксис** ходисаси (грекча **δείξις** («**deixis**»)) сўздан олинган бўлиб, кўрсатиш, ишора маъносини англатади [11]) тилнинг барча сатҳлари доирасида амал қилувчи универсал категория сифатида ўрганила бошланди. Тил бирликларининг контекст, нутқ вазияти билан боғлиқ прагматик жиҳатини ўрганишга эътибор кучайгач, дейксис муаммоси прагматиканинг тадқиқ объекти сифатида кун тартибига қўйилди.

Дейксис муаммосини ўрганишга дастлаб немис тилшуноси К.Бругманн (1904 й.) жиддий эътибор қаратди[4], унинг ишлари кейинчалик К.Бюлер томонидан ривожлантирилди. К.Бюлер “Тил назарияси” номли асарининг кўп қисмини дейксис тадқиқига: дейксиснинг моҳияти, турлари, дейктик бирликларнинг вазифаси ҳақида ўз қарашларига бағишлади[6]. Айрим тадқиқот ишларида тилнинг ишора бирликлари **шифтер, эгоцентрик бирлик, индекс, оператор** терминлари остида ўрганилди.

Дейксис назариясини ўрганиш анъанасини давом эттирган О.Есперсен 1922 йилда сўзловчи ва бошқа мулоқот эгалари билан боғлиқ ҳолда англашиладиган ва уларнинг нутқида қўлланиладиган тил бирликларига **шифтер** тушунчасини таклиф этади. Олимнинг фикрича, “дейктик бирликлар шифтернинг типик намунаси. Дейктик ифодалар контекстан ташқарида тушунарсиз бўлиб қолади. Агар адресат сўзловчининг ким эканлиги тўғрисидаги маълумотга эга бўлмаса, у ҳолда “*Мен ҳозир шу ерданман*” гапи тушунарсиз бўлиб қолади [7].” Шифтерлар тушунчаси кейинчалик Р.Якобсон томонидан ҳам илгари сурилди. У ўзининг “Шифтерлар, феъл категориялари ва рус тилида феъл” мақоласида шифтер ва шифтер бўлмаган грамматик категорияларни қарама-қарши қўяди [15].

Олим Ч.Пирс сўз ва объект ўртасида бевосита алоқани яратувчи кўрсатиш олошларини **индекс белгилар** деб аташни тавсия қилади (1940 й.).

Олима Е.В.Падучева ишорага хосланган бирликларни **эгоцентрик бирликлар** номи остида бирлаштиради. Унинг фикрича, эгоцентриklar шундай бирликларки шахс, макон ва замон тушунчаларига ишора сўзловчига ҳавола орқали юзага чиқади. Оддий айтганда, *сен, шу ерда, ҳозир* сўзлари сўзловчини (*мен, биз*) кўрсатади. Шунга кўра эго (*лот. “ego” - мен*),

**центр** (марказ), яъни сўзловчи марказда бўлган бирликлар сифатида баҳо беради [11].

Жаҳон тилшунослигида дейксис назарияси юзасидан бажарилган тадқиқотлар бир неча йўналишларда олиб борилган. Жумладан, система-структура йўналишида (И.А.Стернин, А.А.Уфимцева, Е.Л.Ерзикаян), психоллингвистик йўналишда (R.J.Harris, W.F.Brewer, К.Тэнц), матн тилшунослиги йўналишида (R.D.Brecht, G.Elish, В.В.Бурлакова), қиёсий-типологик йўналишда (К.Faerch, G.Rauch, С.А.Крылов, С.А.Чалабян), коммуникатив-прагматик йўналишда (Н.Д.Арутюнова, С.А.Крылов, Е.В.Падучева, Ю.С.Степанов), прагматингвистик йўналишда (Ш.Балли, Р.М.Кемпсон, В.Г.Гак, Д.Вундерлих, П.Стросон, Р.Джаккендофф), функционал-грамматик йўналишда (И.Г.Кошева, Ю.А.Дубовский, А.В.Бондарко), функционал семантик (М.Ф.Мирзамухамедова, Т.П.Сазыкина Н.Н.Волков, Р.В.Мамедова, И.А.Федоровская, М.Д.Березко); Р.Перкинс (1992й.) дейктик категорияларнинг лингво-антропологик хусусиятларини ўрганганлар.

Ўзбек тилшунос олимларидан А.Шерматов дейксиснинг инглиз илмий-техник матнида ифодаланиши масаласини [14], Г.Болтакулова ўзбек ва инглиз тилларида темпораллик ва унинг дейктик хусусиятлари, бирликларини қиёсий аспектда [3], Р.Абдурахмонова турли тизимдаги тилларда дейктик бирликларнинг матн ҳосил қилиш функцияси муаммосини [1] тадқиқ этиб, жаҳон тилшунослигида дейксис назариясининг бойитилишига муҳим материаллар тақдим этганлар.

Кўринадики, дейксиснинг ифода бирликлар, усуллари турли тилларда фарқланиши, тадқиқ йўналишларининг хилма-хиллиги тилшуносликда дейксиснинг моҳияти, ифода воситалари, усуллари ва ҳатто номланиши юзасидан ҳам фарқли ёндашувлар юзага келган. Ҳозирги кунда тилшуносликда тил бирликлари ёки бошқа белгилар орқали коммуникатив мулоқот иштирокчилари, муайян воқелик, у амалга оширилган вақт, ўрин кабиларга ишора этиш **дейксис ходисаси** сифатида, бундай ишора бирликлари эса **дейктик бирликлар** тарзида талқин этилмоқда. Мазкур бирликларнинг миқдори, турлари, қўлланиш ўрни ҳар бир тилда фарқланса-да, универсал, ҳар бир тилда такрорланувчи умумий жиҳати, яъни ишоралилик хусусиятига кўра уларни дейктик бирликлар деб аташ мақсадга мувофиқ.

Сўнгги йилларда дейксисни ўрганишда соф назарий ёндашувдан жаҳон тилларидаги дейктик воситаларини эмпирик ўрганишга таянилмоқда. Бунинг натижасида дейктик воситаларнинг турли тиллардаги катта корпуси йиғилди.

Ю.Д.Апресян дейксисни англашда қуйидаги асосий тушунча ва зидланишларни эътиборга олиш лозимлигини кўрсатади:

1. Дейксис эгоцентрик тушунча. Унинг семантик жиҳатдан “мен”, “сўзловчи” тушунчасига асосланади. Бунда сўзловчи нутқий мулоқот актининг юз бераётган вақти ва ўрнини белгиловчи марказ, мўлжал саналади.

2. “Мен – ўзга” зидланиши дейктик оппозицияни ташкил этади. Бунда яқин (ближний) ва узоқ (дальный) дейксис фарқланади.

3. Бирламчи ва иккиламчи дейксис. Бирламчи дейксис – диалог дейксиси, жонли, реал мулоқот вазияти. Бунда сўзловчи ва тингловчи бир-бирини кўради ва атрофдаги вазият, борлиқни идрок этиш ҳар бири учун очик. Иккиламчи дейксис – нутқий мулоқот вазияти билан боғлиқ бўлмай, баёнга, хикоя қилиб беришга алоқадор бўлади. Бундай дейксисда сўзловчининг ўрни ва баён вақти баён этилаётган вазиятнинг реал ўрни ва вақти билан мос келмаслиги билан характерланади. Мазкур ҳолатда дейктик бирликлар ўзганинг онгини ифодалаш учун қўлланади ва анафорик ёки катафорик вазифани бажаришга хизмат қилади[2].

Узоқ вақт тилшуносликда дейктик бирликлар сифатида асосан кўрсатиш, кишилиқ олмошлари, ўрин ва пайт равишлари ажратилди. Аммо матннинг прагматик таҳлили юзасидан олиб борилган кузатишлар асосида дейктик бирликларнинг ифода воситалари кенг қўламли ва кўп сатҳли эканлиги, ҳатто тилнинг паралингвистик воситалари орқали ҳам мулоқот жараёнида ишора вазифалари амалга оширилиши назарий асосланди. Хусусан, Г.Е.Крейдлин дейктик хусусиятли паралингвистик воситаларни **ишорага хосланган** ва **тавсифловчи** гуруҳларга ажратиб ўрганди. Олимнинг фикрича, хосланган дейктик хатти-

харакат ва имо-ишоралар фақат кўрсатиш вазифасини бажаради. Тавсифловчи хатти-ҳаракат ва имо-ишоралар эса кўрсатиш билан бирга сўзловчининг баҳо муносабати ва ишора объектининг муайян белги-хусусиятини ифодалашга ҳам хизмат қилади [8].

Маълумки, ҳар қандай нутқ жараёни ўзаро мулоқот эгаларисиз, шунингдек, мулоқот ўрни ва у олиб борилаётган вақтсиз амалга ошмайди. Шунингдек, ҳар қандай воқелик ҳақидаги ахборот, албатта, у амалга ошган макон ва замон, воқелик иштирокчилари ҳақидаги маълумотни ўзида жамлайди, ҳеч бўлмаганда, уларга ишора қилади. Ҳар қандай мулоқот матнида нутқ эгалари, баён этилаётган воқеликнинг амалга ошиш ўрни ва вақтига ишоранинг кузатилиши дейкиснинг барча тилларда энг умумий жиҳатларга эга эканлигидан далолат беради.

Дейктик бирликларнинг турли сатҳга мансуб универсал хусусиятлари асосида айрим тилшунослар уларни ишора майдони тизимига бирлаштирадilar. Хусусан, К.Бюлер тилнинг дейктик тизимини ишора майдони сифатида тавсифлайди ва бу майдон марказида *мен - шу ерда - ҳозир* сўзлари ўрин олганлигини қайд этади [5].

Француз олимаси Анна Жобер эса дейкис моҳиятини кенг доирада: “Дейкис реал мавжудликнинг ифодасидир (*effet de reel*) ва барчага маълум “мен – ҳозир – шу ерда” учлиги ҳар қандай нутқий фаолиятнинг таянч тушунчасидир”, – деб баҳолайди [7].

Аммо бу ўринда қайд этиш лозимки, бу каби дейктик бирликлар орқали ифода этилган ишора матндан ташқарида мавҳум бўлиб қолади. Масалан, «*У шу ерда юрибди*» гапида қўлланган *у, шу ерда* дейктик бирликлари аниқ субъект ва аниқ макон ҳақида тасаввур уйғота олмайди. Бундан нутқий мулоқот матнида қўлланувчи бу каби дейктик бирликлар семантик қийматга эга бўлмайди деган хулосага келмаслик лозим. Матндан узиб олинган дейктик бирликнинг мавҳум маъносига фақат матн таҳлили орқали аниқлик киритилади.

Дейктик бирликларнинг ишора объекти гапда бевосита акс этмайди, унга контекст орқали аниқлик киритилади. Шу сабабли айрим ишларда дейктик бирликларнинг нутқ субъектининг яширин мақсадлари ҳақида хабар бериши хусусида фикр юритилади [18].

Замонавий ўзбек тилшунослигида ҳам нутқ субъектининг тилдан фойдаланиш фаолияти билан боғлиқ муаммоларни ўрганишга жиддий эътибор қаратилаётганлиги қувонарли. Айниқса, прагматик ва когнитив йўналишда олиб борилаётган тадқиқотлар тил бирликларининг контекст, нутқ вазияти, мулоқот эгалари сингари омиллар билан боғлиқ хусусиятларига аниқлик киритмоқда. Тилшунослигимизнинг мана шундай долзарб муаммоларидан бири ўзбек тили бирликларининг матн таркибидаги ишоравий (дейктик) вазифасини прагматик жиҳатдан ўрганиш масаласидир.

Ўзбек тилшунослигида бу масала дастлаб С.Раҳимов томонидан қиёсий-типологик жиҳатдан ўрганилди (1989 й) [12]. Олим шахс, замон ва макон дейкислари қаторида **меърий ҳолат ва баҳо дейкиси** ҳам мавжудлигини таъкидлайди. Сўнгги йилларда Ш.Сафаров “Прагмалингвистика” мавзусидаги монографиясида прагматик ҳодисалар қаторида дейкис масаласига ҳам муносабат билдиради ва мазкур масала юзасидан билдирилган назарий қарашларни таҳлил қилди [13]. Олим дейкиснинг шахс, замон, макон шунингдек, **эмоционал, дискурс, социал** гуруҳларини ажратади. Ўзбек болалар нутқида дейктик бирликларнинг қўлланиш масаласини М.Қурбонова [17] тадқиқ этган.

Шунингдек, Н.Маҳмудов қўшма гапларнинг шаклий-мазмуний тузилишини таҳлил қилар экан, дейктик бирликларнинг бош гап таркибида иштирокига кўра бош гапларни **ҳавола бўлак**ли ва **ҳавола бўлак**сиз бош гапларга ажратади. Олим бу ўринда *ҳавола бўлак* деганда дейкис белгиларни назарда тутди ва дейктиклар мазмунан кучсиз, бўш сўзлар сифатида воқеа, белги, нарсаларни бевосита ифодаламай, уларга ишора, ҳавола қилишини қайд этади. Шунга кўра бу бирликлар гапда ҳавола бўлаклар сифатида иштирок этади [15].

Дастлабки фикрларга кўра, дейкис ифодаловчи бирликлар фақат олмошлар деб қаралгани ва олмошларнинг фақат сўз туркумлари ўрнида қўлланувчи, ичи бўш сўзлар сифатида қаралиши дейкиснинг тўғри талқин этилишини чеклади. Айрим манбаларда дейкиснинг грамматик категория сифатида талқин этилиши ҳам дейкисни тор доирада тушунишдан пайдо бўлган назарий қараш, десак хато бўлмайди.

## TILSHUNOSLIK

Тилшуносликда дейкисни майдон доирасида ўрганиш масаласини илк маротаба тилшунос олим К.Бюлер таклиф этди. У тилни бир-бирига қарама-қарши турган икки майдон: белги майдони (Symbolfeld), яъни аташ маъносига эга сўзлар ва ишора майдони (Zeigfeld), яъни маъноси нутқий вазиятга қараб аниқланадиган дейктик сўзлар майдонига ажратади [6]. Маълумки, лингвистик майдон мазмуний жиҳатдан бир умумийликка эга тил бирликларининг мажмуидир. Унинг функционал-семантик майдон тури маълум мазмуний категорияларга таянган, вазифалари умумийлиги билан ўзаро муносабатда бўлган тилнинг турли сатҳларига хос воситалар системаси саналади.

Сўнги йилларда олиб борилган прагматик тадқиқотларда дейкиснинг ишоравийлик хусусияти қаторига сўзловчининг воқеликни ўз шахсига, вазиятига нисбатан баҳолаши масаласи ҳам дейкис сифатида қабул қилинган, унинг тилшуносликдаги тадқиқ доираси кенгайди. Дейкис моҳиятида шахс (шахс дейкис), предмет (предмет дейкис) ва воқеликнинг (пропозитив дейкис), объектив маконда тутган ўрни (макон дейкис), воқелик кечаётган замон (замон дейкис), сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги муносабат (ижтимоий ҳолат дейкис), нутқий акт иштирокчиларининг воқеликка муносабатига (руҳий ҳолат дейкис) ишора ёки ҳавола этиши тушунилади бошлади.

Олим Ш.Сафаров ҳам воқелик баёнида замон – макон – ижтимоий мавқе марказлари мулоқот шахси томонидан белгиланиб, ягона *дейктик майдонни* ташкил қилишини эътироф этади. Шунингдек, дейктик бирликларнинг кўп сатҳли эканлиги, муайян нутқий вазиятда бошқа сатҳ бирликлари ҳам дейктик вазифа бажариши, унинг нутқдаги ифода имкониятлари биргина олмошлар билан чегараланмаслигини кўрсатди. Шунга кўра ўзбек тили дейктик бирликларини функционал-семантик майдон доирасида тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ. Дейкис функционал-семантик майдони (ДФСМ) тилнинг сатҳидан қатъий назар моҳиятан бир умумий вазифани бажаришга хосланган бирликларни жамлайди.

Мазкур майдоннинг қурилиш асосини нутқий акт элементларига ишора қилиш вазифасига эга тил бирликлари ташкил этади. Айни вақтда ҳар бир тил бирлиги ишора объектининг семантик хилма-хиллиги (шахс, замон, макон ва ҳоказо) билан фарқланади.

Дейкисни шакллантирувчи бирликлар тил хусусиятига кўра фақат ишорага хосланган, тилдаги асосий вазифаси билан бирга дейктик вазифа юкланаётган ҳамда муайян нутқий вазиятдагина ишоравийлик вазифасини бажарувчи бирликларга ажралади. Мазкур дейктик бирликлар ДФСМнинг шартли равишда ажратилган уч: марказ, марказга яқин ва майдоннинг чекка қатламида ўринлашуви мумкин.

Кўринадик, дейкис ҳодисасини ўзбек тили материаллари асосида алоҳида ўрганиш, бу тилнинг барча ишора бирликларини тўлиқ белгилаш, уларни тизимли равишда бир майдон доирасига жамлаш, дейкиснинг турлари ва ўзбек мулоқот матнида ўзига хос ифодаланиш усулларини махсус ўрганиш замонавий ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

## АДАБИЁТЛАР

1. Abdurahmonova R. Turli tizimdagi tillarda deytik birliklarning tekst hosil qilish funksiyalari. *Filol.f.b.falsafa d-ri(PhD) diss.avtoref.* –Farg'ona, 2018.-49b.
2. Апресян Ю.Д. Дейкис в лексике и грамматике и научная модель мира. [http://lpcs.math.msu.su/~uspensky/journals/siio/35/35\\_12APRES.pdf](http://lpcs.math.msu.su/~uspensky/journals/siio/35/35_12APRES.pdf)
3. Boitaqulova G.F. Ingliz va o'zbek tillarida temporallik va uning deytik xususiyatlarining qiyosiy-funksional tadqiqi. *Filol.f.b.falsafa d-ri(PhD) diss.avtoref.* -Toshkent, 2018.-54b.
4. Brugmann K. Die Demonstrativa Pronomina der indogermanischen Sprachen [Text] / K. Brugmann. – Leipzig: Gruyter, 1904. –144 s.
5. Бюлер К. Теория языка. Репрезентативная функция языка. – М.: Прогресс, 2000.
6. Есперсен, О. Философия грамматики. /Пер. с англ. В.В. Пассека и С.П. Сафроновой под ред. и с пред. проф. Б.А. Ильиша [Текст]. – М.: Издательство иностранной литературы, 1958. – 408 с.
7. Jaubert A. La lecture pragmatique. Paris, 1990. [https://www.persee.fr/doc/igram\\_0222-9838\\_1992\\_num\\_52\\_1\\_3230\\_t1\\_0050\\_0000\\_5](https://www.persee.fr/doc/igram_0222-9838_1992_num_52_1_3230_t1_0050_0000_5)
8. Крейдлин Г.Е. Механизмы взаимодействия вербальных и невербальных единиц в диалоге. Дейктические жесты и речевые акты. <http://www.dialog-21.ru/media/1759/38.pdf>
9. Лингвистический энциклопедический словарь: <http://tapemark.narod.ru/les/128d.html>.



10. Lutfullayeva D., Davlatova R. O'zbek muloqot matnining deyktik birliklari. // O'zbek tili va adabiyoti. 2011. №6. 32-36-b.
11. Падучева Е. В. Эгоцентрические единицы языка и режимы интерпретации.
12. Рахимов С. Речевая коммуникация и проблема дейксиса в разнотипных языках. – Т.: Фан, 1989. –90 б.
13. Safarov Sh. Pragmalingvistika. – Т.: O'zbekiston Milliy Ensiklopediyasi, 2008. - В. 178.
14. Shermatov A. Ingliz ilmiy-texnik matnida deyksisning ifodalanishi: Filol.f.nomz.diss.avto-ref. – Toshkent, 2008.
15. Якобсон Р. Шифтеры, глагольные категории и русский глагол. [http://genhis.philol.msu.ru/article\\_191.shtml](http://genhis.philol.msu.ru/article_191.shtml)
16. O'zbek tilining mazmuniy sintaksisi./ Nurmonov A., Mahmudov N., Ahmedov A., Solixo 'jayeva S. – Toshkent: Fan, 1992.- В. 243.
17. Qurbonova M. O'zbek bolalar nutqining pragmatik xususiyatlari. Filol.f.d-ri (DsC) diss. –Toshkent, 2018. –71-116-b.
18. Hakimov M. O'zbek tilida matnning pragmatic talqini: Filol.f.d-ri...diss.avto-ref. – Toshkent, 2001. 15-b.

УДК: 81

**ФРАНЦУЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ДЕОПОЭТОНИМЛАРНИНГ  
АЙРИМ ЛИНГВОПОЭТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**ОСОБЕННОСТИ ОТДЕЛЬНЫХ ЛИНГВИСТИЧЕСКИХ ДЕОПОЭТОНИМОВ  
ВО ФРАНЦУЗСКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ**

**FEATURES SEPARATE LINGUISTIC GEOPOETIKA IN  
FRENCH AND UZBEK LANGUAGES**

**Хамидова Муборак Хафизовна**

БухДУ таянч докторанти,

**Қаҳҳорова Гулрух Шавкатовна**

БухДУ таянч докторанти

**Аннотация.** Мақолада табиий ҳодисалар номини ифодаловчи деопоэтонимларнинг француз ва ўзбек тилларида қўлланиши билан боғлиқ айрим лингвопоэтик хусусиятлари кўрсатиб ўтилган. Деопоэтонимларнинг тил ва бадиий нутқдаги ўрни, келиб чиқиши асослари ва қўлланиши хусусиятларини аниқлаш борасида баъзи фикрлар баён этилган. Деопоэтонимларнинг халқ оғзаки ижоди ва шеърятдаги вазифалари мисоллар ёрдамида таҳлил қилинган.

**Таянч сўзлар:** ономастика, поэтоним, деопоэтоним, мифодеопоэтоним, урбанедеопоэтоним, тил, нутқ, лингвопоэтика, шеър, фольклор.

**Аннотация.** В статье указаны отдельные лингвопоэтические особенности, связанные с использованием деопоэтонимов на французском и узбекском языках, которые представляют собой названия природных явлений. Изложены некоторые мнения о роли деопоэтонимов в языковом и художественном дискурсе, основах их происхождения и особенностях их применения. Проанализированы функции деопоэтонимов в фольклоре и поэзии с помощью примеров.

**Ключевые слова:** ономастика, поэтоним, деопоэтоним, мифодеопоэтоним, урбанедеопоэтоним, язык, речь, лингвопоэтика, стихотворение, фольклор.

**Abstract.** The article discusses certain linguistic and poetic features associated with the use of diopoetonyms in French and Uzbek, which are the names of natural phenomena. Explained some ideas about the role of deopoetonymov in language and divine discourse, the basis of their origins and the peculiarities of their application. Proanalizirovany funktsii deopoetonymov v folklore i poezii s pomoshchyu primerov.

**Key words:** onomastics, poetonomy, deopoetonymy, mifodeopoetonymy, urbandeopoetonymy, language, speech, lingvopoetics, poetry, folklore.



**Кириш.** Жаҳон халқларининг тил тизимида деопозтонимлар табиий ҳодисаларнинг номини ифодаловчи сўзлар сифатида алоҳида ўринга эга. Деопозтонимларнинг тил билан бадиий нутқдаги ўрни, келиб чиқиш асослари ва қўлланиш хусусиятларини аниқлаш тил тарихини ўрганиш ва унинг ижтимоий аҳамиятини белгилашда муҳим ўринга эга.

Дунё тилшунослигида француз тили лексикони, онамастикасига алоҳида қизиқиш мавжуд. Ўзбек тилида ҳам худди шундай. Натижада уларни қиёсий жиҳатдан ўрганишга бағишланаётган тадқиқотлар салмоғи ортиб бормоқда. Турли ономастик бирликлар қаторида деопозтонимларнинг тилда лексик-семантик, миллий-маданий, бадиий матнда эса лингвостилистик, поэтонимик, гендерлик, интензивлик хусусиятлари, турли тизимли тиллар доирасида номланишидаги умумий ва дифференциал жиҳатлари, таржима жараёнида аслияту ўғирма ўртасидаги эквивалентлик ҳамда адекватлик параметрларини аниқлаш фойдадан холи эмас.

**Асосий қисм.** Деопозтонимлар поэтик ономастикага хос терминлардан биридир. У поэтик ономастика соҳасига тегишли ҳодиса бўлиб, тил ва адабиёт интеграцияси маҳсули сифатида юзага келади. Шунинг учун деопозтонимларни лингво + поэтика бирлигига асосланган тамойиллар асосида ўрганишга тўғри келади. Чунки деопозтонимлар ҳам бошқа ономастик бирликлар қатори лингвопоэтик жиҳатдан муайян вазифаларни бажаришга хослангандир.

Агар деопозтонимлар лингвопоэтик тамойиллар асосида таҳлил ва тадқиқ қилинса, улар бадиий матнда, биринчидан, бадиий-эстетик таъсирчанликни юзага келтириш; иккинчидан, салбий ёки ижобий маънони юзага чиқариш; учинчидан, аллюзив ном сифатида матнни шакллантириш ҳамда интертекстуалликни таъминлаш [1, 13]; тўртинчидан, сатирик ифодани яратиш; бешинчидан, инсон руҳий ҳолати ёки вазиятини, умуман, ифодаланаётган воқеликни баҳолаш, унга экспрессив, эмоционал ҳамда интензив муносабатни ифодалаш; олтинчидан, ижодкор услубини белгилаш, еттинчидан, асар моҳиятини англаш ва англатиш мақсадида риторик мурожаат билан чиқиш учун қўлланиши аёнлашади.

Деопозтонимлар бадиий матн билан боғлиқ ҳодисалар сифатида, одатда, ижодкор бадиий мақсадига мувофиқ қўлланади ва бунда турли экспрессив, интензив хусусиятларини намоён этади. Шу билан ўзининг муайян бадиий юкка, поэтик қимматга эга эканини кўрсатади. Бундан англашиладики, бадиий матндаги табиий ҳодисаларни ифодалаб келган ҳар қандай сўз ёки ном эмас, балки ижодкор бадиий ниятини ёритишга хизмат қилган табиий ҳодисалар номларигина деопозтоним ҳисобланади.

Шундай қилиб, муайян табиий ҳодиса маъносини англатиб, уни атаб келувчи ҳамда ижодкор бадиий нияти, субъектив муносабатига мувофиқ поэтик вазифага йўналтирилган бундай лексик бирликлар “деопозтонимлар” деб аталади. Улар бошқа ономастик бирликлар сингари бадиий матнда ономастик метафора, аллюзив ном, “сўзловчи” ном каби лингвопоэтик вазифаларда келади. [1, 12]

Деопозтонимлар лексик-семантик ва эстетик-стилистик жиҳатдан алоҳида хусусиятларга эга. Ижодкорлар улар орқали табиат оламига ўз муносабатларини ҳам ифодалайдилар.

Бадиий матнда қўлланувчи деопозтонимларни моҳиятига кўра қуйидаги кўринишларга ажратиш мумкин:

1. Қўл билан тутиб, кўз билан кўриш мумкин бўлган табиий ҳодиса номлари. Масалан, қор, ёмғир, дўл, қиров, шудринг сингари.
2. Кўз кўриб, қўл билан тутиш имкони бўлмаган табиий ҳодисалар номи. Масалан, булут, туман, момақалдироқ, чақмоқ, тўзон, камалак сингари.
3. Кўз ҳам кўрмайди, қўл ҳам тутмайди, фақат ҳис қилиш мумкин бўлган табиий ҳодисалар. Масалан: шамол, шабада, гармсел, зилзила сингари.

Бадиий матнда қўлланиб келадиган бу каби ҳар учала табиий ҳодисаларни “реал деопозтонимлар” деб санаш мумкин. Лекин улар орасида мифодеопозтонимлар, урбандеопозтонимлар ҳам учрайди.

## TILSHUNOSLIK

Мифодеопозетонимларга хос муҳим белгилардан бири шундаки, уларнинг илдизи қадимги мифологик қарашларга бориб тақалади. Шунинг учун афсонавий, сирли мазмун касб этиб, бир асардан иккинчи асарга ўзгаришсиз кўчиб ўтувчи анъанавий номлар ҳисобланади. Масалан, Аямажуз улардан бири бўлиб, қишнинг тугаши ва баҳорнинг бошланиши даврида юз берувчи 6-10 кунлик табиат инжиқликлари билан ажралиб турадиган мавсумий даврдир. Халқимиз орасида уни “айём” деб ҳам атайдилар. Бу давр барча халқлар тақвимида қайд этилган. Жумладан, французларда ҳам февраль ойининг сўнги уч куни билан март ойининг дастлабки уч куни ёки март ойининг охирги уч куни билан апрель ойининг бошланғич уч куни – жами олти кун “бахтсиз ва омадсиз кун” сифатида талқин қилинади ҳамда у “кампир кунлари” деб аталади [2, 43]. Шу мифодеопозетоним орқали мазкур табиий ҳодисага, у орқали яна бу ҳақда кенг омма орасида маълум бўлган афсоналарга ишора қилинади.

Ўзбек фольклорига хос Аямажуз мифодеопозетонимининг бадиий матнга олиб кирилиши аллюзия усули бўлиб, у бадиий ижодда кенг тарқалган ҳодисалардан биридир. Бунда Аямажуз интертекстуал матн унсури вазифасида қўлланиб, аллюзив ном сифатида лингвопозетик қиммат касб этади.

Деопозетонимлар аллюзив ном сифатида қўлланиб, бадиий матнда катта ҳажмли хабар-тушунчани ихчам шаклда ифодалаш имкониятини бера олади. Масалан, бадиий матнда қўлланган Ҳайдар номи шамол, Азроил номи ўлим ҳодисалари билан боғлиқ аллюзив номлардир. Бу номларга ишора қилиш орқали бевосита шамол ва ўлим ҳодисалари юз берганини ифодалаш мумкин. Чунки қадимги туркий халқлар қатори ўзбек халқи орасида ҳам шамол пири сифатида Ҳайдар култига сиғиниб, шамол чақириш (“ё Ҳайдар”) маросими ўтказиб келинган.

Мана шу жараёнда Ҳайдар номи билан боғлиқ эътиқодий инончлар тизими асосида шамолнинг афсонавий ҳомийси – Ҳайдар ёки Мирҳайдар номи тилга олинган. Бундан ташқари, Ўрта Осиёда истиқомат қиладиган туркий халқлар орасида шамолни тўхтатиш учун шамол тангриси Чуй момога, Ялли бобо номига ҳам сиғиниб келинган. Ёмғир чақириш учун эса сув тангриси Тиштриядан мадад сўралган [3]. Шунингдек, баъзан бадиий матнларда учрайдиган Эльма номи ҳам мифодеопозетоним бўлиб, муқаддас Эльма оловига ишора қилади. У табиатнинг ноёб, энг кам кузатиладиган ҳодисаларидан бири бўлиб, одатда, момақалдиروқдан олдин кўриниш беради. Бу мифодеопозетонимни денгизчилар ўз ҳимоячиси, сифатида талқин қиладилар [7].

Урбандеопозетонимлар бадиий асарларда ички шаҳар объекти, маданий қиммат касб этадиган, масалан, истироҳат-боғи комплекси кабилардан иборат бўлади. Масалан, бунга Қоҳирада барпо этилган ва XIX аср охири ва XX аср бошларигача сайёҳлар ўртасида машҳур бўлган “Эзбек” истироҳат боғи мажмуасини мисол қилиш мумкин. Бир вақтлар Напалеон ҳам уни ўзига қароргоҳ қилиб олган. Боғ ўртасида манзарали кўл бўлган. Ундан кўп узоқ бўлмаган масофада опера театри биноси ҳамда “Континентал” меҳмонхонаси жой олган. Эзбек шу истироҳат боғидаги ҳайкал бўлиб, боғ шу ҳайкал номи билан аталган. Бироқ ҳозир ундан фақат кичик парк сақланиб қолган, холос [7].

Бадиий нутқда лирик қаҳрамоннинг ҳиссиёт ва ички кечинмаларини, руҳий ҳолатини табиат ҳодисаларига боғлаб, уларга ўхшатиб ёки қиёслаб, баъзан қаршилантириб бериш тажрибаси қадимдан ҳозиргача давом этиб келаётган поэтик анъаналардандир. Маълумки, инсонлар ўзи ва табиат ўртасида руҳий яқинлик борлигини қадимдан ҳис этганлар, аммо жонли (органик) ва жонсиз (неорганик) табиатда юз берувчи табиий ҳодиса ва жараёнларнинг содир бўлиш сабабларини ҳали тушунмаганлар. Кўпроқ уларни ўзларидек жонли мавжудот сифатида тасаввур қилганлар. Лекин кейинчалик инсон онги тараққий этиши натижасида одамларнинг табиат ҳодисалари ва уларнинг юз бериши ҳақидаги тасаввур-тушунчалари ҳам кенгайди. Бунинг оқибатида халқ бадиий тафаккурида ҳам уларни тасвирлаш ва талқин этиш борасида муайян ўзгаришлар пайдо бўлди.

## TILSHUNOSLIK

Шеърятда лирик қаҳрамоннинг ҳис-туйғулари, руҳий ҳолати табиат ҳодисалари билан боғлаб берилиши тасодифий ҳолат эмас. Чунки табиат ҳодисалари инсон ҳаётига, кайфиятига, ризқ-рўзига маълум маънода таъсир кўрсатиши ўз исботини намоён этган.

Реалликка эга табиий ҳодисаларнинг номлари орқали ижодкор бадиий матнда уларнинг апеллятив маъносига ишора қилиш орқали ўзига хос образли ифодаларни яратади. Масалан, қорга хос совуқлик, оқлик маънолари орқали лирик қаҳрамоннинг характер-хусусиятига, ёшига ишора қилса, шамолга хос тезлик маъноси асосида инсон хатти-ҳаракати баҳоланади.

Табиий ҳодисаларнинг тилда мавжуд бўлган номлари бадиий матнларда кўпинча кўчма маънода келиб, экспрессивликни юзага келтиради. Бундай деопозитонимлар, хусусан, шеърятда муҳим экспрессив вазифаларни бажариб келади. Масалан, таниқли ўзбек шоири Миртемирнинг “Шудринг” сарлавҳали шеърида лирик қаҳрамон бошидан кечирган ички ҳолатлар тасвири учун шудринг ҳодисаси муҳим лингвопоэтик восита бўлиб келган. Шоир шудрингни “гўзал япроқларда, кўкатларнинг баргида, чечакларнинг бағрида, шўх сой қирғоқларида, ниҳоллар куртагида сал эпкинда симобдай қалтираб ялтираган лак-лак инжуга; келинлар тақинчоғи – кўзмунчокқа; бўй-бўй дилрабо қизларнинг узуги кўзларига, кечаси билан тагин йиғлаб чиққан онаси кўз ёшларига ўхшатган. Айниқса, шоирнинг шудрингни она кўз ёшларига менгзаши жуда таъсирли чиққан.

Шоир она ҳолатини, характер-хусусиятини ёритиб бериш учун асосий юкни табиат ҳодисаси номи – шудринг деопозитонимига юклаган. Бу ўринда шудринг ва кўз ёш ҳодисалари кўриниши ўртасидаги ўхшашлик уларни маъновий жиҳатдан ҳам яқинлаштириб, бири учун иккинчисини тасвир объекти сифатида танлашга замин яратган.

Шеърятда кўпинча инсонга хос хусусиятлар табиат ҳодисаларига кўчирилади. Масалан, шамолга нисбатан “ўйнамоқ”, “сўйламоқ”, “чермоқ”, “тиқирлатмоқ”, “уйғотмоқ”, “шивирламоқ”, “айтмоқ”, “қайтмоқ”, “эркаламоқ”, “ўпмоқ” сингари иш-ҳаракат номлари қўлланиши кузатилади. Масалан:

Япроқларда шамол ўйнар.  
Сув мавжида ўйнар шамол.  
Сарин шамол нима сўйлар?  
Юрагида қандай хаёл?  
Деразамни чертади у  
Тиқирлатар эшигимни.  
Ором билмас, билмас уйқу,  
Уйғотади келиб мени.  
Сочларимга қўнар шамол.  
Шамол қўнар кўзларимга  
Қўшиқ, эртак айтиб хушҳол  
Сўнгра қайтар изларига.

Инсон – табиатнинг бир қисми, шунинг учун табиий ҳодисалар ва одамзод ўртасида руҳий яқинлик, алоқадорлик мавжудлигини инкор қилиб бўлмайди. Шу сабабдан ижодкорлар инсоний кайфиятларни кўп ҳолларда табиий ҳодисалар билан тенглаштириб тасвирлаб, бадиий таъсирчанликка эришадилар.

Француз адабиётини кузатиш шундан далолат берадики, фаранг ижодкорлари ҳам деопозитонимлардан лингвопоэтик восита сифатида маҳорат билан унумли фойдаланганлар. Масалан, шамол худди ўзбек тили бадиий матнларида кўрсатилгандек француз тилидаги бадиий матнларда ҳам фаол қўлланивчи деопозитонимлардан биридир. Масалан:

Ah! Ce grand vent, l'entends-tu pas?  
L'entends-tu pas à la fenêtre?  
Par la moindre fente il pénètre  
Et s'enfle et crache comme un chat.  
Ah! Ce grand vent, l'entends-tu pas?  
– J'entends les cris des laboureurs.  
Таржимаси:

Қани! Бу улкан шамол, эшита олмайсизми?

Ойнада эшитмаяпсизми?

Кичиккина тирқиш орқали у кириб боради

Ва мушук каби пишқиради ва тупуради.

Қани! Бу улкан шамол, эшита олмайсизми?

– Мен шуларнинг кичкириқларини эшитаман,

Пьер Менантонинг бу мисраларида шамолнинг ташхис (жонлантириш) ва ташбех (ўхшатиш) санъатлари асосида бадиий ифода этилганига гувоҳ бўлиш мумкин.

**Хулоса.** Француз ва ўзбек тилларидаги деопозитонимлар лексик-семантик моҳияти, миллий-лисоний, номинацион-мотивацион, услубий хусусиятлари ҳар иккала миллатнинг яшаш табиий-иклим шароити, тили, маданияти, миллий менталитети, дунёқараши, руҳияти, эътиқодий тушунчалари, ўзига хос урф-одат ва маросимлари, поэтик тафаккур тарзи билан узвий боғлиқликдир. Улар ўзига хос миллий белгилар орқали лингвомаданий ҳамда лингвопоэтик аспектда бадиий аънаналар қонуниятлари доирасида образлантирилиши кузатилади.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Анданиязова Д.Р. Бадиий матнда ономастик бирликлар лингвопоэтикаси: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). – Т., 2017. – 48 б.
2. Булатова А.Г., Булатов А.О. Некоторые религиозные верования и мифологические представления дагестанцев, связанные с календарем. // Проблемы мифологии и верований народов Дагестана. – Махачкала, 1988. – С. 43.
3. Жўраев М., Ўраева Д. Ўзбек мифологияси. Дарслик. – Т.: Наврўз, 2019. – 510 б.
4. Калинин В.М. Теоретические основы поэтической ономастики: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – Киев, 2000.
5. Мирзаев И.К. Проблемы лингвопоэтической интерпретации стихотворного текста: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – Ташкент, 1992.
6. Нурмонов А. Тилшуносликнинг адабиёт билан муносабати // Танланган асарлар. 3 жилдли. – Тошкент: Академнашр, 2012. – 3-жилд. – Б. 163.
7. [www.http](http://www.http) Краткий словарь терминов и понятий литературной ономастики (поэтонимологии).

УДК: 81.344

### ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДА УНДОВНИ ИФОДАЛОВЧИ ТОВУШЛАРНИНГ ФОНОПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

#### ФОНОПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ СОГЛАСНЫХ ЗВУКОВ В УЗБЕКСКОМ И АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКАХ

#### PHONOPSYCHOLOGICAL PROPERTIES OF EXCLAMATION SOUNDS IN UZBEK AND ENGLISH LANGUAGES

**Кахарова Ирода Сидиковна**  
ТАҚИ кат. ўқит. фил.ф.ф.д. (PhD),  
**Қаҳҳорова Гулрух Шавкатовна**  
БухДУ таянч докторанти

**Аннотация.** Ҳис-ҳаяжон гапларда инсонга хос лисоний, мантиқий, руҳий фаолиятлар бир-бирига боғланиб, ягона нутқий тафаккур жараёнини ўзига хос шаклда намоён этадики, бундан тилнинг нафақат онгни ҳаракатлантирувчи, балки руҳиятга ҳам таъсир кўрсатувчи воситалардан бири эканлиги яна бир бор аёнлашади. Шу маънода, тилшуносликда ҳис-ҳаяжон гаплар алоҳида, ўзига хос лисоний, нутқий тузилмалардан бири сифатида қабул қилинади.

Ҳис-ҳаяжон гаплар лисоний, интонацион ҳамда грамматик воситалар орқали ҳис-ҳаяжон аффеқтларни узатиш, етказишга қаратилган лисоний ва нутқий тузилма, махсус синтактик қурилмалардан бири сифатида идрок этиш, билиш, тушуниш, таҳлил қилиш

каби фаолиятларга оид тушунча ва категориялар билан кенгайиб боради. Уларда инсоннинг тафаккур фаолияти, ҳис қилиш ёки ҳис-туйғуларини ифода этиш фаолияти намоён бўлади.

**Таянч сўзлар:** фонема, нефонематик товуш, фонопсихология, эмоция, ундов сўз, интензив, экспрессив, ҳис-ҳаяжон гап, эмоционал ундов, ҳис-ҳаяжон ундовлари.

**Аннотация.** В эмоциональной речи специфичные для человека лингвистические, логические и духовные действия взаимосвязаны, что уникальным образом отражает уникальный процесс словесного мышления, что еще раз демонстрирует, что язык является одним из средств движения не только ума, но и психики. В этом смысле в лингвистике эмоциональная речь воспринимается как одна из отчетливых языковых структур речи.

Эмоциональная речь расширяется за счет понятий и категорий, связанных с такими видами деятельности, как восприятие, познание, понимание, анализ как лингвистическая и речевая структура, одно из специальных синтаксических устройств, направленных на передачу эмоционального воздействия посредством лингвистических, интонационных и грамматических средств. Они проявляют активность мышления, чувств или выражения чувств человека.

**Ключевые слова:** фонема, нефонематический звук, фонопсихология, эмоция, восклицание, интензивная, выразительная, эмоциональная речь, эмоциональное побуждение, эмоциональное побуждение.

**Abstract.** In emotional speech, inherent to human- linguistic, logical, and spiritual activities are interconnected, reflecting a unique process of verbal thinking in a unique way, which once again demonstrates that language is one of the means of moving not only the mind but also the psyche. In this sense, in linguistics, emotional speech is perceived as one of the distinct linguistic structures of speech. Emotional speech expands due to concepts and categories associated with activities such as perception, cognition, understanding, analysis as a linguistic and speech structure, one of the special syntactic devices aimed at transmitting and transmitting emotional effects through linguistic, intonational and grammatical means. They are active in thinking, feeling, or expressing human feelings.

**Key words:** phoneme, nonphonematic sound, phonopsychology, emotion, exclamation, intensive, expressive, emotional sentence, emotional exclamation

**Кириш.** Жаҳон халқларининг тил – тафаккур – ҳиссиёт кетма-кетлиги асосида эмоционал лексикаси шаклланган. Улар воситасида объектив ҳақиқатни тушуниш, идрок этиш ва тушунтиришга қаратилган ҳис-ҳаяжон гаплар пайдо бўлади. Бундай гаплар эмоционаллик билан бирга баҳолаш, образлилик, экспрессивлик ва интензивликка ҳам хизмат қилади. Тил тизимининг инсон ҳис-туйғуларини ифодалаш ва унга таъсир қилиш элементларини камраб олувчи ҳис-ҳаяжон гаплар ижтимоий-психологик таъсирланиш манбаи сифатида жаҳон тилшунослигида алоҳида аҳамият касб этади.

Уларни турли тизимли тиллар доирасида когнитив-прагматик жиҳатдан чоғиштириб ўрганиш асосида тилнинг инсон маданий ҳаёти ва турмуш тарзи, психологияси билан узвий боғлиқ ҳолда шаклланиб, ривожланиб борганлигини англаш мумкин. Шунинг учун дунё тилшунослигида турли руҳий ҳолатлар, ҳис-кечинма ва сезгиларни тилда акс эттириш билан боғлиқ восита ва усулларни аниқлашга катта эътибор қаратилмоқда.

**Натижа ва мулоҳазалар.** Ҳис-ҳаяжон гапларни фалсафий тилшунослик ва психология хатто, биология ва физиология фанлари кесимида тадқиқ этиш уларни когнитив ўрганишга олиб келади. Ш.Сафаровнинг фикрича, “Когнитив тилшунослик мажмуавий (комплекс) тадқиқот йўналишидир...” [Сафаров 2016; 14]. Шунингдек, С.Д. Кацнельсоннинг фикрича, “Тил нафақат мулоқот куроли, балки фикр ва ғояни шакллантирувчи ҳамда уни ифодаловчи куролдир” [Кацнельсон 1972, 110]. Дарҳақиқат, ҳис-ҳаяжон гапларда тафаккур ва ҳиссиёт узвийлашувининг тилдаги инъикоси кузатилади. Г.Паул гап сўзловчининг руҳиятида рўй берган ҳолатни ифодалашини эътироф этган [ Пауль 1960; 140-143]. Инсон нутқи нафақат тил, қолаверса, руҳий омиллар асосида ҳам қўлланилади.



## TILSHUNOSLIK

Ҳис-ҳаяжон гаплар баён этилаётган фикрга хурсандлик, шодланиш, завқланиш, ҳузурланиш, тантана, қониқиш, лаззатланиш, ишонч, қойил қолиш, эркалаш, тараддуд, ҳайрат, ҳаяжон, таажжуб, ваҳима, кўркув, оғрик, афсусланиш, ғазаб, нафрат, ишонмаслик, шубҳа, кесатиш, қочирим, таъна, мазах, менсимаслик, нописандлик, баланд келиш, кўркитиш, ёқтирмаслик, кескин ва қатъий огоҳлантириш, ачитиб гапириш сингари ижобий ёхуд салбий ҳис-туйғулар, руҳий кечинмаларга мос пайдо бўлган эмоционал муносабатни кучли оҳангда ифода этиши билан дарак, сўроқ, буйруқ мақсадли эмоционал бўлмаган гаплардан фарқланади.

Эмоционал сўзлар гарчи лексик (аташ) маъносини ифода этмаса-да, онгда идрок этилади ва тушунча ҳосил қилади. Лисоний моддийлашгани туфайли хотирадан ўрин эгаллаган. Фикримизча, бунга уларнинг онг ва тил тизимида дахлдорлиги замин яратган. Тўғри, эмоционал сўз улар тасаввурда образ ҳосил қилмайди, лекин уларнинг онгда идрок этилиши орқали жамланган билимлар турлича характер касб этади. Бундан уларнинг турли маънавий гуруҳлари пайдо бўлади. Уларни гуруҳлантириш учун эса бу каби лисоний бирликларнинг маъно ифодалаш услубларига таянилади.

Бир сўз билан айтганда, эмоционал сўзлар онг ва тил тизими ўртасидаги ҳамкорликнинг маҳсулидир. Айтайлик, тана лаззатни ҳис қилса, кўпинча онг ва тилда бу ҳолат “оҳ” ундови орқали ифода этилади (*Оҳ, бунча маза!*). Лекин баъзан айнан шу ундов сўз танада бирдан ҳосил бўлган оғриқни ифодалашда ҳам қўлланади (*Оҳ, қўлим!*). Демак, ҳис-ҳаяжон гаплар инсоннинг билиш қобилияти унинг лисоний қобилияти билан бирга ҳиссий кечинмаларига ҳамоҳанглигини кўрсатади.

И.Р. Павлов таъкидлаганидек, сўзлар олий нерв фаолиятининг шаклларида бири бўлса, эмоциялар унинг намоён бўлишидир [Павлов 1951; 506]. Шунинг учун инсон ҳиссиётининг сўздаги ифодаси психофизиологик ва ижтимоий асосга эга, чунки ҳис-ҳаяжонлар реал дунё компонентларини унинг тилдаги ифодаси сингари сўз орқали инсоннинг типик психологик ҳолатлари билан боғлиқликда акс эттиради.

Ҳис-ҳаяжон ундовларининг эмоционал маъноси объектив дунёдан олинган таассуротнинг киши онгида умумлаштирилишидан ҳосил бўлади. Ҳис-ҳаяжон ундовлари кўпинча сўзловчининг маълум шароитда ўз фикрини умумий мазмунда англатиш эҳтиёжи туфайли қўлланилади.

Маълумки, эмоционал маънони ифодалаш, одатда, оҳанг (интонация) ва унлиларнинг узун-қисқалиги, талаффузнинг суръати билан ҳам боғлиқ бўлади. Ўзбек тилида ҳис-ҳаяжон ундовлари, асосан, қуйидагидир: *и, э, а, о, ў, иҳ, их, эҳ, эҳ, оҳ, оҳ, уҳ, ҳм (ҳим, им), бе, хо, ҳе, ҳа, уф, фу, туф, дод, вой, хаҳ, оббо, ура, ўҳў, ўҳў, оҳо (оҳҳо), аҳа, эҳа, эҳе (эҳҳе), ие* ва бошқалар. Кўринадики, ҳис-ҳаяжон ундовларининг бир қисмини товуш кўринишидаги ҳис-ҳаяжон ундовлари: *и, э, а, о, ў, ё* фонемалари ташкил этади.

Товуш кўринишидаги ҳис-ҳаяжон ундовларнинг бир тизимга мансуб бўлмаган икки тил, яъни инглиз ва ўзбек тилида қўлланишини бадиий матнларнинг таржимаси мисолида кузатганимизда, *ў* товушидан иборат ҳис-ҳаяжон ундови инглиз тилида учрамаслиги ўз-ўзидан аён бўлди. Лекин инглиз тилидан ўзбек тилига амалга оширилган таржима матнларида унинг учраши кузатилди. Бунда у кўпроқ *оҳ* ундовининг ўрнида қўлланилгани кўзга ташланади: *Oh! (S.M. Rain, 19) – Ў-ҳў! (A.O. Ёмғир, 14)*.

Ўзбек тилида *ў* ундови ҳайрат, нописандлик, менсимаслик, инкор этиш сингари маъно оттенкаларини ифодалашга хизмат қилади. Агар у юқоридаги мисолдагидек *ў-ҳў* кўринишида қўлланса, кучли ҳайратни билдиради: *Watteu! he cried (S.M. The Fortunate Painter, 230) – Ўҳ-ҳў-ў, бу Ватоннинг иши-ку! – дея хурсандчилигини ошкор этди у. (M.O. Омади чопган мусаввир, 22)*.

Бирон киши томонидан илгари сурилаётган фикр ёки хулосани кескин инкор қилишда кўпинча у *ў-ў* кўринишида такрор ишлатилади: *Ў-ў, бунга ишиа бутилка сабаб бўлган (A.O. Чандиқли киши, 76) – Oh, that was due to a bottle that burst when I was opening it (S.M. The Man with the Scar, 76)*.

## TILSHUNOSLIK

А товушидан иборат ҳис-ҳаяжон ундови инглиз ва ўзбек тилларида, асосан, эътироз билдириш, тахмин қилиш маъноларида қўлланади. Жумладан, *А-а, назаримда, бугунги кун сизга бир оз нохушироқ бошланганга ўхшайди, – деди чол, оталарча жилмайиб (М.О. Омади чопган мусаввир, 19)* мисолида унинг тахмин, чама маъносида ишлатилгани сезилади.

Шуниси борки, таржима жараёнида аслиятда бўлмаса-да, таржимада ундов сўзлардан фойдаланилади. Ёхуд, аксинча, аслиятда мавжуд ундов сўз таржима матнидан тушириб қолдирилади. Бу ҳолат уларга хос ҳиссий ва модал муносабат ифода этиш хусусияти билан боғлиқдир. Айтайлик, *You ought to have been up before dawn like me. Lazy beggar (S.M. Mackintosh, 107)* гапида **а** ундови мавжуд бўлмаса-да, шу гапнинг таржимасида ундан фойдаланилган: *Менга ўхшаб тонг отмасдан, эрта саҳарда ўрнингиздан турсангиз бўлмайдимми, а, ишқмас танбал! (М.О. Макинтош, 146)*. Шу асосда инглиз тилидаги дарак гап ўзбек тилига ҳис-ҳаяжон гап кўринишида ўгирилган.

**О** ундош товушидан иборат ундов сўз ўзбек ва инглиз тилларида тасдиқ (O, yes, yes); хайрат ва завқ *O! Мэйбл хонимни айтасизми? У жудаям аломат аёл (М.О. Мэйбл хоним, 87)–She had been a pretty little thing. (S.M. The Tairan, 570); O, мсье, сиз бағоят саховатпеша ва меҳрибонсиз! – ҳайқириб юборди Чарли (М.О. Омади чопган мусаввир, 22) – That would be awfully good of you cried Charlie (S.M. The Fortunate Painter, 230); қониқиш ва мамнунлик O, мсье Леур. Марҳамат, ичкарига киринг (М.О. Омади чопган мусаввир, 15) – Come in cried Charlie, looking round (S.M. The Fortunate Painter, 228); огоҳлантириш O, азизим, биласизми, сиз каби бугунги авлод ёшлари ниҳоятда бесабр (М.О. Омади чопган мусаввир, 15) – My dear fellow you young men are so impatient (S.M. The Fortunate Painter, 228); норозиликни O-о... жин урсин... тагин нималар қилиб юрибсиз, мсье? (М.О. Омади чопган мусаввир, 31)–What the dickens are you doing? (S.M. The Fortunate Painter, 234) ифодалаб келади.*

Юкорида таъкидлаганимиздек, таржима жараёнида аслиятда бўлмаган ундовларни қўшиб таржима қилиш ушбу ундов товуши мисолида ҳам кузатилади. Жумладан: *She had been a pretty little thing (S.M. The Tairan, 570)* гапининг ўзбекча *O, нақадар ажойиб, офатижон қиз эди у (М.О. Тайпан, 75)* таржимасини кузатар эканмиз, унга мутаржим томонидан қўшилган **о** ундови эътиборни тортади. Бу билан таржимон ушбу гапнинг таъсирчанлигини кучайтиришга тиришгани англашилади. Баъзан бундай ҳолатларда таржимонларнинг товуш ундовларини такрор келтириш орқали интензивликка эришгани кузатилади: *You're quite a stranger, Mr Mackintosh (S.M. Mackintosh, 120)*.

Кўринадики, асл матнда **о** ундови йўқ, лекин унинг таржимасида мавжуд. Қолаверса, такрор ҳам қўлланган: *O-о, жаноб Макинтош, биз тарафларда умуман кўринмай кетдингиз (М.О. Макинтош, 196)*. Шу орқали таржима матни таъсирчанлигининг орттирилишига эришилган. **Оҳ** бўғин кўринишидаги ҳис-ҳаяжон ундови инглиз ва ўзбек тилларида шаклан ва мазмунан мослик ҳосил қилиши алоҳида эътиборни тортади. Ҳатто бу мослик таржима матнларида *Oh, with her heart it was out of the question (S.M. Louise, 257) – Оҳ, бу юрагим билан эрга тегиш ҳақида ўйлашга ҳам ботинолмайман (А.О. Луиза, 94)* яққол кўзга ташланади.

Ҳар иккала тилда ҳам **о** унлисига **ҳ** юмшоқ бўғиз товушининг бирикишидан ҳосил бўлган **оҳ** ундови инсоннинг ич-ичидан отилиб чиққан, бўғизгача келган оҳ-ноласи, дарди, надомати, алам-ҳасрати, қалб қийноқлари, ҳадик ва кўрқувини ифодалашга хизмат қилади. Қуйидаги мисол худди шу жиҳатдан фикримизга ёрқин далил бўла олади: *Oh, monstrous, 'she cried. Monstrous! Monstrous! (S.M. The Creative Impulse, 354) – Оҳ, бу қандай хиёнат!? Қандай даҳшат! – деб қичқириб юборди (А.О. Ижодий парвоз, 125)*.

Шунингдек, **оҳ** ундови кишиларнинг пушаймонлик *Oh, you poor things, have you had no tea? she cried brightly (S.M. The Creative Impulse, 363) – Оҳ, бечорагиналар, мен сизларни шунча вақт куттириб қўйдимми? (А.О. Ижодий парвоз, 130)*, илинж-истак *Оҳ... Шунча таҳқирлардан сўнг озодлик нима эканлигини билсангиз эди! Озодлик! (М.О. Ажал таъқиб, 54)*, ачиниш *Old Charlie dead-that's too bad. Old Charlie dead. (S.M. German Harry, 65) – Оҳ, нақадар даҳшат! Қария Чарли ўлибдими, ўлибди-я... Чарли ўлибди... ?! (М.О. Одамови Гарри, 65)*, ғазаб-нафрат, имконсизлик *He would like to kill him (S.M. Mackintosh, 118) – Оҳ, қани энди*

## TILSHUNOSLIK

имкон топсам-у, бу ярамас чолни ўз қўлларим билан бўғиб ўлдирсам... Қандай завқ билан ўлдирган бўлардим-а, уни... (М.О. Макинтош, 191) сингари туйғуларини ифодалашда қўлланиб келади.

Э товушидан иборат ҳис-ҳаяжон ундови инглиз ва ўзбек тилларида эътироз қатори маъқуллаш, ҳайрат, завқланиш, нописандлик, инкор қилиш, иккиланиш сингари маъно оттенкаларини ифодалаб келадик, шунинг учун таржима жараёнида гарчи аслият матнида бўлмаса-да, таржимада уларга ўрин бериш хатолик сифатида қабул қилинмайди. Масалан, *That's what I'm always telling her. I can't get her to enjoy herself* (S.M. Louise, 259) – Э, буни унга доим айтаман. Дўстларинг билан ўйнаб кулиб юр деб, ҳеч кўндиролмадим (А.О. Луиза, 96); *Well, you know what she is. She sits there and smiles to herself* (S.M. Home, 106) – Э, унинг қанақалигини биласиз-ку. Ўрнида ўтирганича ўзича жилмаяди (А.О. Хонадон, 120).

Кўринадики, мисол қилиб олинган инглизча иккала гап таркибида ҳам э ундови мавжуд эмас, лекин уларнинг ўзбекча таржимасида бу ундов воқеланган. Бунга, албатта, келтирилган гапларнинг э ҳис-ҳаяжон ундови мазмунига мослиги, яъни биринчи гапнинг эътироз ва инкор, иккинчи ва учинчи гапларнинг эса норозилик маъноларини англатаётгани асос бўлган.

Э ундови кучли ҳайратни ҳам ифодалайди: Э, ҳа, ҳали бу кўчирма нусха денг? – деярли қичқириб юборди чол (М.О. Омади чопган мусаввир, 24) – *A copy? Cried Mobsieur Leir* (S.M. The Fortunate Painter, 231). Агар у такрор қўлланса, кучли ҳайрат баробарида кучли қониқиш ҳиссини ҳам ифодалай олади: Э-э... Офарин. Қойил сизга-эй... (М.О. Омади чопган мусаввир, 30).

Ўзбек тилига мансуб эҳ ҳис-ҳаяжон ундови инглизча матнлар ўзбекчага ўгирилаётганда инглиз тилидаги **oh** ҳамда **you** ундовларига муқобил вариант сифатида танлангани аёнлашди. Масалан: *Oh, if you wait for that, you'll wait a long time* (S.M. Rain, 17) – Эҳ-ҳе, қуёшни ҳали узоқ кутасиз (А.О. Ёмғир, 12).

Эҳ-ҳе кўринишида келган ҳис-ҳаяжон ундовида интенсивлик, маънони кучайтириш ҳолати намоён бўлади: *I read a great deal* (S.M. The wash-tube, 809) – Эҳ-ҳе, қанчадан-қанча китобни ўқиб чиқдим (А.О. Куртоғора, 112).

Эй бўғин кўринишидаги ҳис-ҳаяжон ундови ўзбек тили матнларида инкор қилиш, эътироз билдириш, аламзадалик, пушаймонлик тушунчаларини ифодалаш учун қўлланади: *Эй, бундай рассом бўлгандан кўра, кўча супурадиган фаррош бўлганим минг карра авлороқ эди-я!* – хитоб қилди у аламзадалик билан (М.О. Омади чопган мусаввир, 16) – *I wish I'd been a crossing-sweeper rather than a painter* (S.M. The Fortunate Painter, 228).

Эй, эллик йиллик дарбадарлигимдан сўнг менга Франция ёки Корсикада бало бормиди?! (М.О. Ажал таъқиби, 56) – *What are France and Corsica to me after fifty years?* (S.M. French Joe, 707) гапида **эй** ундови орқали пушаймонлик ҳолати ифода этилмоқда.

Эй ундовининг Э-э-эй шаклидаги интенсив кўриниши ҳам учрайди ва ўзида қойил қолиш, кучли ҳайратланиш маъноларини ифодалайди: Э-э-эй, жасоратингизга қойилман-эй! – деди у кулгисидан нафаси тўқилгудай бўлиб (М.О. Омади чопган мусаввир, 30) – *I like your damed impudence, trying to pass that off as a copy* (S.M. The Fortunate Painter, 233).

Шуниси ҳам борки, инглизча матнларнинг ўзбекча таржималарида **Oh** ундовининг **Эй** ундовига алмаштирилгани кузатилади: *Oh, my God, he cried, 'if I were only safely back in England* (S.M. The Tairan, 572) – Эй, Худойим! – ҳайқирди у. – Ишқилиб, эсон-омон Англияга қайтиб бора олсам бас! (М.О. Тайпан, 83).

Ўзбек тилида -у юкламасининг фикрни кучайтирув-таъкидлаш учун юклама вазифасида, сўз ва гапларни ўзаро боғлаш учун боғловчи сифатида қўлланиши маълум, лекин тубандаги инглизча гапнинг ўзбекча таржимасида унинг сўроқ-таажжуб ҳамда кучайтирув-таъкид маъносида қўлланилгани эътиборни тортади: *Oh, well, you've been prepared for that for nearly twenty years now, haven't you?* (S.M. Louise, 258) – Йўз-э, бунга йигирма йилдан бери тайёрланасиз-у? (А.О. Луиза, 95).

## TILSHUNOSLIK

Ё товушидан иборат ҳис-ҳаяжон ундови ўзбек тилида ҳам (“Ё, Оллоҳ, ўзинг қўлла!” “Ё, кудратингдан!”), инглиз тилида (You men!) ҳам учрайди ва ҳар иккала тилда ҳам кучли ҳайратни ифодалайди.

Кузатилган матнлар мисолида айтиш мумкинки, товуш кўринишидаги ундовлар ўзбекча матнларга нисбатан инглизча матнларда жуда кам кузатилди.

Инглиз тилидаги **oh** бўғин кўринишидаги ҳис-ҳаяжон ундови ўзбек тилига ўтирилган матнлар таркибида э товуш кўринишидаги ҳис-ҳаяжон ундови билан берилиши кузатилади: *Oh, it was nothing. I guess my back's broad enough to bear a few hard words (S.M. Rain, 33) – Э, ҳечқиси йўқ. Мен бунақа ҳақоратларга парво ҳам қилмайман (А.О. Ёмғир, 39).*

Шунингдек, инглиз тилидаги **oh** бўғин кўринишидаги ҳис-ҳаяжон ундовини ўзбекча таржима матнларида **o** товуш кўринишидаги ҳис-ҳаяжон ундови билан берилгани ҳам кўзга ташланади: *Oh, no, I'm not hungry; you see, I don't eat luncheon (S.M. The Luncheon, 98) – O, йўқ, мен оч эмасман. Кўриб турибсиз, мен нонуштага ҳеч нарса емайман (А.О. Нонушта, 85).*

Айтиш керакки, ундов сўзларнинг қайси маънода келаётганини англашда уларнинг ёнида қўлланаётган сўзларга эътибор қаратиш ўзига хос аҳамият касб этади. Масалан, юқоридаги гапда **oh**, **o** ундовларининг ёнида келаётган **йўқ** инкорни билдирувчи модал сўзи орқали бу ундовларнинг ҳам инкорни билдириб келаётгани англашилади.

Кузатилган матнлар мисолида айтиш мумкинки, товуш кўринишидаги ундовлар ўзбекча матнларга нисбатан инглизча матнларда жуда кам кузатилди. Бўғин кўринишидаги ҳис-ҳаяжон ундовларидан **oh** (**oh**) ва **ah** (**ah**) ундовлари инглизча матнларда кўп учрайди.

**Ox** бўғин кўринишидаги ҳис-ҳаяжон ундови инглиз ва ўзбек тилларида шаклан ва мазмунан мослик ҳосил қилиши алоҳида эътиборни тортади. Ҳатто бу мослик таржима матнларида *Oh, with her heart it was out of the question (S.M. Louise, 257) – Oх, бу юрагим билан эрга тегиш ҳақида ўйлашга ҳам ботинолмайман (А.О. Луиза, 94)* яққол кўзга ташланади.

Ҳар иккала тилда ҳам **o** унлисига **x** юмшоқ бўғиз товушининг бирикишидан ҳосил бўлган **oh** ундови инсоннинг ич-ичидан отилиб чиққан, бўғизгача келган оҳ-ноласи, дарди, надомати, алам-ҳасрати, қалб кийноқлари, ҳадик ва қўркувини ёритиб беришга хизмат қилади. Куйидаги мисол худди шу жиҳатдан фикримизга ёрқин далил бўла олади: *Oh, monstrous, she cried. Monstrous! Monstrous! (S.M. The Creative Impulse, 354) – Oх, бу қандай хиёнат!? Қандай даҳшат! – деб қичқариб юборди (А.О. Ижодий парвоз, 125).*

Шунингдек, **oh** ундови кишиларнинг пушаймонлик *Oh, you poor things, have you had no tea? she cried brightly (S.M. The Creative Impulse, 363) – Oх, бечорагиналар, мен сизларни шунча вақт куттириб қўйдимми? (А.О. Ижодий парвоз, 130),* илинж-истак *Oх... Шунча таҳқирлардан сўнг озодлик нима эканлигини билсангиз эди! Озодлик! (М.О. Ажал таъқиби, 54),* ачиниш *Old Charlie dead-that's too bad. Old Charlie dead. (S.M. German Harry, 65) – Oх, нақадар даҳшат! Қария Чарли ўлибдими, ўлибди-я... Чарли ўлибди... ?! (М.О. Одамови Гарри, 65),* ғазаб-нафрат, имконсизлик *He would like to kill him (S.M. Mackintosh, 118) – Oх, қани энди имкон топсам-у, бу ярамас чолни ўз қўлларим билан бўғиб ўлдирсам... Қандай завқ билан ўлдирган бўлардим-а, уни... (М.О. Макинтош, 191)* сингари туйғуларини ифодалашда қўлланиб келади.

Инглиз тилидаги **oh** бўғин кўринишидаги ҳис-ҳаяжон ундови ўзбек тилига ўтирилган матнлар таркибида э товуш кўринишидаги ҳис-ҳаяжон ундови билан берилиши кузатилади: *Oh, it was nothing. I guess my back's broad enough to bear a few hard words (S.M. Rain, 33) – Э, ҳечқиси йўқ. Мен бунақа ҳақоратларга парво ҳам қилмайман (А.О. Ёмғир, 39).*

Шунингдек, инглиз тилидаги **oh** бўғин кўринишидаги ҳис-ҳаяжон ундовини ўзбекча таржима матнларида **o** товуш кўринишидаги ҳис-ҳаяжон ундови билан берилгани ҳам кўзга ташланади: *Oh, no, I'm not hungry; you see, I don't eat luncheon (S.M. The Luncheon, 98) – O, йўқ, мен оч эмасман. Кўриб турибсиз, мен нонуштага ҳеч нарса емайман (А.О. Нонушта, 85).*

Инглиз тилидаги **oh** ҳис-ҳаяжон ундови ўзбекчага **хой** хитоб ундови орқали ҳам



## TILSHUNOSLIK

таржима қилинган: *Oh, there, Tangatu, your son left his knife in a tree last night (S.M. Mackintosh, 116) – Ҳой, Тангату! Кеча ўғлинг бизнинг қишлоқда ханжарини унутиб қолдирибди (М.О. Макинтош, 181).*

Шунингдек, инглизча матнларнинг ўзбекча таржималарида **Oh** ҳамда **Ah** ундовларининг **Ие** ҳис-ҳаяжон ундови билан алмаштирилганига гувоҳ бўлиш мумкин: *Oh, there's Wilson back again (S.M. The Lotus Eater, 799) – Ие, ие... Анавинга қара, яна Уилсонни кўряпман! – деб қолди (М.О. Нилуфар гулининг томи, 113).* *Ah, and here was little Mrs Turner, Violet Turner (S.M. The Tairan, 570) – Ие, ана, назокатли, кичкина Тёрнер хоним ҳам шу ерда эканлар-ку, Вайолет Тёрнер (М.О. Тайпан, 74).*


Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, таажжуб, ажабланиш ва ҳайрат маъноси, асосан, икки муносабат билан туғилади: а) иш-ҳаракат ёки бирор белгининг сўзловчи кутганидан ортик бўлгани, яъни миқдор жиҳатидан кўплиги; б) иш-ҳаракатнинг қутилмаган пайт ёки ўринда содир бўлиши.

**Қаноатланганлик:** *Oh, nothing. She forced a smile to her ashy lips. I haven't been sleeping very well the last two or three nights (S.M. Theatre, 174) – О, ҳеч қандай қўрқинчли ери йўқ, қони қочган лабларида изтиробли табассум пайдо бўлди (Г.М. Ўткинчи эҳтирос, 114).*

**Нохушлик, истамаслик:** *Oh, you mustn't. Michael shouldn't have asked you. I won't have it (S.M. Theatre, 80) – О, Майкл сиздан буни сўрамаслиги керак эди. Мен буни хоҳламайман (Г.М. Ўткинчи эҳтирос, 51).*

**Ғурурланиш:** *Oh, my love, don't you know there isn't anything in the world I wouldn't do for you? It'll be so wonderful; it'll bring us so close together and I shall be so proud of you (S.M. Theatre, 80) – Оҳ, менинг муҳаббатим, ахир сиз учун дунёда ҳамма нарсага тайёр эканлигимни билмасмидингиз! Бу бирам ажойиб бўлади, бизни шу қадар яқинлаштирадики... Мен сиз билан ниҳоятда ғурурланаман! (Г.М. Ўткинчи эҳтирос, 51).*

Айтиш керакки, ундов сўзларнинг қайси маънода келаётганини англашда уларнинг ёнида қўлланаётган сўзларга эътибор қаратиш ўзига хос аҳамият касб этади. Масалан, юқоридаги гапда **оҳ**, **о** ундовларининг ёнида келаётган **йўқ** инкорни билдирувчи модал сўзи орқали бу ундовларнинг ҳам инкорни билдириб келаётгани англашилади.



1-расм. **Oh** ундовининг ўзбек тилида ифодаланиши

Ҳис-ҳаяжон ундовлари сўзловчининг ички руҳий ҳолати-ҳаяжонини ифодалаши билан бирга, унинг жисмоний сезгиси билан боғлиқ эмоционал “кичқириклари”ни ҳам ифодалайди. Бундай ундовларнинг шаклий томони ҳам одатдаги эмоционал ундовлар кабидир. Ўз навбатида, улар қуйидаги эмоционал оттенкаларни ифодалайди: а) руҳий кечинмалар билан боғлиқ руҳий ҳолатларни; б) жисмоний чарчаш билан боғлиқ руҳий ҳолат ва вазиятларни; в) жисмоний тана оғриқларини.



## TILSHUNOSLIK

Умуман, ҳис-ҳаяжон билан боғлиқ ҳолатлар психология билан узвий боғлиқдир. Ҳис-ҳаяжон универсал психологик ҳодиса сифатида инсонларга хос табиий, шахсий ҳиссиётларни ифодалайди.

Ҳис-ҳаяжон нейрофизиологик жараёнлар натижасида юзага келади. Бу жараёнлар ички ва ташқи омиллар билан шаклланади, субъектив ҳодиса ва жараёнларга, шахснинг муносабатига асосланади. Ҳис-ҳаяжон ундовлари воқеа-ҳодисанинг бевосита таъсири натижасида туғиладиган руҳий ҳолат, ҳис-ҳаяжон ва субъектнинг объектга муносабатини англатади, лекин ўша руҳий ҳолатни атаб кўрсатмайди.

“Ой ва сариқ чақа” романида воқеалар XX асрнинг бошида бўлиб ўтади. Романдаги воқеаларни айтиб берувчи йигит илк муваффақиятини қўлга киритар экан, бунинг эвазига Стрикленд хоним уни уйига нонуштага таклиф қилади. Бироқ хонимнинг эри – биржа маклери бу нонуштада иштирок этолмайди. У жуда зерикарли, ўртамиёна, диққатни тортадиган ҳеч нарсага йўқ инсон эди. Асарнинг тўртинчи бобида ёш йигит Уортерфорддан у ҳақда сўрайди: *Is there a Mr. Strickland? – I asked. Oh yes; he's something in the city. I believe he's a stockbroker. He's very dull (S.M. The Moon and Sixpence, 26)*. Ўзбек тилида бу гап куйидагича жаранглайди: *Айтинг-чи, жаноб Стрикленд деган одам борми ўзи? – қизиқсиниб сўрадим мен. О, албатта бор-да; у Ситида нимадир қилади. Биржа даллоли бўлиб ишлайди, шекилли. Жуда зерикарли одам! (Р.И. Ой ва сариқ чақа, 17)*.

Асарнинг тўртинчи бобида ёш йигит Уортерфорддан у ҳақда сўрайди: *Is there a Mr. Strickland? – I asked. Oh yes; he's something in the city. I believe he's a stockbroker. He's very dull (S.M. The Moon and Sixpence, 26)*. Ўзбек тилида бу гап куйидагича жаранглайди: *Айтинг-чи, жаноб Стрикленд деган одам борми ўзи? – қизиқсиниб сўрадим мен. О, албатта бор-да; у Ситида нимадир қилади. Биржа даллоли бўлиб ишлайди, шекилли. Жуда зерикарли одам! (Р.И. Ой ва сариқ чақа, 17)*.

Ҳис-ҳаяжон гапларни ҳосил қилишда эмотивлар (ҳис-ҳаяжон ундовлари *Oh my dear, life is so short and love is so transitory (S.M. Theatre, 267)* – **Ох**, азизам, умр бирам қисқа, муҳаббат шунчалар ўткинчи (Г.М. Ўткинчи эҳтирос, 178), таъкид юкламалари *Mon Dieu, this is genius (S.M. The Moon and Sixpence, 294)* – Худо ҳаққи, бу даҳо-ку! (Р.И. Ой ва сариқ чақа, 224), сўроқ олмошлари *Oh my dear, – cried Julia gaily. How marvellous! (S.M. Theatre, 193)* – **Ё, худойим!** – шодланиб хитоб қилди Жулия. – Қандай ажойиб! (Г.М. Ўткинчи эҳтирос, 127) фойдаланилади.

Шу маънода, у ҳис-ҳаяжон гапларнинг шаклий тузилмасини бир қарашдаёқ белгилаб кўрсатувчи муҳим кўрсаткичдир. Бироқ инглиз тилидаги ҳис-ҳаяжон гапларда ундов белгисини қўллаш доимий ҳолат сифатида кузатилмаслиги аён бўлди (*масалан: Oh, Julia, you are a brick. I never knew what a wonderful woman you were (S.M. Theatre, 231)* – **О**, Жулия, сен – мард аёлсан-да! Шунақа олижаноблигингни тасаввур ҳам қилмагандим! (Г.М. Ўткинчи эҳтирос, 154)).

Бу ўринда сўроқ гапнинг жавоби ҳис-ҳаяжон гап билан ифода этилгани эътиборни тортади. Аслият тилида ҳис-ҳаяжон гапни ҳосил қилишда бир бўғиндан иборат **ох** ундовидан фойдаланилган бўлса, таржима тилида биргина товушдан иборат **о** ундови қўлланилган. Лекин ҳар иккала матнда ҳам киноя мазмуни ва оҳанги сақланган. Яна шуниси борки, таржимада эмоция кучлилиги, коннотация эмоциянинг бир тури эканлиги кўринади.

Стрикленд хонимнинг Мак Эндрю хонимга мурожаати уч (инглиз, рус ва ўзбек) тилда куйидагича ифода этилган:

Аслият – инглизчада: *Oh, my dear, remember what we've just heard (S.M. The Moon and Sixpence, 80)*.

Восита тил – русчада: *Ах, милочка, вспомни, что тебе о нем сказали (Н.М. Луна и грош, 95)*.

Таржима тил – ўзбекчада: *Эҳ, жонгиним, у тўғрисида сенга айтиб беришган гапларни эслаб кўр (Р.И. Ой ва сариқ чақа, 62)*.

## TILSHUNOSLIK

Асл нусхадаги ҳис-ҳаяжон *Oh, my dear, remember what we've just heard* жумласини ўзбек тилига таржима қилганда *Эҳ, жонгинам, биз ҳозиргина эшитган гапларни бир эслаб кўр* деган мазмун чиқади. Чунки асл нусхада “у тўғрисида сенга айтиб беришган” жумласи йўқ.

Моэм асарларида ҳис-ҳаяжон гапларнинг турлари ва уларнинг ўзбек тилида берилиши ўрганилиши натижасида адабий асарнинг бадиий-эстетик таъсир кучи муаллифнинг поэтик маҳорати, бадиий нутқ услубига боғлиқлиги далилланди. Ижодкор сўз воситасида образ яратиши, эпик тасвир ва бадиий ифода аниқлигига эришиши асосланди. Адиб қўллаган эмоционал сўз ва иборалар, усул ва воситаларга эътибор қаратилди. Шу асосда инглиз тилида қурилган ҳис-ҳаяжон гапларни ўзбек тилига таржима қилиш ҳолатларига хос хусусиятлар, ўзгаришлар аниқланди:

Ундов сўзларни айнан сақлаш: *Oh, keep that for Mr. Gosselyn, Miss Phillips (S.M. Theatre, 117) – Оҳ, бундай гапларни жаноб Госселин учун сақлаб қўйинг, Филиппе хоним! – деди Жулия (Г.М. Ўткинчи эҳтирос, 75).*

Ундов сўзларни алмаштириб, бирининг ўрнида бошқасини қўллаш: *Oh, my God, I thought you were dead, – cried out Stroeve (S.M. The Moon and Sixpence, 125) – Эй, худойим! – қичқириб юборди Стрөв. – Мен сизни ўлиб қолди, деб ўйлабман (Р.И. Ой ва сариқ чақа, 95).*

Умумлаштириб айтганда, ҳис-ҳаяжон ундовлари куйидаги маъноларни ифодалаши мумкин:

Чакирик: *Oh, my dear, remember what we've just heard (S.M. The Moon and Sixpence, 80) – Эҳ, жонгиним, у тўғрисида сенга айтиб беришган гапларни эслаб кўр (Р.И. Ой ва сариқ чақа, 62).*

Ачиниш, афсусланиш ва безовталаниш: *Ah, I wish I could make you see the enchantment of that spot, a corner hidden away from all the world, with the blue sky overhead and the rich, luxuriant trees (S.M. The Moon and Sixpence, 270) – Эҳ, мен оламнинг кўзидан яширин бу овлоқ жойларнинг бутун гўзаллигини, беғубор осмони-ю, айқириб ўсиб ётган дарахтларини чиза олганимдайди! (Р.И. Ой ва сариқ чақа, 206).*

Қаноатланганлик: *Oh, nothing. She forced a smile to her ashy lips. I haven't been sleeping very well the last two or three nights (S.M. Theatre, 174) – О, ҳеч қандай қўрқинчли ери йўқ, қони қочган лабларида изтиробли табассум пайдо бўлди (Г.М. Ўткинчи эҳтирос, 114).* Нохушлик, истамаслик: *Oh, you mustn't. Michael shouldn't have asked you. I won't have it (S.M. Theatre, 80) – О, Майкл сиздан буни сўрамаслиги керак эди. Мен буни хоҳламайман (Г.М. Ўткинчи эҳтирос, 51).*

Ғурурланиш: *Oh, my love, don't you know there isn't anything in the world I wouldn't do for you? It'll be so wonderful; it'll bring us so close together and I shall be so proud of you (S.M. Theatre, 80) – Оҳ, менинг муҳаббатим, ахир сиз учун дунёда ҳамма нарсага тайёр эканлигимни билмасмидингиз! Бу бирам ажойиб бўлади, бизни шу қадар яқинлаштирадики... Мен сиз билан ниҳоятда ғурурланаман! (Г.М. Ўткинчи эҳтирос, 51).*

Ҳис-ҳаяжон ундовлари сўзловчининг ички руҳий ҳолати-ҳаяжонини ифодалаши билан бирга, унинг жисмоний сезгиси билан боғлиқ эмоционал “қичқириклари”ни ҳам ифодалайди. Бундай ундовларнинг шаклий томони ҳам одатдаги эмоционал ундовлар кабиدير.

**Хулоса.** Эмоция инсоннинг руҳий ва жисмоний ҳолати ҳамда кайфиятига ҳам алоқадордир. Тилда у ундов сўзлар воситасида юзага чиқади. Ундов сўзлар турли ўринда турли оттенкадаги кайфият, руҳий вазиятни англатади. Тилда уларнинг вокатив, императив ундовлар, расм-одат, табрик турлари мавжуд. Кўриниши жиҳатидан товуш, бўғин, сўз шаклида учрайди. Товуш кўринишидаги ундовлар ўзбекча матнларга нисбатан инглизча матнларда жуда кам. Бўғин кўринишидаги ҳис-ҳаяжон ундовлардан эса оҳ (oh) ва аҳ (ah) ундовлари инглизча матнларда кўп учрайди.

## АДАБИЁТЛАР

1. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Санзор, 2006. - 92 б.
2. Кацнельсон С.Д. Типология языка и речевой мышление. – Ленинград: Наука, 1972. – С.110.
3. Паул Г. Принципы истории языка. – М.: Издательство иностранной литературы, 1960. – С.140-143.
4. Павлов И.П. Двадцатилетний опыт объективного изучения ВИД (поведения). 7-е изд. – М.: Медицина, 1951, 506 С.

5. William Somerset Maugham. *Theatre*. – Санкт-Петербург, KARO, 2015. - 384 с.
6. Сомерсет Моэм. Ўткинчи эҳтирос. Гулчехра Муҳаммадjon қизи таржимаси. – Т.: DIZAYN-PRESS, 2013. 224 б.
7. William Somerset Maugham. *The Moon and Sixpence*. – Санкт-Петербург: KARO, 2013, 384 с.
8. Уильям Сомерсет Моэм. *Ой ва сариқ чақа*. Таржимон Р.Иноғомов. –Т.: DAVR PRESS 2012. - 236 б.
9. Сомерсет Моэм. *Омади чопган мусаввир*. Муҳиддин Омон таржимаси. –Т., Адабиёт уққунлари, 2018. 160 б.
10. Сомерсет Моэм. *Ажал таъқиб*. Муҳиддин Омон таржимаси. – Т., Янги авлод асри, 2018. 272 б.

УДК: 802.0-561.32+809.437.5-561.32.

**ЎЗБЕК ФОРМАЛ ТИЛШУНОСЛИГИДА КЕСИМ ВА ГАП ТАЛҚИНИ  
ИНТЕРПРЕТАЦИЯ СКАЗУЕМОГО И ПРЕДЛОЖЕНИЯ В УЗБЕКСКОМ  
ФОРМАЛЬНОМ ЯЗЫКОЗНАНИИ**

**INTERPRETATION OF PREDICATE AND SENTENCE  
IN UZBEK FORMAL LINGUISTICS**

*Болибекова Мавжуда Мардиевна*  
ЎЗМУ доц. в.б. (PhD)

**Аннотация.** Мазкур мақолада ўзбек формал тилшунослигида кесим ва гап талқини ҳақида сўз юритилади. Формал йуналиши гап курилиши моҳиятини белгилашда оддий мантик тамойилларига асосланган. Шунинг учун гапда мутлақ ҳоким сифатида фикр (ҳукм) предмети (эга) олинган ва кесим ҳукм ҳақида ахборот берувчи қисм сифатида талқин этилган.

**Таянч сўзлар:** формал тилшунослик, назарий, кесим, гап, кесим категорияси, лингвистик бирлик.

**Аннотация.** В статье рассматривается интерпретация сказуемого и предложения в узбекском формальном языкознании. При определении сущности строения предложения формальное направление опирается на принципы обычной логики. В связи с этим в качестве абсолютного главного члена избирается предмет(подлежащее) мысли (суждения) и сказуемое интерпретируется в качестве члена предложения, представляющего информацию о суждении, а значит зависимой от подлежащего частью.

**Ключевые слова:** формальное языкознания, теоритический, сказуемое, предложение, категория сказуемого, лингвистическая единица.

**Abstract.** The interpretation of predicate and sentence in Uzbek formal linguistics is considered in the article. Formal approach based on the principles of logic in defining the essence of sentence structure. So it was interpreted the subject as a dominant part of the sentence the predicate as its dependent part.

**Key words:** Linguistics, theoretical, predicate, sentence, category of predicate, linguistic unit.

**Қириш.** Ўзбек формал тилшунослиги янги давр тилшунослиги сифатида ХХ асрнинг бошларида шакллана бошлади ва у ўз назарий-методологик илдиэлари билан замонавий адабий тил ва унинг меъёрларини тавсифий-синхроник тадқиқ методига таяниб иш олиб борган Москва (Фортунатов) лингвистик мактабига – фанимизда формал тилшунослик [5] деб ном олган йўналишга бориб тақалади. Ҳар томонлама асосланган диалектик методологик замин ва тамойилларига эга шарқона – VIII аср араб тилшунослиги асосида шаклланган – анъанавий тадқиқ методлари XIV асрдан кейин деярли қотиб қолганлиги боис ўзбек тилшунослиги фани замонавий – европавий тадқиқ усулларига ўтишда эргашиш йўлидан боришга мажбур эди.

Янгиланиш, замонавийлашиш, Европа фани таҳлил усулларини илмий тадқиқ жараёнида қўллаш босқичида турган ўзбек фани ўша даврда мустақил равишда илмий

тадқиқнинг методологияси масалалари муаммоларини кун тартибига қўя олмас эди. Шунинг учун ўзбек формал тилшунослиги замонавий грамматик (умуман, лингвистик) таҳлилнинг асосий илмий тушунчаларини жумладан, сўз туркумлари, гап қурилиши ва бўлаклари, уларни ажратиш тамойиллари, гап қурилишида мавқеини белгилашда Европа формал тилшунослигига эргашишга мажбур бўлди.

Буни ўзбек формал лингвистикасини шакллантирган ва кенг оммалаштириб, фанимизни ўз даври жаҳон илми савияси даражасига кўтарган профессор А.Ғуломовнинг мазкур сўзларидан ҳам англаш қийин эмас: «С принятием учебника русского языка С.Г.Бархударова (1938) в качестве стабильного пособия для русских школ создаются учебники и для узбекских средних школ: «Грамматика» (ч.1, Морфология», 1938, О.Усманов, Б.Авезов), «Грамматика узбекского языка» (ч. 1-2,1943, А.К.Боровков, А.Гулямов, З.Магруфов, Т.Шермухамедов), ставшие теоретической базой для дальнейшего изучения норм языка» (таржимаси: С.Бархударовнинг рус мактаблари учун рус тили дарслиги барқарор қўлланма сифатида қабул қилинган (1938 й.), ўзбек ўрта мактаблари учун ҳам кейинги йилларда адабий тил меъёрларини белгилашда назарий асос вазифасини ўтаган дарсликлар яратилмоқда (О.Усмонов, Б.Авезов. Грамматика. 1-қисм. Морфология. 1938; А.К.Боровков, А.Ғуломов, З.Маърупов, Т.Шермухамедов. Ўзбек тили грамматикаси. 1-2-қисмлар (1943) [10].

Бунинг сабаби шундаки, ўқ илдизи Москва лингвистик мактаби таҳлил тамойилларига бориб тақалувчи Европа формал тилшунослиги ўз олдига:

- бутун миллат (ёки давлат) учун умумий бўлган, давр талабларига жавоб берувчи замонавий адабий тил меъёрларини ишлаб чиқиш ва уни оммалаштириш;

- улкан саноат корхоналарида мамлакатнинг турли минтақаларидан келган, асосан, деҳқонлар ва косиблардан тузилган янги иш жамоаларида тил умумийлигини таъминлаш мақсадида шевадаги фарқларни йўқотиш;

- замонавий саноат ва ишлаб чиқариш воситаларини бошқариш хат-саводли бўлишни талаб қилиши боис оммавий саводхонликни таъминлаш, бунинг учун умумхалқ ёзувининг давр талабларига жавоб берувчи осон ва қулай шакллари ишлаб чиқиш ва оммалаштириш сингари иқтисодиёт, ишлаб чиқариш ва маданий ҳаёт билан узвий боғлиқ амалий вазифаларни қўйганлиги туфайли феодал тарқоқликдан марказлашган ишлаб чиқариш тамойилига ўтган барча давлатлар шу йўлдан бориши тарихий зарурат эди.

Олдимизда айна шундай вазифалар турганлигини ўзбек жадиличлик ҳаракатининг етук намояндаси Маҳмудхўжа Бехбудий ҳам бир неча маротаба таъкидлаган эди. Жумладан, у 1915 йилда “Оина” журналида эълон қилган мақоласида олим ўша даврда ўзбек маданияти олдида миллат учун умумий ва тушунарли замонавий она тилини шакллантириш ва оммалаштириш вазифаси кўндаланг турганлигини алоҳида уқтиради: “Она тили, она тили – бу яхши орзу, – деб ёзади буюк маърифатпарвар – аммо тилсиз оналар тилига мактабий китоблар ёзила берса, Туркистонда ададсиз бузуқ она тиллар шевасига ададсиз китоблар ёзмоқ лозим келурки, Андижонда ёзилгани Бухорода, Авлиёотада ёзилгани Қаршида англашилмайдур. Чунки бу оналарнинг тили бир-биридан фарқликдур. Тараққий этган миллатлар оналари ўқитар экан, биз аввал онамизни ўкутуб, анга тил ўргатмоғимиз керак” [2]. “Тилсиз она”ларга она тилини ўргатиш учун эса умуммиллий, кенг халқ оммасига тушунарли, меъёрлари қулай ва осон адабий тил нормалари – лексик ва фоно-графо-грамматик бирликларини қўллаш қонун-қоидалари аниқ белгиланган адабий тил, янгича таълим усули ва воситалари зарур эди[3].

Шунинг учун XX асрнинг бошларида ўзбек халқи ва маданияти олдида турган, тил, она тили таълими “тилсиз онанинг тилини чиқариш” билан алоқадор муаммоларнинг амалий ечимини беришга хизмат қила оладиган илмий йўналиш Европа давлатларида, Шарқда XIX асрдаёқ янгича тараққиёт йўлига юз тута бошлаган Туркияда синовдан ўтиб, Россиянинг туркий ўлкаларида амалда қўлланилаётган мазкур формал тилшунослик эди. Бу тилшуносликнинг илк қалдирғочларини жумладан, изчил фонетик ёзувни оммалаштиришни (эски ўзбек – араб ёзувини ислоҳ этиш ёки лотинлаштириш), тарихий анъаналарни ҳисобга



## TILSHUNOSLIK

олган ҳолда ҳозирги халқ шевалари материаллари асосида замонавий адабий меъёрларини белгилаш, она тилидаги таълим усули ва воситаларини янгилаш, ғарбий хорижий тиллар таълимини йўлга қўйиш ва ҳ.) Фуркат, Завкий ва Аваз Ўтар орзу қилган бўлсалар, жадид маърифатпарварлари ҳаётга олиб кира бошладилар.

Бу ишда Саидрасул Саидазизов, Шорасул Зуннун, Ашурали Зоҳирий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Боту (Маҳмуд Ҳодиев), Абдулла Авлоний, Элбек, Қаяом Рамазон каби олимлар жонбозлик кўрсатдилар. Абдурауф Фитратнинг 1924-25-йилларда нашр этилиб, ўтган асрнинг 30-йилларигача мактаб таълими тизимида “Она тили” ўқув предметидан дарслик сифатида амалиётда бўлган “Сарф” ва “Наҳв” китобларида[7] формал тилшуносликнинг француз лингвистикаси таъсирида турк тилшунослигида тарқала бошлаган “мазмундан шаклга” (“фикрдан ифодага”) йўналиши тамойиллари асосида[8] тилимиз фонетик, лексик ва грамматик сатҳлари бирликларининг илк нисбатан тўлиқ ва ўз даври учун замонавий тавсифи биринчи марта ўз аксини топди.

Деярли шу даврда Қозон лингвистик мактабининг намояндаси, туркий тиллар борасида тадқиқотлар олиб борган Е.Д.Поливанов ўзбек тили қурилиши баёнида, асосан, замонавий адабий тил ва шевадарнинг синхроник тавсифи (формал тилшунослик, Москва лингвистик мактаби талқинининг “шаклдан мазмунга” йўналиши) тамойилларига таянади. 1926 йилда унинг «Краткая грамматика узбекского языка» китоби нашрдан чиқиб, илмий жамоатчилик орасида оммалашди. Е.Д.Поливанов тутган йўл тасодифий эмас эди – замонавий туркий тиллардан биринчиларидан бўлиб нисбатан тўлиқ синхроник тавсифи берилган, Олтой миссионерлар гуруҳи (асосан, Н.И.Ильминский) томонидан тузилиб, 1869 йилда Қозонда нашр этилган ва кейинчалик, туркийшунослар – жумладан, академик А.Н.Кононов фикрига кўра, бошқа туркий тиллар қурилиши синхроник тавсифини беришда намуна вазифасини ўтаган[4].

«Грамматика алтайского языка» шу методологик асосда яратилган эди. Е.Д.Поливанов асари билан олдинма-кейин (1929 йилда) Н.К.Дмитриевнинг «Строй турецкого языка» рисоласи эълон қилинди. XX асрнинг 30-йилларидан бошланган қатағон туфайли Фитрат, Боту, Элбек сингари ўнлаб ватанпарвар – маърифатпарварларга, туркий халқларга хайрихоҳлик назари билан қараган Е.Д.Поливанов сингари зиёлиларга “халқ душмани” тамғаси босилиши, уларнинг жисмоний йўқ қилиниши, асарларини тилга олиш жиноят деб қаралиши ўзбек тилшунослигида формал тилшуносликнинг Абдурауф Фитрат бошлаб берган йўналиши эмас, балки Н.К.Дмитриевнинг асарларида ўз аксини топган талқинларнинг кенг оммалашшига асос бўлди[1]. Бунинг, албатта, яна бошқа сабаблари ҳам бўлиб, улардан бири Москванинг бутун Иттифоқда таълим ягоналиги ниқоби остида миллий республикаларда таълим мазмуни ва усулини руслаштириш (байналмилал-лаштириш) эди[9] – собиқ тузум сиёсати миллийликни четлаштиришни, руслардан намуна олишни, яъни русийлаштиришни талаб қилар эди.

Фанимизда – тилшунослигимизда ҳам шундай бўлди ва давомийлик тамойили асосида ривожланиб келаётган замонавий ўзбек тилшунослиги пойдеворининг бунёдкори профессор Айюб Ғуломовнинг юқорида келтирилган эътирофи – ўзбек адабий тили меъёрлари ва XX аср ўзбек тилшунослиги илмий талқинларининг асосий тамойилларини белгилашда “назарий асос” («теоретическая база») вазифасини ўтаган дарсликларнинг С.Г.Бархударовнинг рус тили дарслиги асосида яратилганлиги – бунинг ёрқин далилидир. Шунинг учун собиқ шўро ўзбек формал тилшунослиги мустақил методологик тамойилларга эга эмас эди ва рус формал тилшунослиги таҳлил тамойилларини – истаган бир тилда ўз воситалари билан ифодаланган мазмун, албатта, бошқа тилда ҳам унинг ўз воситалари билан берилиши мумкин бўлгани сабабли тўғридан-тўғри кўчириш асосида шаклланди.

Лекин бунда миллийлик, мустақил методологик асоснинг битта жуда жиддий белгиси сақланиб қолди. Бу Абдурауф Фитрат фанимизга киритган соф лингвистик-грамматик моҳиятли ва ўзбек (туркий) тилининг ўзига хос зотий хусусиятини ақс эттирувчи, ушбу тадқиқотимизнинг марказий тушунчаси бўлган кесим илмий атамасидир – кесим гапни кесади – бир гапни иккинчи гапдан ажратади. “Фитрат сўзлар қўшилмасининг гап бўлишида



## TILSHUNOSLIK

кесимнинг мазмуний-мантикий жиҳатдан ҳал қилувчи аҳамиятга молик эканлигини, гарчи бугунги замонавий грамматик тушунчалар асосида бўлмаса-да, алоҳида таъкидлаган, айти "кесим" терминини ясаган ва қўллаган биринчи ўзбек тилшуносидир" [6]. Ваҳоланки, ўша давр сиёсати ва талабларига кўра, русча *сказуемое* ўзбек тилида тожик [11] ва бошқа миллий тилларда берилаётганидек [12], *хабар ёки айтилмиш/дейилмиш* каби бирор калька билан берилиши керак эди. Бизда эса заковатли олим Абдурауф Фитрат киритган бу туркона атама сақланди, ривожланди, кенг оммалашди.

Таъкидлаш муҳимки, тадқиқотимизнинг объекти бўлган гап, эга, кесим каби тушунчаларга олимларнинг турлича таърифлари берилган бўлиб, қуйида биз ўзбек тилшунос олимаси М.Қурбонованинг мулоҳазаларига таянган ҳолда қуйидаги фикрларни келтиришни лозим топдик. "Анъанавий грамматикада: (Я.Гримм, Г.Пауль, Ф.Фортунатов, А.Шахматов, А.Пешковский, В.Виноградов, С. Бархударов, А.Ғуломов) Эга – фикрнинг манбаи. Кесим – эга ҳақидаги бирор хабар ёки белги-хусусиятни тасдиқ ёки инкор этувчи гап бўлаги. Гап – нисбий тугалланган фикрни ифодаловчи, интонацион тугалликка эга, грамматик шаклланган нутқ парчаси" [13].

Бевосита рус формал тилшунослиги таҳлил тамойиллари асосида ўзбек тили қурилиши талқинини беришни (яъни ўзбек формал тилшунослигини) рус туркийшунослари А.К. Боровков, Н.К. Дмитриев, А.Н. Кононов, Е.Д. Поливанов, В.В. Решетовлар 1930-40-йилларда бошлаб берган бўлсалар, профессор Ғ. Юнусов, А. Ғуломов, У. Турсунов, Ф. Камолов, С. Иброҳимов, Ф. Абдуллаев, Ш. Шоабдурахмонов, Ғ. Абдурахмонов, М. Асқарова, С. Усмонов, И. Расулов, А. Рустамов кабилар уни давом эттирдилар, юзлаб шогирдлар етиштириб, жуда кўп илмий ишлар, юзлаб соҳа ва бўғинлар учун ўқув адабиётлари оммалаштирилиб, ўзбек формал тилшунослигини юксак тараққиёт чўққиларига – янги-янги илмий талқинлар учун моддий ва илмий замин бўла оладиган яхлит таълимот даражасига кўтардилар [14].

Энди XX асрнинг 30-60-йилларида, асосан, юқорида кўриб ўтганимиздек, рус тилшунослигида ўша даврда етакчилик қилган формал таҳлил таъсири остида шаклланган ўзбек формал тилшунослигида кесим муаммосининг ўрганилиши ва талқинига оид фикрларимизни баён этамиз.

Ўзбек формал тилшунослигида кесимнинг ўрганилиши, кесимнинг асосий белгиси бўлган кесимлик категориясининг шаклий структурасидаги фарқлар, формал тилшуносликда кесим талқинининг фалсафий методологик асосларининг таҳлили қуйидаги хулосаларга олиб келди.

Ўзбек формал тилшунослигида кесимнинг гап қурилишидаги мавқеи талқини ўзбек тилининг ички (зотий, онтологик) хусусиятлари асосида эмас, балки кесимнинг рус формал тилшунослигида тушунилиши асосида берилганлиги ўрганилди. Формал талқиннинг ибтидоси сифатида фанимизда Абдурауф Фитрат бошлаган ва кесим гапнинг мутлақ ҳоким бўлаги сифатидаги ўзбеккона талқини оммалашмади, лекин бу фидойи ва юксак салоҳиятли олим киритган кесим атамаси мустаҳкам ўрнашди.

Ҳозирги ўзбек тилшунослигида кесим ва унинг талқинида икки нисбатан тугалланган илмий талқинни – *формал ва субстанциал ёндашув асосида бу лингвистик бирликни ажратилиш ва шарҳлашни* кўриш мумкин. Ҳар иккала ёндашув ҳам нисбатан тўлиқ, яъни кесимнинг моҳиятини аниқлашдан яъни унга илмий шарҳ, таъриф беришдан бошланиб, берилган шарҳ билан кесимнинг хилма-хил воқеланишларини узвий боғлаш ва кесим иштирок этадиган ҳодисаларнинг моҳиятини шу асосда аниқлаш билан яқунланади.

Ўзбек формал тилшунослигининг шаклланиши рус формал грамматик талқинлари таъсири асосида юзага келди, шунинг учун унда методологик таҳлил масалалари алоҳида қўйилмади – рус тилшунослигига оддийгина эргашилди. Ўзбек субстанциал талқинлари эса туркий тилларнинг зотий (онтологик) хусусиятларини диалектик илмий таҳлил методларига таянган ҳолда тавсифлаш заминида вужудга келди ва ривожланди.

Формал йўналиш гап қурилиши моҳиятини белгилашда оддий (формал) мантиқ тамойилларига асосланган. Шунинг учун гапда мутлақ ҳоким сифатида фикр (ҳукм)

## TILSHUNOSLIK

предмети (эга) олинган ва кесим ҳукм ҳақида ахборот берувчи қисм, эгага тобе бўлак сифатида талқин этилган. Бошқача айтганда, кесим моҳиятан грамматик асосда эмас, балки информатив-мантикий асосда таърифланган. Шу боис гап моҳияти, содда гапнинг тузилиш турлари, қўшма гап табиати ва турлари ҳам бу йўналишда эга асосида белгиланган, кесимга деярли эътибор берилмаган.

Формал таҳлилда кесимга таъриф, илмий тушунча беришда, асосан, грамматик шаклланган содда гап таркибидаги кесимнинг хусусиятларига таянилган. Кесимнинг эргаш гапнинг таркибида ранг-баранг кўринишларида, семантик-функционал шаклланган ва аналитик қурилишли (икки чўққили) гапларда воқеланиш хусусиятлари бу таърифдан ўрин олмаган. Пировард натижада, кесимнинг формал тилшуносликда берилган таърифи билан унинг лисоний (нутқий) воқеланиш имконият ва кўринишлари орасида зиддият, узилиш юзага келган; лисоний восита ва имкониятлар (лексик-семантик, морфологик таркиб ва синтактик вазифа) жиҳатидан бир хил бўлган ҳодиса “эга тамойили” асосида лингвистик моҳият жиҳатидан турлича баҳоланган (чунончи: *Мен келгач, айтинг* нутқий ҳосиласи қўшма гап ва *келгач* эргаш гап кесими сифатида, лекин *Мен келгач, айтаман* қурилмаси – содда гап ва *келгач* ҳол бўлак сифатида).

Бундай зиддиятларнинг манбаи кесимни таърифлаш негизи (методологик асоси) билан нутқий қурилмаларнинг баҳолаш асосларининг фарқланиши эканлиги билан далилланади. Бунинг асосий сабаби кесимнинг мантикий асосда, ҳосилаларнинг эса лингвистик асосда баҳоланишидир.

Ўзбек формал тилшунослигида эришилган иккита ютуқни таъкидлаш зарур. Улардан бири бу ҳодисанинг Абдурауф Фитрат томонидан кесим деб номлаш ва унинг гап қурилишида етакчилик мавқеини интуитив-прагматик асосда кўрсатиш бўлса, яна бири грамматик шаклланган содда гапларда кесимнинг таркиби, кўринишлари воқеланишларининг батафсил ва аниқ тавсифини беришдир.

## АДАБИЁТЛАР

1. Абузалова М. *Замонавий ўзбек тил. Маъсул муҳаррир Ҳ.Неъматов.* – Т.: Мумтоз сўз. 2009. 19- б.
2. *Бехбудий Маҳмудхўжа. Танланган асарлар.* – Т.: Маънавият. 1997.- 170 б.
3. *Ўлдошева Д. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида таълим мақсадини белгилашнинг дидактик асослари.* – Т.: Фан. 2006. 31-35-б.
4. *Кононов А.Н. История изучения тюркских языков в России. 2-е изд.* – Л.: Наука. 1982. – С. 291-93.
5. *Лингвистический энциклопедический словарь.* – Москва: СЭ.1990. 317-318;558-б.
6. *Маҳмудов Н. Кесимнинг гапдаги мақоми (ёки гапнинг систем-структур талқинларида мунтазамлик ва мутаносиблик эҳтиёжи).* //Ўзбек тили ва адабиёти. 2009. 1-сон. 45. (44-56)-б.
7. *Нурмонов А. Ўзбек тилишунослиги тарихи.* – Т.: Ўзбекистон. 2002. 145-146-б.; *Қурбонова М. Абдурауф Фитрат ва ўзбек тилишунослиги. Методик қўлланма.* – Т.: Университет. 1997; *Қурбонова М. Фитрат – тилишунос.* – Т.: Университет, 1996.
8. *Нурмонов А. Ўзбек тилишунослиги тарихи.* – Т.: Ўзбекистон, 145-б.; *Замонавий ўзбек тили 1-жилд. Морфология.* – Т.: Мумтоз сўз, 2008. 15-б.
9. *Неъматов Ҳ. Ўзбек тилишунослигида формал, структурал ва субстанциал йўналишлар хусусида.* //Ўзбек тили ва адабиёти журнали. 2009.№4. 35-41-б.
10. *Узбекская ССР. УзСЭ. Гл. ред. К.А.Зуфаров.* – Т., 1981. - С.349.
11. *СКАЗУЕМОЕ с грамм. хабар. Русско-таджикский словарь.* /Под ред. М.С.Асимова. – М.: Русский язык. 1985. С.113.
12. *ХАБАР ...5) грам. сказуемое, предикат. Туркменско-русский словарь.* /Под общей ред. Н.А.Баскакова. – М.: Изд.СЭ.1968. С.679; *СКАЗУЕМОЕ ср 1. грам. хабар Русско-азербайджанский словарь.* Под ред. А.А.Оруджева. 5-ое изд. Баку: Гл. ред. АЗСЭ. Том 3. С. 171.
13. *Қурбонова М. Ўзбек тилишунослигида формал-функционал йўналиш ва содда гап қурилишининг талқини.* Филол.фанлари д-ри... дисс. – Т., 2001. – 69.б.
14. *Ўзбек формал тилишунослигининг босиб ўтган йўли, қўлга киритган ютуқлар, бу тилишунослик равнақиға ҳисса қўшган заҳматқаш олимлар ҳақида қар.* Нурмонов А. *Ўзбек тилишунослиги тарихи...*; *Базарова Д.Х., Шукуров Ш., Узбекское советское языкознание.* – Т.: Фан. 1988. «Ўзбек тили ва адабиёти» журналида ўзбек тилишунослиги бўйича чиққан илмий мақолалар ва ахборотларнинг библиографик кўрсаткичи (1958-2007 йиллар). Тузувчи Ж.Ҳамдамов. – Самарқанд: СамДУ, 2008.

УДК: 81'22

РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА СИНОНИМЛАРНИНГ СЎЗ ЯСАЛИШ УЯЛАРИ  
СЛОВООБРАЗОВАТЕЛЬНЫЕ ГНЕЗДА СИНОНИМОВ В РУССКОМ  
И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ

WORD-FORMING NESTS SYNONYMS IN RUSSIAN AND UZBEK LANGUAGES

Курбанов Бахрам Шукриевич  
(PhD) докторант УзГУМЯ

**Аннотация.** Мақолада рус ва ўзбек тилларида синонимиянинг пайдо бўлишида сўз ясашиш уяларининг ўрни ва аҳамияти, шунингдек, сўз ясашиш уялари таркибида вужудга келадиган аксланувчи синонимия ҳақида сўз юритилади. Бундан ташқари, ўзбек ва рус тилларида синонимик қаторларнинг лексик парадигмалар сифатида вужудга келиши, лексик бирликларнинг сўз ясашиш қонуниятлари асосида тузилиши таҳлил қилинган. Таҳлил натижаларига кўра рус ва ўзбек тилларида синонимик қаторларни тузиш тизимли равишда олиб бориш мумкинлиги тақлиф қилинган.

**Таянч сўзлар:** парадигмалар, синонимлар, сўз ясашиш уяси, бош сўз, аксланувчи синонимия.

**Аннотация.** В статье речь идет о роли и значении словообразовательных гнезд в организации синонимии в русском и узбекском языках, а также о явлении отраженной синонимии, возникающей в структуре словообразовательных гнезд. Кроме того, проанализирована структура синонимических рядов в узбекском и русском языках на основе закономерностей их возникновения как лексических парадигм, словообразовательных лексических единиц. По результатам проведенного анализа было высказано предположение о возможности систематического составления синонимического ряда в русском и узбекском языках.

**Ключевые слова:** парадигмы, синонимы, словообразовательное гнездо, исходное слово, отраженная синонимия.

**Abstract.** The article deals with the role and significance of word-building nests in the organization of synonymy in the Russian and Uzbek languages, as well as the phenomenon of reflected synonymy that occurs in the structure of word-building nests. In addition, the structure of synonymous series in Uzbek and Russian languages is analyzed based on the regularities of their occurrence as lexical paradigms, word-forming lexical units. Based on the results of the analysis, it was suggested that the systematic compilation of synonymous series in the Russian and Uzbek languages is rather possible.

**Key words:** paradigms, synonyms, word-building nest, source word, reflected synonymy.

Изучение лексических парадигм на уровне деривации предусматривает полное представление о системе словообразовательной и гнездовой структуры определенного языка. Слова, объединенные одним общим корнем, имеющие разные лексические значения и последовательный принцип образования, формируют гнездо. Иными словами, гнездо составляют слова, лексические связи, «мотивированные общностью корня» [2, 6].

Закономерно, что словообразовательное гнездо возглавляет исходное, корневое производное слово. Количество производных от него слов может быть различным. Это зависит от словообразовательных возможностей слова. Гнездо может объединить сотни однокоренных слов или наоборот, иметь единственную парадигму. Некоторые производные слова не имеют однокоренных слов, которые называются одиночными. Они не являются производными и не имеют производных. В словообразовательном словаре русского языка А.Н. Тихонова [3] (ССТ) приводится 5497 одиночных слов русского языка.

Словарь вмещает в себя 12542 гнезда, от которых образовано 142840 производных. В

качестве исходного слова гнезда выступают практически все знаменательные части речи, а также междометие и звукоподражание, в частности, с исходным словом-существительным – 8898 гнезд, с прилагательным – 944, наречием – 86, местоимением – 25 гнезд. Следует отметить многочисленность глагольных словообразовательных гнезд – их 2413 в данном словаре.

В узбекском языке вопросы производности слов, проблемы составления словообразовательных цепей, определения морфем слова имеют свои особенности. На сегодняшний день насущным является вопрос составления общего словообразовательного словаря узбекского языка. Принципиальное начало этого процесса демонстрирует учебный словообразовательный словарь Б. Менглиева [1], материалы которого отражают категориальные и грамматические особенности слов узбекской лексики в области гнездования. Он построен по принципу составления ССТ, в нем также присутствуют гнезда, исходными словами которых являются разные знаменательные части речи.

Словарь носит учебный характер, охват слов в нем не очень большой – 3257 гнезд. Разумеется, не полностью разрешены вопросы гнездования однокоренных слов в узбекском языке. Например, существующий морфемный словарь узбекского языка А. Гулямова [4] ярко отражает возможности деления слов на морфемы, в нем приводятся варианты образования словоформ посредством различных формантов, указаны омонимические образования, и тем самым демонстрирует возможность составления словообразовательной цепи и гнездования однокоренных слов.

В словообразовательных гнездах русского и узбекского языков производные слова вступают между собой в системные отношения – синонимические, антонимические и омонимические и т. д. Данные отношения могут осуществляться внутри одного гнезда и между различными гнездами, то есть эти отношения могут иметь внутригнездовой и межгнездовой характер.

Рассмотрим фрагменты формирования синонимических отношений между глагольными рядами двух сопоставляемых языков. Например, глаголы русского языка **бранить, ругать** из синонимической парадигмы 1. Бранить, ругать, поносить (*разг.*), обзывать (*разг.*), лаять (*прост.*), собачить (*прост.*), сволочить (*груб.-прост.*).

**Бранить** и **ругать** – непроизводные глаголы, возглавляющие гнезда, первое из которых состоит из 44 слов, а другое – из 60 слов:

Следует отметить категориальное и грамматическое разнообразие производных слов, в частности, многочисленность форм глагольных образований. Самые близкие производные глагола – это возвратные глаголы, глаголы с суффиксами **-ну-** (с однократным значением), **-ва-** (с многократным значением), а также существительные со значением процесса (имени действия).

В приведенных словообразовательных гнездах наглядно демонстрируется специфический тип словообразовательной синонимии – отраженная синонимия. Производные слова гнезд, образованные от разнокоренных слов, с помощью определенных аффиксов отражают синонимичность своих производящих **бранить - ругать**: браниться – ругаться, выбраться – выругаться, забраться – заругаться, набраться – наругаться, отбраниться – отругиваться, перебраниться – переругаться, перебраниться – переругиваться, побраниться – поругаться, побраниться – поругиваться, бранить – ругивать, выбрать – выругать, забранить – заругать, избранить – изругать, отбранить – отругать, перебранить – переругать, побранить – поругать, побранить – поругивать, разбранить – разругать.

Следует отметить, что явление отраженной синонимии между гнездами не является единственным средством выражения синонимии. Также в отражении синонимии важное место занимает выражение синонимичности внутри гнезда так называемая формантная синонимия, осуществляемая при помощи близких по своему значению аффиксов, например: **выбраться, забраться, набраться; выругаться, заругаться, наругаться** и т. д.



## TILSHUNOSLIK

<b>Бранить</b>	<b>за-бранить</b>	<b>Ругать</b>	руга- <b>нь</b>
бранить- <b>ся</b>	забран- <b>к-а</b>	ругать- <b>ся</b>	руга- <b>тель/ств-о</b>
бран- <b>ива-ть</b> ся	<b>из-бранить</b>	<b>вы-ругаться</b>	руга- <b>чк-а</b>
<b>вы-браниться</b>	<b>на-бранить</b>	<b>до-ругаться</b> I	руга- <b>тель</b>
<b>за-браниться</b>	набран- <b>ива-ть</b>	доруг- <b>ива-ть</b> ся	ругатель- <b>ниц-а</b>
<b>на-браниться</b> I	<b>на-бранить-ся</b>	<b>за-ругаться</b>	ругател- <b>ск-ий</b> 1
<b>от-браниться</b>	<b>от-бранить</b>	<b>из-ругаться</b>	руга- <b>тельн(ый)</b>
отбран- <b>ива-ть</b> ся	<b>пере-бранить</b>	<b>на-ругаться</b>	ругательн- <b>о</b>
<b>пере-браниться</b>	<b>по-бранить</b>	наруга- <b>ние</b>	руга- <b>тель/ск(ий)</b> 2
перебран- <b>ива-ть</b> ся	побран- <b>к-а</b>	наруга- <b>тель/ств-о</b>	ругательск- <b>и</b>
перебран- <b>к-а</b>	<b>по-бран-ива-ть</b>	наруга- <b>тель</b>	руга- <b>н-ый</b>
<b>по-браниться</b>	<b>при-бранить</b>	наругатель- <b>ниц-а</b>	<b>вы-ругать</b>
побран- <b>ива-ть</b> ся	прибран- <b>ива-ть</b>	<b>над-ругаться</b>	<b>до-ругать</b>
бран- <b>ива-ть</b>	<b>раз-бранить</b>	надруга- <b>ние</b>	доруг- <b>ива-ть</b>
брань I брань II	<b>раз-бранить-ся</b>	надруга- <b>тель/ств-о</b>	<b>до-ругать-ся</b> II
бран- <b>н-ый</b> I бранный II		надруга- <b>тель</b>	<b>за-ругать</b>
бранн- <b>о</b>		надругатель- <b>ниц-а</b>	<b>из-ругать</b>
бран- <b>чив-(ый)</b>		<b>об-ругаться</b>	<b>об-ругать</b>
бранчив- <b>ость</b>		<b>пере-ругаться</b>	обруг- <b>ива-ть</b>
бранч- <b>лив(ый)</b>		<b>пере-руг-ива-ть</b> ся	обругивать- <b>ся</b>
бранчлив- <b>ость</b>		<b>по-ругаться</b>	обруга- <b>ние</b>
<b>воз-бранить</b>		<b>по-руг-ива-ть</b> ся	<b>от-ругать</b>
возбран- <b>я-ть</b>		<b>раз-ругаться</b>	<b>пере-ругать</b>
возбранять- <b>ся</b>		руг- <b>ну-ть</b>	переруг- <b>ива-ть</b>
<b>без-возбран-н-ый</b>		ругнуть- <b>ся</b>	переругива- <b>ние</b>
<b>не-возбран-им(ый)</b>		<b>от-ругнуться</b>	<b>по-ругать</b>
невозбраним- <b>о</b>		<b>от-руг-ива-ть</b> ся	поруга- <b>ние</b>
не-возбран- <b>н(ый)</b>		руг- <b>ива-ть</b>	поруга- <b>нн-ый</b>
невозбранн- <b>о</b>		руга- <b>ние</b>	<b>по-руг-ива-ть</b>
<b>вы-бранить</b>		руг- <b>н-я</b>	<b>раз-ругать</b>

Проведем анализ синонимических парадигм узбекского языка **ажрамоқ, айирмоқ**. В словообразовательном словаре Б. Менглиева в качестве исходного слова словообразовательного гнезда *ажрамоқ* приводится неизменяемое слово *ажра* (глаголы в словаре даются в форме повелительного наклонения). Гнездо составляет всего 4 слова, следовательно, представлена одна словообразовательная цепь и одна парадигма:

ажра → ажр-им → ажрим-ла  
ажрим-лик;

В отличие от гнезда *ажра*, гнездо глагола *айир* в словаре Б. Менглиева состоит из тринадцати слов:

айир → айир-бош → айирбош-ла  
айир-ма → айирма-ли  
айирма-чи → айирмачи-лик  
айр-и → айри-лик  
айри-ча  
айр-ил-ик  
айр-им → айрим-лик;

Если повелительную форму *ажра* принять за инфинитив *ажрамоқ*, то в данном словообразовательном гнезде, на наш взгляд, недостает звена *ажрат, ажратма, ажрал* и др., от которых следовало бы образование дериватов *ажратмоқ, ажралмоқ, ажралиш* и т. д., что можно сказать и относительно глагола *айир*.

В «Толковом словаре узбекского языка» З.М. Магруфова [5] приведено 8 слов, имеющих в основе корень *ажра*: ажралишмоқ, ажралмас, ажралмоқ, ажрамоқ, ажратилмоқ, ажратма, ажратмоқ, ажрим и 20 однокоренных слов, производных от глагола *айирмоқ*: айирбош, айирбошламоқ, айирбошланмоқ, айириш, айиришмоқ, айирма, айирмачилик,



## TILSHUNOSLIK

айирув, айри, айрилик, айрилиш, айрилишмоқ, айрилик, айрилмас, айрилмоқ, айрилувчи, айрим, айримлик, айрича.

В морфемном словаре узбекского языка приводится ряд слов с общим корнем *ажра* и *айир*. Слова в словаре размещены в алфавитном порядке, так что в данном случае не предусмотрено соблюдение порядка образования слов в словообразовательной цепи или гнезде:

ажра/л/иш	айир/бош
ажра/л/иш/моқ	айир/бош/ла/моқ
ажра/л/ма/с	айир/бош/ла/н/моқ
ажра/л/моқ	айир/иш
ажра/л/ув/чи	айир/ма
ажра/моқ	айир/ма/ли
ажра/т/тир/моқ	айир/ма/чи
ажра/ш/моқ	айир/ма/чи/лик
ажр/им	айир/моқ
ажр/им/ла/моқ	айир/тир/моқ
ажр/им/ла/н/моқ	айир/ув
ажр/им/ла/ш/моқ	айир/ув/чи
ажр/им/лик;	айир/ув/чи/лик
ажра/т/ма	айр/и
ажра/т/моқ	айр/и/лик
ажра/т/иш	айр/ил/иш
ажра/т/ил/моқ.	айр/ил/иш/моқ
	айр/ил/иқ
	айр/ил/моқ
	айр/ил/ув/чи
	айр/им
	айр/им/лик
	айр/и/ча

Исходя из принципов составления ССТ, можно сформулировать следующее примерное словообразовательное гнездо данных глаголов:

<b>Ажрамoқ</b>	<b>айирмоқ</b>
ажрашмоқ	айиртирмоқ
ажралмоқ	айириш
ажралиш	айирма
ажралишмоқ	айирмали
ажралмас	айирмачи
ажралувчи	айирмачилик
ажратмоқ	айирув
ажратилмоқ	айирувчи
ажраттирмоқ	айирувчилик
ажратиш	айри
ажратма	айрилик
ажрим	айрилиш
ажримламоқ	айрилишмоқ
ажримлашмоқ	айрилмас
ажримланмоқ	айрилик
ажримлик	айрилмоқ
	айрилувчи
	айрим
	айримлик
	айрича
	айирбош
	айирбошламоқ
	айирбошланмоқ

Учитывая синонимичность исходных слов приведенных гнезд, следует отметить синонимию их производных. В русском языке синонимичность производных слов глагольных гнезд основывается на синонимии префиксов, суффиксов, именных образований, в частности, существительных и прилагательных.

По составленным нами словообразовательным гнездам можно произвести анализ соответствующих форм дериватов глаголов узбекского языка **ажратмоқ** и **айирмоқ**: *ажраттирмоқ – айиртирмоқ, ажратилиш – айирилиш, ажралмоқ – айрилмоқ, ажралиши – айрилиши, ажралишимоқ – айрилишимоқ, ажралмас – айрилмас, ажралувчи – айрилувчи, ажратма – айирма, ажрим – айрим, ажримлик – айримлик*;

Синонимические парадигмы *ажраттирмоқ – айиртирмоқ, ажратилиш – айирилиш, ажралмоқ – айрилмоқ, ажралиши – айрилиши, ажралишимоқ – айрилишимоқ, ажралмас – айрилмас, ажралувчи – айрилувчи* имеют близкие или идентичные лексические значения, между собой выражают синонимические отношения и повторяют синонимичность своих производящих.

Однако парадигмы *ажратма – айирма, ажрим – айрим, ажримлик – айримлик* несмотря на идентичность аффиксального оформления, расходятся в своих лексических значениях, например: *ажратма* (целевые средства) – *айирма* (1. Разница; 2. мат. разность), *ажрим* (1. Соглашение; 2. Определение суда) – *айрим* (1. Отдельное, самостоятельное; 2. Некоторое) и т. д.

Важно отметить, что в узбекском языке суффикс неопределенной формы глагола **-моқ** и суффикс обозначении имени действия **-(и)ш** вступают между собой в синонимические отношения. Первое из них называет действие в форме инфинитива, а второе – как процесс действия. Как синонимические парадигмы они представляет внутригнездовую синонимию суффиксов: *ажратмоқ – ажратилиш, ажралмоқ – ажралиши; айирмоқ – айирилиш, айрилмоқ – айрилиши*.

В отличие от русского, для узбекского языка характерно образование отглагольных сложных слов типа *айирбоиш, айирбошламоқ, айирбошланмоқ*. Данный способ образования новых слов является непродуктивным в организации синонимических отношений глаголов в узбекском языке.

Таким образом, глагольные синонимические парадигмы русского и узбекского языков в области гнездования имеют свои особенности. Необходимо отметить, что полное сопоставление лексических парадигм двух языков в аспекте словообразования кажется сложным из-за отсутствия общего словообразовательного словаря узбекского языка. Однако изучение вопросов гнездования слов сопоставляемых языков, составления парадигм, в том числе и синонимических, демонстрирует реальную близость словообразования с другими ярусами языкознания как фонетика, лексикология, морфология и синтаксис.

Результаты проведенного нами анализа показывают, что наряду с лексическими синонимами в сопоставляемых языках правомерно образуются и словообразовательные синонимы. Они отражаются в словообразовательных гнездах. В гнездах размещаются исходные слова, от которых образуются соответствующие производные. Производные слова в свою очередь являются производящими для других кодериватов, тем самым образуя словообразовательную цепь. Производные слова одного уровня составляют словообразовательную парадигму. В зависимости от значения дериватов, от значения словообразовательных аффиксов члены парадигмы вступают между собой в антонимические и синонимические отношения.

Также именно словообразовательные гнезда способствуют появлению внутригнездовой формантной и межгнездовой отраженной синонимии как особого явления в словообразовании русского и узбекского языков. Если в русском языке это происходит в префиксальных и суффиксальных образованиях, то в узбекском языке вопрос отражения касается исключительно суффиксальных образований.

#### ЛИТЕРАТУРА

1. Менглиев Б. Ўзбек тилининг сўз ясалиши ўқув лугати. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. – 175 б.

2. Тихонов А. Н. Роль гнезд однокоренных слов в системной организации русской лексики. Отраженная синонимия. Отраженная омонимия. Отраженная антонимия / А. Н. Тихонов, А. С. Пардаев. – Ташкент: Фан, 1989. – 141 с.
3. Тихонов А. Н. Словообразовательный словарь русского языка. В 2-х тт. – М.: Русский язык, 1985. – Т. I – 856 с. Т. II – 887 с.
4. Ўзбек тили морфем лугати. А. Ғуломов, А. Н. Тихонов, Р. Қўнғуров. – Тошкент: Ўқитувчи, 1977. – 463 б.
5. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. З. М. Маъруфов тахрири остида. – М.: Рус тили, 1981. 2 т. I т. – 632 б. II т. – 715 б.

УДК: 81'373.47

## ФЕЪЛЛАРНИНГ АСПЕКТУАЛ ВА ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ТАСНИФИ ХУСУСИЯТЛАРИ

### АСПЕКТУАЛЬНАЯ И ЛЕКСИКО-СЕМАНТИЧЕСКАЯ КЛАССИФИКАЦИЯ ГЛАГОЛОВ

### FEATURES OF ASPECTUAL AND LEXICAL-SEMANTIC CLASSIFICATION OF VERBS

*Давлатова Муҳайё Ҳасановна*  
БухДТИ инглиз тили каф. ўқит.

**Аннотация.** Мазкур мақолада инглиз ва ўзбек тилларида эмоционал каузатив бирликларнинг таркибий ва семантик хусусиятлари таҳлил этилган. Таҳлил жараёнида каузатив феълларнинг объектга ва шахсга таъсири натижасида семантик маъно юзага келиши асосланган.

**Таянч сўзлар:** семантик, модаллик, каузатив, мажхуллик, фойдали, аспектвал, боғлиқлик.

**Аннотация.** В данной статье анализируются структурно-семантические свойства эмоционально-каузативных единиц английского и узбекского языков. В ходе анализа обоснуется, что семантика происходит на основе каузативного значения глагола.

**Ключевые слова:** семантический, модальность, каузативный, пассивный, бенефактивный, аспектальный, связанный.

**Abstract.** The article deals with the analysis of structural and emotional features of causal units of the English and Uzbek languages. It justifies that the semantic meaning is based on the causative meaning of verbs.

**Key words:** semantic, modality, causative, passive, beneficial, aspectual, related.

Феълларни тадқиқ қилиш, уларнинг лексик-семантик ва грамматик жиҳатларини ёритиш, асосан, феълнинг синтагматик хусусиятларини ўрганиш билан уйғунликда олиб борилади. Тилшуносликда тилнинг функционал томони унинг тузилиши ва ривожига таъсир кўрсатиши кўпгина томондан тан олинган, зеро тил нутқда яшайди ва ривожланади. Демак, тилнинг ривожланиши унинг функционал томони билан ҳам боғлиқ. Тил функционалликда муҳим ўрин тутган феъл бошқа сўз туркумларига нисбатан полисемиялиги, шакл ясашдаги турлилиги, бойлиги, бирикмалар ҳосил қилиши ва улардаги маъноларни фарқлаши ҳамда маъно ўзгартира олиш, когнитив жиҳатдан қарасак, субъектнинг ички, ташқи ҳиссиётларини, онгида кечаётган жараёнларни ёрита олиш хусусиятлари билан фарқ қилади.

Тадқиқот объекти сифатида кўпгина тадқиқотчилар томонидан феъл, феъл категориялари, феъл конструкциялари, феъл бирикмаларининг ҳар хил функцияларда турлича ёндашганлар. Бунинг исботи феълнинг антропологик, психологик, когнитив ва бошқа тилшунослик доираларида ўрганилаётганлигидир. Умуман, феълларнинг лексик, лексик-семантик, лексик-грамматик, функционал семантик нуктаи назардан таснифланиш

имконияти кенглиги мазкур категориянинг келтирилган соҳаларда тадқиқ этилишининг сабабларидан бири деб ҳисоблаш мумкин.

Кўпгина ҳолларда туб маъноли феъллар «значения «обслуживающих» глаголов (модальные, таксисные, каузативные, пассивные, бенефактивные, аспектуальные, темпоральные, отрицательные) грамматик категорияларни ташкил қилади. Феъл семантикаси тилда мавжуд барча воситалар билан синтактик-семантик муносабатда бўлади. Феълни ўраб турган барча сўзлар ва синтактик воситалар феъл лексемасининг реалликдаги маъноларини ёритиб беради. Лайфринк таъкидлаб ўтганидек, бўлак сўз табиий тилда изоляцияланган ҳолда келмайди [41, 8]. Албатта ҳар бир лексик бирликнинг синтактик сатҳда категориал маънолари ўзгаради, лексик-семантик маънолар бойийди.

Сўз ва гапларнинг нутқдаги синтагматик дифференциал белгилари кўпайиб боради. Тилдаги ушбу дифференциал белгиларнинг, семантик-синтактик маъноларининг ўзгариши, феълларнинг қўлланилишига боғлиқ ҳисобланади. Маълумки, феъл семантикаси бошқа лексик грамматик синфларга нисбатан, гапда, нутқда синтагматик боғланиши бойроқ бўлиши билан бир қаторда, гап семантикасининг бошқарилишига, маънолар мазмуни ўзгаришига олиб келади. Феълларнинг лексик-семантик майдони, хилма-хил синтактик шакл ясалиши, гап семантикасининг турли-туманлиги билан бошқа сўз туркумларидан ажралиб туради. Феълларнинг лексик-семантикасининг таҳлили полисемантик масалаларни ёритиб бериш, семантик-синтактик майдондаги структуравий компонентлар ўртасидаги алоқаларни аниқлашда муҳим ўрин тутаяди.

Феъллар ҳар қандай тилдаги ифода мазмунида энг муҳим ўринда туради. Феълларнинг лексик-семантик маънолари бошқа туркум сўзларига нисбатан бойроқ ва эгилувчан ҳисобланади. Эгилувчан деганимизда, бир хил вазиятда бир шаклга эга компонентнинг лексик маъносига қараб феъл семантикаси ҳам ўзгариши мумкин. Кўпгина ҳолатларда феъл лексемалари бошқа туркумлар билан бирикиб, комплекс маънолар ҳосил қилиши мумкин. Бу маънолар турли тилларда турлича, яъни турли бирикмаларда намоён бўлиши мумкин.

Пайдо бўладиган маънолар синтактик бирликлар вазифасидаги компонентларнинг ҳаракат, ҳолат ва бошқа белгилари мазмуни, хусусан, субъект билан боғлиқ вазиятларга намоён бўлади деб изоҳлашимиз мумкин. Инглиз тилидаги феъл лексемалари ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Инглиз тили феълларининг маъно-мазмуни турли ҳолатларда, турли бирикмаларда турлича намоён бўлади. Бу каби ҳолатларнинг фарқланишини бошқа тиллар мисолида ҳам кузатиш мумкин. Хусусан, ўзбек тилида ҳам феъллар гапнинг асосий организатори сифатида ўрин тутишига гувоҳ бўлаемиз.

Лексик тузилишидаги бирор бирликнинг лексик-семантик майдонини аниқлаш ва гуруҳлаш улардаги синонимик ва антонимик хусусиятларни умумий семантикасидан тортиб кичик хусусиятларигача ёритиб беради. Хусусан, турли лексик-семантик гуруҳларга тегишли феълларнинг лексик-семантик майдонини аниқлаш ва қиёслаш улардаги маъно элементларининг фарқлари (ҳаракат усули, боғлиқлиги, йўналиши, йўналишидаги фарқ, ҳаракатга киришиш, ҳаракатнинг субъект томонидан қабул қилиниши, ҳаракатга муносабат, ҳаракатни баҳолаш, ҳаракат бажарувчи восита, субъектларнинг хусусияти, объект муносабати ва ҳ.к.) ни изоҳлаб беришга ёрдам беради.

Статик ва динамик феъллар турли-туманлиги билан фарқланади, улар ўртасидаги асосий фарқ сифатида статик ҳолат субъектдан давомийлик учун ҳеч қандай махсус ҳаракат талаб этмаслиги билан ажралиб туради. Динамик феъллар эса муқим вазиятни ифодаламайди. Улар бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш сингари турли ўзгаришларни англатади.

Динамик синфга тегишли феълларнинг ички тузилишида муҳим қарама-қарши қўйишлардан бири, бу уларни *жараён (events)* ва *ҳодиса (achievements)* сингари турларга ажратиш ҳисобланади. Улар ўртасидаги фарқланиш замон-вақт тушунчалари билан боғлиқ бўлиб, ҳодиса маълум қисқа вақт давомида бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишни англатиш учун қўлланилса, жараён ҳолатнинг ривожланиши ва аста секинлик билан ўзгаришига нисбатан қўлланилади.

*Жараён* гуруҳига тегишли феълларга *югурмоқ, ўйнамоқ, ишламоқ* кирса, ходисага эса *сакрамоқ, портламоқ, йиқилмоқ* хос ҳисобланади.

Шундай қилиб, жараён вақт мобайнида ўзгариб бориши назарда тутилар экан, демак уларнинг тугаши, ўз якуний нуқтасига етиши ҳам кўзда тутилади. Масалан, *роман ёзмоқ* жараён тушунчасида талқин этилса, *ёзиб тугатмоқ* ходиса сифатида қаралади. Биринчисида чегараланмаган хусусият (инглиз тилида *atelic, unbounded*) юзага келса, иккинчи ҳолат чегараланган (*telic* ёки *bounded*) деб аталади. Чегараланганлик одатда ҳаракат, ходисаларнинг якуний нуқтасига етиши натижасида тугалланишига нисбатан қўлланилади.

Феъллар гап ва нутқ доирасидаги ҳар қандай тил бирлиги билан муносабатга кириша олади ва шу билан бирга уларнинг семантикасига таъсир эта олади. Феъл гап структурасининг асосий компоненти ҳисобланади. Шунинг учун ҳам феъл турли сатҳларда турлича таснифларга учрайди. Бу каби таснифлар феълнинг семантик майдони, имкониятининг нақадар кенг эканлигини кўрсатади. Жумладан, гап структурасидаги релятив семали феълларнинг таснифи ҳам кўпгина тилшуносларнинг эътиборини жалб этиб келган. Хусусан, В.И. Кодухов ҳам ўзининг таснифини келтиради: 1) маълумот бериш феъллари, 2) идрок қилиш феъллари (ақлий ва ҳис-туйғу), 3) билимга эга бўлиш феъллари, 4) таклиф маъноли феъллар, 5) фикр-мулоҳаза феъллари, 6) эмоционал баҳолаш феъллари.

Бундан ташқари, феъллар тематик синфларга ҳам ажратилади. Бу борада Е.Падучева шундай фикр юритади: “Тематик синф – семантик синфга нисбатан торроқ тушунча ҳисобланади. Таксономик категорияда ҳам феъллар семантик таснифга ажратилади, аммо улар тематик синф ҳисобланишмайди. Тематик синф семантик майдоннинг формал кўриниши ҳисобланади. Сўзларнинг семантик структурасига маъноли компонентлари ҳам кириши мумкин, шунинг учун ҳам бу бир неча диагностик жиҳатдан тематик синфга тегишли бўлади. Улар жисмоний таъсир этишни англатувчи ва эмоционал синфга ёки эмоционал-каузатив синфига тегишли феъллар бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, феълларни турли сатҳларда таснифлаш орқали уларнинг ички семантикасини изоҳлаб бериш, таҳлил этиш имкони кенглиги кўзга ташланади. Лексик-семантик тизимга луғавий ва фразеологик бирликларнинг маъно-мазмун муносабатлари, улар ташкил қиладиган гуруҳларнинг ўзига хос хусусиятлари, ўзаро алоқадорлик характери (лексик-парадигматик) ва тилнинг бошқа қуйи тизимлари билан боғлиқ томонлари, тил бирликларининг семантик ўзгаришидаги вариантлик сингари масалалар тааллуқлидир. Мазкур муносабатлар феълларнинг гуруҳ – семантик гуруҳларини тилнинг турли сатҳларида таснифлаш имкони кенг эканлигини англатади.

Инглиз тилида аспектнинг грамматик категория сифатидаги белгиси *Continuous* ва *Continuous* бўлмаган шаклларнинг оппозицияси сифатида қаралади. Чегараланган акционал хусусиятли феъллар *Continuous* шаклини олмайди, олган тақдирда ҳам жараён эмас, балки ходиса, деган хулосалар учрайди. Хусусан, акционал боғланганлик ходисаси сифатида *Continuous* (давомийлик) ва ўтган ноаниқ замон шаклини келтириш мумкин. Хусусан, *bent* (эгмоқ) “ходиса” ва *was bending* “жараён” сифатида кўрсатиш мумкин. Шу билан бирга инглиз тилида акционал боғланганликнинг морфологик бўлмаган ифодаланиш усуллари ҳам учрайди. Масалан: *give a cough* ‘йўталиб қўймоқ’ (ходиса) ва *have a cough* ‘йўтал (касалиги) бўлмоқ’ (жараён, ҳолат).

Ўзбек тили феъл системасига назар ташласак, аналитик шаклларни ташкил этувчи кўмакчи феъллар (Ўзбек тили грамматикаларида бу ҳақда сўз юритилмайди) аспектual маъноларни ифодалаш кўзга ташланади. Хусусан, интенсивлик, давомийлик, тугалланганлик, такрорийлик (итеративлик), бошланганлик, ҳолат ўзгариши, перфективлик ва шу каби бошқа аспектual маъноларнинг грамматик белгиларга (кўмакчи феъллар ёрдамида ифодаланиши) эгалиги билан инглиз ва рус тилларидан ажралиб туради. Жумладан, интенсивлик *бор, кет* кўмакчи феъллари ёрдамида ифодаланади: Масалан, Кун дам сайин исиб, гузар қизиб борар эди. Ғулом безовталиқ авжига минган сари, ашулага иштиёқи кучайиб борарди. Қизалоғим катта бўлгани сари, ўғлимнинг хотираси хаёлимдан ўчиб борарди (Ў. Ҳошим, 400). Ўзбегу қозоқлар, қирғизу туркманлар ҳам рақсга тушиб



кетдилар (С.Аҳмад, 40).

Хўш, ўзбек тилида мазкур тушунчалар қандай кўринишга эга. Албатта ушбу соҳада қилинган ишларнинг кам эканлигини инобатга оладиган бўлсак, ҳозирча аниқ хулосага келинган эмас. Хусусан, Ғ.Қ.Мирсанов ўз номзодлик диссертациясида инглиз ва ўзбек тилларида юриш-ҳаракат феълларининг акционал (чегараланганлик/чегараланмаганлик) хусусиятларини типологик таққослаш жараёнида ўзбек тилларида ҳам феълнинг акционал (чегараланганлик/чегараланмаганлик) хусусиятларини феъл лексемаси семантикаси доирасида таҳлил қилади ва мазкур ҳолат ўзбек тили етакчи ва кўмакчи феъллар бирикувини таснифлашда муҳим ўрин тутиши мумкин, деган фикрни келтиради.

Бу фикрга у чегараланган хусусиятли юриш-ҳаракат феъллари “қол” кўмакчи феъли билан бирикканда, тасодифий тугалланганлик маъносини англатиши ва чегараланмаган хусусиятли юриш-ҳаракат феъллари билан “қол” кўмакчи феъли бирикканда, бошланиб давом этиш маънолари вужудга келишини мисол тариқасида кўрсатади. Албатта, аниқроқ ва тўлиқроқ муносабат билдириш учун бу ҳолатлар камлик қилади. Бунинг учун кенг микёсда барча феълларни чегараланган ва чегараланмаган хусусиятларини аниқлаш ва уларнинг барча кўмакчи феъллар билан бирика олиш имкониятини аниқлаш ҳамда кўмакчи феъллар ёрдамида юзага келувчи маъноларни таққослаш талаб этилади. Шундан сўнггина бу борада аниқроқ фикр билдириш имкони яратилади.

Бундан ташқари, З.Вендлернинг фикрлари асосида предикатлар чегараланган, чегараланмаган турларга ажратиш орқали ҳам ўзбек тили феъл системасининг аспектиал хусусиятлари борасида бирор тўхтамга келиш мумкин

Феълларни тадқиқ қилиш ўз ичига феълларнинг лексик-семантик ва грамматик жиҳатларини ёритиш, асосан, феълнинг синтагматик хусусиятларини ўрганиш билан уйғунликда олиб борилади. Тилшуносликда тилнинг функционал томони унинг тузилиши ва ривожига таъсир кўрсатиши кўпгина томондан тан олинган, зеро тил нутқда яшайди ва ривожланади. Демак, тилнинг ривожланиши унинг функционал томони билан ҳам боғлиқ. Тил функционалликда муҳим ўрин тутган феъл бошқа сўз туркумларига нисбатан полисемантик эканлиги, шакл яшашдаги турлилиги, бойлиги, бирикмалар ҳосил қилиши ва улардаги маъноларни фарқлаши ҳамда маъно ўзгартира олиши билан фарқ қилади. Феълларнинг маънолар мажмуаси, лексик-семантик маъноларини аниқлаш учун уларни таснифлаш муҳим ўрин тутди.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Бондарко А. В. *Принципы функциональной грамматики и вопросы аспектологии*. – Л., 1983. – 208 с.
2. Канеко Ю., Петрухина Е. В. *Аспектиальная семантика в глагольных системах русского и японского языков (сопоставительный анализ фрагментов языковой картины мира)*. // *Вопросы Языкознания*, 2004. № 4. – С. 19-34.
3. Кодухов В. И. *Объектные отношения и сложноподчинение в предложении*. – Л., 1968. – 209 с.
4. Мирсанов Ғ. Қ. *Инглиз ва ўзбек тилларида юриш-ҳаракат феълларининг акционал ва аспектиал хусусиятлари*. Филол.фан.н. автореф. – Тошкент, 2009. – 21 б.
5. Michaela Porn. *Psychophysical and Physical Causative Emotion Verbs in Finnish: The Temporal Structure of Causative Emotion Verb + Infinitive I - Constructions within Conceptual Semantics* // *SKY Journal of Linguistics*. № 21. 2008. – P201–218.
6. Насилов Д. М. *Проблемы тюркской аспектологии: Акциональность*. – Л., 1989. – 208 с.
7. Оглоблин А. К. Харьковский В. С. *Петербургская типологическая школа*. // *Международная конференция, посвященная 50-летию петербургской типологической школы: Материалы и тезисы докладов*. – СПб.: Нестор-История, 2011. – С 9-17.

УДК: 811.512.133

**БУХОРО ТУМАН МИКРОТОПОНИМИЯСИДА ЭТНОТОПОНИМЛАРНИНГ ЎРНИ**  
**РОЛЬ ЭТНОТОПОНИМОВ В МИКРОТОПОНИМИИ БУХАРСКОЙ ОБЛАСТИ**  
**THE ROLE OF ETHNOTOPONYMS IN THE BUKHARA DISTRICT MICROTOPYNY**

*Адизова Нодира Бахтиёрвна*  
 БухДУ таянч докторанти

**Аннотация.** Мазкур мақолада Бухоро туманидаги айрим микротопонимларнинг номланишига асос бўлган халқ, миллат, шу жумладан, ўзбек халқининг уруғ ва қабилалар ҳақида фикр юритилган. Этнонимларнинг ўрганилиши билан боғлиқ ишларга муносабат билдирилиб, уларнинг хулосаларидан фойдаланилган. Шунингдек, этнотопонимларининг этимологик ва морфем жиҳатлари, улар таркибида учрайдиган айрим қўшимчалар таҳлил қилинган ва ўз фикр-мулоҳазалари баён этилган.

**Таянч сўзлар:** топоним, жой номи, ономастика, топонимия, антропонимия, этнос, микротопонимия, содда топоним, мураккаб топоним, топонегиз, гидроним, этнотопоним, этноним,

**Аннотация.** В этой статье рассматриваются племена и племена народа, нации, в том числе узбекского народа, которые являются основой названия какого-либо микротопонима Бухарском районе. Были использованы ответы на тематические исследования этнонимов и их выводы. Также анализируются этимологические и морфемный аспекты этнотопонимов и некоторых их добавок.

**Ключевые слова:** топоним, этноним, этнонимика, этнотопоним, название местности, ономастика, топонимия, топонимика, микро-макротопонимия, простые топоними, сложные топоним, топооснова, словообразовательный аффикс.

**Abstract.** This article discusses the people, the nation, the tribes and tribes of the Uzbek people, which were the basis of some microtoponymies in Bukhara District. Attitudes toward the study of ethnonyms are based on their conclusions. The etymological and morphemic aspects of ethnotoponymies, and some of their additions were analyzed.

**Key words:** toponym, ethnonym, ethnonymics, ethnotonym, locality name, onomastics, toponymy, toponymy, micro-macro-toponymy, simple toponyms, complex toponym, topographic base, word-forming affix.

Ҳар бир юртнинг энг азиз, ардокли қадриятларидан бири унинг номидир. Юрт вакиллари қаерда бўлмасинлар, бу номни фахр билан тилгаоладилар, шеър ёзиб, қўшиқ қилиб куйлайдилар, эслаб юрадилар. Ўзга юртларда ўз ҳамюртларини учратган кишилар учун уларнинг исмлари эмас, балки уларнинг ўзбекистонлик, бухоролик экани аҳамиятлироқ бўлиб, уларни қадрдон дўстларга айлантиради. Шунинг учун ҳам кишилар ўзлари яшайдиган кўча, маҳалла, қишлоқ ёки шаҳарларни номлашда уларнинг манзил функциясини (яъни бир географик объектни иккинчисидан ажратиш, фарқлаш ва аниқ ўрнини топиш) бажаришинигина эмас, балки юрт тимсоли бўлиб, маънавий қадриятга айланиб қолишига ҳам эътибор қаратганлар. Номларнинг маъносида мазкур жой ва у жойда яшовчи аҳолининг энг характерли, ўзига хос хусусиятларини акс эттиришга ҳаракат қилганлар.

Этнонимика соҳасининг ҳозирга қадар ҳал этилмаган ва мунозарали масалалари мавжуд. Булардан бири этнонимлар атоқлими ёки турдош отми эканлиги масаласидир. Олимлар бу ҳақда турлича фикр билдирадилар. Таникли топонимист В.А.Никоновнинг фикрича, ҳозирча бу масалада бир хил фикрга келиш қийин, чунки: “Бизда атоқли от назарияси хануз ишлаб чиқилмаган, атоқли ҳамда турдош отлар ўртасидаги чегара аниқланмаган экан, этнонимлар бу менияларнинг қайси бирига мансублиги ҳақида баҳс юритиш фойдасиздир” [4, 178].

А.В. Суперанская этнонимларни “Ономастикага кирмайдиган лексик категориялар” сарлавҳаси остида шарҳлайди [6, 5-12]. Атоқли отлар олдида қўйилувчи лингвистик белгилар нуқтаи назаридан этнонимларнинг атоқли отлар категориясига киритиб бўлмайди. Лекин этнонимлар атоқли от бўлмаса-да атоқли отлар билан, айниқса, антропонимлар ва топонимлар билан алоқадор лексик гуруҳлардир. Шу сабабли ҳам тилда этнонимдан ясалган топоним ва антропонимлар, айниқса, географик номлар кенг тарқалган.

Этнотопонимлар этнонимлардан ясалган топонимларгина бўлиб қолмай, ўз таркибида этнонимиянинг характерли ва бой фактик материалларини мужассамлаштирувчи лингвистик манба сифатида ҳам қимматлидир. Уларни ўрганиш, бундай номларга асосланган лексик бирликларнинг моҳиятини тўғри белгилаш кўп жиҳатдан халқ тилидаги этноним материалларнинг етарли равишда илмий тадқиқ этилганлиги билан боғлиқдир.

Туркий халқлар, жумладан, ўзбек халқининг уруғ ва қабилаларни, уларнинг шохобча ва тармоқларини илмий ўрганишда кўплаб машҳур рус тарихчи ва тилшуносларининг асарларидаги бу масалага оид фикр-мулоҳазалар муайян қимматга эга. Мана шу маънода Самарқанд вилояти аҳолиси этнонимияси юзасидан махсус тадқиқот ишлари олиб борган профессор Ҳ.Дониёров ва Фарғона воҳаси топонимиясидаги этнонимларни ўрганган тарих фанлари кандидати С.С.Губаева ва С.Қараевнинг изланишлари алоҳида аҳамиятга эга.

Этнонимлар атоқли от (топоним) вазифасига кўчгач, у маъно ва функциясига кўра ўзгаради. Аввал этноним сифатида кишиларнинг маълум ижтимоий тарихий гуруҳи, яъни этник гуруҳни англатган бўлса, энди у яқка тушунча билан боғлиқ бўлиб, яқка объектнинг номига айланади. Демак, бундай номларни этнотопонимлар деб юритиш номга асосланган этнотопонимларнинг лексик ва грамматик структурасини текширишдан иборат эмас, балки этнонимдан ясалган топонимнинг атоқли отнинг лингвистик белгиларини аниқлашдан иборат. Этник номлар топонимларга уруғ, қabila, элат халқ, миллатнинг номлари киради. Туркий тилларда, жумладан, ўзбек тилида этнонимлардан ясалган топонимлар кенг тарқалган ва бундай номлар “Этник белгилар асосида ясалган топонимлар”, “этнотопонимлар” деб юритилади [1, 64].

Ўзбек топонимиясини тадқиқ этиш бўйича амалга оширилган ишларнинг барчасида ўрганилаётган ҳудудда учрайдиган этнотопонимлар таҳлил қилинди.

Ўзбек топонимикасида этнотопонимлар махсус тадқиқ қилинган ишлар ҳам юзага келган. Биз бу ўринда А. Отажоновнинг Хоразм этнотопонимларига, А.Туробовнинг Самарқанд вилояти этноойконимларига бағишланган ишларини кўзда тутмоқдамиз. Ҳар иккала тадқиқотда ўрганилаётган ҳудуд топонимиясидаги этнонимик негизлар асосида ясалган номлар атрофлича таҳлил қилинган[5].

Бухоро тумани ҳудудида ўнлаб этнотопонимларни кузатиш мумкин. Мазкур ҳудуддаги этнотопонимларни уларнинг этнонимик негизига (топонегизига) кўра иккига ажратиш мумкин:

1. Негизида халқ, элат ёки миллат номи бўлган этнотопонимлар: Арабхона, Афғонон, Туркон, Хитоён, Ўзбакон.

Айтиш лозимки, Бухоро вилояти ҳудудида араб миллати номи асосида шаклланган этнотопонимлар кўп учрайди. Бу ҳолат Ўрта Осиёга арабларнинг кириб келиши билан изоҳланади.

Араблар Осиёнинг Форс қўлтиғи билан Ўрта денгиз ўртасидаги қисмида ва Шимолий Африкада яшовчи, сомиий тилларидан бирида сўзлашувчи халқ номи [7, 50]. 6-7-асрларда айрим араб элатлари бирлашди ва Араб халифалиги ташкил этилди. Улар босқинчилик юришлари натижасида бошқа халқлар ҳудудига ҳам тарқалиб кетди. Шулардан бири Ўрта Осиё арабларидир. Улар шу ҳудудда яшаб, ўзларини араб деб номловчи этник гуруҳ бўлиб, аждодлари 7-14-асрлар давомида келиб ўрнашиб олган. Ўзбек, туркман ва тожик миллатининг таркибига кирган. Ўрта Осиё арабларининг асосий қисми Ўзбекистоннинг Бухоро, Самаранд ва Қашқадарё вилоятларида, шунингдек, Фарғона водийсининг шимолий-шарқий қисмида яшайди [7, 388].

Ҳар қандай этномаданий алоқалар тилда ўз аксини топмай қолмайди. Арабларнинг,

## TILSHUNOSLIK

хусусан, Бухоро ҳудудга кириб келиши туфайли узоқ давом этган этник-миграцион жараёнлардан сўнг воҳа аҳолисининг этник шаклланиши янада мураккаблашди, араб тилига хос сўзлар тилимизга ўзлаша бошлади. Араб этноними билан боғлиқ номлар вилоятнинг шаҳар ва туманлари ҳудудида Арабон (Бухоро шаҳри, Ромитан тумани), Араблар (Жондор, Шофиркон, Гиждувон туманлари), Арабхона (Бухоро, Вобкент, Жондор, Когон, Олот, Ромитан туманлари), Катта Араблар (Вобкент тумани), Катта Арабхона (Шофиркон тумани), Қалъаи Мир Араб (Шофиркон туман), Юқори Арабхона (Вобкент, Ромитан туманлари), Арабсарой (Вобкент, Жондор туманлари), Тароб Арабхона (Жондор тумани), Арабгузар (Пешкў тумани), Арабдиёр (Пешкў тумани), Арабабдал (Шофиркон тумани) шаклида учрайди.

2. Негизда урғу, қабила ва уларнинг майда шахобчалари номи бўлган этнотопонимлар: Ёбухона, Оғар, Работи Қалмоқ, Юзон, Ўба, Манғитон. Шундай номлардан бири **Манғит** топонимидир. Мазкур топоним Бухорода Манғит, Манғитон; Самарқандда Манғитобод, Манғитон, Манғиттепа, Оқманғит; Хоразмда Манғитсолма, Манғитёп; Қашқадарёда Манғит, Манғиттўп каби қишлоқ номи сифатида қайд этилса, Қорақалпоғистон Республикасида эса туман номи сифатида мавжуд.

Манғит ўзбек халқи таркибидаги энг қадимий, йирик қабила бўлиб, унинг оқманғит, қораманғит, чолманғит, чаламанғит каби тармоқлари мавжуд.

Манғит – туркий, мўғул, тунгус-манжур тилларига, яъни уларнинг ўтмишдаги олтой боботилига тегишли сўз. Мўғулча шакли мянгад бўлиб, рус тилшунослари мангол қабиласи сифатида изоҳлаганини кузатиш мумкин [2, 254].

Мўғул тилида манг – минг (1000) маъносини ифодалаш инобатга олинса, манғит – минг деган маънони англатади. Бу туркийларнинг қирк, юз (жуз) каби уруғ номлари билан алоқадор [3, 162].

Топонимнинг этнотопоним экани, яъни номи негизда этник лексика мавжудлигини аниқлаш баъзан қийинчилик туғдиради. Мана шундай ҳолларда топонимнинг таркибидаги баъзи кўрсаткичларга эътибор бериш лозим. Одатда, таркибида –тўп, -ли, -чи, -лар, -он, -ён, кўшимчалари бўлган жой номлари этнотопоним ҳисобланади.

Бухоро тумани этнотопонимларининг кўпчилиги таркибида –он, -ён, кўшимчалари мавжуд номлар ташкил қилади. Кўпчилик тушунчасини ифода этувчи бу тожикча аффикс ўзбекча –лар, кўшимчасига тўғри келади. Ушбу кўшимчалар Бухоро туманидаги бошқа тожикча топонимлар таркибида ҳам учрайди. Чунончи, Бўлама хўрон, Боғикалон, Мешкарон, Мўғулон, Мулки Саидон, Маликон, Хўжахайрон, Ҳалвогарон, Работипоён, Сўфиён, Хитоён, Юринпоён, Қорақўлиён, Сўлакиён, Дабиён, Талалиён ва бошқалар.

Халқнинг этник таркибини англатувчи номлар (этнотопонимлар) жамият тараққиёти ва дунё цивилизациясининг таъсири натижасида йўқола борса-да, улар ҳудуднинг топонимик умумий фондида сақланиб қолган.

Этнотопонимларнинг маъносини талқин этиш борасида анча мунозарали жиҳатлар мавжуд. Баъзи ишларда этнотопонимнинг (топонимнинг) маъно ва этимологияси деб, унинг негизда бўлган этнонимнинг маъно ва этимологияси талқин қилинади. Бунга қўшилиш қийин. Аслида этнотопонимларнинг маъноси содда, яъни ҳар қандай этнотопоним ўзи мансуб бўлган ҳудудда ўтмишда этнонимда ифодаланган этник гуруҳ яшагани ёки уларнинг авлоди ҳозирда яшаётгани ҳақида дарак беради.

## АДАБИЁТЛАР

1. Бегматов Э. Жой номлари–маънавият кўзгуси. – Тошкент: Маънавият, 1998.- 64 б.
2. Монгольско-русский словарь. – Москва, 1957. - С. 254.
3. Нафасов Т. Қашқадарё қишлоқномаси. Қашқадарё вилояти қишлоқлари номининг тадқиқи. – Тошкент: Мухаррир, 2009, 161-б.
4. Никонов В.А. Введение в топонимику. – Москва: Наука, 1965. - 178 с.
5. Отажонов А. Хоразм этнотопонимлари. – Тошкент: Фан, 1997, 128б.; Туробов А. Самарқанд Вилояти этноойконимларининг таҳлили. Филол.фанл.номз.диссер. – Тошкент, 1999.
6. Суперанская А.В. Лингвистические аспекты ономастических исследований. // Вопросы ономастики. – Самарқанд, СамГУ, 1976, -С 5-12.



7. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 2 томлик, 1-том. – Москва: Русский язык, 1981, 50-б.  
 8. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 12 жилдлик, 1-жилд. Тошкент: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2000, 388-б.

УДК: 81'373.2

**“ЙИЛ ФАССЛАРИ” КОНЦЕПТОСФЕРАСИНИНГ ДУНЁ ТИЛ  
 МАНЗАРАСИДА АКС ЭТТИРИЛИШИ**

**РЕПРЕЗЕНТАЦИЯ КОНЦЕПТОСФЕРЫ «ВРЕМЕНА ГОДА»  
 В ЯЗЫКОВОЙ КАРТИНЕ МИРА**

**THE REPRESENTATION OF THE CONCEPT SPHERE “SEASONS”  
 IN THE LANGUAGE PICTURE OF THE WORLD**

*Носиров Отабек Тимурович*

*ст. преп. каф. русского языка и литературы БухГУ*

**Аннотация.** Ушбу мақолада ҳозирги даврда маданиятлараро алоқаларнинг жадаллашиши масаллари ва ушбу алоқларни самарадорлигини оширишга йўналтирилган кўпчилик соҳа вакилларининг интилишлари ўз аксини топган. Мазкур муаммо “Йил фасллари” концептосфераси табиий, географик, кунлик ҳайтида, диний ва бошқа ўзига хос хусусиятларни акс эттирувчи маданий концептлар категорияси мисолида ўрганилган. “Йил фасллари” (қиш, баҳор, ёз, куз) концептосферасининг мазмуни ўзбек ва рус маданиятининг маданий қадриятлари доминантлари билан боғлиқ, этномаданий фарқлари эса концептнинг ҳар бир қатламида этимологик, семантик, қиёфа, тушунча, тасаввур ва рамзий даражаларда ўз аксини топган.

**Таянч сўзлар:** концепт, тил бирлиги, лингвистик тадқиқотлар, концептосфера, миллий тафаккур, дунёнинг лингвистик манзараси, этник анъаналар, маънавий қадриятлар.

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются вопросы интенсификации межкультурных контактов в современную эпоху и стремление представителей многих областей знания сделать эти контакты максимально эффективными. Эта проблема рассмотрена на примере концептосферы времена года в категории культурных концептов, репрезентирующих природные, географические, бытовые, религиозные и другие особенности. Содержание концептосфер времен года (зима, весна, лето, осень) связано с культурно-ценностными доминантами русской и узбекской культур, а их этнокультурные отличия проявляются в каждом из слоев концепта на этимологическом, семантическом, образном, понятийном, ассоциативном, символическом уровнях.

**Ключевые слова:** концепт, языковая единица, лингвистические исследования, концептосфера, национальное мышление, языковая картина мира, этнические традиции, духовные ценности.

**Abstract.** This article discusses the intensification of intercultural contacts in the modern era and the desire of representatives of many fields of knowledge to make these contacts as effective as possible. This problem is considered on the example of the concept sphere seasons in the category of cultural concepts representing natural, geographical, everyday, religious and other features. The content of the conceptual spheres of the seasons (winter, spring, summer, autumn) is associated with the cultural and value dominants of Russian and Uzbek cultures, and their ethno cultural differences are manifested in each of the layers of the concept at the etymological, semantic, figurative, conceptual, associative, symbolic levels.

**Key words:** concept, language unit, linguistic research, concept sphere, national thinking, linguistic picture of the world, ethnic traditions, spiritual values.

**Введение.** Современная лингвистика, и когнитивная лингвистика в частности, наряду с



терминами «концепт» и «концептосфера», активно оперируют терминологическим сочетанием «языковая картина мира» и «репрезентация». Это широко распространенные и активно развивающиеся в настоящее время термины объектом своего изучения определяют те невидимые глазу процессы, в ходе которых тонкие ментальные элементы национально-культурного наследия закрепляются в сознании/подсознании как индивида, так и коллектива, народа, и нации в целом, и как данные ментальные элементы в дальнейшем реализуются вербально, в процессе речевых актов, являясь результатом взаимодействия мышления, окружающей действительности, эмоциональных реакций и языка (речи).

**Основная часть.** Становление термина «языковая картина мира» характеризует его гибкость и универсальность, поскольку само понятие «картина мира» возникло с развитием физики на рубеже XIX–XX веков, и был перенято философскими науками для обозначения системы образов, взаимосвязанно отражающих всю совокупность достигнутых наукой результатов познания мира. В течение XX века, понятие «картина мира» заинтересовались исследователи, изучающие семиотику, как фактор, важный для языка и мифа, религии, фольклора, поэзии, кино, живописи, архитектуры, т.е. различных аспектов искусства. Понятие перекочевало и в лингвистику, и мы наблюдаем, что терминосочетание «языковая картина мира» присутствует в работах многих известных лингвистов: Ю. Н. Караулова [8], В.Н.Телии [22] Г.В.Колшанского [12], Б.А.Серебренникова [21], Н.Д.Арутюновой [1], О.А.Корнилова [13], Н.С.Новиковой и Н.В.Черемисиной [17], Н.И.Сукаленко [20], Н.Л.Чулкиной [24], Е.С.Яковлевой [27] и др.

Термин «репрезентация» же имеет более глубокие исторические корни и является инструментом опосредованного познания, который позволяет увидеть отсутствующий предмет путем его замены «изображением», способным воскресить предмет в памяти или «описать» его таким, каков он есть, пишет К. Гинзбург в своем исследовании «Репрезентация: Слово, Идея, Вещь» [Гинзбург, 1998].

В отличие от понятия «картина мира», «языковая картина мира» указывает на то, что носителем картины мира является язык, проявляющийся через речь, а богатство и разнообразие языковой картины мира у индивида (языковой личности) зависит от уровня его/ее развития, эрудированности, от базовых и профессиональных знаний и жизненного опыта. Как отмечает А. Вежбицкая, язык антропоцентричен: он предназначен для человека, и вся языковая категоризация объектов и явлений внешнего мира ориентирована на человека; это общая черта всех языков. К тому же, каждый язык национально специфичен, поскольку в нем отражаются не только особенности природных условий или культуры, но и своеобразие национального характера носителей данного языка. Язык отражает условия существования его народа и содержит имена и реалии, специфические для данного народа [3 с.21].

Единицами языковой картины мира являются вербализированные ментальные образования, категоризирующие действительность, то есть концепты и фреймы. Однако, проведение границы между этими двумя явлениями задача сложная, на что указывал Ю.Н. Караулов, который писал, что граница между картиной мира (как отражением реального мира) и языковой картиной мира (как фиксацией этого отражения) существуют сложные отношения, поскольку границы между ними кажутся зыбкими, неопределенными [8 с. 271].

Н.Н. Гончарова, в работе посвященной языковой картине мира, как объекту лингвистического описания, указывает на следующие различия между картиной мира и языковой картиной мира. Мир – это человек и среда в их взаимодействии. Отражение мира в сознании, представления человека о мире, информация о среде и человеке – это картина мира. Информация о среде и человеке, переработанная и зафиксированная в языке, – это языковая картина мира [4, с.398].

Таким образом, по мнению Н.Н. Гончаровой, человек (языковая личность) или некое сообщество людей (языковых личностей, объединенных каким-то фактором), являются носителем (носителями) обоих явлений – картины мира, и языковой картины мира, а значит, целесообразно говорить об индивидуальной и коллективной картинах мира, источниками формирования которой могут быть следующие ресурсы: врожденное знание (инстинкт);

знание, полученное человеком в результате его практического взаимодействия с природой и социумом; знание, полученное из текстов, с которыми человек знакомится на протяжении всей жизни, знание, выработанное в процессе мышления; знание, внушенное родным языком.

Такое внушенное родным языком знание В.В. Морковкин и А.В. Морковкина в своих работах определяли, как «когнитивное наследство, как предоставляемый этносом стартовый капитал» [16, с. 32-43]. Например, «Концептосфера А. Меня» [6], «Языковая картина мира студента» [26], «Концепт «грех» в национальных языковых картинах мира» [20], «Правый и Левый в русской языковой картине мира» [11] и др.

Все вышеперечисленные источники, то есть знания, полученные, теоретическим, практическим или эмпирическим путем, знания, внушенные языком, в той или иной степени поставляют информацию человеку (коллективу) о картине мира, тогда как языковая же картина мира основана только на знании, внушенном родным языком, его единицами и категориями. Тем не менее, следует учитывать, что любое знание, которым обладает языковая личность, в той или иной мере обусловлено языком как средством коммуникации и вербализации ментального образования – картины мира.

Н.Н. Гончарова характеризует языковую картину мира как явление глобального (общечеловеческого) масштаба, поскольку она включает в себе логику человеческого мышления, и, учитывая, что человеческое мышление осуществляется по единым законам, то и картины мира у всех людей имеют общие черты. Однако, пишет Н.Н. Гончарова, следует учитывать, что у представителей разных эпох, разных социальных и возрастных групп, картины мира могут различаться.

Следовательно, люди, говорящие на разных языках, могут иметь схожие картины мира, если люди находятся в схожих условиях, а люди, говорящие на одном языке, могут наоборот, иметь разные картины мира <...> Языковая картина мира – целостный, глобальный образ мира, который является результатом всей духовной активности человека, она возникает у человека в ходе всех его контактов с миром [4, с.398-399].

Ж.Н. Маслова рассматривает языковую картину мира по отношению к картине мира как частное к целому, как узкий аспект картины мира, исторически сложившийся в обыденном сознании данного языкового коллектива [14, с.149]. Мы поддерживаем точку зрения Ж.Н. Масловой, поскольку считаем, что знание, полученное индивидом из родного языка, превосходит по объему, качеству и количеству знание, полученное из всех других источников. Таким образом, языковая картина мира, будучи частью картины мира, не может полностью ее перекрыть, но отображает какую-то ее часть [5, с. 46].

Тонким отличием картины мира и языковой картины мира служит скорость и гибкость процессов изменения. Считается, что в процессе познания мира человек постоянно развивает, корректирует картину мира, и это происходит довольно быстро (ярким примером в этом случае может служить влияние на сознание социальных сетей в Интернет, в котором потоки разнообразной информации обрушиваются на пользователя за короткий промежуток времени).

Языковая же картина мира, как считают некоторые исследователи, изменяется медленнее, она более консервативна и долго хранит архаичные элементы ранних картин. Эти элементы служат основой для создания новой картины мира, они в процессе познания наполняются новым смыслом. При этом языковая картина мира способна содержать в себе и устаревшие, и новые картины мира. С точки зрения В.Б. Касевича, расхождения возникают между архаической и семантической системой языка и той актуальной ментальной моделью, которая действительна для данного языкового коллектива, и проявляется в порождаемых им текстах, а также в закономерностях его поведения» [10].

Таким образом, объектом изучения лингвистики является языковая картина мира, поскольку ее выражение осуществляется через язык и, следовательно, не может рассматриваться в отрыве от лексики, поскольку языковая картина мира репрезентируется всеми уровнями языковой системы национального языка: слова, формативы и средства связи

между предложениями, а также синтаксические конструкции» [21, с. 107].

Н.Д. Шведова представляет структуру языковой картины мира иллюстративно, как полотно с изображенной на нем вершиной и с обращенными к ней участками, компоненты которых располагаются по принципу ступенчатого сужения. В вершине этого изображения стоит человек; к этой вершине обращены две главенствующие ветви: «сам человек, его жизнедеятельность и ее плоды» и «его окружение, сфера его существования». Именно такое первичное членение соответствует восприятию человеком самого себя и того, что существует вокруг него и «для него» [25, с. 15]. Ветви членятся на множество отдельных фрагментов, каждый из которых делится на многокомпонентные участки, внутри компонентов существует свое деление на составные части в соответствии с иерархией отношений. Так, по мнению Н.Д. Шведовой, проявляется многоплоскостность, многофрагментность и иерархичность языковой картины мира [25, с. 15].

Выделение языковой картины мира целесообразно производить соответственно компонентам общенационального языка. Помимо художественной, поэтической, литературной языковой картины мира, существует широкий спектр репрезентаций языковой картины мира по различным аспектам, например: территориальность, профессия, мировоззрение, социальный слой, религия, национальный менталитет и культурные особенности и так далее.

Наиболее наглядно характер языковой картины мира представлен в лексике, поскольку через лексику и лексические гнезда возможно выделение отдельных объектов, на которые нацелено внимание носителя языка как в целом, так в частности. Связь картины мира и слова обусловлена непосредственной обращенностью лексической системы к жизни общества, социальной направленностью, что определяет и другие ее специфические черты: открытость, проницаемость, множественность составляющих

Учитывая ведущую роль лексики в формировании и репрезентации языковой картины мира, не следует забывать и о различных текстах, являющихся «воплощителями» языковой картины мира: поэтические, научные, философские, публицистические, пословицы и поговорки. Таким образом, языковая картина мира репрезентируется как на уровне единицы языка, так и на уровне разного рода текстов, а выражаемые в языке значения складываются в некую единую систему взглядов, своего рода коллективную философию, присущую всему лингвокультурному сообществу [2].

В рамках нашего исследования мы проведем анализ русской и узбекской языковой картины мира на материале художественных произведений русской и узбекской литературы на выявление национально-культурных содержательных компонентов и репрезентации в языке и речи концептосферы «Времена года». Отбор и систематизация лингвистического и лингвокультурологического материала на тему «Времена года» позволит провести лингвистический анализ употребления ключевых слов «осень», «зима», «весна», «лето» в современном русском и узбекском языках, выявить словесные образы времен года в русской и узбекской художественной литературе, а также составить лексико-семантические поля времен года на основе полученных наблюдений, а также на основе ассоциативного анализа.

Выделение экстралингвистических (лингвокультурологических и лингвострановедческих) компонентов в структуре концептосферы «Времена года» позволит определить лингвистическую и национально-культурную специфику указанных концептов в русской и узбекской языковой картине мира путем сопоставления репрезентантов указанных концептов в русском и узбекском языках и культуре русского и узбекского народов.

Цикличность природных явлений, заключенная в концептосфере «Времена года», отражается в семантике микросистемы времени, в их семантических связях между собой и другими словами, составляющих общую систему языка. Исторически, инструментом упорядочения знаний об окружающей действительности стал календарь, универсальное устройство счета времени и смены природных сезонов, поскольку в его основе лежит периодичность природных явлений, смена времен года (зима-весна-лето-осень; день-неделя-месяц-год, и т.д.).

Такое деление основано на ритмах жизни в естественной среде обитания, обусловленной исторически, территориально, и географически. Изучение концептосферы «Времена года» и ее репрезентации в языке и речи в сопоставительном аспекте на материале разноструктурных языков (русского и узбекского) актуально ёмким, национально-специфическим наполнением данной концептосферы, поскольку наполняющие ее компоненты концепты представляют собой мыслительные единицы коллективного сознания, входят в категорию культурных концептов, а также являются «единицами национальных концептосфер» [19, с. 6].

Семантическая наполняемость концептов, присутствующих в концептосфере «времена года» составляет различные особенности любой лингвокультуры: природные, географические, бытовые, религиозные и т.д. и связано с культурно-ценностными доминантами этой и других концептосфер.

Таким образом, концептосфера «Времена года» является одним из наиболее важной в концептосфере любой национальной языковой картины мира и, на наш взгляд, может быть отнесено к категории универсальных концептосфер, с наполняющими концептами, имеющимися в разных языках и культурах: специальные как собственно лингвистические, так и экстралингвистические (лингвопоэтические и лингвокультурологические) способы выражения. Например, в русской языковой картине мира концепты «зима», «весна», «лето» и «осень» как составляющие единой концептосферы «времена года» представляют собой структурированное лексико-семантическое поле, включающее как базовые, ключевые для концепта – средства языкового выражения (лексемы, словосочетания, фразеологизмы, прецедентные имена, словесные образы и т.п.), актуальные для современного словоупотребления.

Например, сами концепты зима-весна-лето-осень не претерпели изменений в языке за века: «...**весна** наречется, яко дева, украшена красотой и добротой, сияюще чудно и преславно... **Лето** же нарецается муж тих, богат и красен, питая многи человеки и смотря о своем дому, и любя дело прилежно, и без лености возстая заутра до вечера и делая без покоя. **Осень** подобна жене уже старе и богате и многочадне; иногда печальна от скудости плод земных и глада человеком, а иногда весела сущи, рекше ведрена и обильна плодом всем, и тиха и безмятежна. **Зима** же подобна мачехе злой и нестройной и нежалостливой, яре и немилостиве; егда милует, но и тогда казнит; егда добра, но и тогда знобит, подобно трясавице, и гладом морит, и мучит грех ради наших» [29], так и периферийные элементы (устаревшие, деактуализированные или индивидуально-авторские единицы, сохраняющиеся тем не менее в пассивном запасе русского языка, например, названия месяцев, отображающие присущие природные явления: февраль – снежень, декабрь – студень, октябрь - листопад [28].

Таким образом, на вышеприведенных примерах мы видим, как концепты «зима», «весна», «лето» и «осень» в русской языковой картине мира аккумулируют в семантике составляющих их лексических единиц как различные реальные признаки отображаемых объектов действительности (состояние природы и погоды: цвета, звуки, запахи, температура и т.п.), так и прагматически связанные с ними и выражаемые языковыми средствами чувства, оценки, определенные ассоциации носителей языка, обусловленные языковыми и культурными традициями русского народа: национальными и государственными праздниками, религиозными и языческими обрядами, событиями и именами, что находит соответствующее выражение в языке. Например, в узбекском языке:

После навруза зиме не бывать, после мизана – лету (Навруз – прежде день Нового года, совпадавший с днем весеннего равноденствия – 21 марта; мизан – название месяца старого солнечного календаря (соответствует 20 сентября - 20 октября) [30] или Ёмғир билан ер кўқарар, дуо билан эл кўқарар – От дождя сад оживает, от благословения народ процветает – пословица, построенная на ассоциации с влиянием дождя на растительность после присущего региону долгого, жаркого и засушливого лета, с метафорическим переносом на мировоззрение о благе народа [30].



Своеобразие данных концептов в художественной картине мира, по сравнению с общеязыковой, заключается, с одной стороны, в общелитературных традициях, что позволяет говорить об общепозитической картине мира, а с другой – в разработанности ряда индивидуально-авторских словесных образов времен года, в расширении состава семантических компонентов концепта. В разноструктурных русском и узбекском языках и культурах имеются как общие черты понимания каждого времени года, как природного явления, так и присутствуют и различия, обусловленные разницей культурных традиций. Результатом контаминации культур, отличных друг от друга, становятся произведения культуры и искусства, прозы и поэзии.

Так, например, этнические русские жители Узбекистана, в отличие от русских – коренных жителей России, воспринимают узбекское лето также как и узбеки – как засушливую жаркую пору, во время которой вызревает хлопок и различные фрукты, а например, весну – как пору цветения тюльпанов в горах или маков в степи. Поэтому можно смело предположить, что стихотворения Ильяс Муслима, переведенные на русский язык и посвященные временам года, в которых представлены параллели «время года» – «определенное растение, присущее этому времени года», а сравнение снега с хлопком или метафора о хлопке как о снеге будут восприняты и поняты школьниками-узбекистанцами без тех пояснений о природе и климате Узбекистана, которые необходимо было привести для школьников-россиян. Например:

И вот ночью темною в поле  
**Весна** зашумела дождями,  
 А утром **степное раздолье**  
 Украсилось щедро цветами.  
 И за ночь одну на дувале,  
 На крыше, на старом бараке,  
**Встречая весну, запылали**  
**Веселые яркие маки.**

(Ильяс Муслим «Маки»)

Или:

Люди **август** уважают,  
**Август – месяц урожая:**  
 И в саду не уставай,  
 И на поле успевай!  
 Выйди в поле!  
**Словно звезды,**  
**Там коробочки блестят.**  
 Ароматом полон воздух –  
 Мёдом пахнет виноград...

(Ильяс Муслим «Август»)

Или:

**Снежком** засыпана земля,  
 Не видно даже тропок,  
 И даль похожа на поля,  
 Где белый-белый **хлопок**. (Куддус Мухаммади «Зимнее утро»)

Тогда как строки из стихотворения Н.А. Некрасова «Однажды, **в студеную зимнюю пору** // Я из лесу вышел; был сильный мороз», или строки из произведений А.С. Пушкина о суровой зиме, трескучих морозах, пасмурном декабре, злой вьюге, легче осознаваемы для детей, привычных к русской зиме, и могут потребовать дополнительных разъяснений учителем для школьников-узбекистанцев, привыкших к мягкой и малоснежной зимней погоде с кратковременным похолоданием.

Интересным примером, кроме поэзии и прозы, служат и средства массовой информации, как например, в интернет-блоге велоекспедиция «Дети мира» – проекте, участники которого путешествуют на велосипедах по всей Земле и доставляют таким



необычным способом «живые» письма российских школьников своим сверстникам за рубежом, прокладывая «маршруты дружбы» [31]: «Вчера услышал *совершенно новое для себя слово*, несмотря на то, что в Узбекистане был дважды. В процессе подготовки экспедиции общаюсь с разными людьми. Многие дают ценные советы. И вот мне сказали, что в Средней Азии я попаду в самую **ЧИЛЛЮ**.

А что такое **ЧИЛЛЯ**?

Век живи — век учись!» [31]

Таким образом, с детства, накладываясь на национально-культурные особенности, мировоззрение и собственную языковую культуру, формируется структура фрейма «времена года», образные связи которого имеют ярко выраженную, в частности, национальную особенность. Понимание языковой картины мира как материализации национального видения мира практически не поддаётся логическому исчислению или кодификации, поскольку такие феномены как красота языка, эстетическое удовольствие от понимания скрытых значений, и тому подобное выходят за рамки логического описания, и относятся к сфере эмоциональной интерпретации языковых фактов.

В этом смысле понятие языковой картины мира и шире, и менее определённо, чем понятие лексико-семантической системы языка, но, тем не менее, именно через лексику происходит воплощение, вербализация языковой картины мира, передача национального мироощущения, мироосмысления и мирооценки.

Овладение необходимым объемом лингвокультурных и лингвострановедческих знаний, формирующих языковую картину мира человека, говорящего на неродном языке, дает ключ к пониманию национального характера, национальной ментальности. Для билингов и полилингов, которыми являются многие жители Узбекистана, языковая картина мира может быть представлена в виде фреймовой сети, состоящей из фреймов-образов на основе русского и узбекского языков, узбекского и русского языков, узбекского, русского и таджикского языков, и т.д. При репрезентации стереотипных ситуаций в процессе социализации такая фреймовая сеть служит мостом между культурами и способствует развитию способности к взаимопониманию между народами.

Интенсификация межкультурных контактов в современную эпоху и стремление представителей многих областей знания сделать эти контакты максимально эффективными, целесообразны в случае максимально возможного представления её участников о национально-специфических чертах национального склада мышления партнёров по коммуникации. В наибольшей мере специфика национального характера и менталитета отражена в национальном языке, являющемся важнейшим фактором, заключающимся в формировании в коллективном языковом сознании целостного представления конкретного народа о мире, в формировании его уникальной точки зрения на мир.

Так, концептосфера времена года входит в категорию культурных концептов, репрезентирующих природные, географические, бытовые, религиозные и другие особенности любой из лингвокультур. Содержание концептосферы времен года (зима, весна, лето, осень) связано с культурно-ценностными доминантами русской и узбекской культур, а их этнокультурные отличия проявляются в каждом из слоев концепта на этимологическом, семантическом, образном, понятийном, ассоциативном и символическом уровнях.

**Заключение.** В сознании носителей, как русского, так и узбекского языков, составляющие концептосферы времена года связываются с определенными погодными явлениями, праздниками, сельскохозяйственными работами, поэтому при формировании лингвокультурной компетенции, центральное место занимают тексты, как трансляторы и хранители знаний: 1) художественные, публицистические, разговорно-бытовые, в которых присутствует информативный, оценочно-эмоциональный компоненты; 2) тексты устного народного творчества (сказки, былины, пословицы, поговорки, фразеологические единицы) с семантикой сезонности, где заложена мудрость поколений.

Однако, в Узбекистане, где бок о бок проживают представители различных национальностей, сложилась уникальная ситуация, когда у части населения через восприятие

## TILSHUNOSLIK

текстов на родном языке (русском, узбекском) и окружающей действительности, языковая картина мира содержит знания двух культур, тем самым увеличивается количество смысловых и ассоциативных связей, расширяется когнитивная база в сознании говорящего. Ведь чем богаче культурный опыт человека, тем богаче его язык. Таким образом, осознание ценности национальных языков, как производных национальных менталитетов, и как важных культуuroобразующих категорий неизбежно влечёт за собой стремление максимально полно и всесторонне интерпретировать язык.

## ЛИТЕРАТУРА

1. Арутюнова Н. *Язык и мир человека*. – М., 1999. – С. 793.
2. Абдурахманова А. К. *Способы номинации лиц как отражение языковой картины мира в узбекском и русском языках: Автореф. дисс... канд. филол. наук.* – Ташкент, 2007. – 24с.
3. Вежбицкая А. *Семантические универсалии и описание языков*. – М.: Языки русской культуры, 1999. – 776 с.
4. Гончарова Н.Н. *Языковая картина мира как объект лингвистического описания*. // *Известия Тульского государственного университета. Гуманитарные науки*. – Тула, 2012 – С.396-405.
5. Залевская А.А. «Образ мира» и «языковая картина мира». // *Картина мира и способы ее репрезентации: научные доклады конференции «Национальные картины мира: язык, литература, культура, образование» (21 – 24 апреля 2003 г., Курск)* / ред. Л.И. Гришаева, М.К. Попова. – Воронеж: ВГУ, 2003. С. 41-47.
6. Камышиников А.А. *Концептосфера А. Меня // автореф-т дисс. на соиск. учен. степ. к. филол.наук.: Спец.10.02.01 / Камышиников, Александр Александрович [Таганрог. гос. пед. ун-т]. – Таганрог: 2006. – 20 с.*
7. Караулов Ю.Н. *Общая и русская идеография*. – М.: Наука, 1976.356 с.
8. Караулов Ю.Н. *Русский язык и языковая личность. Текст / Ю.Н. Караулова. Изд. 6-е.* – Москва, ЛКИ КОМКНИГА, 2007. – 264 с.
9. Карло Гинзбург. *Репрезентация: Слово, Идея, Вещь*. // *Журнал "НЛО" № 33, 1998* <http://philosophystorm.org/article/karlo-ginzburg-reprezentatsiya-slovo-ideya-veshch> Last visited: 21.09.2019
10. Касевич В.Б. *О когнитивной лингвистике // Общее языкознание и теория грамматики*. – СПб, 1998.
11. Киселева И.В. *Правый и Левый в русской языковой картине мира // автореф-т дисс. на соиск. учен. степ. к. филол.наук.: Спец.10.02.01 / Киселева, Инна Викторовна [МГУ им. М.В. Ломоносова]. – Москва, 2012. – 24 с.*
12. Колшанский Г. В. *Объективная картина мира в познании и языке*. – М.: Наука, 1990. – 103 с.
13. Корнилов О. А. *Языковые картины мира как производные национальных менталитетов*. — М., 2002.
14. Маслова В.А. *Когнитивная лингвистика: учеб. пособие*. – Мн.: ТетраСистемс, 2004.256 с.
15. Маслова Ж.Н. *Поэтическая картина мира и ее репрезентация в языке // Альманах современной науки и образования*. – Тамбов: Грамота, 2007. № 3 (3): в 3-х ч. Ч. I. С. 149-151. ISSN 1993-5552. Адрес журнала: [www.gramota.net/editions/1.html](http://www.gramota.net/editions/1.html) Last visited 30.09.2019
16. Морковкин В.В., Морковкина А.В. *Русские агнонимы*. – М.,1996. 415 с.
17. Новикова Н. С., Черемисина Н. В. *Многомирие в реалии и общая типология языковых картин мира*. // *Филологические науки*. – 2000. – № 1. – С. 40-49.
18. Нурманов Ф.И. *Миф – важный компонент языковой картины мира*. // *Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук*, 2015 № 5-1. – С.276-278.
19. Постовалова В.И. *Картина мира в жизнедеятельности человека // Роль человеческого фактора в языке: Язык и картина мира / отв. ред Б.А.Серебрянников*. – М.: Наука, 1988. – С. 8-69.
20. Семухина Е.А. *Концепт "грех" в национальных языковых картинах мира // автореф-т дисс. на соиск. учен. степ. к. филол.наук.: Спец.10.02.19 / Семухина, Елена Александровна [Саратов. гос. ун-т]. – Саратов: 2008. – 21 с.*
21. Серебрянников Б.А. *Роль человеческого фактора в языке: Язык и мышление / отв. ред. В.М. Солнцев*. – М.: Наука, 1988. 244 с.
20. Сукаленко Н. И. *Отражение обыденного сознания в образной языковой картине мира*. – Киев: Наукова думка, 1992. – 164 с.
22. Теля В. Н. *Метафоризация и её роль в создании языковой картины мира // Роль человеческого фактора в языке. Язык и картина мира*. – М., 1988.
23. Хасанова Г.Х. *Национальная культурная картина мира*. // *Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук*, 2015 № 5-1. – С.299-301.
24. Чулкина Н. Л. *Мир повседневности в языковом сознании русских: Лингвокультурологическое описание. Изд.3, стереот.* – М., 2009. – 256 с.
25. Шведова Н.Ю. *Теоретические результаты, полученные в работе над «Русским семантическим словарем»*. // *Вопросы языкознания*,1999. № 1. – С. 3-16.
26. Шелховская М.Р. *Языковая картина мира студента // автореф-т дисс. на соиск. учен. степ. к. филол.наук.: Спец.10.02.19 / Шелховская, Марина Ростиславовна [Челябинск. гос. ун-т]. – Челябинск, 2008. – 22 с.*

27. Яковлева Е. С. Фрагменты русской языковой картины мира. (Модели пространства, времени и восприятия). – М., 1994.
28. Грушко, Е.А., Медведев Ю.М. Русские легенды и предания [http://ruhistor.ru/culture\\_fol\\_pred03\\_030.html](http://ruhistor.ru/culture_fol_pred03_030.html) Last visited 21.09.2019
29. Энциклопедия славянской культуры, письменности и мифологии <https://history.wikireading.ru/406571> Last visited 21.09.2019
30. Узбекские пословицы и поговорки <http://litena.ru/books/item/f00/s00/z0000065/st047.shtml> Last visited 21.09.2019
31. <https://childrenoftheworld.ru/o-proekte/> <https://childrenoftheworld.ru/chillja/> Last visited 21.10.2019

UDK: 09.81

## PEDAGOG NUTQIDA PERIFRAZALAR

## ПЕРИФРАЗЫ В РЕЧИ ПЕДАГОГА

## PERIPHRASES IN THE TEACHER'S SPEECH

*Ahmadova Umidaxon Shavkatovna*  
BuxDU o'zbek tilshunosligi kaf. o'qit.

**Annotatsiya.** Maqolada pedagoglar nutqida qo'llaniladigan perifrazalarga oid misollar keltirilib, uslubiy, nazariy va amaliy jihatdan tahlil qilinib, pedagogik muloqot jarayonida perifrazalarning ijtimoiy turmushning barcha sohalarida qo'llanilayotganligi, ikki shaxs orasidagi hamkorlik faoliyatining ma'naviy-madaniy, emotsional qirralarining ehtiyoji sifatida qo'llanilayotganligi, perifrazalar nutq rang-barangligini, badiiyligini ta'minlovchi uslubiy vosita hisoblanishi, tilning ifoda ehtiyoji mahsuli ekanligi qayd etilgan.

**Tayanch so'zlar:** pedagog, perifraza, adabiyot, til, tilshunoslik, lingvistika, gazeta, uslub, sinonim, sinonimik munosabat, ma'naviy, ma'rifiy, madaniy, emotsional.

**Аннотация.** В статье приводятся примеры восприятий, используемых в педагогическом дискурсе, анализируются методологические, теоретические и практические, а также педагогическая коммуникация во всех сферах общественной жизни, как потребность в духовных, культурных, эмоциональных аспектах сотрудничества между двумя людьми. Отмечено, что периферийные устройства являются методическим средством обеспечения разнообразия речи, художественного выражения, продуктом потребности в языке.

**Ключевые слова:** педагог, perifraza, литература, язык, лингвистика, газета, стиль, синоним, синонимические отношения, духовные, образовательные, культурные, эмоциональные.

**Abstract.** The article gives examples of perceptions used in pedagogical discourse, analyzes methodical, theoretical and practical, as well as pedagogical communication in all spheres of public life, as a need for spiritual, cultural, emotional aspects of cooperation between two people. It is noted that the peripheral devices are a methodical tool for providing a variety of speech, artistic expression, a product of the need for a language.

**Key words:** teacher, periphrases, literature, language, linguistics, newspaper, style, synonym, synonymous relationship, spiritual, educational, cultural, emotional.

Jamiyatimizda sodir bo'layotgan ijtimoiy-siyosiy o'zgarishlar tilimiz oldida yanada yangidan yangi vazifalarni qo'ymoqda. O'zbek tilshunosligi o'zi shakllangan davrdan hozirgi kunga qadar turli bosqichlarni bosib o'tib, o'zining so'z boyligi, serqirraligi bilan muhim ahamiyat kasb etib kelmoqda. Mustaqillik yillarida o'zbek tilining qo'llanish doirasi amalda nihoyatda kengaygani, uni ilmiy asosda rivojlantirishga qaratilgan tadqiqotlar, tilimizning o'ziga xos xususiyatlariga bag'ishlangan ilmiy va ommabop kitoblar, o'quv qo'llanmalari, yangi-yangi lug'atlar ko'plab chop etilayotgani jamiyat tafakkurini yuksaltirishga o'z hissasini qo'shmoqda.

Til shunday noyob topilmaki, u betakror ekanligi, go'zal va jimjimadorligi bilan serqirraligini

## TILSHUNOSLIK

namoyon etaveradi hamda mana shu xususiyati bilan o'zligini aks etadi. Uning noyob topilma ekanligini biz, til va tilshunoslik sohasida erishilayotgan yangidan-yangi yutuqlarda, yaratilayotgan ilmiy ishlarda, eng asosiysi, nutqimizdagi o'zgarishlarda va buning kundalik turmushimizda bevosita amaliy hamda nazariy qo'llanilayotganligiga guvohi bo'lamiz. Tildagi o'ziga xoslik, serqirralik va alohidalik qayta-qayta qayd qilinar ekan, shuning bir qirrasini sifatida quyida biz pedagoglar nutqida qo'llangan perifrazalarni keltirish, ulardagi sinonim (ma'nodosh)lik hodisasini yoritib berish va tahlilga tortish orqali dalillaymiz.

Ma'lumki, perifrazalar nutqning rang-barangligini, badiiyligini ta'minlovchi uslubiy vosita hisoblanadi. U tilning nomlash ehtiyoji mahsuli emas, balki ifoda ehtiyoji mahsulidir. Chunki u o'z nomiga ega predmet-hodisani qayta nomlaydi. Perifraza ham tasvir jarayonida narsa va hodisalarga bo'yoq va bezak beruvchi usuldir. **Takroriy nutqning oldini oluvchi, nutq va matnni go'zallashtiruvchi asosiy vositadir.**

R.Qo'ng'urovning fikricha, perifraza ko'proq ilmiy va ommabop asarlarda uchraydi. Badiiy adabiyotda perifrazadan o'rni bilan foydalanish lozim. Ularga haddan tashqari berilib ketish tilni sun'iyashtiradi, asar qimmatini oshirish o'rniga unga salbiy ta'sir ko'rsatishi mumkin [4, 90]. Keltirilgan fikrdan ma'lum bo'ladiki, perifrazalardan o'rinli va maqsadli foydalanish so'z, gap, matn va ma'noning ifodali bo'lishini ta'minlaydi.

Shaklan turlicha, ammo bir tushunchani turli bo'yoq va ottenkalar (variant) bilan ifodalaydigan leksemalar sinonimlardir.

Bugungi kunga kelib pedagoglar nutqida ham perifraza (tasviriy ifoda)larning tez-tez ifodalanib, qo'llanib turishi odatiy va tabiiy holga aylandi. Chunki bir tushunchani turli va oson, ta'sirli va maqsadli yetkazib berishda aynan perifraza (tasviriy ifodalarning)ning ko'makka kelishi til va tilshunosligimizning asosiy so'z boyligiga aylandi. Yuqorida perifrazalar hamda sinonimlik atamalarining qoidasini keltirib o'tishimizdan ayon bo'ladiki, quyida biz pedagoglar nutqida qo'llaniladigan ham yozma, ham og'zaki shakliga mansub bo'lgan sinonimik perifrazalarni keltirib, tahlilga tortamiz.

Pedagog tilshunos, adabiyotshunoslar nutqida **Hazrat Alisher Navoiy**ni tavsiflovchi *g'azal mulkning sultoni, o'lmas so'z san'atkori, o'zbek tilining asoschisi, ulug' mutafakkir, o'zbek adabiy tilining asoschisi, jahonshumul tafakkur sohibi, qomusiy daho, o'zbek timsoli, shoirlar sultoni kabi* perifrazalar bugungi kunda nutq va til mulkiga aylanib, kundalik muloqot jarayonida qo'llanishi odatiy hol bo'lib qolar ekan, maqsad yetkazilayotgan va berilayotgan bilimning kelajak bunyodkorlariga tez va oson, tushunarli va aniq yetkazib berishdir. Shuningdek, quyida tahlilga tortilayotgan pedagogik perifrazalarimizda sinonimiya hodisasi mavjud bo'lib, pedagog o'qituvchilarimizning nutqidagi uslubiy g'alizliklarning oldini olish, bir tushunchani turli xil variantlarda yetkazib berish uchun xizmat qilganligiga guvoh bo'lamiz. Jumladan:

### **O'lmas so'z san'atkori – Alisher Navoiy**

Turkiy xalqlarning “shams ul-millat”i bo'lgan Nizomiddin Mir Alisher Navoiy jahon adabiyoti xazinasini o'zining hassos she'riyati, buyuk “Xamsa”si, fan sohalarining turli tarmoqlariga bag'ishlangan boy ilmiy merosi bilan boyitgan hamda *Hazrat Navoiy xalqimizning ongi va tafakkuri, badiiy madaniyati tarixida butun bir davrni tashkil etadigan buyuk shaxs, milliy adabiyotimizning tengsiz namoyandasi, millatimizning g'ururi, sha'n-u sharafini dunyoga tarannum qilgan o'lmas so'z san'atkoridir* [Buxoro davlat universiteti O'zbek adabiyoti kafedrasida dotsenti Sh.A.Hayitovning “Alisher Navoiyning ilmiy merosi” ma'ruzasidagi nutqidan. 05.09.2018].

### **Ulug' mutafakkir – Alisher Navoiy**

*Nasib etsa, hademay millatimiz g'ururi, buyuk shoir Alisher Navoiy tavalludining 560 yilligini xalqaro miqyosda keng nishonlaymiz. O'ylaymanki, bu – ulug' mutafakkirimiz dahosiga hurmat-ehtiromimizning yana bir ifodasi bo'ladi.* [Buxoro davlat universiteti O'zbek tilshunosligi kafedrasida professori M.Q.Abuzalovning nutqidan].

### **O'zbek tilining asoschisi – Alisher Navoiy**

*She'riyat sultoni deya e'zozlanuvchi va o'zbek tili asoschisi sanalgan Hazrat Alisher Navoiy va buyuk vatanparvar, nafaqat o'zbek xalqi, balki dunyo madaniyati rivojiga munosib ulush*



## TILSHUNOSLIK

qo‘shgan buyuk davlat arbobi shoh va shoir Zahiriddin Muhammad Boburning hayoti va ijodini mukammal o‘rganish, tavallud kunlarini munosib ravishda o‘tkazishga hissa qo‘shish har birimizning burchimizdir [Buxoro davlat universiteti O‘zbek adabiyoti kafedrasida professori Sh.N.Ahmedovaning “Alisher Navoiy hayoti va ijodi zamondoshlar xotirasida” ma’ruzasidagi nutqidan. 07.02.2018].


### So‘z mulkingning sultoni – Hazrat Alisher Navoiy

Mirzacho‘l tumanidagi 9-umumta‘lim maktabida so‘z mulkingning sultoni Alisher Navoiy tavalludiga bag‘ishlangan g‘azalxonlik kechasining bo‘lib o‘tishi buyuk mutafakkir ijodiga bo‘lgan qiziqish, e‘tibor va hurmatning ayni bir ifodasi ekanligiga yana bir bor guvoh bo‘ldik (“Ma‘rifat”, 2014-yil, 8-fevral).

### G‘azal mulkingning sultoni – Alisher Navoiy

O‘z ijodiy merosida 26 mingdan ortiq lug‘at boyligidan foydalangan bu buyuk dahol, g‘azal mulkingning sultoni mana besh asrdan oshibdiki, asarlaridagi chuqur falsafiy mushohadakorlik, ma‘no-mohiyatning kengko‘lamligi va nazmiy merosidagi fasohat dengizining bepoyonligi bilan jahon ahlini hayratga solib keladi. Dunyoda Alisher Navoiy kabi asarlari keng tarqalgan, jahonning deyarli har bir chekkasida kitoblarining nusxalari saqlanayotgan boshqa bir ijodkorni topish qiyin [Buxoro davlat universiteti O‘zbek adabiyoti kafedrasida dotsenti Z.Q.Amonovanning “Alisher Navoiy ijodining o‘rganilishi” ma’ruzasidagi nutqidan. 05.02.2019].

Shuningdek, davriy nashrlarda pedagogik perifractalarning quyidagi namunalarini kuzatdik. Jumladan:



Yuqorida tahlilga tortilgan misollarimizdan ma‘lum bo‘ladiki, bir tushunchaning asosini ochib berish va mazmunini maqsadli va tasirli ravishda yetkazib berishda perifraza (tasviriy ifoda)larning pedagoglar nutqida ifodalanishi orqali ko‘zlangan maqsad shuki, bu nutqning o‘z sohiblariga yetib borishini, tez va oson anglanishini, xotiradan mustahkam o‘rin egallanishini ta‘minlashdir.

Bugungi kunga kelib, pedagoglarimiz nutqida Ona yurtimiz, tug‘ilib o‘sgan makonimiz, Vatanimiz hisoblanmish O‘zbekistonimizga nisbatan *buyuk zotlar Vatani*, *Markaziy Osiyo marvaridi* kabi sinonimik perifrazalar qo‘llanmoqda. Masalan:

### *Buyuk zotlar Vatani* – O‘zbekiston

O‘zbekiston Imom al-Buxoriy, Imom at-Termiziy, Hakim at-Termiziy, Burhoniddin Marg‘inoniy, al-Xorazmiy, Ahmad Farg‘oniy, Abu Rayhon Beruniy, Ibn Sino, Zamaxshariy, Forobiy, Ahmad Yassaviy, Bahouddin Naqshband, Alisher Navoiy, Mirzo Ulug‘bek, Zahiriddin Muhammad Boburlar yashagan buyuk zotlar Vatani, tabarruk zamindir. [G.Y.Samandarovanning “O‘zbekiston – yagona Vatan” ma’ruzasi nutqidan 12.09.2017].

### *Markaziy Osiyo marvaridi* – O‘zbekiston

*O‘zbekistonimiz Markaziy Osiyo marvaridi desak mubolag‘a bo‘lmaydi. Chunki, uning hududlarida malaxit (Piskom tog‘i), feruza (Qizilqum, Sulton Uvays, Qurama tog‘i), radonit (Sulton*



## TILSHUNOSLIK

*Uvays, Qurama) kabi qimmatbaho toshlar mavjudligi aniqlandi va bugungi kunga kelib mana shu noyob durdonalardan keng foydalanilmoqda* [Buxoro davlat universiteti tarix fanlari doktori, professor Sh.A.Hayitov nutqidan].

XXI asrda juda ko‘plab davlatlarda bo‘lgani kabi, dunyo xaritasida munosib o‘rin olgan Mustaqil O‘zbekistonda ham barcha sohalarida tub islohotlar boshlandi. Bu islohotlarning barchasi inson omilini har qachongidan ham yuqori saviyaga ko‘tarib, uning kuchi, idroki, salohiyati, ruhiy hamda ma‘naviy barkamolligini bevosita taraqqiyot, rivojlanish va sivilizatsiya bilan uzviy bog‘ladi. Bundan ko‘zlangan maqsad esa inson va uning mukammalligi, o‘z ustida ishlashi, o‘z mukammalligi xususida qayg‘urishi muammosi har qachongidan ham dolzarb masalaga aylantirish edi.

Shuning uchun ham ta‘lim-tarbiyaga chuqur e‘tibor qaratilib, nafaqat mutaxassislar tayyorlaydigan bilim dargohlari, balki barcha bilim dargohlarida, hattoki yangi tipdagi Prezident maktablarida ham ilmiy, amaliy, zamonaviy saboq berish rejalashtirilganligi buning yorqin dalilidir. Shunday ekan, ta‘lim-tarbiya davriy hodisa emas, u muttasil davom etadigan uzluksiz jarayon ekanligini unutmazlik lozim. Ko‘zlangan rejalarning amalini biz takror-takror pedagoglar nutqida qo‘llanilayotgan va murojaat etilayotgan ilm, ta‘lim, ma‘rifat sohasi bilan bog‘liq bo‘lgan sinonimik perifrazalar misolida kuzatishimiz mumkin. Masalan:

**Kitob** tushunchasini ifodalashda quyidagi perifrazalarga pedagoglarimiz murojaat etadilar: *qalb gavhari, ko‘ngil ziynati, bilim manbayi, odob-axloq manbai, inson tafakkurining qanoti*.

**Qalb gavhari, ko‘ngil ziynati – kitob**

*Qalb gavhari va ko‘ngil ziynati bo‘lmish kitobni sevish, qadrlash va uni mutolaa qilish har bir ilm insonning burchi ekanligini, eng olis va zimiston umr yo‘llarida insonga nur bag‘ishlab turuvchi sehrli chiroq bo‘lib xizmat qilishini hamisha yodimizda saqlashimiz kerak.* [Buxoro davlat universiteti O‘zbek adabiyoti kafedrasida dotsenti Sh.A.Hayitovning kitoblar shaharchasi tashkil etilishi jarayonidagi nutqidan. 05.07.2019].

**Bilim manbayi – kitob**

Hozirgi paytda hayotimizni kitoblarsiz va kutubxonalarsiz tasavvur etib bo‘lmaydi, maktab o‘quvchisi ham, dehqon-u chorvador ham, ishchiy-u xizmatchi ham, talabalar va barcha ziyolilar o‘zlari qiziqqan sohalariga oid kitoblarni o‘qib turadilar. Sharqda kitobni nondek e‘zozlaydilar. Shuning uchun ham kitobni *bilim manbayi* deb bejizga aytmaydilar [Buxoro davlat universiteti O‘zbek tilshunosligi kafedrasida professori M.Q.Abuzalovanning kitoblar shaharchasi tashkil etilishi jarayonidagi nutqidan. 05.07.2019].



Fikrlarimizning tasdig‘ini asoslash maqsadida ilm-fan, ta‘lim, ma‘naviyat sohasiga aloqador bo‘lgan perifraza (tasviriy ifoda)larni keltirib, tahlilga tortishda davom etamiz. Jumladan:

**Til – ruh tarixi**

*F.de Sossyurning tilshunoslik fani uchun katta xizmatlaridan biri “til va nutq” dioxotomiyasini ilmiy asoslaganida ko‘rinar ekan, Sossyur ta‘limotida til bilan nutqni nafaqat biri ikkinchisi bilan uzviy bog‘liq hodisalar sifatida, balki biri ikkinchisiga zid bo‘lgan hodisalar tarzida ham izohlanadi. Ularning o‘zaro uzviy bog‘liqligi tilsiz nutq, va aksincha, nutqsiz tilning mavjud bo‘la olmasligida ko‘rinadi. Shu bilan birga til va nutqning o‘zaro ziddiyati tilning umumiyliigi, nutqning esa xususiyliigi, tilning virtualligi, nutqning esa aktualligi ham kuzatiladi. Shuning uchun ham bejizga tilni ruh tarixi deb ifodalamaydilar* [Buxoro davlat universiteti O‘zbek tilshunosligi kafedrasida professori M.Q. Abuzalovanning “Til – ijtimoiy-ruhiy hodisa” mavzusidagi nutqidan. 05.10.2017].

**Baxtimiz poydevori – konstitutsiya**

## TILSHUNOSLIK

*Aziz bolajonlar! Barchamiz bir haqiqatni sekin-astalik bilan anglab, tushunib bormoqdamiz – bugun jamiyatimizda qanday yutuq va marralarga erishayotgan bo'lsak, buning bosh sababchisi sifatida baxtimiz poydevori Konstitutsiyamiz turganligini unutmashligimiz lozim* [Buxoro tumani 31-maktab o'qituvchisi Sh.R.Murodova nutqidan. 6.12.2018].

**Ilm – komillik kaliti**

Bashariyat XX asr bilan xayrlashib, uchinchi ming yillikka qadam qo'ydi. Insoniyat bugungi kunga kelib, ijtimoiy hayotning barcha sohalarida ulkan yutuqlarga erishdi. Odamzod o'zining aql-zakovati va mehnati bilan juda ko'p yangiliklar yaratdi. Shuning uchun ham yoshlardan bugungi zamon talablariga javob beradigan barcha bilimlarni egallash, ya'ni **ilm – komillik kaliti** ekanligini anglash va anglatish har bir ziyoli insonning burchidir [Buxoro davlat universiteti O'zbek tilshunosligi kafedrasi dotsenti D.N.Yo'ldoshevaning nutqidan].

Yuqorida qayd etilgan misollar tilshunosligimizning noyob durdonasi hisoblanib, ularning ma'lum bir qismigina maqolada keltirildi va tahlilga tortildi.

Perifrazistik ifodalarning pedagoglar nutqida qo'llanilishi, shaxslararo munosabatlarning o'zaro ruhiy jihatidan ijobiy natijaga erishishiga sabab bo'ladi, o'zaro axborot almashadilar, bir-birlarini his qiladilar, bir-birlarini tushunadilar. Perifrazalardan unumli va samarali foydalanish orqali barkamol avlod, komil inson g'oyalari yanada chuqurroq anglash va anglatish pedagogik muloqot muvafaqqiyatining negizi sifatida qo'llanilishida namoyon bo'ladi. Perifraza (tasviriy ifoda)lar ko'magida kishilarning nutq odobi va muomala madaniyati yuksalaveradi. Ushbu uslubiy vositaning lisoniy mohiyati yuksalaveradi. Jamiyat ahli nutqining chiroyli va ravon bo'lishi uchun xizmat qilaveradi.

## ADABIYOTLAR

1. Galaosiyo ovozi. – T., 2014. 8-son, 4-bet.
2. Ma'rifat. – T., 2013. 8-son, 16-bet.
3. Ma'rifat. – T., 2014. 8-son, 16-bet.
4. Qo'ng'urov R.Q. O'zbek tilining tasviriy vositalari. – Toshkent: Fan, 1977. –172 b.

УДК: 82-84

**МАҚОЛЛАР, УНИНГ ЁНДОШ ХОДИСАЛАРИНИ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА ЧЕТ  
ТИЛЛАРИДА ҚИЁСЛАБ ЎРГАНИШ**

**СОПОСТАВИТЕЛЬНОЕ ИЗУЧЕНИЕ ПОСЛОВИЦ И ИХ ЭКВИВАЛЕНТОВ  
В УЗБЕКСКОМ И ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКАХ**

**COMPARATIVE STUDY OF UZBEK AND FOREIGN LANGUAGE  
PROVERBS AND THEIR EQUIVALENTS**

**Қобилова Феруза Толибовна**

*БухДУ гуманитар йўналишларда чет тили каф. ўқит.,*

**Бабаева Василя Тошпулатовна**

*БухДУ табиий йўналишларда чет тили каф. кат. ўқит.*

**Аннотация.** Ушбу мақолада чет тили ва ўзбек тилларидаги мақолларни қиёслаб ўрганиш ва уларнинг таржимасини тавсия қилиш, бирининг иккинчисига таъсири масалалари муаммолари ёритилган. Турли тилларда моддий маъноси бир хил бўлган сўзларнинг маъно ва услуб функциялари бир-биридан тафовут қилиши, турли тилларда бундай сўз бирикмаларининг фарқ қилганлиги учун, таржима амалиётида катта мушкуллик туғдириб, назарий жиҳатдан ҳам жуда кучли қизиқиш уйғотиши ёритилган.

**Таянч сўзлар:** мақол, идиома, таржима, бадий, маъно.

**Аннотация.** В данной статье раскрываются проблемы изучения сопоставлением пословиц в узбекском и иностранных языках и их переводы, взаимодействие и влияние. В отличии друг от друга содержательных и методических функции слов, одинаковых по

материальному содържанию, а также различия словосочитаний в разных языках создают серьёзные затруднения в практике.

**Ключевые слова:** пословица, идиома, перевод, литературный, значение.

**Abstract.** This article illuminates the problems of studying Uzbek and English proverbs, issues of translating them, and influencing to each other. In foreign languages there are a lot of meanings of the one word in functional and methodical difference as it gives challenges in translation practice which appears interest in theoretical aspect.

**Key words:** proverb, idioma, translation, literary, meaning.

Таржима назариясининг бир қанча муҳим масалалари каби, мақол, матал, идиомалар, сўз ўйинлари ва образли ибораларни бир тилдан бошқасига қиёс қилиш муаммоси ҳам ғоят муҳим аҳамият касб этади. Бу масалалар турли тилларда сўзларнинг ҳар хил бирикишига оид умумий муаммо, таржима амалиёти билан бирга, таржима назарияси учун ҳам ғоят муҳимдир. Чунки турли тилларда моддий маъноси бир хил бўлган сўзларнинг маъно ва услуб функциялари бир-биридан тафовут қилиши, турли тилларда бундай сўз бирикмаларининг фарқ қилганлиги учун, таржима амалиётида катта мушкуллик туғдириб, назарий жиҳатдан ҳам жуда катта қизиқиш уйғотади.

Мақолларни қиёсий ўрганишда хоҳласак, хоҳламасак улар эквивалентини излаймиз, бу эса албатта, таржима билан тўқнашади. Мақолларни таржима қилмай, қиёслаб ўрганиш ноқулай. Таржима назарияси асосчиларидан бири А.В.Федоровнинг фикрича, нутқ воситаларининг бу категорияси фақатгина бадиий адабиётнинг хусусий мулки бўла олмайди, чунки физиологик иборалар публицистикада ва қисман, илмий адабиётларда ҳам ишлатилади. Шунинг учун уларга фақат бадиий адабиётга тааллуқли масала деб эмас, балки муҳим умумий тил масаласи сифатида қарамоқ керак.

Биз А.В.Федоровнинг сўзларига таяниб, асосан бадиий таржимада мақоллар акс эттириш масаласига эътиборни қаратган ҳолда ишимизда таржима қилиниш усуллари хам кўриб чиқамиз. Таржимада муаллиф услуби ва миллий калоритни акс эттириш, аниқ ва эркин таржима тушунчаси, образ ва персонажларнинг тил хусусиятларини таржимада бериш, адекват бадиий таржима яратиш ва бошқа ўнлаб жумбоқлар мақол, матал ва идиоматик ибораларни таржима қилиш масалалари билан узвий боғлиқдир. Бунга тўсиқ бўладиган ҳар нарса ҳар қандай турдаги идиоматик ибораларни тўғри беришдир, чунки ибораларнинг маъноси уларни ташкил этган компонентлардан чикмайди [1,50]. "...оқибат натижасида таржимадаги қийинлик даражасининг мезони кенг маънода асл нусха тилининг идиоматиклигидир".. [2,5]

Мақол, матал ва идиомаларни бузиб таржима қилиш асар тилини нурсизлантиради ва унинг бадиий қимматига путур етказади. Бизда бир қанча мақол, матал ва идиомалар турлича вариантларда таржима қилинади. Масалан, to be head and shoulders above others – «быть на голову выше других» - идиомаси – лидер he is head and shoulders деганда, - кўзга кўринган; this building is head and shoulders now in Bukhara – Бу бино Бухорода энг катта деб таржима қилиниши мумкин.

Ёки to do smth on one's own – сделать что либо самостоятельно деб, деб таржима қилиниши мумкин. Буни сўзма-сўз таржима қилганда ўз маъносини йўқотади. Шу сабабли идиомаларни таржима қилаётганда, уларни қайси сўзлардан ташкил топганини эмас, балки қанақа маъно англатгани муҳим аҳамиятга эга. Сўз каби идиоматик иборалар ҳам ҳар хил контекст ичида турли-туман маъно англатиши мумкин. Бундай ҳолларда улар ўша контекст талаб этган маънога мувофиқ таржима қилиниши даркор.

Грем Гриннинг "Ювош америкалик" асаридаги идиомалар таржимасини кўриб чиқайлик:

"We can just make the next watch tower. Let's hope have a little". «мы кое-как доберемся до следующий вышки. Будем надеяться, что нас там выручат». "Бир амаллаб нариги тепаликка етиб олармиз. У ерда нажот бериб юборишса керак". Ўзбек таржимони рус таржимонига эргашмай, ўзича ижодий ёндашиб тўғри таржима қилган.

“No French officer would care to spend the night alone with two scared guards in one of those towers” “Ни один французский офицер не рискнул бы провести ночь в такой вышки наедине в двумя перепуганными насмерть часовыми”. – Қўрқиб капалаги учиб кетган икки солдат билан бу баландликда кечани ўтказишда ҳар қандай француз офицери журъат этмаган бўларди” [3,64].

“Scared” сўзи “ваҳима, саросима, чўчиган” бўлади. У рус тилига “перепуганный на смерть”. Ўзбек тилига идиома ёрдамида таржима қилиниб, “қўрқиб капалаги учиб кетган” деб берилади.

Баъзи фразеологиялар (мақол, матал, идиомаларни бирлашгани)нинг эквивалентлари уч тилда (инглиз, рус, ўзбек) бир хил қолади, баъзиларида маъно сақланиб, бошқа сўзлар билан берилади.

1. It is raining cats and dogs. Лъёт как из ведра. Челакдан қуйгандек ёғаяпти.

2. To have a good eyes in one’s head. Обладать наблюдательностью. Бошнинг орқасида ҳам кўз бўлмок.

3. One can’t shut one’s eyes to the fact. Нельзя закрывать глаза на то что...,-дан кўз юммаслик керак.

Мисолда кишининг боши орқасида кўзи бўлмайди, балки бу ерда унинг хушёрлиги, барча нарсани беътибор қолдирмасдан қарашни кўзда тутати. Жаҳондаги жами тилларда яратилган мақол, матал, ҳикматли сўз ва идиомалар, йил фасллари, эҳтиёткорлик, тана аъзоларининг номлари, ота-она, бола, қайнона-келин муносабатлари, ер, коинот, қонуният ва тасодиф, шакл ва мазмун, яхши-ёмон, оқ-қора, рост-ёлғон, катта-кичик, адолат ва зулм, уруш ва тинчлик, таълим-тарбия, хулқ-атвор, тил ва сўз, донолик, муҳаббат ва садоқат, ватанпарварлик ва инсонпарварлик каби тушунчаларни акс эттиради.

Ҳар бир халқ уни бошқа халқлардан ажратиб турадиган ўзига хос белгилар билан бирга, умуминсоний фазилат, хусусиятларга ҳам эга бўлади. Бу эса халқларнинг тилларда ҳам ўхшаш ҳодисалар бўлишига олиб келади.

Бундай ўхшашликларни мавжуд мақол ва идиомаларнинг турли халқ тилларида бир хил эквивалентлари мавжудлигидан билишимиз мумкин. Мисоллар берайлик:

1. A good wife makes a good husband – эрни эр қиладиган ҳам, қора ер қиладиган ҳам хотин. Ёки яна бир мисол, ўзбекларда: *Нима эксанг, шуни ўрасан* деган мақол бор, русларда *что посеешь, то и пожнешь* ва инглиз тилида *as you sow, you shall tow* мақоли айнан берилади. Ўзбекларда: *ҳечдан кўра кеч яхши*, русларда: *лучше поздно чем никогда. Better late than never* деган инглизча вариантлари мавжуд. Бундай мақоллар таржимаси қийинчилик туғдирмайди. Лекин баъзан айнан бир хил маънони ифодалайдиган баъзи мақол, матал а идиоматик ибораларнинг ёки шакли айнан мувофиқ келадиган, бирикманнинг асосини ташкил этуви сўзлар бошқа бўлади [4,74].

#### **Ҳикматли сўзлар.**

Art - is long, life - is short. Век живи, век учись. Бешиқдан қабргача илм изла.

A tree is known by its fruit. От яблони яблоко, от ели шишка. Дарахт меваси ўз остига тушади.

A good name is better than a gold. Олтин олма дуо ол, дуо олтин эмасми.

Буларда халқимизнинг дунёқараши, жамиятга бўлган муносабати ва ахлоқий нормаси ўз ифодасини топган.

1. Curses like chichkens come home to roost. Бировга чоҳ қазима, ўзинг йиқиласан.

2. Good health is above wealth. Саломатлик – туман бойлик.

3. It is an ill wind that blows nobody good. Яхшилик қурбонсиз бўлмайди.

4. A friend in need - is a friend in deed. Дўст бошга кулфат тушганда билинади, каби мақолларда халқ оммасининг маънавий қиёфаси, идеали, орзу-умиди, интилишлари ҳақида юритган мулоҳазаларини синтез, ҳаёт тажрибаларининг умумлашма ифодасигина бўлмай ҳақиқатнинг образли ифодасидир.

Мақол – мантиқий мулоҳаза намунаси бўлиб, одоб ва ахлоқ қоидаларини жамулжам этган доно гапдир.



## TILSHUNOSLIK

Мақол доно халқ ифодалаган қисқа ҳикматли сўздир ёки чуқур маъноли иборадир. Мақол нутқда кенг қўлланувчи барқарор шаклга эга бўлган фольклор исботидир. Мақолда ортиқча сўз ва жумла бўлмайди. Мақоллар тўғри ва кўчма маънога эга бўлади. Масалан, “Темирни қизигида бос” – “strike while iron is hot” мақоли тўғри маънода ҳам, кўчма маънода ҳам қўлланади. Тўғри маънода – чўзиш ёки юпқа қилиш, умуман турли шаклга солиш учун темирни чўғдек кизариб турган вақтда уриш (босиш) керак деган маънода ишлатилади.

Кўчма маънода эса ҳар бир ишни ўз вақтида қилиш керак деган маънони ифодалайди.

1. First think then speak. Аввал ўйла кейин сўйла.
2. Many a true word is spoken in jest. Ҳазилнинг таги зил, ҳазилда ҳам ҳақиқат бор.
3. Look before you leap. Етти ўлчаб бир кес.

Юқоридаги ва шунга ўхшаш мақоллар нутқ жараёнида маълум вазият муносабати билан фикрни лўнда, образли тарзда ифодалашда жуда ҳам қўл келади. Шунинг учун ҳам мақол бадий асарда кўп ишлатилади. Мақолларда ҳаётини воқеаларнинг моҳияти, ибратли фикр ихчам ва аниқ тарзда ифодаланганлиги учун бу хусусият уларни поэтик тузилишида яққол акс эттирилади. Мақоллар шаклан икки хил бўлади:

а) насрий мақоллар.

Better late than never.

Ҳеч бўлмагандан кеч бўлгани яхши.

A good book is a good friend

Китоб – яхши дўст.

б) шеърини мақоллар:

Every time I come to town.

The boys keep kicking my dog around.

Makes no difference if he is a hound.

The got to quit kicking my dog around.

Элга берсанг ошингни .

Эрлар силар бошингни

Итга берсанг ошингни

Итлар ғажир бошингни.

Мақоллар икки хил йўл билан юзага келади: а) халқнинг кўп асрлик ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий тажрибалари, кузатишлари асосида масалан, 1. Lost time never found - Вақтинг кетди, бахтинг кетди. 2. Better a glorious death than a shameful life – номус ўлимдан қаттиқ ёки жонингни фидо қилсанг қил, номусингни фидо қилма.

3. Catch the bear before you sell his skin - Жўжани кузда сананг.

4. Cut your coat according to your cloth - Кўрпанга қараб оёқ узат.

б) маълум шоир ёки ёзувчилар ижодидаги ибратли фикрларнинг халқ орасида тарқалиши ва оммалашishi асосида:

1. Empty vessels make the greatest noise - Аравани қуруқ олиб қочади.

2. Enough is as good as a feast - Оз бўлсину, соз бўлсин.

3. Diamond out diamond - Аччиқни аччиқ кесади.

Ижтимоий ҳаётнинг ривожланиши, сиёсий тузумнинг характери мақолларнинг юзага келиши ва қўлланишига ҳам таъсир этади. Шунинг учун асрлар давомида яратилган мақолларнинг кўпчилиги асл маъносини сақлаган ҳолда инсонни ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, дўстлик каби юксак фазилатларини, ахлоқ ва одобларини камол топтириш учун хизмат қилмоқда [20,24]. Масалан:

1. No pains, no gains – Меҳнатсиз роҳат бўлмас.

2. Calamity is man’s true touchstone – Дўст кулфатда синалади.

3. Don’t make a mountain out of a molehill – Пашшадан фил ясама.

Демак, мақоллар таълим-тарбия жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. У кишиларни огоҳлантиради, маслаҳат беради. Танбеҳ бериб, танқид қилади, меҳнатни улуғлайди, ҳажвий кулги остига олиб, фош этади. Шунинг учун мақоллар узоқ умрли бўлади. Мақоллар кўп жиҳатдан маталларга ўхшаса ҳам, уларнинг ҳар қайсиси ўзига хос хусусиятга



## TILSHUNOSLIK

эга. Мақоллар том маъноли бўлиб, уларнинг мазмунида тугал фикр, умумий хулоса бор. Халқимиз шундай дейди: Матал – гул, мақол – мева – Saying is flower, proverb is berry. Proverbs have no previous conviction. Мақол юзасидан баҳс этилмайди[21, 126]. Маталларга яна мисоллар:

1. In for a lamb, in for a sheep – Семизликни қўй қўтаради.
2. Birds of feather flock together – Кўр кўрни қоронғида танийди.
3. Every bullet has its billet – Такдирдан қочиб бўлмас.
4. Don't teach your grandfather to suck eggs – Қари билганни пари билмас.

Матал халқ мақоли билан баъзи ўхшашликларга эга бўлса-да, лекин ўзига хос жиҳатлари билан ундан фарқланиб туради. Бу тафовутлар қуйидагилар:

№	Мақол	№	Матал
1.	Нутқда яхлит ҳукм сифатида қўлланилса.	1.	Ҳукмнинг бир қисм функциясини бажаради.
2.	Тематик доираси кенг бўлса,	2.	Конкрет темага ва қатъий функционал қўлланишга эга
3.	Конкрет шаклий тузилишга эга бўлса,	3.	Шаклий қатъийлик мавжуд эмас.
4.	Баъзан кўчма, баъзан ўз маъносида қўлланилса,	4.	Ҳамма вақт кўчма маънода қўлланади.
5.	Оханг, ритм, композицияга эга.	5.	Жузъий белги англатади.

Маталларнинг пайдо бўлиши нутқда турғун образли ибораларнинг юзага келиши билан боғлиқдир. Маталлар сўзнинг кўп маънолигига таянганлиги учун нутқий фразеологик ибораларга қарама-қарши ҳолда ифодага ўхшатиш ва қиёслашларни кучайтиради. Шунинг учун ҳам уларда қиёсланувчи элементларнинг тафовути яхши сақланади. Маталлар ҳамма вақт таркиби қандай бўлишидан қатъий назар грамматик жиҳатдан гапнинг бир бўлаги бўлиб келади. Демак, маталлар жузъий белги англатувчи таъсирчан нутқ безагидир.

Мақолларда эса ҳар бир сўз аниқ ўз ўрнида ишлатилган ва аҳамиятли бўлиб, ўзига хос ритм, оханг донишмандлиги мақолларда турмуш ходисалари билан боғлиқ ватанпарварлик, мардлик, қахрамонлик, меҳнатсеварлик, дўстлик илм-хунар, вафодорлик каби идеал ахлоқ намуналари маъқулланиб, нодонлик, кўрслик, эгрилик, ёмонлик, умидсизлик, ёлғон гапириш, ялқовлик, очкўзлик каби ярамас иллатлар қораланади. Бу нарса ўзбек мақолларининг ғоявий тематик жиҳатдан бой ва ранг-баранглигини кўрсатади. Ўзбек халқ мақолларида она Ватанни севиш ҳамда уни ҳар қандай ички ва ташқи душмандан сақлаш мотиви асосий ўринни эгаллайди.

Ватанпарварлик руҳидаги мақоллар Ватанни севмоқ – иймондандир, дейди. Ватанпарварлик бу ўз она юртини, ўлкасини, туғилиб ўсган жойини ўрганишдан бошланади. Мақолларда Ватанга бўлган муҳаббат ва садоқат, уни кадрлаш ғояси образли тарзда ифода этилади.

Мисоллар:

1. Every country has its customs – Ҳар элнинг ўз ирими.
2. An Englishman's home is castle – Ўзга юртда шоҳ бўлгунча ўз юртингда гадо бўл.
3. Better a glorious death than a shameful life – Ватан учун ўлмоқ шараф. Номус ўлимдан каттиқ.
4. A man may love his house well without riding on the ridge – Ватан қадрини билмаган ўз қадрини билмас.
5. East or west, home is best – Ўз уйинг, ўлан тўшагинг.
6. Every bird likes its own nest – Булбул чаманни севар, одам ватанни.
7. There is no place like home – Туғилган жойинг кўзингга ўтдек кўринади.
8. Strange land is as step mother – Ватангадо бўлгунча, қафангадо бўл.
9. I like no fears for my peaceful home – Ватанинг тинч, сен тинч.
10. Motherland is a gold cradle – Она юртинг, олтин бешигинг.

Ватанпарварлик тарбияси дастлаб оилада, сўнг мактабда бошланади. Бу хис-туйғулар, ишонч ва эътиқодлар ёшлиқдан пайдо бўлади. Уни амалга оширишда халқ мақолларининг ўрни беқиёс. Ўзбек халқида ижобий хислатларни улуғловчи мақол ва маталлар мавжудки, у шарқ маънавият бешиги бўлиб келган.

Халқимиз орасида шундай матал мавжуд: Ўтмиш ойнасида келажак кўринади. Бу ҳикмат замирида асл ҳақиқат яна бир бор намоён бўлади. Ватан ўтмиши, унинг орзу-

## TILSHUNOSLIK

умидлари, қувонч ва изтироблари билан боғлиқдир. Инсонни, она-Ватанни севиш, ардоқлаш, унинг фаравонлиги, гуллаб-яшнаши, тараққиёти учун садоқат билан хизмат қилиш, она диёрнинг ҳар бир қарич ерини, тупроғини, бойликларини, табиати ва ҳайвонот дунёсини авайлаб асраш, келгуси авлодларга қолдириш, уларни муқаддас, табаррук деб билиш, аждодлар тарихи, маданияти билан ғурурланиши ҳиссини тарбиялаш, миллий урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар ва удумларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш жуда муҳим. Бу миллий истиқлол, миллий мустақиллик мафқураси учун асос бўлади.

Юртбошимиз И. Каримовнинг “Ўзбекистон келажаги буюк давлат” деган иборасида келажакни кўра оладиган ёшлар етишишига, юраги ва Ватани битта бўлган ёшларнинг етишишига аминмиз.

Инсон Ватан сўзини қанча чуқур англаса, шунча уни чуқур тушунади. Ватанни нечоғли севсанг, ўшанча қудратли ва енгилмас бўласан. Ватан ҳақидаги фикрларимизни юқорида келтирилган мақоллар маъно жиҳатдан бойитади.

Ватан иборасини доимо, “она” сўзи билан бирга талаффуз этамиз. Чунки Ватан она каби ягонадир. *My country is as alone as my mother* – Ватанинг онанг каби ягонадир. Онага бўлган ҳурмат ва садоқат ватанга бўлган меҳрни мустаҳкамлайди.

Мисоллар:

1. First of all do your best to your mother, again to your mother and again to your mother then to your father - Аввало онагга, яна онагга ва яна онагга, сўнг отангга яхшилик қил.

2. Eden is under the foot of mother – Жаннат оналаримиз оёғи остидидир.

3. If your parents call you together, first answer to your mother and then to your father - Агар ота-она бирдан чақирса, аввало онагга жавоб қил.

4. Come often to each other and take care of each-other – Бир-бирингизнигина гоҳ-гоҳ бориб туринг, яқин бўласиз. Бир-бирингизга ҳада, эҳсонлар қилингиз (ҳадиси шарифдан).

Хулоса қилиб таъкидлаш лозимки, мақоллар хушёр бўлишга, дўстни душмандан ажратишга, ота-онани, дўстларни, Ватанни қадрлашга ўргатади. Шу хислатлар образли ҳолда умумлашиб, мақолларда ўз ифодасини топган.

Халқ мақоллари поэтик жиҳатдан пухта ва гўзал шаклга эга. Композицион жиҳатдан ниҳоятда содда ва ихчам бўлиб, синтактик параллелизм (яъни параллел бўлақларга ўзаро мос қофияланади) мисол: *Better late than never*. Аллитерация, истиора, муболаға, қофия кабилардан ташкил топади. Бу бадий безаклар мақолларга хос шакл яратувчидир. Семантик параллелизмга мақолнинг биринчи бўлагида оҳангдорлик кучайтирилса, иккинчи бўлақдаги қофияда таъсирчанлик ошади ва мантикий хулоса чиқариш имконини беради. М: *First think than speak*. Мақолига ўхшаш мақолларда кетма-кет қатор келган ундошлар тизмаси аллитерациясини юзага келтиради. Бу эса мақолда бадий ифодани кучайтиради, оҳангдошликни таъминлайди ва эстетик завқ уйғотади. Қофияланиш мақолда ўзига хос хусусиятга эга. Масалан, *A friend in need is - a friend indeed*.

Кўрамизки, турли хил шаклга эга бўлақлар ўзаро қофиядош сўзлар билан боғланади. Ҳар бир мақолда мазмунни ифода этган сўз қарама-қарши ёки ўзига мос тушган сўз билан қофияланади.

Мақолларда вазн, ритм, қофия, оҳандорликнинг куйма бирлиги муҳим аҳамият касб этади, кўпинча меъриий ифодада масалан: *all is not gold that glitters* – Барча ялтироқ нарса ҳам олтин бўлавермайди мақоли шеърий ифодада куйидагича қофияланади.

*All that glitters is not gold*

*Often have you heard this told*

*Many a man his life has sold*

*But my outside to be hold*

*Gilded tombs do worms in fold*

*(Shakespeare)*

Мақоллардаги такрор сўзлар оҳандорликни янада оширади. Мақолларда сифатлаш, ўхшатиш каби бадий тасвир воситалари ва омоним, антоним сўзлардан фойдаланиш уларнинг бадийлигини янада оширади, ифодаланган фикрнинг тингловчига тез етиб

боришини таъминлайди. Мақол ва маталлар донишмандлик рамзи бўлиб келган. Улар ўқувчи ва тингловчиларни фикрини чуқур, ихчам, аниқ ва образли қилиб ифодалашга ўргатади, кишиларни, айниқса, ёшларнинг миллий, инсоний хислатларни эгаллашида муҳим восита вазифасини ўтаб келган ва ўтаб келади [10,9].

#### АДАБИЁТЛАР

1. Абдурахимов И. Ўзбекча – русча афоризмлар лугати. – Т.: Ўқитувчи, 1986. – 50 б.
2. Бенович Л.О. Многозначность идиом «Ин.яз.в шк» журналы, 1952, №5.
3. Бархударов Л.С., Штепинг Д.А. Грамматика английского языка. – М., 1958. -64 б.
4. Бегматов Э. Ўзбек тилининг лексик қатламлари. – Т., 1985.
5. Беллева М.Т. Попова Н.А. Английский язык за пределами Англии. – М., 1961.
6. Бўронов Д.Ж. Сравнительная типология английского и тюркских языков. – М.: Высшая школа, 1983. - 34 б.
7. Бўронов Д.Ж. Мўминов А. A practical course in English lexicology. – Т., 1990. - 44 б.
8. Бўронов Ж ва бошқалар. Инглиз тили грамматикаси. - Т.: Ўқитувчи, 1974. - 35 б.
9. Бердиёров Х. Расулов Р. Ўзбек тилининг паремик лугати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. - 30 б.
10. Виноградов В.В. Основные понятия русской фразеологии, как лингвистической дисциплины. - Ленинградской университет, 1946.
11. Гальперин М.Р. Stylistics. – М.: Higher school, 1977.
12. Ginsburghsand others. A course in Modern English lexicology. – М., 1966.
13. Даль В. Пословицы русского народа. Том I-II, – М., 1984
14. Дониёров Х ва бошқалар. Инсон тақдирининг таржимаси//Шарқ юлдузи журналы, 1960, №11.
15. Дикушина В. Фонетика английского языка. – М.: Русский язык, 1952.
16. Жалолов Ж.Инглиз тили ўқитиш методикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1996.
17. Жуков В.П. Словарь русских пословиц и поговорок. – Москва: Советская энциклопедия, 1966.
18. Зуннун Ш. Донишмандлар одоб-ахлоқ тўғрисида. – Тошкент, 1980.
19. Ильин Б. История английского языка.
20. Исмаилов М. Инглизча мақол, матал ва идиомалар. – Т.: Ўқитувчи, 1969.
21. Хамроев А. Педогогик маҳорат журналы. Илмий-назарий ва методик журнал. – Бухоро. 4-сон 126-б.

UDK: 78.083.82

### PUBLITSISTIK MATNLARDA METAFORA VA PERIFRAZALAR (TIBBIY BIRLIKLAR MISOLIDA)

### МЕТАФОРЫ И ПЕРИФРАЗЫ В ПУБЛИЦИСТИЧЕСКИХ ТЕКСТАХ (НА ПРИМЕРАХ МЕДИЦИНСКИХ ЕДИНИЦ)

### METAPHORS AND PERIPHRASES IN PUBLICISTIC TEXTS (BASED ON THE MEDICAL UNITS)

**Qobilova Aziza Bahriddinovna**  
BuxDU ingliz tilshunosligi kaf. tadq.,  
**Boltayeva Nodira O'tkir qizi**  
BuxDU magistranti

**Annotatsiya.** Maqolada publitsistik matnlarning o'ziga xos xususiyatlari metafora va perifrazalar misolida izohlab berilgan. Tibbiyot sohasiga oid ommabop nashrlardagi metafora hamda tasviriy ifodalar tahlilga tortilgan. Publitsistikada asosan hayotiy muammolar yoritiladi va metaforalar hamda perifrazalar keng qo'llaniladi. Yangilikni yoritishga bo'lgan intilish ommabop uslubning asosiy xususiyati sanalib, tilning yangi so'z va iboralar bilan boyib borishiga sabab bo'ladi.

**Tayanch so'zlar:** publitsistika, publitsistik uslub, publitsistik matn, metafora, metaforik birikma, fitomorfik metafora, ko'chim, ko'chma ma'no, trop, sarlavha, dialektika, dialektik qonuniyat, kategoriya, til, nutq, dixotomiya, munosabat, perifraza, sof perifraza, kontekstual perifraza.

**Аннотация.** В статье рассматриваются особенности публицистических текстов на примере метафор и перифраз. Анализируются метафоры и описательные выражения

популярных медицинских публикаций. Публицистика в основном освещают жизненные проблемы и используют метафоры и перифразы. Стремление к освещению новостей является ключевой особенностью популярного стиля и помогает обогащать язык новыми словами и фразами.

**Ключевые слова:** публицистика, публицистический стиль, публицистический текст, метафора, метафорическое словосочитание, фитоморфная метафора, переносное значение, троп, титул, диалектика, диалектический закон, категория, язык, речь, дихотомия, отношение, перифраза, контекстная перифраза.

**Abstract.** The article discusses the features of publicistic texts on the examples of metaphors and periphrases. Metaphors and descriptive expressions of popular medical publications are analyzed. Journalism mainly covers life issues and uses metaphors and periphrases. The desire for news coverage is a key feature of the popular style and helps to enrich the language with new words and phrases.

**Key words:** publicistic, publicistic style, publicistic text, metaphor, metaphorical phrase, phytomorphic metaphor, figurative meaning, trope, title, dialectic, dialectical law, category, language, speech, dichotomy, attitude, periphrase, contextual periphrase.

**Kirish.** Ma'lumki, publitsistika badiiy, siyosiy, ilmiy jabhalarni qamrab oluvchi yirik soha hisoblanib, ommaviy axborot vositalari sanaladigan radio va televideniyeda, gazeta va jurnallar sahifalarida aks etadigan yangilik, xabar, reportaj, tahlilnoma, bosh maqola, maqola, ocherk, felyeton, pamflet, e'lon, reklama singari qator janrlarni qamrab oladi. Ana shu qamrov doirasining kengligi, o'z navbatida, til birliklarining har bir janrda alohida tarzda me'yorlashuvini taqozo etadi.

Til taraqqiyotida muhim omil sanaladigan publitsistika, o'z navbatida, tilning imkoniyatlaridan keng foydalanadi, shu bilan birga, yangi so'z va iboralar hisobiga tilimizning boyib borishiga ko'maklashadi.

Publitsistik uslubda shakllangan matnlardagi aniqlik, qisqalik, lo'ndalik, ixchamlik, yorqinlik kabi xislatlar barchaning e'tiborini tortsa, bunday matnlar obrazlilik, ta'sirchanligi, tasviriy vositalarning mahsuldor qo'llanilishi bilan ajralib turadi. Ayniqsa, turli metaforik birikmalarni faol qo'llash ham ommabop uslub tabiatiga mosdir.

**Asosiy qism.** Ma'lumki, yunoncha "metafora" so'zining lug'aviy ma'nosi "ko'chirish" bo'lib, u dastlab umuman ko'chma ma'noli so'z (trop) sifatida ishlatilgan [8, 12].

Shuningdek, ayrim mutaxassislar "metafora – o'xshatishning qisqargan shakli", - degan izohni ham ilgari suradilar [11,18; 10,5]. Metafora so'zni ko'chma ma'noda qo'llashning bir turidir. Uni prof. L.A.Bulaxovskiy "atashning belgiga qarab ko'chishidir", - degan edi [9, 65]. Demak, biror predmet, belgi yoki harakatning nomini boshqasiga o'xshashligi asosida ma'no ko'chirishga metafora deyiladi.

Biz ushbu maqolada tibbiyot sohasiga oid "Shifo-info" (№44.01.11.2018.) davriy nashr materiallari (gazeta) dan olingan ayrim matnlardagi metaforalarni tahlilga tortdik:

- *Uchuq (gerpes) infeksiya kasallik bo'lib, rostdan ham qondagi qand miqdorini oshirishi mumkin... Agar o'z vaqtida davolanmasa, limfa va qon, hatto, ichki organlarga ham "suqulib" kirishi mumkin* (Shifo-info. №44. 01.11.2018. 3-b.).

*Suqulib kirmoq* – bildirmasdan yoki surbetlik, zo'rlik, xiralik bilan kirib olmoq. Gerpes kasalligining ichki organlarga o'tishiga nisbatan ushbu metafora qo'llanilgan va salbiy ma'noni kuchaytirish uchun xizmat qilgan.

*Bilasizmi, Britaniyaning mashhur rok-guruhi ishtirokchilarining hammasi 70 dan oshgan insonlar. Ular konsertlarni shunday qizdiradiki...* („Shifo-info“. №44. 01.11.2018. 9-b.).

*Qizdirmoq* – avjiga chiqarmoq.

*Biz ham qariymiz va balki shunda qarilik va yoshlik hayot deb ataluvchi zanjirning tarkibiy qismi ekanligini tushunib olarmiz* (Shifo-info. №44. 01.11.2018. 9-b.).

*Zanjir* – biror narsaning uzluksiz tig'iz bog'lanib turgan qatori; ikki narsani o'zaro chambarchas bog'lovchi narsa. Hayot ham zanjir kabi yoshlik va qarilikning o'zaro bog'liqligidan iboratdir.



## TILSHUNOSLIK

*Yana bir alohida e'tiborga molik narsa, bizning ilm-fan sohasidagi o'zaro hamkorligimiz Qirg'izistonda Markaziy Osiyoda ikkinchi bo'lgan Gematologiya ilmiy markazining tug'ilishi bilan keng ko'lamga erishdi* (Shifo-info. №44. 01.11.2018. 12-b.).

*Tug'ilmoq – ko'chma ma'noda yuzaga kelmoq, paydo bo'lmoq ma'nolarida qo'llaniladi, ya'ni ilmiy markazning ochilishi ma'nosida ishlatilib ko'chim hosil qilgan.*

*Qovoq uchishi asosan asab tolalarining shamollashi natijasida ham kelib chiqadi* (Shifo-info. №44. 01.11.2018. 18-b.).

*Uchmoq – qanot vositasida havoda harakatlanmoq, qanot qoqib, biror tomonga yo'nalmoq; parvoz qilmoq. Asab yoki boshqa ta'sir sababli qovoqning pipirab titrashiga nisbatan ushbu metafora qo'llanilgan.*

*Muntazam ravishda taomlanishda daykon tanovul qilib yurilsa, qon tomirlar devorini xolesterin to'siqlaridan tozalaydi, pirovardida tomirlar holati yaxshilanadi* (Shifo-info. №44. 01.11.2018. 35-b.).

*Devor – binoning, uying tomni ko'tarib turuvchi yoki xonalarga ajratuvchi tik ko'tarilgan qismi (O'TIL, I,588). Tibbiyotda esa tomirning atrofini o'rab olgan qismga nisbatan ushbu metafora yuzaga kelgan.*

*Daykon tarkibidagi fitonsid moddasi mikroblarga qiron keltiradi va yuqumli xastaliklardan himoya qiladi* (Shifo-info. №44. 01.11.2018. 35-b.).

*Daykon o'simligining foydali xususiyatlarini ko'rsatish maqsadida ham aynan metaforadan o'rinli foydalanilgan.*

*G'azab, quvonch, xafagarchilik yoki o'ychanlik hissi yuz terisining muayyan mushaklari qisqarishi tufayli yuzaga keladi. Bu kabi hissiyotlarga tez-tez „mixlanish“ esa mushakning ko'p qisqarishiga sabab bo'ladi* (Shifo-info. №44. 01.11.2018. 36-b.).

*Yuqoridagi metafora butun diqqat-e'tibori bilan hissiyotlarga berilib qolmoq ma'nosini ifodalash maqsadida qo'llanilgan.*

*Ko'z atrofidagi “g'ozpanja”... eng quvnoq ajinlar hisoblanadi. Ular ko'p kulish tufayli paydo bo'ladi (36-bet). Quvnoqlik insonga xos xususiyat. Quvnoq ajinlar birikmasi orqali esa antropomorfik metafora hosil qilingan.*

Уже сопоставление зрительного образа, воссозданного в словах *Затеплил сук смолистый* в конце второй строфы и *Горел мой факел величаво* в начале третьей, позволяет проследить разгорание факела во времени не только путем сопоставления слов *затеплил* (о слабом огне) и *горел величаво* (о сильном пламени), но и слов *сук смолистый* и *факел*, в который сук по мере его разгорания превратился. Этот *величаво горевший факел*



## ADABIYOTSHUNOSLIK

воспринимается вначале как победа над тенью, мраком, как бы расступающимся перед факелом. Но чем ярче разгорался огонь, тем гуще становилась окружающая мгла. По мере продвижения вперед тени деревьев удлинялись и смыкались в густую тьму сзади идущего с факелом, создавая ощущение чего-то живого и коварного.

Описание движения теней заполняет всю третью строфу. Впечатление этого движения создается отбором и чередованием глаголов несовершенного и совершенного вида: *тянулись, обежав лукаво, смыкались*. Положение деепричастия совершенного вида *обежав* между глаголами несовершенного вида создает впечатление многократной повторяемости неотвратимого кольцевого движения теней, в подобной ситуации вполне закономерного. Два наречия этой строфы дополняют развернутую картину авторской оценкой, передают авторское восприятие этого движения и отражают эволюцию в самом восприятии автором этой борьбы света и теней: в *величаво* (горел факел) заключено удовлетворение от действительности борьбы с тенью, тьмой.

Но *лукаво* уже отражает происшедшую эволюцию в оценке этой действительности: тьма не рассеивается, но становится по мере разгорания факела еще более густой. В *лукаво* отражено осознание неподчиненности мрака свету факела и нарастающее беспокойство героя от сознания невозможности рассеять мрак, что нашло свое отражение в четвертой строфе:

Пестреет мгла, блуждая очи,  
Кровавый призрак в них глядит,  
И тем ужасней сумрак ночи,  
Чем ярче светоч мой горит.

Кружение теней ведет от тревоги к страху. Автор обращается при изложении событий к глаголам настоящего времени несовершенного вида, приближая тем самым свое восприятие этой *пестреющей мглы* и, следовательно, *кровавого призрака*, который в них (очи) глядит, к читателю. Сочетание «*блуждают очи*» передает состояние растерянности перед этим «кровавым призраком». Выбор определения призрака – *кровавый* мотивирует и отражает постепенно нарастающий ужас перед пляшущим кольцом красных огненных бликов, контрастно подчеркивающих сумрак ночи.

Итак, стихотворение «Светоч» развертывает события и впечатления, протекающие crescendo в пределах стихотворного текста. На этом, казалось, можно было бы при анализе этого стихотворения и остановиться. Если бы не несколько слов, обращение к которым нуждается в некоторой мотивировке. Прежде всего, почему Фет, назвавший свое стихотворение «Факел», впоследствии заменяет этого заглавие на «Светоч»? Слово это в конце XIX века было устаревшим, встречалось лишь в описательно-метафорических словосочетаниях типа: *светоч науки, ума, знания* и т.п. Фет включает слово *светоч* и в заключительное двусишье, носящее обобщающий характер, поднимающееся над конкретикой стихотворения, в котором сук смолистый превращается в факел. *Светоч* – слово устаревшее или книжное, высокое.

Включение его в заглавие стихотворения наводит на мысль о содержательном для автора значении замены этим синонимом в заглавии слова *факел*, синонимом с более широкой сферой употребления (*светильник* вообще). Традиционно-поэтическое метафорическое употребление слова *светоч* в сочетании *светоч, светильник, свет ума, правды* в данном контексте Фета несет на себе аналогичные функции, т.е. выступает символом человеческого интеллекта вообще. Следовательно, слово *светоч* и в заглавии и в последней строфе отсылает к плану интеллектуальной жизни поэта.

*Факел – светоч*, являющиеся синонимами, в тексте представляют собой деталь картины и как таковые выступают в собственном прямом значении. Непосредственно номинативны и все остальные ее объекты: *лес, ловец, дни, тени, сосны, тучи, стоны*. Лишь молния представлена перифразой (*яркий змей*), впрочем, легко поддающейся расшифровке рядом с тучей мгlistой. Но в свете символически понимаемого заглавия некоторые из названных объектов начинают обнаруживать и другой смысл. Слово *ловец* сейчас воспринимается устаревшим. По-видимому, оно было таким и во времена Фета. При слове *лес*, которому

«отдал все дни ловец», вспоминается обращение к образу-символу леса у Данте в первой песне «Ада», что тоже способствует возникновению некоторой аналогии.

1. Земную жизнь, пройдя до половины,  
Я очутился в сумрачном лесу,  
Утратив правый путь во тьме долины.
2. Таков он был, о, как произнесу,  
Тот *дикий лес*, дремучий и грозный,  
Чей давний ужас в памяти несусь.
3. И вот внизу крутого косогора,  
Проворная и вьющаяся рысь,  
Вся в ярких пятнах пестрого узора.

У Фета ситуация несколько изменена. Но есть сходство образов. Сумрачный лес – это символ жизни, может быть, жизни в конкретной среде. Образ ночного шествия по лесу, по привычным тропам, по лесу, которому ловец посвятил все дни, т.е. всю свою жизнь, еще более настраивает на поиски подтекста стихотворения, отражающего драматическое столкновение поэта с окружающей его мрачной (в его представлении или мировосприятии) действительностью. Глубокая символика текста исключила широкое обращение к тропам. Текст символичен в целом.

«Символ, – пишет А.Ф.Лосев, – указывает на какой-то неизвестный предмет, хотя и дает нам в то же время всяческие необходимые возможности сделать необходимые выводы, чтобы этот предмет стал известным» [2]. Оба приведенных нами стихотворных текста построены Фетом по-разному, в них разные образы, различно развернута их «объемность», пластичность, образно-зримая сторона, по-разному дана отсылающая к раскрытию символа содержательная сторона текста. Наиболее закрытым для декодирования является стихотворение «Светоч».

#### ЛИТЕРАТУРА

1. Григорьева А.А. Слово в поэзии Тютчева. – М., 1980, С.202.
2. Лосев А.Ф. Логика символа// Лосев А.Ф. Философия. Мифология. Культура. – М., 1989. – С. 247.
3. Сухова Н. П. Лирика Афанасия Фета. – М.: Изд-во МГУ, 2000. – 80 с.
4. Фет А.А. Вечерние огни. – М.: ЭКСМО, 2006.
5. Шабанова Н.А. Традиционное и индивидуальное в семантической структуре символа. Автореферат. – Саратов, 2000.

УДК:82-313.3:82.09

### “ИЛОХИЙ КОМЕДИЯ”ДА ДЎЗАХ – БАДИИЙ МАКОН СИФАТИДА

АД В “БОЖЕСТВЕННОЙ КОМЕДИИ” КАК ХУДОЖЕСТВЕННОЕ ПРОСТРАНСТВО

### HELL AS AN ARTISTIC PLACE IN THE “DIVINE COMEDY”

Қурбонова Нодира Розиковна

БухДУ англиз адабиёти каф. кат. ўқит.

**Аннотация.** Мақолада Алигъери Дантенинг “Илохий комедия” асарида тасвирланган дўзах – бадий макон сифатида тадқиқ этилган. Бадий макон ўрта асрлар италян шоирининг космологик тасавури, диний-мифологик билимлари, фалсафий ва ижтимоий қарашиларининг синтези ўлароқ кузатилган, замонавий фанлар ютуқларига қийсан таҳлил қилинган, Данте қўллаган дўзах топонимлари манбаларига аниқлик киритилган. “Илохий комедия” таржимасидаги айрим нозик ёндашувларга диққат қаратилган.

**Таянч сўзлар:** бадий макон, космология, комедия, қўшиқ, композиция, терцина, сюжет, топоним, нореал дунё, мифология.

**Аннотация.** В статье исследуется ад, описанный в произведении Алигъери Данте “Божественная комедия” как художественное пространство. Наблюдается

*художественное пространство, как синтез философских и социальных взглядов, религиозно-мифологических знаний и космологических представлений итальянского поэта средневековья, сопоставляя его достижениям современной науки того времени. А также даны определения топонимам ада использованными Данте. Обращено внимание на некоторые подходы перевода произведения.*

**Ключевые слова:** художественное пространство, космология, комедия, песня, композиция, терцина, сюжет, топоним, потусторонний мир, мифология.

**Abstract.** *This article discusses the matter of the description of the hell in the work by Alighieri Dante "Divine comedy" as an artistic place. The researcher observes an artistic place as a synthesis of philosophical and sociological attitudes, religious and mythological knowledge, cosmological imaginations of the Italian poet of the middle age, comparing them with the achievements of that time. The researcher gives definitions to the toponyms of the hell used by Dante. The attention is paid to some approaches of the translations of the work.*

**Key words:** *artistic place, cosmology, comedy, song, composition, tercet, plot, toponym, other world, muthology.*

Милоддан аввалги иккинчи минг йиллик охирида кўчманчи европаликларнинг охират дунёсида "демографик портлаш" юз берди. Археологлар айни шу даврга мансуб хайратланарли микдордаги қабрларни топганлар. Уларнинг кўпи факирона эди. Ёғочсозлик даври кишилари таомилга биноан ўзлари билан кўпол сопол хумча ва озгина гўшт олиб, нариги дунёга "жўнашган". Бу орқали айнан нима кўзда тутилган – ҳозиргача маълум эмас. Эҳтимол, илгари яшаб ўтган қабила ҳамда халқларни шу одат воситасида боқий оламда зарур нарсалар билан "таъминлашган"дир?! Чуқурликдан, ғору унгурлардан иборат минглаб кўрғонлар битта катта кўрғонига эллик нафар кишини жойлаштириш имконига эга янги хўжайинлар томонидан эгалланган. Умуман, саҳройилар Европасининг дорулбақосида хали бу пайтда на бирон қонун, на бирон бир давлатчилик тузилмаси тўғрисида гап борган [5;38...].

Айнан ўша даврда шарқликлар – мисрликлар, хитойликлар, Икки дарё оралиғидаги халқларда тасаввури шаклланган охират оламлари аллақачон ўз тарихий даврларининг чўккисига кўтарилган, амалдорлар маъмурияти асосида юзага келган, судлар фаолият кўрсатадиган, қонун амал қиладиган илк давлатлар мавжуд эди. Қадим Греция кичик-кичик полисларга бўлинган эса-да, юнонларнинг умумлашма Аидида ягона давлатчиликнинг қудратли тизими ҳукм сурган [3; 23...].

Қисман эса-да, нариги дунё тасвирланган дастлабки бадий асарлардан бири айнан Элладада яратилган. Бу ўринда гап Гомернинг "Одиссея"си ҳақида бормоқда.

Нариги дунёда "бўлиб қайтган" кишиларнинг турли бадий саёҳатномалари орасида бундай хужжатларнинг энг батафсили ва тўқиси "Илохий комедия"дир. Данте Алигьери ўз саёҳатини ўттиз беш ёшга тўлганида, аниқроғи, 1300 йилда амалга оширган. Ўша саёҳат бошланган сана маълум эмас. Аммо биз мартнинг охири, апрелнинг бошларида нима юз берганини биламиз. Бу тўғрида Дантенинг дўсти Каселла (таъкидлаш керакки, саёҳатнинг учинчи кунида Аъроф тоғлари этагида шоир ўша одамнинг руҳини учратиб қолади) католик Рождествосидан уч ойлар чамаси вақт ўтганди, дея эслайди.

"Комедия" муаллифининг осмон ёриткичлари жойлашуви борасидаги эслатмаларига таянган ҳолда турли тадқиқотчилар турли саналарни қайд этганлар. Чунончи, Хорхе Луис Борхес шундай маълумот беради: "1300 йилнинг 13 апрель куни тонгда, саёҳати тугашига бир кун қолганда Данте машаққатларни енгиб ўтиб, Аъроф тоғларидан ошганча замин Жаннатидан намоён бўлди" [1; 42...].

Агар шу нуқтаи назардан ёндашилса, Данте Дўзах дарвозасидан 1300 йилнинг 8 апрелида, жума куни кирган ва пайшанбада, 14 апрелда Эмпирейга етиб, ўз саёҳатини яқунлаган бўлади. Аммо бундан кўра муҳими шундаки, саёҳат муддати шоирнинг йўл бўйи орттирган таассуротларига катта таъсир ўтказа олмаслигидир. Ер қаърида жойлашган Дўзах фасллар алмашинуви таъсирини сезиши ҳам даргумон. Бундай ҳол Ер атмосфераси

чегараларидан олисда турган кўк Жаннати учун ҳам хос. Аросат ҳамда заминий Жаннат тоғларининг ўрни эса тропик минтақада жойлашган бўлиб, у ерлардаги ҳарорат Тинч океани сабаб мулойимлашгандир. Шу боис саёҳатчилар томонидан “чизилган” ушбу табиат картиналарини мавсумий ўзгаришларга учрамайди деб ҳисоблаш мумкин.

“Илоҳий комедия” – жаҳон адабиётининг нодир асари. Унда XIV асрнинг улуғ шоири ўтган ва ўзи билан бир даврда яшаётган одамлар образи ҳамда қизиқарли сюжет воситасида эзгулик ва ёвузликка, инсонлик ҳаётининг мусбат ва манфий томонларига ўз ҳукмини эълон қилган, десак янглишмаймиз. Данте ўз асарини “Комедия” деб атар экан, бунда ўша даврдаги нуқтаи назарга кўра, даҳшатли муқаддима ва некбин яқунга эга адабий асарни назарда тутган. Данте асарига “илоҳий” деган сўз Джованни Бокаччо томонидан қўшилган[11].

“Илоҳий комедия” уч қисмдан тuzилган бўлиб, 1-қисм – “Дўзах” кириш характеридаги икки ва дўзах тасвирига бағишланган 32 – жами 34 қўшиқдан, “Аъроф” ва “Жаннат” қисмларининг ҳар бири 33 қўшиқдан иборат. Шоир Дўзахдаги тартибсизликни унинг композициясида ҳам акс эттирган. Қўшиқлар уч мисрали банд – терциналардан ташкил топган. Мутахассилар фикрига кўра, уч мисрали банд христианликдаги Троицани (Ота Худо, Биби Марьям ва Исони), 33 эса Исонинг ёшини англатади. Бутун поэма 100 қўшиқдан иборат бўлиб, 100 рақами мукамаллик ифодасидир.

Данте тасвирига кўра, дўзах уч қисми ернинг марказига уланган улкан воронкага ўхшайди. Дантенинг жаҳаннамга сафари дарвозадан бошланади. Китобхон дуч келадиган дўзах билан боғлиқ биринчи ном Ахерондир. Ахерон – дўзах дарёси бўлиб, юнон тилида “азоб дарёси” демак. Данте ҳам бу образни антик мифологиядан олган. Ахерон дўзахнинг биринчи доирасини айланиб оқади. Кейин эса пастга оқиб, Стигий ботқоғини ҳосил қилади. Бу ботқоқ ҳам “Илоҳий комедия”да дўзахдаги маконлардан биридир. Ундан ҳам пастроқда эса Ахерон қайнаб ётган қонлар оқаётган Флегетон дарёсига айланиб, худкушлар жазоланадиган ўрмон ва олов ёмғири ёғиб турган сахрони кесиб ўтади. Дарё худди мана шу ердан улкан шаршара шаклида янаям пастга оқиб, ер марказида муз кўли – Коцитга айланади. Шу тариқа Данте дўзахнинг энг тубини музлик сифатида тасвир этади.

Дантенинг охиратдаги дастлабки икки минтақа (Дўзах ва Аъроф) бўйича ҳамроҳи римлик улуғ шоир Публий Вергилий Марондир. Бундан яхшироқ йўлбошчини тилаш ҳам амримаҳолдир. Вергилий ҳали ҳаётлик чоғидаёқ юнон-рим Аиди топографиясини чуқур ўрганиб, шу асосда ўз “Энеида”сида Рим халқига асос солган Энейнинг у ёққа бориб қолишини батафсил тасвирлайди. Милоддан аввалги 19 йилда вафот этган Вергилий Данте билан танишувиға қадар дорулбақода минг уч юз ўн саккиз йил яшаб келган деган маъно келиб чиқади. Унинг қўнимгоҳи эса мажусий тақводорлар дўзах азобларини тотмайдиган, бир-бирлари билан мулоқот қила оладиган макон Лимб эди.

Бундан ташқари, нариги дунёда узоқ вақт бўлиши давомида Вергилий жаҳаннам ҳаёти билан ипидан игнасиғача танишиш имконига эришганди. Асосийси, бир сафар уни бу ерга жўнатган фессалиялик жодугар Эрихтонинг иродасига биноан бутун Дўзах (Лимбдан Жудеккагача, Жудеккадан Лимбгача чўзилган жойлар)ни айланиб чиқишиға тўғри келганди. Энди эса яна бир бор аёл зоти (бу сафар Беатриче)дан фармон етиб борди-ю, шу тариқа Вергилий Дантенинг раҳбонига айланди.

Флоренциялик шоир Вергилийни ўз устози деб санагани боис ҳам Данте учун шундай йўлбошчи “танланган”и аниқ. Насронийлар Вергилийға юксак эҳтиром билан қарашган. Диний кайфиятдаги Данте учун ҳам одатий мажусий кўринишидаги гуноҳкор кишидан кўра бундай ҳамроҳ ардоқлироқ эди [2;50 ...].

Дўзахдаги ўзга тақводорлар эса бу ишда унга кўмаклаша олмасди. Чунки “Эски аҳд”да Христоснинг тарафдорлари саналган ўша кишилар баён этилаётган воқеалардан ўн уч асрча муқаддам жаҳаннамни тарк этишганди. “Илоҳий комедия”да Вергилий тилидан куйидагилар бежиз таъкидланмаган:

*“Гувоҳман, бу ерга келди бир дафъа  
Улуғ ҳазратлари – голиб жаноби.  
55 Одам Атони у қутқазгандир, ҳа,*



## ADABIYOTSHUNOSLIK

*Ўғлонин ҳам шундоқ. Нуҳи муборак,  
Ҳазрати Мусо ҳам у зотга халфа.  
58 Шоҳ Довуд, нуроний Иброҳим бешик,  
Авлод-аждоди-ла ҳазрат Исроил,  
Роҳила – қимматга тушган келинчак.  
61 Бўлмиш кўп азизлар меҳрига ноил,  
Лойиқ бўлмаган бошқалар ва лек.  
Илк бор ўшаларга боққанлар мойил”[6;23...].*

Охират минтақалари ҳамда тириклар дунёси Дантеда коинотнинг бир бутун ва тугал манзараси ўлароқ бирлашиб кетган. Ер курраси оламнинг марказида, Сион тоғию Қуддус шаҳри эса Шимолий ярим шар ўртасида жойлашган. Жанубий ярим шар эса асосан океандан иборат ҳамда у ёққа чиқиш одамзодга таъқиқланган (бу ҳолдан II асрда яшаган атоқли илоҳиётчи Климент Александрийский оғоҳ этади ва Данте ҳам унинг нуқтаи назарини қўллаб-қувватлайди) [7; 35...]

Осмон картинаси “Илоҳий комедия”да мураккаброқ, аммо шоирнинг “Базм” трактатида батафсилроқ тасвирланган. Ҳаракатсиз Ер атрофи бўйлаб асосан марҳумлар руҳи ва фаришталар кўним топган концентрик (бир умумий марказга эга) осмон сфералари айланади. Бу айланиш ўзаро уйғун куй садолари остида кечади. Олдинги етти сферага қаторига Данте томонидан Ой ҳамда Қуёш ҳам “қўшиб қўйилган” сайёралар тўғри келади. Булар – Ой, Меркурий, Венера, Қуёш, Марс, Юпитер ва Сатурн осмонлари.

Иждокор томонидан “чизилган” дунё кўриниши тўғрисидаги бугунги тасаввурлар нуқтаи назаридан бу манзара ўзининг олий нуфузига қарамай, хусусан, осмон сфераларининг физик табиати борасида унчалик ҳам аниқ эмас. Аммо Коперник кашфиётигача ҳали уч ярим аср вақт бор эди. Илм дунёсида эса олам марказидаги Ер шари ҳамда унинг атрофида айланувчи Қуёш ва сайёралардан иборат птоломейча модель ҳукмрон эди.

XX асрда Данте космологиясини замонавий физик-математик назариялар билан келиштиришга уринишлар бўлди. Атоқли файласуф Павел Флоренский “Геометриядаги хаёлот” китобида дантеча коинот ҳақида шуларни ёзади: “*Бу олам манзарасини Эвклид чизмалари билан тасвирлаб бўлмайди*”[9; 46...].

Швейцариялик математик Берман Вейль ҳам дантеча космологияни дунёнинг замонавий математик модели билан таққослашга уринган. Унинг “Асосий физик ғоялар эволюцияси” деган китобини шарҳлаган Г.Ю. Трегер томонидан билдирилган шохидликка қараганда, Данте космоси типологияси Эйнштейн космоси типологиясига яқин [8; 30...].

Данте ва Вергилий дўзахнинг дарвозасидан ўтиб, I-доирага киришади. Бу – насроний таълимотига кўра, ғайри насронийлар ва чўқинтирилмаган гўдаклар жойлашган Лимб водийси эди. “Лимб” лотинча сўз бўлиб хошия, атрофлаб ўраган нарса, канора маъносига эга. Асарда бу водий шундай тасвирланади:

*7. Жарлик ёқасида эдик шу чоғда,  
Пойимиз остида қўрқинчли дара  
Шовқин, фарёд тўла гувлаб ётмоқда.  
10. Шу қадар зулумот, теран, қоп-қора...  
22. ...Йўлимиз заминнинг даҳшатли қаъри.  
23. Қулоққа чалинган йигимас, ёҳу,  
Инграш келар эди ҳар ёндан фақат.  
Мангу хилқат узра таралган оҳ бу![6; 22-23]*

Насронийларнинг ривоятларига кўра, Исо Масих хочга тортилганидан кейин қайта туғилгунча Лимбга келиб, инсоният учун буюк хизматлар қилган шахсларни жаннатга олиб чиқиб кетар экан. Данте асарига кўра эса, Вергилий унга Исо Одам Ато, Нуҳ, Мусо, Довуд, Иброҳим, Исроил ва унинг қавмини, Исроилнинг хотини Роҳилани дўзахдан озод этганини хабар беради.



“Бешинчи кўшиқ”да нореал дунё билан боғлиқ яна бир топонимга дуч келамиз: Каин – аслида дўзахнинг 9-доирасига мансуб жой бўлиб, ундан ўз яқинларини ўлдирган ёки сотганлар ўрин олади. “Бешинчи кўшиқ”да Каин куйидаги сабаб билан тилга олинади:

2-доирада Данте соялари бир-биридан айрилмайдиган Франческа ва Паолога дуч келади. Франческа римлик гвельфлар дохийсининг ўғли бўлмиш Жанчотто Малатес исмли хунук ва оқсоқ кимсага узатилади. Франческа қайинукаси Паоло билан ишқий муносабатга киришганини билиб қолган Жанчатто ошиқ-маъшуқларнинг ҳар иккаласини ҳам ўлдиради. Дўзахнинг мана шу доирасида Данте Франческа билан сўзлашиб қолади ва Франческа унга Жанчаттонинг жойи дўзахнинг тубида – Каинда бўлишидан умидворлигини айтади.

Аслида ҳаётда бу воқеа 1283-1286 йиллар оралиғида бўлиб ўтан. Бадарға қилинган Данте ўзининг сўнгги паноҳгоҳини Франческанинг жияни бўлмиш Гвидо Новелло да Полентанинг ҳузуридан топган эди. Балки шунинг учундир, эҳтимол, шоир сифатида муҳаббатда эрк масаласини улуғлагани учундир, Данте дўзахда Франческа ва Паолога жуда ачиниб қарайди. Уларнинг ғуссали ишқ ҳикоясини эшитгандан кейин эса шу даража мутаассир бўладики, хушдан кетиб йиқилади. “(109) Улар сўзин тинглаб, қаддим бўлиб ёй, Беҳад изтиробда бош эгдим ғамгин... (140) Ҳасратлари мени қилди-ю адо (142) Йиқилдим ўша он бамисли ўлик”, деб ёзади шоир.

Устоз-шогирд шоирлар дўзахнинг 5-доирасида Стигий<sup>1</sup> ботқоғига дуч келишади. “Стикс” грекча сўз бўлиб, “манфур” деган маънони англатади. Юқорида айтилгани каби, бу ботқоқ Ахероннинг пастки оқимидан пайдо бўлади. Бу ботқоқда ғазабнок ва дангаса кимсалар жазоланади. Данте бу манзарани шундай тасвирлайди:

*109. Боқсам, нарироқда гирдоб қайнарди,*

*Ва унда айқашиб ваҳший оломон*

*Балчиқ орасида бижғиб юрарди.*

*112. Юлқишар эдилар улар беомон,*

*Тўш уриб, қўл силкиб, тиз уриб пайваст –*

*Шўнғиб, гажийман деб бир-бирин ёмон[6;38] .*

Хўш, улар қайси гуноҳлари учун бу жазога мустаҳиқ этилганлар? Данте бу гуноҳкорларнинг ўзига сўз беради. Улар зўрға шивирлаб шундай дейдилар:

*121. ....*

*Биз ёруғ дунёда тунд эдик буткул,*

*Яшадик қовоқни сира очмасдан.*

*124. Мана, тиқилганмиз балчиққа нуқул...[6;39]*

Олтинчи доирада Дит шахри жойлашган. Дит – грекларда дўзах худоси Аид(Гадес)нинг лотинча номи. Аид Зевс, Посейдон, Гера, Гестия ва Деметранинг укаси. Унинг каллиғи Персефон бўлган. Римликлар уни Плутон деб атаганлар. Плутон сайёрасининг номи ҳам шундан олинган. Антик мифологияда Аид бирваракайига ерости ўликлар салтанати худоси ва ўликлар салтанатининг номини англатган. Мифологияга кўра, бу маконга кириш жойи Ерни ювиб турадиган Океан дарёсининг нарёғида экан. Данте асарида Дит жой номи – дўзахнинг энг пастки қавати, Стикс ботқоғи билан ўралган шаҳар номи маъносида келган. Бу шаҳарда бидъатчилар, даҳрийлар жазоланади. Дўзахнинг бу қисмидаги жазо Дантени янаям даҳшатга солади: унда зулфу кокил ўрнига илон ўрнатилган интиқом маъбудалари даҳшат солиб юради, бир гуруҳ оломон Стикс суви устида елимдай тутунда азобланиб чопиб юради, баъзилар эса темирни пешлашда ишлатиладиган оловдан ҳам баландроқ даражадаги алангада ёндирилади.

Дитнинг “шаҳар” дейилиши нисбий. У бизнинг тасаввуримизда шаҳар сифатида гавдаланмайди. Бу жой кўпроқ куйи Дўзах чуқурлиги билан ўралган мустаҳкам линиядир. Ана шу ерда шоирнинг биринчи бор кўп сонли тубжой аҳолига дуч келганини қайд этиш мумкин. Бу аҳоли шаҳар дарвозаларини кўриқлашга кўйилган тубан фаришталар ҳамда

<sup>1</sup> Бу жой номи “Илохий комедия”нинг ўзбекча таржимасида Стигий ботқоғи, кўшиқ мазмунининг қисқача насрий баёнида “Стикс” деб берилган. Аслида рус тилида “болото Стикса” ва “Стигийское болото” дейилади. Фикримизча, “Стикс ботқоғи” деган маъқулрок. – Қ.: 3, 35, 38.

юнонларнинг антик замонлардан қолган адоват маъбудалари – эринийлардан иборат. Девор кўрғонлар оралаб уйлар ўрнига олов ёниб турувчи сон-саноксиз қабрлар турибди. Бунда – олтинчи доирада дахрийлар, еретиклар банди этилган. Шу ерда куйи Дўзахга элтувчи чуқурлик узилган. Тик нишаб Исонинг жаҳаннамга келиши пайтида юз берган сўнги зилзила натижасида ҳосил бўлган улкан палахсалар билан қопланган. Шу ўринда Данте илк бор ёввойи фаунани – кентаврлар ва Минотаврни тилга олади. Илгари айтганимиз Церберни эса Аидда кириш йўлини кўриқлагани боис уй ҳайвонлари сирасига кўшмоқ жоиз.

9-кўшиқда дўзахга оид яна бир топоним тилга олинади. Бу – Яхудо (яъни Иуда) сарҳади. Яхудо Ахерон дарёсининг охириги манзили – Коцит муз кўлининг атрофи бўлиб, дўзахнинг энг туби ҳисобланади. Яхудо сарҳадида Исони сотган Иуда абадий жазога мустаҳиқ этилган.

Ўнинчи кўшиқнинг русча таржимасида яна бир топоним бор, аммо бу ном ўзбекча таржимада тушириб қолдирилган. Русча таржима:

*10. "Все будут замкнуты, - ответ мне был, -  
Когда вернутся из Иосафата  
В той плоти вновь, какую кто носил [4;72].*

Ўзбекча таржима:

*10. Деди: "Маҳшар чоғи саҳродан у тоб  
Ўз шаклига кириб қайтурлар яна.  
Ва шунда бекилур мозорлар шитоб"[6;50].*

Иосафат деб номланган бу жой черков таълимотига кўра қиёмат водийсидир. А.Орипов таржимада бу жойни “маҳшар саҳроси” тушунчаси билан алмаштирган ва бу оригиналдаги маънога ҳеч бир халал етказмаган.

Ўн иккинчи кўшиқда яна бир дарё номи берилган. Қон оқадиган бу дарёнинг номи Флегетон(грекча “ёқувчи” демак)дир. Флегетон аслида учинчи кўшиқда тилга олинган Ахерон дарёсининг давоми бўлиб, унда ўз яқинларига нисбатан зўрлик қилганлар жазо тортадилар.

Зўравонлар қавати саналган еттинчи доира Флегетоннинг қонли оқимидан бошланади. Шу доиранинг дастлабки минтақасида ўз яқинларига зулм ўтказганлар қовурилади. Кейинги минтақанинг эса қизиқ жиҳати шундаки, ўша жойда Лимбдан кейин биринчи марта яна ўсимлик дунёси тўғрисида сўз кетади. Яъни ундаги ёввойи дарахтзор сертикан ва кўнғир баргли ҳосилсиз ғадир-будур дарахтлардан иборат. Дарахтлар худкушлар – ўз-ўзига зулм ўтказганлар руҳининг уруғларга айланишидан ўсиб чиққандир. Ўрмонни япроқлар билан озикланувчи ҳамда ўша осий дарахтларни бурдаловчи кўп сонли гарпийлар макон тутган. У ерда шунингдек, кўплаб ёввойи итлар ҳам борки, улар чангалзордаги қиморбозларни, пулхўрларни овлайди.

Ўрмон ортидан янги табиат минтақаси – бағрида учинчи камар маҳбуслари азоб тортаётган қайноқ саҳро бошланади. Мазкур худуд бандилари куйидагилар: илоҳиятга зулм ўтказганлар (шаккок, худобезорилар), табиат қонунларини таҳқирлаганлар (содомитлар) ҳамда санъатни хор қилганлар (судхўрлар).

Улар кизиб турган чўл бўйлаб юрмоққа маҳкум. Ўрмондан оқиб ўтувчи Флегетон ўз оқими давомида ёғилаётган оловни ўчириб боради ва сернам ҳаво минтақасини ҳосил қилади. Кейин даҳшатли гувиллаш остида дарё тубсиз жарликка куйилади. Айнан шу жойда – улкан ўпқонда Дўзахнинг саккизинчи доираси – Ёвузлик ёриғи жойлашган. Бу ёриқ концентрик шаклдаги тўққиз зовур ёки ўрага ажралувчи халқасимон камар бўлиб, ўша зовурлар дўзах воронкасини ўраб олгандир.

Камарда марказга қараб енгилгина оғиш мумкин. Марказда, ўнта ўра орасида “Гигантлар қудуғи” бор. Ёриқлар бир-биридан тупроқ деворлар орқали ажратилган. Бутун тизим эса ғорларга олиб борадиган харсангтошлар томон радиус бўйлаб кесиб ўтган. Тошлар бир қанча ўхшаш кўприкларни ҳосил қилган. Жаҳаннамнинг ушбу воҳаси “чўян”нинг қоятош кўринишидаги тури асосида шаклланган.

## ADABIYOTSHUNOSLIK

Ёвузлик ёриғида ўзаро ишонч ришталари билан боғланмаган кишиларни алдовчилар жазоланадики, шу боис бунда алдов тушунчасини жуда кенг шархлаш керак.

Илк ўрада бир-бирига тўқнаш келувчи икки оқим оралаб шайтонлар дарраси остида кўшмачи ҳамда йўлдан оздирувчилар боради. Кейинги ғорда лаганбардорлар нажасга ботган. Учинчи ўрада табаррук нарсаларни сотувчилар азобланади. Уларнинг бош ва гавдаси сарғиш тошдаги доирасимон ўйиқларга тикилган, ташқарига чиқиб турган оёқларини эса олов куйдиради. Тўртинчи ёрик фолбинлардан тўлган. Уларнинг танаси абгор ҳолга келган ҳамда кўкрак қафасининг юқори қисми 180° га букилган[9;24...].

Навбатдаги ғорда жазоланаётган порахўрларни қайноқ елим ютиб юборган. Дўзахнинг айни шу худуди тирикларга анчагина маълум. Бунда қабул қилинган жазо Дўзах учун қайсидир маънода “ташриф қоғози” ҳамдир.

Умуман, шайтонлар одамсимондир (гарчи уларнинг қаноти бўлса ҳам). Улар одамдек гапира олишади ва бир-бирларини исмларини айтиб чақиривчи. Шуниси қизиқки, турли миллат ҳамда даврларга мансуб гуноҳкорлар, ва Данте ҳам, Вергилий ҳам ўша шайтонлар гапираётган тилни жуда яхши тушунишади.

Саккизинчи доирада фирибгарлар жазоланадиган жойни Данте Ёвуз ғор деб атайти ва шундай тасвирлайди:

*Дўзахда бир жой бор, оти Ёвуз ғор,  
Чўяндай тош эрур бошдан-оёғи,  
Тик кетган жар каби залварли девор.  
4. Унинг тубида-чи, кенг ва қоронғу  
Оғзин очиб ётар мудҳиш бир қудуқ.  
Ўшал ҳақда бўлғай гапнинг бу ёғи.  
7. Қоя ва жарликнинг ораси узоқ,  
Ўртада биз ўтган ўша поғона –  
Айлана шаклида – ўн жойдан ботиқ.  
10. Қалъалар шу тахлит бўлар фасона,  
Асрар деб ногаҳон бошланса қамал –  
Ҳандақ, ўра бўлар атроф айлана.  
13. Бу жой ҳам шунақа эди филмасал,  
Дарвозадан тортиб қирғоққа қадар  
Тўшалгани каби кўприклар гал-гал  
16. Тубсиз жарлик узра узун, серхатар  
Чўзилиб кетганди тоғ қирралари,  
Ул қудуқ қошида бу тизма тўхтар [6;90].*

Ёвуз ғор деган топоним бирор-бир манба билан боғлиқ бўлмай, бу номни Дантенинг ўзи қўйган[6;184].

“Дўзах”даги охириги топонимлар 9-доирага тааллуқли. Тўққизинчи доира тўрт қаватдан иборат бўлиб, биринчи қават Каин ёки Каина деб юритилади, бу қаватда ўз яқинларига хиёнат қилганлар жойлашган. Антенора деб номланган иккинчи қаватда эса ватанига ва ҳаммаслақларига; Толомея деб номланган учинчи қаватда дўстлари ва ҳамтовоқларини сотганлар; Жудекка номли охириги тўртинчи қаватда эса Тангрининг элчиларига, инсоният учун улкан эзгу ишлар қилган шахсларга хиёнат қилганлар жазоланадилар. Данте мана шу энг охириги қаватга Исони сотган Иудани жойлаштирган. Коцитга Лета суви қуйилувчи ёрик етарлича катта, ва ҳатто унинг энг чуқур тубига юлдузлар нури кириб борган. Шу ёрик орқали Ер марказидан Жанубий ярим шарга, Аросат тоғи этагига кўтарилиш мумкин[10].

Кўринадикки, Данте дўзахдаги жойларни номлашда, асосан, Инжил ривоятлари ва антик мифологияга асосланган. Фақат бир ўринда ўзи жой номини ўйлаб топган. Ривоят ва мифда сақланиб қолган бу жойларни шоир шундай тафсилотлар билан тасвирлайдики, ўқувчи уни сурат ёки кинодагидек жонли манзараларда кўриб туради. Биргина “Дўзах” қисмидаги жойлар номи ва тасвири “Илоҳий комедия” хронотопининг нақадар серқатлам ва рамзий маънога эга эканлигини кўрсатади. Бу маконлар шоирларнинг жаҳаннамдаги сайри

яқунланиб борган сари мудҳишлаша, мураккаблаша боради. Бошқача айтганда, замон ўзгарган сари макон ҳам ўзгара боради.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Борхес Х.Л. Девять эссе о Данте (предисл. А. А. Фридмана). // Вопросы философии. – 1994. № 1. – 92... с.
2. Вергилий. Энеида. Пер.: С. Ошеров // Вергилий. Буколики. Георгики. Энеида. – М., 1971. – 640 ... с.
3. Грейвс Р. Мифы древней Греции. – М.: Наука, 1992. – 624... с.
4. Данте, Алигьери. Божественная комедия. Перевод М.Лозинского. – М.: Издательство "Правда", 1982. – 440... с.
5. Мифы народов мира. В 2 томах. Энциклопедия. – М., 2008. – 1392... с.
6. Орипов А. Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. Учинчи жилд. – Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. – 384... б.
7. Путятин Д. А. Космос Данте и его движущие силы. Доклад. – МГУ, 2006. . – ... с.
8. Трегер Г. Ю. Эволюция основных физических идей. – Киев, 1989. . – ... с.
9. Флоренский П. Мнимости в геометрии. – М., 1991. . – 96.. с.
10. <https://divinacommedia.weebly.com/cronologia.html>
11. <http://ru.wikipedia.org>

UDK: 82.091

## BOBUR G‘AZALLARIDA MURDAF QOFIYA

### “МУДРАФ РИФМА В ГАЗАЛЯХ БОБУР”

### “THE MUDRAF RHYME IN THE BOBUR’S GHAZALS”

*Hamroyeva Orzigul Jalolovna*

*Alisher Navoiy nomidagi TDO ‘zTAU, f.f.f.d. (PhD)*

**Annotatsiya.** Mumtoz poetika nazariyotchilari ijodkorning mahoratini qaysi mavzuni yoritgani bilan emas, qanday tasvirlashi bilan belgilashgan. Mumtoz poetikaning nazariy asoslari amaliy jihatdan ijodkorlar she’riy parchalari tarkibida aks etgan. Zahiriddin Muhammad Bobur mumtoz poetikaning nazariy asoslarini o‘z she’rlarida mukammal qo‘llay olgan, o‘ziga xos tasvirlash uslubiga ega hassos shoir. Shoir g‘azallarida mazmun va shakl mutanosib tarzda uyg‘unlashtirilgan. Xususan, Bobur g‘azallarida murdaf qofiyali so‘zlar g‘azal mazmuni bilan birga shakliy ohangdorlikni yuzaga keltirgan asosiy vosita sifatida ko‘zga tashlanadi. Maqolada Bobur g‘azallarida murdaf qofiyaning o‘rni tadqiqqa tortilgan.

**Tayanch so‘zlar:** poetika, risola, ilmi segona (Ilmlar uchligi), qofiya, qofiya ayblari, hurufi qofiya (qofiya harflari), qofiya turlari.

**Аннотация.** Теоретики классической поэзии определяют свои творческие способности не тем, что они освещают, а тем как они их описывают. Теоретические основы классической поэзии отражены в практических выдержках. Захирридин Мухаммад Бабур сумел в полной мере применить теоретические основы классической поэзии в своих стихах. Он чувствительный поэт с характерным стилем иллюстрации. Поэт использует значение и форму в своих газалях. В своих газелях Бабур полностью придерживался рифмованной системы поэмы вместе с содержанием. В статье рассматривается роль рифмы в газалей Бабура.

**Ключевые слова:** поэтика, брошюра, троитса знаний, рифма, рифмы обвинения, рифмованные буквы, рифмы.

**Abstract.** The classic theorists of poetics assessed authors’ skills not according to the topic they chose, but the way they described it. The elements of the fundamental theories of classic poetry can be found in the poems of classic authors as they used those rules in a practical way. Zahiriddin Muhammad Babur is a skillful poet who could use the fundamental theories of classic poetics in a professional way and had a unique describing style. In his poems, the meaning and the form are



## ADABIYOTSHUNOSLIK

*harmonious. In particular, “murdaf rhymed” words can be seen as a main method which made this harmony in Babur’s ghazals. In the article, the role of “murdaf rhyme” in Babur’s ghazals is explained.*

**Key words:** Poetry, brochure, “ilmi segona” (the trio of sciences), rhyme, rhyme charges, “hurufi qofia” (letters of rhyme), the types of rhyme.

Mumtoz adabiyotda qofiya ilmi tadqiqiga bag‘ishlangan bir qancha ilmiy-nazariy risolalar mavjudki, bu risolalarda ilmi qofiyaning nazariy asoslari ishlab chiqilgan. Ibn Qutayba, Qudama ibn Ja’far, Asmaiy, Ibn Xaldun, Abu Abdulloh Xorazmiy, Yusuf Sakkokiy, Damanzuriy, Qinoiy, Yunus ibn Habib, Abu Amr ibn Ala, Mufaddal, Mubarrad, Shamsiddin Qays Roziy [22, 1991], Abdurahmon Jomiy [2, 1867], Vohid Tabriziy [4, 1959], Abulhasan Ali Sarahsiy Bahromiy, Nuriddin Ahmad ibn Abdujalil, Atoulloh Husayniy, Nosir ad-Din Tusiy [11, hij.1325], Shayx Ahmad Taroziy [24, 1996] kabi olimlar tomonidan poetikaning uch asosiy qismi: ilmi aruz, ilmi qofiya va ilmi bade’ tadqiq etilgan. Har bir manbada qofiyaning mumtoz poetikadagi ahamiyati yoritib berilgan. Qofiya misradagi oxirgi ohangdosh so‘z bo‘lmay, ijodkorning aytmoqchi bo‘lgan fikrining asosini ko‘rsatib beruvchi vosita hamdir. Shuning uchun qofiya huruflari, ularning qo‘llanish o‘rinlari mumtoz matnni tahlil qilishda, ijodkor ruhiy olamini belgilashda muhim ahamiyatga ega.

Zahiriddin Muhammad Bobur ijodida qofiyaning barcha turlariga namuna topish mumkin. Ularning har biri ijodkorning maqsadini yoritib berishga xizmat qilgan. Shoir g‘azallari orasida qofiyaning o‘zak tarkibiga ko‘ra turlaridan murdaf qofiya salmoqli hajmga ega. Ma’lumki, murdaf qofiya ridfli qofiya bo‘lib, uning ikki ko‘rinishi mavjud:

1. Asliy ridfga asoslanadigan murdaf qofiya. Ya’ni ridfdan oldin keladigan unli harfga asoslanadigan qofiya: *makon – jon* kabi. Shayx Ahmad Taroziy ridf sifatida kela oladigan unli sifatida faqat o unlisini e’tirof etadi [24, 1996]. Qofiya ilmiga oid boshqa risolalarda esa ridfi asliy sifatida o va u unilari kela olishi ta’kidlangan.

2. Ridfi zoyidga asoslanadigan murdaf qofiya. Bunday qofiya turida raviy va ridf orasida bir undosh tovush orttiriladi: *rost – ost* kabi.

Bobur ijodidagi aksariyat g‘azallar ridfi asliyga asoslangan murdaf qofiya shaklida keladi. G‘azallar tarkibidagi murdaf qofiyaning 3 jihatiga ko‘ra tadqiq qilish maqsadga muvofiq:

- g‘azallarning mavzuiy tasnifiga ko‘ra;
- g‘azallarning vazniy xususiyatiga ko‘ra;
- g‘azallarning hajm xususiyatiga ko‘ra.

Zahiriddin Muhammad Bobur she’riyati mavzu jihatidan rang-barang. Shoir ijodida ijodkor qismati, vatan sog‘inchi, yolg‘izlik, qalb kechinmalari, nekbin tuyg‘ular, o‘ynoqi ohanglar kamalak jilosiga kabi o‘ziga xos. Shakl mazmunni chuqurroq, ta’sirliroq etkazishda muhim vositalardan biridir. Mumtoz poetikada ijodkorning nimani tasvirlashi emas, qanday tasvirlashi uning mahoratini belgilab beradi. Bobur lirikasida g‘azallardan tortib kichik lirik janrlarning barchasida poetikaning ushbu qonuniyatiga to‘liq rioya qilingan.

Zahiriddin Muhammad Bobur – hassos shoir. U o‘z boshidan kechirgan voqealarni shunchaki voqelik sifatida emas, badiiy voqelik sifatida tasvirlaydi. Shoir ijodida barcha mavzularga oid g‘azallar mavjud. Bu g‘azallarni ma’lum mavzuga oidligini chegaralash to‘g‘ri emas. Vatan sog‘inchi bilan birga ishq, yor tasviri, peyzaj ohanglari ijtimoiylik va intim tuyg‘ularning qorishiq holda kelishi Bobur ijodining o‘ziga xos xususiyatidir. Bobur g‘azallarining aksariyatida murdaf qofiya shaklidan foydalanilgan. Xususan, Zahiriddin Muhammad Boburning 3 jildlik “Asarlar” to‘plamining 1-jildidagi 115 ta g‘azalning 55 tasida ridfi asliyga asoslangan murdaf qofiya keltirilgan [3, 232].

Murdaf qofiya qo‘llanilgan g‘azallarning 33 tasida murdafi mutlaq qofiya, 25 tasida murdafi muqayyad qofiya ishlatilgan. Shoir raviydan keyingi hurufni, ya’ni murdafi mutlaq qofiyaning ma’lum maqsad yo‘lida, ohangdoshlikni ta’minlash maqsadi bilan keltirgan. “Ondin - jondin” qofiyadosh so‘zlari tarkibidagi nun – raviydan tashqari dol - vasl, i (harakat) – nafoz, nun – xurujlar musiqiy takroni, ohangdoshlikni kuchaytiradi. Shuning uchun ham Bobur g‘azallarining aksariyatida murdafi mutlaq qofiya shakli keladi. Bu qofiya turining g‘azal



## ADABIYOTSHUNOSLIK

mazmuniga ta'siri bor. Xususan, murdaf qofiya ishlatilgan g'azallarning ko'p qismida oshiqona va yor sog'inchi (vatan sog'inchi) va lirik qahramon tuyg'ularining aks-sadosi tasvirlangan. Boshlang'ich g'azal sifatida keltirilgan "*Yolig'ingkim, jon bila men xastadurmen zor anga*" misralari bilan boshlanuvchi g'azalda chin ma'nodagi oshiq holati tasvirlangan.

Ko'nglum istar yog'lig'ingni, balki andin bir nasim,  
Yetsa Boburg'a erur jon birla minnatdor anga.

Lirik qahramon o'z yoridan – yurtidan mujda kutyapti. Uning birgina nasimi ham ko'nglini ko'tarishini, jon-u tani bundan minnatdor bo'lishini tasvirlayapti. G'azaldagi qofiyadosh so'zlar murdafi muqayyad qofiya bo'lib, raviydan so'ng qofiya harflari ishtirok etmagan. Demak, raviydan keyingi hurufi qofiyalar qofiyadosh so'zlar tarkibida ishtirok etmasa, qofiyadosh so'zlar raviy bilan tugallansa, muqayyad qofiya sanaladi. Aksincha, agar raviydan so'ng qofiya harflaridan birortasi ishtirok etsa, mutlaq qofiya sifatida baholanadi. Boburning "*Hajr o'turdi meni anglasam erdi muncha*" deb boshlanuvchi g'azalda ham yoridan judo bo'lgan oshiq qalb kechinmalari tasvirlangan. Faqat bu ayriliq bandaning o'z Yaratuvchisidan ayrilishidir. Olloh ishq, uning visoli yo'lidagi ayriliq azobi, rohati, solik holati uyg'unlikda tasvirlanadi.

Zohido, do'zax o'tidin meni ne qo'rqutasan,  
Hajr o'ti qoshinda ko'rmasmen ani uchquncha.

Ey zohid, do'zax o'ti azobini aytib meni qo'rqitasan, vaholangki, qalbidagi hajr o'tining harorati, Yaratganga bo'lgan ishqim olovi oldida ular uchquncha ham qudratga ega emas. Mubolag'a san'ati asosidagi ushbu tasvir chin oshiq holatining tasviridir. G'azalda "*muncha, o'lguncha, uchquncha, garduncha, Majnuncha, gulg'uncha, maknuncha*" so'zlari qofiyadosh so'z sifatida ishlatilgan. Qofiyadosh so'zlar tarkibidagi nun undoshi raviy sanalib, undan oldingi u unlisi ridfi asliy hisoblanadi. Raviy qofiya huruflaridan biri bo'lib, asosdagi tirkak tovushdir. Bu tovushlar, ya'ni raviy o'zaro bir xil tovush bo'lishi kerak. Agar ular bir xil bo'lmasa, qofiyada noqisliklar kuzatiladi. Ushbu g'azaldagi qofiyali so'zlar tarkibidagi tovushlarda ixtilofiy holatlar ko'zga tashlanadi. Ridfi asliy "*o'lguncha*" so'zida qo'shimcha tarkibida kelgan bo'lsa, "*uchquncha, garduncha, Majnuncha, maknuncha*" so'zlarida asos tarkibida kelgan. "*Muncha, gulg'uncha*" qofiyadosh so'zlardagi raviy va unga mutanosib ridfi asliy asosning tugallanishida emas, o'rtasida kelgan.

Boburning mashhur g'azallaridan biri "*Jonimdin o'zga yori vafodor topmadim*" deb boshlanuvchi g'azalida ham yurt sog'inchiga to'lgan, vatanidan judo bo'lgan oshiq hayot sinovlari qozonida qaynagan qalbini ifodalaydi. G'azalning matlasida keltirilgan qofiyadosh so'zlar "*vafodor – asror*" so'zlarida hurufi qofiyaning joylashish tartibida ixtilofiy holatlar ko'zga tashlanadi. "*Vafodor – asror*" so'zlarida ro raviy sanalsa, o unlisi ridfdir. Biroq e'tibor qilinsa, raviy "*vafodor*" so'zida qo'shimcha tarkibida, "*asror*" so'zida esa asos tarkibida kelgan. Bu kabi holat iyto (qofiya aybi) hodisasi deb nomlanadi. Boburning murdaf qofiya ishlatilgan g'azallarida shoirning hayotiy xulosalari, fikriy umumlashmalari ham aks etgan. Xususan, "*Na xush bo'lg'ayki, bir kun uyquluq baxtimni uyg'otsam*", "*G'ayr toshi zaxmidin dardimni izhor etmadim*", "*Ne vafo umrumda ul jon-u jahondin ko'rgamen*", "*G'urbat-u hijrong'a qoldim oh ul jon ilgidin*" misralari bilan boshlanuvchi g'azallarida Bobur bir muddat umrining sarhisobini qiladi. Shoirning "*Bahor ayyomidur dag'i yigitlikning avonidur*" matlali g'azalida ham murdaf qofiyaga asoslangan qofiya qo'llangan. Bobur "*avonidur, zamonidur, arg'uvonidur, imtihonidur, ravonidur, jonidur*" qofiyali so'zlarni o'ynoqilikni ta'minlash maqsadida ham mazmun, ham shaklni mutanosib holda ishlatgan.

Yuqorida aytilganidek, murdaf qofiya qishlatilgan g'azallarning aksariyat qismida o'ynoqi ohang, yor go'zalligi tasviri ustunlik qiladi. Xususan, "*Ko'zumda muttasil ul egma qosh kerak bo'lsa*", "*Qachon bo'lg'ay musharraf bo'lg'amen, jono, jamolingg'a*", "*Kimki bo'lg'ay sen kibi olamda dildori aning*", "*Qaysi bir ozoring aytay jonima ag'yorning*", "*O'turur garchi meni guftoring*", "*Olida go'yin ko'rung, ilgida chavgonin ko'rung*", "*Ey yuzi nasrin, qomati shamshod*", "*Ul ahd ila paymon qani, ey yor, ne bo'ldi?*", "*Ulki menga yori dilnavoz ko'rundi*", "*Yoz bo'ldiyu, bo'ldi yana jannat kibi yozi*", "*Qadi shoxi guldek nigorim qani?*", "*Yuz ko'rsatib o'turursen, ey oy*" deb boshlanuvchi g'azallarida ma'shuqa tasviri, o'ynoqi ohang nafasi ufurib turadi. Bu ruhdagi g'azallar Bobur ijodida talaygina.

## ADABIYOTSHUNOSLIK

Gul jamolin yopqon ul gulning iki rayhonidur,  
G'uncha sirrin ochqon ul ikki labi xandonidur.  
misralarida ham "rayhonidur - xandonidur" qofiyadosh so'zlari o'ynoqi ohangni ta'minlash maqsadi bilan ishlatilgan.

	Ridf	Raviy	Majro	Vasl	Xuruj	Noyira
Rayh	O	N	i	d	U	r
Xand	O	N	i	d	U	r

Qofiyadosh so'zlardagi raviydan keyingi hurufi qofiyalar: majro, vasl, xuruj, noyira qofiyaga yuklatilgan vazifani to'laqonli bajara olgan.

Bobur ijodidagi murdaf qofiyali g'azallar turli vaznlarda yozilgan bo'lsa-da, Bobur ohangdorlikni ta'minlash maqsadi bilan an'anaviy vaznga ko'proq murojaat qilgan. 55 ta murdaf qofiyali g'azallar quyidagi vaznlarda yozilgan:

Ramal	Hazaj	Mujtass	Muzori'	Xafif	Mutaqorib	Sari'	Munsarih
25	20	3	3	3	2	1	1

Ko'rinib turibdiki, murdaf qofiyali g'azallarining aksariyati ramal va hazaj bahri vaznlarida yozilgan bo'lib, bu g'azallarining ko'pi ramali musammani mahzuf, maqsur vaznlari shaklidir. Hazaj bahri vaznlarida yozilgan g'azallar ramal bahri vaznlariga nisbatan kamroq, 20 ta. Hazaj bahrida yozilgan g'azallar ramal bahri vaznlaridan farqli o'laroq bahrning turli vaznlarida yozilgan. Murdaf qofiyali g'azallarining 3 tasi mujtassi musammani maxbun, maxbuni maqtu' vaznida, 3 tasi muzoriyi musammani axrab, axrabi makfufi mahzuf, maqsur vaznlarida yozilgan.

O'zni, ko'ngul, aysh bila tutmoq kerak,

Bizni unutmog'ni unutmog' kerak,

matlali sariyi musaddasi matviyi makshuf vaznida yozilgan g'azalda ham murdafi mutlaq qofiya ishlatilgan.

Xulosa qilish mumkinki, murdaf qofiya mumtoz she'r tizmalarida juda ko'p uchraydigan qofiya turidir. Bobur ijodida ham bunday qofiya turi an'anaviy vazn – ramal bahri ohangdorligiga mutanosib tarzda qo'llangan.

Bobur g'azallarida murdaf qofiyali g'azallar hajman turlicha. Biroq Bobur ijodida 9, 11 va undan yuqori baytli g'azallar kam uchraydi. G'azallar, asosan, 5, 6 baytli hajmda. Muraf qofiyali g'azallarining hajm ko'rsatkichi quyidagicha:

4 baytli	5 baytli	6 baytli	7 baytli	8 baytli
4	35	13	7	1

Murdaf qofiyali g'azallarining 35 tasi 5 baytdan tashkil topgan. Demak, shoir o'ynoqi shakl, o'ynoqi ohang, o'ynoqi mazmunni bir butunlikda taqdim qilgan.

Xulosa qilib aytish mumkinki, Bobur g'azallari shoirning o'ziga xos uslubini namoyon qiladi. Bobur g'azallarida murdaf qofiyali g'azallar salmoqli hajmga ega, shoir g'azallarining yarmiga teng. Bu g'azallar mavzu jihatidan rang-barang. Ularda yurt sog'inchi, oshiq holati, ma'shuqa ta'rifu tavsifi aks ettirilgan. Biroq ular orasida oshiqning ma'shuqaga murojaati shaklidagi mazmunga ega g'azallar ko'proq. Murdaf qofiyali g'azallarining aksariyati an'anaviy bahrlar – ramal va hazaj bahrida yozilgan. Biroq ularni ham qiyosan tadqiqqa tortadigan bo'lsak, ramal bahri vaznida yozilgan g'azallar yetkachilik qiladi. G'azallar vazni va mazmuniga mutanosib tarzda hajman 5 baytdan iborat.

## ADABIYOTLAR

1. Азер А. Рифма персидского стиха / Проблемы восточного стихосложения. – М.: Наука, 1973. – С.110.
2. Абдурахмон Жомий. Рисолаи қофияи Мулла Жомий. – Калкутта, 1867. С.38
3. Бобир. Асарлар. 3 жилдлик. 1-жилд. – Т.: Тошкент бадиий адабиёт нашриёти, 1965. –232 б.
4. Вохид Табризи. Джем и мухтасар. Критический текст, пер. И примеч. А. Е Бертелса. – М.: Наука, 1959. – С.158.
5. Гаспаров М. Л. Эволюция русской рифмы. / Проблемы теории стиха. – Л.: Наука, 1984. - С. 3-36.
6. Жирмунский В. М. Рифма, ее история и теория. /Теория стиха. – Л., 1975.

## ADABIYOTSHUNOSLIK

7. Зиёвуддинова М. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг “Мафотиҳ ал-улум” асаридида поэтика. – Т., 2001. – Б.35.
8. Котетишвили В. В. Структура персидской классической рифмы. АДД. – Тбилиси, 1975. – С.284.
9. Крачковский И.Ю. Арабская поэтика в IX в. / Избранные произведения. Т.2.- М.-Л.: 1956. – С. 360- 372.
10. Мусулманкулов Р. Персидско-таджикская классическая поэтика X-XV вв. – М.: Наука, 1989. – С. 95-116.
11. Носир ад-Дин Туси. Миъяр ал-ашъор. – Техрон, 1325. – С.147.
12. Низомий Арузий Самарқандий. Нодир ҳикоялар. – Т., 1986. 21-б.
13. Оганесян Д. А. “Книга поэзии и поэтов” Ибн Кутайбы (828-889) как источник для истории классической арабской поэзии. АҚД. – М., 1980. – С.245.
14. Рустамов А. Қофия нима? – Т.: Фан, 1976. – 87б.
15. Рустамов А. Қофия структурасига оид бир назария ҳақида. // Ўзбек тили ва адабиёти, 1976. 3- сон. –57 б.
16. Стеблова И.В. Арабо-персидская теория рифмы и тюркоязычная поэзия/ Тюркологический сборник. –М., 1996.- С. 246-254.
17. Сирус Б. Рифма в таджикской поэзии. – Сталинобод, 1953. –211б.
18. Саъдий А. Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари. – Т., 1923. - 123 б.
19. Самойлов Д. Книга о русской рифме. – М., 1982. – С.180.
20. Тўйчиев У. Қофия ва унинг назариясига оид / Адабиёт назарияси. – Т.: Фан, 1979. 368-385-б.
21. Фитрат А. Адабиёт қондалари. Адабиёт муаллимлари ҳам ҳаваслилари учун қўлланма (наширга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Ҳ. Болтабоев). – Т.: Ўқитувчи, 1995. 17-б.
22. Хасанали Муҳаммади. Рифма а персидской поэзии. Канд.фил.наук.Автореферат. – Душанбе, 2006. –С.64.
23. Шамси Қайси Розий. Ал-Муъжам фи маъойири ашъору-л-ажам. – Душанбе: Адиб, 1991. – 161 саҳ.
24. Шайх Аҳмад Тарозий. Фунуну-л-балоба. – Т.: Ҳазина, 1996. –210 б
25. Шарқ мумтоз поэтикаси. Ҳамидулла Болтабоев талқинида. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2008. - 424 б.

УДК: 82.091

## ИККИ РЕАЛИСТИК РОМАН ТИЛИГА ХОС МУШТАРАКЛИК

### ОБЩНОСТЬ ХУДОЖЕСТВЕННОГО ЯЗЫКА В ДВУХ РЕАЛИСТИЧЕСКИХ РОМАНАХ

#### SIMILARITY OF LANGUAGES IN TWO REALISTIC NOVELS

Ахмедова Азиза Комиловна  
ЎДЖТУ кат. ил. ход.

**Аннотация.** Мақолада XX аср америка ва ўзбек романнавислари Синклер Льюис ва Пиримқул Қодировнинг лисоний маҳорати икки роман тили мисолида ёритилади. “Эроусмит” ва “Уч илдиз” романлари ҳар иккала адабиётда реалистик насрининг юксак намунаси сифатида эътироф этилган. Муаллифларнинг характер яратилиши маҳорати, хусусан, характер нутқининг индивидуаллаштирилиши, муаллиф нутқининг персонаж нутқидан ажралиб туриши, тасвир аниқлиги, бадиий тилнинг халқчиллигида муайян ўхшашиқлар кузатилади.

**Таянч сўзлар:** роман, реализм, бадиий тил, характер, тасвир, халқчиллик.

**Аннотация.** В статье освещаются лингвистические навыки американских и узбекских романистов XX века Синклера Льюиса и Пиримкула Кадырова, на примере двух романов. Романы “Эроусмит” и “Три корня” были признаны в обеих литературах лучшими примерами реалистической прозы. Способность авторов создавать характер, в частности, индивидуализация речи, отделение авторской речи от речи персонажа, точность изображения и народность художественного языка показывают сходные черты.

**Ключевые слова:** роман, реализм, художественный язык, характер, изображение, народность.

**Abstract.** *The article analyzes the linguistic art of twentieth century American and Uzbek novelists — Sinclair Lewis and Pirimkul Kodirov, on example of two novels. The novels “Arrowsmith” and “The Three Roots” have been recognized in both literatures as examples of realistic prose. The authors' ability to create characters, in particular, the individualization of character's discourse, the separation of the author's speech from the character's speech, the clarity of the description, and the closeness of the literary language to the folk language bear certain similarities.*

**Key words:** *novel, realism, artistic language, character, image, folk language.*

**Кириш.** 1860-1914 йиллар насри Америка адабиётида реализм адабиёти сифатида баҳоланади. 1860 йилларда фуқаролар урушининг шафқатсиз воқелиги ўша пайтга қадар ҳукмрон бўлган романтик адабиётнинг ҳаёлий, китобий тасвирларидан устун келди. Сертакаллуф, жимжимадор романтизм тили инсонлар онгида содир бўлаётган борлик ҳақидаги ҳаққоний тасаввурларни акс эттиришда ожиз бўлиб қолди. Урушдан сўнг мамлакатда жадал суръатлар билан содир бўлаётган ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришлар адабиётда реализм ривожини учун мустаҳкам пойдевор бўлди.

Саноатлашиш суръатлари жадаллашиб, 1860-1914 йиллар оралиғида АҚШ аграр, мустамлака давлатдан йирик саноатлашган давлатга айланди. Ушбу йиллар Америка воқелиги Стефан Крейн, Джек Лондон, Теодор Драйзер, Марк Твен каби реалистлар ижодида ёрқин намоён бўлди. Мақолада таҳлилга тортиладиган Синклер Льюис кейинги авлод реалисти бўлиб, ижодий фаолияти 1920-1940 йилларга тўғри келади.

Муайян миллат адабиётида реализм тўлақонли намоён бўлиши адабий тилнинг жонли халқ тили асосига яқинлашган даврларга тўғри келишини тарих бир неча бор исботлаган. Тилшунос олим В.В. Виноградовнинг халқ тили ва реализмнинг узвийлиги ҳақидаги назарий фикри мустаҳкам асосга эга: “Реализм маълум бир халқнинг адабиётига ўзига хос бадиий сўз системаси сифатида мазкур миллий тил шаклланмасдан олдин майдонга келолмайди, реализм – миллий тилнинг адабий нормалари шаклланиши билан боғлиқ ҳолда...ёки миллий тил шакллангандан кейин пайдо бўлади ва равақ топади” [1, 466].

Маълумки, XX аср бошида ўзбек адабиётида куртак ёза бошлаган реалистик роман аъёнлари, кўплаб тарихий сабаблар туфайли, аср ўрталарига бориб тўлақонли жанр сифатида бўй кўрсатди. Бу даврга келиб, ўзбек прозасида инсон дилини ва унинг ижтимоий тафаккурини ҳаққоний тасвирлашга қодир бадиий тил фаол ривожланиш босқичида эди. Изланувчан ёзувчилар ҳаёт ҳақиқатини имкон қадар реал ва образли акс эттириш йўлидан бордилар. Аср бошида реалистик роман аъёнларида миқдор ўзгаришлари кузатишга бўлса, 1950-йилларга бориб, ўзбек адабиётида реалистик роман талабларига жавоб бера оладиган сифат ўзгаришлари пайдо бўлди.

Америка адабиётида реалистик роман жанрига салмоқли ҳисса қўшган ёзувчи Синклер Льюис асарлари нодир лисоний маҳорат намунасидир. Адибнинг қатор романларида, турли характерлар ҳақиқий ҳаётга рўбарў туришади ва машаққатли тобланиш йўлидан ўтади. Льюис қаҳрамонларининг “қалб диаллектикаси”ни аналитик услубда, заҳарханда аниқлик билан кўрсатади. “Эроусмит”(1925) романи ўтган аср бошида Америка жамияти юз келган фаннинг тижоратлашуви жараёнлари ва ушбу ҳодисанинг оқибатида чин зиёлилар дуч келган ахлоқий дилеммаларни акс эттиради.

Роман марказида интеллектуал қаҳрамонлар ва улар мансуб бўлган илмий муассасалар туради. С. Льюиснинг ушбу романи ўзбек адабиётининг йирик реалисти Пиримкул Қодировнинг “Уч илдиш”(1958) романи билан муқояса қилинар экан, икки асарнинг тил хусусиятларида ўхшаш нуқталар аниқланди. Икки адибнинг лисоний маҳоратини таққослашдан кўзланган мақсад америка ва ўзбек адабиётига мансуб реалистик романларга оид умумий жиҳатларни аниқлаш ва шу орқали реалистик романнинг назарий масалаларига ойдинлик киритишдир.

**Асосий қисм.** Аввало, таъкидлаш керакки, ҳар иккала ёзувчи ижод қилган даврда, улар мансуб бўлган миллий адабиётда реализм ҳар томонлама камолотга эришган паллада эди. Салафларнинг реалистик бадиий тилга эришиш йўлида қилган тажрибалари, кейинги авлод



## ADABIYOTSHUNOSLIK

реалистлари учун асосий йўналишларни белгилади. Шундай бўлса-да, Синклер Льюис ҳам, Пиримкул Қодиров ҳам ўзига хос услубга эга романнавислардир. Ҳар иккала адиб асарларида характерларни индивидуаллаштиришнинг янги йўллари кўллайдилар. Улар аксарият романнавислар каби қахрамоннинг нутқини индивидуаллаштириш мақсадида ижтимоий-маиший колоритдан фойдаланиш билан чекланишмаган.

Хусусан, муайян ижтимоий қатламга мансуб қахрамонлар нутқини индивидуаллаштириш ёзувчидан алоҳида ижодий маҳорат талаб этади. “Эроусмит” романида қахрамонлар асосан тиббиёт мутахассисларидан иборат бўлишига қарамай, Льюис уларнинг ҳар бирини ёрқин образларда гавдалантира олган. Чунончи, Германиядан келган иммунолог Макс Готтлиб Европа маърифатпарварлик ғоялари асосида таълим олган, унга Америкада ҳукм сураётган фаннинг тижоратлашиш жараёнлари бегона. Готтлибнинг ҳақиқий фан фидойиси эканлиги унинг Мартин билан қилган диалогларида яққол намоён бўлади:

*“But once again always remember that not all the men who work at science are scientists. So few! The rest – secretaries, pressagents, camp-followers! To be a scientist is like being a Goethe: it is born in you. Sometimes I t'ink you have a liddle of it born in you. If you haf, there is only one t'ing – no, there is two t'ings*

*you must do: work twice as hard as you can, and keep people from using you. I will try to protect you from Success. It is all I can do. So. ... I should wish, Martin, that you will be very happy here. May Koch bless you!”*

(*Бироқ шуни мудом ёдингда тутишинг керакки, илмий фаолият қилаётганларнинг ҳаммаси ҳам олим эмас. Олимлар саноқли! Қолганлари – котиблар, матбуотчилар, подага эргашувчилар! Олим бўлиш Гёте бўлишга тенг: у туғма бўлади. Баъзан уйлаб қоламан, сенда бир оз туғма олимлик бор. Модомики, шундай экан, бир ишни, тўғривоғи, икки ишни бажаришинг лозим: ўз устингда имкон қадар кўпроқ ишлашинг ва бировларнинг сендан фойдаланишларига йўл қўймаслигинг керак. Мен эса сени муваффақиятдан ҳимоя қиламан. Қўлимдан келгани фақат шу. So... Тилагим, Мартин, таширфинг хайрли бўлсин. Сени Кох қўлласин!”*)[3,111]. (таржима бизники).

Готтлиб Мартинни бемаврид муваффақиятдан ҳимоя қилмоқчи бўлади, чунки унинг қарашлари бўйича олимнинг асл мақсади ҳақиқатга эришишдир ва уни бу йўлдан ҳеч нарса чалғитмаслиги лозим. Готтлибнинг муҳожирлиги унинг нутқида фонетик ўзига хослик орқали ҳам акс этади. “Сени Кох қўлласин” ибораси биринчидан, олимнинг салафларнинг анъаналарига содиқлигини ифодаласа, иккинчидан, Готтлибнинг диний эътиқодсизлигига ишора қилади.

Льюис, асосан насрда ижод қилсада, характер яратишда назм элементларидан ҳам кенг фойдаланади. Масалан, романдаги Пикербо – мақтанчоқ, олчоқ ва манфаатпараст шахс образидир. У ҳар бир фикрини баландпарвоз сўзлар билан қофияга солиб тақдим этади:

*You can't get health  
By a pussyfoot stealth,  
So let's every health-booster  
Crow just like a rooster* [3,214].

(*Бўлолмайсиз соғлом сиз  
Солиб пайсалга, жангсиз.  
Бўлсин сиз ҳам тиловчи  
Хўроздек қичқирувчи*)

Намойишкороналикни ҳуш кўрувчи ушбу мансабдор Наутилис шахрида соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғидир. Турли тадбирлар билан шунчалик банд бўладики, Мартин унинг лавозимига ўтиргач, Пикербонинг қофиябозликдан бошқа иш қилмаганлигини англайди. Пикербо саккиз қизи билан соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи кўргазма ўтказиши ва ушбу тадбирдаги сохта шиорбозлик сахналари тасвирида Льюис гротеск, антитеза ва киноядан юксак маҳорат билан фойдаланади. Яна бир қахрамон – Клиф Клосон тиббиёт билим юртига “адашиб” кириб қолган, шифокорликни кейинчалик чайқовчиликка



## ADABIYOTSHUNOSLIK

алмаштирган, Мартин ва Готлибга бутунлай қарама-қарши сатирик образдир. Талабалик чоғида Мартинга синашта бўлган бу йигитни муаллиф узоқ муддатдан сўнг, улар қирқ ёшга етганларида яна учраштиради. Мартиннинг мўъжизакор кашфиёти – бактериофаг ҳақида эшитиб қолган Клиф уни катта даромад манбаига айлантириш режасини таклиф қилади:

*“Suppose we got him or somebody to rig up a new kind of cure – call it phageotherapy – oh, it takes Uncle Clif to invent the names that claw in the bounteous dollars! Patients sit in a steam cabinet and sat tablets made of phage, with just a little strychnine to jazz up their hearts! Bran-new! Million in it! What cha think?”* (Бир тасаввур қилгина, у ёки бошқа бирортаси янги даъво турини топганимиз ҳақида жар солади. Дейлик фаготерапия, қара-я, Клиф амаки уйлаб топган номлар мўмай долларлар олиб келади! Бугли ҳаммомда тизилиб ўтирган беморлар таблетка ютишади – айтганча, таблеткага бироз стрихнин қўшсак, юраклар қувончдан хапқиради! Яп-янги! Сердаромад! Қалай, ўртоқ, нима дейсан?).

Клиф ҳам Мартин билан бир муҳитда таълим олган бўлишига қарамай, унинг қарашларида даромад бирламчи. Клифнинг нутқидаги жаргонизмлар, оғзаки сўзлашувга хос иборалар (*phageotherapy, strychnine, bran-new, cha*) унинг кўча безорисига ёки қаллобга айланганлигига ишора қилади. Муаллифнинг маҳорати шундаки, у бир соҳага мансуб интеллектуал қаҳрамонларни ҳам новаторона индивидуаллаштиради. Кўринадики, Льюис характер яратишда қисқа нутқда катта маъно юклай олади, қаҳрамон табиатини нуқтадонлик санъати билан ошкор этади.

Пиримкул Қодиров “Уч илдиз” романида замондошларининг образини яратар экан, ҳар бир қаҳрамоннинг индивидуал хислатларини уларнинг ҳаракатлари ва нутқида акс эттиради. Қаҳрамонлар тарихчи олим ва талабалар бўлишига қарамай, уларнинг нутқида бир хиллик кузатилмайди. Декан Ҳақимбоев истеҳзо билан гапириб, заҳархандаликни хуш кўрса, тарихчи Акбаров ҳар қандай вазиятда босиқлик билан, ёшларга ибрат бўлаётганлигини англаган ҳолда мулоҳазали сўзлайди; бошқа бир тарихчи Тошев эса умумбашарий мавзуларда кенг тафаккур қилади; талабалардан бири Шоазимнинг беозор ҳазиллари барчага хуш кайфият бағишлайди. Шоиртабиат Очил эса асар давомида ижодкор сифатида улғаяди. Унинг шеърлари севги мавзусидаги машқлардан бошланиб, ижтимоий мазмунли ижод маҳсулига айланади. П.Қодиров Очилнинг шахсий ва ижодий камолотини унинг шеърлари орқали ғамни кўрсата олган:

(Очилнинг илк шеърларидан бири)  
*Лекин офтоб чиқиб қиздирган сари  
 Бугланиб, охири йўқ бўлди томчи.  
 Сен ҳам шу баргдаги томчи сингари  
 Ҳамроҳ бўлолмаданг гўзал ўткинчи!  
 (Очилнинг ижодий камолоти маҳсули)  
 Муҳаббат, жавобсиз бўлсанг ҳам, сенга  
 Кўксимни тутаман, соча бер оташ.  
 Куйишидан қўрқмайман, чунки юрагим  
 Шу юртни яшнатган дарёга туташ.*

“Гўзал ўткинчи” номли илк шеъри йигитнинг муҳаббат ҳақидаги қарашлари ҳали жўн ҳамда мавҳум эканлигини кўрсатади. Очил ҳали севгига ўзини бахш этишга тайёр эмас, у кизларга шубҳа билан қарайди. Очил севган инсон мағрур бўлиши керак, севиш қул бўлиш дегани эмас дея фикрлайди. “Муҳаббат жазирамаси” шеъридан олинган бу парчада аён бўладики, Очил эҳтиросли, курашувчан ва шижоатли маъшукқа айланди. Очилнинг Замирага бўлган муҳаббати турли синовларга дош беради ва айнан шу истироблар йигитнинг ўзида мудроқ ётган асл фазилатларни англашига сабаб бўлади. Очил энди нафақат дадил ва шижоатли, шунингдек, у ижтимоий фаол, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қила оладиган ватанпарвар фуқаро. Шу ўринда Қодировнинг ҳам характер яратишда назмий истеъдодини намоён этганлигини эътироф этиш лозим.

“Эроусмит” романини мутолаа қилар экан, китобхон қаҳрамонларни нафақат тасаввур қилади, балки уларнинг жонли овозларини ҳам гўёки эшитади. “*Холаберднинг баритон овози*

янграса”, (Holabird’s baritone sound mellow [3,307], “*Terry Уокетнинг қағгилаши*” (Terry Wicket’s croak) нафақат Мартинни, балки китобхонни ҳам “*жизига тегади*”. “*Миссиз Дьюер эса ўзининг жозибали контрольтоси*” билан ажралиб туради.

П. Қодиров ҳам “Уч илдиз” романида қахрамонлар нутқининг жонли чиқишига алоҳида эътибор беради. Масалан, Эшонбоевнинг “*овози металлдай қаттиқ ва совуқ жаранглайди*”, унинг овозидаги бу оҳангни биринчи марта эшитганида, Замиранинг “*алланарсадан қўрққандек эти жунжукиб кетади*”. Асарда муаллиф ўз замондошларининг нутқига хос турли хусусиятларни ҳаққоний кўрсатади. Шундай хусусиятлардан бири сўзлашувда ўзбек тилига рус тилига хос сўз ва ибораларни қўшиб гапиришдир. Ўша даврда аксарият илмий ишлар рус тилида қилинганлигини ҳисобга олсак, муаллиф замонавий ўзбек интеллегенциясининг ҳаққоний тасвирини яратади: – *Нега энди, именно шулар бўлиши керак?*[4.172 ];...*Шундай кетаверса ҳали кўп провал бўлади.*[4.173]; *Чунки русча айтганда, сердцу не прикажешь.*[4.157]. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, русча терминлар муаллиф нутқида ҳам учрайди ва бунинг сабаби ижтимоий тарихий давр билан боғлиқ.

Гарчи биз “бадий асар тили” десак-да, аслида, гап бадий нутқ ҳақида боради, чунки адабий асар тил унсурлари воситаларида яратилган текст, яъни нутқ ҳодисасидир [5,51]. “Эроусмит” ва “Уч илдиз” романлари илмий соҳа вакилларини, уларнинг нутқи ва тафаккур тарзини акс эттирар экан, бу муаллифлардан улкан маҳорат ва салоҳият талаб этади. Айниқса, аниқ фанлар йўналишида фаолият юритувчи интеллектуал қахрамон яратишда ёзувчилар олимлар билан ҳамкорлик қилишлари бадий мукамал асарнинг дунёга келишига сабаб бўлади. Масалан, бактериолог Поль де Кьюри Синклер Льюисга асарини тиббиётга хос тадқиқот деталлари билан тўлдиришга кўмаклашади:

*Then Martin saw the Berkeley-Saunders centrifuge. The principle of the centrifuge is that of the cream-separator It collects as sediment the solids scattered through a liquid, such as bacteria in a solution. Most centrifuges are hand- or waterpower contrivances the size of a large cocktail-shaker, but this noble implement was four feet across, electrically driven, the central bowl enclosed in armour-plate fastened with levers like a submarine hatch, the whole mounted on a cement pillar.* [3, 203].

(*Сўнгра Мартинга Беркли-Сондерс системаси бўйича ишловчи центрифугани кўрсатишди. Центрифуга қаймоқни ажратадиган сепаратор каби тузилган бўлиб, у суюқлик таркибидаги, қаттиқ моддаларни, масалан, эритмадаги бактерияларни, чўкмага айлантиради. Одатда, центрифуга қўл ёки коктейл-силкитгич ўлчамидаги сув оқими ёрдамида ҳаракатлантириладиган мосламалар билан ишласа, энига атиги тўрт фут келадиган ушбу доно қурилма электр ўтказгич билан таъминланган, ичидаги марказий идиш эса сув ости қайиқларининг люки каби ричаглар билан маҳкамланган пўлат плитага туташиб кетади ва шуларнинг барчаси цемент устунда туради.*)

Мак-Герк илмий тадқиқот институтига ишга кирган Мартинга институт биноси таништирилади, у асбоблар стерилизация қилинадиган хонани, темир-бетон деворли ёқиш камерасини, спектроскоп ва полярископ хоналарини кўриб чиқади. Юқорида келтирилган центрифуга ҳам институт олимларининг меҳнат маҳсули сифатида тасвирланган. Шунингдек, Мартиннинг лабораторияда қилган тажрибалари, бактериофагни кашф қилиш жараёнлари юқори аниқлик билан тасвирланган. Маълум бўладики, Синклер Льюис асарда шунчаки тиббиёт терминларини кенг қўллаш билан чекланмайди, ёзувчи китобхон тасавурида бадий яхлит тиббиёт оламини яратади.

“Уч илдиз” романида илмий соҳага, тарихшуносликка доир терминлар қахрамонлар нутқида ҳам муаллиф нутқида ҳам фаол қўлланилган. Маълумки, Пиримқул Қодиров олий таълимни тарих йўналишида олган ва ўзининг талабалик тажрибаси романга асосий материал бўлиб хизмат қилган. Роман университет ҳаётининг турли лавҳаларни – талабаларнинг маъруза ва имтиҳонларга тайёрланиши, раҳбарият ва ўқитувчилар ўртасидаги ички муносабатлар, илмий ишларнинг муҳокамаси, талабалар бюроларининг фаолияти кабиларни ёрқин ва ҳаққоний тасвирлайди.

Қодировнинг интеллектуал қахрамонлари ижтимоий фаол, улар ҳар бир масалага ўз

нуктаи назарини ифодалайди. Чунончи, Тарихчи Тошевнинг қизи Гавҳар билан суҳбати, қаҳрамоннинг теран фалсафий мушоҳадалари уни глобал фикрловчи олим сифатида гавдалантиради:

*Ёшлигида феодализм билан ит-мушук бўлиб олишган Фарб буржуазияси энди қариган чоғида Шарқдаги феодаллар билан оғиз-бурун ўпиши, компродор буржуазияни ҳам ёнига олиб, миллий буржуазияга кун бермайди. Сиқилган миллий буржуазия нима қилсин? Ҳар галгидай яна меҳнаткашларнинг оммавий ҳаракатларидан дармон олади, бир қанча жойларда миллий озодлик курашининг гегемонига айланади. Ҳиндистон. Бирма, Индонезия, Миср каби мамлакатларда давлат тепасига келади. Илгари феодализм тўзумини бузиб чиққан бир қатор ёш буржуа республикалари ўз мамлакатларининг тарихини объектив жиҳатдан бир босқич олдинга сурган эди... [4, 101].*

Олимнинг қалб диалектикасини, нутқини ҳаққоний ва таъсирли қилиш учун ёзувчининг ўзи ҳам олимона тафаккур соҳиби бўлиши керак. П. Қодиров сиймосида айнан шу жиҳатлар “Уч илдиз” романида рўёбга чиққан. Айрим тадқиқотчилар Тошевнинг монолоғи узайиб кетганлиги ҳамда ўринсизлигини таъкидлаганлар. Бироқ Синклер Льюиснинг ҳам интеллектуал қаҳрамонларининг узун монолоғларига дуч келар эканмиз, бу ҳолатни бадиий ноқислик эмас, балки ёзувчиларнинг ҳаққоний, тўлақонли олим характерини яратишга интилиши сифатида тушуниш мумкин. Зеро, аҳли илмнинг борлиғи ўз ифодасини унинг нутқида намоён этади. Қисқа ремаркаларда эса олимнинг тафаккур оламини тўлақонли акс эттириш мушкул.

Ҳар иккала асар учинчи шахс тилидан ҳикоя қилинади. Муаллиф нутқи қаҳрамонлар нутқидан ажралиб туради. П. Қодиров “Халқ тили ва реалистик проза” монографиясида таъкидлашча, характер яратишда бадиий тилнинг ўрни бекиёс. XX аср бошларида ўзбек адабиётида эски китобий тил янги, жонли халқ тили асосига шаклланиб келаётган адабий тилга жой бераётган эди. Кўплаб ижтимоий-тарихий сабаблар туфайли – капиталистик муносабатларнинг пайдо бўлиши, демократик ва реалистик тенденциялар – аср ўрталарига келиб, ўзбек адабий тили камолот босқичига кўтарилди. Шунингдек, кенг халқ оммасига хизмат қилувчи нашриёт ва матбуотнинг пайдо бўлиши ижтимоий онг ва адабий тилнинг такомиллашуви реалистик романларнинг ёзилишига эҳтиёж уйғотди.

Хусусан, матбуот фаолияти реалист романнависларга халқчил ва ҳаққоний бадиий тил кўникмаси шаклланишида муайян йўналиш берган. Маълумки, илк ўзбек романларининг муаллифлари – Мирмуҳсин Шермуҳаммедов (“Бефарзанд Очилдибой” 1914), Ҳамза (“Янги саодат” 1916), А. Қодирий (“Ўткан кунлар” 1926) вақтли матбуотда фаол бўлиб, бу ҳол албатта, уларнинг бадиий тилида ўзига хос из қолдирган. П. Қодиров ижод қилаётган даврда халқчил адабий тил муйаян шаклга кирган бўлиб, реалистик роман яратиш учун объектив шароит, кенг имкониятлар мавжуд эди. П. Қодиров бадиий ижодни илмий ижод билан уйғунликда олиб бориш билан биргаликда матбуотда ҳам сермахсул фаолият юритди.

Америка адабиётида эса Марк Твен, Теодор Драйзер, Стивен Крейн, Эрнест Хемингуэй сингари реализм асосчиларини бир мактабга мансублигини таъминловчи омил уларнинг турли газета-журналлардаги фаолиятлари билан боғлиқ. Синклер Льюиснинг ҳам бадиий тилини таҳлил қилар эканмиз, ундаги сиқиклик, деталларнинг аниқлиги, тасвир тиниқлиги муаллифнинг газеталардаги тажрибасига бориб тақалади. Ўн беш ёшида “Геральд” газетасида матн терувчилик, сўнгра Йел университети нашрларида, “Курьер” газетасида, Нью Йорк журналларида муҳаррирлик қилган Льюис ўзи ҳақида киноя билан айтади: “Санъат кошонасида мен дурадгорлик ва сувсозлик билан банд эдим” [2,15].

С. Льюис ҳам, П.Қодиров ҳам муаллиф образини яратар экан, қаҳрамонлар онгида кечаётган ўзгаришларни китобхонга бевосита кўрсатишга ҳаракат қилади. “Эроусмит” ва “Уч илдиз” романларида муаллиф учун воқеа эмас, воқеаларнинг қаҳрамонга таъсири, шу воқеалар орқали уларнинг ўзгариши, улғайишини кўрсатиш муҳимроқ. Шу нуктаи назардан ҳар иккала ёзувчиларни реалист-психолог дея таърифлаш жоиз. Улар гўёки “олий ҳакам-китобхон” деган фикрга содиқ қоладилар. Ёзувчилар ўрни келганда баёндан фойдаланади. Воқеаларни тасвирлар экан, ёзувчи уларга аралашмайди, бевосита кўрсатади. Ҳар иккала

## ADABIYOTSHUNOSLIK

романнавис манзараларни, муҳитни қабарик тасвирлай олиш қобилияти намоён этади. Романларнинг композицион бўлинишини муаллифлар номламайди. Бу ҳам, ўз навбатида, китобхонга муайян йўналиш бермасдан, холис хулоса чиқаришга имконият яратади.

Демак, ҳар иккала романдаги муаллиф нутқининг персонаж нутқидан ажралиб туриши ёзувчилар ижод қилаётган даврда шаклланиб бўлган, романга хос анъана бўлса, улар тилидаги сиқиклик, ҳаққонийлик, деталлар ва тасвир аниқлиги Льюис ва Қодировнинг матбуот фаолияти билан боғлиқдир. Уларнинг ижодида матбуот фаолияти услубнинг курук ахборот кўринишига эмас, балки реализмнинг чуқурлашишига, тасвирнинг аниқлигига хизмат қилган.

“Эроусмит” ва “Уч илдиз” романларининг бадий тилида яна бир муштараклик – халқчиллик яққол намоён бўлади. Ёзувчилар жонли халқ тили бойликларидан кенг фойдаланадилар. Санъатнинг типиклаштириш қонунларига амал қилиб, романистлар нутқини умумхалқ тили луғат бойлиги билан ҳам пардозлаганлар. Синклер Льюис оддий халқ вакиллариининг образини яратар экан, унинг услубида Твенга хос халқчиллик кузатилади. Мартинни илк устози, қишлоқ шифокори Векерсон шогирдига маслаҳат беради:

*Set a high goal. Don't let things slide. Get training. Go college before go medical*

*school. Study. Chemistry. Latin. Knowledge! I'm plug doc – got chick nor child–nobody–old drunk. But you – leadin' physician. Make five thousand dollars year.* (3,9 б.) (Юқори мақсадларни кўзла. Имконияти қўлдан бой берма. Ўз устингда ишла. Тиббиёт олийгоҳига боришдан олдин колледж билимини ол. Ўқи. Кимёни. Лотинни. Билим ол! Мен қари пиёнистанинг ити ҳам бити ҳам йўқ. Лекин сен — илгор шифокорсан. Ҳали йилига беш юз даромад қиласан.)

Векерсон Элк-Милзе қишлоғидаги ягона шифокор. Мартинни тиббиётнинг сирли дунёсига айнан Векерсон қизиқтиради. У беъмолларни уйида қабул қилади, унинг доим тартибсиз ва диккинафас уйи Мартин учун ҳаяжонли ва “сирли саргузаштларга” олиб боровчидек туюлади. Мартинга насиҳат қилаётган Векерсон нутқида сўзлашув услубига хос иборалар (*Don't let things slide, got chick nor child*) шифокорнинг оддий халқ орасидаги фаолиятига ишора қилса, унинг узук-юлик гапириши ширакайфлигини билдиради. Бирок самимий айтилган ушбу насиҳат Мартин учун дастуриламалга айланади.

П. Қодиров барча асарларида жонли халқ тилига хос сўз ва иборалардан унумли ҳамда мақсадли фойдаланади. Қаҳрамонлар нутқидаги мақол ва маталлар, ҳикматлар асарнинг умумий концепциясига уйғун ҳолатда учраб, зўракилик ёки ортиқчалик ҳиссини колдирмайди;

1) “– Сув бошидан лойқаланади-да, – деб Зуфар Ҳакимович гап қистирди.” [4,17 б.]

2) “Маҳкам саломлашиб ўтиб кетмоқчи бўлди, бироқ Мирсаид тўхтатди:

– Э кўришмаймизми мундоқ! Кўзингизни ёғ босибди-да. Ишлар ванг денг!” [4,51.]

3) “Ойижон, бозор эмаски, танлаб олсангиз...” [4,99].

П. Қодиров халқнинг сўз бойликларидан фойдаланар экан, уларни хилма-хил мақсадларга йўналтиради, истехзо (Зуфар Ҳакимов), кесатиқ (иккинчи мисол), нолиш (учинчи мисол) каби маъно товланишларига эришади.

Икки асар қиёсланар экан, улар орасидаги тафовутларни ҳам ҳисобга олиш компаративистиканинг асосий тамойилларидан биридир. Зеро, ҳар бир санъат ҳодисаси такрорланмас бўлиб, индивидуал ижод маҳсули саналади. Синклер Льюис асосан сатира устаси сифатида эътироф этилган бўлиб, асарлари бадий буёқдорлиги, муболағага бойлиги билан ажралиб туради. Характер яратишда, қаҳрамон нутқини индивидуаллаширишда Льюис гротеск ва карикатурадан унумли фойдаланади. Юқорида келтирилган Пикербонинг кофиядор шиорлари Льюис карикатурасининг ёрқин намунаси. Пиримкул Қодиров эса қаҳрамонни характер мантиғидан келиб чиқиб, объектив тасвирлашга мойил, ҳамда этик категориялар нуктаи назаридан салбий қаҳрамон бўлган Ҳакимов, Эшонбоевларнинг нутқида ҳам ёзувчининг кескин танқидий нигоҳи очиқ намоён бўлмайди. Асар тилига хос ушбу хусусиятларни ижодкорлар шахси билан боғлиқ деб ҳисоблаймиз.

**Хулоса.** Маълум бўладики, Америка ва ўзбек романнавислари С. Льюис ва П.Қодиров ижодида ва лисоний маҳоратларида реалистик методнинг ўхшаш жиҳатлари кузатилади.



Биринчидан, ёзувчилар интеллектуал қахрамон нутқини индивидуаллаштиришда ноанъанавий воситалардан фойдаланадилар; иккинчидан, муаллиф нутқи персонаж нутқидан нафақат ажралиб туради, балки муаллиф қахрамонларни китобхоннинг холис ҳукмига хавола этади; учинчидан, ҳар иккала ижодкор халқ оғзаки ижоди намуналаридан кенг фойдаланганлар. Ушбу натижалар ҳар иккала романнавис ижодида реализмнинг чуқурлашганлигидан ҳамда юқори босқичга кўтарилганлигидан далолат беради.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Виноградов В.В. О языке художественной литературы. – М., 1959. – 466 с.
2. Гиленсон А. Б., Америка Синклера Льюиса. – М.: Наука, 1972. – 118 б.
3. Lewis S. Arrowsmith. New York, NY: Collier; 1925 [[Google Scholar](#)]
4. Қодиров П. Уч илдиз. – Т.: Ўздабийнашр, 1958. – 456 б.
5. Қуроно Д. Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик лугати. – Т.: Академнашр, 2013. – 406 б.

УДК: 81.255.2

### ШАРҚДА ТАРЖИМА ФАОЛИЯТИ ТАРИХИДАН ИЗ ИСТОРИИ ПЕРЕВОДЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ НА ВОСТОКЕ FROM THE HISTORY OF TRANSLATION ACTIVITY IN THE EAST

*Исаева Гулнора Абдукадировна*  
ст. преп. каф. русского языка и литературы БухГУ,  
*Туйлиева Лола Абдуллоевна*  
преп. каф. русского языка и литературы БухГУ

**Аннотация.** Мақолада Шарқда таржима тараққиётининг асосий босқичлари, чет тилидаги матнни етказишдаги иккита асосий тенденция, таржиманинг хусусиятлари, энг яхши шарқ таржимонларининг номлари келтирилган, уларнинг фаолияти таҳлил қилинган, уларнинг ҳар бирининг Шарқдаги таржима тарихига қўшган ҳиссаси баҳоланади. Мақолада Куръон таржимаси тарихига алоҳида ўрин берилган бўлиб, ҳозирги босқичда Ўзбекистонда таржима назариясининг шаклланишига алоҳида эътибор қаратилган.

**Таянч сўзлар:** таржима, тил, асл нусха, ислом, сўзма-сўз таржима, профессионал таржимон, метафраза, таржима, назарий қарашлар, урф-одатлар, тил тузилиши.

**Аннотация.** В статье рассмотрены основные этапы развития перевода на Востоке, две основные тенденции передачи иноязычного текста, особенности перевода, представлены имена лучших восточных переводчиков, анализируется их деятельность, даётся оценка вклада, внесённому каждого из них в историю перевода на Востоке. Особое место в статье отводится истории перевода Корана. Также в статье уделено внимание становлению теории перевода в Узбекистане на современном этапе.

**Ключевые слова:** перевод, язык, оригинал, ислам, дословный перевод, профессиональный переводчик, метафраза, перефразировка, теоретические воззрения, традиции, структура языка.

**Abstract.** The article discusses the main stages of the development of translation in the East, the two main trends in the transmission of a foreign language text, the features of translation, presents the names of the best oriental translators, analyzes their activities, assesses the contribution made by each of them to the history of translation in the East. A special place in the article is given to the history of the translation of the Koran. Also, the article focuses on the formation of the theory of translation in Uzbekistan at the present stage.

**Key words:** translation, language, original, Islam, literal translation, professional translator, metaphor, rephrasing, theoretical views, traditions, language structure.



**Введение.** Во все времена перевод обслуживал самые насущные потребности человечества: в античности он способствовал преемственности греческой и римской культур; в Средние века распространению христианства и ислама, во все последующие века взаимообогащению искусств, науки, литератур, материальной и бытовой культуры различных народов мира. Благодаря переводу весь мир узнал Шекспира, Гете, Данте, Навои.

Рождение перевода как особого вида деятельности человека, уходит корнями в глубокую древность, еще в дописьменные времена, когда между разноязычными племенами начались первые контакты.

**Основная часть.** Собственно теоретические воззрения на перевод возникли, или вернее, были зафиксированы, значительно позже, чем появилось явление перевода. Тем не менее, древние переводы также осуществлялись по определенным принципам, которые можно вывести, сопоставляя их с оригиналами.

Дискуссии по теории и практике перевода также уходят вглубь древности и демонстрируют преемственность. Древние греки различали *метафразу* (буквальный перевод) и *перифразировку*. Это различие было принято английским поэтом и переводчиком Джоном Драйденом (1631–1700), который описал перевод как разумное смешение этих двух способов формулировки при выборе на целевом языке «аналогов» или эквивалентов для выражений, используемых в исходный язык:

Когда выполнялся перевод текста, авторы неоднозначно принимали изменения в тексте. Но то, что прекрасно в одном языке, часто является варварским, а иногда – бессмыслицей, в другом. Но с другой стороны было бы неразумно ограничивать переводчика только словарным составом текста автора. Достаточно того, если переводчик выберет какое-то выражение, которое не умаляет смысла оригинала[6].

На протяжении всей истории перевода существовали две основные тенденции, два типа передачи иноязычного текста, представляющие собой две противоположные крайности. Это: 1) перевод, основанный на тенденции к дословному воспроизведению языка оригинала, в ущерб смыслу и нормам языка, на который текст переводится, и 2) перевод, основанный на стремлении отразить «дух» подлинника, передать его смысл и соблюсти требования своего языка. Встречаются эти виды перевода и в античном мире, и в средние века, и в новое время.

Несмотря на теоретическое разнообразие, реальная *практика* перевода почти не изменилась со времен античности. За исключением некоторых крайних метафазеров в раннехристианский период и средневековье, а также переходников в разные периоды (особенно в доклассическом Риме и XVIII веке), переводчики, как правило, проявляют разумную гибкость в поиске эквивалентов – «буквальный», где это возможно, парафразистический при необходимости – для первоначального значения и других важных «ценностей» (например, стиля, формы стихов, соответствия музыкальному сопровождению или, в фильмах, с речевыми артикуляционными движениями), как определено из контекста.

Оба типа перевода засвидетельствованы: как сохранившиеся тексты самих переводов, в том числе и переводов последних веков до нашей эры, так и теоретических высказываний, которые до нас дошли.

Традиции перевода материалов между языками древнего Египта, Месопотамии, Ассирии (сирийский язык), Анатолии и Израиля (иврит) существуют уже несколько тысячелетий. Существуют частичные переводы шумерского эпоса о Гильгамеше (ок. 2000 г. до н.э.) на языки Юго-Западной Азии второго тысячелетия до н.э. [3] Ранним примером двуязычного документа является Кадесский договор 1274 года до н.э. между древнеегипетской империей и империей Хитти.

Следует отметить, что вышеназванные две основные тенденции, два типа передачи иноязычного текста встречаются и на протяжении всей истории переводческой деятельности и на Востоке. Первый основывался на дословном переводе: для каждого переводимого слова определялся эквивалент из языка, на который переводили. Второй – это смысловой перевод: в тексте сохраняется смысл оригинала, и его очень легко понять. Оба типа, находят отражение во взглядах известных писателей и переводчиков Востока.

Зарождение переводческой деятельности на Востоке относится ко временам сирийцев (первая половина II века н.э.), которые переводили на арабский язык богатое наследие, относящееся к эпохе языческих верований. Большое влияние на работу сирийских переводчиков оказали методы, применявшиеся в Греции. Сирийские тексты были дословными и близкими к оригиналу. Одним из лучших сирийских переводчиков был Джарджас. Его знаменитый перевод книги Аристотеля «О мире» очень точен и близок к первоисточнику.

Серьезно начинает развиваться перевод на Востоке в период распространения ислама. Перевод материала на арабский язык расширился после создания арабской письменности в V веке и приобрел большое значение с появлением ислама и исламских империй. Первоначально арабский перевод был сосредоточен главным образом на политике, переводя персидские, греческие, даже китайские и индийские дипломатические материалы на арабский язык. Позже он сосредоточился на переводе классических греческих и персидских произведений, а также некоторых китайских и индийских текстов, на арабский язык для научных исследований в крупных центрах исламского обучения, таких как Аль-Карауин (Фес, Марокко), Аль-Азхар (Каир, Египет) и ан-Низамий из Багдада. С точки зрения теории, перевод на арабский язык в значительной степени опирался на более ранние ближневосточные традиции, а также на более современные греческие и персидские традиции.

Приёмы и методы перевода на арабский язык важны для западных традиций перевода в связи с вековыми тесными контактами. Особенно после Ренессанса европейцы начали более интенсивно изучать арабские и персидские переводы классических произведений, а также научные и философские произведения арабского и восточного происхождения. Арабский и, в меньшей степени, персидский стали важными источниками материала и, возможно, методов оживления западных традиций, которые со временем вытеснили исламские и восточные традиции.

В XIX веке на Ближнем Востоке исламские священнослужители и переписчики потерпели поражение в своей многовековой битве за сдерживание разрушительного эффекта печатного станка, повлекший за собой взрыв публикации. Наряду с расширением светского образования, печать превратила подавляющее большинство неграмотного общества в частично грамотное.

В прошлом шейхи и правительство осуществляли монополию на знания. Теперь расширяющаяся элита извлекала выгоду из потока информации практически обо всем, что их интересовало. В период с 1880 по 1908 год в одном только Египте было основано более шестисот газет и периодических изданий.

Самым выдающимся среди них был аль-Муктатаф. Это было популярный представитель переводческого движения, которое началось в начале века с военных и медицинских руководств и основных моментов из канона Просвещения. Переводчиком, который внес большой вклад в развитие Исламского Просвещения, был египетский священнослужитель Рифаа аль-Тахтави (1801-73), который провел пять лет в Париже в конце 1820-х годов, преподавая религию для мусульманских студентов. Вернувшись в Каир при поддержке Мухаммеда Али (1769-1849), османского наместника Египта, аль-Тахтави стал главой новой школы языков и начал интеллектуальную революцию, инициировав программу по переводу около двух тысяч европейских и Турецких томов, начиная от древних текстов по географии и геометрии до биографии Вольтера, Петра Великого, а также Марсельезы и всего Кодекса Наполеона. Это было самым большим и значимым внедрением иностранной мысли на арабском языке со времен Аббасидов в так называемый «первый аббасидский период» (750-1258 годы) [8].

Перевод начал развиваться во времена правления халифа аль-Мансура, основателя Багдада, и халифа аль-Мамуна. Багдадский халиф из династии Аббасидов, астроном аль-Мамун в 20-е годы IX века основал Дом Мудростей – исламскую академию в Багдаде. Это крупнейший научный центра переводов того времени. Здесь были собраны лучшие

переводчики. Большое внимание уделяли в Академии Мамуна греческой философии, индийской науке и персидской литературе. Осуществлялись переводы с древнегреческого, еврейского, санскрита, сирийского, персидского языков. Многие учёные пользовались переводами, сделанными в академии. Например, Ибн Сина, пытаясь понять «Метафизику» Аристотеля, прочитывает её неоднократно, но бесполезно. Учёный постигает её только благодаря разъяснениям Фароби.

В работе Мамунской академии активное участие принимал учёный-энциклопедист Абу Райхон Беруни. Беруни был энциклопедически грамотным человеком, с разносторонними интересами. Помимо своего родного хорезмийского языка, Беруни владел арабским, персидским, греческим, латинским, тюркским, сирийским языками, а также ивритом, санскритом и хинди. Учёный пользовался непосредственно произведениями на этих языках, а также сам занимался переводом с первоисточников. Непонятные и сомнительные переводы Беруни опровергал.

В переводе книги «Индия», сделанный другим переводчиком, можно не раз столкнуться со следующими примечаниями: «В этом месте переводчик перепутал некоторые слова», «Эти слова результат необдуманного и неправильного соединения различных мыслей». Оценивая перевод «Рамояна» Беруни отметил, что религиозный фанатизм мешает переводческой деятельности и оказывает отрицательное влияние на развитие науки. Высказанные ученым мысли о переводе и в наше время не потеряли своего значения. Например:

- «При переводе выражений разногласий не быть не может (Tarjimalarda iboralarda ixtilof bo'lmay iloj yo'q)».

- «Если (в процессе перевода) слово в обычном используемом нами значении по смыслу не подходит, то следует внимательно обратить внимание на значения этого слова, так как наша цель – раскрыть смысл (Agar (tarjimalarimizda) ishlatgan so'zlarimiz odatda ishlatiladiganda to'g'ri kelmasa, ma'nolariga e'tibor berilsin, chunki maqsad ma'nolarni bildirishdir)».

- «Есть слова, которые для одной религии и языка бессмысленны, но для другого мышления и языка не бессмысленны (Ba'zi so'zlar borki u bir din va bir tilda bema'ni bo'lsa ham, boshqa bir ong va boshqa tilde bema'ni bo'lmaydi)».

История перевода на Востоке связана также с именем аль-Джахида (868–577 до н. э.), одного из величайших арабских теоретиков науки о переводе. Его теории и работы в этой области до сих пор используются многими профессиональными арабскими переводчиками. Согласно аль-Джахиду, «переводчик должен знать структуру речи, обычаи людей, образ их мышления и общения друг с другом». Кроме того, Аль-Джахид настоятельно требовал учитывать структуру языка и культуру говорящих на нем людей.

Во Франции аль-Тахтави поразило то, как французский язык постоянно обновлялся, чтобы соответствовать современному образу жизни. Тем не менее, арабский язык имеет свои собственные ресурсы преобразования. Корневая система, которую арабский язык разделяет с другими семитскими языками, например, такими как иврит, способна расширять значения слов, используя структурированные согласные варианты: например, слово для обозначения самолета имеет тот же корень, что и слово для обозначения птицы: самолёт – طائرَة – tauyiratun; птица – ] riyattla ر الطائر [7].

Движение по переводу английских и европейских текстов трансформировало арабский и османский турецкий языки: новые слова, упрощенный синтаксис и непосредственность стали цениться по сравнению с предыдущими текстами. Обученные новым профессиям и модернизированной государственной службе арабы и турки выражали скептицизм. Одним из неологизмов, которые, в некотором смысле, стали характеризовать вливание новых идей посредством перевода, был «дарвинийя», или «дарвинизм» [9].

Одним из наиболее влиятельных либеральных исламских мыслителей того времени был Мухаммад Абдух (1849–1905), представлявший высший судебный орган Египта на рубеже XX века – его главный муфтий и поклонник Дарвина. В 1903 году посетил Дарвина,

представителя Герберта Спенсера в его доме в Брайтоне. Взгляд Спенсера на общество как на организм с его собственными законами эволюции соответствовал идеям Мухаммада Абдуха.

После Первой мировой войны, когда Британия и Франция разделили страны Ближнего Востока, помимо Турции, между ними в соответствии с соглашением Сайкса-Пико – в нарушение торжественных обещаний послевоенной арабской автономии в военное время – возникла немедленная реакция: мусульманское Братство возникло в Египте, Дом Саудов принял Хиджаз, и режимы во главе с офицерами армии пришли к власти в Иране и Турции. Нелиберальные течения современного Ближнего Востока – исламизм и милитаризм, получили большой импульс от западных строителей империи. Как часто случается в странах, переживающих социальный кризис, устремления переводчиков и модернизаторов мусульманского мира, таких как Мухаммед Абдух, в основном должны были уступить ретроградным течениям [9].

Наибольший интерес восточных переводчиков вызывает Коран. Первые переводчики Корана фокусировались на передаче его смысла. К примеру, Салман аль-Фариси доводил смысл суры «Аль-Фатиха» («Открывающая книгу», первая сура Корана) до мусульман Персии, которые не говорили на арабском языке. В библиотеках западных стран сохранилось множество переводов Корана и некоторые из них, например, перевод на греческий философа Нактиса, датируются III веком до н.э. Переводчики проявляли особый интерес к Священному Корану. Шейх Мухаммед аль-Хафид аль-Бухари перевел его на персидский язык, а шейх аль-Фадл Мухаммед Бен Идрисс аль-Бадлисси – на турецкий.

Но в процессе перевода никакие тексты не были застрахованы от неверного перевода. Такая ошибочность в процессе перевода способствовала двойственности исламского мира в переводе Корана (также пишется Коран) с оригинального арабского языка, полученного пророком Мухаммедом от Аллаха (Бога) через ангела Гавриила постепенно между 609 и 632 годами н.э. год смерти Мухаммеда. Во время молитв Коран, как чудесное и неповторимое слово Аллаха, читается только на арабском языке. Однако по состоянию на 1936 г. он был переведен как минимум на 102 языка.

Основная трудность в переводе Корана точно связана с тем фактом, что арабское слово, как ивритское или арамейское слово, может иметь различные значения в зависимости от контекста. Это, как говорят, является лингвистической особенностью, особенно всех семитских языков, которая добавляет к обычным подобным трудностям, встречающимся при переводе между любыми двумя языками. В понимании и переводе текста всегда присутствует элемент человеческого суждения – толкования. Мусульмане рассматривают любой перевод Корана как одну из возможных интерпретаций Коранического (Классического) арабского текста, а не как полный эквивалент этого божественно переданного оригинала. Следовательно, такой перевод часто называют «интерпретацией», а не переводом.

Чтобы еще больше усложнить ситуацию, как и в случае с другими языками, значения и использование некоторых выражений с течением времени менялись между классическим арабским Кораном и современным арабским языком. Таким образом, современный арабоязычный может неправильно истолковать значение слова или отрывка в Коране. Кроме того, интерпретация отрывка из Корана также будет зависеть от исторического контекста жизни Мухаммеда и его раннего сообщества. Правильное исследование этого контекста требует детального знания хадисов и сур, которые сами по себе являются обширными и сложными текстами. Следовательно, аналогично переводу китайской литературы, попытка точного перевода Корана требует знания не только арабского языка и целевого языка, включая их соответствующие эволюции, но также глубокое понимание двух вовлеченных культур.

В настоящее время в переводах на восточные языки произошло много перемен. Рост исследований в данной области способствовал развитию перевода как науки и появлению новых теоретиков.



Сегодня теория перевода преподаётся во многих вузах, главным образом из тех соображений, что она может оказаться полезной в процессе изучения иностранных языков. Так в Узбекистане в 1966-1967 учебном году в ТашГУ на филологическом факультете на 4-м курсе ввели специальную дисциплину по сопоставительным методам и переводу. В 1969-1970 учебном году в этом же вузе на факультете журналистики основана кафедра «Теория перевода и издательско-редактированные дела». И, наконец, в 1975-1976 учебном году на филологическом факультете начала свою деятельность самостоятельная кафедра «Теория перевода». На долю преподавателей языков выпала задача создать рациональные программы и учебные пособия для обучения переводу. Специалисты-языковеды должны были создать необходимую научную базу для построения эффективного курса подготовки высококвалифицированных переводчиков.

**Выводы.** Таким образом, история переводческой деятельности на Востоке претерпела много изменений и богата событиями. С самого зарождения во времена сирийцев в переводческой науке было много теоретиков, которые заложили основы и теории перевода на Востоке. Перевод в арабском мире начинает серьезно развиваться в религиозных текстах, особенно Коран вызывает наибольший интерес восточных переводчиков.

В настоящее время перевод на Востоке набирает новые обороты, особенно благодаря тому, что стали доступны западные теории, но, к сожалению, проблемы и трудности до сих пор ещё существуют.

#### ЛИТЕРАТУРА

1. Бархударов Л.С. *Язык и перевод*. — М.: Наука, 1975.
2. Виноградов В.С. *Введение в переводоведение: Общие и лексические вопросы*. — М.: ИОСО РАО, 2001.
3. Дж.М. Коэн *Перевод*. Энциклопедия Американа, 1986, том. 27, стр. 12.
4. Коммисаров В.Н. *Общая теория перевода*. — М.: Высшая школа, 1999.
5. Кристофер де Белле *Мечты об исламском либерализме (рецензия на Марва Эльшаكري «Чтение Дарвина на арабском»*, «Нью-Йорк ревью оф букс», том. LXII, нет. 10 (4 июня 2015 г.), с. 77.
6. Кристофер Каспарек *Бесконечный труд переводчика*, с. 83.
7. Кристофер де Белле *Сны об исламском либерализме (обзор Марвы Эльшаكري, «Чтение Дарвина по-арабски», 1860–1950)*, «Нью-йоркский обзор книг», том. LXII, нет. 10 (4 июня 2015 г.), с. 77-78.
8. Malise Ruthven *Исламский путь в современном мире (обзор Кристофера де Белле «Исламское просвещение: борьба веры и разума»*, издательство Кембриджского университета), Нью-Йорк ревью оф букс, том. LXIV, нет. 11 (22 июня 2017 г.), с. 22.
9. Malise Ruthven *Исламский путь в современный мир (обзор Кристофера де Белле «Исламское просвещение: борьба веры и разума»*, Нью-Йорк ревью оф букс, том. LXIV, нет. 11 (22 июня 2017 г.), с. 24.
10. Саломов Г. *Таржима назарияси асослари*. — Т.: O'qituvchi, 1983.
11. Шарипов Ж. *Ўзбекистонда таржима тарихидан*. — Т.: Fan, 1965.

УДК: 398.86

## ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР ФОЛЬКЛОРИДА ҚИЗИҚМАЧОҚЛАР

(ўзбек фолклори мисолида)

### ИНТЕРЕСЫ В ФОЛЬКЛОРЕ ТЮРКСКИХ НАРОДОВ

(на примере узбекского фольклора)

## QIZIQMACHOQLAR (CHILDREN'S FOLKLORE) IN FOLKLORE OF TURKIC PEOPLES (on the example of Uzbek folklore)

*Адизова Нигора Бахтиёрвна*

*БухДУ бошланғич таълим методикаси кат. ўқит.*

**Аннотация.** Мазкур мақолада дунё фольклоршунослигида болалар тарбияси, уларнинг бадиий тафаккури ва эстетик дидини ривожлантириши мақсадида яратилган халқ оғзаки ижодига алоқадор жанрларнинг юзага келиши жараёни ҳамда тарихий ва поэтик тадрижий ривожини акс эттирувчи манбаларни тўплаш, нашр қилиши ва тадқиқ этишига алоҳида эътибор қаратдик. Натижада ўзбек фольклоршунослигида ҳам халқ оғзаки ижоди



анъаналарининг талқинларини бадиий тафаккур қонуниятлари тадрижи нуқтаи назаридан тадқиқ этиш имконини берди.

**Таянч сўзлар:** болалар фольклори, ўзбек фольклори, болалар қўшиғи, анъана, жанр, қизиқмачоқ, топшимоқ, айтишув, овутиш, поэтика.

**Аннотация.** В статье уделяется особое внимание сбору, изданию и исследованию источников, отражающих возникновение, историческую и поэтическую эволюцию жанров устного народного творчества, сформированных в целях воспитания детей, развития их художественного мышления и эстетического вкуса в мировой фольклористике. Это создало возможность доказать существование традиций устного народного творчества в узбекской фольклористике с точки зрения эволюции закономерностей художественного мышления.

**Ключевые слова:** детский фольклор, узбекский фольклор, детская песня, традиция, жанр, любопытство, загадки, дискуссия, отдых, поэзия.

**Abstract.** The article pays special attention to the collection, publication and research of sources reflecting the emergence, historical and poetic evolution of the genres of oral folk art, formed in order to educate children, the development of their artistic thinking and aesthetic taste in world folklore. This created an opportunity to prove the existence of traditions of oral folklore in Uzbek folklore from the point of view of the evolution of the laws of artistic thinking.

**Key words:** Nursery folklore, uzbek folklore, children's song, tradition, genre, curiosity, puzzles, debating, relaxation, poetry.

**Кириш.** Қизиқмачоқлар барча туркий халқлар болалар фольклорида ўзига хос мустақил жанр сифатида шаклланган. Жумладан, ўзбек фольклорида ҳам унинг ёрқин намуналари учрайди. Қизиқмачоқлар ўзбек болалар фольклори жанрлари орасида алоҳида ўринга эга. Уларда ўзбек халқининг болажонлиги юксак бадиий шаклларда ифодаланганлиги кузатилади.

**Асосий қисм.** Қизиқмачоқларнинг бунёдга келишида халқ қизиқчилиги репертуари муҳим замин бўлган. Шунинг учун қизиқмачоқ жанри намуналарини ёзиб олиб, махсус тадқиқ қилиш нафақат ўзбек болалар фольклори жанрларининг мукамал таснифини яратишда, балки уларнинг катталар фольклори билан генетик алоқадорлигини тўғри баҳолашда, фольклор анъаналарининг болалар томонидан ўзлаштирилишига алоқадор поэтик қонуниятларни белгилаб кўрсатишда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун қизиқмачоқларнинг табиати, ўзига хос жанрий белгилари, ғоявий-бадиий ва композицион хусусиятлари, турлари ва эстетик вазифаларини махсус ўрганиш ҳозирги ўзбек фольклоршунослиги олдида турган муҳим ва долзарб муаммолардан бири саналади. Зеро, қизиқмачоқлар халқ педагогикасининг таркибий қисми сифатида ўзига хос маънавий-бадиий тараққиёт босқичини босиб ўтган.

Қизиқмачоқлар туркий бўлмаган халқлар болалар оғзаки ижодида ҳам учрайди. Жумладан, рус болалар фольклорида қизиқмачоқлар «прибаутка» атамаси билан тарқалган ва ўтган асрнинг биринчи ярми охирида уларни тўплаш ва нашр этишга киришилган. XX аср бошларида рус фольклоршунослигида қизиқмачоқларнинг жанрий табиатини аниқлашга оид махсус тадқиқотлар пайдо бўлган. Улар ҳақидаги илк назарий фикрлар О.И. Капица томонидан илгари сурилган. Қизиқмачоқларнинг жанрий хусусиятлари ҳақида рус фольклоршунослигида В.П. Аникин, М.Н. Мельников илгари сурган фикрлар ҳам қимматлидир.

Ўзбек фольклоршунослигида қизиқмачоққа мансуб намуналарни ёзиб олиш ва нашр этиш XX асрнинг 30-йилларида бошланган. Бироқ бу даврда улар “болалар қўшиғи” деган умумий ном билан аталганлиги кузатилади. Дастлаб қизиқмачоқларни Элбек тўплаб, “Болалар қўшиғи” тўпламида унинг 4 та намунасини берган бўлса, кейинчалик бу хайрли ишни О.Сафаров (Бухоро худудидан), Й.Султонов (Фарғона водийсидан), Собир Эҳсон Турк (Хоразм воҳасидан) давом эттиришди. Шундай қилиб, ҳозиргача жами 920 сатрдан иборат 29 та қизиқмачоқ ёзиб олинди, чоп этирилган[5]. Биз яна унинг 10 тача янги намунасини

## ADABIYOTSHUNOSLIK

ёзиб олишга муваффақ бўлдик. Шу материаллар асосида бемалол ўзбек қизиқмачоқларининг жанрий табиати ва бадиияти ҳақида муайян тасаввур-тушунчага келиш мумкин. Ўзбек фольклоршунослигида қизиқмачоқларни илмий мақсадларда тадқиқ қилиш ишини таниқли олим Охунжон Сафаров бошлаган ва у қизиқмачоқларга хос етакчи хусусиятларни кўрсатиб ўтган.

Ўзбек болалар фольклорининг қадимий, анъанавий, кенг тарқалган мустақил шеърий шаклларида бири – қизиқмачоқлар халқ кўшиқчилигининг жанрий жиҳатдан тадрижий тараққиётини ўрганишда муҳим манбалардан биридир. Улар ўзига хос жанрий табиати, ғоявий-бадиий мазмуни, поэтик шакли, образлар тизими, ифода-тасвир услуби билан алоҳида эътиборни тортади.

Қизиқмачоқлар фольклор анъаналарининг болалар томонидан ўзлаштирилишига алоқадор поэтик қонуниятларни белгилаб кўрсатишда, унинг санама, тегишмачоқ, тез айтиш, гулдур-гуп, хукмлагич ва ҳоказо сингари қатор болалар халқ айтимларининг яратилишига замин ҳозирлаганини билиб олишда муҳим аҳамият касб этади. Бошқа жанрларда бўлганидай, қизиқмачоқларда ҳам ҳаёт ҳақида маълумот бериш марказий ўрин тутади. Уларда бола қалбини тўлқинлантирувчи кулги яққол сезилиб туради.

Қизиқмачоқлар, асосан, боланинг бешик даври тугаб, ўйинқароқлиги, атрофдагилар билан муомала қилишга қизиқиши орта бориши босқичида ижро қилинади. Чунки энди бу пайтда болани жимликка ундовчи овутмачоқ ва эркаламаларнинг аҳамияти ўз-ўзидан сусайиб, аста-секин ўрнини қизиқмачоқларга бўшатиб беради. Қизиқмачоқ жанри намуналари кулгили кичик шеърий ҳикоялар бўлиб, уларнинг асосида қизиқ ва ўткир гап, пичинг, қочириқ, ҳазил ётади. Қизиқмачоқларда кулгили ифода, юмористик маъно муҳим ўрин тутади. Улар овутмачоқлардан ўйин ҳаракатлари асосида бошқарилмаслиги билан (ижро этилмаслиги билан) фарқ қилади.

Қизиқмачоқларни яратишда баъзан халқ оғзаки ижодидаги бирор-бир кичик ҳажмли мустақил жанр (топишмоқ ёки мақол сингарилар)дан фойдаланилганлиги кузатилади. Масалан:

- Ола тоғнинг бошида не кўрдинг?
- Оқ бешикни мен кўрдим [2].

Қизиқмачоққа бу мисралар топишмоқдан олиб кўшилганлигига шубҳа йўқ. Чунки “Ола тоғнинг бошида оқ бешик” топишмоғининг жавоби ёзда тоғ тепасида сақланиб қолган қорни англатади. Ёки яна:

Абдуллахон – беустихон,  
 Чопиб ўйнар дикон-дикон.  
 Топиб олсам калламдан,  
 Кўзи ёнар митон-митон.  
 Тиззалаб тепди бошимга,  
 Кейин тушди ошимга[2]

“Ўзбек халқ топишмоқлари” китобида Абдуллахон – беустихон” топишмоғи бор ва унинг жавоби “бит” деб кўрсатилган. Маълумки, ўтмишда камбағал, қашшоқ оилада туғилган бола учун бит таниш мавжудот бўлган. Юқоридаги қизиқмачоқда у кулгили тасвирланмоқда. Яъни бит озоридан ҳасратланаётган инсон томонидан баён этилаётган бу қизиқмачоқ боланинг кулгисига сабаб бўлади. Бола бу ғаройиб воқеадан завқ олиб, у ҳақда фикр юрита бошлайди. Бундан янада у янги қониқиш олади. Чуқур фикрлаш эса болани мантикий тафаккур юритишга етаклайди. Бола шуни илғайдики, қизиқмачоқда айтилаётган воқеага катталарнинг ўзи ҳам ишонмайди. Айтилаётганлар ҳазил эканлигини бола англайди.

Қизиқмачоқларда кўпинча тасодифий кулгили воқеалар, кулгили вазиятлар баён этилади. Шунинг учун уларда ҳазил-мутойиба, юмор муҳим ўрин тутади. Қизиқмачоқлар катталарнинг болалар билан сўз ўйини қилишига ўхшаб кетади. Улар фақат сўзга асосланган бўлса-да, ижросида айтувчининг турли хил хатти-ҳаракатлари, мимикалари, овоз оҳанглари муҳим аҳамият касб этади.

Қизиқмачоқлар ўйин фольклорига кирмайди. Чунки уларнинг ижроси ўйинга хос

## ADABIYOTSHUNOSLIK

харакатлар билан бошқарилмайди. Қизикмачоқлар тили чиққан, яъни гапира биладиган, гапни тушунадиган ва берилган саволларга жавоб қайтара биладиган болаларга айтилади. Шунини инобатга олиб, қизикмачоқлар, асосан, болага бир-икки ёшдан айтиб бошланади. Чунки бу ёшда боланинг сўз бойлиги ортган бўлади.

Қизикмачоқларнинг аксарияти диалог (сухбат) ёки айтишув кўринишида ижро қилинади. Шунинг учун уларнинг бадиий қурилишида поэтик диалог алоҳида ўрин тутди. Қизикмачоқларни айтишда катталар кўпинча болаларни тиззасига ўтиргизиб ёки кичкинтойни ўзига рўпарама-рўпара қўйиб, у билан шеърӣ диалогга киришади ва болага ҳаётӣ ҳодисалар ҳақида маълумот беради:

Илон – қамчи,  
Ит – изчи,  
Този – тезчи,  
Кийик – қочоқ,  
Чаён – чўқоқ[1].

Бу қизикмачоқда ҳар бир жониворга хос муҳим хусусият ҳақида маълумот берилаётир. У орқали бола илоннинг қамчидай узун ва силлиқ бўлишини, итнинг ҳид олишда, тозининг эса изкуварликда тенгсизлиги, кийикнинг чопағонлиги, чаённинг захарли ва чақадиган хавфли жониворлигини билиб олади. Бундай қўшиқлар болаларга тил ўргатишда, теварак-атроф воқеликлари ҳақида тасаввур уйғотишда, уларда мусиқий кўникмани шакллантиришда, энг муҳими, болалар билан катталар ўртасида эмоционал муносабатни қарор топтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳайвонлар овозига таклидни ифодаловчи қизикмачоқларда маълум бир ҳайвон, қуш, парранда овозига тақлид қилиш етакчилик қилади:

Катталар: Мушукка нима дейди?  
Бола: Пиш-пиш.  
Катталар: Итга нима дейди?  
Бола: Куч-куч.  
Катталар: Товуққа нима дейди?  
Бола: Ти-ти-ти.  
Катталар: Эшакка нима дейди?  
Бола: Их, иш.  
Катталар: Отга нима дейди?  
Бола: Чух-чух[3].

Қизикмачоқларни кўпинча кекса ёшдаги кишилар ўз невараларини ўйнатиб ўтириш, овутиш учун айтишган. Бунга ишора қизикмачоқларнинг ўзида ҳам мавжуд:

“Олдомоқо бола яхши,  
Ўйномоқо қорри ёхши.  
Иккинчисини топмосок,  
Нердан олин тўё бахши?”  
Деган экан бириси![4].

Хуллас, қизикмачоқларнинг ижроси ана шундай қатор хусусиятларга эга. Шуниси билан улар болаларнинг эътиборини тортади ва уларга олам-олам завқ бағишлайди. Энг муҳими, қизикмачоқлар ижроси орқали болага бадиий сўзнинг куч-қудрати англатила боради.

Қизикмачоқларда, асосан, бир воқелик иккинчисига уланиб бориб, фикрий занжирли боғланишни ҳосил қилади. Шунингдек, уларда образдан образга, фикрдан фикрга кўчиб бориши кузатилади. Бу, айниқса, болаларни теварак-атроф ва маиший турмуш билан таништирувчи қизикмачоқларда яққол кузатилади. Уларда ҳаёт ҳодисалари кўп образлиликда ўз ифодасини топганлиги эътиборни тортади:

Ўғил – той, қиз – ой.  
Телпак – қўй, рўмол – уй.  
Қамиш – най,

## ADABIYOTSHUNOSLIK

Сигир – мой,  
Уруш – ёй [1.33].

Бундай қизикмачоқлар нафақат боланинг дунёқарашини кенгайтиради, балки унинг бадиий ижодга хос турғун рамзларни билиб олишига ҳам замин яратади. Чунки халқимиз урф-одатига биноан, ҳозиргача мамлакатимизнинг айрим ҳудудларида ўғил боланинг суннат тўйида унинг номига той бериш анъанаси мавжуд. Шунинг учун қизикмачоқда ўғилнинг эквивалентлиги ўрнида той образи бежиз келтирилмаётир. Чунки туркий халқлар от тотемига сиғинган. От инсоннинг ҳомийси сифатида қаралган.

Қизикмачоқда қизнинг ойга тенглаштириши шуни англатадики, қиз бола бировнинг хасмидир. Яхши қизни, албатта, келин қилиб олиб кетишлари, у эса борган жойини ойдек мунаввар қилиши, обод айлаши ҳаётий ҳақиқат. Шуни назарда тутиб, қизни ойга тенглаштириш ёки қизни ой ўз оламига олиб кетиши ҳақида афсона қилиш кенг тарқалган. Бу жиҳатдан “Ширин қиз”, “Ой ва Кун”, “Оймома ва Зумрад” афсоналари фикримизни далиллай олади. “Оймома ва Зумрад” афсонасида Зумрад исмли етим қиз худди “Зумрад ва Қиммат” эртагидаги етим қиз каби меҳнатсеварлиги туфайли бахт-саодатга эришади.

Телпак-қўй тенглигида телпакнинг қўй жунидан тайёрланиши бундай телпакнинг саралиги билдирилса, рўмол-уй тенглигида рўмолнинг оила рамзини билдирилиши асос бўлган. Чунки одатимизга кўра, қиз болага совчиликка борганда розилик аломати сифатида рўмол берилади.

Қамиш-най тенглиги бевосита Искандарнинг шохи борлиги ҳақидаги афсона сюжетини ёдга солади. Унда Искандарнинг шохини кўрган сартарош чол бу сирни ичига сиғдиrolмай, уни чўлдаги ташландиқ қудуққа айтади. Аммо шу қудуқдан ўсиб чиққан қамишдан чўпон йигит ясаган най бу сирни ошкор этади.

Сигир-мой тенглиги орқали сигир сutiдан бўлган мойнинг энг асил ёғ эканлиги таъкидланса, уруш-ўқ ёй тенглигида ўқ ёйнинг уруш рамзини билдириши эслатиб ўтилмоқда.

**Хулоса.** Қизикмачоқларнинг асосий мазмуни бола ва уни ўраб турган теварак-атроф билан боғлиқ бўлади. Қизикмачоқлар болаларни ҳаёт билан таништиради, уларга ахлоқий ўғит бериш вазифасини бажаради. Шунинг учун улар болаларнинг маънавий камолотида муҳим ўрин тутаяди.

## АДАБИЁТЛАР

1. Бойчечак. *Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. Болалар фольклори. Меҳнат қўшиқлари. Тузувчи ва наирга тайёрловчилар: Охунжон Сафаров ва Камол Очилов.* – Т.: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат наشريёти, 1984. –334 б.

2. *Топшмоқлар. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. Тузувчи ва наирга тайёрловчи З.Хусаинова.* – Т.: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат наشريёти, 1981. –510 б.

3. *Читтигул. Тўплаб, наирга тайёрловчилар: Йўлдош Султонов, Насимхон Раҳмонов, Шомирза Турдимов.* – Т.: Ўқитувчи, 1992. –96 б.

4. *Хоразм хазинаси. Тўловчи Собир Эҳсон Турк, наирга тайёрловчи Комил Нуржонов.* – Урганч: “Хоразм” наشريёти, 1996. –178 б.

5. Сафаров О. *Ўзбек болалар поэтик фольклори.* –Т.: Ўқитувчи, 1985. –250 б.

УДК: 616.89-008.444.5

## КИНОЯ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИ КОНТЕКСТДА ҚЎЛЛАШ

## ВИДЫ ИРОНИИ И ЕЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ В КОНТЕКСТЕ

## TYPES OF IRONY AND ITS USAGE IN THE CONTEXT

*Mavlyanova Ugiloy Khamdamovna*  
sn. lect. of the department of a foreign language  
in the natural directions in the BukhSU

**Аннотация.** Мақолада шакл ва мазмун ўртасидаги ассиметрияни акс эттириши муаммоси мазмун режасини ифода режаси билан тўлиқ қамраб олмаганлик ҳолати

сифатида ўрганилган. Тадқиқотнинг мақсади матндаги киноянинг функцияларини аниқлаштиришидир, вазифаси эса сўзнинг контекст-киноявий маъносини ўзгартиришининг лугавий-прагматик жиҳатларини аниқлашидир. Аниқланишича, истеҳзо бу бадиий матннинг муаллифга намойиши этилаётган воқеликка ҳиссий-баҳо муносабатини билдириши имконини берувчи муҳим концептуал категориядир.

**Таянч сўзлар:** маъно, прагматика, гайриинсоний, интимизация (сўзлаш усули), коммуникатив, ўз-ўзини бошқариши, лингвопрагматик асос.

**Аннотация.** В статье рассматривается проблема отражения асимметрии между формой и содержанием как случай неполного покрытия плана содержания планом выражения. Цель исследования – уточнение функций иронии в тексте; задача – выявление лингво-прагматических аспектов трансформации контекстуально-иронического значения слова. Выясняется, что ирония является содержательной концептуальной категорией художественного текста, позволяющей автору передать эмоционально-оценочное отношение к отображаемой действительности.

**Ключевые слова:** импликация, прагматика, иллокутивный, интимизация, коммуникант, саморегуляция, лингвопрагматический аспект.

**Abstract.** In the article the problem of reflection of asymmetry between the form and the maintenance as a case of an incomplete covering of the maintenance plan by the expression plan is considered. A research objective is specification of functions of irony in the text; a problem - revealing lingo-pragmatically aspects of transformation of a contextually-ironical word meaning. It is found out, that the irony is the substantial conceptual category of the art text allowing the author to transfer the emotionally-estimated relation to the displayed validity.

**Key words:** Implication, pragmatics, illocutionary, intimisation, communicant, self-control, lingo-pragmatically aspect.

The irony phenomenon as the version of implication and means of its realization in English, Russian and Uzbek languages became repeatedly object of researches in various areas of linguistics.

The most capacious definition of irony is its representation in one of forms of implication which is usually considered as asymmetry reflection between the form and the maintenance or as a case of an incomplete covering of the maintenance plan by the expression plan. Implication receives only partial verbal realization in the text which can be developed, that is to explicate as its existence is as real as an explication.

Irony is a figure of speech in which words are used in such a way that their intended meaning is different from the actual meaning of the words. It may also be a situation that ends up in quite a different way than what is generally anticipated. In simple words, it is a difference between appearance and reality [1].

People often use irony either to bring fun in the conversation or to explain something which is totally contrary. Irony is a rhetorical device or a literary technique, or even situation, which refers to a sharp disagreement or discordance that is expressed beyond the evident intention of words used. Irony can be verbal, where the person says something which is exactly opposite to what he/she really wanted to communicate, just like if you say, soft as concrete. Apart from this, it can also be dramatic where one of the characters is unaware of what is happening around, whereas the spectators know exactly what's going on; this concept is often related to plays. Irony can be situational as well, if the actual result appears to be just opposite to what is really expected. Whatever be the grammatical aspect, ironies have become an integral part of regular communication. Let us look into some examples of ironies that can help you understand this concept better [2].

The firehouse burns down.

The police station was robbed.

The teacher failed the test.

The student who didn't study passed the test.



## ADABIYOTSHUNOSLIK

---

The marriage counselor gets a divorce.

The owner of a butcher shop is a vegetarian!

A restaurant called "Hard Times Cafe" has closed down because of the recession!

The water vendor died of thirst!

A restaurant with the name "Firewood Cafe" was actually on fire!

The dictionary entry for "short" is really, really long!

The only word that you spelled right in this spelling test is "illiterate".

"Stand by your Man" is one of the biggest hit songs sung by Tammy Wynette's who has been married six times in her real life.

Do you know that there is a song about the phobia of music?

The White House isn't white.

Brain research tells us that only twenty percent of human beings have a sense of irony, which means that eighty percent of the world takes everything at face value.

-Doug Coupland [3]

Irony is a literary technique and rhetoric device that has been used for many years in speech, art and everyday life. Although irony has been used for a long time, there haven't been exact definitions suggested over the years, however, a general consensus is that: Irony is a figure of speech which is a contradiction or incongruity between what is expected and what actually occurs. Most of the definitions of irony are something along these lines, though there is often disagreement about the specific meaning of this term. Articulating a simple irony definition can be daunting. It's a large concept, but irony can be broken down into three central categories. We'll define each of these three main types of irony, and provide examples from plays, short stories, essays and poems.

There are three types of irony: verbal, situational and dramatic. Verbal irony is the use of words to mean something different from what a person actually says. Verbal irony occurs when a speaker's intention is the opposite of what he or she is saying. For example, a character stepping out into a hurricane and saying, "What nice weather we're having!"

The main feature of verbal irony that sets it apart from the other different types of irony is that it is used by a speaker intentionally. It occurs in a conversation where a person aims to be understood as meaning something different to what his or her words literally mean. Examples of verbal irony include: "Thanks for the ticket officer, you just made my day!" "I can't wait to read the seven hundred page report."

The above examples show how irony is used to show someone's frustration or disappointment. There are two types of verbal irony:

-Overstatement – when a person exaggerates the character of something.

-Understatement – when a person undermines the character of something [4].

Most of the time, sarcasm and verbal irony are used interchangeably. There is however a clear distinction between the two. In most cases, sarcasm is used to insult or to cause harm. A statement like "Great, someone stained my new dress," is ironic, while "You call this a work of art?" is sarcastic. While verbal irony implies a different meaning to what is actually said, sarcasm is mainly used as a sharp and direct utterance designed to cause pain.

Situational irony involves a discrepancy between what is expected to happen and what actually happens. Situational irony occurs when the actual result of a situation is totally different from what you'd expect the result to be. An example would be when someone buys a gun to protect himself, but the same gun is used by another individual to injure him. One would expect that the gun would keep him safe, but it has actually caused him injury. However, there is a difference between situational irony and coincidence or bad luck. When someone washes his car and it rains, that is just bad luck; nothing led him or her to think that it would not rain. However, when a TV weather presenter gets caught in an unexpected storm, it is ironic because he or she is expected to know the exact weather changes. Sitcoms often use situational irony. For example, a family spends a lot of time and money planning an elaborate surprise birthday party for their mother to show her how much they care. But it turns out, her birthday is next month, and none of them knew the correct date. She ends up fuming that no one cares enough to remember her birthday.

## ADABIYOTSHUNOSLIK

Dramatic irony is popular in works of art such as movies, books, poems and plays. Dramatic irony occurs when the audience knows a key piece of information that a character in a play, movie or novel does not. An example of dramatic irony is in a movie where a detective does not know that the criminal responsible for the crimes in the city is his partner. The audience however is already aware of this fact and waits anxiously to know what will happen once the character finds out what they already know. There are three stages of dramatic irony:

- Installation – audience is informed of something the character does not know about.
- Exploitation – using this information to develop curiosity among the audience.
- Resolution – what happens when the character finally finds out what is going on? [4]

A special category of dramatic irony is tragic irony. Tragic irony occurs when a character in a play does or says something that communicates a meaning unknown to her but recognized by the audience. An example of tragic irony is when a character orders poisoned food that is supposed to kill him or her and the audience knows that the character is destined to die from food poisoning. Tragic irony was common in plays that depicted the lives of legends in ancient Greece. The audience already knew the fate of the characters before they watched the play. This is the type of irony that makes us yell, “Don’t go in there!” during a scary movie. Dramatic irony is huge in Shakespeare’s tragedies, most famously in “Othello” and “Romeo and Juliet”, both of which we’ll examine later.

Why writers use it: Irony inverts our expectations. It can create the unexpected twist at the end of a joke or a story that gets us laughing – or crying. Verbal irony tends to be funny; situational irony can be funny or tragic; and dramatic irony is often tragic.

“Othello” is one of the most heartrending tragedies ever written, and Shakespeare’s use of dramatic irony is one of the reasons the play is so powerful to read and watch. We know that the handkerchief used as proof of Desdemona’s infidelity was, in fact, stolen by Emilia at Iago’s behest. Desdemona was framed by Iago, and we know she is innocent. But we are powerless to stop Othello; he has resolved to murder his wife. Iago, whom Othello considers a friend, has been plotting Othello’s demise for the duration of the play. Othello does not know that Iago is the one pulling the strings, but we do. We know he is the one who convinces Roderigo to kill Cassio, even as we watch him pretend to help Cassio after he is wounded. Only we see Iago kill Roderigo before he can reveal the truth. In this way, we are complicit with Iago’s misdeeds. We are the only witnesses, and yet we can do nothing.

Dramatic irony in “Romeo and Juliet”. In the final act of this archetypal love story, Shakespeare employs dramatic irony to keep the audience on the edge of their seats. Friar Laurence sends a messenger to tell Romeo about Juliet’s plan to drug herself into deathlike coma. We watch in horror as the messenger fails to deliver this vital piece of information. And though we know that Juliet is not really dead, we see Romeo poison himself because he cannot live without her.

Situational irony in “The Gift of the Magi”. In this short story by O. Henry, a wife sells her hair to buy her husband a watch chain, and her husband sells his watch to buy her combs for her hair. Both have made sacrifices in order to buy gifts for one another, but in the end, the gifts are useless. The real gift is how much they are willing to give up to show their love for one another [5].

Many researchers mark, that exactly in the conditions of a context the realization of ironically used word occurs, as allows distinguishing and decoding the irony actualizing within the limits of the sentence, paragraph, whole text.

«The irony is a stylistic reception, I.R. Galperin confirms, by means of which in any word there is an interaction of two types of lexical values: in detail-logic and contextual, based on the contrast/discrepancy relation» [6: 133].

The given definition deeply enough opens the language nature of irony and possibility of its display in a context of a product with a new shade of a word meaning that promotes perception of contextually - ironical value.

Doubtless interest represents also the pragmatics of ironical transformation of a word. The irony is understood, first of all, as the thin latent sneer, the form of expression of thought when the word or the statement find in a context of speech the value opposite to literal sense or denying it [7].

## ADABIYOTSHUNOSLIK

---

The irony is the substantial conceptual category of the art text allowing the writer implicitly to transfer the emotionally-estimated relation to the displayed validity.

The pragmatism of the irony in the text is defined by that the ironical act is the estimating act, and the estimation costs on the threshold of a choice and the decision, involving transition to practical actions. Criticizing that is considered imperfect, ironically speaking actively influences on associates, their image of thought and on a line of their behavior. Besides realization of function of optimization of interpersonal relations which consists in observance by ironical communicants of a politeness principle, it is possible to name variety of more private functions also bearing certain pragmatically loading.

One of them is function of consolidation of the speaker's position at the expense of a refutation of the addressee's a position which named exclusive functions or simply functions of a refutation. Really, the irony is extremely an effective remedy which communicants can use for the proof of correctness of a position taken by them. Expression of the ironical relation can be considered as the process of removal of an ironical estimation. Unlike a direct estimation, the indirect estimation demands more active actions of the addressee. The act of an ironical estimation can be defined as the co-operative act. Certainly, any speech act is the co-operative act, but degree of cooperation of the speaker and the addressee rises at transition from straight lines to indirect speech acts in which the speaker masks the intention. The role of irony in definition of pragmatically influence on the addressee is especially great because she implicitly forces the addressee to address to a wide context and to worry about the estimating process of the actions on its background. In this process the both participates reason and emotions as well. The ironical estimation is some kind of synthesis of emotional and rational estimations. Thus, the irony leads to the latent imposing of an ironical estimation, inducing the addressee not simply to accept, and independently to develop motive for actions on elimination of the lacks which have become a subject of the ironical criticism. Motives induce activity, direct it and, at the same time, give it intelligence, make sense. Thus, the irony is the important means of motivation of actions of communicants. Its application is especially expedient when interlocutors are equal under the social status and the unmotivated requirement is not effective. Worrying ironical sense, the ironical addressee creatively participates in the estimating process, becomes involved in its result. High degree of «cooperativeness» of irony makes dialogue more economical: it is necessary for speaker to form only a message part. One more feature of irony as polemic means is that, amazing the opponent, it remains as though impregnable for retaliation.

The reference to irony allows the speaker to avoid the statement of not informative, axiomatic judgments. Presented ironically, judgments find additional sense and do not seem trivial. Besides it, by means of an ironical code the speaker can avoid an excessive categoriality and definiteness of estimation. The real estimation which is taken out by the author of the ironical statement never happens so defined, as a superficial estimation. Their contrast is not absolute, and opposition is not symmetric concerning some neutral point. So, ironical "very well" not always means "very badly", and ironical "rather early" not always means "rather late". In opposition between a direct sense of the ironical statement and value of its possible paraphrase are realized not contrary relations assuming diametrical contrast between concepts or judgments, but contradictory relations or contradiction relations. The speaker addresses to ironical type of dialogue just because it is favorable for him that his statement is not given the unequivocal treatment.

The categorial and direct estimation in a certain situation can cause the conflict. The irony allows avoiding it. The ironical speech act should be carried to that type of acts, whose illocutionary force is intentionally strategically uncertain. We share M.Aizenberg's opinion subjecting the critic so-called "optimum" model of communications in which the concept of efficiency of dialogue is identified with concepts of definiteness and unambiguity [8, 227]. Uncertainty cannot be considered as the abnormal phenomenon in interpersonal dialogue. Moreover, uncertainty, ambiguity underlie on the base of human dialogue in general, not being a prerogative of indirect dialogue. We never can understand completely each other and, at the same time, we always can answer each other. As the ironical statement is not excessively categorial, allows coming easier to the conciliatory

## ADABIYOTSHUNOSLIK

proposal in a disputable situation. Softening, the speaker thinks, that he does not consider his opinion is unique true. Ironic communicants express their thoughts and feelings, reserving the right to refuse such interpretation which can seem unacceptable to the interlocutor. Various opinions are brought into accord that increases chances of development of a common position. We will define such action of irony as function of settlement of disagreements.

The irony also can be used as a special code which communicants use with a view of coordination of the actions in such situation when they are afraid or simply do not wish to express their thoughts directly. One more function of irony is that it serves to an intimisation of relations between communicants, to an establishment and consolidation of friendly relations between them. The offer of taking part in ironical game can be considered as some kind of the intellectual and valuable test in the basis of which the speaker's confidence in addressee's ability adequately lays to solve it. Accepting this offer, the addressee answers with trust to trust. The mutual understanding reached by this way is perceived by communicants as something self-evident. The irony also can be the means used by the speaker for self-control. Sneering, he is released from feeling of dissatisfaction, realizing his critical intention. Hence, the irony leads to time "removal" of the dialectic contradiction between wished and real, possible and valid, helping the person to keep the "I" in the most difficult circumstances.

Realization of any named functions not only does not contradict simultaneous realization of other functions, but also assumes it. So, the refutation of a position of the opponent in dispute can be accompanied by consolidation of communication with the listener and serve the purpose of settlement of disagreements. If to try to give the generalized characteristic to pragmatically functions which are carried out by ironical type of a dialogue it is necessary to tell, that the irony is used as means of the decision of those communicative problems which cannot be effectively solved with use of "direct" communication.

## REFERENCES

1. <https://literarydevices.net/irony>
2. *Irony Examples*. [iloveindia.com](http://iloveindia.com)
3. Tulika Nair. *Irony Examples in Literature that is Just Perfect for a Lazy Day*.
4. <http://typesofirony.com/#google>
5. *Blog.flocabulary.com>definitions and examples of irony in literature*. April 9 2013.
6. Гальперин И.П. *Очерки по стилистике английского языка*. – М., 1958.
7. Салихова Н.К. *Языковая природа и функциональная характеристика стилистического приема иронии: автореф. дис. канд. филолог. наук*. – М., 1976.
8. Eisenberg E. *Ambiguity as strategy in Organizational Communication // Communication Monographs*. 1984. Vol. 51, № 5. Last Updated: Mar 29, 2018.

УДК: 82-21

**БАДИЙ АДАБИЁТДА ЁЛГИЗЛИК ФОЖИАСИ ТАЛҚИНИГА БИР НАЗАР**

**ВЗГЛЯД НА ИНТЕРПРЕТАЦИЮ ТРАГЕДИИ ОДИНОЧЕСТВА В ЛИТЕРАТУРЕ**

**A LOOK AT THE INTERPRETATION OF THE TRAGEDY  
OF LONELINESS IN LITERATURE**

*Киличева Мехринисо Ражабовна*  
*БухДУ инглиз адабиёти каф. ўқит.*

*Аннотация.* Бадий адабиётда ижтимоий ҳаётдан ёлғизлини қолган образлар беҳисоб. Ёлғизлик билан курашувчи образларнинг яратилишига сабаб, ўраб турган ижтимоий ҳаётдан, одамлардан узилиб қолиш, ажратилиш, яққаланиш ҳисларини ҳақиқий ҳаётда бошдан кечирадиган кўплаб кишилар мавжудлиги билан изоҳланади.

Мақолада бадий адабиётда ёлғизлик фожиясининг талқини хусусида фикр юритилган. Хусусан, Америка ва Англия адабиётининг турли вакиллари ижодидан намуналар таҳлилга тортилган.



**Таянч сўзлар:** ёлғизлик, мотив, сарлавҳа, психологик ҳолат, қаҳрамон, монолог, роман, қисса, ҳикоя, фожиа.

**Аннотация.** В художественной литературе есть бесчисленные изображения социально изолированных фигур. Причина создания образов одиночества заключается в том, что в реальной жизни очень много людей чувствуют себя изолированными, от социальной жизни, которая их окружает. В статье рассматривается литературная интерпретация трагедии одиночества в литературе. В частности, проанализированы образцы произведений различных представителей американской и английской литературы.

**Ключевые слова:** одиночество, мотив, заглавие, психологическое состояние, персонаж, монолог, роман, история, трагедия.

**Abstract.** There are countless socially isolated images in fiction. The reason for creating lonely characters is because there are so many people in real life who feel isolated, secluded, alienated from the social life that surrounds them. The article reviews the literary interpretation of the loneliness tragedy in literature. Particularly, the works of representatives of American and English literature have been analyzed.

**Key words:** loneliness, motive, title, psychological state, character, monologue, novel, story, tragedy.

**Кириш.** Адабиётнинг бош предмети – инсон бўлгани учун унда инсоний ҳис-кечинмалар, психологик ҳолатлар талқини ҳамisha муҳим ўрин эгаллаган. Бу жиҳатдан инсон руҳий олами билан боғлиқ туш, кўркув, даҳшат, ўлим, ёлғизлик, ёлғончилик, акллилик, макр-ҳийла, телбалик, жиноят ва жазо каби ҳолатлар талқини алоҳида эътиборни тортади. Уларнинг бадиий асарларда ўзига хос поэтик ифода этилишини, нозетик ҳодисадан эстетик ҳодисага айланиш жараёнини ўрганиш муҳим масала ҳисобланади. Айниқса, бунда инсоннинг жамиятдан, одамлардан айрилиб, четда қолиши, ёлғизланиши фожиавий ҳолат экани алоҳида таъкидланиши ва тасвирланиши кузатилади. Чунки ёлғизлик инсонни умидсизликка, тушкунликка маҳкум этиб, чексиз руҳий изтироблар гирдобига ташлайди. Ёлғизлик шундай салбий кучки, инсонда ўз-ўзига ачиниш, заифлик, зўравонлик сингари салбий ҳиссиётларни уйғотади. Бироқ у мустақиллик, ўз ҳаётини ўзи бошқара олиш, ўз муаммоларини ўзи ҳал эта олиш сингари ҳислатларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

**Асосий қисм.** Ёлғизлик муаммоси нафақат адабиётнинг, балки фалсафа, психология, диншунослик сингари фанларнинг тадқиқот объекти ҳисобланади. Унинг назарий ва бадиий жиҳатдан ўрганилиши З.Фрейд, Э.Фромм, Ж.Янг сингари бир қатор файласуфлар, М.Бахтин, Ю.Борев, А.Чамеев сингари бир қанча рус адабиётшунослари, Б.Мижускович, Ҳ. Гибсон, Ҳ.Вилямс, Б.Мидлетон, А.Сегар сингари инглиззабон олимларнинг илмий ишларида кузатилади.

Жаҳон адабиётида ёлғизлик мотиви муҳим ўрин эгаллаган асарлар жуда кўп. Ёлғизлик билан курашувчи образларнинг яратилишига сабаб, ўраб турган ижтимоий ҳаётдан, одамлардан узилиб қолиш, ажратилиш, яққаланиш ҳисларини ҳақиқий ҳаётда бошдан кечирадиган кўплаб кишилар мавжудлиги билан изоҳланади. Кўпчилик олимлар ёлғизликни XX аср билан, аниқроғи, модернистик оқим билан боғлайдилар. Бунга илм-фан ва технологияга кучли қарамлик, шахс ва жамият ўртасидаги зиддият сабаб бўлади.

Инсон зоти бошқалардан ажралиб қолганда жиддий руҳий муаммолар келиб чиқиши мумкин. Унинг бутун ҳаёти давомида бировга қарамлиги, атрофдагиларга боғлиқлиги табиий эҳтиёждир. Одамзот ибтидоий замонларда яшаган вақтдаёқ тирик қолиш учун бу қарамлик муҳим аҳамиятга эга бўлган. Инсоният ривожлангани сари бунга эҳтиёж сира камаймади, аксинча кўпайди.

Инглиз психиатри Энтони Стер шундай дейди: “Бу алоқалар борми-йўқми, одамзот доимо жамиятнинг бир бўлаги бўлиш ҳиссига муҳтож”[8]. Вилямс Киплинг “бу боғлиқликнинг мавжуд эмаслиги тушкунлик, хавотир, стресс, руҳий хасталик сингари



салбий психологик оқибатларни келтириб чиқарди”[6, 15] дейди. Вилиамс Киплинг шундай деб фикрини давом эттиради: “Бошқалардан ажралиб қолиш бошқа фундаментал эҳтиёжлар, масалан, ўз ҳаётини бошқара олмаслик, мустақил қарор қабул қила олмасликка ўз таъсирини кўрсатади”[6,17].

Инсон турли сабаблар билан ёлғизликка мубтало бўлади. Бунга баъзан кишининг одамовилиги, атрофдагиларга нисбатан бефарқ, меҳрсиз, қўпол ва такаббурлиги сабаб бўлса, баъзан бирор-бир табиий офат ёки зўравонлик, жамиятдан норозилик, бошқаларга ҳасад қилиш, қотилликка қўл уриш сингарилар ҳам уни ёлғизликка гирифтор этиши мумкин. Масалан, Даниэль Дефонинг “Робинзон Крузо” асарида бош қахрамоннинг денгиз тўфони сабаб одамсиз оролга тушиб қолиши ва у ерда бошидан кечирганлари тасвирланган. Аммо ёлғизлик, ватани ва яқинларидан жудолик Робинзон Крузонинг иродасини синдира олмайдики, қахрамоннинг айнан ёлғизликни енгиб ўтиши ўқувчиларни мафтун этади.

“Робинзон Крузо” руҳий баркамолликнинг энг ишончли воситалари – ёлғизлик, табиат билан мулоқотда бўлиш, меҳнат ва оддий ҳаёт тарзи ҳақида, [1, 18] Жан Жак Руссо айтганидай: “Дефонинг китоби – табиий тарбия борасида энг муваффақиятли асар.

Жек Лондон ўзининг Узоқ Шимол, ундаги оғир табиий шароит, инсон ва табиат ўртасидаги кураш ҳақидаги ҳикоялари билан машҳурликка эришди. Айниқса, “Клондайкда тирик қолиш” ҳикоялари тўплами алоҳида эътиборни тортади. Ж.Лондоннинг ушбу ҳикоялари туркуми ўнта ҳикоялардан ташкил топган бўлиб, шулар орасида “Ҳаётга муҳаббат”, “Оқ сукунат” ва “Ҳаёт қонуни” ҳикояларини ёлғизлик мавзуси бирлаштириб туради.

“Оқ сукунат” ҳикоясида икки эрақ, бир аёл ва бир тўда итларни шимолий совуқ оқ кенгликларда очлик ва ташналикка маҳкум қилинган, омон қолиш учун сўнгги кучигача курашган, умидини сўндирмаган образлар сифатида кўрамиз. Қахрамонлар оқ сукунат залворидан эзилган, тушкунликка тушган. Масофа олис, атрофдаги табиий шароит оғирлигидан йўловчиларнинг ҳатто бир-бири билан гаплашишга мадори йўқ. Аҳён-аҳёнда хаёлидан маълум фикрлар ўтса ҳам, ўзаро бўлишмайдилар. Жисмонан бирга бўлсаларда, хаёлан ёлғизликда саёҳат қиладилар, табиат синовларини яқка енгадилар. Ёзувчи бу ҳикоя орқали инсон табиий бўладими, ижтимоий, иқтисодийми, турли хилдаги ҳар қандай синовларни ёлғиз қарши олиши, уларга ёлғиз ўзи ечим топа олиши лозимлиги ҳақидаги фикрни илгари суради.

Ҳикоя сарлавҳасининг ўзи ёлғизлик мавзусини ёритиб беришга хизмат қилади. Оқ сукунат қахрамонлар руҳиятига чуқур таъсир қилиб, уларни тушкун ва жим йўл юришларига, ўз хаёллари билан андармон бўлишга мажбур қилади. Жек Лондон айтмоқчи сукунат шу даражада кучлики, ҳатто, ожиз шивирлаган овоз ҳам шаккоклик бўлиб туюлади ва инсон ўз товушидан ҳам кўрқади. Совуқ ва йўл азоби йўловчиларни янада эзади. Бироқ йўл охирида қахрамонларни бундан-да фожиалироқ ҳолат кутиб турарди. Овчи Мейсонни дарахт босиб қолиб, шу жойда унинг саёҳати ўз ниҳоясига етади. У ёлғизликда жон беришни истамаса ҳам, лекин шеригидан уни ташлаб кетишини, хотини ва туғилажак фарзандини асраб қолишини илтимос қилади. Ҳаттоки ўлаётган одам ҳам ёлғиз ва қаровсиз қолишдан кўрқар экан. Шу сабаб Мейсон шеригига “Биргина ўқ, фақат бир мартагина тепкини босишинг кифоя”, деб уни ёлғизликда жон беришдан халос қилишини сўрайди. Оқ сукунат ичра аламли ўйлар билан ёлғиз қолиш осон эмас, атроф совуқ ва шафқатсиз. Ўлим эса унданда даҳшатлироқ.

Ж.Лондон бу ҳикоя орқали инсоннинг табиат синовларига қарши ёлғиз курашиши, ўлим қаршисида ёлғиз қолиши, қачонлардир ожизликда ўз Яратувчиси олдида юзма-юз қолиши мумкинлигини айтмоқчи бўлади.

Ж.Лондоннинг кейинги ҳикояси “Ҳаётга муҳаббат” бўлиб, оч ва ҳолдан тойган икки олтин изловчининг узоқ шимолнинг ёввойи, инсон қадами тегмаган кенгликларида ўз йўлини йўқотиб, сарсон бўлган ҳаёти тасвирланган. Билл чўлоқланиб қолган шеригини яқка ташлаб кетади. Шундан сўнг бепоён кенгликларда битта қахрамоннинг ўзи ёлғиз қолади. Муаллиф бу қахрамонга ном бермай, шунчаки уни инсон, одам деб таништиради. Чунки у

## ADABIYOTSHUNOSLIK

бутун инсониятнинг ҳаётга муҳаббатини гавдалантирган умумлашма образ сифатида яратилган. Бу қаҳрамон йўл бўйи қийинчиликларга бардош бериб, очлик, ташналик ва касалликларга чидаб, хавф-хатарни енгиб ўтиб, манзилга етиб борган инсон сифатида таърифланади.

“Ҳаётга муҳаббат” ҳикоясининг қаҳрамонлари ўз орзуларига эришиб, халталарини олтин билан тўлдириб ортга қайтаётган икки олтин изловчи бўлиб, улар йўлдан адашиб қоладилар. Бегона, ёввойи, совуқ юртларда оч-наҳор, ортга йўлни тополмай сарсон бўлиб, топган олтинларидан ҳам воз кечадилар. Чунки тирик қолиш учун бу олтиннинг ҳеч қандай қиймати йўқ эди. Тиллани танлаб, ўз шеригини ташлаб кетган қаҳрамонни эса бўриларга ем бўлишдек оғир қисмат қарши олади.

Ёзувчи бу билан бойлик васвасасида дўстини ёлғиз ташлаб кетиш, хиёнат қилишнинг оқибатлари қандай бўлишини тушунтирмоқчи бўлади. Тирик қолган ёлғиз бош қаҳрамон табиат, ҳайвонлар билан курашиб, қийинчиликларга матонат билан бардош бериб, ҳаётга муҳаббати туфайли омон қолади. Жек Лондоннинг мазкур ҳикояси китобхонда шукроналик, сабр-тоқат, дўстга садоқат туйғуларини шакллантиради, соғлиқнинг бу дунёдаги барча неъматлардан азиз эканлигини англашга ёрдам беради.

Навбатдаги ҳикоя “Ҳаёт қонуни” бўлиб, азалий қонунларга биноан ўз оиласи ва қабиладошлари томонидан ташлаб кетилган, ёлғизликда ночор ўз ўлимини кутишга маҳкум қилинган қари чол ҳақида ҳикоя қилади. Очлик ҳамласи ёки олис сафар олдидан қабила қариб-қартайган, йўл машаққатларига бардош бера олмайдиган қарияларни гулхан ёқиб, уларни ўша гулхан атрофида ўз ўлимларини кутиб ётишга маҳкум қилиб ташлаб кетади.

Ҳикоянинг бош қаҳрамони Коскуш исмли чол бир вақтлар ўз отасини Клондайкнинг юқори оқимида ташлаб кетган. Энди навбат уники. Кўзлари хира тортган, ожиз ва касалманд чол ўз ўғли томонидан ажал билан ёнма-ён ташлаб кетилмоқда. Чол умрининг давомийлиги набираси ғамлаб кетган ўтин миқдорига боғлиқ. Агар ўтин кўпроқ бўлганида унинг умри ҳам бироз узайган бўлармиди. Лекин яккаланиб, қабиладан ажралиб қолган чол умрни узайтириш ҳақиқатан ҳам даркорми деган хаёллар қуршовида сўнгги чўғни ўчиради ва таслим бўлиб ҳаёт қонунига бўйсунди. Чол ўғлидан ҳам, тақдирдан ҳам рози. У умрининг сўнгги соатларини ёввойи табиат ва ҳайвонлар қуршовида ёлғиз қаршилайди. Жек Лондоннинг фикрича, табиат ҳам, ҳайвонот ҳам яккаланиб қолганларга сира шафқат қилмайди.

Ж.Лондон ҳикояларини таҳлил қилар эканмиз, бу учала ҳикояда ҳам ёлғизлик жимжитлик, сукунат билан боғлиқ ҳолда тасвирланишини кўраимиз. Ёзувчи буни “Ҳаёт қонуни”да қуйидагича тасвирлайди: *“Not a stir, nothing. He alone took breath in the midst of the great silence. It was very lonely.”* [3] (Таржимаси: *“Тиқ этган товуш эшитилмас, атрофда жимжитликнинг сўзсиз дунёси ҳукмрон эди. Бу сукунат ичра ўзининг нафас олишигина эшитилиб турар эди. Ваҳимали ёлғизлик...”*). “Оқ сукунат”да эса *“The stillness was weird; not a breath rustled the frost-encrusted forest; the cold and silence of outer space had chilled the heart and smote the trembling lips of nature.”* [4] (Таржимаси: *“Теваракда муҳиш жимлик ҳукмрон, қор қоплаган ўрмон узра жон асари сезилмасди. Совуқ ва сукунат юракни музлатар ва бир зум табиатнинг титроқ шивирларини бўғиб қўярди”*) деб тасвирланади.

Ж.Лондоннинг мазкур ҳикояларида инсон ва табиат муносабати, қаҳрамонларнинг табиат қийинчиликларини ёлғизликда қарши олиши ва бундай оғир вазиятларда уларнинг руҳий ҳолатидаги ўзгаришлар қаламга олинган. Жамиятдан, ижтимоий ҳаётдан узилган ҳолда унинг бардоши синалади, қийинчиликларни матонат билан енгиши ёки таслим бўлиши имтиҳон қилинади. Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Жек Лондон табиат ва инсон ўртасидаги курашни ёритишда ёлғизлик мотивини мавзу даражасига кўтарган.

Ёлғизлик инсоннинг жамиятдаги барча ижтимоий ҳолатлардан четда туришига, жамиятнинг тўлақонли аъзоси бўлишига тўсқинлик қилувчи руҳий ҳолат ҳисобланади. Шунинг учун айрим асарларда бу ҳолатнинг келиб чиқиш асослари, оқибатлари бадий-психологик таҳлил қилингани кузатилади. Масалан, Ш.Бронтенинг “Жейн Эйр” асари қаҳрамони Жейн Эйр ва Ж.Райснинг “Кенг Саргассо денгизи” романи қаҳрамони Антоинетта

## ADABIYOTSHUNOSLIK

тақдири бу жиҳатдан эътиборни тортади. Улар турлича шароитларда яшашса-да, ёлғизланишларига сабаб бир хил – эътибордан четда қолишлари.

Жумладан, Жейн етим қиз бўлиб, холасига қарам бўлиб қолган. Холаси эса доимо уни хўрлайди. Қизни оиланинг бошқа аъзоларидан ажратиб қўяди. Жейн Ловуд мактабига жўнатилгач, унинг вазияти янада мураккаблашади. Қиз янада умидсиз, ўзига ишончи суст, одамови, индамас бўлиб қолади. Худди Жейнга ўхшаб, Антоинетта ҳам ёлғизлик исканжасига тушиб қолган образлардан биридир. Уйда эътиборсиз қолдирилган қизнинг ёлғизлиги роҳибхонада давом этади ва бу унинг шахсиятига кучли салбий таъсир кўрсатади. Асосий вақтини хонасида ёлғиз ўтказиши, бошқаларга қўшилмаслиги боис атрофидагилар уни “жинни” деб ўйлашади. Бундай муносабат эса алал-оқибат Антоинеттанинг чиндан-да телба бўлиб қолишига олиб келади. *“No one came near us. I got used to a solitary life”* [2, 18] (Таржимаси: “Ҳеч ким бизга яқин келмасди. Мен ёлғиз ҳаётга ўрганиб қолдим”, – дейди қиз ўзи ҳақида).

Антоинеттанинг болаликдаги ёлғизлиги унинг шахсиятини шакллантиради ва бу унинг катта бўлганида ҳаётига, одамлар билан муносабатига салбий таъсир кўрсатади. Ҳимоясиз, руҳан эзилган Антоинетта ўзи хаёлан яратган оламда яшайди. Ўзи севадиган Рочестер ҳам ундан узоқлашганида, ёлғизликка ортиқ тоқат қилолмайди. Антоинетта эри уни тушунмаслигидан, муҳаббат ва эътибор етишмаслигидан руҳан қаттиқ эзилади.

Рочестер ҳам аслида жиддий характердаги йигит. У оиласи томонидан Антоинеттага мажбурлаб уйлантирилгани учун хотини билан узоқ бирга қололмайди. Йигит ўзини бегона муҳитда яшашга маҳкум, руҳан яраланган инсон сифатида ҳис қилади. Антоинетта эса Рочестернинг ҳолатини бойлар яшайдиган муҳитга, одатларга мослаша олмаганлик билан боғлайди.

Хуллас, ташландиқ Антоинетта аста-секин ўз онасига ўхшаб жиннига айлана боради, бироқ муаллиф аёлга телбаликнинг онасидан мерос эмаслигини, бунга унинг ёлғизликдан келиб чиққан кучли руҳий бесаранжомлиги сабаб бўлганини бутун ҳикоя давомида асослашга ҳаракат қилади. Антоинеттанинг ўй-хаёллари тарқоқ эди. У кўпинча бугунини унутиб, хаёлан ўтмишга саёҳат қилишни яхши кўрарди. Мана шу хаёлпарастлик аёлни ёлғизликка ундарди. Шундай қилиб, Антоинетта ёлғизланиш туфайли ўзида пайдо бўлган салбий ҳиссиётларни енгиллаштиришга оғирлашиб қолади. Ниҳоят, асар Антоинеттанинг суиқасди билан тугайди.

Жейн Эйр қариндошларига нисбатан қаҳр-ғазабли бўлса-да, ўз ҳиссиётларини бошқара оларди. Антоинеттага ўхшамаган ҳолда, болалигидан буён ёлғиз бўлган бу ёш аёл ўзига ўхшаган ёлғизликдан азоб чекаётган инсонни учратади ва уни севиб қолади. Бу илоҳий туйғу уни умидсизликдан қутқариб қолади, ёлғизликни енгиллаштиришга ёрдам беради. У энди одамлардан узоқлашишни, яккаланишни истамайди. Жейн ва Рочестер ўртасидаги алоқалар Рочестер ва Антоинетта ўртасидаги алоқалардан фарқ қилади.

Ш. Бронтенинг асари қаҳрамонлари ўз ёлғизликлари устидан ғалаба қозонадилар, кучли бўладилар. Жейн ота-онасини йўқотган, доимий равишда ҳатто ўз яқинлари томонидан камситилган бўлса-да, ёлғизлик ўзини кучли қиладиган сифатларни шакллантира олади. Чунки у ёлғизлигида хаёлан ўз-ўзини тафтиш қилиб, салбий ҳиссиётларини жиловлашни ўрганади. Аёл ўз фикрига эга, мустақил бўлиб етишади. Жейн орзулари ва ёлғизлигини чиройли суратларида акс эттиради ва айнан шу суратлар унинг ёлғизлиги устидан тўла ғалаба қозонишига ёрдам беради. Етимлиги учун ҳам ўзидан бошқа суянадиган инсонни йўқлигини Жейн яхши англайди.

Содда ва ёлғиз қиз Антоинетта эса яккаликда ўзини яхши ҳис қилади, бироқ ич-ичидан меҳр-муҳаббат ва ғамхўрликка эҳтиёж сезади. Рочестерга турмушга чиққанда, унинг ўзига руҳан яқин инсон эканига ишонади, бироқ турмуш ўртоғининг унга муносабати ўзгарганда, аёл эрини ўзидан узоқлаштиради, ораларига совуқчилик тушади. Антоинетта болаларча табиати билан қолади, мустақил фикрламай, доимо бошқаларга суянади. Антоинеттанинг телбаланиши Рочестерни янада ўзидан йироқлаштиради.

Болалигида тенгдошлари билан ўйнаш ўрнига Жейн хонасида пианино овозини эшитиб

## ADABIYOTSHUNOSLIK

ўтирарди. Унга меҳмонхонага кириш таъқиқланганди. Қизнинг болаликдан бундай яккалаб кўйилиши, уни жамият билан боғланишдан, одамлар билан алоқа қилишдан маҳрум қилганди. Жейн таъкидлаганидек: *"waiting for the departure of the guests seemed a long way off, and I listened to Bessie's voice on the stairs"* [7,22] (Таржимаси “меҳмонларнинг кетишини кутуш узоқ давом этгандек туюларди ва зинада Бессининг товушига қулоқ солиб ўтирардим”). Бесси бу хонадондаги Жейнга ёрдам берадиган ягона инсон эди.

Кейинчалик мактабда Жейн Хелен Бурнс, Мисс Темплеларни учратади. Бу инсонлар унинг шахсиятига катта ижобий таъсир кўрсатади. Уларнинг яқин муносабати туфайли, Жейн илиқликни, меҳр-муҳаббатни туя бошлайди ва секин-аста салбий ҳиссиётлардан озод бўла боради. Жейндан фарқли равишда, Антоинеттанинг ҳаётида бундай инсонлар йўқ эди, шунинг учун унинг ҳаёти фожиали яқун топади. Демак, атрофдагиларнинг кўллаб-қувватлаши инсоннинг стрессли ҳолатлардан чиқиб кетишида, ёлғизликни енгишида муҳим аҳамиятга эга.

Жейн бутун асар давомида ижтимоий жиҳатдан ёлғиз, бироқ у ўзлигини англайди ва салбий фикрлардан онгини тозалайди, гарчи жамиятнинг маълум бир қисмидан узилиб қолган бўлса-да, уни севувчи инсонлар билан яқин алоқани сақлаб қолади. Антоинетта нафақат ижтимоий жиҳатдан ёлғиз, балки ақлан ҳам реалликдан узоқ, яккаланган. У Жейнга қарама-қарши равишда ўзлигини англолмайди, натижада ёлғизлик, яккалик, мураккаб руҳий беқарорлик кейинчалик унинг фикрини бузиб, ўз жонига қасд қилишига олиб келади.

Антоинетта ҳаётида ижтимоий алоқаларнинг етишмовчилиги, унинг ёлғизлиги ички менини танишига, шахсиятини англашига халақит қилади. У табиатан таъсирчан бўлиб, севги ва эътиборга жуда муҳтожлик сезарди, лекин уларни қабул ҳам қилолмасди. Негаки, у аллақачон ўзи учун ҳаёлан нореал оламни яратган эди. Шундай қилиб, у ўзини яккалаб кўяди. Рочестернинг Антоинеттадан ажралиб кетиши эса мажбурий никоҳни қабул қилмаслик йўлидаги исён сифатида баҳоланади. Жейндан Рочестернинг ўзини олиб қочишига унинг бундан олдин бошқа бир аёл билан омадсиз никоҳда бўлгани, шу боис аёллар билан яна алоқа боғлашдан кўрқиши сабаб эди.

Бир сўз билан айтганда, “*Кенг Саргассо денгизи*” асарида аёлнинг жиннилиги бу туғма ҳолат бўлмай, балки жабр-зулм ва ёлғизлик туфайли инсон шахсиятида пайдо бўлган ички руҳий бузилиш, руҳий яраланганлик оқибати дея изоҳланади. Демак, ёлғизлик қахрамонларни аста-секинлик билан емирувчи ҳолатдир. Инсон шахсияти, камолоти одамлар билан бўлган ижтимоий, маданий алоқалар орқали яратиладики, бунда ёлғизлик тўла камолотга эришиш учун тўсқинлик қилади.

**Хулоса.** Умуман, юқорида номлари кўрсатилган асарларнинг жаҳон адабиёти хазинаси дурдонасига айланишида, уларда бош мавзулардан бири сифатида кўтарилган “ёлғизлик фожиаси” муаммоси ва унинг ижтимоий-психологик асослари бадий талқинда берилиши ўзига хос замин яратган.

## АДАБИЁТЛАР

1. Биби Робиа Саидова. *Ақл ва руҳ баҳси*. 2018. - 110 б.
2. Jean Rhys. *Wide Sargasso Sea*. 1966. P.171.
3. London, Jack. *"The Law of Life"*. *McClure's Magazine*, Vol.16, March, 1901. P.6.
4. London, Jack. *"The White Silence"*. *Overland Monthly*, February, 1899. P.10.
5. Rousseau J.-J. *Émile ou de l'Éducation (livre II)*. *Œuvres complètes*. – Paris, Gallimard, 1969. P.1152.
6. Williams Kipling. *'Ostracism: The impact of being rendered meaningless'*, in the *Social Psychology of Meaning, Mortality and Choice*. – Washington DC, 2012 P.309-323.
7. Charlotta Bronte. *Jane Eyre*. – London, 1847. P.592.
8. <https://literacle.com/literary-isolation/amp/>



УДК: 82-32

## УВАЙС ҚАРАНИЙ АТТОР ВА НАВОИЙ ТАЛҚИНИДА

## УВАЙС ҚАРАНИ В АТТОРЕ И НАВОИ

UVAYS QARANIY IN THE INTERPRETATION OF FARIDUDDIN  
ATTAR AND ALISHER NAVOI*Илмий раҳбар**Ражабова Маърифат Бақоевна**БухДУ ўзбек адабиёти каф. доц., ф.ф.н.,**Ахророва Зуфнунабегим Ризвоновна**БухДУ талабаси*

**Аннотация.** Мақолада Фаридуудин Аттор ва Алишер Навоийнинг асарларидаги Увайс Қараний билан боғлиқ ҳикоятларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари ўрганилади. Айтиши жоизки, Увайс Қараний билан боғлиқ маълумотлар “Насойимул -муҳаббат” асарига нисбатан “Тазкиратул-авлиё”да кўпроқ берилган. Ҳатто бу ҳақида Алишер Навоийнинг ўзи “Насойимул -муҳаббат”да Увайс Қараний билан боғлиқ муфассал маълумот лозим бўлса “Тазкиратул-авлиё”дан топиши мумкинлиги ҳақидаги мулоҳазалар ҳам берилган.

**Таянч сўзлар:** талмех, “Тазкират ул-авлиё”, “Насойим ул-муҳаббат”, Увайс Караний, тазкира.

**Аннотация.** В статье рассмотрены схожесть и различие рассказов об шейхе Увайсе Караний в произведениях Фариддина Аттора и Алишера Навои, проведено сопоставление и типология этих авторов. Это также иллюстрируется тем фактом, что Фариддин был средством толкования многих его произведений в узбекской литературе. Тот факт, что святой “Тазкиратул авлиё” имеет много информации об Увайс в связи с “Насойимул муҳаббат” и что она была признана навахо.

**Ключевые слова:** талмех (упоминание имя исторической личности в Восточной литературе), «Тазкират ул-авлиё», «Насойим ул- муҳаббат», тазкира (жанр восточной литературы имеющий аналитический характер), Увайс Караний.

**Abstract.** The article discusses the similarities and differences between the stories of Uvais Karani in the works of Fariduddin Attar and Alisher Navoi. It should be noted that information about Uvais Karani is given more in ‘Tazkiratul Avliya’ than in ‘Nasayimul Muhabbat’. There are even comments that Alisher Navoi himself could find more information about Uvais Karani in ‘Tazkiratul Avliy’ then in ‘Nasayimul Muhabbat’.

**Key words:** talmeh (mentioning the name of a historical person in Eastern literature) “Tazkirat ul- avliyo”, “Nasoyimul-muhabat”, Uvays Karaniy, tazkira (an oriental literature genre of analytical character).

Шарқ адабиётида, қолаверса, ўзбек мумтоз адабиётига доир манбаларда шайх Увайс Қараний номи алоҳида эътироф этилади. Ҳаттоки лирик жанрдаги намуналарда унинг номи талмех сифатида тилга олинади. Бу эса Увайс Қаранийнинг тасаввуф оламидаги мавқеидан дарак беради. Бундан ташқари, ўзбек мумтоз шоираси Увайсий ўз тахаллусини Увайс Қаранийдан илҳомланиб танлаганлиги адабиётларда қайд этилган.

Фаридиддин Атторнинг “Тазкират ул-авлиё” ва Алишер Навоийнинг “Насойимул–муҳаббат” асарлари ислом тарихида маълум ва махшур бўлган улуғ авлиёлар ва шайхлар ҳақида маълумот берувчи тазкиралардир. Ҳар иккала тазкирада ҳам Увайс Қаранийга оид маълумотлар келтирилган. Албатта, бу маълумотларда муаллифларнинг ўз услуби, баён тарзларида ўзига хослик кўзга ташланади.

Фаридиддин Атторнинг “Тазкиратул–авлиё” асарида етмиш шайх орасидан учинчи бўлиб шайх ҳақидаги ҳикоятлар келтирилган. Алишер Навоий “Насойимул–муҳаббат”



тазкирасида эса етти юз эллик шайх орасидан биринчи бўлиб Увайс Қараний номини зикр қилган. “Тазкират ул-авлиё” асари шайх ҳаёти ҳақида мукамалроқ маълумот берганлиги билан ажралиб туради. Навоийнинг ўзи ҳам “Тазкират ул-авлиё”нинг муфассаллигига ишора қилиб, шундай ёзади: “Шарҳи била билайн деган киши “Тазкират ул-авлиё”ни ўқисун” [3, 24].

Фаридиддин Аттор шайх ҳақидаги фикрларини унинг васфи билан бошлайди: “У тобеъинлар қибласи, арбаъинлар пешвоси, пинҳон офтоб, раҳмон ҳамнафаси, Яман юлдузидир”[2, 27]. А. Навоий пайғамбаримиз (с.а.в)нинг: “Увайс Қараний эҳсон ва меҳрибонлиги билан тобеъинларнинг яхшисидир”, деган ҳадисларини келтиради. Ҳар иккала манбада Расулulloҳнинг шайх ҳақидаги яна бир ҳадисларининг зикр этилганлигини кузатиш мумкин: “Раҳмон нафасларидан бири Яман тарафдан келур”– деб юзларини Яман тарафга қаратган эканлар.

Ҳазрат Увайс Қаранийнинг Расулulloҳ(с.а.в)га бўлган чексиз муҳаббатлари жуда кўп манбаларда эътироф этилган. Расулulloҳ (с.а.в) нинг ул ҳазрат ҳақидаги ҳадисларидан яна бир ҳадисларида “Қиёмат кунда пайғамбаримиз(с.а.в) жаннатда бир кишини излай бошлайдилар. Шунда ё Муҳаммад, кимни ахтармоқдасан дея нидо келади. Пайғамбаримиз Увайсни қидираётганларини айтадилар. Уни у дунёда кўролмаганингдек, бу дунёда ҳам кўролмайсан деб жавоб келади[2, 28].

Маълумки, пайғамбарларга тегишли нарса-буюмлар, кийим-кечаклар кишилар наздида муҳим саналган. Уни кимгадир бериш ёки кимнингдир унга эришиши эътиборли ҳисобланган. Жумладан, Муҳаммад (с.а.в)нинг саҳобалари Сиздан сўнг мураққангизни кимга берайлик деб сўраганларида у киши Увайс Қаранийга дея жавоб берганлари манбаларда қайд этилган. Мазкур фикрлар юқоридаги икки тазкирада ҳам зикр қилинган. Ҳар икки асарда пайғамбаримиз (с.а.в)нинг вафотларидан сўнг, Форук ва Муртазо у кишининг васиятларига кўра Увайс Қаранийни топадилар ва ундан уммат учун дуо қилишини сўрашлари қайд этилган.

Бироқ А. Навоий фикрни ихчамлаштириш учун “Шарҳи била билайн деган киши “Тазкиратул–авлиё”ни ўқисун” дея изоҳ беради. Фаридиддин Аттор асарида бу воқеа қуйидагича ҳикоя қилинади: “Умар ва Али пайғамбаримиз вафотидан кейин Наджга келадилар ва қаранликлардан дарак топиб, улар билан учрашиб, Увайс аҳволини сўрайдилар. Улар Умарга айтадилар: “Ҳа, Қаранда Увайс деган бир девона киши яшайди, ободликларда юрмайди, ҳеч ким билан суҳбатлашмайди ва халқ еганини емайди, ғам ва шодлиги йўқ”. Умар деди: “Уни кўришим керак!”. Дедилар: “Саҳрода туяларимиз олдида”. Умар жойидан туриб унинг олдига борди ва ундан дуо сўради. Пайғамбар саломини етказди. Инчунун шу топда пайғамбаримиз насихатига биноан у кишининг вафотларидан кейин хиркалари (сўфиёна тўн)ни Увайсийга бердилар [2, 30].

Демак, А. Навоий “Нафаҳотул–унс”, “Тазкиратул–авлиё” сингари мўътабар манбалардан ўз ўқувчиларининг хабардорлигини инобатга олиб, баъзи маълумотларнинг тафсилотига кенг тўхталмайди. Бундай ҳолларда асарнинг ўзида ишоралар бериб кетади. Яъники “Тазкират ул-авлиё”га қаралсин вофий битибдур, “Нафаҳотул-унс”да шарҳи тамом битилибдур ва ҳоказо, дея маълум асарларга ҳавола бериб ўтади.

Увайс Қаранийнинг Расулulloҳ (с.а.в) га бўлган чексиз садоқатлари чексиз бўлган. Буни Уҳуд жангида бўлган воқеа ҳам тасдиқлайди. Бу жангда ногаҳон пайғамбаримиз(с.а.в) тишлари синади. Буни зоҳиран кўз билан кўрмай ботинан ҳис қилган Қараний муҳаббат учун ўттиз икки тишини синдирди. Ҳар бир тишини синдирар экан дер эдики, балки бу тиш бўлмас. Шундай қилиб, ҳамма тишини синдирди. Бу воқеадан ҳазрат шайхнинг Расулulloҳ (с.а.в)га бўлган муҳаббати, битмас-туганмас дўстлиги ва садоқати яққол кўзга ташланади. Ушбу воқеа билин боғлиқ тафсилот ҳар икки манбада ўз аксини топган.

Аммо Аттор мазкур ҳикояни давом эттириб, қуйидагиларни айтиб ўтган: “Увайс деди: - Сизлар ул зотнинг дўстларисизми? Умар ва Али дўстлари эканини айтишди. Увайс деди: - Агар дўсти бўлсангизлар, у ҳазратнинг тишлари шаҳид бўлган кунда унга тақлид қилиб, нега ўз тишларингизни синдирмадингизлар?! Дўстлик шарт мувофиқчилик эди. Мен тақлид

## ADABIYOTSHUNOSLIK

килиш учун бу тишларми ёки у тишларми, деб ҳамма тишларимни синдирдим. Увайс оғзини очган эди, ҳамма унинг бирон тиши ҳам йўқлигини кўрди” [2, 32].

Қаранийнинг Увайс деб аталишига сабаб “Тазкират ул-авлиё”да ҳам, “Насойимул-муҳаббат” асарларида ҳам бирдек зикр қилинган. Чунончи, бир тоифа инсонлар бўлади, уларни Увайсий дейдилар. Улар ҳеч бир воситасиз пайғамбар(с.а.в) руҳидан тарбия топадилар. Зоҳирда бир-бирларини кўрмайдилар, аммо ботиндан файз-футуҳ топадилар.

“Тазкират ул-авлиё”да келтирилган ҳикоятларда шайхнинг пайғамбаримиз (с.а.в) га бўлган чексиз муҳаббатлари қайд этилиши билан бирга Расулуллоҳ(с.а.в)нинг ҳам Увайс Қаранийга бўлган муҳаббатлари ҳақида ҳам ҳикоя қилинади. Жумладан, “Қиёмат кунида Хожайи анбиё жаннатда ўз кўшқларидан чиқиб, шайхни излай бошлайдилар. Шунда нидо келгайки, ё Муҳаммад уни у дунёда кўрмаганингдек, бу дунёда ҳам кўра олмайсан. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в) ё Оллоҳ Увайс Қараний қаерда деб сўрайдилар. У сидқ маконида дея жавоб келади. Хожайи анбиё такрор у мени кўрадимидея дейдилар. Инсон Мени кўрмаганидек, сени ҳам кўролмайдидея жавоб келади[2, 28].

Демак, фоний дунёда Қараний Расулуллоҳ(с.а.в)ни кўришга ҳаракат қилганидек, пайғамбаримиз боқий дунёда шайхни кўришга уринганликларини англаш мумкин. Расулуллоҳ зотан шайхни зоҳир кўзи билан кўрмаган бўлсалар-да, уни фақат саҳобалардан икки киши кўриши мумкинлиги ва сабабларини айтиб ўтадилар: “Ҳеч бирингиз кўра билмасиз, фақат Форук ва Муртазо кўриши мумкин. Унинг нишонаси буки, чап қўлининг кафтида бир кумуш танга катталигида оқлик бор. У касаллик эмас. Уни кўрсангизлар менинг саломимни етказинглар. Ва айтингларки, у менинг умматларим ҳаққига дуо қилсин!” [2, 29]. Яна бошқа бир ҳадисда: “Пайғамбаримиз (с.а.в) айтганларки, бир инсон Рабиъа ва Музор қўйларининг юнглари сонича умматларимни шафоат қилгай. Ҳамма қизиқсиниб сўрайди. Ким у ё Расулуллоҳ? Унинг оти Увайсдир, Қаран вилоятдан бўлади дея жавоб берадилар” [2, 28].

Увайс Қаранийнинг ислом оламидаги мавқеи ниҳоятда юқори бўлган. У киши билан учрашиш эса шараф ҳисобланган. Бу ҳақда “Тазкиратул-авлиё” ҳикоятларида қайд қилиб ўтилган. Жумладан, Рабеъ ибн Хайсам Увайсдан насиҳат олгани келади. Қараса шайх бомдод намозини ўқиётган бўлади. Намоздан сўнг, дуога машғул бўлади. Сўнг пешин намози ва яна дуо қилишни бошлайди. Рабеъ ибн Хайсам сабр қилиб, бир оғиз сўзламайди. Шундай қилиб уч кун ўтади. Тўртинчи куни Рабеъ ибн Хайсам шайхнинг кўзларини уйқу босаётганлигини кўради ва дарҳол шайх ё Оллоҳ емоқ-ичмоқ ва кўп ухламоқликдан паноҳ тилайман, дея муножот қилади. Рабеъ ибн Хайсам менга шу насиҳат етарли дея туриб кетади [2, 36]. Ҳикоятда Қараний авлиёларга хос сифатлар соҳиби эканлиги, сабр-тоқатли, ўзига нисбатан талабчан эканлиги яққол кўзга ташланади.

Маълумки, тариқат аҳллари риёзат масаласига алоҳида эътибор қаратганлар. Увайс Қараний ҳам руҳ соғломлиги учун нафс устидан мунтазам назоратни олиб борганлар. Нафсни енгиш ва унинг устидан ғолиб чиқиш учун тариқат аҳллари амал қилган “кам гапир, кам ё, кам ухла” ақидасини ҳаёт тарзларига айлантирганлар. Фикримизни қуйида келтирилган ҳикоят ҳам тасдиқлайди. Айтишларича, Шайх Увайс Қараний умр бўйи кечалари ухламаган эканлар. Бу кеча сажда кечаси, бу кеча қиём кечаси, бу кеча рукуъ кечаси, дея тонг оттирар эканлар. Ундан кеча шунчалик узун-ку, қандай тоқат қила оласан, деб сўраганларида у қуйидагича жавоб берган экан: “Бир марта Субҳона Раббия-л-аъло дегунча тонг отади. Уч марта айтиш суннат, шунга тез-тез уч марта айтиб улгураман. Кўкдаги фаришталарга ўхшагим келади” [2, 36]. Бу ҳикоятдан кўринадики, шайх дунё ташвишларини унутиб, у дунё тадориғи билан кун-у тун машғул бўлган экан.

“Тазкиратул-авлиё” да яна инсон доим савоб ишлар қилиши, ўзини камтар тутиши кераклиги таъкидланган. Буни қуйидаги ҳикоятдан ҳам кўришимиз мумкин. Бир куни шайхдан аҳволинг қандай дея сўраганларида, у қуйидагича жавоб берган экан: “Оҳ, Оҳ! Йўлнинг узоклигидан, озуғим йўқлигидан хавотирдаман!” [2, 37]. Жавобдан шайхга хос камтаринлик кўриниб турибди. Ҳаёт тарзини риёзат устига қурган, доимо Оллоҳ йўлида юриб, мўмин-мусулмонларга насиҳат ва яхшиликлар қилган шахснинг ўз-ўзидан

қоникмаслиги ва қилинган эзгу ишларини (озук) оз деб билиши авлиёларга, улуғ шайхларга хос фазилатлардан ҳисобланади.

Бу ерда “йўл”, “озук” каби сўзлар рамзий маънони билдириб келган. Йўл ерда Оллоҳга етишиш учун машаққатлар, қийинчилик чекиш маъносини англатиб келган. “Озук” эса яхшилик, савоб ишлар қилишни назарда тутган. Бу йўлга етишиш учун инсон қанча риёзатлар чекиб, камтар бўлмоғи лозим. Зеро, камтарлик улуғликнинг бир белгисидир. Бу ҳақда “Тазкиратул-авлиё” да ўқиймиз: “Улуғлик истадим, уни тавозеъликдан топдим; раислик истадим, уни ҳалол лукмадан топдим; аёл истадим, уни садоқатдан топдим; фахр истадим, уни фақирликдан топдим; суннат истадим, уни тақводан топдим; шон-шараф истадим, уни қаноатдан топдим; роҳат истадим, уни парҳездан топдим” [2, 39]. Келтирилган иқтибосдан инсон камолотида тавоъзе, ҳалол лукма, садоқат, фақрлик, тақво, қаноат, парҳез каби амалларнинг ўрни ниҳоятда катта эканлигига эътибор қаратилган.

Таъкидлаш керакки, шайхларнинг камолоти уларнинг риёзати орқали юзаган чиққан. Риёзат – нафс ғуғуларидан воз кечиш, истакларини тарк этмоқдир. Албатта, бу оғир ва машаққатли юмуш. Увайс Қараний фаолиятларида ҳам бундай амаллар тўла-тўқис бажарилган. Фикримизни “Тазкират ул авлиё”дан келтирилган қуйидаги ҳикоят ҳам тасдиқлайди: “Шайх бир марта уч кеча-кундуз таом емайди. Тўртинчи куни йўлда ётган динорни кўрди, лекин бировнинг ҳаққи бўлса керак дея уни олмади. Очликдан кўринган ўтлар, бошоқларини узиб ер эди. Баногоҳ, йўлидан бир қўй чикди, у иссиқ нон келтириб Увайснинг олдига қўйди. Шайх бу нонни бировдан олиб қочгандир деб емади. Шунда қўй тилга кириб деди: “Эй Увайс, бу ризқни ол, Аллоҳнинг қўлидандир, мен ҳам сенингдек бандаман”. Шундан сўнг Увайс нонни олган эди, у йўқолиб колди [2,38].

Бу ҳикоятдан Шайх нақадар ҳалол, сабр-тоқатли, бировнинг ҳаққига хиёнат қилишдан ҳазар қиладиган комил инсон сифатида гавдаланади. Яна шуни айтиб ўтиш лозимки, Шайхнинг ҳалол лукмадан раислик топдим, яъни ҳалол лукма билан одамлар орасида хурмат топганини қуйидаги ҳикоятдан кўриш мумкин. Бир куни Увайснинг қўшнилари унга уй куриб беришларини айтдилар, Шайх рози бўлади. Ўша уйда бир йил яшаганидан сўнг, бир куни рўзасини очишга ҳеч нарса топа олмади. Кундузи хурмо дарахтининг барглари сотиб ифтор қилар эди.

Улуғ инсонларнинг ҳаёт тарзлари камтарона бўлган. Улар наздида фақрлик фахр ҳисобланган. Яна “Тазкиратул-авлиё”дан ўқиймиз: “Ҳар ким уч нарсани севса, дўзах ўти у кишига бўйнининг томиридан ҳам яқинроқ бўлмай: бири, таомни сайлаб егай; иккинчиси, яхши либос танлагай; учинчиси, бойлар билан ўтиргай!” [2,37]. Шунга ўхшаш фикр Ориф Ревгарийнинг “Орифнома” асарида ҳам учрайди: “Кимки, уч нарсани дўст тутгай, унинг жойи дўзахдир. Биринчиси, лазиз таомларни емокни севмоқлик. Иккинчиси, нафис ва шоҳона кийимларни киймоққа ружу қўйиш; учинчиси, фақир камбағалларнинг суҳбатини писанд қилмай, бадавлатлар суҳбатини орзу қилган киши. Зеро, буларнинг ҳар бири ҳою хавас ва нафс муроди ила ҳосил бўлур” [4, 15].

Барча тасаввуф шайхлари каби Увайс Қараний ҳам тавҳид тушунчасига алоҳида аҳамият қаратганлар. Ҳазратнинг фикрига кўра, кишининг кўнглида Ҳақдан ўзганинг фикри бўлмаслиги ваҳдат демакдир. Шунингдек, у кишидан насиҳат тилаган саҳобаларга ҳам “Оллоҳдан ўзгани танимасанг яхшироқ бўларди”, деб айтар эканлар.

Қолаверса, Увайс Қараний шариат ва тариқатнинг ҳар бир амалини сидқидилдан бажариш, ҳаёлни бир жойга жамлаш, ибодат чоғи Оллоҳдан ўзганинг ёди инсонни чалғитмаслиги лозимлигини қайта-қайта таъкидлаган. Фикримиз исботи сифатида айни масала ёритилган ҳикоятни келтирамиз: “Увайсдан намоздаги хушув (ялиниб-ёлвориш, ўзни паст тутиш) нима? деб сўраганларида намозда турган кишининг сонига ўқ урсалар, буни сезмаса, мана шу хушувдир деган эканлар” [2, 36]. Мана шу фикрларнинг ўзиёқ шайхнинг инсон ҳар бир масалага алоҳида эътиборли бўлиши лозим деган хулосасини кўрсатади.

“Тазкиратул-авлиё”да Увай Қараний билан боғлиқ қатор ҳикоятларда дунёнинг ўткинчилигини англаш, нафсни тийиш, ўлим ҳақлигига ишониш, ўз меҳнати билан кун кечириш билан боғлиқ масалалар ҳам ўз ифодасини топган: “Эй Ҳаром ибн Ҳайён, ота ва

## ADABIYOTSHUNOSLIK

онанг ўлдилар. Одам ва Ҳаво ва Нуҳ ва Иброҳим ва Довуд ва Сулаймон ва Муҳаммад ўлдилар. АбуБакр ва Умар ўлдилар... Сен ва мен ҳам ўлганлар жумласиданмиз. Саловат айтиб, дуо қилиб, деди: - Васиятим шуки, Аллоҳ китобини ҳамма нарсдан илгари тутгайсан! Бирор соат ўлимдан ғафлатда қолмагайсан! Ўз қавмингни яхши кўрсанг, панду насихат қилиб, уларга Аллоҳ сўзини аямагин! ”[2, 35].

Айтиш жоизки, ҳазрати шайх Увайс Қаранийнинг ҳаётлари ҳамма замонлар учун ибрат мактаби бўлиб келган. Ҳаёт тарзи намуна, амали ибрат, сўзлари насихат бўлган комил инсонларнинг босиб ўтган йўллари замон ва макон билмайди, келгуси авлодларни тарбиялашда кўмакдош бўлиб хизмат қилаверади.

Хуллас, Аттorning “Тазкиратул–авлиё” ва Навоийнинг “Насойимул–муҳаббат” асарларида келтирилган шайх Увайс Қараний таърифи, ҳаёти билан боғлиқ ҳикоятлар бир-бирини тўлдиради. Китобхонга эса Увайс Қараний ҳақида мукаммал маълумотлар беради.

### АДАБИЁТЛАР

1. Амонова З. Ҳуруфийлик ва бадиий ижод. – Тошкент, 2017 й.
2. Аттoр Ф. Тазкиратул-авлиё. – Тошкент, 2013 й.
3. Навоий А. Насойимул-муҳаббат. Мукаммал асарлар тўплами №17. – Тошкент, 2001 й.
4. Ревгарий О. Орифнома. – Тошкент, 1994й.



# Navoiy gulshani

*Агар бу зотни авлиё десак, у – авлиёларнинг авлиёси,  
мутафаккир десак – мутафаккирларнинг мутафаккири,  
шоир десак – шоирларнинг султониدير*  
И.А. Каримов

*Ҳамидов Азимжон Ҳаётжон ўгли  
БухДУ магистранти*

## ДАҲР БОҒИ ИЧРА БАРБОД ЎЛМАҒАН ГУЛ ЧИҚМАДИ

Алишер Навоийнинг ошиқона ғазалиёти таркибида беназир гўзаллик соҳиби бўлган севикли ёрнинг таъриф-тавсифи, унга ошиқнинг муболағавий тарзда бадий ифодаланган дил изхори, васлга иштиёқи ва ҳижрон азобида ёнаётган ошиқнинг қайғули ҳолати руҳида битилган ғазаллар кўпчиликини ташкил этади. Буюк ижодкорнинг “*Юз туман меҳнат ўқи андуҳлуғ жонимдадур*” (Алишер Навоий. Ғаройибус-сиғар. Мукамал асарлар тўплами. 3-том. Тошкент: Фан, 1988, 135-136-бетлар) сатри билан бошланувчи ғазали ана шундай назм намуналари сирасига мансуб:

Юз туман меҳнат ўқи андуҳлуғ жонимдадур,  
То ҳаводин сарзаниш сарви хиромонимдадур.  
Ҳожатим будур, худоёким, каромат қилғасен  
Нотавон жонимға ҳар заҳматки, жононимдадур.  
Дард менда сендин ортуқ бўлса, жоно не ажаб  
Ким, сенинг жисмингдадур заҳмат, менинг жонимдадур.  
Сўрдум, оғзи тами талх эрмиш, ажаб йўқ ўлмагим  
Менки, бу янглиғ ачиғ таъм оби ҳайвонимдадур.  
Эй Масихо, субҳи айшим тийра бўлмиш гуйиё,  
Зарраи бетоблиғ хуршиди тобонимдадур.  
Даҳр боғи ичра барбод ўлмаган гул чиқмади,  
Йўқ ажаб, гар елдин осибе гулистонимдадур.  
Эй Навоий, сўрмадинг дерсен малул ўлғанда ёр,  
Соғинурсен гўйиёким бахт фармонимдадур.

Ғазал матласи ишқ дардига чалинган, беҳад дард исканжасида қолган, севикли маҳбубаси учун жонидан кечишга тайёр ошиқнинг ачинарли аҳволи баёни билан бошланади. Унинг бу ҳолатига маъшуқанинг бепарволиги сабаб қилиб кўрсатилади. Матлада тасвирланишича, сарв мисол тик қомати билан ғурурланиб юрувчи севиклининг маломатидан ошиқнинг жони юз минглаб андуҳ – алам ичида азобланади. Маъшуқанинг “*ҳаводин сарзаниши*” – гўзаллигидан ғурурланиб, ошиғига писанда қилиб қўйганида намоён бўлади. Шунда меҳнат – қийноқлар ўқи ошиқ жонига озор етказди.

Бу маломатлар ошиқнинг қалбига юз минг бало ўқлари бўлиб санчгандек таассурот қолдиради. Айни ҳолдан таъсирланган ошиқ кейинги байтда Худодан каромат қилишини сўраб, ўзининг ҳожатини унга баён этади. Унинг ўтинчи ҳам бошқаларникига ўхшаш эмас. Унинг илтижосида нотавон жонига ҳар қанча заҳмат етса ҳам, уларнинг барига жонони сабаб бўлиши истаги бадий ифодасини топади. Зеро, чинакам ошиқ учун ёрнинг қаҳри ҳам лутф сингари қабул қилинади.

Ғазалнинг учинчи-бешинчи байтларида маъшуқанинг беназир гўзаллиги васф этилиши билан бирга, унга дард етиши ва ошиқнинг унинг васлига интилиши иштиёқи, маъшуқасининг бетоб бўлишидан чекаётган азоблари бадий талқин қилинади. Дастлаб унда ошиқнинг самимий муҳаббати дард ва дард чекиш мисолида бадий ифода этилади. “*Эй жонон, дард менга сеникидан ортиқ бўлса ажабланарлимас*” – деркан, ўзининг бекиёс



мухаббатини сенинг жисмингга захмат етса, бу менинг жонимда бўлади, тарзида бадий ифодалайди. Маъшуканинг жисмига теккан дард ошиқнинг юрагига, жонига озор беради.

Чунки фақат маъшуканинг номи билан ҳаёт бўлган ошиқ учун суюқлисининг азоб чекишини кузатишдан ортиқ фожиа йўқ. Ишқ дардига чалинган ошиқ маъшуқаси учун ҳар қандай азобларга, бало ўқларига чидайди, аммо маъшуқага теккан дардга бардош бера олмайди. Ошиқнинг маъшуқаси ҳақидаги бошқаларнинг фикри ҳам эътиборини тортади. У бировлардан сўраганида, маъшуқа оғзининг таъми талх – аччиқ эканлигини унга маълум қилишади. Оғизнинг талхлиги ғазалнинг матласида тасвирланган маъшуканинг ҳаво – ғурурланиш билан писанда қилиб туришига ишорадир.

Бу бошқаларда ёмон таассурот қолдирса-да, ошиқ буни ҳам хуш қабул қилиб, бу аччиқ таъм оби ҳайвонимдадур, дейиш билан ўзи учун шундай яшаш бахт белгиси эканлигини ҳам, маъшуканинг ўзи учун ҳаётбахшлигини ҳам маълум қилади. Кейинги байтда Масиҳо тимсолига мурожаат ҳам шунга ишора қилади. Ошиқ жон бахш этувчи Масиҳга мурожаат этаркан, хуршиди тобони – қуёшдек ёруғ юзли маъшуқасининг заррача бетоблиги ўзининг шод-хуррамликка тўла бўлган тунини янада тийра қилишини баён этади. Улуғ шоир маъшукани қуёш юзли сифатида тасвирларкан, дард масаласига келганда, унга заррача дард пайдо бўлишидан ошиқнинг ҳолида содир бўладиган ўзгаришларга шеърхон эътиборини қаратади ва ошиқда изтироб борлиги сабаб унинг айшини ҳам тун билан боғлайди. Бу мутаносиблик шеърхонни завқлантиради.

Олтинчи-еттинчи байтларда дунёнинг бешавқатлигидан лирик қаҳрамон нолийди. Дунёдан барчанинг ўтишини, бу гулистонда сўлмаган гул бўлмаслиги, ҳар қандай гўзаллик ҳам бир куни барбод бўлиши билан боғлиқ тамсилда гўзал бадий ифода этади. Табиийки, бу тамсил маъшуқага ҳам боғланади. Шоир маъшукани гулистонга ўхшатиб, унга етиши мумкин бўлган касалликни эса елга қиёслайди. Шамол таъсирида гулларнинг нобуд бўлиши табиий ҳодисасидан келиб чиқиб, гулистонни эслатувчи севиклисида ҳам гулларда содир бўлган ҳолатнинг юз бериши, севиклиси гўзаллигини йўқотишини ҳам эслаб қўяди.

Бу мисралардан маъшуканинг ҳаёлий эмас, балки ҳаётий гўзал тимсоли эканлиги англашиб туради. Ғазал сўнгида ижодкор анъанавий тарзда ўзига мурожаат этиб, ёри бетоб бўлганда, уни сўрамаганини айтиб ёзғиради. Аммо иккинчи мисрада ўз-ўзига бахт унинг хоҳиши билан бўлмаслигини айтиб нолийди. Бу билан улуғ шоир инсоннинг тақдир олдида ожизлигини, уни тадбир билан ўзгартириб бўлмаслигига ҳам ишора қилади. Ғазалдаги ошиқнинг самимий мухаббати, унинг ҳар қандай ҳолда ҳам ишқида собитлиги шеърхонда илиқ таассурот қолдиради. Байтлардаги ўзаро зиддият тасвири унинг туйғуларига таъсир қилиб, Навоий даҳосининг санъаткорлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдиради.

УДК: 069.63

РАҲБАР ВА БОШҚАРУВ КАДРЛАРИ ИНСТИТУЦИОНАЛ  
ТИЗИМИНИНГ ЯНГИЛАНИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

МЕХАНИЗМЫ ОБНОВЛЕНИЯ ИНСТИТУЦИОНАЛЬНОЙ СИСТЕМЫ  
РУКОВОДЯЩИХ И УПРАВЛЯЮЩИХ КАДРОВ

MECHANISMS FOR UPDATING THE INSTITUTIONAL SYSTEM  
OF LEADING AND MANAGING PERSONNEL

*Атамуратов Мурат Утепбергенович*

*И. Каримов номидаги ТДТУ проректори с.ф.ф.д., доц.*

**Аннотация.** Ушбу мақолада янгиланаётган Ўзбекистонда давлатимиз раҳбари томонидан раҳбар ва бошқарув кадрларни ҳар томонлама камол топиши, етук инсон сифатида уларни шакллантириши масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Раҳбар ва бошқарув кадрларининг роли, уларнинг сиёсий фаоллигини оширишдаги объектив ва субъектив шарт-шароитлар, янгиланиш механизмлари ва омиллари таҳлил қилинган. Демократиялашув жараёни мураккаб, айни пайтда шунчаки амалга ошадиган жараён эмаслиги, ёш кадрларнинг сиёсий фаоллиги муаммоси ва тарихини чуқур ўрганиш, унинг ўзига хос қонуниятларини таҳлил этиши каби масалалар ёритиб берилган.

**Таянч сўзлар:** модернизация, кадрлар малакаси, раҳбар ва бошқарув кадрлари, ижтимоий тизим, компетентлик, давлат хизмати, индустриаллаштириши, ривожланаётган мамлакатлар, либераллаштириши, демократик усуллар, инновация, формациялараро жараёнлар, социал-маданий омиллар, сиёсий ҳуқуқ ва ижтимоий-сиёсий мувозанат.

**Аннотация.** В данной статье со стороны главы государства был поднят вопрос о кадровой политике и их духовно-политическом воспитании управленческих кадров в обновляющемся Узбекистане. А также, эта тема была поднята до государственной политики Узбекистана. Анализирована роль управленческих кадров в подъёме развития Узбекистана на новый уровень, объективные и субъективные условия, факторы в повышении их политической активности. В статье освещены такие проблемы, как проблема повышения политической активности молодых управленческих кадров, глубокое изучение истории, анализ специфических закономерностей в сложном процессе демократизации.

**Ключевые слова:** модернизация, квалификация кадров, руководящие и управленческие кадры, социальная система, компетентность, государственная служба, индустриализация, развивающиеся страны, либерализация, демократические методы, персонификация, инновации, межформационные процессы, политические права и социально-политическое равновесие.

**Abstract.** This article discusses the issues raised by the country's leader about the state personnel policy in Uzbekistan and the spiritual and political education of managerial personnel. The role of managerial personnel in raising the development of Uzbekistan to a new level, objective and subjective conditions, and factors of increasing political activity are analyzed. The article highlights such problems as: the problem of increasing the political activity of young managers, an in-depth study of history, an analysis of specific patterns in the complex process of democratization.

**Key words:** modernization, personnel qualifications, "leadership and managerial personnel", social system, competence, "public service", industrialization, social culture, developing countries, liberalization, democratic methods, personification, innovations, interformational processes, political rights and social political balance

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида раҳбар ва бошқарув кадрлар институционал тизимини босқичма-босқич такомиллаштиришга доир ислохотлар амалга

оширилмоқда. Янгиланаётган Ўзбекистонда замонавий жамият жадал суръатлар билан тараққий этаётган ижтимоий жараёнларни қамраб олар экан, янги раҳбарлар олдига мураккаб ва масъулиятли талабларни қўймоқда.

“Раҳбар ва бошқарув кадрлари институционал тизими” деганда раҳбар ва бошқарув кадрлари фаолиятини юритадиган сиёсий-ижтимоий институтлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви, фуқаролик жамияти институтлари мажмуи назарда тутилади. Янгиланиш эса ана шу институтларнинг мақсади кадрларга қўйилган янгича талаблар, раҳбарлик фаолиятини баҳолаш мезонидаги демократик принциплар, инсон эркинлиги, мақсад ва манфаатларнинг устуворлиги билан боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Биз Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислохотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз. Бунинг учун, авваламбор, ташаббускор ислохотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур”[1], деган концептуал фикрлари раҳбар ва бошқарув кадрлар тизими шаклланишини илмий-амалий жиҳатдан тадқиқ этишни тақозо этади. Бу давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимидаги сиёсий институтлар ўзгариши, Ўзбекистон жамияти ижтимоий ҳаётини сиёсий институтлар ҳамда мафкуралар хилма-хиллигига асослана бошлаганлиги билан бевосита боғлиқ.

Давлат ҳокимияти ва бошқарувига доир қабул қилинган қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар раҳбар ва бошқарув кадрларини танлаш институционал тизимининг янгича асосда, шакллар ва йўналишларида қарор топишига олиб келди. Бунда давлат институтининг моҳияти ўзгарганлиги ва тараққиётнинг янги босқичида жамиятнинг сиёсий тизими янгидан шаклланиши билан боғлиқ. Шунингдек, раҳбар ва бошқарув кадрларининг масъулиятини ошириш билан бир қаторда уларнинг хизмат фаолияти доирасида ваколатларини кенгайтириш, масъулияти ва шахсий жавобгарлигини ошириш тизимини жорий этишга ҳамда фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожланишига алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади.

Нодавлат ва ноижорат ташкилотлари, жамият бирлашмалари, турли хил уюшмалар, жамғармалар, оила, маҳалла, оммавий ахборот воситалари ва ҳ.к. билан боғлиқ институтлар янги қонуний асосларда модернизациялашди. Бу раҳбар ва бошқарув кадрлари таркибий тузилишига бевосита таъсир этувчи янги институционал асосларнинг пайдо бўлганлигини билдиради. Шунингдек, жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги таркибий ўзгаришлар, мулк хилма-хиллигига ўтилиши бошқарув соҳасида турли мулк шакллари асосида корпоратив бошқариш ва унинг талабларига жавоб берувчи янги кадрларнинг шаклланишига олиб келмоқда. “Бошқарув раиси” бунга мисолдир.

Замонавий талабларга тўла жавоб бера олувчи раҳбар кадрларни тайёрлаш ва уларнинг самарали бошқарув технологияларни мукамал ўзлаштиришлари жараёнида халқаро стандартларга жавоб берувчи ўқиш ва ўқитиш услублари, технологиялари ҳамда таълим сифатини юқори даражага кўтариш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда тажрибали, замонавий билимларга эга бошқарув кадрларига талаб сезиларли даражада ошди. Бу раҳбар кадрларни тайёрлаш, интеллектуал салоҳиятини ошириш бўйича миллий ҳамда илғор хорижий тажрибаларни чуқур ўрганиш ва ҳаётга татбиқ этиш заруратини туғдирмоқда. Илм-фан ва рақамли технологияларни ривожлантириш мақсадлари ҳам бу билан узвий боғлиқ.

Жорий йил 3-4 январь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат хизматини ривожлантириш агентлиги қошидаги “Эл-юрт умиди” жамғармасининг “Янгиланаётган Ўзбекистонга янги авлод кадрлари” мавзусида “Умид” жамғармаси битирувчиларининг биринчи илмий-амалий халқаро конференцияси бўлиб ўтди. Ушбу конференциянинг дастури доирасида “Умид” жамғармаси битирувчилари ўртасида мулоқот қилишга мўлжалланган амалий майдон яратиш, уларни жамиятдаги ва давлат бошқаруви соҳасидаги кенг қўламли янгиланишлар билан таништириш, улар билан жамият ва давлатни

модернизация қилиш дастурларининг самарадорлигини янада ошириш бўйича мунозаралар ташкил этиш, хорижий инвестициялар ва инновацияларни жалб этишни кенгайтириш йўлларини муҳокама этиш, шунингдек, битирувчилар билан уларнинг давлат хизматиغا, таълим ва илмий тадқиқотлар соҳасига, иқтисодиётнинг истиқболли соҳаларига доимий ишга жалб этиш учун шароит ва имкониятлар яратиш масалалари кўриб чиқилди.

Бугуни кунда давлат ва жамият бошқарувининг барча соҳаларида кадрлар тизими янги асосда шакллантирилмоқда. Бу масала билан боғлиқ турли даражадаги хилма-хил вазифалар ва талаблар орасида қуйидагилар алоҳида аҳамият касб этади: а) кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш билан шуғулланувчи таълим муассасалари, академия, институтлар, жамоат бирлашмаларининг замон талаблари даражасидаги фаолиятини таъминлаш; б) кадрларни танлаш тизимини такомиллаштириб бориш, бунда: алоҳида шахсларнинг фикр-мулоҳазалари; кадрни характерловчи сифатлар; кадрнинг раҳбарлик ва бошқарув тажрибаси, лаёқати, масъулиятлилиги, компетентлилиги, давлат ва жамият манфаатларини ҳисобга ола билиши муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Мазкур вазифа ва талабларнинг юқори сифатда бажарилишини таъминлаш юзасидан узлуксиз равишда амалга ошириб бориш лозим бўлган ишлар қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади:

1. Кадрлар сиёсати билан боғлиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни мавжуд талаблар даражасида такомиллаштириб бориш.

2. Кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобатбардошлик сифатларини ошириб бориш.

3. Раҳбар ва бошқарув кадрларининг узлуксиз таълим олишлари ва малакаларини мунтазам такомиллаштириб боришларини таъминлаш.

4. Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимидаги барча таълим муассасаларининг замонавий талаблар даражасида фаолият юритишини мунтазам таъминлаб бориш.

5. Кадрларни танлаш тизимининг замонавий илғор усулларини амалиётга жорий этиш.

6. Кадрларнинг иш фаолияти самарадорлиги мониторингини олиб бориш.

7. Кадрлар бошқарувининг электрон тизимини яратиш ва амалга жорий этишни назарда тутади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев бугунги кундаги раҳбар кадрлар олдида бир қатор вазифалар, яъни ташаббускорлик, иқтисодиётни жадал ривожлантириш, хорижий сармоядорларни Ўзбекистонга жалб этиш орқали янги иш ўринларини яратиш сингари вазифаларга алоҳида эътибор қаратмоқда. Раҳбар ва бошқарув кадрларига бугунги кунда қўйилаётган янги талаблар: “Энди кечаги натижа билан халқимизни рози қила олмаймиз. Бугунги кун талаби ҳар куни изланиш, янгилик яратишдир. Шундагина халқимиз ҳаёти яхши томонга ўзгаради”, – деб таъкидлаган эди Президентимиз ўз Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида.

“Бугун мамлакатимизнинг барқарор ривожланиш йўлида изчил илгарилаб боришини таҳлил қилар эканмиз, ўтган йилларда принципиал муҳим ислохотларни амалга ошириш бўйича қатъий қадамлар қўйилди, деб айтишга барча асосларимиз бор. Бу ислохотларнинг асосий мақсади – аҳоли учун муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлашдир. Жадал ва барқарор ривожланишга қаратилган бу сиёсат бундан кейин ҳам сўзсиз давом эттирилади.

Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбарни – бу бош вазир ёки унинг ўринбосарлари бўладими, ҳукумат аъзоси ёки ҳудудлар ҳокими бўладими, улар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиб қолиши керак. Энди ҳар биримиз, энг аввало, давлат бошқаруви органлари раҳбарларининг вазифаси – ўзимиз масъул бўлган соҳа ва тармоқда ишларнинг аҳволини танқидий баҳолаш асосида зиммамизга юклатилган вазифаларни масъулият билан бажаришни таъминлашдан иборат. Шундай давр келди”[2]. Бу янги авлод раҳбар ва бошқарув кадрлари фаолиятига қўйиладиган янги талаблардир.

Раҳбар ва бошқарув кадрларига бугунги кунда қўйилаётган янги талаблар қуйидагича:

1) ўз соҳасини мукамал билиш; 2) ўз фаолиятига мустақиллик талаблари асосида ёндашиш; 3) қонун устуворлиги ва қатъий тартиб-интизомга амал қилиш; 4) масъулиятни теран ҳис



этиш; 5) танқидий таҳлил қила олиш; 6) ташаббускор ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлиш; 7) ўз манфаатини давлат ва миллат манфаатлари билан уйғун кўриш; 8) ўзгалар фикрини эшитиш ва ҳурмат қилиш; 9) янги тафаккур тарзига эга фикрлар хилма-хиллигини инкор этмаслик; 10) билим ва малакасини мунтазам ошириб бориш; 11) шахсий жавобгарликни ҳис қилиш; 12) атрофига соғлом кучларни тўплаб, уларга таяниш; 13) халқ билан ўзаро ҳамкорликда иш юритиш; 14) ҳар бир раҳбар зиммасидаги вазифасини чуқур англаб етиш; 15) ватанпарвар ва фидойи бўлишни тақозо этади.

Раҳбар ва бошқарув институционал тизимининг янгиланиши кадрлар фаолиятини баҳолаш мезонларини ҳам ўзгартиради. Энди раҳбар ва бошқарув кадрлар фаолиятига баҳо беришда, аввало, инсон манфаатлари устуворлигига амал қилиш муҳим мезонга айланди. Давлат идораларининг халққа хизмат қилиши муҳим белгиловчи аҳамиятга эга. Бундан ташқари, қонун устуворлиги, адолат принципларига таяниш миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик, замонавий раҳбарлик фаолиятларига эга бўлиш, эркин ва фаровон ҳаёт қуришга хизмат қилиш, Ватанга содиқлик, компетентлик, миллий ғояга ишонч ва эътиқоднинг ўзига хос мезонларидир.

Халқ олдидаги масъулиятни ҳис қилиб, унинг ишончини қозона олмаган, келажакни олдиндан кўриб, унга ташаббускорлик билан пешвоз чиқа билмаган, қатъиятсиз, шижоатсиз раҳбарлар ўз даражаларига кўра бошқарувчи бўлганликлари учун ҳам билиб-билмай тараққиётга тўсиқ бўлмасликлари керак. Бунинг учун, энг аввало, кадрлар танлашнинг расмий ҳужжатчилик билан боғлиқ услубларини ислоҳ қилиш, шунингдек, бу борада жаҳон тажрибасини кенгроқ ўрганиш муҳим. Хусусан, Япония, Франция, Германия, АҚШ, Россия, Хитой, Жанубий Корея сингари мамлакатларда давлат хизматчиларини танлаш эълонлар бериш йўли билан жалб этилган кадрлардан категориялар бўйича бир неча турда босқичма-босқич имтиҳонлар олиш жараёнлари орқали саралаш асосида амалга оширилади.

Францияда тақдим этилган ҳужжатлардан ташқари ишга муносабатда маданият устунлик касб этиши кўриниб туради, АҚШ ва Хитойда тадбиркорликка, Германияда ташаббускорликка, Россияда эса ҳуқуқ ва тартиб-интизомга алоҳида эътибор қаратилган. Албатта, ҳар бир ҳукумат раҳбарияти раҳбар танлашда ўз халқи интилишлари, эҳтиёжлари, моддий, маънавий, ижтимоий, миллий ғояси ва манфаатларини ҳисобга олади. Шунинг учун ҳам кадрлар сиёсати бошқарув тизимидан доимий жиддий эътиборни талаб этади ва унинг ижобий ёки салбий натижаларига раҳбарият жавобгар бўлиб қолади.

Бунда Биринчи Президентимиз И.Каримовнинг “Ҳар қандай раҳбар, ҳар қандай мустақил киши халқ олдида, юрт олдида ҳисобдор, жавобгардир деган қоидадан келиб чиқиш шарт”[3], деган сўзларини амалда таъминлаш осон бўлмаётганлигини кўриб турибмиз. Иккинчидан, раҳбарликка оид билимлар, айниқса, раҳбарликда муваффақиятга эришишга олиб келадиган ва муваффақиятли раҳбарликка тўсқинлик қилувчи шахс хусусиятлари тўғрисидаги билимлар билан уларни қуроллантириш керак, қонун устуворлигини амалда таъминлаш лозим. Учинчидан, замонавий раҳбар кадрларга қўйиладиган талаблар ва масъулият мезонларидан ҳар бир раҳбар хабардор бўлишига амал қилиш керак. Бу раҳбарнинг ўз фаолиятини самарали ташкил этишига ёрдам беради. Тўртинчидан, муваффақиятли раҳбарликка эришиш учун зарур сифатлар адолатлилик, одиллик раҳбар фаолиятида акс этиши жамиятимизда демократик тамойилнинг юқори аҳамиятга эга эканини кўрсатади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида тингловчиларини жалб этган ҳолда давлат бошқаруви масалалари бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, давлат бошқаруви тизимини ташкиллаштириш юзасидан хорижий тажрибани ўрганиш ва шу асосда мамлакатимизда бу йўналишдаги фаолиятни такомиллаштиришга қаратилган таклифларни ишлаб чиқиш доимий эътиборда бўлмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 сентябрдаги “Бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 745-сонли қарори



асосида бошқарув кадрларини тайёрлаш соҳасида магистратура мутахассисликлари бўйича олий таълимнинг давлат таълим стандарти (асосий қоидалар) асосида раҳбар ва бошқарув кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, бу соҳада тизимли тадқиқотларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичи бозор иқтисодиёти шароитида раҳбар ишининг самарадорлигини таъминловчи омиллар қаторида энг муҳимларидан инсон омили ва ахборот омиллари муҳим ўрин тутди. Турли корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ўз имкониятлари ва юзага келувчи иқтисодий имкониятлардан келиб чиққан ҳолда бошқаришнинг турли усуллари ёрдамида эришилади. Фикримизча, самарадорликка эришишнинг ҳамма учун тўғри келувчи ягона йўли мавжуд эмас. Ташкилот раҳбарининг вазифаси барча фаолият турларида самарадорликка эришиш йўллари кидириб топишдир. Бошқарув самарадорлигига жуда кўп ташқи ва ички омиллар таъсир кўрсатар экан, улар орасида раҳбарнинг ташкилот ходимлари ижтимоий эҳтиёжларини қондириш йўлида бозор имкониятларини ишлата билиши, муҳим бошқарув қарорларини қабул қила олиши алоҳида аҳамият касб этиб бормоқда.

Замонавий раҳбар ўз фаолияти давомида янги институционал тизим талабларига амал қилиши лозим бўлган қоидалар: 1) бошқа инсонлар билан чин юракдан қизиқиш; 2) қайси тилда изҳор этилишидан қатъи назар инсоннинг исми – ҳаётида энг ширин, азиз ва аҳамиятлидир; 3) доимо яхши тингловчи бўлинг, бошқаларнинг ўзи ҳақида сўзлашини рағбатлантиринг; 4) суҳбатдошингизни қизиқтирадиган масалада кўпроқ сўзлашни тақозо этади.

Замонавий раҳбар куйидаги қоидаларга амал қилишга ҳаракат қилиши лозим: 1) ижтимоий аҳамиятга эга бўлган кадрларни раҳбар аниқ-равшан тушуниши; 2) истиқболдаги тараққиётни аниқ олдиндан тасаввур қилиши; 3) юзага чиқадиган муаммолар ечимини ижобий тарзда ҳал этиш йўлидан бориши; 4) бошқарув тамойилларини билиши; 5) доимий тарзда изланиб, ўз устида ишлаб юксалиб бориши; 6) ишни гуруҳ, жамоа бўлиб ташкил эта олиши; 7) хулқ-атворидаги хатоларини тузатиб бориш, ҳар қандай вазиятда ўзини бошқариб, доимо қўлга ола билиши, ходимлари билан ҳурмат ва эътиборли бўлиши; 8) ижтимоий психология асосларини яхши билиши керак.

Бу қоидалар кўпгина давлатларда раҳбарлик фаолиятида амал қилинади дейиш мумкин, лекин мамлакатимизда раҳбар ва бошқарув кадрлар фаолиятида ҳали маданият даражасида кўтарилган деб айта олмаيمиз. Бугунги кунда раҳбар ва бошқарув кадрлари фаолияти билан боғлиқ турли соҳалардаги институтлар олдида қўйилаётган янги талаблар, институционал тизимидаги ўзгаришлар давлат ва жамият бошқаруви институтларини фуқаролар, халқнинг хоҳиш-иродаси, мақсад ва манфаатларидан келиб чиққан ҳолда фаолият олиб боришни тақозо этмоқда.

Давлат хизматини ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш муаммолари Ўзбекистонда давлат бошқарувини ташкил этишнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда давлат институтида фундаментал ислохотлар амалга ошириб келинмоқда. Давлат органлари ва фуқаролар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги муносабатлар тобора демократлаштириб борилмоқда. Бошқарув технологиялари, инсоннинг ҳуқуматга талаблари ҳам ўзгариб бормоқда. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда давлат хизматини ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш юзасидан турли анжуманларда, ҳуқуқшунослар ва амалиёт ходимлари томонидан, шунингдек, миллий қонунчилигимизда бир қатор ғоя ва таклифлар берилганлиги муҳим.

Чунки Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 103-моддасида “Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари ўз ваколатларини яқкабошчилик асосида амалга оширадilar ва ўзлари раҳбарлик қилаётган органларнинг қарорлари ва фаолияти учун шахсан жавобгардирлар” [4], – деб белгилаб қўйилган. Бу қоида ҳокимлар фаолиятида яқкабошчиликни муҳим ўринга кўтариш билан бирга уларнинг шахсий жавобгарлигини ҳам оширади. Бунда ҳоким ўз фаолияти ва ўзининг қабул қилган қарори учунгина шахсан жавобгар бўлиш билан чекланмасдан, ўзи раҳбарлик қиладиган ҳудуднинг ривожланиш суръатлари,

аҳолисининг турмуш даражаси учун ҳам шахсий жавобгар бўлади. Бундай ҳуқуқий меъёрнинг ўрнатилиши раҳбар кадрлар масъулиятини кучайтиради. Шу боис, ҳудудни ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини белгилаш ҳамда туман, шаҳар, вилоят учун зарурий ислоҳот ва янгиланишлар дастурини ишлаб чиқиш ҳам раҳбар кадрларнинг зиммасидаги вазифалардир.

Хулоса қилиб айтганда, раҳбар ва бошқарув кадрларининг институционал тизими тубдан янгиланмоқда. У билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий, маданий, мафкуравий соҳа тузилмалари мустақиллик туфайли янгича маъно-мазмунга эга бўлди.

Иккинчидан, раҳбар ва бошқарув кадрлари институтлари тизимининг янгиланиши унинг талабларини чуқур ҳис этадиган, билим ҳамда маҳоратга эга раҳбар ва бошқарув кадрларга бўлган эҳтиёжни кучайтирди. Энди уларнинг авлоди шаклланмоқда.

Учинчидан, институционал тизимнинг янгиланиши мамлакатда, раҳбар ва бошқарув кадрларини мутахассис кадрлар билан бирга, бевосита раҳбар ва бошқарув соҳасида билим ва кўникмаларга эга ихтисослашган кадрлардан танлаш имкониятини яратмоқда. Буни янада такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Тўртинчидан, раҳбар ва бошқарув кадрлар институционал тизимининг янгиланиши кадрлар фаолиятига баҳо бериш мезонларини ўзгартирмоқда. Раҳбар ва бошқарув кадрлари фаолиятига баҳо беришда унинг инсонга хизмат қилиш маданияти, масъулияти, Ватанга садоқати, умуммиллий тараққиётга қўшадиган ҳиссаси муҳим мезонга айланади.

Бешинчидан, раҳбарликни амалга оширишда замонавий бошқарув усулларидаги технологиялардан, ахборот-коммуникация тизими ютуқларидан фойдалана олиш маҳорати, ташаббускорлик фазилатлари муҳим аҳамиятга эга.

Олтинчидан, раҳбар ва бошқарув кадрлари институционал тизимининг ҳар бир бўғини ҳам ана шу талабларни ҳисобга олган ҳолда ёндашиши институционал тизими билан раҳбар ва бошқарув кадрлар фаолиятининг мақсадлари, мезонлари, принципларининг ўзаро монанд бўлиши керак. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳам, фуқаролик жамияти институтлари ҳам ана шу умуминсоний мақсадга хизмат қилиши кадрлар фаолияти самарадорлигини янада оширади.

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг пировард натижаси кўп жиҳатдан раҳбарларга, уларнинг бошқарув соҳасидаги профессионал маҳоратига боғлиқ. Масалан, Абу Райҳон Берунийнинг “Ҳар бир одамнинг баҳоси – ўз ишини ажойиб бажаришидир”, деб таъкидлаши шахс фаоллиги, унинг ташаббускорлиги раҳбарлик фаолиятининг баҳо мезони эканлигини кўрсатади[5].

Шу нуқтаи назардан ҳам бошқарув соҳаси, раҳбар кадрларни тайёрлаш соҳасидаги илмий изланишларни ривожлантириш ўта муҳим масала сифатида ўз ечимини кутмоқда. Ўтган давр мобайнида давлат ва жамият бошқаруви, ижтимоий-иқтисодий, суд-ҳуқуқ ва бошқа соҳаларда бошқарув кадрларини тайёрлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, юқори малакали бошқарув кадрлари захирасини шакллантиришга ижобий таъсир кўрсатган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси фаолияти ислоҳ қилинди, шунингдек, академия ҳузурида мамлакатимизнинг истиқболли ёш мутахассисларини қайта тайёрловчи ва малакасини оширувчи Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ташкил этилди.

Шу билан бирга, бугунги кунда мамлакатимизда давлат ҳокимиятини янада демократлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юқори малакали бошқарув кадрларини танлаб олиш ва тайёрлаш, уларнинг захирасини шакллантириш тизимини, жумладан, бу борада замонавий ёндашувни ишлаб чиқиш орқали такомиллаштиришни тақозо этмоқда[6].

Мазкур соҳадаги аниқ натижаларга йўналтирилган тадбирлар эса айнан менежмент фани олдида дозарб вазифаларни қўймоқда. Масалан, турли бошқарув соҳаларида лавозимларга раҳбар ва масъул ходимларни тайинлашда муносиб номзодларни излаш,

## FALSAFA, HUQUQ VA SIYOSATSHUNOSLIK

танлаш, уларнинг бошқарув ёки ижро салоҳияти ва қобилиятини ҳолис баҳолаш зарурати доимо долзарб масала бўлиб келган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 майдаги “Истиқболли бошқарув кадрларини танлов асосида танлаб олишнинг замонавий тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3755-сонли қарорида Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ва “Буюк келажак” халқаро нодавлат нотижорат ташкилотининг 3 йилда бир марта истиқболли бошқарув кадрларини танлаб олиш бўйича “Таракқиёт” республика танловини ўтказиш белгиланган.

Танловда таянч олий маълумот ва тегишли соҳада раҳбарлик лавозимида камида уч йил иш тажрибасига эга, 30 ёшдан 45 ёшгача бўлган (45 ёш ҳам қўшилган ҳолда) Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этиши мумкин. Республика комиссияси танловни ўтказиш билан боғлиқ тадбирларга вазирлик ва идоралар, бошқа давлат ташкилотлари вакиллари, шунингдек, етакчи олим ва мутахассислар, жумладан, хорижий олим ва мутахассисларни жалб этиш ҳуқуқига эга.

Этиборга молик жиҳати, танлов ғолиблари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳамда Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази базасида тегишли соҳага оид вазирликлар, идоралар, йирик компаниялар раҳбарлари, маҳаллий ва хорижий юқори малакали мутахассислар ҳамда олимлар иштирокида ўтказиладиган, ривожланган хорижий мамлакатларнинг соҳага оид ташкилотларида танловнинг тегишли номинациялари юзасидан стажировкадан ўтишни ўз ичига олувчи “Бошқарув кадрларини тайёрлаш бўйича Президент дастури”га мувофиқ уч ойлик курсларда ўқийдилар. Ғолиблар уч ойлик курслардан ўтгач, кейин тегишли йўналишлар бўйича давлат ташкилотларида раҳбарлик лавозимларига тайинландилар. Ҳеч шубҳа йўқки, иқтидорли, билимли, компетентли, юксак интеллектуал салоҳиятга эга, маъсулиятни ҳис этиб, элим-юртим деб ёниб яшовчи авлодгина янги жамият, янги ҳаёт барпо этишга қодирдир.

### АДАБИЁТЛАР

1. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. 2 т. – Тошкент, 1965. – 373 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиши оstonасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. 434-бет.
3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017.6-7 бет.
4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2011. 31-бет.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //Халқ сўзи, 2020й. 25январь. 19 (7521)-сон. 2-бет.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 майдаги ПҚ-3755-сонли “Истиқболли бошқарув кадрларини танлов асосида танлаб олишнинг замонавий тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // lex.uz

УДК: 9(575.1)

## МАТБУОТ – ҲОЗИРГИ ЗАМОН ТАРИХИНИНГ ИЖОДКОРИ

### ПРЕССА – СОЗДАТЕЛЬ СОВРЕМЕННОЙ ИСТОРИИ

#### PRESS-THE CREATOR OF MODERN HISTORY

**Ўринова Бозоргул Зокировна**

*БухДТИ ижтимоий фанлар каф. доц., т.ф.н,*

**Қаландарова Ферангиз Азаматовна**

*БухДУ миллий гоя, маънавият асослари*

*ҳуқуқ таълими тизими каф. ўқит.*

**Анотация.** Мазкур мақола оммавий ахборот воситалари айниқса, матбуот саҳифаларида ҳозирги замон тарихининг ижтимоий-иқтисодий, маданий-марифий жараёнда

олиб борилаётган долзарб масалаларнинг ёритишидаги ўрни ва аҳамияти таҳлил қилинган. Бугунги ҳаётимизни оммавий ахборот воситаларисиз тасавур қилиш қийин. Сабаби, улар кишиларни муайян ҳудудда ва жаҳонда содир бўлаётган муҳим аҳамиятга эга янгиликлар ҳамда ўзгаришлардан тезкор равишда бохабар қилади.

**Таянч сўзлар:** мустақиллик матбуот, ахборот, инқилоб, сиёсат, ислоҳот, тадбиркорлик, иқтисод.

**Анотация.** В данной статье анализируется роль и место СМИ в освещении актуальных проблем в современных социально-экономических, культурных и образовательных процессах современной истории. Также особое внимание уделяется статьям в периодической печати о проводимых в стране реформах. Усилия прессы как создателя современной истории показаны.

**Ключевые слова:** независимость прессы, информация, революция, политика, реформа, предпринимательство, экономика.

**Abstract.** This article analyzes the role and place of the mass media in the coverage of pressing issues in contemporary social and economic, cultural and educational processes of modern history. Also, special attention is given to the articles in the periodical press about the ongoing reforms in the country. The efforts of the press as a creator of modern history are illustrated.

**Key words:** press independence, information, revolution, politics, reform, entrepreneurship, economy.

**Кириш.** Тарихда шундай бир даврлар бўладик, унинг соати йилларга, йили асрларга, тенг келади. Бу ҳақиқат шу кунгача биз учун бир образ, китобий таъбир эди. Бугун бу нарса кўз ўнгимизда турибди. Биз шу нарсанинг шоҳиди бўлдик. Мана 28 йилдирки Ўзбекистон мустақиллик йўлидан дадил одим ташламоқда. Мудом тараққиёт ва юксалиш сари интилиб диққатга молик ютуқларни қўлга киритмоқда. Энг муҳими, инсон бахтли ҳаёт кечириши учун ҳамиша ва ҳар қандай шароитда ҳам ўта зарур, ўта кадрли бўлган бебаҳо ва буюк неъмат – тинчлик осойишталикни кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келмоқда.

Бунда, аввало, юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари ягона оилага бирлашиб аҳил-иноқ яшаётгани, улар ўртасида ўзаро хурмат, тенг ҳуқуқлик ва ҳамжихатлик қарор топгани, иккинчидан, мамлакатимиз бошқа давлатлар билан дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлагани, айниқса “Ён қўшни – жон қўшни” саналмиш халқларимиз ўртасида асрлар оша сайқал топган борди-келди қайта тиклангани, бекиёс аҳамиятга эга.

Бугунги ҳаётимизни оммавий ахборот воситаларисиз (ОАВ) тасаввур этиш қийин. Сабаби, улар кишиларни муайян ҳудудда ва жаҳонда содир бўлаётган муҳим аҳамиятга эга янгиликлар ҳамда ўзгаришлардан тезкор равишда бохабар қилади. Бундан ташқари айрим воқеа-ҳодисаларга нисбатан кенг жамоатчилик фикрини шаклантириб, турли соҳалар ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Айниқса ҳуқуқий демократик адолатли ва кучли фуқаролик жамияти куришда, қонун устуворлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис мустақиллик йилларида юртимизда ОАВга демократик ислоҳотларни жадаллаштириш ва инсон манфаатларини муҳофаза қилишнинг асосий омилларидан бири сифатида қаралмоқда, унинг ҳуқуқий қафолатлари яратилди: “Матбуот ва унинг ҳуқуқий асослари”, “Ахборот соҳасини ислоҳ қилишнинг аҳамияти ва зарурати”, Миллий ахборот маконини мустаҳкамлаш – давр талаби”, “Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида ОАВи фаолиятининг иштирок этиши учун ҳуқуқий асослар янада мустаҳкамланмоқда” мавзуларида берилган мақолалар таҳлилидан ҳам билиш мумкин.

Бугунги кунда Ўзбекистон матбуоти ва ахборот агентлиги томонидан газета, журнал, ахборотнома, бюллетень, радио, телевидение ахборот агентлиги веб-сайт каби етти турдаги ОАВи давлат рўйхатига олинмоқда. Шу жараёнда уларнинг сони тобора кўпайиб бораётгани кузатилмоқда (1-илова).

## FALSAFA, HUQUQ VA SIYOSATSHUNOSLIK

1-илова

## Илгари мавжуд нашрлар ва янги вужудга келган нашрлар

Илгари мавжуд нашрлар		Янги вужудга келган нашрлар	
<b>Газеталар</b>			
1.	Қишлоқ ҳақиқати	1.	Исломури
2.	Ёш ленинчи	2.	Тонг юлдузи
3.	Совет Ўзбекистони	3.	Адолат
4.	Комсомольская правда	4.	Оила ва жамият
5.	Комсомолец Узбекистана	5.	Савдогар
6.	Қишлоқ ҳаёти	6.	Ишонч
7.	Туркистон	7.	Миллий тикланиш
8.	Ўзбекистон овози	8.	Ўзбекистон ишбилармон ҳамкори
9.	Молодёжь Узбекистана	9.	Бирлик
10.	Маърифат	10.	Ватанпарвар
11.	Ўзбекистон адабиёти ва санъати	11.	Ёзувчи
		12.	Постда
		13.	Сирли олам
		14.	Оила шифокори
		15.	Соҳибкирон юлдуз
		16.	Осиё бозори
		17.	Мулкдор
		18.	Меҳригиё
		19.	Бир сафда
		20.	Хуррият
		21.	Кўзгу
		22.	Холис
		23.	Ҳамкор
		24.	Маскан
		25.	Ҳуқуқ
<b>Журналлар</b>			
1.	Ўзбекистон коммунисти	1.	Тафаккур
2.	Ҳаёт ва қонун	2.	Соғлом авлод учун
3.	Совет мактаби	3.	Банк ахборотномаси
4.	Ўзбекистон социал таъминоти	4.	Жаҳон адабиёти
5.	Ўзбекистон матбуоти	5.	Бозор, пул ва кредит
6.	Инсон ва демократия	6.	Унутилмас сиймолар
7.	Саховат	7.	Театр
8.	Нафосат	8.	Солиқ тўловчининг журнали
9.	Ўзбекистонда ижтимоий фанлар	9.	Санам
10.	Ёшлик	10.	Мозийдан садо
11.	Ёш куч	11.	Хива – шарқ гавҳари
12.	Шарқ юлдузи	12.	Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси
13.	Саодат	13.	Ўзбекистон математика журнали
14.	Фан ва турмуш	14.	Ўзбекистон тиббиёт журнали
15.	Муштум	15.	Ўзбекистон физика журнали
16.	Кино	16.	Ўзбекистон хирургияси
17.	Гунча	17.	Ўзбекистон экологик хабарномаси
18.	Гулхан	18.	Ҳидоят
19.	Сихат саломатлик	19.	Ўзбекистон тарихи
20.	Қонун ҳимоясида	20.	Имом ал-Бухорий сабоқлари
21.		21.	Ижтимоий фикр, инсон ҳуқуқлари

Мана ўзингиз таққослаб кўринг.

“1991 йили диёримизда 343 та газета, 50 та журнал, 1 та телевидение, 1 та ахборот агентлиги-жами 395 та ОАВ бор эди. 2010 йилда уларнинг сони 1218 тага етди. Шундан 696 тасини газеталар, 250 тасини журналлар, 17 тасини ахборотнома, 4 тасини ахборот агентликлари, 65 тасини телевидение, 36 тасини радио, 150 тасини веб-сайтлар ташкил этади”. Жорий йилнинг июлига қадар эса, “1635 та ОАВ рўйхатдан ўтказилди. Уларнинг, 665 таси газеталардан, 365 таси журналлардан, 15 таси ахборотнома-бюлетинлардан, 4 таси ахборот агентларидан, 70 таси телевидениедан, 37 таси радиодан, 480 та веб-сайтдан иборат[5; 9-б].



Республикаимиз мустақиллик пойдеворини яратишга бағишланган ранг-баранг мақолалар фикримиз далилидир: “Маънавиятнинг оидин йўли”[1; 1-3-б] “Ватан деган, ўзлик деган – ҳикмат калити”, “Инсон бахт учун туғулади”, “Маънавият тараққиёт қаноти”, “Миллий истиклол мафқураси”, “Ўзбек руҳи”, “Миллий ғоя учун ишлаш шеърини”, “Моҳият ва мақсад”, “Ўзбек давлатчилиги тарихи”, “Жаҳон тан олган юрт”, “Бурхонлар бурхонидан сўнг”, “Имконият ва маъсулият” [6;2-3-б].

Бу мақолаларни ўқиб, матбуотнинг Ўзбекистон босиб ўтган йўл ва Ўзбекистондаги муҳим иқтисодий-сиёсий, маънавий-маърифий соҳалардаги ислохотларни амалга оширишдаги ўрни ва аҳамияти бениҳоя эканлигига, том маънодаги тўртинчи ҳокимият мақомида фаолият олиб бораётганлигига тўла ишонч ҳосил қилдик.

Оммавий ахборот воситалари (ОАВ) айниқса матбуот, адолатли қонунлар устувор бўлган, ҳуқуқий демократик жамият қуриш учун курашчиларнинг энг олдинги сафларида борди. Мақолалар таҳлилидан, матбуот соҳасидаги ижобий изланишлар самарасини кузатиш мумкин.

Вақт ва замондан айро яшаб бўлмайди. Инсоният тажрибаси замон ва вақт билан ҳамнафас элнинг эртаси ҳавас қилгудек эканини кўрсатади. Зеро, мустақиллик шарофати билан дунёнинг биз учун берк эшиклари очилмоқда, атрофга теран кўз билан қарашга одатланаяпмиз. Шу аснода янгича иқтисодий ислохотлар зарурлиги ойдай равшан бўлиб қолди. Республика ҳукумати зиммасига ана шу ислохотларни амалга оширишдек кийин маъсулиятли вазифа юклатилди.

Энг муҳим вазифалардан бири бозор иқтисодиётига ўтишдан мақсад, халқнинг фаровонлигини таъминлаш Ўзбекистонни ривожланган давлатлар қаторига кўшиш. Иқтисодий сиёсатини давлат ўзи олиб бормас экан, бу мақсад ўз мазмунини йўқотади. Адолатли демократик давлатда бошқарув тизимини қўлдан бериш эмас, уни такомиллаштириш кишилар имкониятини рўёбга чиқариш ҳақида қайғуриш фойдалидир. Бир сўз билан айтганда, давлат олиб бораётган иқтисодий ислохотлар халқ томонидан қўллаб-қувватланаяпти. Чунки бу ислохот асосида аслида, халқ манфаатлари ётибди.

Демак, давлат тараққиётнинг қафолатчисидир. Худди шу маънода Ўзбекистон Республикаси тарихидаги муҳим саналар қаторидан ўрин олиши шубҳасиз бўлган давлат мустақиллигининг муҳим шартларидан бири бўлмиш, миллий пул бирлиги, яъни сўмга ўтишни таъкидлаб, биринчи Президентимиз бир неча бор таъкидлаб ўтганидек, бизнинг шароитда, миллий пул бирлигига ўтиш, инқилоб билан баробар бўлиб, бу жараён муайян муддат, мамлакатимиз иқтисодий ҳаётида баъзи бир қийинчиликларга сабаб бўлиши мумкин.

Шунинг учун ҳам бу мураккаб жараён моҳиятини тушуниш ва тушунтиришни матбуот ходимлари зиммасидаги юк эмас, балки маъсулиятли бурч сифатида қабул қилди ҳамда бир қатор баҳс мунозарага чорлайдиган “руқнлар”, ташкил қилиб ўқимишли мақолаларни эълон қилди: “Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш” [3;-49 б] ”Серқуёш воҳанинг беқиёс имкониятлари”, “Келажакка ишониб юксалиш – олий бахт”, “Меҳнаткашлар манфаати – касабга уюшмалари фаолиятининг бош мезони” [7;32-36-б], ”Чарм пойафзал соҳаси янада ривожланади”, “Оилавий бизнеснинг ҳуқуқий асоси”, “Тараққиёт омили: мукамал қонун, баркамол инсон”, “Оилавий бизнес – тадбиркорлик ривожини, мамлакат тараққиёти ва турмуш фаровонлигини юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга”, “Жамиятни ривожлантириш концепцияси, айниқса, ўзлигини англаган зиёли зиммасидаги муқаддас бурч ва вазифалар”, “Дўстлик чегара билмас”[4;18-20-б] сингари кўплаб мақолалар суҳбатларнинг аҳамияти шунда эдики, уларда иқтисодий муаммолар бозор муносабатларига ўтиш жараёнлари чуқур таҳлил қилинган.

Бозор иқтисодиётига ўтиш узоқ вақтни талаб этувчи мураккаб жараён. Дунё миқёсида олганда ҳам бирорта мамлакатда унга осонликча ўтилган эришилган эмас, шунинг учун иқтисодий ислохотни амалга ошириш оддий ишчидан тортиб малакали мутахасис – раҳбаргача барчанинг зиммасига маъсулият юклайди.

Республикамизда ўзини бошқарувчи корхоналарнинг мустақил ривожланган хорижий мамлакатлар билан иш олиб бориши Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон ҳамжамиятига интеграциясини тезлаштиради, бу, ўз навбатида, республикада жаҳон меъёрларига мос келувчи бозор иқтисодиёти шаклланаётганлигидан далолат беради. Шу билан бирга республикада мустақил ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожлантириш бошқарув ва ташкилий хўжалик тузилмаларнинг иш бошлашига имкон беради, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолиятнинг меъёрий ва ҳуқуқий базаси ривожлантириб борилиши ташқи савдо сирларини биладиган мутахассислар тайёрлаш ишларини ҳам кенг йўлга қўйиш имконини беради. Бошқарилаётган бозор муносабатларига ўтишнинг асосий мезонларидан бири ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланган, қўшма корхоналар фаолиятининг ривожлантиришда эса уларга қулай шарт-шароитлар яратишдир.

Вақтли матбуот нашлари Ўзбекистон Республикасининг бозор иқтисодиётига ўтиш йўлини, турли шакл ва усулларда ёритиб борар экан, бу сиёсатнинг муваффақиятли амалга ошиши учун биринчи навбатда республиканинг хорижий давлатлар билан биргаликда қўшма корхоналар тузиш борасида ўрнатаётган ўзаро дўстлик ва иқтисодий ҳамкорлик алоқалари муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб ўтиш лозим. Қўшма корхоналар фаолияти нафақат республикамизнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланишига ёрдам беради, балки муайян икки халқ ўртасидаги дўстлик алоқаларининг янада мустаҳкамланиши, ҳақиқий байналминалликнинг ривожланиши халқларнинг бир-бирини мукамал ўрганишга ҳам қулай шарт-шароитлар яратади.

Ҳар томонлама фойдали ушбу ҳамкорлик натижаларини биз профессор Т.Иминовнинг “Бизга чет эл капитали нима учун керак” [2; 10-11-б] сарлавҳали мушоҳадасидан ҳам билишимиз мумкин. Муаллиф республикада олиб борилаётган инвестиция сиёсатини таҳлил қилар экан. Ўзбекистонга чет эл сармоялари ҳамда хорижий тадбиркорларнинг диққатини тортиш келгусида республика аҳолисини иш билан тўла таъминлаш ишлаб чиқариш потенциалларини ривожлантириш, хомашё электр қуввати ва ёнилғи ресурсларни тежаш асосий ва капитал жамғармаларни янгилаш халқ хўжалигининг етакчи тармоқларини ривожлантиришга имкон беради, – деб ёзади.

Т.Иминов республикамизда иш олиб бораётган қўшма корхоналар фаолиятига тўхталар экан, уларнинг нормал ривожланиши учун Ўзбекистон Республикаси олий Мажлисининг IV сессиясида қабул қилинган “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги қонуни асосий ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади, деб таъкидлайди. Бу эса ўз навбатида, республикага янги техника-технология, бошқаришнинг янги услубининг кириб келишига имкон яратади, дейди – у. Мақолани ўқир эканмиз олимнинг чет эл сармояларидан оқилона ва тўғри фойдаланиш борасидаги теран фикрлари ўқувчини ҳозирги кунда республикада олиб борилаётган инвестиция сиёсатига баҳо беришга ундайди.

Бундай даъват муаллифнинг бошқа олим ҳуқуқшунос ва журналистлардан фарқли ўлароқ чет эл инвестициясини Ўзбекистонга жалб этилса, уларнинг ижобий томонлари билан биргаликда салбий жиҳатларидан ҳам кўз юммаганлигидан келиб чиқади. Олимнинг фикрича, бу асосан келажакда, ҳозирги кунда мавжуд бўлган ишлаб чиқаришнинг тўхтаб қолиши, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш учун маблағнинг қисқартиришда акс этиши мумкин. Бу хатоликка йўл қўймаслик учун Т.Иминов мавжуд инвестиция сиёсатини қайта кўриб чиқиш, яъни бугунги кунда амалга оширилаётган инвестицион сиёсатни қайта тузиш, улардаги халқ хўжалигига фойдаси бўлмаган пунктларни олиб ташлаш марказлаштирилган инвестициялардан асосий диққат-эътиборни қарз беришга қаратиш кредит ва солиқ борасидаги имтиёзларни давлат тузумида бўлмаган инвесторларга бериш, қурилиш ташкилотларига маҳаллий бошқарув органларига бўйсунмаслик ҳуқуқини бериш лозимлигини айтиб ўтади.

Ўзбекистон вақтли матбуотида иқтисодиёт масалаларини ёритиш борасида 1993 йилдан бошлаб журналистлар томонидан бу борадаги ижобий натижалар, қўлга киритилган ва киритилаётган ютуқларга эътиборни қаратилди. Эълон қилинган мақолаларда бозор муносабати билан боғлиқ мақолалар турли кўринишда (суҳбат, тушунтириш, савол-жавоб

## FALSAFA, HUQUQ VA SIYOSATSHUNOSLIK

реклама, мутахассис маслаҳати ва ҳ.к.) берилиши мутассил кучайиб борди. Бевосита янги нашрлардан ташқари, энг оммавий ижтимоий сиёсий газеталар ҳам бозор муносабатлари талабларига асосан ўз фаолиятларини ташкил қилдилар.

Бу борада эришилган натижалар таҳлили ва амалий, фойдали ахборотлар “Халқ сўзи” газетасининг фаолиятида йилдан-йилга, ойдан-ойга кўпайиб борди. Газета аҳли дунёкарашини ўзгартиришга конкрет шароитга мослашиш лаёқатини оширишга ҳаракат қилди. Бозор муносабатларини қарор топтириш йўлидаги тўғаноқлар камчиликлар фoш қилиниб, бу жараённинг тезланишида маълум ҳисса қўшди (2-илова).

**2-илова**

### Халқ сўзи газетасида бозор иқтисодиёти билан боғлиқ материаллар сонининг йилдан-йилга ўсиб бориши

Кўрсаткичлар	1992 й. август	1993 й. август	1994 й. август	1995 й. август
Назарий мақолалар	3	7	10	12
Мутахассис суҳбати	5	9	13	16
Тижорат хабарлари, реклама ва эълонлар	10	14	17	22
Бозор иқтисодиёти билан боғлиқ жараёнлар хақида хабарлар	15	19	23	26

Бу йўл муштарийларда эртанги кунга ишонч туйғусини хосил қилади. Айни пайтда бундай хабар ва янгиликларнинг тарбиявий аҳамияти ҳам мавжуддир. Бу хилдаги мақолалар ўқувчида ниманидир барпо этиш, бунёдкорлик ҳисси вужудга келишига ундайди. Бу эса вақтли матбуотдан кутилган самарадир.

Умуман, матбуот ҳақида, унинг фаолияти хусусида ҳамма даврда ҳам, илиқ фикрлар билдирилган, чунки матбуот туфайли жаҳонда бўлаётган барча янгиликлардан воқиф бўласиз.

“Тасаввур этиб кўрингчи! Дунёни кезиб чиқиш осонми?! Бунинг иложи йўқдай туюлади. Аммо жаҳондаги воқеалар билан ўша заҳоти бизларни хабардор қилувчи кучли восита мавжуд, бу – газета. Унинг хизмати бугина эмас, у бамисоли кўзгу, ойна. Унда ҳамма нарсани кўра оламиз. Бизни ўстиришда, маънавий баркамол инсонларни табиялашда матбуот ўз хизматини аямаётганлигидан хурсандмиз.

Республика вақтли матбуот нашрлари, ҳаёт ойнаси, илғор тажрибалар минбари сифатида ватанимиз ва халқларимиз довуғини элдан-элларга таратиб, ютуқларимиз шон-шуҳратимизни муносиб улуғлаб келмоқда. Ўзбекистон Республикасининг тарихий солномаси ёзилаётган дамларда республиканинг турли воқеаларга, янгиликларга бой ҳаёти, республика матбуоти ижод арсеналида асосий мавзулардандир.

Матбуот сатрларининг мазмун-моҳияти, бутун йўналиши ягона фикр ва мақсадни талқин этди ва шарҳлади. Бу матбуотда ҳукуматимиз ва унинг раҳбарларининг олиб бораётган доно сиёсатининг руҳи, ғояси чуқур ва мустаҳкам ўрин олганлигидир.

Матбуот Ўзбекистон мустақиллик декларацияси эълон қилингандан кейинги қўлга киритилган сиёсий-иқтисодий, маънавий-маърифий хабарларни алоҳида таъкидлади. Халқимиз қўлга киритган тарихий ғалаба ва энг катта ютуғининг мазмун-моҳияти матбуотнинг қайноқ сатрларида тўлалигича ўз аксини топди. Ана шу нуқтаи назардан караганда матбуот, ҳозирги замон тарихининг ижодкори бўлиб келмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида вақтли матбуотнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ислохотларни оммалаштиришдаги ўрни ва аҳамияти хусусида шундай хулосага келиш мумкин: Ўзбекистон вақтли матбуоти мустақилликнинг миллий қадрият сифтида эъзозланиши уни янгидан-янги мазмун билан бойитиш учун кенг жамоатчилик фикрини уйғотиш, туб ислохотлар самарасини оширишнинг етакчи омилардан бири эканлиги эътироф этила бошлади. Шу асосда ўз саҳифаларда халқ хоҳиш-иродасини умумхалқ манфаати ва умуман жамият истиқболини ифода эта борди. Натижада унинг обрў-эътибори, ижтимоий нуфузи ортди. Жамият ва халқ олдидаги бурчини холисона адо этди. Эркин матбуотга айланиб борди.

## FALSAFA, HUQUQ VA SIYOSATSHUNOSLIK

Ўзбекистон ҳукумати вақтли матбуотни янада ривожлантириш унинг нуфузини кўтаришнинг бош ҳомийсига айланди. Газета ва журналларнинг амалий фаолиятида демократик жараёнларни янада кучайтириш учун шарт-шароитлар яратди. Журналистлар фаолиятини такомиллаштириш қўллаб-қувватланди. Ижодий фаолиятда демократик тамойиллар жорий этила бошлади. Газета ва журнал ходимларининг ҳар қандай вазиятда ўз фикрини эркин ифодалаш, ахборотларни қонунлар билан ман этилмаган усулда тарқатиш ҳуқуқи таъминланди. Мустақилликдан кейинги йилларда миллий матбуотга муносабат ўзгарди.

Шу мақсадда ўтган қисқа даврдаги ижтимоий, сиёсий-маънавий вазиятни ўрганиб, халққа етказиб беришда миллий матбуот бирламчи манба бўлиб хизмат қилади, дейишга тўла асосимиз бор. Зеро, миллий матбуотгина тарихий ҳақиқатни ҳолисона ёритиб бериш имконини беради.

Умумий, хулоса сифатида алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ва маданий масалаларни оммалаштиришда матбуот нафақат тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борди, балки жамоатчилик фикрини етказувчи ўзига хос минбар бўлди.

### АДАБИЁТЛАР

1. Аскарлов А. *Фан ва турмуш*. – Т., 1997. - №4.
2. Иминов Т. *Бизга чет эл капитални нима учун керак*. // *Жизн и экономика*, 1992. - № 8.
3. Рахимов Д. *Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш*. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 2018. - №3.
4. Усенов С. *Дўстлик чегара билмас*. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 2018. - №3.
5. Шуқуров С. *Адолат ва ошкоралик кўзгуси*. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 2018. - №3.
6. Эшонқулов А. *Имконият ва маъсулият*. – Гулистон, 1995, №3.
7. Ўрмонбекова М. *Меҳнаткашлар манфаати – касба уюшмалари фаолиятининг бош мезони*. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 2018. - №3.

УДК: 327

## ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАРИ

### ПРАВОВЫЕ ПРОБЛЕМЫ РЕГУЛИРОВАНИЯ МЕЖДУНАРОДНЫХ ОТНОШЕНИЙ

#### LEGAL PROBLEMS OF REGULATION OF INTERNATIONAL RELATIONS

*Дилмуродов Илҳом Суннатович*

*ЎзДЖТУ ижтимоий фанлар каф. доц., ф.ф.н.*

**Аннотация.** *Мазкур илмий мақолада замонавий халқаро муносабатлар тизими, унинг қонуниятлари ва халқаро муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари ёритиб берилган. Бугунги глобаллашадиган ва интеграциялашадиган дунёда Ўзбекистоннинг ўрни илмий таҳлил қилинади. Шунингдек, мақолада Ўзбекистон ташиқи сиёсатининг истиқболлари ҳақида фикр-мулоҳазалар келтирилган.*

*Халқаро муносабатлар фани нўқтаи назаридан халқаро муносабатлар тушунчасини ижтимоий-сиёсий жараёнлар элементи сифатида, унинг системаси, таркибий қисми ва давлатлар ташиқи сиёсатида халқаро алоқаларнинг аҳамияти ёритиб берилган. Масаланинг айни шу жиҳати эса бевосита ОАВда Ўзбекистон Республикасини янги халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида тадқиқ этиш муаммолари ва заруратини англаб этиш билан боғлиқдир. Бундай шароитда ҳозирги замон халқаро муносабатлар фанининг мақсади, вазифалари, тадқиқот услублари, функциялари, халқаро ҳамкорлик, ички ва ташиқи сиёсат, миллий манфаатлар, муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари ҳамда асосий иштирокчилари хусусида илмий таҳлиллар келтирилади. Шунингдек, замонавий халқаро муносабатларнинг фалсафий-ҳуқуқий омилларини янада такомиллаштириш бўйича илмий хулосалар берилган.*



**Таянч сўзлар:** халқаро муносабатлар, миллий манфаатлар, ҳаракатлар стратегияси, реализм, глобаллашув, ташқи сиёсат, рақобат.

**Аннотация.** В данной научной статье раскрыта роль современной системы международных отношений, ее закономерности и правовые вопросы международных отношений. Научно анализируется место и роль Узбекистана в современном глобализированном и интегрированном мире. В статье также дается обзор дальнейших перспектив развития внешней политики Узбекистана.

С точки зрения международных отношений понятие международных отношений как элемент социально-политических процессов, его система, компонент и значение международных отношений во внешней политике государств. Это напрямую связано с пониманием проблем и необходимостью изучения Республики Узбекистан как субъекта нового международного права в средствах массовой информации. В этих условиях анализируются цели, задачи, методы исследования, функции, международное сотрудничество, внутренняя и внешняя политика, национальные интересы и правовые основы регулирования отношений и основные участники современных международных отношений. Также приводятся научные выводы о дальнейшем совершенствовании философско-правовых факторов совершенствования современных международных отношений.

**Ключевые слова:** международные отношения, национальные интересы, стратегия действий, реализм, глобализация, внешняя политика, конкуренция.

**Abstract.** This scientific article reveals the modern system of international relations, its laws and legal issues of international relations. The place and role of Uzbekistan in the modern globalized and integrated world is scientifically analyzed. The article also provides an overview of further prospects for the development of foreign policy of Uzbekistan.

From the point of view of international relations, the concept of international relations as an element of social and political processes, its system, component and the importance of international relations in the foreign policy of states. This is directly related to the understanding of problems and the need to study the Republic of Uzbekistan as a subject of new international law in the media. In these conditions, the goals, objectives, research methods, functions, international cooperation, domestic and foreign policy, national interests and the legal framework for regulating relations and the main participants in modern international relations are analyzed. It also provides scientific conclusions about the further improvement of philosophical and legal factors, the improvement of modern international relations.

**Key words:** international relations, national interests, action strategy, realism, globalization, foreign policy, competition.

**Кириш.** Халқаро муносабатлар дейилганда, давлатлар орасидаги жаҳон микёсида фаол ҳаракатда бўлувчи ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий кучлар, ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар ҳамда ташкилотлар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, дипломатик, мафкуравий, ҳарбий алоқалар системаси тушунилади. Халқаро муносабатлар бошланғич босқичда тор доирада шаклланса-да кейинги босқичларда уларнинг тармоқлари кенгайиб боради. Халқаро муносабатлар ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини – иқтисодиёт ва маорифдан тортиб, фан ва маданиятга қадар ўз ичига қамраб олади. Бироқ бу биринчи галда сиёсий муносабатлардан иборат, яъни бу – давлатларнинг ташқи сиёсий фаолиятини рўёбга чиқариши билан боғлиқдир [14].

Тарихий тараққиёт йўлида инсоният томонидан шакллантирилган халқаро муносабатларни асосий ижтимоий тартибга солувчи ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрлар мавжуд. Халқаро муносабатлар соҳасида махсус хусусият ва фарқланиш мавжуд бўлиб, улар фан соҳасида хилма-хил талқин қилинади. Тадқиқотчилар бир томондан жаҳонда ҳуқуқий тафаккурнинг умумий даражаси ошиши жараёнида ахлоқ-одоб омиллари кучайиши, халқаро ҳуқуқнинг фаолияти ва тараққиётини табиий ҳолат ҳисоблайдилар. Айнан шу сабабли



халқаро ахлоқ ва халқаро ҳуқуқ, давлатлар ва халқларга нисбатан ўзаро таъсирларини мустаҳкам кучайтира олмади.

Шунинг учун ҳам фойдали тартибга солиш воситаси бўла олмайди. Халқаро муносабатлар ҳуқуқ ва ахлоқнинг тартибга солиш вазифасига баҳо беришда хилма-хилликни эътибор олиш муҳимдир. Бу давлатларнинг ташқи сиёсатида Н.Макиавелли таълимотига тўлалигича тўғри келади, унинг фикрича, “ақл-идрокли раҳбар ўз манфаатларига зарар келтирувчи ваъда бериши шарт эмас. Бу хилма-хиллик халқаро муносабатларда ахлоқий ва ҳуқуқий тушунча жиҳатларини соддалаштириш хавфли эканлиги, уларнинг ижтимоий ва тарихий моҳиятини таъкидлайди. У халқаро муносабатлар ҳуқуқининг мавқеи нисбий эканлиги ҳақида сўз юритиб, халқаро муносабатларни тартибга солувчи, унинг катнашчиларидан ахлоқий ва ҳуқуқий принципларни кучайтиришни талаб этади.

**Метод ва материаллар.** Илмий мақолада тизимли таҳлил, моделлаштириш, экстраполяция, қиёсий таҳлил ва эмпирик кузатув усулларидан фойдаланилган. Шунингдек, халқаро муносабатлар тизимини тадқиқ этишга қаратилган норматив-ҳуқуқий манбалар таҳлил қилинган.

Маоқлада бир қанча сиёсатшунос олимлар Филипп Райтнинг “Халқаро муносабатлар тадқиқоти” (1955 йил), Роберт Кеохейн “Халқаро институтлар ва давлат ҳокимияти” (1989 йил), Джозеф Най “Совуқ урушдан сўнг халқаро ҳамкорлик” (1991), Иммануэл Валлерстайн “Биз билган жаҳоннинг интихоси. XXI аср учун ижтимоий фан” (2000 йил), Джеймс Розенау “Янги халқаро муносабатлар ва глобализм” (1999 йил) ва бошқаларнинг асарларидан кенг фойдаланилган.

**Муҳокама ва натижалар.** Маълумки, илм-фанда халқаро ҳуқуқий меъёрларни намоён этувчи бирламчи манба зиддият ва келишмовчиликлар ҳисобланади. Шунинг учун халқаро ҳуқуқларга бағишланган махсус тадқиқот ишларида ҳуқуқий меъёрларга эътибор берилади. Замонавий халқаро ҳуқуқ узоқ тарихий тараққиёт маҳсулидир. У ҳар бир даврда турлича шаклланган. Халқаро ҳуқуқ илк эволюцион даврида тарқоқ шаклда бўлган. Ассирия, Миср, Догомия, Перу давлатларида халқаро ҳуқуқни қўллаш ва уруш ҳуқуқи қоҳинлар қўлида бўлиб, фақат уларгина урушни бошлаш ва охирга етказиш йўлларини белгилар эдилар. Ҳатто бошлиқ белгиловчи бўлмаса ҳам, уни қисман шу сифатда қабул қилинишини хоҳлар эди. Цезар ҳам, Августин ҳам катта лавозимларни эгаллаб, бир вақтда ҳам олий қўмондон, ҳам улуғ Қоҳин бўлишни истар эдилар. Бу маълум боқимандалик халқаро ҳуқуқ концепциялари колдикларини бугун ҳам учратиш мумкин: масалан, қонли ўч олиш одатлари, “Муқаддас уруш” (жиход), муқаддас ўч олиш одати ва ҳоказо [4,47].

Тарихий манбалардан маълумки, ўрта асрларда халқаро концепция метафизик шаклда бўлган. Улар мутлақ ва доимий суверен тушунча бўлиб, босқинчилик ҳуқуқига эга бўлган. Натижада суверенлик ҳар қандай мамлакатга қарши уруш бошлаш ҳуқуқи, ҳатто ҳар қандай ташқи чақириқларга жавоб бериш ҳуқуқи ва вазифасига эга бўлган. Давлатлараро чегара чизиги тушунчаси – ўз қўшнисига қарши юриш ёки қўшнисининг унга қарши уруш бошлаш жойидир. Бугун ҳам халқаро ҳуқуқ доимий тарзда суверен ҳокимият тушунчасининг тақрорий кўрсаткичи ҳисобланади.

Замонавий халқаро ҳуқуқни юристлар халқаро тизимда амал қилувчи махсус йўналиш сифатида ўрганадилар. Бу махсус йўналиш зарур ҳолатларда, муайян муносабатларнинг давлат томонидан мажбурий тартибга солувчи юридик меъёрлар ҳисобланади. Шунингдек, аниқлаш муҳимки, халқаро ҳуқуқ, аввало, умумқабул қилинган меъёрлар мужассамлигидир. Замонавий халқаро ҳуқуқнинг махсус хусусияти, унинг давлатлар орасидаги суверенитет принципларига асосланганлиги ҳисобланади. Давлат якка ва гуруҳларга асосланган бузғунчиликлардан ўз фуқароларини ҳимоялайди ва уларнинг хавфсизлигини таъминлайди. Бу талаб объектив қоидаларни яратишга олиб келди, бу қоидаларда жамоа аъзоларини мажбуриятлари белгиланган. Шунингдек, ўша объектив қоидаларни қўллаш тартиби паралел равишда ишлаб чиқарилди.

Давлат узоқ вақт бу механизмнинг ягона механизми эди, чунки у ўз ҳудудида дахлсизликка эга бўлганлиги учун, унга махсуслик компетенциясини берар эди. Бу барча

меъёрлар давлат томонидан белгиланади дегани эмас. Жамият негизида ҳам шу каби, баъзи урф-одатлар юзага келди. Бундан ташқари одамлар орасида қабул қилинган ҳуқуқ меъёрлари, келишув ва мажбуриятлар сифатида қўлланилган.

Бугун ҳам халқаро ҳуқуқнинг асосий субъектлари, аввало, амалдаги давлатлар ҳисобланади. Шу билан бирга охириги йиллар халқаро ҳуқуқ субъектлари кенгаймоқда, унга бугун нафақат бир қатор миллатлараро бирлашмалар, балки алоҳида фуқаролар ҳам қирадилар. Бу эса замонавий халқаро муносабатларни демократлаштиришнинг муҳим заруратидан биридир.

Халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари деб, унинг муҳим меъёрлари, унга хос бўлган асосий мазмун принципларини тушунамиз, улар эса олий юридик кучга эгадирлар. Замонавий халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойиллари бир қатор халқаро ташкилотлар ҳужжатларида, БМТ устави, халқаро ҳуқуқнинг 1970 йили қабул қилинган декларацияси принципларида, хавфсизлик Кенгаши ва Европа ҳамкорлигининг 1975 йилги йиғилишининг хулоса актида мустаҳкамлаб қўйилган. Булар:

- Чегаралар дахлсизлиги.
- Давлатларнинг территориал бутунлиги.
- Баҳсларни тинчлик йўли билан тартибга солиш.
- Ички ишларга аралашмаслик.
- Инсон ҳуқуқи ва унинг эркинликларини ҳурмат қилиш.
- Халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва уларни ўз тақдирига ўзлари бош бўлишлари.
- Давлатлараро ҳамкорлик.
- Халқаро ҳуқуқий мажбуриятларни виждонан бажариш.
- Халқаро муносабатлар тизими асосларини мустаҳкамлаш уларнинг юксалишига кўмаклашиш ҳамда умуминсоний манфаатларни ҳимоя қилиш. Жаҳондаги барча халқларнинг тинчлиги, хавфсизлиги, саломатлиги, халқаро ҳамкорлик ва бошқаларда намоён бўлади.

Халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари тарихий характерга эга, яъни уларда шу давр талаби ва халқаро муносабатларнинг ҳолатига кўра асосий ҳуқуқлар ва мажбуриятлари мустаҳкамланади. Тажрибага кўра, бу принциплар амалда яхши ниятлар ва миннатдорчилик туйғулари сифатида қолаверади. Шу билан бирга ҳар бир принципнинг таъсирини давлатлараро муносабатдаги мажбуриятларда инкор этиш хато бўлар эди. Кўп сонли бўлишларига қарамай, принципларнинг мазмуни ўзаро боғлиқдир. Шунинг учун халқаро ҳуқуқнинг асосий принципларини уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Халқаро субъектларнинг вазиятини тенглигини таъминловчи принциплар.
2. Уларни мустаҳкамлаш принципларини талаб этиш.
3. Давлатлараро қарама-қаршиликларни тинчлик йўли билан тартибга солиш принциплари [12].

Биринчи гуруҳга қадимий фундаментал ғояларни мужассам этувчи меъёрлар қиради. Улар давлатлараро ҳуқуқни тартибга солишни ўз ичига олади. У БМТ низомида қуйидагича ифода этилади: “Ташкилот барча аъзоларининг тенглиги мувозанат принципида ташкил этилган”. Бу принцип тенг ҳуқуқликка, халқларнинг ўз тақдирлари билан ўзлари шуғулланишлари қоидаларида; давлатлараро ҳамкорлик; халқаро ҳуқуқ мажбуриятларини бажаришида мужассамланади.

Юқорида кўрсатилган қоидаларнинг биринчисига мувофиқ давлат бошқа давлатнинг қонунчилигига тоъбе бўла олмайди. Унинг вакиллари бошқа давлатлар ҳудудларида дахлсизлик ҳуқуқига эгадирлар (Дипломатик имунитет). Иккинчи қоида халқаро ҳуқуқ субъектларини ахлоқ томон йўналтиради; бу ерда сўз аниқ соҳаларда мажбуриятларнинг ўзаро таъсири ҳақида боради; масалан, савдода, маданий алмашув ва бошқаларда. Учинчи қоидада сўз мажбурият ҳақида боради.

Халқаро ҳуқуқ ва фойидани бир субъект томонидан қафолатлаш керак. Иккинчи гуруҳ – аралашмаслик. Чегараларга оид принципларни ўз ичига олади. Улар махсус ташвиш ва доимий эслатиш предмети бўлса ҳам, биринчи гуруҳ предметларига нисбатан тез-тез

бузилиб туради. Буни тўлалигича учинчи гуруҳ принципларига йўллаш мумкин бўлар эди.

Халқаро ҳуқуқнинг асосий принципларидан бири инсон ҳуқуқлари ва асосий озодлигини сақлаш принциpidир (у охириги ўн йилликда инсоният умумий ҳуқуқий Декларацияси 1948 йили қабул қилинган). Мустақил мавзуга айланиб, халқаро муносабатларга кучли таъсир этмоқда. Шу сабабдан мазкур мавзу узоқ вақт ғоялаштирилган карама-қаршилик курали сифатида Ғарб ва Шарқ мамлакатлари орасида қўлланилган. Шу сабабли мазкур мавзу мафкуравий зиддиятларни намойиш этувчи давлатлараро асосий восита сифатида хизмат қилади.

XX асрнинг охири XXI аср бошларида жаҳон миқёсида жиддий сиёсий, иқтисодий, гуманитар, технологик хусусиятдаги ўзгаришлар юз бера бошлади. Бу ўзгаришлар глобаллашув номи билан сиёсий фанлар тизимига ҳам кириб келди. Глобаллашув жараёнлари биринчи навбатда, халқаро муносабатларга таъсир эта бошлади. Шунинг учун ҳам Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси”да, “Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш” деб номланган бешинчи йўналишда республиканинг конституциявий тузумини, суверенитетини, худудий яхлитлигини ҳимоя қилишга доир чора-тадбирларни рўёбга чиқариш тамойилларини илгари сурди.

Киберхавфсизлик соҳасида ахборот, норматив-ҳуқуқий асослар тизимини такомиллаштириш, аҳолини фавқулодда вазиятлардан хабардор қилиш тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш тўғрисидаги фикрлари, мамлакатимизда хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлашга қаратилганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

**Хулоса.** Ҳозирги кунда давлатлар орасидаги ўзаро алоқалар янгича мазмун кашф этиб, минтақавийлашув жараёнлари кучайиб бормоқда. Чунки халқаро муносабатлардаги барча иштирокчилар халқаро молиявий, иқтисодий ташкилотлар, давлатлар халқаро сиёсатнинг субъекти сифатида аниқ намоён бўлмоқда. Халқаро ташкилотларнинг ривожланиши, айниқса, ҳукуматга тегишли бўлмаган муассалар фаолияти кучайиб бормоқда. Бунинг натижасида мустақил давлатларнинг ўз манфаатларини ҳимоя қилиш муаммолари қийинлашиб бормоқда.

Бундай шароитда ҳозирги замон халқаро муносабатлар фанининг мақсади, вазифалари, тадқиқот услублари, функциялари, халқаро ҳамкорлик, ички ва ташқи сиёсат, миллий манфаатлар, муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари ҳамда асосий иштирокчилар, айниқса, давлатларнинг мақсад ва вазифалари, халқаро ташкилотлар, халқаро нодавлат ташкилотлар ҳақида етарли билимга эга бўлиш долзарб муаммо эканлиги аниқ намоён бўлмоқда. Бу ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш бўйича янги билим, амалий тажриба ва юқори даражадаги малакаларнинг шаклланишига асос бўлади [7,74-75].

Зеро, бугунги кунда халқаро муносабатлар фани илмий тадқиқотлар объекти сифатида ўз услублари, тадқиқ этиш услубиятига эга фанлардан бири ҳисобланади. Чунки халқаро муносабатлар жаҳон доирасидаги фаол ҳаракатда бўлган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий кучлар, ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар ҳамда ташкилотлар ўртасидаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, дипломатик, мафкуравий, ҳарбий ва бошқа ўзаро алоқалар системасини ўрганувчи фандир. Шу сабабли халқаро муносабатлар ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини – иқтисодиёт ва маорифдан тортиб, фан ва маданиятга қадар ўз ичига қамраб олади. Бироқ бу биринчи навбатда сиёсий муносабатлардан иборат эканлигига алоҳида эътибор қаратиш керак. Яъни бу – давлатларнинг ташқи сиёсий фаолияти ривожланиб бориш жараёнида жаҳонда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг халқаро сиёсий меъёрларидир.

Бугунги кунда ижтимоий-сиёсий фанларнинг асосий мақсади халқаро муносабатлар соҳасидаги маълум воқеа-ҳодисани, битим ва хатти-ҳаракатни шарҳловчи аниқ маълумотларни тўплаш, йиғилган маълумотларни умумлаштириш ва турли доираларда талқин қилиш, халқаро муносабатлар назарияси доирасида халқаро ҳаётнинг асосий категория, тушунча, қонуниятларини шакллантиришдир. Фаннинг асосий вазифалари эса

халқаро муносабатлар тушунчасини сиёсий жараёнлар элементи сифатида, унинг тизими, таркибий қисми ва давлат ташқи сиёсатида халқаро алоқаларнинг аҳамияти тушунтириб беришди. Масаланинг айна шу жиҳати эса бевосита ОАВда Ўзбекистон Республикасини янги халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида тадқиқ этиш муаммолари ва заруратини англаб етиш билан боғлиқ.

Халқаро муносабатлар ривожига ҳар бир босқични дунёнинг ўз территориял чегарасида суверенитетни сақлаган давлатларга бўлинишга асосан тушуниш уларнинг махсус жиҳатларини белгилаш имконини яратади, шу билан бирга уларни давлатлараро муносабатларга татбиқ этмайди. Умумлаштириб айтганда, илмий адабиётларда бу муносабат позициясида халқаро муносабатларнинг турли тип, кўриниш, даража ва ҳолатлари ҳақида хулосага келиш мумкин.

Чунки халқаро муносабатлар ҳаёт соҳасига кўра ижтимоий, иқтисодий, дипломатик, мафкуравий, ҳарбий-стратегик ва иштирокчиларига кўра давлатлар, партиялар, халқлар, ташкилотлар, трансиллий коорпорациялар ва ҳоказолар ўртасидаги муносабатларни камраб олади. Шу сабабли бу муносабатларни ўрганишда тарих фанида қўлланилувчи принциплар, яъни тарихийлик, тизимлилик, ҳар томонламалик ва объективлик принциплари керак бўлади. Чунки халқаро ҳаётнинг ҳар бир ҳодисасини, ривожланиши унинг қандай пайдо бўлганлиги, ўз тараққиёти давомида қандай асосий босқичлардан ўтганлиги ва шу нуқтаи назардан унинг бугунги кундаги аҳволига баҳо бериш керак.

#### АДАБИЁТЛАР

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони.*
2. Алимов Р. *Центральная Азия: общность интересов.* – Т.: Шарқ, 2005.
3. Афанасьев В.Г. *Общество: системность, познание и управление.* – М., 1996.
4. Бурацкий Ф.М. *О системном подходе к исследованию внешней политики. //Международные отношения: политика и личность.* – М., 1996.
5. Жўраев Н. *Мустақил Ўзбекистон тарихи.* –Т.: Ф.Фулом номидаги НМИУ, 2009 й.
6. Карягин З.Д. *Дипломатическая служба: вчера, сегодня и завтра. // Международная жизнь.* – М., 1994. №
7. Касымов А. *Основные направления внешней политики Республики Узбекистан.* – Т., 1994.
8. Мирзиёев Ш.М. *Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан қураимиз.* – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. - 488 б.
9. Мирзиёев Ш.М. *Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь.* – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. -104 б.
10. Морозов Г.И. *Международные организации. Некоторые вопросы теории.* – М., 1994.
11. *Международные конфликты современности. /Отв.ред. Гайтман В.И.* – М., 1993.
12. *Международное право. Учебник.* – М., 1995. С.16
13. *Организация объединённых наций.* – М., 1994.
14. Поздняков П.А. *Системный подход и международные отношения.* – М., 1999.
15. *Система, структура и процесс развития современных международных отношений. (Отв.ред. Гайтман В. И.).* – М.: Наука, 1996
16. *Халқаро муносабатлар.* – Т.: Академия, 2006 й



УДК: 11:116

**ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ  
ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ ДВИЖЕНИЯ ДЖАДИДОВ В ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЕ  
PHILOSOPHICAL ANALYSIS OF THE JADIDS MOVEMENT  
IN FERGHANA VALLEY**

*Камбаров Абдумутал Аҳаджонович*  
ФарДУ фалсафа каф. проф.,  
*Ғуломов Акрамжон Баҳромович*  
ФарДУ фалсафа каф. ўқит.

**Аннотация.** XIX аср охири XX аср бошларида Туркистонда жадидлар ҳаракати ривожланишининг тарихий тараққиёти ҳақида фикр юритилади. Уларнинг асосий гоялари ва мақсадлари мамлакатни ўрта асрларга хос бўлган қоқоқлик ва диний хурофотлардан озод этиш, шариатни ислоҳ қилиш, халққа маърифат тарқатиш ва шу асосда мустақил ҳукуматни барпо этиш учун курашдан иборат эди. Шунингдек, жадидчилик олдинга сурган асосий гоялар маърифатпарварлик, миллий истиқлол гояси, илм-фанда ва маданий баҳсларда эканлиги ҳақидаги қарашлар ёритилган.

**Таянч сўзлар:** жадидизм, маърифат, подшолик, ижтимоий, маданий, просвет, автономия, фан, қашшоқлик, технология, жадидизм усули, партия (қисм).

**Аннотация.** В данной статье освещается Историческое развитие движения джадидов в Туркестане в конце XIX и начале XX веков. Их основными идеями и целями было освобождение страны от средневековой отсталости и религиозных предрассудков, реформирование шариата, просвещение людей и создание на этой основе независимого правительства. В нем также освещаются основные идеи, которые джадидизм продвигает в просвещении, идея национальной независимости, в науке и культуре.

**Ключевые слова:** жадидизм, просвещенец, царизм, просвещение, общественное, культурное, просвещенское, автономия, наука, бедность, технология, метод жадидизма, партия (часть).

**Abstract.** This article gives the historical development of the Jadid movement in Turkestan in the late 19th and early 20th centuries. Their main ideas and goals were to free the country from medieval backwardness and religious prejudices, reform the Sharia, educate people and create an independent government on this basis. It also highlights the main ideas that Jadid promotes in education, the idea of national independence, in science and culture.

**Key words:** jadidism, enlightened, tsarism, enlightenment, social, cultural, prosved, ovtonomy, science, poverty, technology, the method of jadidism, party (part).

Жадидчилик XIX аср охири XX аср бошларида Туркистон, Кавказ, Татаристон ҳаётида муҳим аҳамият касб этган ижтимоий-сиёсий, маърифий ҳаракат[1] бўлиб, XIX асрнинг 80-йилларида дастлаб Қримда машҳур маърифатпарвар Исмоилбек Гаспиринский (Гаспирали) раҳбарлигида вужудга келган. Кейинчалик бу ҳаракат секин-аста Туркистон бўйлаб ёйила бошлади. Бу ижтимоий ҳаракатга бевосита ўша даврнинг барча соҳаларда фаолият олиб бораётган миллат истиқболлини ўйловчи тараққийпарвар кучлар бирлаша бошладилар. Шу асосда жадидлар ҳаракати тарихий бир шароитда Туркистон минтақасида ривожланиш учун ўзига қулай замин топди. Уларнинг асосий гоялари ва мақсадлари мамлакатни ўрта асрларга хос қоқоқлик ва диний хурофотлардан озод этиш, шариатни ислоҳ қилиш, халққа маърифат тарқатиш ва шу асосда мустақил ҳукуматни барпо этиш учун курашдан иборат эди.

Мамлакатни қоқоқликдан, турғунликдан олиб чиқиш мақсадида ишни мактаб ва таълим ислохотидан бошлаган жадидлар ўзаро боғлиқ бўлган қатор йирик муаммоларга дуч келдилар. Бу жараёнда жадидчилик ҳаракатининг ўзи ҳам, унга муносабат ҳам ўзига хос



такомиллашув эволюциясини ўтайди. У тор маърифий ҳаракатдан кенг ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, мафкуравий ҳаракатга айланди. Миллий тараққийпарварлар ўз фаолиятида давлат ва унинг қурилишидан тортиб, жамият ва унинг маънавий ҳаётигача бўлган барча масалаларни қамраб оладилар.

Жадид намоёндалари нима ҳақида, илм-фаннинг қайси соҳасига доир масалалар юзасидан фикр юритмасинлар, инсон ва унинг муқаррамлиги, ақл-идроқи, ноёб фазилатлар эгаси эканлигига эътибор қаратиб, инсон омили муаммосини ўртага ташладилар. Шунингдек, жадидчилик олдинга сурган асосий ғоялар маърифатпарварлик ва миллий истиқлол бўлиб, улар бу ғояларни рўёбга чиқариш учун фидокорларча курашувчи инсонлар эканликларини ҳам амалда, ҳам илм-фанда ва маданий баҳсларда кўрсата олдилар.

Буларни ўрганишдан "...асосий мақсад шуки, тарихимиз, маданиятимиз, динимизга алоқадор бир варақ қўлёзма бўлса ҳам, уларни тўплаш, халқимизни, ёшларимизни таништириш, бизнинг қандай буюк ва бетакрор меросимиз борлигини аниқлаш, фарзандларимизни шу улўғ меросга муносиб этиб тарбиялашдан иборат"[2].

XIX аср охири XX аср бошларида бошқа ўлкаларда бўлгани каби Фарғона водийси тарихида ҳам жадидчилик алоҳида аҳамият касб этади. Фарғона водийсида хур фикрли ва тараққийпарвар кишиларнинг айрим гуруҳлари томонидан ташкил этилган маданий-маърифий жамият ва уюшмалардан жадид ҳаракатлари шаклланди. Жумладан, "...чоризм мустамлакаси даврида маърифат ғоясини баланд кўтариб чиққан жадид боболаримизнинг фаолияти бунга ёрқин мисол бўла олади"[3]. Обиджон Махмудов, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Чўлпон, Исҳоқхон Иброт, Муҳаммадшариф Сўфизода сингари жадид намоёндалари Биринчи Президентимиз таъкидлаганларидек: "...маърифатпарвар, фидойи инсонларнинг ўз шахсий манфаати, ҳузур-ҳаловатидан кечиб, эл-улус манфаати, юртимизни тараққий топтириш мақсадида амалга оширган эзгу ишлари авлодлар хотирасидан асло ўчмайди"[4].

Туркистонда ҳукм сурган фавқулодда қолоқ ижтимоий, иқтисодий ва маданий шароитда яшаган халқларни маърифатлаштириш, жамият ҳаётида ижтимоий ва маданий ислохотлар ўтказиш ҳамда пировардида эрк ва хуррият ғояларини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида Фарғона жадидлари тарихий вазият тақозоси билан ўз ҳаракатларини бошлайдилар. Жадидларнинг аксар вакиллари ёшларга даставвал диний таълим билан бир қаторда дунёвий фанларни ўқитишни, шу жумладан, жуғрофия, сиёсат ва аниқ фанларни ўқитишни кун тартибига қўйдилар. Улар мусулмон мактабларининг таълим усули ва дастурларини ислоҳ қилиб, янгича усулдаги мактабларни очдилар.

Туркистон, айниқса Фарғона водийсидаги жадидчилик ҳаракатининг илғор вакили, йирик сармоядор, ношир ва жамоат арбоби, асли Марғилонлик Обиджон Махмудов биринчилардан бўлиб 1914 йилда Қўқонда босмаҳона ташкил қилади. Шунингдек, 1914-1917 йиллар мобайнида Қўқонда Обиджон Махмудов ўз муҳаррирлигида нашр қилинган "Садои Туркистон", "Тирик сўз", рус тилида чиққан "Ферганское эхо" газеталарида миллат дилидаги гапларни ўз саҳифаларига кўчириш билан кифояланмай, қандай ишларни биринчи навбатда амалга ошириш масаласини кўрсатиб беради.

XIX аср бошларида содир бўлаётган муҳим ижтимоий-сиёсий ҳодисалар Ҳамза ҳаётига, унинг ижодкор сифатида шаклланишига кучли таъсир кўрсатди. 1905 йилдаги инқилобий ҳаракатлар Русиянинг чекка ўлкалари халқларида маърифат, озодлик, истиқлол сари интилишларига туртки бўлди. Унинг ижодига, айниқса, Исмоилбек Гаспринскийнинг "Таржимон", Фотиҳ Каримийнинг "Вақт" газеталари, Ризо Фахриддиннинг "Шўро" журнали, шу билан бирга, ўзбек тилида Тошкентда чиқа бошлаган Исмоил Обидийнинг "Тараққий", Мунавварқори Абдурашидхон ўғлининг "Хуршид", Абдулла Авлонийнинг "Шухрат" газеталари кучли таъсир кўрсатди[5]. Улар билан алоқа ўрнатиш орқали Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ўзининг дастлабки шеър ва мақолаларини мазкур газета ва журналларда чоп эттира бошлади.

1914 йил 11 сентябрда жадидчилик ҳаракатининг буюк раҳнамоси Исмоилбек Гаспрани вафоти муносабати билан ҳамма жадид ижодкорлари сингари Ҳамза ҳам ўз ҳамдардлигини билдириб, "Явмул-вафот" (Садойи Фарғона, 1914 йил 24 сентябрь) мақоласини ва "Марсия"

(Садойи Фарғона, 1914 йил 28 сентябрь) шеърини эълон қилади.

Ҳамзанинг ташаббуси билан 1914 йилда дастлаб Марғилонда, кейин эса Қўқонда усули жадид мактаблари очилади. Ўзи очган усули жадид мактаблари учун “Енгил адабиёт”, “Ўқиш китоби”, “Қироат китоби” сингари дарсликларни яратади. 1915 йилга келиб, Ҳамза қўқонлик маърифатчилар билан ҳамкорликда усули жадид мактаблари учун дарсликлар нашр қилиш, ўқувчиларни Тошкент ва бошқа шаҳарларда босмадан чиққан дарсликлар билан таъминлаш мақсадида “Ғайрат” китобхонасини ташкил қилади. Бу китобхонада Саидрасул Саидазизовнинг “Устози аввал”, Мунавварқорининг “Адиби аввал”, “Адиби соний”, Маҳмудхўжа Бехбудий ва Абдулла Авлонийларнинг дарсликлари ҳам кўп нусхаларда бўлган[6].

Ҳамза ҳам бошқа жадид намоёндалари сингари ўзининг сахна асарлари билан алоҳида ажралиб туради. 1915 йилда ёзилган “Захарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари”, 1917 йилда ёзилган “Ўч”, “Муҳторият ёки автономия”, 1918 йилда ёзилган “Ким тўғри?”, “Бой ила хизматчи” драмалари шулар жумласидандир. Шу билан бирга ўша даврда Ҳамза муҳаррирлик қилган “Кенгаш” журнали Фарғона водийсининг ижтимоий-сиёсий фаолиятида алоҳида аҳамият касб этган.

Ҳамза миллий истиқлол ғояларининг мусиқа, халқ куйлари воситасида, кўшиқлар шаклида халқ қалбига тезроқ ва таъсирлироқ кириб бориши мумкинлигини яхши тушунган. Шоир ўзининг биринчи Жаҳон уруши арафасида ёзган “Йиғла Туркистон” шеърисида миллатни жаҳолат, истибдод, илмсизлик туфайли фажеъ аҳволга тушган Туркистонни йиғлашга даъват этади: сен шундай йиғлагинки, ҳатто “руҳсиз танлар тебрасин”, сени шундай аҳволга солган, ўзи зиллатга, хорликка ботган миллат уйғонсин! – деб куйидаги сатрларни битади:

Дариғ тутманг илм учун кетса молу жон,  
Ўқув фарзлиги минг йўл Куръонда фармон,  
Маърифатсиз тонулмас аҳқому имон,  
Илмсизга айтулмас комил мусулмон.  
Йиғла, йиғла, Туркистон, йиғла, Туркистон,  
Руҳсиз танлар тебрансун, йиғла, Туркистон.

Шоирни қийнаётган, унинг фарёд чекишига сабаб бўлаётган нарса миллатнинг илмсизлиги, бу илмсизлик оқибатида ўзига “Ўлмасиндан илгари жисмига кафан бичгани” – деб куйидаги сатрларни ёзади:

Бўғзи сори тўлгунча ғафлат шаробин ичган,  
Ўлмасиндан илгари жисмига кафан бичган,  
Умид риштасин кесуб, ору номусдан кечган,  
Боғлу қўлинг, Туркистон, нобакорларму чечган[7]?

Ушбу сатрлардан кўриниб турибдики, Ҳамза миллатнинг шаклланишида, озодликка эришишида илм-фан, маърифат бирламчи аҳамиятга эга эканлигига эътиборни қаратади.

Ҳамзанинг “Миллий ашулалар учун миллий шеърлар мажмуаси”га мансуб “Сафсар гул” тўпламига мардикорликка олинган ўзбекнинг юртдан узоқдаги хору зорликда кечган ҳаётини тасвирловчи шеърлари кирган. Уларда мардикорларнинг ички хис-туйғулари, эл-юртига чексиз муҳаббати, соғинчи ўз ифодасини топган. Шунингдек, у мардикор олиш воқеаси мустабид тузумнинг миллатни таҳқирловчи, уни абадий тутқунликда сақловчи тадбири эканлигини “Фарғона фожиалари” асарининг “Истибдод қурбонлари” қисмида рус мустамлакачиларини аёвсиз фош этади.

Шоир ўзининг “Ийди қурбон” (Садойи Туркистон), “Эътибор” (Садойи Фарғона) сингари мақолаларида миллатни ярамас иллатлардан, фақирликдан, хурфотдан қутқарувчи бирдан-бир йўл илм-маърифатдир, деган ғояни илгари суради ва бою камбағал, зиёлию дин пешволари – ҳаммаларининг қўлни-қўлга бериб, янги усули жадид мактабларига кўмак беришларини таъкидлайди. Ҳамза миллий айирмаларга, синфий табақаланишларга кескин қарши чиқади. Унинг фикрича, фақат бирлик билангина миллатни жаҳолат ботқоғидан, калоқликдан, турғунликдан, истибдод қуллигидан қутқариш мумкин.

Ҳамзанинг 1917 йил Октябрь тўнтаришигача бўлган ижодидаги асосий ғоя маърифатпарварликдир, у бу даврда жадид адабиётининг йирик намояндаси сифатида бадиий ижоднинг ҳамма имкониятларидан, турларидан фойдаланди.

Фарғона водийсидаги жадидчилик ҳаракатининг яна бир йирик вакили асли андижонлик бўлган Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпондир. Унинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этган ҳодисалардан бири унинг Заки Валидий билан танишуви бўлган. 1912 йилда Заки Валидийнинг “Турк ва татар тарихи” номли китоби нашр этилиб, қисқа муддатларда унга катта шуҳрат олиб келади. Шу вақтларда 15 ёшга тўлган Абдулҳамид ҳам бошқалар қатори мазкур китобни зўр иштиёқ билан ўқиб чиқади. Китобдан таъсирланган ёш шоир китоб муаллифига миннатдорчилик мактубини ёзиб, Андижонга таклиф қилади. Тақдирнинг тақозоси билан Қозон университети Заки Валидийни 1913 йилнинг охирида Фарғона водийсига илмий сафарга юборади. Олим Андижонда экан, Назир Тўрақул(машхур Назир Тўрақулов, давлат ва жамоат арбоби) билан бирга Абдулҳамидлар уйида бўлади[8] ва уларнинг(Заки Валидий ва Чўлпон, А.Қ.) муносабатлари 1920 йилларгача давом этади.

1914 йил Тошкентда Мунаввар Қори Абдурашидхонов билан танишиш Чўлпоннинг миллий уйғониш ҳаракати намояндаси сифатида шаклланишида муҳим омил бўлди. Айниқса, Туркистон аҳолисининг ижтимоий, иқтисодий ва маданий қолоқлик шароитида яшаётганининг асосий сабабини Россиянинг мустамлакачилик сиёсатида кўрган Чўлпон бошқа жадидлар қатори, ўз асарлари билан халқнинг маданий ва маърифий савиясини кўтаришга киришган.

Чўлпоннинг адабий ижоди 1913-1914 йилларни ўз ичига олган бўлиб, Андижоннинг ижтимоий ва маданий ҳаёти ҳақида хабарлар ёзиш билан бошланади. Унинг матбуотдаги дастлабки шеър ва мақолалари 1914 йилдан кўрина бошлайди. Жумладан, “Садои Туркистон” газетаси 1914 йил 14 апрель сониди Мунаввар Қори Абдурашидхонов 15 яшар Абдулҳамиднинг “Туркистонли қардошларимизга” шеърини муштарийларга ҳавола этар экан, у ўзининг ўқувчиларни ёшгина қалби билан ёруғлик ва илм-маърифатга, маориф йўлига бошланганидан мамнунлигини яширмаган ва унинг келажагига катта умид билдирган эди.

1917 йил Февраль инқилобининг рўй бериши тараккийпарвар зиёлилар дунёқарашини ўзгартириб юборди. Шу жумладан, Чўлпон ҳам мустақиллик учун кураш энди тарғибий-ташвиқий даврдан амалий фаолият босқичига ўтганини англади. Чўлпон Туркистон мухторият ҳукуматининг барпо этилиши ва уни шаклланишида фаол иштирок этиб, мухториятни шарафловчи “Озод турк байрами” шеърини ёзди ва бу шеър ўзбек давлатчилиги тарихида илк мадҳия бўлди.

Тарихий давр ва тарихий шароит Чўлпондан муҳаббат ва табиат лирикасидан кўра шу даврдаги ўзбек халқининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий аҳволини яхшилашга қаратилган асарлар ёзишни тақозо этади. Ватан ва миллат манфаати билан яшаган шоир большевиклар олиб борган сиёсатнинг мустамлакачилик моҳиятини фош этишга, халқни зулм ва зўравонликка қарши хуррият учун курашга даъват этадиган шеърлар ёзди. Шунингдек, шу маънода 20-йилларда ёзган “Ойдин кечаларда”, “Қор қўйнида лола”, “Новвой қиз” сингари ҳикояларида ўзбек хотин-қизларининг аянчли тақдирини ёритиб берган.

Чўлпон шеърятининг севимли мавзуларидан бири хотин-қизлар озодлиги бўлган. У бу масалани истиқлол учун курашнинг таркибий қисми деб билди. Шоир наздида истебдоднинг энг оғир юки улар зиммасига тушган эди. Биргина мустамлакачилик эмас, ўз ичимиздаги мутаассиблик, жаҳолат азобини кўпроқ улар тортганлигини таъкидлайди. Аёлларга нисбатан шафқатсиз муносабатларни ёритиб беришга ҳаракат қилади. Улар тилидан айтилган куйидаги сатрларда ҳам жуда катта ҳақиқат борлиги фикрларимизни тасдиқлайди.

Кулган бошқалардир, йиғлаган менман,  
Ўйнаган бошқалар, инграган менман.  
Эрк эртақларини эшитган бошқа,  
Куллик қўшиғини тинглаган менман...

Бир томонда, эрк, мустақиллик учун кетаётган шафқатсиз кураш, иккинчи томондан, очлик-қаҳатчилик. Бир томонда, миллат ичида яратилган “синфий кураш”, иккинчи ёқда жаҳолат, мутаассиблик (ўта фидойилик). Бундай ҳолат шоирни ларзага солади. Айни пайтда, бу курашларнинг ҳар бири ҳаёт-мамонт кураши бўлиб, бири иккинчиси билан боғланиб кетган эди. Лекин аҳамиятига кўра энг муҳими истиклол, эрк учун кетаётган кураш бўлган. Шуларни ўйлаган шоир ўзининг “Улуғ йўлда” номли шеърида юксак мақсадларга эришиш йўлларини кўрсатишга ҳаракат қилган. Шу тариқа, у ватандош ва миллатдошларини юксак виждон билан яшашга ундайди.

Фарғона водийси жадидчилик ҳаракатининг фаол иштирокчиси миллий ўйғониш даврининг ижодкорларидан бири Исҳоқхон тўра Ибрат асли Наманган томондан бўлса-да, умрининг асосий қисми Қўқонда ўтган. Исҳоқхоннинг Қўқон мадрасаларида таҳсил кўрган йиллари (1878-1886) Фарғонада водийси маданий ҳаётида, маорифида катта ўзгаришлар содир бўлаётган даврига тўғри келди. У Қўқон адабий муҳитининг йирик намоёндалари Муқимий, Фуркат, Муҳйи, Завқий, Нодим, Ҳазинийлар билан ижодий алоқада бўлган.

Туркистон жадидлари каби Ибрат ҳам ўз халқини мутараққий миллатлар билан тенг кўришни истаган. Буни мактаб-мадрасаларни тубдан ислоҳ қилиш орқали эришиш мумкинлиги англаб етган. Шунинг учун ўзининг бор куч-ғайратини, билимини жадид намоёндалари билан бирлаштиришга ҳаракат қилган. Жумладан, Исҳоқхон тўра Ибрат Тошкент жадидлари раҳбарлик қилган “Садойи Туркистон”, Фарғонадаги “Садойи Фарғона” сингари газеталарида ўз асарлари билан иштирок этган.

Исҳоқхон тўра Ибрат жаҳон илми ва маданиятида яратилган ҳар бир илғор янгиликдан ўз халқини баҳраманд этишга ҳаракат қилди. 1809 йили ташкил қилинган “Фотографияи Исҳоқия”, 1910 йили Тўрақўрғон аҳолиси учун бунёд этилган истироҳат боғи буни тасдиқлайди.

Исҳоқхон тўра Ибрат ижодидаги етакчи ғоя илм-маърифат, маданият ва техника янгиликларини тарғиб этиш ғоясидир. У халқнинг иқтисодий-маданий ҳаётига хизмат қилувчи, унинг мушкулларини енгиллаштирувчи, узоғини яқин қилувчи илм-фанни, техникани тарғиб этди. Исҳоқхон тўра Ибрат меҳнаткаш халқ бошидаги оғир ҳаёт, қашшоқлик, мамлакатдаги қалоқликда, халқнинг нодонликда қолгани сабабларини аниқлаш, ундан қутқариш йўлларини топишга ҳаракат қилди. Бир неча тараққий этган мамлакатларда бўлган Ибрат халқни зулматдан, мамлакатни қалоқликдан қутқарувчи бирдан-бир йўл илм-маърифатни эгаллаш деб тушунади[9].

Муҳаммадшариф Сўфизода XIX аср охири XX аср бошларидаги ўзбек маданиятининг кўзга кўринган вакиллари билан бири бўлиб, маърифатпарвар, мураббий сифатида ҳам маориф ва маданиятимиз тарихида салмоқли ўринга эга. У ўнинчи йиллардаёқ янги усул жадид мактабларини очиб, болаларга дарс берган, илм-маърифатни кенг халқ орасига ёйишга жонбозлик кўрсатган кишилардан бири сифатида Фарғона водийсида шуҳрат топди. 1913 йилнинг охирига келиб, Чустда янги усул жадид мактабини очди ва унинг пештоғига “Мен ул буёқчиманки, мактаб хумуда ранг бериб, қора чаппаларни ўн икки ойда оқ қиламан”[10], деб ёзиб қўйган. Муҳаммадшариф Сўфизода биргина “усули жадид” мактаби муаллими эмас, у аввало, тиксўз, ҳақиқатпараст шоир бўлган.

Кўриниб турибдики, бу даврда жадидлар ижтимоий-сиёсий куч сифатида майдонга чиқдилар. Халқ эса уларда ўз ҳимоячиларини хис этди. Айниқса, Туркистоннинг бошқа ўлкаларида бўлгани каби Фарғона водийси жадидчилик ҳаракати ҳам сиёсий маърифатпарварликдан Жадид фирқаси даражасига кўтарилиб, барча халқларнинг тақдирини ўйлаб иш кўрадиган демократик жараённинг энг саводли, олижаноб намоёндаларига айландилар.

#### **АДАБИЁТЛАР**

1. *Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. 2002. 3-том. – Т.: - 519 б.*
2. *Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққийёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон. Т. 1. - 471 б.*
3. *Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият. 2008. 49-б.*
4. *Ўша жойда. 49-б.*



5. Миллий Ўйғониш даври ўзбек адабиёти. – Т.: Маънавият. 2004. - 386 б.
6. Миллий Ўйғониш даври ўзбек адабиёти. –Т.: Маънавият. 2004. - 387 б.
7. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. – Т.: Маънавият. 2004. 388-389-б.
8. Заки Валидий. Хотиралар. Анқара. 1999. //Наишга тайёрловчи Исанбика Туган. 98-101-б.
9. Миллий Уйғониш даври адабиёти. – Т.: Маънавият. 2004. – 177 б.
10. Расулов Т. Шоир Сўфизода ҳақида. (Сўфизода. “Тароналар” китобида). – Т.: Маънавият, 1968. 6-б.

УДК: 18

## ШАХС ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТИНИНГ МАЪНАВИЙ-ЭСТЕТИК МАЗМУНИ ВА ХАРАКТЕРИ

### ДУХОВНО-ЭСТЕТИЧЕСКОЕ СОДЕРЖАНИЕ И ХАРАКТЕР ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ ЧЕЛОВЕКА

#### SPIRITUAL AND AESTHETIC CONTENT AND NATURE OF HUMAN ENVIRONMENTAL CULTURE

*Фуломов Акрамжон Бахромович*  
ФарДУ фалсафа каф. ўқит.

**Аннотация.** Мақолада шахс экологик маданиятини шакллантиришининг маънавий-эстетик жиҳатлари, бунда буюк аждодларимизнинг ўз асарларида табиатга оқилона муносабат борасидаги фикрларининг бадий эстетик хусусиятлари, уларнинг шахс экологик маданияти шаклланишига кўрсатадиган таъсири ҳақида сўз боради. Шунингдек тарихий тараққиёт давомида умуминсоний гоъларни ифодалаган бадий адабиёт шахс экологик онг ва маданиятни бадий образлар орқали шакллантириши билан инсониятни табиатни севиши, уни асраб-авайлашдан иборат маънавий-ахлоқий камолотга даъват этиши ҳақида фикр юритилган.

**Таянч сўзлар:** табиат, шахс, экология, экологик онг, экологик маданият, санъат, бадий адабиёт, маънавият, эстетик муносабат.

**Аннотация.** В статье рассматриваются духовно-эстетические аспекты формирования экологической культуры личности, в их произведениях – художественно-эстетические особенности представлений наших великих предков о рациональном отношении к природе и их влияние на формирование экологической культуры личности. Также считается, что художественная литература, которая отражает гуманистические идеи на протяжении всей истории, призывает к нравственному совершенствованию любви и сохранения природы путем формирования экологического сознания и культуры человека с помощью художественных образов.

**Ключевые слова:** природа, личность, экология, экологическое сознание, экологическая культура, искусство, художественная литература, духовность, эстетическое отношение.

**Abstract.** The article discusses the spiritual and aesthetic aspects of the formation of the ecological culture of the individual, in their works - the artistic and aesthetic features of the ideas of our great ancestors about the rational attitude to nature and their influence on the formation of the ecological culture of the individual. It is also believed that literary literature, which reflects humanistic ideas throughout history, calls for the moral improvement of love and the preservation of nature through the formation of ecological consciousness and human culture using artistic images.

**Key words:** nature, personality, ecology, environmental consciousness, ecological culture, art, fiction, spirituality, aesthetic attitude.

Янги тараққиёт жараёнида давлатимиз томонидан олиб борилаётган экологик сиёсатнинг энг муҳим вазифаларидан бири аҳолининг экологик маданиятини янада ривожлантиришдир. Бу ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўз нутқларидан бирида қуйидагиларни таъкидлаган эди: “Энг муҳим масала – аҳолининг



экологик маданиятни ошириш ҳақида жиддий бош қотиришимиз зарур. Албатта, бундай муаммоларни фақат маъмурий йўл билан ҳал этиб бўлмайди, бунга ёш авлод қалбида она табиатга меҳр-муҳаббат, унга дахлдорлик ҳиссини тарбиялаш орқали эришиш мумкин[4]”. Бундай муҳим вазифаларни ҳал этишда ўтмиш меросимиз, буюк аждодларимизнинг ўзларининг маънавий-эстетик мазмундаги асарларида муаммога доир қарашларидан бохабар бўлиш ва уларни таълим-тарбия жараёнига олиб кириш муҳим аҳамиятга эга.

Тарихий тараққиёт давомида умуминсоний ғояларни ифодолаган бадиий адабиёт шахс экологик онг ва маданиятни бадиий образлар орқали шакллантириш билан инсониятни табиатни севиш, уни асраб-авайлашдан иборат маънавий-ахлоқий камолотга даъват этиб келган. Жумладан, умумжаҳон экологик маънавий тафаккур ривожига Марказий Осиёдан етишиб чиққан буюк мутафаккирлар дунёқарашини ифодалаган экологик мавзудаги бадиий мероси ҳам бунга улкан ҳисса бўлиб қўшилганлиги тарихий ҳақиқатдир. Айниқса, Маҳмуд Кошғарий, Абу Али ибн Сино, Носир Хисрав, Аҳмад Яссавий, Юсуф Хос Ҳожиб, Умар Хайём, Абдурахмон Жомий, Лутфий, Алишер Навоий, Бобур, Машраб, Махмур, Гулханий, Муқимий, Фурқат ва Огаҳий сингари юзлаб Шарқ мутафаккирлари адабий асарларидаги теран экологик-фалсафий таълимотларининг умуминсоният маънавий мероси сифатида эътироф этилиши фикримиз далилдир.

Жалолиддин Румий “Най таронаси” деб номланган шеърида табиат элементлари ўртасидаги уйғунликка путур етса, парокандалик вужудга келишини лирик кечинмаларда ифодалаб: “... гул кетса, гулистон қолмагай, сўнгра булбул бирла дoston қолмагай”[2], деб ёзган эди. Румий инсоннинг бу дунёда мавжудлиги, ҳаёти, шодлиги, завқ-шавқи табиат борлиги, гўзаллиги билан муштарак ва бир бутунликлигини қайд этган.

Абу Али ибн Сино буюк табобат олими, файласуф, тилшунос, бўлиш билан бирга, забардаст адиб ҳам эди. Унинг “Тайр”, “Саломон ва Ибсол”[6] каби насрий асарларида ва шеърларида табиат борлигини асраб-авайлаш, меҳрли бўлиш, жонзотларга, ўсимликларга озор етказмаслик каби ғояларни ифодалаган. Масалан, “Саломон ва Ибсол” асарида беҳуш ётган Ибсолни оқ кийик ўлимдан сақлаб қолади. Ибсолнинг инсондан кўрмаган яхшилиқни забонсиз бир жонивордан топганлиги китобхонни чуқур фалсафий мушоҳадалар, табиатга муҳаббат туйғулари шакллантиришга қўмаклашади.

Бадиий адабиётда экологик мазмундаги мавзулар акс этишининг тадрижий жараёнлари таҳлили кўрсатадики, у ҳам, бошқа санъат турлари сингари, жамиятнинг мавжуд объектив шарт-шароити ва субъектив омиллари билан узвий боғланиб келган. Чунончи, мустабид тизимда бадиий адабиётнинг ифодавий моҳияти, албатта синфий, партиявий тамойилларга асосланган бўлиб, экологик мавзуларни бадиий ёритилишида ҳаёт ҳақиқати кўрсатилди. Хусусан, чўлларни ўзлаштиришни тараннум қилган бадиий адабиёт, сиёсий тизимнинг минтақа учун экологик ҳалокатга берган фатвоси маддоҳига айланди. “Узокни кўзлаган қиз”, “Турсуной ва унинг издошлари”[7], “Чўл бекаси”[5] каби асарлар шулар жумласидандир.

Бадиий адабиётнинг шахс экологик онги ва маданияти равнақига таъсир доирасини, босқичларини тадқиқ этишда, унинг тарихий ривожланиш тенденцияларини аниқлаш муҳим методологик аҳамиятга эга. Зеро, тарих истикбол мўлжалини кўрсатувчи келажак сабоғидир. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов буюк аждодларимизнинг маънавий-ахлоқий тарбия борасидаги бой меросини чуқур ўрганиш ва ундан жамиятимизни маънавий янгилашда оқилона фойдаланиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратганлар.

Хусусан, зардуштийликнинг муқаддас китоби “Авесто”нинг экологик ғоялари ҳақидаги: “Ота-боболаримизнинг асрлар давомида ҳаётий тажрибаси, диний, ахлоқий, илмий, адабий қарашларини ифода этадиган бу каби тарихий ёдгорликлар орасида бундан қарийб уч минг йил муқаддам Хоразм воҳаси ҳудудида яратилган, “Авесто” деб аталган бебаҳо маънавий обида алоҳида ўрин тутади. Ана шундай тарихий ёдгорлик намуналари билан яқиндан танишар эканмиз, уларда ифода этилган теран фикр ва ғоялар, ҳаёт фалсафаси бизни бугун ҳам ҳайратда қолдиришига яна бир қарра амин бўламиз... “Авесто”да борлиқнинг яхлитлиги ва бир бутунлиги, инсон ҳаётининг табиат билан уйғунлиги масаласи одамнинг руҳий оламига чамбарчас боғлиқ ҳолда кўрсатилгани кўп нарсани англатади”[6],

деган фикрлари муҳим назарий-методологик ва амалий аҳамиятга эга.

Шахс экологик маданиятининг бадиий шакллари, маънавий-эстетик мазмуни ва характери бадиий тафаккурнинг тарихий типи бўлиб, экологик воқеликни акс эттиришнинг ўзига хос шакли сифатида бадиий образ вужудга келади. Шахс экологик маданияти шаклланишига таъсир кўрсатувчи бадиий образлар ижодкорнинг махсус тафаккур типи бўлиб, бир томондан, унинг бадиий шакл ва мазмун ўзаро уйғунлигини таъминловчи методни қай даражада эгаллаганлигига боғлиқ. Иккинчи томондан эса, бадиий метод ижодкор томонидан экологик воқелик таркибидан ижод учун зарур объектни танлашида намоён бўлади. Шундай қилиб, биз тадқиқ қилаётган мавзу доирасида ҳам бадиий адабиётнинг методи шахс экологик кадриятларини шакллантириш ва уларни ҳаёт тарзига айланттириш ўртасида боғловчилик вазифасини бажаради.

Бадиий метод адабиётда ифодаланаётган шахс экологик онги ва маданиятини шакллантириш, амалий фаолиятида рўёбга чиқаришнинг имконияти тарзида ўрганилиши керак. Энг аввало, шахс экологик маданиятни шакллантиришга йўналтирилган муайян бадиий методни қўллаш янги экологик кадриятларни яратиш ва ривожлантириш фаолиятidir. Бу фаолиятнинг трансформатори муаллиф ҳисобланади. Муаллифнинг ижтимоий роли – бадиий адабиётнинг муайян методини қўллаган ҳолда, шахс экологик онги ва маданиятини шакллантиришдир. Бошқача айтганда, бир-биридан нисбатан мустақил: бадиий образларни яратиш (конструкция), маълумотни узатиш (коммуникация), қабул қилиш ва ўзлаштириш (“утилизация”) жараёнлари ўзаро боғлиқ ҳолда самарали бўлади.

Ижод маҳсулини яратиш ва уни ўзлаштириш жараёнида: бир томондан, бадиий образларнинг экологик воқеликни адекват акс эттириш усули ва бадиий образларни идеал воқелик сифатида ўзлаштириш имконияти ўртасидаги диалектик муносабатларни, бошқа томондан, бадиий адабиётнинг “табиат-жамият-инсон” муносабатларидаги ўзгаришларида, яъни экологик вазият кескинлашувида инсон омилининг ролини кўрсатиши муҳим аҳамиятга эга. Зеро, бадиий образнинг муаллиф ижодидан, унинг истеъмолчиси томон ҳаракати мураккаб ижтимоий макон ва тарихий замон зиддиятлари “орасидан ўтади”.

Лекин экологик кадриятларга нисбатан ижодкорлар ва ўқувчиларнинг муносабатидаги умумийлик, уларнинг идрокда нисбатан бир хил бўлган бадиий образларни яратиш ва қабул қилиш имкониятлари бирлигини вужудга келтиради. Бундай бирлик бўлмаса, бадиий ижод ва уни қабул қилиш ўртасида номутаносиблик келиб чиқади, натижада бадиий адабиётнинг функционал бир бутунлиги бузилади. Бошқача айтганда, бадиий адабиёт тизимидаги объект ва субъект бирлиги, нафақат уларнинг фаолияти бири-бирини тақозо этиши, балки бадиий асар муаллифини ҳам, идрок қилувчисини ҳам, ўз таркибига киритишида ифодаланади.

Экологик муаммоларни ҳал этишдаги шахс маданияти вазифасини турли жанрларни ижодий идрок этишдаги фарқлар, вужудга келган экологик вазиятни бартараф қилишда муаллиф ва ўқувчининг фикрларидаги бадиий маданиятнинг имкониятларини баҳолашида ўз ифодасини топади. Бу ҳолат адабиётшуносликда бошқа маданият шаклларида нисбатан яққолроқ намоён бўлмоқда. Чунки маданиятнинг, хусусан, санъатнинг бошқа турлари ҳам, бадиий образ объектини адекват қабул қилишга қодир бўлган: муаллиф-ижодкорнинг ва ўқувчининг “экологик сифатларини” алоҳида тарзда акс эттиради.

Бадиий ижод зиддиятларида экологик маданиятни ривожлантириш диалектикаси намоён бўлади. Хусусан, ижодда ижтимоийлик ва индивидуаллик, бадиий ижод қонунларини англаш ва қўллаш, ижод жараёнида янги методдан фойдаланишнинг комплекслиги ва универсаллиги, усулнинг самарадорлиги, ижоддаги қоида ва нормаларга риоя этишдан четга чиқиш, образларни ифодалашдаги иррационализм, онглилик ва онгсизлик ўртасидаги зиддиятлар бадиий адабиётнинг экологик мазмуни ва унинг ривожланишидаги ўзига хос йўналишларга таъсир кўрсатади. Уларнинг ҳаракатлантирувчи субъектив омили муаллифнинг ижтимоий тарихий тажрибалари ҳисобланади.

Ижодкорнинг бадиий асари ва уни “истеъмол” қиладиган жамият ўртасидаги муносабат яхлит системанинг таркибий қисмларини ташкил қиладди. Яъни экологик бадиий образларга: жамият эҳтиёжини қондирувчи буюртмачи, муаллиф, ношир ва бевосита истеъмолчи

ўртасидаги функционал боғланишларнинг узвийлик характери, бу тизим самарадорлигини таъминлайди. Бунда муаллифнинг муаммога нисбатан индивидуал ижтимоий позицияси муҳим аҳамиятга эга.

Бадий адабиёт таркибида: буюртмачи, муаллиф, ношир ва ўқувчи фаолиятидаги уйғунлик, ҳар бир элементнинг нисбатан мустақил функциясини аниқлашни тақозо этади. Хусусан, ноширнинг вазифаси муайян асарини чоп этиш ва уни оммалаштириш инфратузилмасини ташкиллаштириш ва бошқаришдан иборат маркетинг масалаларини қамраб олади. Умуман, бадий ижод функциясини таъминловчи турли муассаса, ташкилотлар, ижтимоий институтлар тизимининг пайдо бўлиши, бадий адабиётда янги муносабатлар таркибини шакллантиради.

Бадий адабиётнинг ижтимоий институтлари тизимини ташкил қилган элементлар ўртасидаги асосий зиддият – уларнинг функциясидаги жамият бадий-эстетик эҳтиёжларни қондириш ва ижтимоий-иқтисодий утилитар мақсадларга эришиш ўртасидаги зиддиятдир. Бу зиддиятнинг реал мазмуни, кўлами ва ҳал қилиш усул-воситалари самарадорлиги, уни таъминловчи объектив шарт-шароитлар ва субъектив омилларга боғлиқ.

Жамиятнинг экологик эҳтиёжларидан келиб чиқувчи бадий ижод, унинг объектив воқелиги инъикоси бўлган бадий образлар субъектив оламига қараб борса, экологик бадий образлар, ўз навбатида, ўқувчининг бадий идроки орқали воқеликка қараб боради. Бунда бадий образларда ифодаланган экологик ғояларни идрок этиш, улардан амалий фойдаланиш, яъни табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилиш жараёнида шахснинг экологик онги ва маданияти ҳақиқий ижтимоий маъно-мазмунга эга бўлади.

Экологик воқеликни бадий образларда идрок этишнинг асосий зиддияти, унинг объектига адекватлиги билан боғлиқ бўлиб: бир томондан, конкрет шахс ёки муайян ижтимоий бирликлар бадий асарлар қахрамонлари ҳисобланади ва ижтимоий ҳаётининг объектив шарт-шароитлари, субъектив омиллари таъсирида шаклланган муайян қонун-қоидаларга бўйсунди ва эҳтиёжларга эгадирлар. Бошқа томондан, бадий асарда кўтарилган экологик муаммо, унинг ифодаланиш шаклига ҳамда объекти бўлган шахс экологик маданияти даражасига мос бўлиши керак.

Бу ерда омманинг экологик эҳтиёжларини аниқлаш ва уларни ижодкорнинг бадий образларда ифодалаш санъати ва бадий маҳоратини баҳолаш вазифаларини ўз зиммасига олувчи бадий танқидга зарурат юзага чиқади. Тадқиқ қилаётган мавзумиз нуқтаи назаридан, бадий танқидчиликнинг муҳим вазифаси – шахс экологик фаолиятини ижтимоий идеаллар нуқтаи назаридан норматив-баҳолаш ва ўзига хос таъсир каналлари орқали бадий адабиётнинг экологик таълим-тарбия функциясини мафкуравий бошқаришдан иборат.

Хулоса қилиб айтганда, шахс экологик онги ва маданиятига бадий адабиётнинг таъсири кенг қамровли ҳодиса бўлиб, ҳар қандай тарихий даврларда конкрет вазифаларни бажаришга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам, унинг вазифалари экологик муаммоларнинг устувор йўналишларига мос тарзда турли даврларда турлича талқин қилинган. Масалан, қадимги давр бадий адабиётида табиатнинг конкрет унсурларини муҳофаза қилиш ҳаётий эҳтиёж бўлиб, уларга нисбатан дин ва ахлоқ томонидан “табу”лар эълон қилинган. Жумладан, “Авесто” китобида табиатга муносабат икки жиҳати билан намоён бўлади.

Бири – табиат унсурларини муқаддаслаштириш, иккинчиси – инсоннинг табиат билан моддий яратувчилик муносабатларини муқаддаслаштириш. Масалан, Ардвисурага бағишланган бешинчи Яштида сув улуғланади, унинг дон ундириши, чорва ташналигини қондириш, инсон бойлигига барака келтириб, мулкни кўпайтириши, ўлкаларни гуллаб-яшнатиш тилга олинади[1]. Шунингдек, Геродотнинг “Тарих” асаридаги қадимги асотирларни туркий битиклар билан қиёсий ўрганиш: “табиат (ер) – инсон-маънавият (осмон)” муносабатларини тушунишда; Култегин катта битигида: “Юзада кўк Тангри остда қора ер қилинди, иккиси аро киши ўғил қилинди”, деб кўрсатилган бўлса, “Ирқ битик”да ҳам инсон ўз тақдирини табиат кўзгусидан қидиришини бадий образларда ифодаланишида уйғунлик кўзга ташланади.

Хулоса сифатида куйидагиларни таъкидламоқчимиз:

**Биринчидан**, бугунги кунда маънавий-эстетик манбаларнинг экологик воқеликни бадий образлар воситасида ижодий акс эттириши, пассив ҳодиса бўлмасдан, аксинча инсоннинг экологик фаолиятини норматив-баҳолаш, ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилиш нуқтаи назаридан комплекс-системали ижтимоий ҳодисадир.

**Иккинчидан**, маънавий-эстетик манбалар инсон меҳнати, ақл-идроки, онг-шуури билан яратилган маънавий борлиқнинг реал мавжудлик ҳолати бўлиб, вужудга келган ҳар қандай ҳодисага, шу жумладан экологик воқеликка нисбатан ўз позициясини аниқлаб олган ижтимоий онг шаклидир.

**Учинчидан**, маънавий-эстетик манбаларда экологик муаммоларни кун тартибига қўйиш ва ҳал этиш усулларини, воситаларини кўрсатиши, инсон ижтимоий фаолиятининг ижодкорлик характерини намоён этади ва унда шахснинг ўзига хос истеъдоди, маҳорати намоён бўлади.

**Тўртинчидан**, маънавий-эстетик манбалар маънавий маданиятнинг ўзаги сифатида ҳамма вақт реал воқеликдан келиб чиқади ва уни идеал образлар тарзида ифодалаш усули бўлиб, экологик онг ва маданият шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар. – Т.: Шарқ, 1998. 67-б.
2. Жалолiddин Румий. Учмоққа қанотим йўқ вале учгайман. - Т.: Ф.Фулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. –Б. 3-5.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. 31-32-б.
4. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. –570 б.
5. Назир Ҳаким. Чўл бекаси. Очерклар. – Т.: “Адабиёт ва санъат” нашри, 1973. 68-б.
6. Раҳмонов Н., Болтабоев Ҳ. Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари. 1-жилд. – Т.: Фан, 114-123-б.
7. Чориев Анвар. Инсон фалсафаси (иккинчи китоб) Мустақил шахс. – Т.: Chinor ENK, 2002. 77-б.

УДК: 327.3

## ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ БОРАСИДАГИ НЕОКОНСЕРВАТИВ ЁНДАШУВЛАР РИВОЖИ

### РАЗВИТИЕ НЕОКОНСЕРВАТИВНЫХ ПОДХОДОВ К ДЕМОКРАТИЗАЦИИ

### DEVELOPMENT OF NEOCONSERVATIVE APPROACHES TO DEMOCRATIZATION

**Тураев Аббар Салоҳиддинович**

ЖДПИ ижтимоий фанлар каф. кат. ўқит.

**Аннотация.** Мақолада замонавий сиёсий мафкуралардан бири бўлган неоконсерватизм ривожига демократлаштириш гоёларининг ўрни, АҚШ ички ва ташқи сиёсатида таъсири ҳамда неоконсерватизм назариётчиларининг концептуал қараишлари хусусида фикр юритилади. Хусусан, АҚШ неоконсерватизмининг демократияни қўллаб-қувватлаш ва уни стратегик мақсадлар учун “экспорт қилиш”, демократия “тақчиллиги” кузатилаётган давлатлардаги либерал-демократик ислохотларни тезлаштириш сингари деструктив ёндашувлари таҳлил қилинади.

**Таянч сўзлар:** неоконсерватизм, демократлаштириш, ташқи сиёсат, АҚШ, демократияни ёйиш, Яқин Шарқ, гегемонлик.

**Аннотация.** В статье обсуждается роль демократизации в развитии неоконсерватизма, одной из современных политических идеологий, ее влияние на внутреннюю и внешнюю политику США, а также концептуальные взгляды неоконсервативных теоретиков. В частности, анализируются деструктивные подходы неоконсерватизма к поддержке демократии и ее «экспорту» в стратегических целях, ускорению либерально-демократических реформ в странах, где наблюдается «дефицит» демократии.



**Ключевые слова:** *неоконсерватизм, демократизация, внешняя политика, США, продвижение демократии, Ближний Восток, гегемонистская идеология.*

**Abstract.** *The article discusses the role of democratization in the development of neoconservatism, one of contemporary political ideologies, its impact on USA domestic and foreign policy, and the conceptual views of neoconservative theorists. In particular, an analysis will be made of the destructive approaches of neoconservatism to supporting democracy and its "export" for strategic purposes, accelerating liberal democratic reforms in countries where there is a "deficit" of democracy.*

**Key words:** *neoconservatism, democratization, foreign policy, USA, democracy promotion, Middle East, hegemonic ideology.*

**Кириш.** Икки кутбли дунё тартиботининг барҳам топиши, тоталитар бошқарув услубларидан воз кечилиши, халқаро ҳуқуқ тамойиллари ўрнатилиши жаҳон ҳамжамияти, турли миллат ва элатларнинг эмин эркин, миллий қадриятлар ва ўзига хос тарихий анъаналар асосида ўз жамиятларини ислоҳ қилиш имконияти юзага келди. Давлат бошқаруви, иқтисодиёт ва маданий соҳадаги ислоҳотлар, аввало, бутун дунё тан олаётган ва умуминсоний қадрият сифатида намоён бўлаётган тамойиллар асосига қурилмоқда. Аммо бугунги дунёнинг мафкуравий манзарасига назар ташланса, турли ғаразли мақсадларни кўзловчи, тор доирадаги гуруҳлар эҳтиёжларига йўналтирилган мафкуравий таъсирлар кўлами ҳам ортиб бораётганлиги намоён бўлади. Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида таъкидланганидек, мафкура полигонлари ядро полигонларидан кучлироқ таъсирга эга бўлмоқда. Айниқса, глобал гегемонликка интилаётган кучларнинг ривожланаётган минтақалардаги сиёсатида мана шундай таъсирларни кўриш мумкин. Хусусан, XXI асрнинг дастлабки ўн йиллиги давомида Марказий Осиё, Каспийбўйи ва Яқин Шарқ сингари минтақалардаги мафкуравий рақобат геосиёсий императивларга асосланди ва минтақалардаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнларга салбий таъсир кўрсатмоқда.

**Асосий қисм.** Замонавий сиёсий мафкуралар ичида неоконсерватизм АҚШ сингари йирик давлатлар бошқаруви ва сиёсий қарорлар қабул қилишига жиддий таъсир кўрсатиши натижасида турли минтақаларда ҳали ҳануз давом этаётган кескинлик жаҳон ҳамжамиятини жиддий ҳавотирга солган. XX асрнинг сўнги чорагида АҚШ неоконсерватив ташқи сиёсий стратегияси баҳс-мунозараларида демократия асосий диққат марказдаги масаладан бири бўлиб келди. Неоконсерватив ташқи сиёсат консерватизмнинг бошқа йўналишларидан демократияни қўллаб-қувватлаши ва уни стратегик мақсадлар учун экспорт қилиш, зарур вазиятларда “қаттиқ куч” (курол-яроғ воситасида – Т.А) билан амалга ошириш жиҳатлари билан ажралиб туради. Таҳлилларда бу ҳолат неоконсерватизмнинг иккинчи авлоди мақсадларининг юзага чиқиши билан изоҳланади.

Совуқ уруш тугаши билан 1970-йилларда юзага келган неоконсерваторларнинг биринчи авлоди иккинчи ёш неоконсерваторлар билан алмашиш жараёни кузатилди. Улар “Америка униполаризми” ғояси атрофида жипслашиб, ташқи сиёсий режалаштириш масалаларига ўз таъсирини кўрсата бошладилар. Либерал демократик тамойилларнинг мамлакат ички ва ташқи сиёсатида акс этиши борасида неоконсерваторлар билан либерализм мафкураси тарафдорлари ўртасида муайян бирлашувни кузатиш мумкин. Шу билан бирга ички сиёсий қарорларда либерализм қоидаларининг кўпроқ акс этиши ёки ташқи сиёсатда демократияни ёйиш ғояларининг амалиёти баъзан ўз камчиликларини ҳам кўрсатади.

XX аср ва XXI аср бошларида демократик давлатлар ўзаро урушмайди, деган тамойил қанчалик жозибадор бўлмасин, масъулиятсизлик, бепарволик, ҳарбий қудратни оширишга эътиборнинг камайиши қаби ҳолатлар ҳам кузатилди. Аммо, неоконсерваторларнинг фикрича, демократия хавфсиз мавжудлигининг ягона ечими унинг ҳарбий куч-қудрати, устунлигидир[8, р.39].

Неоконсерваторларнинг кейинги авлодини И.Далдер ва Ж.Линдсей “демократик империалистлар” деб таърифлайдилар[3, р.15]. С.Халпер ва Ж.Кларк эса уларни Яқин



## FALSAFA, HUQUQ VA SIYOSATSHUNOSLIK

Шарқни демократлаштиришда Кичик Ж.Буш ҳукуматини тезлатганликда айблайдилар. Умуман, қатор ғарблик тадқиқотчилар 1990-йиллардан кейинги неоконсерваторларнинг иккинчи авлодини демократлаштиришнинг илк неоконсерватив ғоячилари сифатида талқин этадилар.

Неоконсерваторлар авторитаризм ва теократия тузумларини Яқин Шарқдаги антиамериканизмнинг кучайиши ва кенг ёйишининг омили сифатида баҳолайдилар. Шу боис улар минтақада демократик қайта қуришларни амалга оширишга зўр берадилар. Таъкидлаш керакки, 1990-йиллар давомида неоконсерваторлар томонидан демократияни тарғиб этиш ва қўллаб-қувватлаш жараёнларини фақатгина “юмшоқ таъсир” (soft power) орқали амалга ошириш таъкидланган бўлиб, улар бошқа давлатларга демократияни олиб кириш учун курулли ҳаракатларни рад этиб келган эди. Хусусан, У.Кристал ва Р.Каган ўз фаолиятлари давомида “юмшоқ таъсир” ташаббусини қўллаб-қувватлаб келган бўлиб, асосан, маданий алмашинув, турли амалий ёрдамларни кўпайтириш ва зарур ҳолатларда ҳарбий жиҳатдан ёрдам кўрсатишни ёқлаб келганлар.

Р.Каганнинг фикрича, демократия мурасага келиб бўлмайдиган йўсинда тарғиб этилмаслиги лозим. Фақатгина зарурат тақозо этсагина, мурасасизлик бўлиши мумкин[13, р.12-14]. Бу каби фикрларни давом эттириб, неоконсерватив ғояларнинг таниқли тарафдори Ч.Краутхаммер демократияни ҳамма жойда қўллаб-қувватлаш керак ...стратегик зарурат юзага келганда қонли тўкилишлар содир этилиши мумкин, лекин ҳар қандай ҳолатларда ҳарбий интервенцияларнинг олди олинишига интилиш лозим, деб таъкидлайди[6].

Аммо 1990-йилларда кейинги авлод вакиллари томонидан асос солинган “Янги Америка асри лойиҳаси” (PNAC)нинг 1998 йилги президент Б.Клинтонга Ироқдаги тузумни ўзгартириш хатининг мазмуни демократия эмас, балки геосиёсий масалалардан дунё нефть таъминотининг муҳим қисми хавфсизлиги сингари масалалардан иборат бўлганлиги[10] уларнинг ҳарбий куч воситасидан фойдаланишни рад этишга шубҳа билан қарашга мажбур қилади. Ҳатто PNAC нинг 2001 йил 20 сентябрда Бушга йўллаган мактубида ҳам Ироқда ёки бошқа бирор-бир жойда демократияни қўллаб-қувватлаш борасида даъватлар мавжуд эмас эди.

Танқидчилар АҚШ ташқи сиёсий концепциясининг консерватив-либерал турини таклиф этар экан, уларнинг фикрича, айнан шу вариантлар АҚШ ва бутун халқаро ҳамжамятнинг узок муддатли манфаатларига мос келиши мумкин. Шунга кўра, сиёсатшунос профессор Ч. Лейн бир қутбли дунёни рад этган ҳолда ўз моделини таклиф қилади. Унга кўпроқ АҚШ ҳаракатларидаги эркинлик, дунёдаги йирик давлатлар ўртасидаги кучлар балансига риоя этиш ёндашуви яқиндир. Лейн ўз стратегиясини “эркин баланс” сифатида тавсифлаб, уни гегемониянинг ҳар қандай турига қарама-қарши қўяди. У демократияни тарғиб этишда гегемонлик ғоялардан воз кечишни таклиф қилади. Бу келишмовчиликларнинг ҳал бўлишига, хусусан, Америка курулли кучлари ёрдамидаги гуманитар интервенция ўтказилишига ҳам ижобий таъсир кўрсатиши мумкин[5, р.86-112].

1990-2000 йиллар бошига назар солинса, АҚШ миллий манфаати сифатида демократияни илгари суриш ғоясига неоконсерваторлар томонидан скептик ёндашилганлиги кузатилади. Масалан, П.Вулфовиц таъкидлайдики, АҚШ дунё сиёсатида демократияни ёйишни кучайтиришда эҳтиёткорлик ҳолатида турибди[14]. Худди шундай, Ж.Муравчик ҳам, Америка манфаатлари демократияни ёйишни дастаклайди, аммо уни ёйишда урушга кирмаяпти[7, Р.161, 163, 164.]. Яна шу каби фикрларни 2003 йил февралда, Ироқ уруши бошланишидан бир ой аввал, У.Кристал ва Л.Каплан томонидан нашр қилинган ишда кузатиш мумкин. Уларнинг фикрича, ички репрессия ёки қўшниларга таҳдид қилаётган ҳамда терроризмни қўллаб-қувватлаётган диктарорлар Америка манфаатларига зиён етказмаслиги мумкин. АҚШ манфаатлари, иттифоқчиларга таҳдид юзага келганда, кенг қўламли ОҚҚни қўллаш билан боғлиқ қоидабузарликлар содир бўлсагина бошланади[4, р.27]. Демак, баҳсли ҳолат юзага келмоқда: бир томондан, неоконсерваторлар демократияни ёйиш тарафдорлари бўлиб чиқмоқдалар, аммо иккинчи томондан, у устувор ташқи сиёсат мақсади сифатида рад этилмоқда.

Кўпчилик АҚШнинг демократияни кенг ёйиш сиёсатини 9/11 воқеалари билан боғлаётган бўлса-да, ammo юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ПНАСнинг Бушга йўллаган мактубларида демократияни қўллаб-қувватлаш борасида аниқ таклифлар илгари сурилмаган эди. Шу ўринда АҚШ собиқ давлат котибаси М.Олбрайтнинг куйидаги фикрларини ҳам келтириш мумкин: “2002 йилги президентнинг Конгрессдаги чиқишида асосий эътиборни терроризмга қарши кураш ёки Афғонистонни демократик қайта қуришга эмас, балки Ироқ, Эрон ва Шимолий Корея масалаларига қаратди”[23, С.49.]. Ammo “Буш Доктринаси”га кўра, агар Яқин Шарқда демократия ғалаба қозонса, Американинг бу минтақадаги терроризм ва ОҚҚ тарқалишини йўқ қилиш сингари хавфсизлик муаммолари йўқолиши[12, Р.244.] хулосалари берилди.

2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан кейин АҚШ Араб дунёсида демократияни тарғиб этишни молиялаштиришни кучайтири. Бир қатор янги концепциялар илгари сурила бошлади. Шулардан бири “Катта Яқин Шарқ” концепцияси ҳисобланади. “Катта Яқин Шарқ” концепцияси 2003 йили ишлаб чиқилган бўлиб, ҳозирги кунгача бир қатор янгиланишлар билан “Янги Яқин Шарқ” сифатида эътироф этилмоқда. “Катта Яқин Шарқ” (“Greater Middle East”) Буш маъмурияти томонидан ишлаб чиқилган геосиёсий атама бўлиб, ўз ичига Араб дунёси, Эрон, Туркия, Афғонистон ва Покистонни қамраб олади. Янги Яқин Шарқ лойиҳаси бош расмий ҳужжати бу “АҚШнинг Яқин Шарқдаги янги миллий хавфсизлик стратегияси: 11 сентябрдан сўнг таҳлил” деб номланади.

Бу лойиҳада АҚШ Марокаш ва Марвитаниядан тортиб Афғонистонгача бўлган 24 та давлат чегарасини ўзгартиришга ҳаракат қилади. Катта Яқин Шарқ ва Шимолий Африка америкаликлар учун Евроосиё юраги (Heartland)ни эгаллаш учун плацдарм ҳисобланади. Катта Яқин Шарқ концепциясининг бош мақсадини мусулмон давлатларида фуқаролик жамиятлари институтларини ташкил этиш, қонун устуворлигини таъминлаш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, ижтимоий соҳаларда аёллар ролини ошириш, мустақил ОАВни ривожлантириш, аҳолининг глобал компьютер ахборот тармоқлари ва бошқа замонавий ахборот манбаларига уланиш имкониятларини кенгайтирган ҳолда чуқур модернизациялашга ёрдамлашиш ҳисобланади.

Демак, АҚШ неоконсерватив ташқи сиёсати ривож тенденцияларига эътибор қаратилса, кичик Ж.Буш маъмурияти ҳукмронлиги даврида босқичма-босқич демократияни илгари суриш ғоялари шакллантириб борилиши ва амалиётга жорий этилганлигини таъкидлаш жоиз. Масалан, Яқин Шарқ минтақаси барқарорлигига салбий таъсир кўрсатувчи омил сифатида минтақадаги бир қатор салбий “образлар”нинг шакллантирилиши амалиётчи неоконсерваторлар учун муҳим асос бўлди. Хусусан, президент кичик Ж.Буш 2002 йил 29 январда Ироқ, Эрон ва Шимолий Кореяни “Ёвузлик ўқи” дея атайди.

Бундай чақириқлар АҚШнинг ташқи сиёсатида кўп маротаба қўлланилган. Америка халқи демократик тамойилларни ўзига асос қилиб олгани туфайли АҚШ ҳукумати омманинг норозилигисиз ташқи сиёсатда эркин равишда гесиёсий мақсадларни рўёбга чиқариши қийин кечади. Шунинг учун ҳам омма фикрини геосиёсий мақсадлар билан бир маромда йўналтириш учун АҚШ ҳукумати кўпинча “яхши” ва “ёвуз” терминларини (бинар ёндашув) кўп қўллайди. Унга кўра АҚШ ҳукумати доим “яхши” позицияда бўлади, унга қарши кучлар, тажовуз қилувчилар ёки “ўлжалар” барчаси “ёвуз” куч сифатида эътироф этилади. 1980-йилларда Роналд Рейганнинг Совет Иттифоқини “ёвуз мамлакат” деб аташи ҳам бунга яққол мисол бўлади.

Бу сиёсатга кўра АҚШ ўзини дунёга цивилизация ва демократияни ёйувчи “яхши” куч сифатида кўрсатади ва бу вазифа “Илоҳий миссия” деб ҳам қаралади. Бу каби дунёқараш АҚШнинг XIX асрдаги ғарбий ҳудудларини замонавийлаштиришидан мерос бўлиб, ҳозирги кунда АҚШнинг дунёда ўз таъсирини ёйишида кўп қўлланилмоқда. “Салбий” ва “ёвуз” кучларга қарши халқаро курашни авж олдиришга уриниш ўзининг икки қарама-қарши жиҳатига эга. Биринчидан, халқаро ҳамжамиятнинг бундай кучларга қарши курашишидаги муносабати бир хил эмас. Иккинчидан эса неоконсерваторларнинг униполярстик позицияси халқаро ҳамкорликни чегаралайди. Шунга қарамай, АҚШ неоконсерваторлари таъсирида

демократияни илгари суришнинг халқаро ташаббуслари ҳам юзага келди.

Хусусан, 2003 йил 6 ноябрда президент Ж.Буш NED (The National Endowment for Democracy-NED фонди 1983 йили Президент Р.Рейган ва АҚШ Конгресси томонидан бутун дунёда ноҳукумат институтлар ҳаракатлари орқали демократик институтларни мустаҳкамлаш учун ташкил қилинган бўлиб, ҳар йили юзлаб грантлар Африка, Осиё, Яқин Шарқ ва бошқа минтақаларда демократик гуруҳларни қўллаб-қувватлаш учун ажратилади[26]) фонди ташкил этилганлигининг йигирма йиллигига бағишланган чиқишида АҚШнинг янги ташқи сиёсати мазмунини белгилловчи – “Глобал демократик инқилоб” ни эълон қилди. Лекин бу ташаббус олдинроқ Яқин Шарқ минтақасида қўллаб бўлинган, Ироқни “озод қилиш” билан бошланган бўлиб, бу минтақадаги бошқа давлатлар учун сабоқ бўлиши таъкидланган эди.

Кичик Ж.Бушнинг эътирофича, дунёдаги 40-50 та давлатларда мана шундай эркинлаштириш ишларини олиб бориш зарурати мавжуд бўлиб, Яқин Шарқ янги сиёсатида диққат марказдаги асосий ҳудуд бўлиб қолмоқда. Биринчи навбатда бу Эрон, Саудия Арабистони ва Сурия давлатлари бўлиб, улар етарли миқдорда нефть захираларига эга, шу билан бирга бу минтақадаги АҚШ манфаатларига қарши бормоқда ва Исроил хавфсизлигига таҳдид солади. Шу жиҳатдан, неоконсерваторлар АҚШ хавфсизлиги дунёдаги демократик давлатлар сонига боғлиқ деб ҳисоблайдилар. Аммо, улар учун дунё сиёсатидаги муҳим омил ҳарбий кучдир.

Мазкур икки жиҳатдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, 2000-йилларда неоконсерваторлар томонидан куч воситасида демократияни илгари суриш амалиёти тўлиқ неоконсерватив мантқиққа эга бўлди. Таъкидлаш жоизки, демократияни илгари суриш неоконсерваторлар учун ташқи сиёсий кун тартибидаги устувор масала сифатида қаралмайди. Стратегик жиҳатдан улар анъанавий тарзда Американинг глобал етакчилиги ва бошқа бир рақобат қилувчи давлатларнинг пайдо бўлишига йўл қўймасликка кучли эътибор қаратадилар.

Демократлаштириш сиёсати нафақат таниқли неоконсерваторлар ёки Оқ уй маъмурияти вакиллари нутқларида, балки шу масалага алоқадор қонун лойиҳаларида ҳам ўз аксини топди. Масалан, 2005 йил 3 мартда сенаторлар Ж.Маккейн ва Ж.Либерман ҳамда Вакиллар палатаси аъзоларидан Т.Лантос ва Ф.Вулф томонидан Конгрессга “Неодемократик мамлакатларда демократик қадриятлар ва демократияни тарқатиш қонун”и лойиҳасини киритилди. Аслида бу лойиҳанинг асосчилари Гудзон институтида тўпланган неоконсерватив фикрлар тарафдорлар, дипломат ва тадбиркор М.Палмер, ҳуқуқшунос Э.Кадель, сиёсатшунос М.Горовиц ва Б.Тангильо ҳисобланади.

Қонун лойиҳасига кўра, АҚШ ташқи сиёсатининг асосий мақсад ва миссияси хорижий давлатларда эркинлик ва демократияни ёйиш бўлиб, хорижий давлатларда демократик қадриятлар, тамойиллар ва амалиётни кучайтириш, кенг ёйиш ва қўллаб-қувватлаш учун барча таъсир этиш воситаларини қўллаш лозим[1]. Лойиҳага биноан АҚШ Давлат департаменти қонунда кўрсатилган барча вазифаларни бажарувчи ва масъул муассаса ҳисобланади. Асосий эътибор давлатлардаги ёшлар билан ишлаш масаласига қаратилган бўлиб, демократлаштиришга бағишланган маъруза ва махсус дастурлар ишлаб чиқиладиганлиги ҳам муҳим жиҳатлардан биридир. Қонун лойиҳаси неоконсерваторлар ва либераллар томонидан бирдек маъқулланиши умумий манфаатлар йўлида ғоявий курашлардан воз кечиш вазиятини кўрсатиб бермоқда.

Президент Ж.Буш томонидан “Глобал демократик инқилоб” эълон қилингани билан бир вақтда М.Палмер “Breaking the Real Axis of Evil:How to oust the World’s last Dictators by 2025” номли китобини нашр эттирди. Унда АҚШ томонидан номақбул сиёсий тузумли давлатларда амалга оширилиши керак бўлган асосий 25 та шарт-шароит кўрсатиб ўтилади. Дунёвий демократик инқилоб неоконсерватив концепцияси тамойилларини рад этмаган ҳолда Палмер уни қуролли йўллар билан эмас, балки тинч ва зўравонликларсиз амалга ошириш услубларини таклиф қилган. Унинг фикрича, асосийси, бу усул арзон ва АҚШ учун анча қулай бўлиб, маҳаллий ноҳукумат ташкилотлар томонидан амалга оширилади. Палмер

таклифининг муҳим жиҳати шундаки, унинг фикрларини АҚШдаги бир қатор сиёсат ва жамоат фаоллари, ҳам неоконсерваторлар, ҳам либераллар бирдек юқори баҳолаганлар. Неоконсерваторлардан Ж.Муравчик, МРБнинг собиқ директори Ж.Вулси, таниқли сиёсатшунос Ф.Фукуяма ва бошқалар унинг фикрларини қўллаб-қувватлашган.

2006 йил мартда қабул қилинган АҚШнинг “Миллий хафвсизлик стратегияси”да куйидагилар белгиланган эди: “Қўшма Штатлар сиёсати бизнинг дунёмизда бора-бора золимлик(тирания)ни бартаф этиш мақсадида хар қандай давлат ва маданиятда демократик харакатларни қўллаб-қувватлаш ва унга ёрдам беришдан иборат. ... Сиёсатимизнинг мақсади дунёда ўз фуқаролари эҳтиёжларини қондира оладиган халқаро аренада жавобгарликни бўйнига оладиган демократик, яхши бошқариладиган давлатни бунёд этишга кўмаклашиш ҳисобланади. Бу – америка халқи хафвсизлигини таъминлашнинг энг яхши усулидир”[11].

Шу мақсадда 2005 йил март ойида Америка разведка миллий кенгаши томонидан АҚШ миллий манфаатларига таҳдид солиши мумкин бўлган 25 та давлат рўйхати тузиб чиқилди ва АҚШнинг мазкур давлатлардаги “демократлаштириш” ишларига аралашини зарурлиги таъкидланди[16]. Шунингдек, бу масала давлат раҳбарлари нутқида ҳам акс этади. 2005 йил май ойида Ж.Буш “Демократияни ёйиш иккинчи президентлик муддатим давомида мен учун бош вазифалардан биридир. Бугун озодлик Ер курраси бўйлаб мислсиз ривожланиш ва ёйилиш касб этаётган экан – бу ҳали дебоча халос. ...Кавказда, Ўрта Осиёда, қолаверса, ҳамма-ҳамма минтақаларда миллионлаб одамлар бўлажак буюк ўзгаришларни орзиқиб кутмоқда. Ва албатта, рўй беради”[19, б.52], дея таъкидлаган эди.

Тўртинчи жаҳон уруши, неоконсерваторлар нуктаи назарига кўра, 2001 йилдаги 11 сентябрь терактлари билан бошланган. Агар бошқа душман сифатида “исломий фашизм” кўрилган бўлса, келгусида уни тушуниш тинчлик ва демократияни ёйиш учун кураш сифатида намоён бўлади. Шу боис, бу ерда мақсад прагматикликдан кўпроқ намоён бўлмоқда. Америка хафвсизлиги тўғридан-тўғри дунёда демократияни ёйишга боғлиқдир, деб таъкидлайди Н.Подгорец[9].

Бугунги кунда неоконсерваторлар ўртасида ҳам демократлаштириш масаласида фикрлар қарама-қаршилиги мавжуд. Хусусан, америкалик неоконсерваторлардан Ф.Фукуяманинг таъкидлашича, аввало, давлат бошқаруви институтлари шакллантирилиши ва армия, полиция, суд органлари, солиқ хизмати, марказий банк, соғлиқни сақлаш тизими, таълим модернизацияланиши лозим [15, с.19-31]. Ҳатто у неоконсерватизмнинг таниқли вакиллари билан бири бўлишига қарамай, неоконсерватизмнинг барча масалаларга кириб бораётганлигини танқид қилиб, бундай ҳолатларни қўллаб-қувватламаслигини, Ж.Буш маъмуриятининг ҳатти-ҳаракатини эса “асл” неоконсерватив хусусиятга ва асосга эга эмас, деб таъкидлаган[2,р.9]. Шу билан бирга, у томонидан илгари сурилган “Тарихнинг интихоси” ва бутун дунёда либерализмнинг ўрнатилиши концепцияси тадқиқотчилар томонидан ҳаққоний воқеликдан йироқ, метафора сифатида қабул қилинмоқда[18, с.44].

Чарльз Краутхаммернинг “агар демократия биз учун яхши бўлса, демак, у бошқалар учун ҳам яхши эканлигига ишонишимиз керак” чақириғига қарамай, таниқли америкалик экспертлар З.Бжезинский ва Г.Киссенжер эркинлик ва демократияни илгари суриш жараёнида шошма-шошарлик ва бирёқламалик тескари натижага олиб келиши тўғрисида огоҳлантирганлар.

Американинг мусулмон мамлакатларни демократлаштириш тўғрисидаги баёнотларини (кичик Ж.Буш президентлиги даврида) Бжезинский қўллаб-қувватласа-да, эҳтиёткорликка чорлайди. Ҳар қандай иш мутаассиблар кўлида тескари натижа бериши мумкин. Ўрта асрларда мўминлик ва ҳамдардлик билан суғорилган дин инквизиция даҳшатини яратди. Гильотина француз инқилобининг “озодлик, тенглик ва биродарлик” тимсолига айланди. Социализм иделлари ноинсоний ленинизм-стализм киёфасида қайта туғилгани сабаб ўтган асрда одамзодга мисли кўрилмаган укубатлар келтирди.

Демократияни илгари суриш мутаассибларча тиришқоқлик билан, исломнинг тарихий ва маданий анъаналарини ҳисобга олмай киришилса, бу демократия ғоясининг инкор этилишига олиб келиш мумкин. Айрим ислом давлатлари, айниқса, Туркия, шунингдек,



Марокаш ва Эрон тажрибаси кўрсатмоқдаки, демократлаштириш ёт кучлар томонидан догматик тарзда тикиштирилмай, узвий ривожланиш натижаси бўлса, ислом жамияти аста-секин демократиянинг сиёсий маданиятини қабул қилади, дейди З.Бжезинский[17].

“Демократик жараёнлар, – дейди Ислом Каримов, – ўз объектив қонуниятлари асосида ривожланади. Уларни ўрганиб бориш, уларга амал қилиш талаб этилади”[20, б.8]. Шу нуқтаи назардан, ижтимоий воқеликка ҳар хил моделларни зўрлаб тикиштириш мумкин эмас. Чунки демократия ҳар бир давлатнинг турмуш даражасидан келиб чиқиб, ақл-идроқка таянмоғи лозим. Қолаверса, демократиянинг маълум бир меъёрлари бўлса-да, у ҳар бир халқнинг тафаккур тарзи, воқеа-ҳодисаларга муносабати, уни баҳолаш мезони, ўзининг тарихий келиб чиқиши, қадимий анъаналар асосида шаклланган турмуш тарзи ва табиати билан белгиланади.

Минтақалардаги фаол демократлаштириш жараёнлари борасидаги турли-туман қарашлар, ўз навбатида, АҚШ неоконсерватив ёндашувларига ҳам таъсир кўрсатмай қолмади. Айниқса, давлатлар ички ишига бевосита қуроли аралашиб ўзининг салбий натижасини кўрсатиши аён бўлди. Неоконсерваторларнинг иккинчи авлоди вакиллари дастлаб бошданок “юмшоқ куч” таъсиридан фойдаланишни афзал кўрган эдилар. Шунинг учун, неоконсерваторлар маълум давлатдаги вазият, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳолат хусусиятларидан келиб чиқиб, усуллар ва тактикани танлашга эътибор қаратдилар.

Яқин Шарқ минтақасидаги давлатларга турли хилдаги молиявий ёрдамлар кўрсатиш ишлари давлат ташқи сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири сифатида кўрилади бошлади. Бу борада АҚШ Конгресси қуйидаги ислохот дастурларини молиялаштиришга эътибор қаратиб келди: МЕРИ (Middle East Partnership Initiative) – Давлат Котибияти дастури ҳисобланиб, араб давлатларида ислохотлар ўтказишга қаратилган. Бунда асосан жамиятни демократлаштириш, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, сиёсий иштирокни кенгайтириш ва аёллар ҳуқуқларини таъминлаш мақсад қилинган; HRD (Human rights and Democracy Fund) – мусулмон мамлакатларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни молиялаштиради; NED (The National Endowment for Democracy) – демократик лойиҳа бўлиб, бутун дунёда демократик институтларни кучайтириш мақсад қилинади.

Бундан ташқари, Яқин Шарқ минтақасида демократияни қўллаб-қувватловчилар сифатида қуйидаги ташкилотларни кўрсатиш мумкин: NDI (The National Democratic Institute for International Affairs) – Миллий демократик институти; IRI (The International Republican Institute) – Халқаро Республика институти; МЕРИ (The Middle East Partnership Initiative) – Яқин Шарқ ҳамкорлик ташаббуси; USAID (The United States Agency for International Development) – АҚШ халқаро ривожланиш агентлиги ва бошқалар. Маълумотларга кўра бугунги кунда АҚШ дунё бўйлаб демократияни ёйиш ғояларига хизмат қилувчи 350 дан ортиқ дастурларни қўллаб-қувватламоқда[21].

Неоконсерватив жамоани бошқарган Кичик Ж.Бушнинг демократияни олға суриш сиёсати нафақат халқаро миқёсда, балки АҚШнинг ўзида ҳам кескин танқидларга учради. Бу сиёсатнинг салбий таъсирлари борасида хавотирли башоратлар билдирила бошлади. Шундай талқинлардан бири либерализм оқимининг таникли вакиллари билдирилган Ж.Соросга тегишлидир. У неоконсерваторларга танқидий муносабатини билдирар экан, Ж.Бушнинг демократия таҳдиди АҚШнинг “очиқ жамияти” тақдирида хавотир уйғотади.

Бу борада АҚШнинг собиқ президенти Ж.Картернинг қуйидаги фикрини келтириш ўринли: “Буш ва унинг маъмурияти ташқи сиёсатда ўн йиллар давомида америкаликлар учун асос бўлган маънавий-ахлоқий тамойилларни қўпол тарзда бузиб, АҚШнинг халқаро обрўсига ниҳоятда катта путур етказди. Эндиликда аҳволни тўғрилаб олиш унча осон кечмаса керак”.... Бжезинский “Лос Анжелес таймс”даги мақоласида британиялик машҳур тарихчи Арнольд Тойнбининг “Тарихни ўрганиш” асаридаги ҳар қандай империянинг қулашига давлат раҳбарларининг халокатга олиб борувчи хатти-ҳаракатлари сабаб бўлган, деган хулосага тўла қўшилади. У Жорж Буш фаолиятининг тарихий якуни империявий сиёсат, ўзидан бошқаларни менсимаслик одатлари оғир оқибатларга олиб келади, деб ҳисоблайди.



Америка демократиясининг асосчиларидан бири Томас Жефферсон ўз даврида бугунги кун учун ҳам ибратли бўлган қуйидаги хулосани бежиз баён этмаган: “Ҳеч бир мамлакат жаҳон афкор оммасини чинакам хурмат қилмасдан туриб, ўз муаммоларини ҳал эта олмайди”. Бу вазиятлар демократияни экспорт қилиш сиёсатининг коммунизмни оламга ёйиш учун бўлган ҳаракатлар сингари боши берк кўчага кириб қолаётганини англатади. Дунёга гегемонлик қилиш, ўз андозаларини бошқаларга тиқиштириш, ўзига мос тузум ва ҳукуматларни зўрлик ва маблағлар эвазига сақлаб туриш сиёсати охир-оқибат ҳалокатли тугаши муқаррар[22].

**Хулоса.** Неоконсерваторлар танқид қилинар экан, улар демократиянинг трансформациялашуви, фуқаролик жамиятини қўллаб-қувватлаш, янги демократияларни иқтисодий ривожлантириш ва ҳарбий ҳолатдан кейинги даврдаги ривожлантириш дастурлари билан эмас, балки ҳарбий ислоҳотлар ва ракетага қарши кураш муаммолари билан машғул бўлдилар. Неоконсерваторлар ўз ғоялари амалиётда ўз тасдиғини қандай топиши масаласини очиқ қолдирмоқдалар. Масалан, тузуми ўзгартирилган давлатларда янги демократик институтларни қандай қилиб шакллантириш, бундай институтлар қандай шароитларда ривожланади ва мустаҳкамланади сингари саволларга аниқ жавоблар берилмади. Умуман, уларнинг сиёсий фалсафаси амалиётдан анча узоқдир.

Аслини олганда, демократияни илгари суриш ғоясининг ўзи, гарчи Бжезинский умумий тарзда уни ёқласа-да, илмий жиҳатдан хато, амалий жиҳатдан хавфли. Чунки барқарорликни издан чиқаради, турли ижтимоий қатламлар ўртасида тўқнашувларга сабаб бўлади, мамлакатни қарама-қарши гуруҳларга бўлиб юборади. Шимолий Африка мамлакатлари, хусусан, Миср, айниқса Ливия ҳамда Сурияда юз берган воқеалар буни тасдиқлаб турибди. Қолаверса, қудратли давлатларнинг ҳолислигига нисбатан шубҳани кучайтиради.

Умуман, АҚШнинг Яқин Шарқдаги манфаатлари концепцияларнинг илгари сурилиши, эркинлик ва демократия ғоялари тарғиботи минтақадаги ижтимоий-сиёсий ҳолатнинг ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Геоиқтисодий ва геосиёсий мақсадлар учун инсоният мафкураси ва маънавиятини ўзгартиришга урунишларининг асосий сабаблари бугунги кунда яққол кўзга ташланмоқда. АҚШ неоконсерваторларининг Яқин Шарқни демократлаштириш концепцияларининг салбий хусусияти шундаки, улар минтақа давлатлари ички ишларига аралаштириш ва давлатларнинг ўзига хос ривожланиш хусусиятлари, менталитети сингари омилларга етарлича эътибор бермайдилар. Натижада уларнинг асосий мақсади жамиятни эркинлаштириш эмас, балки геосиёсий ва геоиқтисодий мақсадларни амалга оширувчи ва АҚШ гегемонлигини таъминловчи восита сифатида талқин этилишига асос бўлади.

#### АДАБИЁТЛАР

1. *A bill in the house of representatives. March 3, 2005* // <http://www.theorator.com/bills109/hr1133.html>.
2. *Fukuyama F. After the Neocons: America at the Cross-Roads.* – Yale University Press, 2006. – P.9.
3. *Ivo Daalder and James Lindsey. America Unbound: The Bush Revolution in Foreign Policy.* – Brookings Institution Press, Washington DC, 2003. – P.15.
4. *Kaplan L.F. and Kristol W. The War Over Iraq: Saddam's Tyranny and America's Mission.* – San Francisco: Encounter Books, 2003. – P.27.
5. *Layne Ch. From Preponderance to Offshore Balancing // International Security.* - vol. 22. - No. 1. – Summer, 1997. - P. 86-112.
6. *Maria Ryan. Neoconservatives and the Dilemmas of Strategy and Ideology, 1992-2006* // [www.49thparallel.bham.ac.uk/back/special/Ryan\\_NeoconDilemmas.pdf](http://www.49thparallel.bham.ac.uk/back/special/Ryan_NeoconDilemmas.pdf).
7. *Muravchik J. Imperative of American Leadership: A Challenge to Neo-Isolationism.* – Washington: AEI Press, 1996. – P.39.
8. *Muravchik J. Imperative for American Leadership.* – Washington: AEI Press, 1996. – P.161, 163, 164.
9. *Podhoretz N. World War IV: How It Started, What It Means and Why We Have to Win // Commentary, September 2004.* // <https://www.commentarymagazine.com/articles/world-war-iv-how-it-started-what-it-means-and-why-we-have-to-win/> (мурожаат қилинган сана: 11.10.2019).
10. *Project for the New American Century, letter to President Clinton on Iraq. January 26th 1998* // <http://www.newamericancentury.org/iraqclintonletter.htm>
11. *The National Security Strategy.* - March 2006. // <http://www.whitehouse.gov/nsc/nss/2006/index.html>
12. *Vaisse J. Neoconservatism: The History of the Movement.* – Harvard: Harvard University Press, 2010. - P. 244.

## FALSAFA, HUQUQ VA SIYOSATSHUNOSLIK

- 
13. William Kristol and Robert Kagan. *Present Dangers: Crisis and Opportunity in American Foreign and Defense Policy*. – Encounter Books, San Francisco, 2000. – P.12-14. // [http:// www.aei.org/ include /pub\\_print.asp?pubID=19912](http://www.aei.org/include/pub_print.asp?pubID=19912)
14. Wolfowitz P. *Statesmanship in the New Century // Present Dangers: Crisis and Opportunity in American Foreign and Defense Policy / ed. by Kagan R., Kristol W. San Francisco: Encounter Books, 2000. – P.320.*
15. Ананьева Е. “For who we are? For what we are” *Внешинополитическая полемика в США. // Международная жизнь. – 2006 - №2. – С.19-31.*
16. Батюк В.И. *Россия, США и “Цветные революции” // http://www.humanities.edu.ru/db/msg/81506.*
17. Бжезинский З. *Выбор: мировое господство или глобальное лидерство. – Москва: Международные отношения, 2007. / Эркаев А. Уч жиҳатдан тутаиш уч асар. // Тафаккур. – 111-113 б.*
18. Блохин К. *Американский неоконсерватизм – идеология слабеющего гегемония. // Проблемы национальной стратегии, 2017. №3(42). – С.44.*
19. Жўраев Т., Ақобиров С. *Миллий манфаатлар ва миллий ҳавфсизлик. – Т.: Академия, 2007. 52–б.*
20. Каримов И.А. *Демократия – бош йўлимиз. Ватан саждағоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. 8-б.*
21. Карякин В. *Роль неправительственных организаций в разрушении основ государственности // <http://ru.journal-neo.org/2013/07/08/rus-rol-nepravitel-stvenny-h-organizatsij-v-razrushenii-osnov-gosudarstvennosti/>*
22. Назаров Қ. *Ғоялар фалсафаси. – Т.: ЎЗМУ, 2010.*
23. Олбрайт М. *Джорж Буш: “Бог хочет, чтобы я стал президентом”. // Азия и Африка сегодня, 2007. - №6. – С. 49.*
24. Перинчек М. *Проект Великого Ближнего Востока и новая миссия НАТО. Доклад, прочитанный на пленарном заседании конференции Россия // <http://meast.ru/?p=425> - Санкт-Петербургский центр изучения современного Ближнего Востока. -18 апреля 2008 г.*
25. Попов В. *Американский закон «О распространении демократии» и «цветные» революции // <http://www.otchestvo.org.ua/main/20061/1607.htm>.*
26. Попов О.А. *Политическая деятельность в правозащитных одеждах. // <http://www.lebed.com/2004/art3813.htm>*
-

УДК: 2

**ИМОМ БУХОРИЙНИНГ ТАФСИР ИЛМИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ**  
**ВКЛАД ИМАМ БУХОРИ В РАЗВИТИЕ НАУКИ ТАФСИР**  
**IMAM BUKHARI'S CONTRIBUTION TO THE SCIENCE OF TAFSIR**

*Иноятов Азизхўжа*

*Ўзбекистон Халқаро Ислом академияси мустақил тадқиқотчиси*

**Аннотация.** *Исломнинг илк йилларида тафсир илми алоҳида йўналиш сифатида ажралмаган эди. Тобейинлар даврига келиб, тафсир илми ҳадис илми таркибида янада бойий бошлаган. Саҳобалар билан бир қаторда тобейлар томонидан ривоят қилинган Қуръони каримнинг тафсирига оид ривоятлар кейинги давр муфассир олимлари учун муҳим манба бўлиб хизмат қилди. Мақолада имом Бухорийнинг тафсир илми ва унинг ривожигаги ўзига хос йўналишлари, ҳадис китобларида алоҳида тафсир илмига жой ажратилиши таҳлил қилинган.*

**Таянч сўзлар:** *тафсир; ҳадис; тафсири маъсур; муҳаддис; муфассир; саҳоба; тобей.*

**Аннотация.** *В первые годы ислама наука тафсира не была отделена как отдельная область. Ко времени Табейнов наука тафсира стала богаче наукой хадисов. Повествования о толковании Корана, рассказанные тобейнов, а также последователями, послужили важным источником для последующих ученых тавсира. В статье анализируется наука тафсира имама Бухари и ее конкретные направления в ее развитии, место особой науки тафсира в книгах хадисов.*

**Ключевые слова:** *тафсир; хадис; тафсири маъсур; муҳаддис (передатчик хадисов); муфассир; саҳоба (сподвижник); тобей (следующее поколение сподвижников)*

**Abstract.** *In the early years of Islam, the science of tafsir was not separated as a separate area. By the time of the Tabeins, the science of tafsir had become richer in the science of hadith. The narrations of the interpretation of the Qur'an, narrated by the Sahabas, as well as their followers-the Tabeins, served as an important source for later scholars-mufassirs of the tafsir. The article analyzes the science of the tafsir of Imam Bukhari and its specific directions in its development, the place of the special science of tafsir in the books of Hadith.*

**Key words:** *tafsir; hadith; tafsiri masur; muhaddis; mufassir; sahabah; tabei.*

**Кириш. Мавзунинг долзарблиги:** *Ўзбекистон мустақилликка эришгач, шу заминдан етишиб чиққан, жаҳон тамаддуни ривожига ҳисса қўшган алломаларнинг табаррук номини тиклаш, муборак қадамжоларини қайта таъмирлаш, уларнинг улкан моддий ва илмий-маънавий меросларини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб этиш ҳамда миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлашга катта эътибор берилди ҳамда имкониятлар яратила бошлади. Ўрта асрларда юртимиздан етишиб чиққан олимларнинг жаҳон ҳамжамияти томонидан дунёвий ва диний билимлар жиҳатидан эътироф этилишига сазовор бўлган олимлар сони юқорида зикр қилинганидек жуда кўп бўлса-да, бироқ имом Бухорийнинг бутун дунё мусулмонлари наздидаги мавқеи ва унинг ёзган шоҳ асари “Ал-жоме ас-саҳиҳ” асари бир овоздан Қуръони каримдан кейинги мусулмонлар учун энг ишончли ва мўътабар манба ҳисобланиши ҳеч кимга сир эмас.*

*Имом Бухорийнинг ушбу шоҳ асарини ҳозирги кунда янада чуқурроқ ўрганиб, имом Бухорийнинг илмий ижодида Қуръони каримга алоҳида боблар ажратилиши, Қуръони каримни тафсир қилишга оид Имом Бухорийнинг фикрлари, шунингдек, илмий ижодида эътиборсиз қолган бошқа жиҳатларини очиш, илмий фаолиятини ўрганишда назардан четда қолган жиҳатларини тадқиқ этиш ҳозирги кунда долзарб масалалардан биридир.*

*Зеро, юртбошимиз Ш.М. Мирзиёевнинг БМТ минбаридан туриб имом Бухорийнинг мавқелари ва у кишининг илмий меросини ўрганишига оид қуйидаги сўзларни айтгани бежизга*

эмас: “Ана шундай буюк алломалардан бири имом Бухорий ўз аҳамиятига кўра ислом динида Қуръони каримдан кейинги муқаддас китоб ҳисобланган “Саҳиҳи Бухорий”нинг муаллифи сифатида бутун дунёда тан олинган. Бу улуг зотнинг зоят бой меросини асраб-авайлаш ва ўрганиш, маърифатий ислом тўғрисидаги таълимотини кенг ёйиш мақсадида биз Самарқанд шаҳрида Имом Бухорий номидаги Халқаро илмий тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилдик”[1].

**Тафсир илмининг ривожланиш босқичлари.** Бу даврни шартли равишда 3 даврга бўлиш мумкин бўлиб, улардан биринчиси Набий (с.а.в.) ва у зотнинг саҳобийлари давридир. Бу давр тафсирларининг бир қанча ўзига хос жиҳатлари бўлиб, Қуръон тўлиқ тафсир қилинмай, баъзи оятлар тафсир қилиниши, оятларнинг маъносини умумий тарзда баён этилиши ва тафсирларнинг алоҳида китобларга жамланмагани кабилар шулар жумласидандир.

Тафсир илмининг ривождаги иккинчи босқич тобеъинлар даврига оид бўлиб, ушбу даврга келиб, тафсирга кўплаб исроилиётлар, насронийлар ривоятларининг кириши кузатилди. Бунга аввал яҳудий ва насроний динларида бўлган кишиларнинг исломни қабул қилишлари сабаб бўлган. Шунинг билан бирга, мазкур даврга келиб, тафсирга оид ривоятларнинг барчаси жамланмай, ҳар бир шаҳар аҳолиси ушбу шаҳардаги саҳобийлардан эшитган ривоятларини ўрганар эди.

Тафсир илми ривожининг учинчи босқичи Бани Умайя ҳукмдорлигининг сўнгги ва Аббосийлар даврининг аввалидан бошланган. Дастлаб саҳобийлар Набий(с.а.в.)дан ва бир бирларидан тафсирга оид ривоятлар қилган бўлсалар, тобеъинлар саҳобий ва бошқа тобеъинлардан ушбу ривоятларни қабул қилар эдилар. Таба тобеъинлар даврига келиб, ҳадислар ёзила бошлади. Бу китобларда барча ҳадислар жамланиб, тафсир илми ҳам ушбу китобларнинг бир қисми (боби) сифатида қайд этилган. Аммо Қуръон тафсирининг ўзига бағишланган асарлар яратилмаган. Учинчи босқич якунига келиб, тафсир илмлари ва тафсирга оид ривоятлар алоҳида ажратилиб, китоб шаклига келтирилган.

Шу билан бирга, энди Қуръоннинг барча оятлари тафсир қилина бошлаган эди. Тафсирга оид ривоятлар мусҳаф тартибига мос тарзда тартиблана бошлади. Бу даврга оид тафсирлар муаллифлари сифатида Ибн Можжа (ваф. 273/886 й.), Ибн Жарир Табарий (ваф. 310/922 й.), Абу Бакр ибн Мунзир Найсобурий (ваф. 318/930 й.), Ибн Абу Ҳотим (ваф. 327/939 й.), Абу Шайх ибн Ҳиббон (ваф. 369/980), Ҳоким (ваф. 405/1015), Абу Бакр ибн Мардувайх (ваф. 410/1019)лар тилга олинади[2].

Имом Бухорий яшаган давр, яъни ҳижрий иккинчи асрнинг сўнгги ўн йиллиги ва ҳижрий учинчи асрнинг биринчи ярмида тафсир илмининг ривожини ҳамда унда муҳаддиснинг ролини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

“Ал-жомеъ ас-саҳиҳ” китоби турли илмлар ҳадис, ровийлар, фикҳ, тарихни жамловчи китоблар сирасига киради. Асарда тафсирнинг бўлиши эса очиқ-ойдин маълумдир.

Ҳадис асарларида мустақил тафсир бўлимларини ажратиш одатини Бухорий бошлаб берган. У билан бир даврда яшаган Муслим “Саҳиҳ”ида “Тафсир” номли етти бобдан иборат кичкина бир бўлим ажратган. Термизий “Сунан”ида, Насоий ҳам “Ас-сунан ал-кубро”сида тафсир бўлимларини очганлар.

Ҳадис асарларидаги тафсир бўлимларида оятлар боб номи шаклида зикр қилинган, кетидан оятларга алоқаси бор деб билинган ҳадислар нақл қилинган. Бу шаклда тартибланган боблардан тафсир бўлимлари ташкил топган. Лекин бу даврда ёзилган тафсир алоҳида китоб бўлмасдан, балки ривоят қилинган ҳадислар китобининг бир боби сифатида ёзилган эди. Ана шундай ҳадис тўпламлари сирасига имом Бухорий (810-870)нинг “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ” асарини ҳам киритиш мумкин.

Ҳадис илми билан бир қаторда тафсир илми билан ҳам шуғулланган олимлар қаторидан жой олган имом Бухорийнинг мустақил тафсири бўлгани ҳақида ҳам турли фикрлар мавжуд. Жумладан, Ҳожи Халифа имом Бухорийнинг машҳур шогирдларидан бири Абу Абдуллоҳ ал-Фирабрий (ваф. 932)нинг маълумотларига таянган ҳолда имом Бухорийнинг ҳадис илмига оид асарларидан ташқари мустақил тафсири бўлганлиги ҳақидаги



маълумотни ўз асарида келтириб ўтади[3]. Шунингдек, имом Бухорийнинг “Холқу Афъал ул-Ибад” асарини таҳқиқ қилиб, нашр эттирган доктор Абдурраҳмон Умайра ҳам имом Бухорийнинг “Ат-тафсир ал-кабир” номли мустақил асари мавжудлиги ва ҳозирда Жазоир Миллий кутубхонаси ҳамда Парижда ушбу асарнинг икки нусхаси сақланаётгани ҳақида маълумот бериб ўтган[4].

Аввал қайд этиб ўтганимиздек, турли тафсир мактабларига мансуб муфассирлар қаторида бир муҳаддис сифатида имом Бухорийнинг ҳам мустақил тафсир ёзиши табиий ҳолдир. Олимнинг тафсир илмидаги ўрни ҳақида гап кетганда унинг бу жиҳатига эмас, балки имом Бухорийнинг ривоят тафсири йўналишида биз учун энг муҳим жиҳати ичида илк бора мусаннаф бир ҳадис китоби ичида “Китоб ут-тафсир” сарлавҳаси остида тафсирга жой ажратиши билан муҳим аҳамият касб этади.

Бухорийдан олдин ёзилган ҳадис китобларида тафсир номи остида ажратилган мустақил бўлимни учратмаймиз. Ҳатто Бухорийдан 45 йил олдин вафот этган Абдураззоқ ибн Ҳаммом (ваф. 826)нинг “Ал-Мусаннаф” асарида бундай бўлим учрамайди[5]. Шунингдек, Имом Бухорий билан замондош бўлган Имом Доримийнинг “Сунан” асарида ҳам тафсирга бағишланган бирор бўлимга дуч келмаймиз[6]. Аммо Бухорийдан кейин ёзилган имом Муслим (ваф.874) ва имом Термизий (ваф. 892)нинг ҳадис тўпламларида тафсир бўлимини учратиш мумкин. Бундан кўриниб турибдики, ҳадис тўпламларига илк бора тафсир имом Бухорий томонидан олиб кирилган.

“Саҳиҳ ул-Бухорий”нинг “Китоб ут-тафсир” бўлимида маълум оятлар боб сарлавҳалари сифатида ёзилган бўлиб, ордидан оятлар билан боғлиқ ҳадислар келтирилган. Шунингдек, “Китоб ут-тафсир”дан бошқа баъзи китоблар номи ҳам маълум бир оятлар билан номланган. Шу шаклда яқунланган боблар тафсир китобини ташкил этади.

Биз тафсирга алоқадор боб изоҳларини ўрганиб чиқишимиз натижасида уларнинг сони 1129 тага етди. Бундан кўриниб турибдики, асарнинг учдан бири тафсирга бағишланган. Шу билан бир қаторда оятлар билан бошланувчи китоблар сони эса 18 тани ташкил этади. Тафсир китобидан ташқари изоҳлар бошқа бўлимларда 613 ўринда оятлар изоҳланган, тафсир китобида эса булар 516 тани ташкил этади.

“Саҳиҳ ул-Бухорий”нинг бу хусусияти имом Бухорийнинг тафсири маъсур йўналишидаги ўрни ва аҳамиятини кўрсатмоқда. Шунингдек, бир муҳаддис сифатида олимнинг ҳадис тўпламининг ичига тафсирни қўшгани ҳамда баъзи ўринларда филологик изоҳлар ҳам қолдиргани билан ҳам аҳамиятлидир.

Бухорийнинг тафсир бўлимида бошқа ҳадис мусаннифларидан фарқли равишда тафсир имконларини кенгайтиришга ҳаракат қилган. У “Китоб ут-тафсир”нинг боб мавзуларида тафсирга оид маълумотларни берган. Бошқа томондан, ҳам асарнинг ҳаммасида, ҳам тегишли бўлимда ҳадисларни ўз фикрини баён этувчи бир шаклда танлаши ва тартиблаши ҳам, унинг бошқа ҳадис асарларидаги тафсирга оид бўлимларидан кўра фарқли бир жиҳати бор эканлигини кўрсатади, дейиш мумкин.

Бухорийнинг ўз асарида ажратган тафсир бўлими бу турдаги ишларнинг илк намунаси бўлишига қарамай, турдошлари орасида тафсир мавзуси бўйича юқори бир савияда эканлиги сабабли унинг тафсир аъъанасидан кўпроқ истифода қилганлигини айтиш мумкин. Тасниф қилинган асарларнинг аъъанавий тузилиши эътиборга олинганда Бухорийнинг “Саҳиҳ”ида ўз шахсий қарашларини кўрсатиш имкониятларини ярата оладиган мусанниф эканлиги кўзга ташланади. Бухорий “Китоб ут-тафсир”да буни боб мавзуларида кўпгина тафсир ривоятларидан ташкил топган бир қанча маълумотларни келтириш ва ривоятларни ҳам шахсий фикрларини маълум бир даражада ифодаладиган шаклда баён этиш орқали амалга оширган.

Бухорий бошқа муҳаддислардан фарқли равишда боб мавзуларида айрим маълумотларни тақдим этади. Бобларга қўйган номларини аслида ҳадис ривоят қилинадиган асар бўлган ва тузилиш хусусиятлари ҳам шунга кўра шаклланган китобида ўз қарашларини баён эта олиш имконияти деб билган. Муаллиф асарининг тафсир бўлимида ҳам ушбу ишни давом эттирган, боб мавзуларида кўпроқ сўзларнинг изоҳларига оид маълумотларни берган.



## TARIXSHUNOSLIK

Сўзлар изоҳлари билан бир қаторда оятларнинг тушунилишига хизмат қилувчи тафсир ривоятларини ҳам нақл қилган.

Турк тадқиқотчиси Фуад Сезгин, Бухорийнинг бевосита тил китобларидан иқтибос ёки тафсир ривоятларини санадсиз шаклда нақл қилиш йўли билан тақдим этган ушбу маълумотларни “Саҳиҳ”нинг тахминан 1/5 ини ташкил қиладиган таълиқ тарзидаги ривоятлардан деб ҳисоблаган. Унга кўра, Бухорий ривоят қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган ҳадисларни санадларининг ҳаммасини ёки бир қисмини тушириб қолдириб, кўпинча “қола” сўзи билан нақл қилган[7].

Бухорий тафсир китобида баъзи бобларнинг ичида ҳеч қандай ривоят нақл қилинмасдан, фақат боб мавзуларида тафсир ривоятлари келтирилган.

Бухорийнинг “Китоб ут-тафсир”ида боб мавзуларида берган маълумотларни “сўз изоҳлари” билан “боб мавзуларида нақл қилган тафсир ривоятлари” шаклида таҳлил қилиш мумкин. Бухорий баъзан боб мавзуларида оятларнинг тушунилишига ёрдам берадиган тафсир ривоятларни нақл қилади. Тафсир ривоятларини бевосита оятларнинг изоҳини кўзлаган Расулulloҳ (с.а.в.)дан, саҳобалардан ва тобеъинлардан келган маълумотлар шаклида таърифласак, юқорида зикр қилинган айрим мисолларни ушбу гуруҳга киритиш мумкин.

Бухорийнинг “Китоб ут-тафсир”да нақл қилган саҳобага нисбат қилинган тафсир ривоятларининг деярли ҳаммаси Ибн Аббос(р.а)га тегишли эканини кўриш мумкин. Масалан, Бақара сурасининг “Шубҳасиз Сафо ва Марва Аллоҳнинг (динининг) шиорларидандир” шаклидаги 158-оятга бағишланган бўлимда санадини ҳазф қилиб “Қола Ибн Аббос (р.а): “الصفوان”: “тошдир” (الحجر)” шаклида бир ривоятни нақл қилган[8].

Ушбу мисолда бир масала диққатга сазовор. Бухорийнинг “Сафо” сўзини изоҳлаш учун нақл қилган ривоят аслида Бақара сурасининг 264-оятда зикр қилинган “صفوان” сўзининг изоҳига тегишли эди. Табарий ва Ибн Аби Ҳотим ҳам ушбу ривоятни бу оятнинг тафсирида зикр қилганлар[9]. Бу мисолда Бухорий бир сўзнинг изоҳини берганда бир хил ўзакдан ясалган бошқа бир сўзга оид бошқа маълумотларни қўлламоқда. Диққатни тортадиган бошқа бир жиҳат эса, тафсирларда санадли ҳолда зикр қилинган мазкур ривоятнинг бу ерда санадсиз ҳолда зикр қилинишидир. Бу ривоятни Табарий тафсирида “*Ҳаддасаний ал-Мусанно: қола ҳаддасана Абу Солиҳ: қола ҳаддасаний Муовия ʻан Али ʻан Ибн Аббос (р.а)*” санади билан зикр қилган[10]. Ибн Аби Ҳотим ҳам ал-Мусанно ўрнига “Аби” (Абу Ҳотим)ни зикр қилиб, ушбу санад билан ривоят қилган[11].

Бухорий Нос сурасига тегишли бобнинг мавзусида “Ибн Аббос (р.а): “الوسواس” “Бола туғилган пайтда шайтон васваса қилади. Аллоҳ зикр қилинганда кетади. Аллоҳ зикр қилинмаса, боланинг қалбига жойлашади” деган” деб санадсиз ривоят келтирган[12]. Ваҳоланки, Ибн Аббос(р.а)нинг бу гапи озгина тафовут билан тафсир асарларида санади билан нақл қилинган[13]. Аъроф сурасидаги “Мусо белгилаб берган жойимизга (Турга) келиб, Парвардигор ҳам унга гапирганда “Эй парвардигорим! Менга (ўзингни) кўрсат, сенга қарайин” деди...” оятига оид бобнинг мавзусида Ибн Аббос (р.а)нинг “أرني” (менга кўрсат) ифодасига боғлаб “менга бер” (أعطني) шаклидаги изоҳини зикр қилган[14].

Бухорийнинг санадсиз берган ушбу маълумоти Табарийнинг тафсирида “ҳаддасана ал-Мусанно, ҳаддасана Абдуллоҳ ҳаддасаний Муовия ʻан Али ʻан Ибн Аббос (р.а)” санади билан нақл қилинган[15]. Бунга ўхшаш бошқа бир мисоллар келтириш мумкин.

Бухорийнинг боблар ичида тўплаган ривоятларнинг боб мавзулари билан мослиги билан бирга ўзаро ўзига хос мазмунга эга бир бутунликни ташкил қилишини айтиш мумкин. Албатта бу ҳолатнинг ҳар бир бобда мавжудлигини аниқлаш батафсил тадқиқотни тақозо қилади. Яна ҳам жуда кўп бобда ҳадисларнинг тартиби билан боб мавзуларида ифодаланган гоя орасида бир мувофиқликнинг мавжуд эканлигини бемалол айтиш мумкин.

Бухорий “Китоб ут-тафсир”да асарининг бошқа бўлимларидан фарқли равишда ривоятларни маълум бир боб мавзулари остида тўпламаган, балки тафсирларда бўлганидек оятлар тартибини асос қилиб олган.

## TARIXSHUNOSLIK

Бухорий фикрларига ишора қилишга таянадиган бир услубни қўллаши билан бирга боб мавзуларида бевосита маълумотлар билан ҳам ўртоқлашади.

Бухорийнинг боб мавзуларида санадсиз ҳолда нақл қилинган хабарларнинг кўп ҳолларда тафсир асарларида санадли ҳолда тақдим қилинганини кузатиш мумкин. Масалан, “Рўза тута олмаган жуда катта ёшли кишилар эса (ҳар бир кунга фидя беришади)” маълумотини Абдураззоқ Маъмар воситасида Қатодадан нақл қилади. “Анас ибн Молик қариганида бир ёки икки йил Рамазонда рўза тутмай ҳар кун бир фақирга нон ва гўшт едирган” маълумотини ҳам Маъмар воситасида Собит ал-Бунонийнинг гапи сифатида келтирган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Бухорий ҳам боб билан ҳадисларнинг ўзаро мувофиқлиги, ҳам ҳадислар орсигаги мувофиқлик ва буларнинг муайян маъно берадиган шаклда тартибланиш бўйича катта меҳнат қилган. Бу ҳолат унинг фақат ривоятларни нақл қилишга изн берган, талқинларга имкон қолдирмайдиган бир шаклда, шахсий қарашларини баён этишга имкон топиш кўринишида намоён бўлади. Таржималарда тақдим этган тафсир маълумотлари билан бирга масалаларга мавзу қўйиши аслида ривоятларни нақл қилиш тамойилидан борган бир асарда тафсир имконларини кенгайтирган.

### АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясидаги нутқидан олинди. // *Халқ сўзи*, 2017 йил 20 сентябрь, № 189 (6883). 1-2-б.
2. Заҳабий, Шамсиддин Муҳаммад ибн Аҳмад. *Ат-Тафсир ва ал-муфассирун. Қоҳира: Дор ал-кутуб ал-ҳадиса*, 1960. 27-105-б.
3. Ҳожи Халифа. *Кашифу-з-зуннун ған асомий ал-кутуб ва-л-фунун. Дор ихё ат-турос ал-арабий. – Байрут. 2008. Ж. 1. – 443 б.*
4. *Муҳаммад ибн Исмаил ал-Бухорий. Холқу афъал ул-ъибод. Др. Абдуorraҳмон Умайра таҳқиқи. Дор ул-Укоз. – Жидда. – 23 б.*
5. *Ал-Мусаннаф. Абдураззоқ ибн Ҳаммом Ас-саноний. Дор ат-таъсил. – Қоҳира. 2015. Ж. 9*
6. *Муснад ад-Доримий. Абдуллоҳ ибн Абдуссомад ад-Доримий. Дор ал-Мугни. – Риёд. 2000. Ж.4*
7. *M. Fuad Sezgin, Vuhârî'nin Kaynakları, Kitâbiyât, Ankara, 2000. – S. 147*
8. *Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Бухорий. Ал-жомеъ ас-Саҳиҳ. Дору ибн Касир. – Дамашқ; Китаб ат-Тафсир, 2002. –1102 б.*
9. *Муҳаммад ибн Жарир Ат-Табарий. Жомеъ ул баён ған таъвили айил-Қуръан. Аҳмад Муҳаммад Шокир таҳқиқи. Муассасату-р-рисала. 1420/2000. Ж. 5. – 591 б, Абу Муҳаммад II. Абдуorraҳман ибн Аби Хотим, Тафсир, I-X, таҳқ.: Асъад Муҳаммад ат-Таййиб. ал-Мактабат ул-асрийя. Ж. II, - 518 б.*
10. *Муҳаммад ибн Жарир Ат-Табарий. Жомеъ ул баён ған таъвили айил-Қуръан. Аҳмад Муҳаммад Шокир таҳқиқи. Муассасату-р-рисала. 1420/2000. Ж. 5. – Б. 591*
11. *Абу Муҳаммад Абдуorraҳман ибн Аби Хотим, Тафсир, I-X, таҳқ.: Асъад Муҳаммад ат-Таййиб. ал-Мактабат ул-асрия. Ж. II, - 518 б.*
12. *Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Бухорий. Ал-жомеъ ас-Саҳиҳ. Дору ибн Касир. – Дамашқ. Китаб ат-Тафсир, 2002. –1282 б.*
13. *Муҳаммад ибн Жарир Ат-Табарий. Жомеъ ул баён ған таъвили айил-Қуръан. Аҳмад Муҳаммад Шокир таҳқиқи. Муассасату-р-рисала. 1420/2000. Ж. 24. –709 б. Ибн Касир. Тафири ибн Касир. Ж. 8. –540 б.*
14. *Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Бухорий. Ал-жомеъ ас-Саҳиҳ. Дору ибн Касир. – Дамашқ. Китаб ат-Тафсир. 2002.– 1190 б.*
15. *Муҳаммад ибн Жарир Ат-Табарий. Жомеъ ул баён ған таъвили айил-Қуръан. Аҳмад Муҳаммад Шокир таҳқиқи. Муассасату-р-рисала. 1420/2000. Ж. 13. –91 б.*

УДК: 303.446.4

“БУХОРО ТАРИХИ” АСАРИ ЖАҲОН ВА МАҲАЛЛИЙ ТАРИХШУНОСЛИКДА  
«ИСТОРИЯ БУХАРЫ» В МИРОВОЙ И ОТЧЕСТВЕННОЙ ИСТОРИОГРАФИИ

THE WORLD AND LOCAL HISTORIOGRAPHY OF THE  
WORK “HISTORY OF BUKHARA”

Тўраев Ҳалим

БухДУ Бухоро тарихи каф. проф., т.ф.д.

**Аннотация.** Муҳаммад Наршахий ижодий меросининг ягона ва асосий маҳсули ҳисобланган “Бухоро тарихи” асарининг жаҳон ва маҳаллий тарихшуносликда ўрганилиши кенг ёритиб берилган. Бухоронинг илк ўрта асрлардаги ижтимоий-сиёсий ҳаёти, маданияти, айниқса тарихий топографияси масалаларини ўз ичига олган бу асар ёзилган даврдан бошлаб то ҳозирга қадар жаҳондаги таниқли олимлар тадқиқот объекти бўлиб келмоқда.

Мақолада ушбу асарнинг илмий ўрганилиши ва турли тилларга қилинган таржималари тадқиқ қилинган.

**Таянч сўзлар:** тарихий манба, нашр, таржима, тарихий топография, тадқиқот, илмий изоҳ, илмий мерос, қўлёзма, ўлкашунос, топоним, тарихий асар, қалъа-шаҳар.

**Аннотация.** В статье широко раскрыт вопрос изучения в мировой и отечественной историографии “История Бухары”, которая является единственным и главным трудом творческого наследия Махаммада Наршахи. Данное сочинение, которое охватывает вопросы общественно-политической жизни, культуры, особенно исторической топографии раннесредневековья Бухары, со дня написания и до наших дней стало объектом исследования известных ученых мира.

В статье исследуется история научного изучения её и перевода на разные языки.

**Ключевые слова:** исторический источник, издание, перевод, историческая топография, исследование, научный комментарий, научное наследие, рукопись, краевед, топоним, историческое сочинение, крепость-городище.

**Abstract.** The issue of studying the “History of Bukhara” in the world and local historiography, which is the only and main work of Mahammad Narshahi's creative heritage, is widely disclosed. The work, which covers the issues of social and political life, culture, especially the historical topography of the early medieval Bukhara, from the date of its compilation to the present day has become the object of research by famous scientists of the world.

The article explores the history of its scientific study and translation into different languages.

**Key words:** historical source, publication, translation, historical topography, research, scientific commentary, scientific heritage, manuscript, local historian, toponym, historical composition, fortress-settlement.

Бухоролик муаррих Муҳаммад Наршахийнинг 943-944 йилларда ёзилган “Бухоро тарихи” асарига бўлган илмий-маърифий эҳтиёж ҳамон юқорилигича қолмоқда. Бунга сабаб тарихий география ва топографияга оид муаллиф маълумотларининг нисбатан аниқлиги ва батафсиллиги, энг муҳими, ушбу маълумотларнинг ҳозирги кунда Бухоро эски шаҳар қисмини ўрганишда ўз долзарблигини сақлаб қолганлигидадир. Атоқли шарқшунос академик В.В. Бартольд[5], шунингдек, И.И. Умняков[18], В.А. Шишкин[19], О.А. Сухарева[14], О.Г. Большаков[6], М. Саиджонов[11], А.Р. Муҳаммаджонов[10] ва бошқалар Бухоро тарихини ва тарихий топографиясини ўрганишда асардан фойдаланганлар.

Ўз даврида Европа шарқшунослари ва Шарқ ноширлари асар қимматини тўғри баҳолаган ҳолда унинг русча, инглизча таржимаси ва форсча матни нашрини амалга оширдилар. Француз олими Чарлз Шефер[20] 1892 йил Парижда асарнинг форсча матнини,

рус ўлкашуноси Н.С. Ликошин[9] 1897 йил Тошкентда русча таржимасини, инглиз олими Ричард Фрай[21] 1954 йил Кембрижда инглизча таржимасини чоп эттирдилар. Шунингдек, эронлик олим Мударрис Ризавий[16] 1939 йил Техронда асарнинг форсча қиёсий матнини эълон қилди.

1904 йил Когонда “Тарихи Наршахий” номи остида асарнинг тошбосма варианты нашр қилинганини ҳам эслаб ўтиш жоиз. Мисрлик олим Мубашшир ат-Тирозий 1965 йил Қоҳирада “Бухоро тарихи”нинг арабча таржимасини эълон қилди[1]. Асарнинг муқаддима, биринчи ва иккинчи бобларининг О.И. Смирнова томонидан рус тилига қилинган таржимаси 1965 йил Москвада чоп этилди[14].

Наршахий асарига қизиқиш бугунги кунда ҳам давом этмоқда. Ўзбекистонлик олим Ш. Камолиддинов “Бухоро тарихи”ни Н.Ликошин ва бошқа айрим нашрлар асосида рус тилига қайта изоҳли таржима қилиб, 1911 йил Тошкентда нашр этди. Китобга Д.Ю Юсупова сўзбоши, таржимадаги археологик ва топографик объектларга бухорошунос олима Е. Некрасова кенг шарҳ ёзган[9].

Ўрта Осиёда тарихий асарларни туркийга таржима қилиш анъанаси кам учрайди (Хива таржимачилиги бундан мустасно. Бироқ XIX асрда юқори поғонага кўтарилган Хива таржимачилик мактаби вакиллари томонидан қилинган тарихий асарлар ва мақомотлар таржимаси илмий таржима эмас, балки эркин, изоҳсиз таржима эди). Шу турдаги асарларни сўзбоши ва зарур изоҳлар билан эски ўзбек тилига таржима қилишни бошлаб берган маҳаллий ўлкашунослардан бири самарқандлик Абдулмўмин Сатторий (1903-1923) хисобланади[17].

Унчалик кўп бўлмаган илмий меросини умрига нисбатан қиёслайдиган бўлсак, қисқа даврда самарали ижод қилганини кузатиш мумкин. Асосан Самарқанд шаҳри тарихий топографияси, меъморий обидалари, тарихий ва агиографик асарлар таржимаси билан шуғулланган хаваскор ўлкашунос Абдулмўмин Сатторий XX асрнинг 20-йилларида профессионал тадқиқотчи даражасига кўтарилди олди, десак муболаға бўлмайди. Унинг “Кўктош”, “Рухобод”, “Готфар маҳалласи ва Юсуф Ҳамадоний” сингари мақолаларида Самарқанд шаҳри тарихий обидалари тўғрисида маълумот берилди. Юқорида таъкидлаганимиз Абдулмўмин Сатторий илмий меросининг бир қиррасини тарихий ва агиографик асарларни ўзбек тилига таржима қилиш ташкил этади[3].

Гап “Бухоро тарихи”нинг ўзбекча таржимаси тарихи тўғрисида кетар экан, таниқли олим А. Ўринбоев таҳрири остида А. Расулов томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб, 1966 йил Тошкентда нашр этилган ушбу асар таржимасини эсламаслик мумкин эмас. Илмий-изоҳли бу академик таржима юқори профессионал даражада бажарилган ва доим унга эҳтиёж мавжуд. Шу боис ушбу таржима бир неча бор қайта нашр этилди. Аслида асарнинг ўзбекча таржимасига илк маротаба кўл урган тадқиқотчи Абдулмўмин Сатторий эканлиги бугунги кунда кўпчиликка номаълум ва унинг илмий-изоҳли таржима борасидаги хизматлари эътибордан четда қолиб келмоқда. Фақатгина атоқли тарихчи Б.Ахмедов ва А. Жувонмардиев ўз тадқиқотларининг бирида Абдулмўмин Сатторий қаламига мансуб мазкур таржиманинг мавжудлиги хусусида йўл-йўлакай хабар бериб ўтадилар[4].

Абдулмўмин Сатторий 1922 йил Муҳаммад Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарини сўзбоши ва зарур изоҳлар билан ўзбек тилига таржима қилган. Таржиманинг бир қисми таржимон вафотидан сўнг “Маориф ва ўқутғувчи” журналининг 1925 йил 9-10, 11-12 сонларида эълон қилинган[17]. Асарнинг тўлиқ ёки ундан айрим парчалар таржима қилинганлиги тўғрисида аниқ фикр айтиш қийин. Таржимон таржимага ёзган сўзбошида “Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарини ўзбекчага таржима этдим” деб таъкидлайди. Ушбу таъкидга кўра, асар тўлиқ таржима қилинган.

“Маориф ва ўқутғувчи” журнали таҳририяти эса, журналнинг талаб ва имкониятларидан келиб чиқиб, таржиманинг бош қисмларини нашр этишни маъқул топади. Таржима 1922 йил 22 декабрда Бухорода яқунланади. Таржиманинг айнан Бухорода таржима қилиниши ҳам бежис эмас ва бу ҳолат баъзи мулоҳазаларга чорлайди. Таржимон асарда тасвирланган географик ва топонимик объектларни ўз жойида текшириб кўриш ва жонли



## TARIXSHUNOSLIK

кузатув орқали уларни аниқлашни кўзлаганлиги шубҳасиз. Абдулмўмин Сатторий асарга таржимон ва ўлкашунос сифатида ёндашган.

Таржимон таржимага ёзган қисқа сўзбошида Бухоронинг ўрта асрлардаги тарихий географиясини ўрганиш учун унинг аҳамияти таъкидлайди. Шунингдек, Муҳаммад Наршахий яшаган саналар, китобнинг арабчадан форсчага таржима қилиниш тарихи, энг сўнги нусха 1904 йилда чоп этилган Когон (Янги Бухоро) нусхаси эканлиги, қўлёзма нусхалари кутубхоналарда ва айрим шахслар қўлида сақланиши тўғрисида гапириб, матнда учрайдиган баъзи қийин сўзларга изоҳ ёзганини қайд этади. Демак, ҳозирги манбашуносликдаги сингари, таржима тартиб ва услуби ҳақида олдиндан маълум қилади.

Абдулмўмин Сатторий асар таржимасини бир неча нусха асосида амалга оширганини унинг “бошқа нусхада бу сўз бундай ёзилган” деган жумлаларидан уқиб олиш мумкин. Масалан, у фойдаланган нусхада Самарқанд томонда жойлашган дарё “Номиқ” деб аталган. Бу сўзга шарҳ берган таржимон бошқа нусхада бу атама “Мосаф” кўринишида учрашини таъкидлайди. “Бухоро тарихи”нинг А.Расулов томонидан қилинган таржимасида ҳам бу дарё “Руди Мосаф”, “Мосаф дарёси” номи билан тилга олинади[2].

Тарихий асарларнинг илмий-изоҳли таржимаси тартиби, усул ва тамойилларини Абдулмўмин Сатторий рус шарқшунослари ишларидан ўрганган бўлиши керак. Чунки у таржима жараёнида Хива таржимачилик мактабининг эркин таржима усулини қўлламади, балки илмий йўлни танлади. Шу даврда Абу Тоҳирхожа қаламига мансуб “Самария” асарининг В.Л. Вяткин томонидан қилинган русча[8], “Бухоро тарихи”нинг Н.С. Ликошин амалга оширган рус тилидаги таржималари мавжуд эди[9]. Абдулмўмин Сатторий учун бу асарлар таржима жараёнида методологик асос бўлиб хизмат қилганлиги аниқ.

Таъкидлаш жоизки, XX асрнинг биринчи чорагида тарихий асарларни рус тилига, қисман маҳаллий тилларга илмий-изоҳли таржима қилиш ҳали кенг кўлам касб этмаган, тажриба оз, бу турдаги асарлар сони ҳам санокли эди. Ушбу ҳолатларларни ҳисобга оладиган бўлсак, Абдулмўмин Сатторийнинг илмий-изоҳли таржима борасидаги журъати ва истеъдодини эътироф этмасдан иложимиз йўқ.

Таржимага ёзилган изоҳлар кўпинча географик номларга, топонимларга қаратилган. Жумладан, “Битик”, “Суғд”, “Нур”, “Вардона”, “Таровчи”, “Дабусия”, “Тароз” каби топонимларга шарҳ ёзади. Бу топонимлардан айримларининг ҳозирги, тўғрироғи таржимон яшаган даврдаги номининг келтирилиши эътиборга сазовор. Масалан, “Вардона” таржимон яшаган даврда (ҳозирги пайтда ҳам) “Вардонзе”, “Нур” – “Нурато”, “Тароз” – “Авлиёота” дейилган. Таржимон “Зарафшон” дарёси илгари “Суғд” деб аталганини ёзади. “Таровчи”, “Дабусия” сингари қалъаларнинг географик жойлашуви ва ҳозирги ўрни тўғрисида маълумот беради. Таржимада ўша пайтда истеъмолда бўлган ва маъмурий-ҳудудий бўлинма маъносини англатган “бўлуст” (яъни “волость”нинг бузилган шакли) сўзини ишлатади ва унинг таржимаси ҳисобланган “русток” атамасини матн остидаги шарҳда эмас, балки тўғридан-тўғри матн ичидаги қавсда беради. Тавовис қишлоғининг Работи Мулк (Малик) чўлининг ғарбида жойлашганлиги тўғрисидаги маълумотни матн ичидаги қавсда келтиради.

Асарнинг бошқа таржималаридаги шарҳларда ушбу қишлоқнинг Работи Маликнинг ғарбида жойлашганлиги ҳақида маълумот учрамайди. “Варахша” қалъа – шаҳарчасининг Бухородан бир кунлик йўл олислигида ва Хоразмга борадиган йўл устида жойлашганлиги тўғрисида шарҳда берилган таржимон маълумотлари ўша давр учун жуда қимматли эди. Чунки Наршахий “Бухоро тарихи” асарида Варахшага кенг тавсиф берган бўлса-да, унинг жойлашган ўрни, манзили хусусида аниқ маълумотларни тақдим этмаган. Бу нарса Варахша шаҳарчасини қидириб топиш юзасидан XX асрнинг 30-йилларида олиб борилган археологик тадқиқотларни мураккаблаштириб юборди.

Хуллас, 1938 йил, яъни В.А. Шишкин томонидан Варахша очилгунга қадар унинг аниқ жойлашган манзили илм-фанга номаълум бўлиб, фақат тахминлар мавжуд эди, холос. Абдулмўмин Сатторий номи бор-у, ўзи номаълум шаҳарчанинг тахминий координатлари ва жойлашган йўналишини аниқлашга муваффақ бўлган. Бироқ унинг бу илмий фарази ўз даврида оммалашмади. Шунингдек, матнда тилга олинандиган баъзи подшоҳларнинг яшаган



ёки ҳукмронлик қилган саналарига таржимон томонидан шарҳ берилган.

Абдулмўмин Сатторийнинг ушбу таржима ишини тарихий асарларни ўзбек тилига илмий-изоҳли таржима қилиш анъанасини бошлаб берган дастлабки тадқиқот сифатида баҳолаш мумкин.

Куйида Абдулмўмин Сатторий таржимасидан айрим парчаларни тақдим этамиз. Ўзбек тилининг XX аср бошларидаги хусусиятларини сақлаб қолишга ва таржимада қандай бўлса, шундай беришга ҳаракат қилдик.

**Бухоро ва унга қорошлиқ ўрунлор (музофот).** Нишобурли Абулҳасан ўзининг “Ҳазоин ал-улум” (Билимларнинг хазиналари) деган китобидо ёзибдирким, Бухоро шахри Жайхун суви (Амударё) ўртода тушуқ бўлғони ҳолдо ҳам Хуросон шаҳарларидан сонолодир.

Кармина – Бухорого қорошлиқ вилоятлардан бирисидур. Унинг суви Бухоро сувининг бир бўлаги, солуғи ҳам Бухорого тўланатурғон солуғининг бир қисмидир. Шундоқ бўлса ҳам, Кармина яна айри бир бўлустан (русток) ҳисоблонодир. Унда мачит жомеъ бор, воқтидо адиб ва шоирлор унда кўб эканлар. Бурунғи зомонлордо Кармина “Бодйаи хурдак” деб отолор экан. Бухородон Карминагача 14 фарсахлик (тошлик) йўл ҳисоблонодир.

Нур – катта бўлустандир. Унда мачит жомеъ, яна бир толой робот бордир. Ҳар йил Бухоро ва ўзга ўрунларнинг халқи бу ерга зиёрат учун бородир. Муни ўзларича савоб ва яхши иш деб биладилар. Тоғи айтадиларким, киши Нурга зиёрат учун бормоқ билан ҳажни зиёрат этгандек бўлур. “Нур”дан қойтиб келгач, ўз шаҳарларини ёсонтуруб ҳаж савобини топдиқ деб бойром ва шодлик қилодилор. Бу бўлустан ўзга вилоятлордо “Бухоро Нури” деб отолодир; нимагаким: унда тобеъинлордон (саҳобалор билан кўрушганлар ва саҳоба) (пайғамбаримизнинг суҳбатдош ва ўртоқлари) бир қончо кишининг қабрлори бордир.

Тавоиса – бу бошқо бўлустандир. Эски зомонлордо бўлустан “Арқут” деб отолор экан. Унда бой, моллик ва пуллик кишиларнинг ҳар қоюлари ўз уйларида бирта – иккитадан товус соқлор эканлар. Араблор бу ерга келиб бир кўб товусни кўргач, мундан бурун товусни бу йўсунда кўрмаганлари сабабли бу ерни “Зот ал-тавоис” деб отодилар. Шундан сўнгра аввалги оти ўртодон кўтарилди ва боро – боро “Зот” сўзи ҳам тушурилуб “Тавоиса” деб отоло бошлонди (Ул “Работи Мулк” чўлининг ғарб томонидо эрур). Унда бир мачит жомеъ улуғ шахристон бордир.

Бурунғи зомонлордо йилда мунда катта бозор бўлуб куз палласида ўн кун давом этар экан. Борчо айбли моллор, айбли кул ва хачирлор ёлғиз шул бозордо сотилор эди. Мунсиз бозор қилмоқ унда мумкин эмас эди. Олғучи ва сотғучи ўртоларида шарт қилмоқ ҳам йўқ эди. Бу бозорго йилда ўн минг кишидан ортиқ совдогар ва онборчилордон келар эди. Ҳатто Фарғона ва Чоч (Тошкенд) каби вилоятлордон ҳам кўб киши бу ерга келиб, анча фойдо билан қойтор эдилар. Шунга кўра, бу бўлустан элининг борчоси бой ва молли кишилар эди. Муниинг сабаби эса экинчиликдан бўлмоийин савдо-сотик юзасидан экан. Тавоиса Самарқанд йўли узра воқеъ бўлуб Бухорогача етти фарсах (тош)дир.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар. *Таърих Бухоро*// ...дуктур Мубашиш ат-Тирози. – ал-Кахира: Дор ул-Маориф би Миср, 1385/1965.

2. Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий. *Бухоро тарихи / Форс тилидан А.Расулов таржимаси (қайта нашири)*. – Тошкент: Камалак, 1991. - 90 б.

3. Абдулмўмин Сатторий 1921 йил Абу Тоҳирхожанин “Самария” асарини форсчадан ўзбекчага ўгирган. Таржима 1925 йил Садриддин Айний томонидан қайта кўриб чиқилиб, наширга тайёрланган, лекин чоп этилмай қолган. Атоқли шарқшунос Бўрибой Аҳмедов ва А.Жувонмардиев ушбу таржимани 1969 йил яна қайта кўриб чиқиб, наширга тайёрлайдилар. Лекин бу сафар ҳам таржима кўлэзма ҳолида қолиб кетади. Фақат 1991 йил нашир юзини кўрди. Қаранг: Абу Тоҳирхожа. Самария / Форсчадан Абдулмўмин Сатторий таржимаси. Масъул муҳаррир академик Садриддин Айний ва тарих фанлари кандидати Б.А.Аҳмедов. Наширга тайёрловчилар: Б.А.Аҳмедов ва А.Жувонмардиев. – Тошкент: Камалак, 1991.

4. Аҳмедов Б., Жувонмардиев А. *Абу Тоҳирхожа ва унинг “Самария” асари ҳақида* // Абу Тоҳирхожа. Самария. – Тошкент: Камалак, 1991. – 9 б.

5. Бартольд В.В. *Туркестан в эпоху монгольского нашествия*. Соч. В 9 томах. Т.1. – Москва: Наука, 1963.

6. Большаков О.Г. *Хронология восстания Муканьны. // История и культура народов Средней Азии*. – Москва: Наука, 1976. – С.90-98.

## TARIXSHUNOSLIK

7. Мухаммад Наршахи. *История Бухары* / Перевод с персидского Н.Лыкошин, под редакцией В.В. Бартольда. – Ташкент, 1897.
8. Мухаммад Наршахи. *История Бухары* / Перевод с персидского Н.Лыкошин. – Ташкент, 1897.
9. Мухаммад ан-Наршахи. *Тарихи-и Бухара. История Бухары.* / Вступительная статья Д.Ю. Юсуповой. Перевод, комментарии и примечания Ш.С. Камолиддина. *Археолого-топографический комментарий* Е.Г. Некрасовой. – Ташкент: SMI – ASIA, 2011, 600 с.
10. Мухамеджанов А.Р. *История орошения Бухарского оазиса.* – Ташкент: Фан, 1978; шу муаллиф: Қадимги Бухоро. – Тошкент: Фан, 1991.
11. Саиджонов М. *Бухоро ва эски бинолари.* // *Маориф ва ўқутғувчи.* – Тошкент, 1927, № 9-10.
12. Самария. *Описание древностей и мусульманских святынь Самарканда Абу Тахир – Ходжи* / Перевод В.Л. Вяткина, СКСО, 6. – Самарканд, 1898.
13. Смирнова О.И. «История Бухары» Наршахи (к истории сложения текста и о задачах его издания) // *КС ИНА. №69. Исследование рукописей и ксилографов ИНА.* – Москва: Наука, 1965. – С.155-179.
14. Сухарева О.А. *К истории городов Бухарского ханства.* – Ташкент: Фан, 1958.
15. Абдулмўмин Сатторийнинг илмий мероси тўғрисида батафсил маълумот олиши учун қаранг: Тўраев Х. *Абдулмўмин Сатторий ва унинг илмий мероси. “Имом ал-Бухорий сабоқлари”* журнали. – Тошкент, 2012. - №1. 41-44-б.
16. تاريخ بخارا. تالیف ابو بكر محمد بن جعفر النرشخی. ترجمه ابو نصر احمد بن محمد بن نصر القباوی تخلص محسد بن زفر بن عمر و تصحيح مدرس رضوی. تهران, 1939
17. بوخارا تەئریخی. سوزباشی وه تەرجیمه موعلیفی عبدولمولومین سەئتاری | مەعارف وه ئوقوتغۇچی 10-9, 12-11, 1925
18. Умняков И.И. *К вопросу об исторической топографии Бухары.* // *Сборник Туркестанского восточного института в честь А.Э.Шмидта.* – Ташкент, 1923.
19. Шишкин В.А. *Варахиа.* – Москва: Наука, 1963.
20. *Description topographique et historique de Boukhara par Mohammed Necshakhy, texte person, public par Charles Schefer, Paris, 1982.*
21. *The history of Bukhara. Translated from a Persian Abridgment of the Arabic original by Nershekhi Richard N. Frye, Cambridge. – Massachusetts, 1954.*

УДК: 94(430). 087 “1982/1998”

## GERMANIYANING BIRLASHISH JARAYONI: GELMUT KOLNING FAOLIYATI

### ПРОЦЕСС СЛИЯНИЯ ГЕРМАНИИ: ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ГЕЛМУТА КОЛЯ

### THE PROCESS OF UNINON OF GERMANY: ACTIVITY OF HELMUT KHOL

*Hayitov Shodmon Ahmadovich*  
BuxDU jahon tarixi kaf. mud. prof., t.f.d.,  
*Teshayev Azizbek To‘ynor o‘g‘li*  
BuxDU magistranti

**Annotatsiya.** *Ushbu maqolada ikkinchi jahon urushidan so‘ng okkupatsion hududga aylantirilgan, keyinchalik bo‘lib yuborilgan ikkala Germaniya davlatlarining birlashish jarayoni, muammolar va ushbu jarayonda GFR Kanseri Gelmud Kolning tutgan o‘rni to‘g‘risida ma‘lumotlar berib o‘tilgan.*

*Shuningdek maqolada Gelmud Kolning birlashgan Germaniyada siyosiy, iqtisodiy, moliya-kredit va axloqiy masalalarini hal qilishga bo‘lgan yondashuvini chuqur tahlil qilishga urinib ko‘rdik.*

**Tayanch so‘zlar:** *Germaniya Federativ Respublikasi, Xristian Demokratik Partiyasi, Germaniya Demokratik Respublikasi, Gelmud Kol, Xonneker, Shtazi, Shartnomaviy Hamjamiyat, Umumgermaniya masalasi, Sharqiy Germaniyada qayta qurish, Kosmopolitizm, “2+4” muzokaralari, NATO.*

**Аннотация.** *В данной статье представлены сведения об обзоре слияния двух Германских государств, сначала преобразованных на оккупацию после Второй мировой войны, а потом разделенных на две части, а также проблемах и роле на данном обзоре канцлера Германии Гельмута Коля.*

*Также в статье мы попытались глубоко проанализировать подход Гельмута Коля к*

## TARIXSHUNOSLIK

решению политических, экономических, финансово-кредитных и этических проблем в объединенной Германии.

**Ключевые слова:** Германская Федерация, Христианско-демократическая партия, Германская Демократическая Республика, Гельмут Коль, Хоннекер, Штази, Договорное сообщество, Все-Германия, Восстановление в Восточной Германии, Космополитизм, переговоры «2 + 4», НАТО.

**Abstract.** This article provides information about the review of the merger of the two German states, initially converted to occupation after World War II, and then divided into two parts, as well as the problems and role in this review of German Chancellor Helmut Kohl.

Also in the article we tried to analyze deeply Helmut Kohl's approach to solving political, economic, financial, credit and ethical problems in a united Germany.

**Аннотация.** Мазкур мақолада инновацион фаолият субъектларига батафсил таърифлар берилган. Инновацион инфратузилмаси элементларини гуруҳлари, таркибий қисмлари, уни шакллантиришнинг моделлари ва инновацион инфратузилмаларнинг устувор йўналишлари келтирилган. Шунингдек, инновацияларни тижоратлаштиришида барча ҳаракатларни қисмларга бўлиб тадқиқ этиш бўйича мисоллар ва Ўзбекистон миллий иқтисодиёти ўсиши ва глобал бизнес ҳамжамиятга фаол кириб бориши шароитида, Ўзбекистон иқтисодиётининг кўплаб тармоқлари бошқарув қарорларни илмий таъминлаш, шунингдек, иқтисодиётни барқарор ривожлантириш учун самарали усулларни излаш зарурлиги қайд этилган.

**Таянч сўзлар:** инновацион инфратузилма, технопарк, бизнес инкубатор, инновация марказлари, технологиялар трансфери марказлари, Инновацияларни тижоратлаштириш, трансфер

**Аннотация.** В данной статье дается подробное описание субъектов инноваций и инновационной деятельности. Группы элементов инновационной инфраструктуры структурные части, модели его формирования и приоритеты инновационной инфраструктуры. Также приводятся все усилия по коммерциализации инноваций примеры компонентного исследования и рост народного хозяйства Узбекистана и в контексте активного проникновения в мировое бизнес-сообщество, многие отрасли узбекской экономики принимают управленческие решения научная поддержка, также была отмечена необходимость поиска эффективных путей устойчивого развития экономики.

**Ключевые слова:** инновационная инфраструктура, технопарк, бизнес-инкубатор, инновационные центры, центры трансфера технологий, коммерциализация инноваций, трансфер

**Abstract.** This article provides a detailed description of the subjects of innovation and innovative activity. Groups of elements of innovation infrastructure structural parts, models of its formation and priorities of innovation infrastructure. Also, all efforts are made to commercialize innovations, examples of component research and the growth of the national economy of Uzbekistan, and in the context of active penetration into the global business community, many sectors of the Uzbek economy make management decisions, scientific support, and the need to find effective ways of sustainable economic development was noted.

**Key words:** innovative infrastructure, technology park, business incubator, innovation centers, technology transfer centers, commercialization of innovations, transfer.

**Кириш.** Ўзбекистонда иқтисодиётни либераллаштиришнинг hozirgi bosqichida инновацияларни жорий этиш ва тижоратлаштириш – иқтисодиёт тармоқларининг рақобатдошлигини оширишнинг асосий омилларидан бирига айланмоқда. “Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан

## IQTISODIYOT

ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғоя, инновацияга таянган давлат ютади. Инновация келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак”[1].

Шу жиҳатдан, инновация фаолияти инфратузилмасини ривожлантириш самарадорлигини ошириш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, бунда инновацион кластер концепциясига асосланган ҳолда иқтисодиёт рақобатбардошлиги ва инновацион ривожланишини бошқариш самарадорлигини оширишга нисбатан услубий ёндашувларни назарий жиҳатдан асослаш ва амалий механизмларини ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этади [2].

**Асосий қисм.** Инновацион инфратузилма инновацион фаолият субъектлари бирлашиб, инновацион жараёнларга хизмат кўрсатиш ва кўмаклашиш вазифаларини бажаришлари.

Инновацион инфратузилма инновацион лойиҳаларни амалга оширишга кўмаклашовчи корхоналар йиғиндиси. Инновацион инфратузилма турли хил хизматлар кўрсатишни ўз ичига олади, масалан, бошқарув, моддий-техник, молиявий, ахборот, маслаҳат ва ташкилий хизматларни ўз ичига олиши мумкин.

Инновацион инфратузилманинг турли элементлари орқали инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари белгиланади, шу жумладан, инновацион фаолиятни ахборот билан таъминлаш, ишлаб чиқариш ва технологик қўллаб-қувватлаш, инновацион маҳсулотларни сертификатлаш ва стандартлаштириш, инновацион лойиҳаларни амалга ошириш ва самарали ишланмаларни бозорга олиб чиқишга кўмаклашиш ҳамда инновацион лойиҳалар ва маҳсулотлар кўргазмаларини ташкил этиш, маслаҳат хизматларини кўрсатиш, инновацияларни яратиш бўйича кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш.

Инновацион инфратузилмани шакллантиришнинг қуйидаги моделларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Давлат модели. Инновацион инфратузилмани яратишнинг ушбу моделининг асоси бўлиб, маълум истиқболли йўналишларни такомиллаштириш бўйича давлат дастурлари ва таълим тизимини, шунингдек, турли фундаментал тадқиқот ва ишланмаларни бюджет томонидан молиялаштириш хизмат қилади. Давлат моделига мувофиқ ривожланиш стратегияси кўп ҳолларда олий таълим тизимини такомиллаштириш бўйича Ўзбекистоннинг узок муддатли дастурларини, маҳаллий маҳсулот ёки хизматларни ишлаб чиқаришга хорижий технологик корпорацияларни жалб этиш, шунингдек, Ўзбекистон илмий-техник бизнеси учун (айниқса, юқори технологик маҳсулотларни экспорт қилувчи инновацион фирмалар учун) муҳим имтиёзлар тақдим этишни ўз ичига олади. Дастлабки босқичда узок муддатли ёндашув ва катта моддий харажатлар эвазига ушбу жараёнда муваффақиятга эришиш мумкинлигини тажриба ўзи кўрсатмоқда.

2. Йирик корпоратив лабораториялар модели (XX асрда ривожланган). Ҳозирги вақтда инновацион инфратузилмани шакллантиришнинг бу модели етакчилик қилишни тўхтатди, чунки унинг ўрнини тобора марказлаштирилмаган, ташкилотнинг ички ва ташқи манбаларини яратишга йўналтирилган модель босмоқда.

3. “Очиқ инновациялар” модели ёки интеграцион деб аталмиш модель инновацион инфратузилмани яратиш бўйича олдинги барча моделларнинг ижобий белгиларини ўз ичига олади: яъни у давлатлараро йўналишга эга бўлиб бюрократизация даражаси паст бўлган шароитда инновацион бозор иштирокчиларининг зич интеграцияси ва корхонанинг ички ва ташқи ресурсларининг самарали кооперациясига асосланади. Мазкур модель бошқарувнинг мураккаблиги, жамоанинг жиддий саъй-ҳаракатлари, раҳбарнинг роли муҳимлиги, шунингдек, тизимли ёндашув ва етакчилик билан тавсифланади. Бу ерда раҳбарнинг вазифалари ходимларни рағбатлантириш, уларнинг фаолиятини зарур ресурслар билан таъминлаш ва тадқиқот вазифалари бозорнинг инновацион талабларига мослигини назорат қилишдан иборат.

Инновацион инфратузилманинг таркибий қисмлари қуйидагилар ҳисобланади:

## IQTISODIYOT

- инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланувчи ташкилотлар (бизнес тузилмалар);
- инновацион лойиҳаларни молиялаштириш билан шуғулланувчи ташкилотлар (венчур фондлар, “бизнес-фаришталар” тизими);
- янги маҳсулот ва жараёнларга оид билимларни шакллантирувчи, фундаментал ва амалий тадқиқотлар, тажриба-конструкторлик ишланмаларини амалга оширувчи ташкилотлар (ОТМлар, илмий тадқиқот институтлари).

Корхонанинг инновацион инфратузилмаси элементларини (олий таълим мусассаси каби инновацион фаол ташкилотлар мисолида) беш гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Марказлар. Инновацион нуқтаи назардан, корхона технологияларни трансфери марказлари (ТТМ), инновация ва технология марказлари; маркетинг ва илмий марказлар, шунингдек, ИТТКИни тижоратлаштириш марказлари, инновация ва ёшлар тадбиркорлиги марказлари билан таъминланиши мумкин.

2. Бўлимлар. Корхонанинг инновацион бўлимлари инновацион ривожланишнинг бир нечта бўлинмалари шаклида ташкил этилади.

3. Институтлар. Инновацион технологиялар институтлари, илмий тадқиқот ва турли хил инновацион институтлар. Кўпинча олий ўқув юртининг деярли барча факультетлари/институтлари инновацион ҳисобланади: баъзилари иқтисодиёт соҳасида, бошқалари биотехнологиялар соҳасида ва ҳ.к.

4. Илмий-ишлаб чиқариш мажмуалари (ИИМ) – лабораториялар, технопарклар, бизнес-инкубаторлар, конструкторлик бюрolari, шунингдек, тажриба майдончалари ва экспериментал ишлаб чиқаришлар, кичик инновацион корхоналарни қўллаб-қувватлашнинг турли соҳалари билан ифодаланади.

5. Бошқа элементлар. Юқоридагиларга қўшимча равишда инновацион инфратузилма куйидаги элементлар билан тавсифланиши мумкин: илмий тадқиқот ишлари бошқармалари, илмий мактаблар, саноат, ИТ-тузилмалар, кичик инновацион корхоналар билан ҳамкорлик бўйича бошқармалар; илмий-техник кутубхоналар ва бошқалар [3].

Инновацион инфратузилма элементларининг ўзаро таъсири ва боғлиқлиги суғлиги иқтисодиётнинг инновацион ривожланишидаги энг муҳим тўсиқлардан бири ҳисобланади. Бу инновацияларни тижоратлаштириш жараёнларини, уларнинг фан соҳасидан ишлаб чиқаришга ўтишини секинлаштириш хусусиятини белгилаб бермоқда. Инновацияларни тижоратлаштириш университетда рўй бераётган инновацион жараёнларни такомиллаштиришда тескари алоқа натижадорлигини сезиларли даражада камайтиради.

Яна бир муҳим омил – инновацион инфратузилма элементлари ва бизнес ҳамжамият ўртасидаги боғлиқлик даражаси пастлиги, бу ишлаб чиқилган инновацияларни тижоратлаштириш миқёси етарли эмаслиги ва иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш соҳасида олинган натижаларга талабнинг юқори эмаслиги билан белгиланади.

Инновацион фаолият натижаларини тижоратлаштириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, тижоратлаштириш – илмий ишланмаларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилиши натижасида фойда олиш механизми. Тижоратлаштириш нафақат олим янги формулани ишлаб чиққан, янги инновацион технологияни яратган ёки янги инновацион маҳсулотни ишлаб чиққан босқичини, балки илмий ишланмалар билим ва ғоялар бозорида тақдим этилиб, ишлаб чиқаришга жорий этилган, истеъмолчига етказилган ва даромад келтирадиган босқичларни ҳам ўз ичига олади.

Инновацияларни тижоратлаштириш инфратузилмасининг субъектлари сифатида худуднинг йирик ва ўрта саноат корхоналари ҳам хизмат қиладилар, улар куйидаги йўналишларга асосланади: импорт ўрнини босувчи корхоналар, банклар, хусусий инвесторлар, олий таълим муассасалари ва ҳоказо.

Инновацион инфратузилмани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари куйидагилардан иборат:

- технологиялар трансфери марказлари, бизнес-инкубаторлар, ихтисослаштирилган технопарклар ва бошқаларни барпо этиш ва ривожлантириш. Бу ерда асосий “бизнес-

## IQTISODIYOT

инкубация” тамойили бўлиб, кичик инновацион корхоналарнинг ривожланишини рағбатлантирувчи шарт-шароитлар яратиш ҳисобланади;

- технологиялар трансфери тармоғини ривожлантириш, улар инновацияларни яратиш бўйича мамлакат ичидаги ва трансмиллий марказлар тармоғига қўшилиши;

- инновацион лойиҳаларни венчурли инвестициялаш тизимини шакллантириш ва механизмларини ишлаб чиқиш;

- инновацион салоҳияти юқори бўлган ҳудудларни комплекс илмий ривожлантириш;

- инновацияларни ишлаб чиқиш бўйича яхлит ахборот маконини шакллантириш.

Инновацион инфратузилма шаклланмай, корхонанинг илмий-техник фаолияти натижаларини тижоратлаштиришни самарали амалга ошириш мумкин эмас.

Шундай қилиб, инновацияларни тижоратлаштириш инфратузилмасини интеллектуал фаолият натижаларини ташкил этувчи ва/ёки сотилишини таъминловчи ўзаро боғлиқ хизмат кўрсатадиган тузилмалар мажмуи сифатида тавсифлаш мумкин. Тижоратлаштириш инновацион инфратузилманинг бир қисми бўлиши мумкин ёки алоҳида ҳам амалга оширилиши мумкин.

Инновацияларни тижоратлаштириш аслида, инновациялар яратувчилари ва истеъмолчиларини боғлайдиган бўғин, технологиядир. Инновация фоизга – ихтиро қолган 99 фоизга ишбилармонлик бўлганлиги сабабли инновацияларни тижоратлаштириш юқори технологиялардан бири ҳисобланади. Бу ерда ишбилармонлик деганда ғояни бошқалар учун нафлиликка эга маҳсулотга айлантириш бўйича технология тушунилади. Инновацияларни тижоратлаштириш инфратузилмасининг ҳар бир элементини алоҳида ўрганиш лозим.

Технологиялар трансфери маркази. Ташкилот ичида ҳам, ундан алоҳида ҳам амал қилиши мумкин бўлган технологиялар трансфери марказларига биринчи навбатда эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Технологиялар трансфери технологиялар, ноу-хау, ускуналар, ахборот ҳамда бошқа моддий ва номоддий билим манбаларини узатувчи ва қабул қилувчи томонлар фойда олиш ёки имтиёзларга эга бўлиш мақсадида узатиш жараёнидир. Бунда мазкур жараёнга таълим муассасалари, инновацион марказлар, маъмурий тузилмалар, матбуот, банклар, турли хил инвестицион жамғармалар ва қўшимча ишлаб чиқариш объектлари киради.

“Трансфер” атамасини қўллаш жараённинг маъносини у сезиларли даражада ўзгариши билан боғлиқ. Трансфер нафақат маълумотни узатиш, балки бу маълумот манбаи иштирокида уни фаол ва манфаатли ўзлаштиришни ҳам ўз ичига олади. Технологиялар трансфери маркази фаолиятининг асосий йўналиши инновацияларни ишлаб чиқиш соҳасидан уларни амалий қўллаш соҳасига ўтказиш билан боғлиқ чора-тадбирлар мажмуасини амалга ошириш ҳисобланади [4].

Инновацияларга тижорат эҳтиёж сустиги туфайли турли илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига сарфланган маблағлар Ўзбекистон давлат бюджетига қайтиб келмайди. Бунинг асосий сабаби мамлакатимизда технология трансфери тизимининг етарли даражада самарали эмаслиги билан изоҳланади.

Бундан ташқари, илм-фан ва таълимнинг интеграциясини кучайтириш зарур. Бу инфратузилмани яратиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш имконини беради. Масалан, университетлараро ресурс марказларини яратиш олий таълимнинг салоҳиятидан инновацион фаолият учун кадрлар тайёрлашда марказлашган ҳолда фойдаланиш ва инновацион лойиҳаларни назорат қилиш ва қўллаб-қувватлашга ёрдам беради. Булар олий ўқув юртларида инновациялар соҳасида, масалан, рискларни бошқариш, интеллектуал мол-мулкни ҳимоя қилиш, технологик аудит, венчурли инвестициялаш, лойиҳалар ва бизнес-режалар ишлаб чиқиш сингари масалаларда қўшимча касб-ҳунар таълимни фаоллаштиришга кўмаклашади.

Инновацияларни тижоратлаштириш ҳажмини оширишда ҳудудий технологиялар трансфери марказларини (ТТМ) ташкил этиш муҳимдир, бунда:

- ҳудуд корхоналарининг инновацион фаолиятини ахборот таъминот тизимини такомиллаштириш (инвестиция лойиҳалари бўйича маълумотлар банкини яратиш);

## IQTISODIYOT

- инновацион фаолиятни ташкил этишнинг янги шакллари ривожлантириш;
- технологиялар трансфери билан шуғулланувчи ташкилотлар фаолиятини таркибий қайта тузиш;
- бизнес-режалаштириш тизимини ривожлантириш;
- янги технологияларни иқтисодий баҳолаш тартибини такомиллаштириш;
- инвестиция лойиҳаларини баҳолаш тартибини такомиллаштириш;
- инновацион менежерлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш;
- ТТМ ва давлат бошқарув органларининг қўшма фаолияти учун институционал асосларни ривожлантириш;
- бозорга юқори технологик маҳсулотларни олиб чиқиш ва жорий этиш тизимини ривожлантириш;
- тизимли таҳлил асосида олий таълим илмий салоҳиятининг ташқи муҳит билан доимий алоқасини таъминлаш ва ривожлантириш.

ТТМ фаолияти натижаларидан инновацион менежерларни тайёрлашда асос бўлувчи таянч фанлар бўйича ўқув дастурларини модернизациялаш мақсадида фойдаланиш мумкин, шу жумладан инновацион менежмент, инвестиция сиёсати, бизнес-режалаштириш, инкирозга қарши менежмент, ташкилот назарияси, бошқарув қарорлари, маркетинг ва бошқаларда ҳамда илм-фан ва амалиёт ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш, бўлажак менежерлар орасида инновацион фикрлашни ривожлантириш бўйича уларни ўқитиш услубиётини такомиллаштиришда ҳам қўллаш мумкин.

ТТМни жорий этилиши талабалар лабораториялари ва инновацион соҳадаги илғор корхоналар билан ўзаро алоқасини таъминлашга қўмаклашади, ИТТКИнинг алоҳида тармоқлари бўйича менежерлар малакасини ошириш бўйича тор доирадаги курсларни тайёрлаш, шунингдек, иқтисодиёт тармоқлари ташкилотларига бошқарув кадрларини тайёрлашда асосий илмий натижалардан фойдаланиш имконини беради.

**Технопарк.** Технопарк – илмий тадқиқот институтлари, саноат объектлари, бизнес марказлар, кўргазма майдончалари, ўқув муассасалари, шунингдек, хизмат кўрсатиш объектлари (транспорт воситалари, кириш-чиқиш йўллари, турар-жой мавзеси, хавфсизлик)ни ўз ичига олган мулк мажмуаси.

Технопаркларни ташкил этишдан асосий мақсад турли соҳалардаги мутахассисларни бир майдонда бирлаштиришдир. Тадқиқотчилар технопаркларда илмий тадқиқот институтларида ўз илмий ишларини олиб бориш, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида педагогик фаолият билан шуғулланиш ва ўз илмий тадқиқот илмий натижаларини амалга оширишнинг барча босқичларида фаол қатнашиш имкониятига эга бўладилар. Технопаркни бошқариш ташқи бошқарув компанияси томонидан амалга оширилади.

Технологик паркларнинг халқаро ассоциацияси бу инновацион инфратузилма объектига ўз таърифини берган. Унга кўра, технопарк мутахассислар томонидан бошқариладиган ташкилот бўлиб, унинг асосий мақсади инновацион маданиятни ривожлантириш ҳамда инновацион бизнес ва илмий ташкилотларнинг рақобатбардошлигини ошириш орқали маҳаллий ҳамжамият фаровонлигини оширишдир. Мазкур мақсадларга эришиш учун технопарк олий таълим муассасалари, илмий тадқиқот институтлари, фирмалар ва бозор институтлари ўртасидаги билим ва янги технологиялар оқимини рағбатлантиради ва йўналтиради. У инновацион корхоналарни яратиш ва ривожлантиришни осонлаштиради, буни инкубация қилиш ва мавжуд корхоналардан янги корхоналарни ташкил этиш жараёнлари (spin-off-processes) орқали амалга оширади [5].

Технопаркнинг илмий бўғинларига қуйидагилар киритилиши лозим:

- йирик илмий бўғин (университет, илмий тадқиқот институти);
- тажриба йўли билан исталган натижага эришиш имконияти (лабораториялар);
- ишлаб чиқариш ва техник ташкилотлар;
- коммуникация бўғини (конференциялар, давра суҳбатлари ўтказиш имконияти);
- маҳсулотнинг “ғоядан ҳаётга татбиқ этишгача” йўлини кузатиш, барча камчилик ва афзалликларни аниқлаш имконияти.



## IQTISODIYOT

Технопарк концепцияси учун олий таълим муассасалари ва саноат ўртасидаги ўзаро алоқанинг муҳим воситаси бўлмиш ОТМ ёки илмий тадқиқот институти билан алоқа ўрнатилиши жуда катта аҳамиятга эга. Унинг хусусияти шундан иборатки, фирмалар жисмонан паркда жойлашган бўлиб, улар олимлар ва ускуналар билан яқин алоқада бўлади. Бундай ҳамкорлик узок муддатли бўлиши жуда зарур ҳисобланади.

Технопарк ёрдамида бир қатор вазифаларни ҳал этиш мумкин:

- иқтисодиётга технологияларни татбиқ этишда университет ва илмий марказларга кўмаклашиш;
- илм-фан ва технологиялар соҳасидаги тадбиркорларнинг дастлабки босқичда ва ундан олдинги ишларида қўллаб-қувватлаш;
- университетларда, илмий марказларда илм-фан ва техника соҳасида тадбиркорлик маданиятини шакллантириш;
- иқтисодий тикланиш, ишлаб чиқаришнинг янги турлари пайдо бўлиши, саноат, илмий марказларни таркибий ўзгартириш;
- янги иш ўринларини яратиш, айниқса ишсизлик даражаси юқори ҳудудларда [6].

**Бизнес-инкубатор.** Бизнес-инкубатор – ёш тадбиркорларнинг стартап лойиҳаларини барча босқичларида – ғояни ишлаб чиқишдан бошлаб, уни тижоратлаштиришгача бўлган даврда қўллаб-қувватловчи ташкилот [7].

Бизнес-инкубатор кичик тадбиркорликни унинг ҳаётий даврининг бошланғич босқичида ташкилий қўллаб-қувватлашнинг энг самарали шаклидир. Бу турдаги компанияларнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилар ҳисобланади:

биринчидан, бундай тузилма маълум бир маҳсулотни эмас, балки мустақил хўжалик субъектини ривожлантиради;

иккинчидан, бизнес-инкубатор кўп тармоқли муассаса бўлиб, унинг асосий мақсади – назорати остидаги субъектларга ўз бизнесларини ташкил этиш, бозорга чиқиш ва ўз мавқеига эга бўлиш, рақобатчилар, ҳокимият органлари ва бошқаларнинг ноҳақ хат-ҳаракатларидан ҳимоя қилишдир [8].

Бугунги кунда Ўзбекистон бизнес-инкубаторларининг энг ижобий хусусияти – ҳудудларда кичик тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш, янги иш ўринларини яратиш, шунингдек, ижтимоий тангликни камайтириш, субшартномачи сифатида йирик ишлаб чиқариш атрофида кичик инновацион корхоналарни барпо этиш ва иқтисодиётнинг маълум тармоқларини ривожлантиришдир.

Инновацион тадбиркорликни инкубация қилиш замонавий кичик бизнесни қўллаб-қувватлашнинг энг самарали усуллари билан бири ҳисобланади. Бизнес-инкубаторларнинг мақсади юридик ва жисмоний шахсларнинг ўз инновацион фирмаларини ташкил этишларини рағбатлантириш, шунингдек, бошланғич компаниялар инновацияларни ишлаб чиқиши учун қўллаб-қувватлашдир. “Инкубация” – инновацион тадбиркорлик ҳаётий даврининг дастлабки босқичларида унинг ривожланишига ҳисса қўшувчи ва кўмаклашувчи шарт-шароитларни яратишни англатади.

Бизнес-инкубатор зарур хизматларни ва ресурсларни тақдим этиш орқали кичик инновацион корхоналарнинг дастлабки ривожланишига қулай шарт-шароитлар яратади.

Бизнес-инкубаторлар ташкилотларга қулай шартларда инновацион тадбиркорликнинг муҳим элементлари ҳисобланган: бино-иншоотлар, алоқа воситалари, оргтехника, жиҳозлар, ходимларни ўқитиш, консалтинг ва х.к. билан таъминлаш учун мўлжалланган. Бу ерда тадбиркор эътибори фақат инновацион маҳсулотлар ёки хизматларни ишлаб чиқариш, шунингдек, бозорга олиб чиқиш вазифаларига қаратилган бўлиб, бошқа барча муаммолар бизнес-инкубатор томонидан ҳал этилади.

Кичик инновацион тадбиркорликни инкубация қилиш икки йўналишда амалга оширилиши мумкин: мустақил ташкилотлар сифатида ёки технопарк асосида.

Бизнес-инкубаторлар ва технопарклар ўртасида маълум фарқ мавжуд, улардан:

- бизнес-инкубаторлар фақат ривожланишнинг дастлабки босқичида бўлган янги ташкил этилган фирмаларга ёрдам беради;

## IQTISODIYOT

- инкубаторларда мижозларни доимий равишда янгилаб туриш тизимлари технопаркларга нисбатан анча фаол;
- бизнес-инкубаторлар кичик инновацион тадбиркорликнинг кенг фаолият турларига (нотехнологик бизнес деб аталади) кўмаклашадилар;
- аксарият ҳолларда инкубаторлар ер ва кўчмас мулкка эга бўлмайди, натижада уларни ижарага бера олмайди.

Агар технопарк ва инкубаторларнинг илғор мисолларини кўриб чиқсак, улар бажарувчи вазифалар ва баеелгиланган мақсадларида жуда катта фарқ кузатилмайди.

Илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари (ИТТКИ)ни тижоратлаштириш марказлари. ИТТКИни тижоратлаштириш марказлари олий таълим муассасаси таркибига кирувчи шахсларнинг турли гуруҳлари (масалан, олимлар, ходимлар, талабалар) фаолиятига кўмаклашади. Шу билан бирга, уларнинг ҳудуд, давлат ва жаҳон даражасидаги ишбилармон доиралар ва жамият билан алоқаларига сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

ИТТКИни тижоратлаштириш марказларининг асосий вазифаси қуйидагилардан иборат:

- 1) университетнинг инновацион фаолиятини такомиллаштиришга кўмаклашиш;
- 2) илмий-техник ишланмалар ва технологияларни ҳудуд, мамлакат ва халқаро миқёсда оммалаштириш;
- 3) ҳудуднинг иқтисодий ривожланишини қўллаб-қувватлаш;
- 4) олий ўқув юртларида олиб бориладиган турли илмий тадқиқот ишларига – фундаментал ёки амалий лойиҳаларга молиявий маблағларни жалб қилиш.

ИТТКИни тижоратлаштириш марказларининг фаолият йўналишлари:

- илмий тадқиқот фаолияти натижалари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш, унда илмий-техник ишланмалар мониторингини олиб бориш;
- ИТТКИнинг маълумотлар базасини яратиш ва ривожлантириш;
- тижоратлаштиришга яроқли янгиликларни аниқлаш учун технологик назоратни ташкил этиш;
- тижоратлаштириш режасини тузиш, у моддий-техник воситалар билан ташкилотни таъминлаш, патент ва маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, шунингдек, кўргазма фаолиятини олиб боришни ўз ичига олади;
- бизнес-инкубаторга таклиф этилаётган илмий-техник лойиҳалар базасини яратиш ва уларни амалга ошириш учун ижрочилар жамоаларини шакллантириш;
- “ноу-хау”ни расмийлаштириш, патент ишларини амалга ошириш, инновацияларни патентлаш ва лицензия шартномаларини тузиш;
- маркетинг тадқиқотларини ташкил қилиш учун махсус таркибий бўлинмалар ёки алоҳида мутахассисларга ишлаб чиқилган инновацияларни топшириш;
- ишланмалар каталогига инновациялар тўғрисидаги маълумотларни чоп этиш учун топшириш;
- ярмарка ва кўргазмаларда реклама қилиш учун илмий-техник ишланмалар тўғрисида махсус варақалар ва буклетлар тайёрлаш;
- иқтисодиётнинг реал сектори ташкилотларида кейинчалик амалга ошириш учун тайёр инновацион лойиҳаларни бизнес-инкубаторга топшириш;
- йирик инновацион лойиҳаларни федерал мақсадли дастурлар ва давлат корпорациялари маблағлари эвазига оптимал молиялаштириш манбаларини излашда кўмаклашиш;
- кенг қўламли илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари, шунингдек, кичик инновацион корхоналарни ташкил этиш ва жамғармалар, банклар маблағларини жалб этишни режалаштирган лойиҳаларни самарали амалга ошириш учун бизнес-инкубаторга ўтказиш.

Кичик инновацион корхоналар (КИК) инновацияларни яратишда иштирок этувчи, аммо инновацияларни амалга ошириш уларнинг асосий фаолияти бўлмаган ташкилотлар (университетлар, илмий тадқиқот институтлари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ташкилотлари ва ҳоказолар) учун инновацияларни тижоратлаштиришнинг

## IQTISODIYOT

ўзига хос шакли бўлиб хизмат қиладилар.

Бундай ташкилотларнинг инновацияларини тижоратлаштириш кичик инновацион корхона (КИК)ни ташкил этиш орқали амалга оширилади ва унинг асосида университетнинг илмий-техник фаолияти натижалари саноат даражасига олиб чиқилади. Бундай ишлар инновацияларни йирик саноат корхоналарида кейинчалик синаб кўриш учун жозибadorлигини сезиларли даражада оширади. Шунингдек, КИКни ўрта ёки йирик корхона даражасига олиб чиқиш имконияти ҳам мавжуд.

Инновацияларни тижоратлаштиришда барча ҳаракатларни куйидаги қисмларга ажратиб тадқиқ этиш мумкин:

1. Ташкилий қисм – корхонада мавжуд инновацияларни тизимлаштириш, уларга нисбатан мулк ҳуқуқларни аниқлаш, тижоратлаштиришни ташкил этиш ва бу жараёни назорат қилишда масъулларни белгилаш учун зарурдир.

2. Мазмунли қисм – ташкилотнинг интеллектуал мулк объектлари рўйхатини шакллантириш, уларни тизимлаштириш, улар орасидан истиқболлиларини танлаш ва кейинчалик потенциал инвесторларга кўриб чиқиш учун тақдим этиш. Энг истиқболли инновацияларга келажакда инновацион маҳсулотни ишлаб чиқариш, интеллектуал мулк объектларини баҳолаш ва ташкилотнинг бошқарув ҳисобига уларни киритиш бўйича тахминий техник-иқтисодий асоснома тузилади. Инновацияларни бухгалтерия ҳисобига киритиш энг мақбул солиққа тортиш мақсадида КИКларнинг шакллантирилган устав фондида уларни киритиш даврига яқинроқ вақтда амалга оширилади.

Инновацион ташкилотда бизнес ҳамжамият билан зарур алоқалар ўрнатилмаганлиги ҳамда натижадор инновацион тизим мавжуд эмаслиги илмий мактабларни такомиллаштириш ва илмий ходимлар сони кўпайишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида бгён этилган фикрлар интеллектуал салоҳият пасайиши ва инновациялар фонди етишмаслигига сабаб бўлмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистон миллий иқтисодиёти ривожланиши ва глобал бизнес ҳамжамиятга фаол кириб бориши шароитида, Ўзбекистон иқтисодиётининг кўплаб тармоқлари бошқарув қарорларини илмий таъминлаш, шунингдек, иқтисодиётни барқарор ривожлантириш учун самарали усулларни излаш зарурлигини ҳис этмоқда.

Илмий тадқиқот фаолият натижаларидан тижорат мақсадларида фойдаланиш таянч тамойилларга мувофиқ амалга оширилиши керак, яъни ташкилот ва унинг аъзолари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат ва жамият манфаатларини таъминлаш ва иқтисодий ривожланишга ижобий таъсир кўрсатиши лозим.

### АДАБИЁТЛАР

1. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.* – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. – 23 б.
2. *Волков, А.С. Бизнес-планирование / А.С. Волков, Марченко А.А. – М.: Издательство «РИОР», 2005. – 81с.*
3. *Гребенюк И.И. Анализ инновационной деятельности вузов России /И.И. Гребенюк, К.О. Чехов // Успехи современного естествознания, 2012 – №7. – С. 137-139.*
4. *Отажонов Ш.И. Инновация фаолияти инфратузилмасини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари самарадорлигини ошириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати.* – Тошкент, 2018 й. 5-б.
5. *Свободная энциклопедия «Википедия» [Электронный ресурс] – Режим доступа: <https://ru.wikipedia.org/wiki>.*
6. *Фирсова С.П. Трансфер технологий как фактор инновационного развития технического университета / С.П. Фирсова // Казанский педагогический журнал, 2011. – № 1. – С. 54-60.*
7. *Цеханович, А.Е. Технопарк как благоприятная среда для развития научного потенциала человека / А.Е. Цеханович // Научный вестник Воронежского государственного архитектурного университета. Серия: Высокие технологии. Экология-2011.-№ 1.*
8. *Чистякова, О.В. Перспективные направления развития бизнес-инкубаторов в России / О.В. Чистякова // Известия Иркутской государственной экономической академии (Байкальский государственный университет экономики и права). – 2011. – № 2.*

УДК 338.436(575.1)

**КЛАСТЕР МОДЕЛЛАРИНИНГ ЗИЁРАТ КЛАСТЕРБОПЛИК ХУСУСИЯТЛАРИГА  
МОСЛИГИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ**

**СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ СООТВЕТСТВИЯ МОДЕЛЕЙ ТУРИСТСКИХ  
КЛАСТЕРОВ С ХАРАКТЕРИСТИКАМИ ПАЛОМНИЧЕСКОГО  
КЛАСТЕРООБРАЗОВАНИЯ**

**COMPARATIVE ANALYSIS OF THE COMPATIBILITY OF MODELS OF TOURIST  
CLUSTERS WITH THE CHARACTERISTICS OF PILGRIM CLUSTER FORMATION**

*Тўхлиев Искандар Суюнович*  
СамИСИ проф., и.ф.д.,  
Наврўз-зода Зебинисо Бахтиёрвна  
БухДУ иқтисодиёт каф. кат. ўқит.

**Аннотация.** Мақолада олтига илгор кластер моделининг зиёрат кластербоплик хусусиятларига мослигини аниқлаш мақсадида уларнинг хўжалик юриштининг турли даражалардаги ўнга кластер шакллантирувчи хусусиятлари билан солиштириши йўли билан қиёсий таҳлил ўтказилган. Таҳлил натижасида туризм ҳудуди билан боғлиқ 3 та - “Кластерлаштирилган туризм дестинацияси”, “Туризм кластерининг географик” ва “Дестинацион менежмент” моделлари зиёрат кластерини шакллантириши учун мақбул моделлар сифатида танлаб олинган.

**Таянч сўзлар:** зиёрат туризми, туризм кластери, зиёрат кластери, кластерларни шакллантириши, туризм дестинация, дестинацион менежмент.

**Аннотация.** В статье на основе сравнительного анализа шести продвинутых моделей туристского кластера с десятью кластерообразующими признаками различных уровней хозяйствования определяется их соответствия признакам формирования паломнического кластера. В результате анализа были выбраны три модели - «Модель кластеризованной туристской дестинации», «Географическая кластерная модель» и «Модель дестинационного менеджмента», которые могут служить основой для формирования паломнического кластера.

**Ключевые слова:** паломнический туризм, туристский кластер, паломнический кластер, формирование кластера, туристская дестинация, дестинационный менеджмент.

**Abstract.** In the article, based on a comparative analysis of six advanced models of a tourist cluster with ten cluster-forming characteristics of different levels of management, their correspondence to the characteristics of the formation of a pilgrimage cluster is determined. As a result of the analysis, three models were selected - the "Clustered tourist destination model", "Geographical cluster model" and "Destination management model", which can serve as the basis for the formation of a cluster cluster.

**Key words:** pilgrimage tourism, tourist cluster, pilgrimage cluster, cluster formation, tourism destination, destination management.

**Қириш.** Ўзбекистон катта сайёҳлик салоҳиятга эга ўлка бўлиб, унинг туризм ресурсларидан узоқ йиллар самарали ва оқилона фойдаланмай келинган. Бунга сабаб туризм иқтисодиётнинг иккинчи даражали соҳа эканлиги ҳамда унинг рақобатбардошлиги ва туризм хизматлари кўрсатиш сифатининг пастлигида эди. Охирги уч йилда туризм соҳасини иқтисодиётнинг стратегик тармоғига айлантириш стратегик вазифасини амалга ошириш жараёнида мамлакатимизнинг зиёрат туризми бўйича жозибадор сайёҳлик ҳудуд сифатида халқаро миқёсда нуфузи йил сайин ошиб бормокда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йилдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида зиёрат туризмини жадал ривожлантириш зарурлиги тўғрисида фикр



## IQTISODIYOT

юритиб, юртимизда 8 минг 200 дан зиёд маданий мерос объекти мавжуд бўлиб, туризм маршрутларига уларнинг атиги 500 таси киритилганлигини қайд этди ва Ўзбекистон Ҳукуматига зиёрат ва анъанавий туризм йўналишларига кирувчи объектлар сонини 800 тага етказиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди [1].

Мамлакатимизда зиёрат туризмни жадал ривожлантириш учун уни самарали ташкил этишнинг инновацион усулларини қўллаш тақозо этадики, бундай усуллардан бири кластер ёндашуви ҳисобланади. Чунки туризм соҳасида рақобат устунлигининг муҳим шартларидан бири ҳудудларнинг сайёҳлик салоҳиятидан самарали фойдаланиб, жойларда туризм бизнесини комплекс ривожлантиришга эришиш ҳисобланади. Алоҳида туризм ҳудудларида сайёҳлик бизнесини ташкил этишнинг самарали ва туризм оламида шуҳрат қозонган шакли сифатида туризм кластерларини яратиш ва ривожлантириш хизмат қилади. Ҳозирги вақтда Европада 100 тадан фирмаларни ўз ичига қамраб олувчи 392 та кластерлар ва 50 дан 100 тагача фирмалардан таркиб топган 471 та кластерлар муваффақият билан фаолият юритиб келмоқда [2].

**Асосий қисм.** Адабиётларда “кластер” тушунчасининг турли ёндашувлари бўйича турлича талқинлари мавжуд. “Кластер” атамасининг иқтисодий жиҳатида Гарвард университети профессори Майкл Портер эътибор қаратиб, унга “бу маълум бир соҳада ўзаро боғлиқ компания ва муассасаларнинг географик концентрацияси” [3] деб, таъриф берган. М.Портернинг кластерга берган ушбу таърифида “географик концентрация” ибораси эътиборга молик деб, ҳисоблаймиз. Чунки кластернинг ўзига хос хусусияти бир хил соҳадаги корхона ва ташкилотларни ҳамкорликда ишлашининг муваффақияти, айнан уларнинг географик яқинлигидан боғлиқ бўлиб қолади.

Бу ерда бир хил соҳадаги корхона ва ташкилотларнинг горизонтал интеграцияси ҳақида сўз боради. Улар вертикал тарзда боғланган бир тармоқдаги ёки тармоқлараро корхона ва ташкилотлар биланам ҳамкорликни йўлга қўйиб ишлашлари ҳам мумкин. Яъни “кластер” хўжалик юритишнинг шакли сифатида, биричи навбатда, бизнес юритувчи субъектларнинг ҳудудий бирлиги яратилишини тақозо этади. Бундай ҳудудий бирлик бўлмаса, кластернинг синергетик самараси юзага чиқмайди ва бундай хўжалик юритиш шаклини тармоқ ёки тармоқлараро ҳамкорлик дейиш мумкин.

Туризм соҳасида кластер тадқиқотлари унча кўп олиб борилмаганига қарамай, кластерлар зиёрат ҳудудларини шакллантириш, муқаддас жойларга ташриф буюрадиганларни кўпроқ жалб этиш ва уларнинг рақобат устунлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Биз турли олимлар томонидан ишлаб чиқилган туризм кластери моделларини қиёсий таҳлил қилиш асосида Ўзбекистонда зиёрат кластерларини шакллантириш ва ривожлантириш имкониятлари бўйича ўз тавсияларимизни ишлаб чиқамиз.

“Туризм кластери” – туризм соҳасида хизмат кўрсатувчи корхона, ташкилот ва муассасаларининг бирлашмасидир. Бу иборанинг турли талқинлари мавжуд. Бир гуруҳ олимлар туризм кластерини тор маънода – “минтақавий туризм-рекреация тизими сифатида” [4], бошқалари уни кенг маънода – “ҳудуднинг манфаатлари, мустақиллиги, рақобатбардошлиги ва барқарор ривожланишини кучайтиришга йўналтирилган минтақавий бошқарув механизми сифатида” [5] ўргандилар.

“*Туризм кластери модели*” – рақобатбардош туризм хизматлари кўрсатиш учун зарур шарт-шароитларни ярата оладиган, ресурсларни мувофиқлаштириш ва тарқатиш учун зарур элементларнинг изчил ривожланаётган мажмуидир [6]. Туризмга бағишланган хорижий ва мамлакатимиздаги адабиётларда туризмни кластер ёндашувида ташкил этиш ва ривожлантиришнинг турли назарий моделлари мавжуд. Биз туризм кластерининг моделларининг зиёрат кластербоплик хусусиятларига мослигини аниқлаш мақсадида “туризм кластери моделлари” тафсилоти бўйича олимларнинг олти та илғор моделини танлаб олдик ва қиёсий таҳлил ўтказиш учун *1-жадвалнинг 1-6-сатрларида* жойлаштирдик.

Қиёсий таҳлил жараёнида туризм кластерлари моделларининг зиёрат кластерини шакллантириш хусусиятларига мослигини аниқлаш учун “тармоқлараро ўзаро ҳамкорлик шакли сифатидаги туризм кластерларининг зарур ва етарли хусусиятларини аниқлаш



## IQTISODIYOT

мақсадга мувофиқ бўлади” [7, 48 б.]. Бунда, биз хўжалик юретишнинг турли даражаларида кластерларни шакллантиришнинг ўзига хос белгиларини ҳисобга олиб, уларни учта гуруҳи бўйича 10 та хусусиятини аниқлаб олдик. Гуруҳлар кесимида кластерларни шакллантирувчи хусусиятлари куйидагилардан иборат:

*I. Иқтисодий тармоқларда кластерларни шакллантириш хусусиятлари:*

1. Ҳудудий бирлик.
2. Тармоқ ва тармоқлараро алоқалар мавжудлиги.
3. Кооперацион алоқалар.
4. Давлат-хусусий шериклик.
5. Ички рақобат.

*II. Туризм соҳасида кластерларни шакллантириш хусусиятлари:*

1. Туризм ҳудудлари шакллантирилганлиги.
2. Номоддий хусусиятдаги туризм маҳсулотининг технологик занжирини яратиш.
3. Ҳудудда турагентлик ва троператорларнинг устунлиги.

*III. Зиёрат туризмида кластерларни шакллантириш хусусиятлари:*

1. Жозибадор зиёрат дестинация (ҳудуд)лар мавжудлиги.
2. Зиёратчиларнинг кластерда иштироки.

1-жадвал

### Туризм кластери моделларининг зиёрат кластербоплиги хусусиятларига мослигининг қиёсий таҳлили\*

Түр	Туризм кластери моделлари (муаллифлари ва давлати)	Кластерларни турли хўжалик юретиш даражаларида шакллантириш хусусиятлари									
		Иқтисодий тармоқларда					Туризм соҳасида			Зиёрат туризмида	
		1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1.	Туризм кластерглобал рақобатбардошлигининг ривожланиш модели (N. Kim & E. Wicks, АҚШ)	+	+	+	+	+	-	+	+	-	-
2.	Кластерлаштирилган туризм дестинацияси модели (A. Malakauskaitė, V. Navickas, Польша)	+	+	+	+	+	+	-	+	-	-
3.	Туризм кластерининг тизимли модели (А.Е. Бойко, Россия)	+	+	+	-	-	-	+	+	-	-
4.	Жараён ёндашуви асосида туризм кластерининг таркибий модели (Е.Г. Карпова, Россия)	+	+	+	-	+	-	+	+	-	+
5.	Туризм кластерининг географик модели (М.А. Морозов, Т.В. Львова, Россия)	+	+	+	-	-	+	-	-	-	-
6.	Туризм кластерининг дестинацион менежмент модели (Б.Н. Наврўз-Зода, Н.С. Ибрагимов, Ўзбекистон)	+	+	+	-	-	+	-	+	-	-

Муаллиф ишланмаси.

\*Изоҳ: «+» - хусусият мавжуд; «-» - хусусият мавжуд эмас.

Ушбу кластер шакллантирувчи хусусиятларни учта гуруҳ бўйича юқорида санаб ўтилган тартиб-рақамга риоя этган ҳолда ифодаланган 1 дан 10 гача сонларда 1-жадвалнинг устунларида жойлаштириб қўямиз.

1-жадвалнинг маълумотларидан фойдаланиб, кластер моделларининг зиёрат кластербоплик хусусиятларига мослигини қиёсий таҳлил ўтказиш мақсадида танланган 6 та моделдан ҳар бирининг мазмун-моҳияти ва ички тузилиши мақолада навбатма-навбат ёритилган ҳолда, уларнинг хўжалик юретишнинг иқтисодиёт тармоғидаги 5 та, туризм соҳасидаги 3 та ва зиёрат туризмидаги 2 та (жами 10 та) кластер шакллантирувчи хусусиятлари билан қиёслаб борилади. Қиёсий таҳлил ўтказиш жараёнида ҳар бир моделнинг зиёрат кластербоплик хусусиятларига мос келиши ёки мос келмаслиги аниқлаб олинади.

Агар ўрганилаётган кластер модели кластер шакллантирувчи хусусиятига мос келса, моделнинг жадвалдаги сатри (масалан, 1-сатрда жойлашган “Туризм кластери глобал рақобатбардошлигининг ривожланиш модели”)ни кесишиб ўтадиган кластербоплик хусусиятининг сони жойлашган устуни (масалан, 1-устунда жойлашган “Ҳудудий бирлик”

## IQTISODIYOT

хусусияти)да “+” белгиси, агар мос келмаса – “-” белгиси кўйиб чиқилади. Шундай қилиб, жадвалдаги 6 та кластер моделининг ҳар бири 10 та кластербоплик хусусиятлари билан солиштириб чиқиш йўли билан қиёсий таҳлил амалга оширилади.

1-жадвалнинг 1-сатридан кўришиб турибдики, илк туристик модель АҚШ олимлари Н. Ким ва Б. Викс (Namhyun Kim & Bruce E. Wicks) томонларидан тузилган бўлиб, Майкл Портернинг классик – “Бриллиант модели”ни туризм соҳасига мослаштирилган, “*Туризм кластери глобал рақобатбардошлигининг ривожланиш модели*” деб номланади. Бу кластер модели тўрта омилга асосланади: асосий ресурслар ва диққатга сазовор жойлар; дестинацион менежмент; тўлдирувчи шароитлар ва талаб шартлари. Моделда кластер иштирокчилари сифатида ҳукмат органлари, дестинацион менежмент ташкилотлари, университетлар, туризм соҳаси билан боғлиқ оддий ва трансмиллий компаниялар ажратилган. Кластер моделида омиллар ва иштирокчиларнинг ўзаро алоқадорлиги ва ҳамкорлиги натижасида туризм рақобат устунлигига эга бўлиб, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминланувчи воситага айланиши кўрсатилган [8, 5 б.].

“Туризм кластери глобал рақобатбардошлигининг ривожланиш модели”ни жадвалдаги “Кластерларни турли хўжалик юритиш даражаларда шакллантириш хусусиятлари” билан қиёсланганда, иқтисодий тармоқларда кластерларни шакллантирувчи 5 та хусусиятига тўлиқ мос келади (улар жадвалга “+” белгиси билан кўрсатилган), туризм кластери учун зарур хусусиятларнинг 6 – “Туризм ҳудудларининг шаклланганлиги” га унча мос келмайди (бу ҳолат жадвалда “-” белгиси билан кўрсатилган) ва 7 – “Номоддий хусусиятдаги туризм маҳсулотининг технологик занжирини яратиш” ҳамда 8 – “Худудда турагентлик ва троператорларнинг устунлиги” хусусиятларига тўлиқ мос келади.

Бироқ таҳлил қилинаётган кластер модели зиёрат туризмда кластерларни шакллантирувчи иккала: 9 – “Жозибадор зиёрат дестинация (худуд)ларнинг мавжудлиги” ва 10 – “Зиёратчиларнинг кластерда иштироки” хусусиятларига мос келмаслиги аниқланди. Бу ҳолат жадвалда “-” белгиси билан ифодаланган.

Қиёсланадиган иккинчи туризм модели Польша олимлари А. Малакаускайте ва В. Навискас (A. Malakauskaite, V. Navickas) ишланмалари бўлиб, у “*Кластерлаштирилган туризм дестинацияси модели*” деб номланади [9]. Туризмда кластерлаштириш назариясининг ривожланиши натижасида туризм кластерининг худуд манфаатларини мустаҳкамлашга, унинг мустақиллиги, рақобатбардошлиги ва барқарор ривожланишига кўмаклашувчи худудий бошқарув механизми сифатида ўрганилувчи янгича модулнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Бу модулнинг моҳияти шундан иборатки, тармоқлараро ўзаро ҳамкорлик нафақат кластерга киритилган компаниялар, балки туризм кластери фаолият юритувчи худуд – туризм дестинациясининг узок муддатда рақобатбардошлигини оширишга ҳам бевосита кўмаклашади. Унда туризм дестинациясини тарқатиш майдонининг кўлами ҳар хил бўлиши мумкин. Бу модель бошқа моделлардан фарқли ўларок, “туризм худуди (дестинацияси)” элементини қамраб олади ва унинг мавжудлиги туризм моделининг зарур хусусиятларидан бири ҳисобланади [10, 57 б.].

Бу моделда рақобатбардошлик, ички рақобат интеграцияга асосланади, унда худуднинг ривожланиши эътиборга олинган, ҳукматнинг қўллаб-қувватлаши ва академик институтларнинг иштироки ҳам мавжуд. Моделнинг, фикримизча, камчилиги – дестинацион менежмент ва маркетингни ҳисобга олмаганлиги ҳамда моделнинг тузилишида қўшилган қиймат занжири (7-хусусият) ўз аксини топмасдан қолганлигида. Юқоридаги моделга ўхшаб, унда ҳам зиёрат туризмида кластер шакллантирувчи иккала хусусият ҳам ҳисобга олинмай қолган.

Туризм кластерлари эволюциясидаги навбатдаги модель Россия олими А.Е. Бойко томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, “*Туризм кластерининг тизимли модели*” деб номланади [11]. Мазкур модель ресурсларни мувофиқлаштириш ва тарқатиш учун зарур элементларнинг изчил ривожланаётган мажмуи шаклида шакллантирилган. Моделни амалга ошириш истеъмолчилар эҳтиёжларини кондирувчи рақобатбардош туризм хизматлари

## IQTISODIYOT

кўрсатиш учун шароит яратиш имконини беради. Бу модель кластернинг тизимлиги, элементларнинг ўзаро боғликлиги ва бир-бирини тўлдиришини акс эттиради. У ҳар қандай минтақа ёки ҳудудлар гуруҳи учун ишлатилиши кўзлайди.

Моделни лойиҳалаш учун туризм ресурслари пойдевор сифатида танланган, чунки улар туризмни ривожлантиришда муҳим ўринга эга ва туризм саёҳатларининг асосий сабабчиси ҳам ҳисобланади. “Туризм кластерининг тизимли модели” қуйидаги элементларни ўз ичига олади: туризм ресурслари; туроператор ва турагентликлар; жойлаштириш воситалари, овқатланиш, транспорт ва дам олиш хизматларини кўрсатувчи провайдерлар; туристларга қўшимча (чакана, жумладан сувенирлар савдо, суғурта, алоқа, молия, тиббий) хизматлар кўрсатувчи корхоналар; ташқи муҳит омиллари. Мазкур туризм кластерини яратиш қуйидаги етти босқичини ўз ичига олади: чегараларни аниқлаш; идеаллаштирилган моделни яратиш; шаклланиш салоҳиятини ўрганиш; туризм маҳсулотларини тавсифлаш; инфратузилмани таҳлил қилиш; ташқи шаклланиш шароитларини ўрганиш; умумий натижаларни баҳолаш ва лойиҳа модели ҳамда ривожланиш стратегиясини танлаш.

Мазкур кластер модели 1-жадвалдаги “Кластерларни турли хўжалик юритиш даражаларида шакллантириш хусусиятлари” билан қиёслаганда, иқтисодий тармоқларда кластерларни шакллантирувчи 5 та хусусиятдан фақат 3 таси – “Худудий бирлик”, “Тармоқ ва тармоқлараро алоқалар мавжудлиги” ва “Кооперацион алоқалар” хусусиятлари ҳамда туризм соҳасида кластерларни шакллантирувчи барча хусусиятларга тўлиқ мос келади. Лекин зиёрат туризмида кластерларни шакллантирувчи иккала: 9 – “Жозибадор зиёрат дестинациялари (ҳудудлари) мавжудлиги” ва 10 – “Зиёратчиларнинг кластерда иштироки” хусусиятларига эса мос келмайди.

Қиёсланувчи тўртинчи туризм кластери модели россиялик олими Е.Г. Карпова томонидан яратилган “*Жараён ёндашуви асосида туризм кластерининг таркибий модели*” ҳисобланади [12]. Муаллиф томонидан туризмда қийматни жамғариш тизимини ҳисобга олган ҳолда жараён ёндашуви асосида туризм кластерининг таркибий модели таклиф этилган. Моделнинг афзал томони “сотиш каналлари – транспорт хизматлари – жойлаштириш воситалари – овқатланиш масканлари – кўнгилочар иншоотлар – туризм хизматлари мажмуаси истеъмоли” занжирини тузиш ҳамда ҳудудда маҳаллий устунликлар асосида максимал даромад олиш учун ҳамкорлик, рақобат ва инфратузилмани ривожлантириш кўзда тутилган. Бу модель доирасида қўшилган қиймат занжиридан таркиб топган қиймат ошириш тизимини яратган ҳолда туризм кластери таркибий моделнинг асосий элементлари аниқланган.

Моделнинг асосий элементи туристларнинг эҳтиёжлари бўлиб, уларни қондириш учун туризм хизматларини мажмуали кўрсатишнинг асосий жараёни шакллантирилади. Бунда асосий бизнес жараёнлари сотиш каналлари, транспорт хизмат кўрсатувчилари, жойлаштириш воситалари, овқатланиш масканлари, кўнгилочар муассасалардан иборат занжирни ўз ичига олган туризм кластерининг қийматини жамғариш тизими сифатида қаралади. Жараён ёндашуви нуқтаи назаридан бу моделнинг кириш жараёнини – туризм хизматларини яратиш ташкил этилса, чиқиш жараёни – туризм хизматлари мажмуасини истеъмоли қилиш кўринишида намоён бўлади.

Туристларнинг қониқиш даражаси кластердаги барча иш жараёнлари натижаларини баҳолаш мезони сифатида ўрганиб, тескари алоқа орқали мувофиқлаштириш ва бошқариш жараёнининг мазмуни аниқланади. Бу модель иқтисодий тармоқларда кластерларни шакллантирувчи фақат 4 – “Давлат-хусусий шериклик” хусусиятига, туризм соҳасида кластерларни шакллантиришнинг 6 – “Туризм ҳудудлари шаклланилиги” хусусиятига ва зиёрат туризмида кластерларни шакллантирувчи 9 – “Жозибадор зиёрат дестинация (ҳудуд)лари мавжудлиги” хусусиятига эса мос келмайди.

Туризм кластерларини шакллантиришнинг бешинчи қиёсланаётган модели сифатида россиялик олимлари М.А.Морозов ва Т.В.Львованинг “*Туризм кластерининг географик модели*” танланган [13]. Бу модель кластерлар жойлашган ҳудудга боғлиқ “Картографик таксономия” деган ёндашувга асосланади. “Таксономия” (юнон тилидан “*taxis*” – ўрнашган

## IQTISODIYOT

жой ва “nomos” – қонун) воқеликнинг мураккаб соҳалари, одатда иерархик тузилиш (география объектлари)га эга воқеликнинг мураккаб соҳаларини таснифлаш ва тизимлаштириш назариясидир.

Бунда “Картографик таксономия” деганда, муаллифлар туризм ресурслари, хусусиятлари ва туризм ҳудудларининг ривожланиш омиллари тўғрисидаги маълумотларни картографик таксономия ёрдамида тақдим этиш усули деб, тушунадилар. “Картографик таксон” эса ўрганилаётган объектнинг ягона ресурс (кўрсаткичи) ни ўз ичига олувчи ҳудудий бирликлари тўплами сифатида талқин этилади. “Худудий бирлик” – харитадаги 1x1 километр горизонтал текисликка мос келадиган, унга берилган тартиб рақами (координаталари) бўлган ҳудуднинг участкаси назарда тутилади. Масалан, “Красная Поляна” туризм дестинацияси топографик хаританинг “А24В30” ҳудудий бирлиги бўйича картографик таксонларида тасвир этилади.

Картографик таксономияга асосланган кластерлаштириш амалиёти туризм дестинациясини географик моделлаштириш учун зарур маълумотларни тўплаш, сақлаш, фойдаланиш ва айирбошлаш имконини беради. Туризм дестинацияси моделининг географик тавсифи туризм кластерларининг истеъмол сегментлари бўйича массивлари сифатида тақдим этилади, бу ерда кластерлар саёҳат мотивларига қараб истеъмолчиларнинг ресурслари ва инфратузилмаси талабларига мувофиқ шакллантирилади.

Муаллифлар “кластер” деганда муайян туризм тури учун талаб этилувчи шарт-шароитларга жавоб бера оладиган дестинация (ҳудуд)ларни танлаб олишни назарда тутадилар. Ҳар бир жой, минтақа ҳудудида турли ўзаро таъсир этувчи жараёнларни ўрганиш ва ушбу ҳудудларни туризм дестинацияларига айлантириш мақсадида кластер моделида картографик таксономия воситаси ёрдамида ахборот бериш усули ишлаб чиқилган.

Мазкур кластер модели иқтисодий тармоқларда кластер шакллантирувчи 4- ва 5-, туризм соҳасида кластерларни шакллантиришнинг 7- ва 8- ҳамда зиёрат туризмида кластерларни шакллантирувчи иккала: 9 – “Жозибатор зиёрат дестинация (ҳудуд)ларининг мавжудлиги” ва 10 – “Зиёратчиларнинг кластерда иштироки” хусусиятларига эса мос келмаслиги аниқланди.

Туризм кластерининг олтинчи қиёслаш модели ўзбек олимлари Б. Наврўз-Зода ва Н. Ибрагимов томонидан яратилган бўлиб, у туризм кластерининг “*Дестинацион менеджмент модели*” кўринишига эга[14]. Ушбу модель тўрта қуйидаги жабҳалардан иборат: туризм хизматлари бозори ва сайёҳларни хатти-ҳаракатларини ўрганиш, мақсадли туристик сегментларни ажратиш ва ташриф мақсадларини аниқлаш билан боғлиқ бўлган *маркетинг* жабҳаси; туристик жозибатор жой ва масканларни танлаш ва сайёҳат амалга ошадиган туристик манзил (дестинация)ларни шакллантиришга қаратилган *ташқиллий* – *ҳудудий* жабҳаси; туризм ҳудудларининг интеграциялашган туристик тақлиф тизимини яратиш билан боғлиқ бўлган *ишлаб чиқариш* жабҳаси; туристик оқимларни туристик жозибатор жойлар томон жалб қилиш жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган *ташқиллий-бошқарув* жабҳаси.

“Дестинацион менеджмент модели” кўринишидаги туризм кластериини Ўзбекистон шароитида шакллантиришнинг қуйидаги 8 та босқичи муаллифлар томонидан ажратилади: сайёҳат мақсадини аниқлаш; туристик кластерга қирадиган объектларини танлаш; туристик кластерларни шакллантирувчи асосий омилларини аниқлаш ва уларни таҳлил қилиш; туристик кластерлаштиришнинг тамойилларини асослаш; туристик кластерлаштиришнинг мезонларини ишлаб чиқиш; жозибали туристик кластерларни яратиш; туристик кластер менежменти тизимини ташкиллаштириш; туристик кластерларни ривожлантириш стратегияларини танлаш.

Олимлар туризм кластерларнинг асосий хусусиятлари сифатида туризм кластери субъектлари, туризм ва унга яқин соҳаларда фаолият юритувчилар ўртасида ҳамкорлик мавжудлиги; ҳудудларда мавжуд диққатга сазовор жойлар ҳамда шаклланган туристик инфратузилма каби туризм ресурсларидан туризм кластери субъектларининг биргаликда фойдаланиши; туризм кластери қатнашчилари орасида вертикал ҳамда горизонтал



## IQTISODIYOT

алоқадорлик мавжудлиги; туризм кластери объект ва субъектлари рақобатбардошлигини ошириш, ҳудуд туристик маҳсулотини шакллантириш, тарғибот қилиш ва тижоратлаштириш орқали сайёҳларнинг эҳтиёжларини қондириш сингари умумий мақсадг мавжудлиги кабиларни ажратилади.

“Дестинацион менеджмент модели” 1-жадвалдаги “Кластерларни турли хўжалик юритиш даражаларда шакллантириш хусусиятлари” билан қиёслаганда, иқтисодий тармоқларда кластерларни шакллантиришнинг 1-, 2- ва 3-чи хусусиятларига тўлиқ мос келади. Туризм соҳасида кластерларни шакллантиришнинг 8 – “Ҳудудда турагентлик ва троператорларнинг устунлиги” хусусиятларига ҳам мос келади. Бироқ, таҳлил қилинаётган кластер модели, бошқалари каби, зиёрат туризмда кластерларни шакллантирувчи иккала хусусиятларга мос келмаслиги аниқланди.

**Хулоса ва таклифлар.** Туризм кластерларини шакллантириш турли моделларининг зиёрат кластербоплик хусусиятларига мослигининг қиёсий таҳлили натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ўзбекистонда туризмнинг истиқболли шакли сифатидаги зиёрат туризмини кластер ёндашувида ривожлантириш учун кластерлар моделларининг бешта классик хусусиятлари билан бир қаторда унинг яна учта туризм соҳаси учун зарур ва иккита зиёрат туризми учун етарли - “муқаддас жойлар мавжудлиги” ва “зиёратчиларнинг кластерда иштироки” хусусиятларини ҳисобга олган тақдирдагина зиёрат кластерини ташкил этиш имкони вужудга келади.

2. Туризмда кластер ёндашувидан фойдаланишда ушбу соҳасининг ўзига хос хусусияти сифатида кластерни туристик ҳудуд (дестинация) контекстида кўриб чиқиш зарур деб, ҳисоблаймиз. Бундан келиб чиқиб, туризм дестинацияси билан боғлиқ 3 та - “Кластерлаштирилган туризм дестинацияси”, “Туризм кластерининг географик” ва “Дестинацион менеджмент” моделлари зиёрат кластерини шакллантириш учун мақбул моделлар сифатида хизмат қилиши мумкин.

3. Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва фан-маданият (ISESCO)нинг қарорига кўра 2020 йил 1 январдан эътиборан қадимий ва навқирон Бухоро шаҳри Ислом маданияти пойтахти унвонини қабул қилиб олиши ва ушбу брендининг халқаро миқёсда нуфузини ошириш учун ҳудудда мавжуд кўпгина муқаддас жой ва табаррук қадамжоларнинг зиёратчилар нигоҳидан жозибadorлигини ошириш ва ҳудудга наф келтира олишга қаратилган таъсирчан ва самарали чора-тадбирларни кўришни тақозо этади.

4. Ўзбекистонда зиёрат туризм оқимларини кескин кўпайтириш мақсадида географик жиҳатдан бир-бирига яқин жойлашган жозибador зиёрат масканлари негизида ҳудудий зиёрат кластерларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Жумладан, Бухоро вилоятининг 5 та туманида жойлашган “хожагон-нақшбандия” тариқати силсиласининг олтин ҳалқаси билан узвий боғланган еттита пири комиллар зиёратгоҳлари негизида “Етти Пир” зиёрат кластерини ташкил этиш тавсия этилади.

Шундай қилиб, юқорида қайд этилган таҳлил йўллари ва чора-тадбирлар орқали Ўзбекистонда маданий туризм билан бир қаторда зиёрат туризмини ҳам кластер усулида жадал ривожлантириш имконияти янада кенгайиб, Ислом дунёсининг миллионлаб сайёҳлари мамлакатимизга зиёрат учун келишлари таъминланади.

### АДАБИЁТЛАР

1. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.* <https://president.uz/ru/lists/view/3324> (мурожаат санаси: 24.01.2020).
2. *Tourist Clusters, Destinations and Competitiveness, Theoretical issues and empirical evidence, edited by Francesco Capone, Routledge Taylor and Francis Group, London, New York, 2016.95 p.*
3. *Porter, M. E. Clusters and the new economics of competition. Harvard Business Review, 76(6), 1998.P: 77-90.*
4. *Лысикова О.В. Саратовский туристско-рекреационный кластер: предпосылки создания и развития. – Елец: Елецкий гос. ун-т им.И.А.Бунина, 2009.*
5. *Петрова О.Н. Кластер как инструмент обеспечения конкурентоспособности туристского комплекса региона. Региональная экономика: теория и практика. 2010. №13(148). С.45-51*
6. *Наталья Сорнова. Методические аспекты формирования туристского кластера.*



<https://pandia.ru/text/77/156/22996.php> (дата обращения: 10.04.2020).

7. Даниленко Н.Н., Рубцова Н.В. К вопросу о содержании понятия «Туристский кластер» // Региональная экономика: теория и практика. 2013. №33. 45-53 с. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/k-voprosu-o-soderzhanii> (дата обращения: 12.04.2020).

8. Kim N., Wicks B. E. Rethinking Tourism Cluster Development Models for Global Competitiveness. July 30, 2010. International CHRIE Conference-Refereed Track. P. 28. Published by ScholarWorks@UMass Amherst, 2010. [http://scholarworks.umass.edu/refereed/CHRIE\\_2010/Friday/28](http://scholarworks.umass.edu/refereed/CHRIE_2010/Friday/28) (дата обращения: 13.04.2020).

9. Malakauskaite A., Navickas V. The role of clusters in the formation process of tourism sector competitiveness: conceptual novelties. *Economics and Management*, 2010, № 15. 149–154 pp.

10. Рубцова Н.В. Концептуальная модель туристского кластера: история вопроса и современный подход // Вестник ТГЭУ. 2014. №3 (71). 49-70 с. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/konseptualnaya-model> (дата обращения: 08.04.2020).

11. Бойко А.Е. Формирование кластеров как инструмент повышения конкурентоспособности туристских услуг. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Новосибирск — 2011. 24 с.

12. Карпова Е.Г. Развитие сферы туристских услуг крупного туристского центра на основе кластерного подхода. Автореферат дисс. к.э.н. Санкт-Петербург — 2012. 19 с.

13. Морозов М.А., Львова Т.В. Кластерный подход в моделировании туристских дестинаций (на примере Красной Поляны). Вестник Российского государственного торгово-экономического университета. Научный журнал. № 9 (57). Москва. 2011. С. 93-105.

14. Navruz-Zoda B., Ibragimov N. Ways of Applying Destination Management Concepts to the Development of Internal Tourism in Uzbekistan // *International Tourism and Hospitality in the Digital Age. USA.* – 2015. – 174-192 pp.

УДК: 327

## ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМ: МАЗМУН-МОҲИЯТИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

### ТУРИЗМ В УЗБЕКИСТАНЕ: СУЩНОСТЬ И ЭТАПЫ РАЗВИТИЯ

#### TOURISM IN UZBEKISTAN: THE ESSENCE AND STAGES OF DEVELOPMENT

*Бойматов Фарҳоджон Зиёдқўзи ўғли*  
ЎзДЖТУ таянч докторанти (PhD)

**Аннотация.** Ушбу мақола Ўзбекистонда миллий туризм ва унинг ривожини ёритишига бағишланади. Унда туризм соҳасида тадқиқот олиб борувчи олимлар томонидан яратилган, туризмнинг тарихий ривожланишига бағишланган илмий адабиётлардан фойдаланган ҳолда туризм тушунчасига таъриф берилади. Миллий туризмнинг пайдо бўлиши, унинг тарихий тараққиёт босқичлари тадқиқ этилади. Бу жараёнда Буюк Ипак йўлининг ўрни ва аҳамиятига ҳам тўхталиб ўтилади. Бугунги кунда миллий туризмга берилаётган эътибор, соҳада қабул қилинган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, олиб борилаётган ислохотлар ўрганилган.

**Таянч сўзлар:** туризм, Буюк Ипак йўли, Бир макон, бир йўл, ЮНЕСКО, саёҳат, элчилар.

**Аннотация.** Данная статья посвящена освещению национального туризма в Узбекистане и его развитию. Описывается концепция туризма с использованием научной литературы по историческому развитию туризма, созданной учеными, проводящими исследования в этой области. Исследуются развитие туризма и исторические этапы его развития, а также подчеркивается роль и значение Великого Шелкового пути. Кроме того, внимание уделяется национальному туризму, нормативно-правовым актам, принятым в этой сфере, и проводимым реформам.

**Ключевые слова:** туризм, Великий Шелковый путь, Один пояс, один путь, ЮНЕСКО, путешествие, посланники.

**Abstract.** This article is devoted to the coverage of national tourism in Uzbekistan and its development. The concept of tourism is described using scientific literature on the historical development of tourism, created by scientists conducting research in this area. The development of

## IQTISODIYOT

*tourism and the historical stages of its development are investigated, and the role and importance of the Great Silk Road is also emphasized. In addition, attention is paid to national tourism, regulations adopted in this area, and ongoing reforms.*

**Key words:** *tourism, The Great Silk Road, One Belt One Road, UNESCO, the journey, ambassadors.*

XXI asrda insoniyat ўz tarixiga yangi saҳifalarni ёzmoқda. Zero yangi asr va yangi davrda жаҳон ижтимоий-сиёсий жараёнлари кескин ўзгараётган ва инсон тафаккури бутунлай янгиланётган, манфаатлар умумийлиги юз бераётган бир даврни бошдан кечиряпмиз. Дарҳақиқат, бугунги глобаллашаётган бир даврда ҳар бир халқ, мамлакат ўз худуди доирасидагина яшаш билан чекланмайди. Аксинча, дунё халқларини манфаатлар муштараклиги бирлаштирмоқда. Ўз ўрнида халқлар қўшни мамлакатлар маданиятига кизиқиши ортиб бормоқда.

Инсоният яратган энг қадимий маданиятлар, осору атиқалар қадириятлар, тарихий мерос дурдоналари кишилиқ тарихи шундан далолат берадики, маданиятнинг умри боқийдир. Бугун биз Месопатамия, Миср, Рим, Самарқанд, Бухоро, Хива билан бир қаторда Буюк ипак йўли деганда ана шу улкан ва ўлмас маданиятнинг нақадар барҳаётлиги, яшовчанлиги, келгуси авлодларга ғоят кучли маънавий таъсир кўрсатишига ишонч ҳосил қиламиз. Шунинг учун ҳозирги глобаллашаётган давримизда ҳам Буюк Ипак йўли анъаналарини тиклаш жараёни долзарб бўлиб қолди. Таъкидлаш керакки, республикамызда мазкур жараёни амалга оширишда уни тиклашда амалий қадамлар қўйилмоқда.

Ўзбекистон замини қадимдан Буюк Ипак йўли чорраҳасидаги улкан салоҳиятга, табиий, тарихий ва маданий бойлиқларга, гўзал анъана ва урф-одатларга эга худуд сифатида бутун дунё эътибори ва эътирофига сазовор бўлган. Бугунги кунда мамлакатимиз нафақат сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий соҳаларда, балки туризм соҳасида ҳам янги ривожланиш босқичига қадам қўйди.

“Юртимизда 7 минг 300 дан ортиқ маданий мерос объектлари мавжуд ва уларнинг аксарияти ЮНЕСКО рўйхатида киритилган. Шу билан бирга, мамлакатимизнинг бетакрор табиати, гўзал дам олиш зоналари имкониятларидан фойдаланиб, янги туризм йўналишлар очиш мумкин. Бу соҳага жаҳон брендларини фаол жалб этган ҳолда, биз зиёрат туризми, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик туризм ва бу соҳанинг бошқа тармоқларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур. Бу борада давлат-хусусий шериклик муносабатларини қўллаш соҳани тараққий эттиришда кенг имкониятлар очишини ҳисобга олишимиз лозим”[1].

Туризм ўзаро тушуниш, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Юмшоқ дипломатия туризм учун восита турли халқлар ўртасидаги кўприқларни куради ва меҳмонлар ҳамда мезбонлар ўртасидаги алмашувни бойитиш учун имкониятлар яратади. Туризмга сиёсий вазият нуқтаи назаридан қарасак, у сиёсий жиҳатдан барқарор, тинчлик ва тотувлик ҳукмрон бўлган жойда, мамлакатда содир бўлиши тушунилади. Туризмдан фойда кўришни хоҳлаган мамлакат биринчи галда туризм объектларига эга бўлиш билан бирга ўз мамлакатада сиёсий барқарорликни таъминлаган, бошқа жойдан сайёҳларнинг бемалол келиб-кетиши учун тегишли шароитни яратган бўлиши лозим[2].

Ватанамиз ва хориж илмий адабиётларида туризмнинг кўплаб таърифлари келтирилган. Бунда аксарият олимлар, муаллифлар туризмни танишув, маданий ва таълим жиҳатидан таърифлайдилар.

Туризм сўзига турли даврларда турлича таъриф берилган. Бу сўз тўғрисида турли хил тушунча ва маънолар бўлиб, ҳар ким унга ўз мутахассислиги ва дунёқарашидан келиб чиқиб ёндашади. Шунингдек илмий манбаларда ҳам туризмнинг таърифлари ҳақида маълумотлар мавжуд.

Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги қонунида, “туризм жисмоний шахснинг доимий истиқомат жойидан соғломлаштириш, маърифий, касбий-амалий ёки

бошқа мақсадларда борилган жойда (мамлакатда) ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда бир йилдан ошмаган муддатга жўнаб кетиши (саёҳат қилиши)дир”, деб таъкидланади [3].

Куйидаги луғатлардан олинган манбаларга асосан, Туризм (франц. *tour* – сайр, саёҳат), сайёҳлик – саёҳат (сафар) қилиш; фаол дам олиш турларидан бири. Туризм деганда жисмоний шахнинг доимий истиқомат жойидан соғломлаштириш, маърифий, касбий амалий ёки бошқа мақсадларда борилган жойда (мамлакатда) ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда узоғи билан бир йил муддатга жўнаб кетиши (саёҳат қилиши) тушунилса [4.722], бошқа луғатларда берилишига кўра “*Tour*” сўзи лотинчадан олинган бўлиб, доиравий шакл маъносини англатади. Бу сўз ўз маъносини ўзгартирмай, бошқа тилларига ҳам кириб келган. Масалан, француз тилида “айланиш” маъносига тўғри келувчи “*tourner*” ва “*tour*” сўзлари ҳозирги кунда ҳам қўлланилмоқда. Инглиз тилида эса туризм сўзи, турист сўзидан кейин 1811-йилда юзага келган. Немис тилида эса фақатгина “*auslander*” (ажнабий ёки хорижий) сўзи қўлланилар эди.

1958 йилда немис тилида алоҳида эътиборга олиниб, туризмнинг эквиваленти бўлмиш “*fremdenverkehr*” ёки “*tourismus*”, турист сўзининг эквиваленти эса “*tourist*” тарзида қўлланила бошлаган. Туризмнинг туб мазмунидан келиб чиқиб, Араб олими Ибн Халдуннинг (1200-1300 йиллар) саёҳат ва туризм – давлат миқёсида товар савдосини ривожлантириш манбаи, карвонсаройлар қуриш савдогарлар орқали давлатга кўшимча даромадларни кўзлаш демақдир[5.84], деган тушунча бизга кўшимча маълумот бериши мумкин. Аслида *Туризм сўзи Гранд Тур яъни, катта саёҳат* иборасидан келиб чиққан бўлиб, бошқа маданиятлар билан танишувга мўлжалланган сафар маъносида ҳам тушунилади.

Хорижий адабиётларда туризмнинг умумий муаммоларини тўғри тушуниш учун фақат тизимли ёндашиш орқали мақсадга эришиш мумкин, дея таъкидланади. Француз тадқиқотчиси Каспар туризмнинг технологик, сиёсий, экологик, ижтимоий, иқтисодий ўзаро алоқаларини аниқлаб олишни таклиф этган.

Туризм масалалари бўйича халқаро маслаҳатчи К.Рихтер соҳага умумий таъриф бериб, доимий яшаш ва иш жойидан бошқа жойда бўлиш, кишиларнинг саёҳат қилиши билан боғлиқ ўзаро алоқалар ва ҳолатлар комплекси [6.216] деган хулосага келади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Сайёҳлик ва туризм статистикаси бўйича Халқаро конференциясининг 1993-йилда Бутунжаҳон Савдо Ташкилоти тасдиқлаган ҳужжатларида “Туризм – саёҳатлар ва саёҳатчининг одатдаги муҳит доирасидан ташқарида бўлган жойларга узоғи билан 12 ой муддатга ўша ерда ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланишидан ташқари ҳар қандай мақсадда келишидир”[7.17], дейилган. Шу билан бирга туризм атамаси бугунги фаол атамалардан бири сифатида қўлланилаётганлигини ҳам таъкидлаш лозим.

Туризм ҳақидаги тушунчаларни туркумлаб, ҳозирги даврда куйидагича изоҳлаш мумкин. Туризм кишиларнинг доимий яшаш жойларидан ўзлари учун маъданий-маънавий озуқа олиш ҳамда соғломлаштириш, ўрганиш ёки касблари бўйича ҳақ тўланмайдиган фаолият сифатида вақтинча мамлакатдан чиқишларидир. Лекин қадим даврлардан саёҳат, савдо-сотик, жангу жадаллар турли хил мақсадларда уюштириб турилган, бунга халқнинг кундалик ҳаёти, турмуш тарзи, урф-одати, миллий менталитети ҳам, албатта ўзига хос таъсир кўрсатган.

Савдогарларнинг карвон тузиб бошқа давлатларга саёҳат қилиши ҳам туризмга мансубдир. Уларнинг мақсади савдо-сотик бўлигина қолмай, балки улар борган жойидаги мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёти ҳақида кўплаб маълумотлар манбаини ёзиб қолдирганлар. Шунингдек, ёзма манбалар, қадимий обидалар, сарой вакиллари, мулозимлар, ҳисоб илми аҳли ва девонхона ҳужжатларида ҳам сақланиб қолганлигини кузатиш мумкин. Бу маълумотлар бугунги кунгача авлоддан- авлодга ёзма манбалар орқали етиб келмоқда.

Туризмнинг вужудга келиш сабаблари ва даврлари ижтимоий турмуш ва меҳнат жараёнлари билан бевосита боғлиқ. Яъни энг қадимги одамлар яшаш учун ов ва меҳнат

## IQTISODIYOT

куролларини яратишга ҳаракат қилганлар. Шу тарзда тоғлар, дарё ва кўлларнинг соҳилларида яшаб, ёввойи ҳайвонларни овлаганлар, уларни қўлга ўргатиб, меҳнат билан шуғулланганлар. Ов манзиллари ва дам олиш учун қулай жойларда маълум белгиларни қўйганлар. Зарур пайтларда ана шу жойларга келиб, ҳордиқ чиқарганлар, турли ўйинлар ташкил қилиб мусобақалашганлар.

Ишлаб чиқариш ва меҳнат жараёнининг такомиллашуви, ов ва жанг куролларини яратишнинг янги усуллари кишиларнинг узоқ жойларга бориб ов ва меҳнат қилиши, шу асосда энг қулай ва яхши жойларни танлаб дам олиш, ҳатто ўтроқлашиб қолишларини таъминлашга олиб келган. Шу тариха дарёлар, кўллар, денгизларда ов қилиш, сайр ўтказиш, изланиш учун кемалар ясаб, улардан мақсадли фойдаланганлар.

Қадимги давр ҳақидаги манбаларга кўра ўша даврга хос ибтидоий турмуш шароити турли бўлган диний эътиқоддаги кишиларни илк саёҳатчилар қаторига қўшишимиз мумкин. Чунки қадимги даврлардан барча дин вакилларининг ўзлари ибодат қиладиган жойлари (масжидлари, ибодатхоналари) мавжуд бўлган ва улар нималаргадир эътиқод қилганлар, сиғинганлар. Эътиқод қилиш ёки сиғиниш мақсадида бир ҳудуддан иккинчи бир ҳудудга борганлар ва диний амалларни бажарганлар. Одамларнинг эътиқод қилувчи китоблари муқаддас ҳисобланган. Бу китобларга мувофиқ эътиқод қилинган. Масалан, мусулмонлар ҳаж зиёрати туфайли фарз амалларидан бирини адо этганлар, таъбир жоиз бўлса, зиёрат қилиш мақсадида узоқ ва машаққатли саёҳат қилинган. Шунингдек, бошқа буддизм ва христиан динлари вакилларининг муқаддас деб билган жойларига уюштирган қадим зиёратлари ҳам саёҳатдир. Шу боис, неча минг йиллар аввал бўлиб ўтган бундай зиёратларни илк саёҳатлар. Уларнинг иштирокчиларини эса илк саёҳатчилар қаторига киритишимиз мумкин.

Қадим тарихга кўз ташлар эканмиз, жамият тараққиётининг бронза давридан ҳам илгари даврлардан бошлаб, ҳудудлараро боғловчи восита сифатида унга хос ихтисослашган йўллар пайдо бўлганлигини кузатамиз. Сайёҳлик Ўрта Осиёда қадим замонлардан ривожланган бўлиб, ўлкамиздаги илк сайёҳлик кўринишлари Буюк Ипак йўлига бориб тақалади. Милоддан аввалги II асрда очилган Буюк Ипак йўлининг ижтимоий-маърифий аҳамияти ўша даврда ҳам худди ҳозиргидек ниҳоятда катта бўлган. Бу йўл фақат савдо йўли бўлиб қолмай, балки айна пайтда дунё халқлар орасида маънавий ва маданий алоқаларнинг шаклланиши ва ривожланиши, энг дастлабки илмий янгиликларни алмашиш, шунингдек диний таълимотларнинг ёйилишида халқлар ҳамда давлатлар ўртасида маданий алоқаларни ривожлантириш омили бўлган.

Албатта, антик даврда кишиларнинг интеллектуал имкониятлари, тафсири тарзи ва турмуш эҳтиёжларидан келиб чиқиб, Буюк Ипак йўли асосан ижтимоий-иқтисодий, маъданий-маърифий аҳамиятга эга бўлган. Инсониятнинг, илк жамоа бўлиб яшаши тарихий эволюцион ривожланиши натижасида сиёсий аҳамиятга эга бўла бошлаган. Турли давлатларнинг пайдо бўлиши эса унинг моҳиятини ошириб юборган.

Буюк Ипак йўлининг пайдо бўлиши давлатлар ва халқлар орасида ўзаро савдо-сотиқ, илмий ва маданий муносабатларнинг зарурлигига боғлиқликдан келиб чиққан. Қадим даврлардан бошлаб, Ўрта Осиё орқали Европани Осиё билан боғлаган турли йўллар пайдо бўлган. Улар «шоҳ йўли», «лаъл йўли», «ғарбий меридианал йўл» ва бошқа номлар билан атаб келинган[8.7].

XIX асрнинг 70-йилларидан бошлаб, бу йўлга Буюк Ипак йўли атамаси берилди. Буюк Ипак йўли қадим даврларда ва ўрта асрларда кўплаб давлат ва халқларнинг назоратида бўлиб келган. Бу йўл сўғдлар, эронликлар, туркий қавмлар орасида урушларга сабаб бўлган. Шунга қарамай, давлат раҳбарлари унинг аҳамиятини яхши тушуниб, унинг хавсизлигига алоҳида эътибор берганлар, карвонсаройлар қурдирганлар. Шубҳасиз, Буюк Ипак йўли Осиё ва Европа халқлари ҳаётида муҳим иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга эга эди. Бу Шарқ ва Ғарб ўртасидаги ўзига хос кўприк бўлиб хизмат қилган, бунинг натижасида савдо ва маданий соҳада халқларнинг ўзаро ҳамкорлиги юзага келган. Шунингдек, бу халқлар ўртасидаги энг яхши савдо йўли сифатида маданият, илм-фан алмашиш йўли бўлган. Буюк Ипак йўлининг



## IQTISODIYOT

цивилизация тарихидаги ноёб ўрнини ҳисобга олган ҳолда, ЮНЕСКО халқаро ташкилоти 1987 йилда “Ипак йўли мулоқот йўли” дастурини қабул қилди.

Ҳозирги кунда Хитойнинг халқаро ташаббуси билан “Бир макон, бир йўл” дастури Марказий Осиё, Европа ва Африка ҳудудида жойлашган 60 дан ортиқ давлатларни ўзаро боғловчи мавжуд иқтисодий йўналишларни янада такомиллаштириш ҳамда янги транспорт ва савдо йўллари яратишга қаратилган. Ўзбекистон “Бир макон, бир йўл” ташаббусини биринчилардан бўлиб, қўллаб-қувватлади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2017 йил 14-15 май кунлари Пекин шаҳрида “Бир макон, бир йўл” форумида иштирок этди. Унда мамлакатимиз раҳбари куйидаги фикрларни айтиб ўтдилар.

“Буюк ипак йўли нафақат ҳудудлар ўртасида савдо-сотиқ алоқалари, балки давлатлар ва қитъалар ўртасида ахборот алмашувини таъминлашга хизмат қилган, янги маҳсулотлар ва қишлоқ хўжалиги экинлари тарқалишида, маданий қадриятларнинг ривожланишида муҳим восита вазифасини бажарган ва шу тариқа цивилизациялараро мулоқот учун шарт-шароитлар яратилган. Бугун бу йўлнинг қайта тикланиши деб баҳоланаётган “Бир макон, бир йўл” лойиҳаси иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш, савдо ва инвестиция соҳаларида қулай шароитлар яратиш, транспорт ва коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги, туризм, таълим, маданият соҳаларида ҳамкорлик салоҳиятини оширишда муҳим ўрин тутди” [9].

Бундан кўриниб турибдики, бугунги кунда Ўзбекистон Буюк Ипак йўлини тиклаш уни ҳар томонлама замон руҳига мос равишда янги босқичга олиб чиқишда ҳаракат қилмоқда.

Буюк ипак йўли орқали ҳам аждодларимиз савдогарлик мақсадида ўз саёҳатларини амалга оширганлар. Савдогарлар қарвонлари учун бунёд этилган қарвонсаройларда уларга барча шарт-шароитлар мужассам қилинган. Қарвонлар туриши учун жой, ем-хашак, савдогарлар учун қўналға-жой (меҳмонхона), озиқ-овқат олдиндан ҳозирлаб қўйилган ва бошқа хизмат кўрсатиш (сервис) шохобчалари туну кун ўз миждозларини кутиб олиб, меҳмоннавозликни амалга оширганлар. Демак, ўтмишда мамлакатлараро, халқлараро иқтисодий-маданий алоқалар бўлган ва бу алоқаларни сайёҳликнинг илк кўринишларидан бири деб айтиш мумкин.

Маданий-маиший турмуш тарзимиз шу даражада ривожланган эдики, ҳатто бундан уч минг йил аввалги ичимлик суви ва чиқинди сувлар оқадиган сопол қувурлар қолдиқларини археолог олимларимиз топишга муваффақ бўлганлар. Бу манбалар юртимизда саёҳатлик соҳасидаги (ҳозирги атама билан айтганда) сервис ва инфратузилма тизими қай даражада бўлганлигидан далолатдир. Шу ўринда қарвонсаройларга алоҳида тўхталиб ўтишни жоиз, деб биламиз.

Қарвонсарой – қарвонлар тунаб ўтадиган работ, сарой. Яқин Шарқ, Марказий Осиё, Кавказ орти шаҳарлари савдо йўлларида барпо этилган. Қарвонсаройлар одатда, ўртада катта ҳовли, атрофи бир-икки қаватли хужралар билан ўралган, минорали қалъа баланд истехком шаклида бўлиб, савдо манзилларида ва шаҳардаги бозор (тим, тоқ)лар қаторига қурилган. IX-XVIII асрларда шаҳарларнинг ривожланиши ва қарвон савдосининг кучайиши натижасида қарвонсаройлар кўплаб бунёд этилган. Араб сайёҳлари Истаҳрий ва ибн Хавқалларнинг маълумотларига кўра, X асрда савдо маркази ҳисобланган Мовароуннаҳрда 10 мингдан ортиқ қарвонсаройлар бўлган. Масалан, Работи Малик (XI аср, Навоий шаҳри яқинида), қарвонсаройи харобалари, Оллоқулихон (XIX аср, Хива) қарвонсаройи ва тими [10.58].

Буюк Ипак йўли бўйлаб ўтадиган қарвонлар айнан қадимги Ўзбекистон, хусусан, Бухорода тўхтаб қарвон-саройлар (ҳозирги меҳмонхоналар)да дам олар эди. Натижада шаҳарда қарвонсаройларнинг сони ортиб борган. Тарихий манбаларга кўра бу ерда ўша даврларда 60 дан зиёд қарвонсарой мавжуд бўлган ва уларда Ҳиндистон, Хитой, Эрон ва бошқа мамлакатлардан савдогарлар тўхтаганлар [11.9].

Элчиларни ҳам саёҳатчилар деб аташ мумкин. Тарихга мурожаат этсак, V-VII асрларга оид Самарқанд тарихида Афросиёб саройи меҳмонхонасидаги расмлар ажойиб бўлиб, унда оқ кийим кийган Чағаниён милoddан аввалги VI асрдан милoddнинг XVI



асригача ҳозирги Сурхондарё вилоятидаги Шўрчи, Денов, Сариосиё, қисман Жаркўрғон туманлари ҳудудларидаги вилоят, шаҳар элчисининг сурати тасвирланган. Ушбу тасвир ўша даврларда ҳам элчилик алоқалари бўлганлигидан далолат беради. Араб сайёҳи ва географ олими Абу Далаф Бухорога келган ва ўз асарлари орқали муҳим тарихий, географик маълумотларни келтирган[12.58].

Х асрда яшаган яна бир араб сайёҳи ва олими Аҳмад ибн Фадлан Бағдоддан Булғорга Бухоро, Хоразм орқали элчилар билан бирга ташриф буюрган ва ўз хотираларида муҳим тарихий, географик маълумотларни ёзиб қолдирган.

Абу Райҳон Беруний, Форобий, Абу Али Ибн Сино, Маҳмуд Қошғарий, Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур сингари буюк алломаларнинг сермахсул ижодлари кўпинча саёҳатлар, мақсадли юришларда вужудга келган. Шу сабабдан улар табиат ва инсон, ижтимоий ҳаёт ва сиёсий-фалсафий қарашларини ўз асарлари, илмий меросларида баён этганлар.

Қадимги этнограф олим, буюк сайёҳ Маҳмуд Қашғарий ўзининг “Девонул луғати турк” китобини ёзиш учун бутун Туркистон ўлкасини кезиб чикқан. Унинг сайёҳлик фаолияти ва илмий-қидирув ишлари нафақат ўз даврида ва минг йиллик давомида Турон мамлакатада кадрлаб келинган. Унинг бу асари асосида ўнлаб дарсликлар, юзлаб монография, ўқув-услубий қўлланмалар, диссертациялар ёзилган.

Соҳибқирон Амир Темур салтанатига Кастилия (Испания) кироли Генрих III нинг элчиси Луи Гонзалес де Клавихо ташрифи давомида юртимизнинг турмуш тарзи, ижтимоий ҳаёти, шаҳарлари, қишлоқлари, Амир Темур саройидаги одатлар, Шаҳрисабз ва Самарқанд сингари шаҳарлар ҳақида ҳам биз учун қимматли маълумотларни ёзиб қолдирган. Бундан ташқари Шарқда араб сайёҳи Ибн Баттута 21 ёшида саёҳатини бошлаб, деярли барча Шарқ ва Шимолий Африка мамлакатларини пиёда кезиб чикқан. Унинг Мовароуннаҳрдаги илк саёҳат сафарлари Амир Темур ва темурийлар даврида фаоллашган. Амир Темур француз кироли Карл VI ва инглиз кироли Генрих IV билан доимий алоқада бўлган. Унинг элчиси 1403 й. Парижга келган. Испаниялик Клавихонинг “Буюк Темурнинг ҳаёти ва фаолияти” китобида Мовароуннаҳрдаги ижтимоий ҳаёт ва саёҳатлари Темур давлатига интилиши акс этган.

Шоҳруҳ Мирзо эса 1442 йилда Жанубий Ҳиндистонга Вижаянагар давлатига Абдураззоқ Самарқандий бошчилигидаги элчиларни жўнатган. Улар Ҳирот, Эрон, Форс қўлтиғидан ўтиб, кемалар орқали Жанубий Ҳиндистонга борганлар. 1444 йили эса яна Ҳиротга қайтганлар. Уч йиллик элчилик хотиралари кундалигини ёзиб қолдирганлар. XVII асрда рус элчиларидан И.Д. Хоҳлов, В.А. Даудов, М.Ю. Қосимов, ака-ука Пазухинлар Бухоро ва Хива шаҳарларида элчилик қилдилар.

Пётр I (1682-1725) Хива ва Бухорони қўлга киритиш мақсадида аввал Бекович-Черкасскийни, сўнг Флорио Беневинини элчи қилиб юборади. Шунингдек, XIX асрнинг иккинчи ярмида бир қатор рус сайёҳлари, мутахассис олимлари (асосан ҳарбийлар) Марказий Осиёнинг иқлими, табиий бойликлари, аҳолининг маданияти ва бошқа жиҳатларини ўрганиш учун ташриф буюрганлар. Улар орасида П.П.Семёнов Тяньшаньский, Пржеволский кабилар тоғ шароитларини чуқур ўрганиб, махсус хариталар тайёрлаганлар.

XVIII асрда сайёҳ Митрополит Хрисанф, савдогар Филипп Назаров, ҳарбий Николай Муравьёв, поручик Дмитрий Гладишев ва ер ўлчовчи Иван Муравин Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон, Марғилон ва Наманган шаҳарлари ҳақида ажойиб эсдаликларни ёзиб қолдирганлар[13.60]. Илк саёҳатчиларни умумий маънода айрим шахслар ҳаёти ва фаолиятини ўрганиб, уларнинг асарларини эса илк саёҳатчилик илмини янги, манбалар билан бойитган дастлабки фундаментал тадқиқотлар қаторига киритиш мумкин. Улар ўзга ҳудудлардаги ҳаётни, таъбир жоиз бўлса, худди биз кутгандек саёҳатчилик нуқтаи назаридан ёритиб берганлар.

Туризм соҳасида тадқиқот олиб боровчи олимлар томонидан яратилган, туризмнинг тарихий ривожланишига бағишланган илмий адабиётларни ўрганиш жараёнида дунёда туризмни ривожланишини шартли равишда тўрт босқичга ажратганларини кузатиш мумкин.

## IQTISODIYOT

Хусусан, С.Н. Макаренко, А.Э. Саак “История туризма”[14.12-14] китобида туризм ривожланиш тарихидаги босқичларига тўхталиб ўтадилар. Улар гарчи туризм ўтмишда ўз илдизига эга бўлса-да, оммавий ижтимоий ҳодиса сифатида Иккинчи Жаҳон урушидан кейин шакллана бошлади, деган фикрни илгар сурадилар ва шу асосда улар туризмнинг ривожланиш тарихида тўрт босқичга ажратадилар:

**Биринчи босқич** – антик даврдан XIX аср бошларига қадар.

**Иккинчи босқич** – XIX аср бошлари ва XX аср бошлари.

**Учинчи босқич** – XX асрнинг бошларидан Иккинчи Жаҳон урушигача.

**Тўртинчи босқич** – Иккинчи Жаҳон урушидан кейин ҳозирги кунгача.

Мазкур даврлаштиришнинг асосини турли ривожланиш босқичларида туризмнинг ижтимоий ва иқтисодий, техник асослари, шунингдек мақсадли вазифалари ташкил этади.

**Туризм ривожланишининг биринчи босқичи** туризм тарихи деб номланади. Бу босқичнинг бошланиши қадимги даврга (Қадимги Юнонистон ва Рим) тўғри келади, бу ерда саёҳат қилишнинг асосий сабаблари савдо, зиёрат, даволаниш, таълим олиш эди. Мазкур даврда спорт сафарлари юзага келди. Масалан, Олимпия ўйинлари иштирокчилари ва томошабинлари мусобақалар майдончасига Грециянинг энг чекка бурчакларидан келдилар. Кейинчалик, ўрта асрларда диний омил саёҳатга туртки бўлди – христианлик ибодатхоналарида сиғиниш ва ислом масжидларида ибодат қилиш.

Ўйғониш даври диний мотивларни сусайтиради ва саёҳатнинг индивидуал хусусиятларини оширади. Маърифат даврида саёҳат таълимий кўринишга эга бўлди. Табиийки, ёш зодагонлар уларга сиёсий ёки жамоат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи нуфузли маълумот олиш учун Европага ўзига хос “катта саёҳат” га бордилар. Буюк Британияда бундай йўналиш Лондонда бошланди, кейин талабалар Парижга жўнадилар, кейин Генуя, Милан, Флоренция ва Римда таҳсилни давом эттирдилар, қайтиш маршрути Швейцария, Германия ва Голландия орқали ўтди.

XIX асрнинг ўрталарига қадар саёҳат бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга эди: биринчидан, транспорт воситалари ибтидоий эди; иккинчидан, саёҳат ўз-ўзидан эмас, балки бошқа бирор-бир мақсадга (масалан, савдо, муомала, таълим ва ҳоказо) эришиш учун зарур шарт ва восита ҳисобланган.

Европанинг етакчи мамлакатларида XVIII-XIX асрларда ишлаб чиқариш ва саноат инқилобининг ривожланиши жамиятнинг иқтисодий ҳаётида туб ўзгаришларни амалга оширди. Жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланиши натижасида иш вақти ва ходимларнинг бўш вақти ўртасидаги фарқ аниқланади. Бу туризмни ривожлантиришнинг иккинчи босқичи учун зарур шарт-шароитларни яратди.

**Туризм ривожланишининг иккинчи босқичи элита туризм дейилади.** Айнан шу босқичда туризм хизматларини ишлаб чиқишга ихтисослашган дастлабки корхоналар яратила бошлади. Сайёҳликни ривожлантиришнинг бу босқичида транспортдаги инқилобий ўзгаришлар муҳим аҳамият касб этди. Етказиб бериш ва ташиш воситалари ўзгарди. 1807 йилда ихтирочи Фултон биринчи буғли қайиқ лойиҳалаштирилган ва қурилган. Биринчи паровозни 1814 йилда Стивенсон яратган. Почта жўнатмаларини етказиб бериш воситалари яхшиланди ва йўл тармоқлари кенгайтирилди. Бу ҳолатлар анча юқори ишончлилиқ ва тезликни келтириб чиқарди. Шу билан бирга, транспорт харажатлари тежамкор транспорт воситалари ҳисобига камайди. XIX аср ўрталарида дастлабки транспорт компаниялари пайдо бўлди, улар эски дунёдан муҳожирларни Шимолий ва Жанубий Америкага олиб борди.

Фан-техника тараққиёти ва ишчиларнинг улар учун ижтимоий курашлари ҳуқуқлар ва жамиятнинг ортиб бораётган эҳтиёжлари кўплаб оддий кишилар учун саёҳат қилиш имкониятларини яратди. Ташиш сифати ва ишончлилигини ошириш, шунингдек, уларнинг нархини пасайтириш саёҳатчилар оқими сезиларли даражада кўпайишига олиб келди. Вақтинчалик ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатишга ихтисослашган илк корхоналар пайдо бўлди. Оддий меҳмонхоналар дастлабки меҳмонхоналар билан алмаштирилди. 1801 йилда Германияда (Баден-Баден) “Бадишехоф” меҳмонхонаси очилди. 1812 йилда

## IQTISODIYOT

Швейцарияда Рига-Клестерли меҳмонхонаси фойдаланишга топширилди, 1832 йилда Фаулхорн шаҳрида меҳмонхона қурилди. Интерлакен шаҳрида (Швейцария) 1859 йилда “Швайцерхоф Гранд меҳмонхонаси” қурилди. Германияда XVIII – XIX аср бошларида Хейлигендам, Нордерней ва Травемундада дастлабки минерал сув курортлари пайдо бўлади.

Туризмнинг бу даврида, биринчи навбатда, аслзодалар вакилларига хизмат қилувчи ҳашаматли меҳмонхоналар қурилди. Аммо XIX асрнинг иккинчи ярмида дам олиш соҳаси ишлаб чиқариш кўламини кенгайтди. Илк корхоналар меҳмонхоналар саноатига қўшилди ҳамда туризм саёҳатларини ташкил этиш ва уларни истеъмолчига сотиш вазифаси туризм агентлиги зиммасига юклатилди. Биринчи пакетли турга мисол (бир хил нархда сотилувчи туризм хизматлари тўплами) – Томас Кук томонидан 1841 йилда оммавий саёҳат учун ташкиллаштирилган дам олиш, хизматлар жамланмаси қаторига темир йўл, чой, ўрам ва мис гурзи билан йигирма миллик (1 мил 1609 смга тенг.) саёҳат киради. Ҳамма сафар харажатлари ҳар бир йўловчига атиги бир шиллингга тўғри келган.

Табийки, Т. Кук тижорат мақсадларида эмас, аксинча, ижтимоий мақсадларни кўзлаган. У мақсадга мувофиқлик имкониятларига эътиборни жалб этиш учун шундай ҳаракатни амалга оширди, иш вақтидан фойдаланди. Шундан сўнг, 20 йил давомида Англияда кўплаб янги сайёҳлик агентликлари пайдо бўлди. 1862 йилдан бошлаб, туризм саёҳатларининг дастлабки каталоглари пайдо бўлди, бу туризм талаби кенгайишини акс эттирди. Германияда биринчи сайёҳлик агентлиги 1863 йилда Бреслау шаҳрида ташкил этилган. У юк ташиш компаниялари билан узвий алоқада эди. XX асрнинг бошларида денгиз саёҳатининг дам олиш сафари фаол равишда реклама қилинди ва сотилди. Бироқ XIX аср охири XX аср бошларида, узоқ туризм саёҳатларига кишиларнинг имкони етарли даражада юқори эмас эди.

**Учинчи босқич ижтимоий туризм шакллана бошлаши билан боғлиқ.** Биринчи Жаҳон уруши, 30-йиллардаги иқтисодий тушкунлик ва Иккинчи Жаҳон уруши туризмнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатди. Шу билан бирга, айнан шу даврда, урушдан кейинги ўн йилликларда ўзининг энг юқори чўққисига чиққан оммавий туризм кўринишлари пайдо бўлди. Масалан, Швейцарияда, бугунги кунда мазкур мамлакатда сайёҳлик хизматларини ишлаб чиқарувчи энг йирик компаниялардан бири бўлган “Ҳотелплан” компанияси пайдо бўлди. 1935 йилда компаниянинг асосчиси унинг яратувчиси Г. Дуттвейлернинг “кичкина одам” нинг туризмга жалб этилиши меҳмонхоналар саноатига бебаҳо ёрдам беради, деган ғояларига асосланади. Катта арзон саёҳатлар компаниянинг асосий маҳсулотига айланади. Дастлабки молиявий йилда компания 50 мингдан ортиқ сайёҳлик ваучерларини сотди.

**Тўртинчи босқич оммавий туризм босқичи деб аталади.** Айнан шу даврда туризм кенг тарқалди. Ҳашаматли буюмлардан келиб чиққан ҳолда, бу саноатлашган мамлакатлар аҳолисининг кўп қисми учун заруратга айланиб борди. Дам олиш ва кўнгилочар индустрия ўз институтлари, маҳсулот, ишлаб чиқариш айланмаси, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш усуллари билан шаклланди. Ғарбий Европа мамлакатларида бу даврда сайёҳлик компаниялари, меҳмонхоналар ва диққатга сазовор жойлар фаол равишда ташкил этилди. 50-йиллардаги Европа туризми асосан америкалик сайёҳларга йўналтирилган ва доллар даромадининг манбаи бўлди. 60-йилларда ва 70-йилларнинг ўрталаригача ташқи туризмнинг жадал ривожланиши, шунингдек, туризм корхоналари сони ва уларнинг ишлаб чиқариш ҳажми ошиши кузатилди.

Оммавий туризмни шакллантириш жараёни туганлигининг энг муҳим кўрсаткичи маълум бир мамлакатда туризмнинг жадаллашуви ҳисобланади. Туризмнинг ривожини мамлакат аҳолисининг қайси қисми ҳар йили камида биттадан туристик саёҳатни амалга ошираётганлиги ва бу мамлакатнинг барча аҳолисининг ёки унинг 14 ёшдан катта бўлган қисми фоизи ҳисобланишини кўрсатади. Туризмнинг ривожини 50 %дан ошганда, шаклланган оммавий туризм ҳақида сўзлаш мумкин. Иккинчи жаҳон урушидан кейин туризм бозорида талаб ва таклифда туб ўзгаришлар рўй берди, бу эса оммавий конвеер туризми оммавий табақалаштирилган туризмга айланди, дейишга асос бўлади.

## IQTISODIYOT

Ўзбекистонда ижтимоий туризм бўйича илмий тадқиқот ишини олиб борган тадқиқотчи Д.З. Норқулова “Ўзбекистонда социал туризм хизматларини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш[15.26.]” номли тадқиқот ишида туризмни ривожланиш даврини шартли равишда беш босқичга бўлиб ўрганган.

**Биринчи босқич** – антик даврдан то XIX аср ўрталаригача.

**Иккинчи босқич** – XIX аср ўртасидан XX аср бошларигача.

**Учинчи босқич** – XX аср бошларидан XX аср ўрталаригача.

**Тўртинчи босқич** – XX асрнинг 50-80 йиллари.

**Бешинчи босқич** – XX асрнинг 90 йилларидан то ҳозирги кунгача.

Биз эса мазкур тадқиқотда ўзимиздан олдинги қилинган ишларга асосланган ҳолда туризмни даврлаштиришни Ўзбекистон бўйича олти босқичга бўлишни маъқул деб топдик.

**Биринчи босқич** – антик даврдан XIX аср бошларига қадар.

**Иккинчи босқич** – XIX аср бошлари ва XX аср бошлари.

**Учинчи босқич** – XX асрнинг бошларидан Иккинчи Жаҳон урушигача.

**Тўртинчи босқич** – Иккинчи Жаҳон урушидан XX аср 90-йилларигача

**Бешинчи босқич** – 1992 йилдан 2016 йилгача

**Олттинчи босқич** – 2016 йилдан то ҳозирги кунгача.

Бундай даврлаштиришимизнинг асосий сабаби мустамлака даврида Ўзбекистон туризм соҳаси бир томонлама ривожланди холос. Ўзбеклар асосан Совет иттифоқи таркибидаги социалистик мамлакатларига саёҳат қила оларди, холос. Капиталистик ғарб малакатларига бундан ташқари мусулмонлар фарз амалларидан бирини бажариши учун борадиган араб, мусулмон мамлакатларига сафарлар ташкил қилиш бирмунча қийинчиликлардан иборат эди, кўп ҳолларда иложсиз эди. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг 1992 йилда Ўзбектуризм кампанияси фаолияти бу каби тўсиқларни олиб ташлади. Мамлакатимизда туризм соҳаси аста-секинлик билан ривожлана бошлади.

2016 йилдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев бошчилигида туризм тараққиётида Ўзбекистон учун янги саҳифа очилди. Нисбатан фаолиятида сусткашликка йўл қўйган Ўзбектуризм миллий кампанияси негизида 2016 йил 2 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-4861-сонли биноан туризм соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида туризмга иқтисодиётнинг стратегик сектори мақомини бериш вазифаси белгиланди ва Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси туризм соҳасидаги ваколатли давлат органи этиб белгиланди.

2016-2019 йилларда янги Ўзбекистонда туризмни жадал ривожлантириш мақсадида соддалаштирилган виза ва электрон виза олиш тартиблари жорий этилди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сонли фармони биринчи иловасига мувофиқ 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди, хавфсиз туризм концепцияси амалга оширилди, диққатга сазовор жойларда кенг қўламли ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда, туризм инфратузилмаси ривожланмоқдаки, бу туризмни ривожланишининг олтинчи босқичини ажратиш учун асос бўлади.

Умуман, туризм мамлакат ҳаётида, жамият барқакорлигида муҳим аҳамият касб этади. Уни тарихий жиҳатдан ташкил қилиш ва мазмун-моҳиятини бугунги кун нуқтаи назаридан ўрганиш уни янада кенг тасаввур қилиш, кадрият сифатида баҳолаш имконини беради.

### АДАБИЁТЛАР

1. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.* – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. - 60 б.
2. *Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги қонуни* <https://www.lex.uz/docs/4428097>.

## IQTISODIYOT

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 49-сон, 558-модда.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони. <https://lex.uz/docs/4143188>
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Бир макон, бир йўл” халқаро форумдаги нутқи. <http://uza.uz>. Мурожат санаси: 28.01.2020.
6. Норқулова Д.З. Ўзбекистонда социал туризм хизматларини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш: иқтисод. фан. номз. диссер. – С амарқанд, 2018 й. -152б.
7. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. – Т., -722 б.
8. Туристическая деловая газета. TTG Russia, 1999, №67 p.17.
9. Сейтимбетов М. “Буюк ипак йули ва жахон цивилизацияси” фани бўйича маърузалар матни. – Нукус, 2008 7-б.
10. Richter Ch, “Tourisme services”, Giarimi O. “The emerging services economy”. Pergamon Press., 1987. pp. 216.
11. Мирзаев М. Алиева М. Туризм асослари. Ўқув қўлланма. - Т., 2011. 58-б.
12. Пардаев М.Қ., Атабаев Р. Туризм асослари (Маърузалар матни). – Самарқанд, 2007.
13. Макаренко С.Н., Саак А.Э. История туризма. – Таганрог, 2003. 12-14 б.
14. Навруз-Зода Б.Н. Бухорони сайёҳатлар чорраҳасига айлантиришнинг устувор йўналишлари. *Pedagogik taħorat Ilmiy-nazariy va metodik jurnal* . 2019, № 5. 9-11-б.
15. Ташмурадов Т. *Международный туризм: справочник менеджера (учебное пособие)*. – Ташкент, ТашГЭУ, 1993, 84 стр.



UDK: 539.8: 53, 52

**МЕХАНИК ВА ИССИҚЛИК ХАРАКАТЛАРИ МИСОЛИДА ФИЗИКА  
О‘ҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАСHTIRISH**

**УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДИКИ ОБУЧЕНИЯ ФИЗИКИ НА  
ПРИМЕРЕ МЕХАНИЧЕСКОГО И ТЕПЛОВОГО ДВИЖЕНИЯ**

**IMPROVEMENT OF THE METHODS OF TEACHING PHYSICS WITH  
THE EXAMPLE OF MECHANICAL AND THERMAL MOTION**

**Qahhorov Siddiq Qahhorovich**

*BuxDU fizika kaf. prof., p.f.d.,*

**Karimov Abdumo‘min Mardiqobilovich**

*NavDPI fizika va astronomiya o‘q. metodikasi kaf. dots., fiz.-mat.f.n.,*

**Karimova Oynisa Abdumo‘minovna**

*NavDPI fizika va astronomiya o‘q. metodikasi kaf. o‘qit.*

**Аннотация.** Ushbu maqolada mexanik ish bajarish jarayoni va issiqlik uzatilishining ekvivalent ekanligidan foydalanib, mexanik va issiqlik harakatlarida energiyaning saqlanishi va aylanishining nazariy bilimi va amaliy misollari bayon etilgan. Shuningdek, o‘quvchilar bilimni uzluksiz ravishda to‘ldirib va yangilab borishda interfaol metoddan foydalanib, hodisalarni ishlab chiqarish, texnika, texnologiyada qo‘llanilishi bo‘yicha mustaqil xulosalar chiqarish taqdim etildi.

**Тayanch so‘zlar:** mexanik harakat, molekula, temperatura, energiyaning saqlanish va aylanish qonuni, issiqlik harakati, issiqlik miqdori, solishtirma issiqlik sig‘imi, ichki energiya.

**Аннотация.** В данной статье изложены теоретические знания и практические примеры по сохранению и превращению энергии при механических и тепловых движениях с использованием эквивалентности при выполнении процесса механической работы и теплопередаче. Также предложено непрерывное пополнение и возобновление знаний учащихся по использованию интерактивного метода, так как, эти методы расширяют возможности приспособления, умению делать самостоятельные выводы о явлениях, использующихся в технике, в производстве, технологии и разных отраслях народного хозяйства.

**Ключевые слова:** механическое движение, молекула, температура, закон сохранения и превращения энергии, тепловое движение, количество теплоты, удельная теплоемкость, внутренняя энергия.

**Abstract.** This article sets out theoretical knowledge and practical examples of energy conservation and conversion during mechanical and thermal movements using equivalence in performing mechanical work and heat transfer. It is also proposed the continuous replenishment and renewal of students' knowledge using the interactive method to draw independent conclusions on the use of phenomena in production, engineering, technology.

**Key words:** mechanical motion, molecule, temperature, law of conservation and transformation of energy, thermal motion, amount of heat, specific heat, internal energy.

Hozirgi vaqtda ta'lim tizimida bir qator ijobiy ishlar amalga oshirilmoqda. Jumladan, fizika ta'limi davriyligini loyihalash texnologiyasi va ulardan ta'lim jarayonida foydalanishning o'ziga xos jihatlari pedagoglar tajribalarida namoyon bo'lmoqda va qo'llanmalar nashir etilmoqda [6]. Darhaqiqat, ta'limning mazmunini yangilash, ilmiylik darajasini oshirish, o'qitish metodlarini uzluksiz takomillashtirish, o'quvchilar bilimining sifatiga talablarning oshib borishi o'qituvchidan o'z bilimni uzluksiz to'ldirib va yangilab borishni, malaka va metodik mahoratini yuksaltirishni talab etadi. Shu maqsadda ushbu maqolada mexanik va issiqlik harakatlarida energiyaning saqlanishi va aylanishi to'g'risida nazariy bilim va uni amaliy qo'llanilishini interfaol metod asosida o'zlashtirilishi bayon etiladi.

## PEDAGOGIKA

**Ta'limning maqsadi** – mexanik ish bajarish jarayoni va issiqlik uzatilishning ekvivalent ekanligidan foydalanib, mexanik va issiqlik harakatlarida energiyaning saqlanishi va aylanishini interfaol metod asosida tushuntirish.

**Tarbiyaviy maqsadi** – energiya materiya harakatining barcha shakllaridagi miqdoriy o'lchovi hamda mexanik va issiqlik hodisalari uchun energiyaning saqlanish va aylanish qonunini tatbiq etish imkoniyati bilan o'quvchilarning ilmiy dunyo qarashlarini, tassavurlarni kengaytirishni shakllantirish.

**Rivojlantirish maqsadi** – bu mavzu orqali o'quvchilarga nazariy bilim berish bilan birga, ularning amaliy malakalarini oshirishga yo'naltirish.

**Kompetensiyaviy maqsad** – o'rganilayotgan hodisalar o'ziga xos qiziqarliligi va amaliy ahamiyatli ekanligidan o'quvchilar yuqori saviyadagi uslubiy mahoratga va hayotiy misollarga tayanib, ishlab chiqarish, texnika, texnologiyada hodisalarning qullanilishi bo'yicha mustaqil xulosalar chiqarish.

**Darsni jihozlash** – mavzuga oid slaydlar va videoprojektor, ekran.


**Uslubiy tavsiyalar** – o'quvchilarni mavzu bo'yicha olgan bilimlarini mustahkamlashda interfaol metoddan foydalanish.

**Darsning borishi:** Hayotda barcha fizikaviy harakatlardan jismlarning mexanik harakatini ko'proq ko'zdamiz, uni o'zimiz bajaramiz yoki unda qatnashamiz. Masalan, Yerga nisbatan odamning, avtomobilning, samolyotning, raketaning, qayiqning, qushlarning uchishi, suvning oqishi, havoning harakati (shamol) va h. z bo'larning barchasi mexanik harakatga misol bo'ladi. Demak, jism vaziyatining boshqa jismlarga nisbatan o'zgarishi mexanik harakat ekanligini anglaymiz. Xuddi shuningdek, biz jismlarni molekulalardan tashkil topganligini bilamiz. Molekulalar uzluksiz harakatda bo'ladi.

Har bir ayrim molekulaning harakati esa **mexanik harakatdir**. Ayrim molekulaning o'tgan yo'lini va o'rtacha tezligini aniqlash mumkin. Ayrim molekula jismni tashqil qilgan boshqa molekulalari bilan qanday tuqnashishini tasavvur etish mumkin. Masalan, suvda erigan bo'yoqning million marta kattalashtirilgan zarralarining harakat traektoriyasini mikroskop orqali ko'zlash mumkin. Zarralar suv molekulalarining zarblari natijasida harakatlanadi. Ammo zarralarning trayektoriyasi murakkabdir. Shuning uchun birgalikda olingan hamma molekulalarning harakati juda ham murakkab harakatdir. Har bir molekula juda murakkab traektoriya bo'ylab harakatlanadi. Jism molekulalarining bu umumiy harakati manzarasini hatto tasavvur etish ham qiyin.

Milliard-milliard mayda zarrachalar turli yunalishda, katta tezlik bilan harakatlanadi, o'zaro bilan tuqnashadi va idish devorlariga uriladi. Buning natijasida ularning tezligi uzgaradi va navbatdagi to'qnashuvga yana harakatlanadi. Molekulalar o'zaro tuqnashganda jism qiziydi, ya'ni jism **temperaturasi** o'zgaradi. Chunki jismning temperaturasi uning molekulalari harakat tezligi bilan bog'liq. Shuning uchun jismning temperaturasi bilan bog'liq molekulalarning tartibsiz harakati **issiqlik harakati** deb ataladi. Issiqlik harakatida ko'pgina zarrachalar qatnashadi va har bir zarracha tartibsiz harakatlanadi. Shuning uchun moddaning ichki tuzilishi, issiqlik harakati haqidagi bilimlar issiqlik hodisalarining sabablarini tushuntirish imkonini beradi. Ammo issiqlik harakati mexanik harakatdan farq qiladi [2].

Yuqorida ta'kitlaganimizdek, molekulalar to'qnashishini ukkita sharikchani noelastik to'qnashishi misolida ko'rsatsak (1-rasm), ya'ni dastlab sharikchalar urulguncha mexanik harakatda edi (1a -rasm). Urilishdan keyin tinch holat yuzaga keldi (1b-rasm). Har bir sharikchanning harakati to'xtadi. Ular harakatlarini yuqotdi. Ammo urilishdan keyin sharikchalarning temperaturasi ko'tarildi.



**1a-rasm. 1b-rasm.**

Sharikchalarning urilishida isib qolishining ahamiyati katta: sharikchalarning mexanik harakati yo'qoldi, lekin uning o'rniga materiya harakatining yangi shakli – issiqlik vujudga keldi. Bunda jismlarning mexanik harakati shu jismlarni tashkil qilgan molekulalarning xaotik (tartibsiz)

issiqlik harakatiga aylandi.

O'quvchilarga eng avvalo *ichki energiya* o'zgarishining ularga ma'lum bo'lgan usullari – mexanik ish bajarish jarayoni va issiqlik uzatilishning ekvivalent ekanligini tushintirish lozim. Har ikkalasida ham ichki energiya o'zgaradi.

Agar jism ustida ma'lum bir, masalan, 1 J ga teng ish bajarilsa, u holda uning ichki energiyasi xuddi boshqa jism tomonidan unga 1 J ga teng bo'lgan *issiqlik miqdori* (issiqlik uzatishda ichki energiyaning o'zgarishiga issiqlik miqdori deyiladi) uzatilgandagi kabi ortadi demakdir. Aksincha, agar jism 1 J ga teng ish bajarsa, u holda uning ichki energiyasi xuddi u boshqa jismga 1 J ga teng issiqlik miqdorini uzatgandagi kabi kamayadi. Bu o'quvchilarga *energiyaning saqlanish qonunini* mexanik va issiqlik harakatlari uchun tatbiq etish imkonini beradi.

Bundan kelib chiqib, issiqlik miqdori ichki energiya, temperatura o'zgarishiga to'g'ri mutanosibli aytiladi. Shundan so'ng o'quvchilarga savol beriladi:

- bir chelak suvni qaynatishga ko'p issiqlik kerakmi yoki bir chovgum suvni?

Albatta, o'quvchilar katta massali jismlarni aynan bir xil temperatura farqigacha isitish uchun ko'proq issiqlik miqdori kerakligini aytadilar. Ularni umumlashtirib  $Q \sim m \Delta T$  yozib qo'yiladi.

Endi 1 litr suv va 1 litr yog'ni bir xil  $\Delta T$  ga qizdirish uchun turlicha issiqlik miqdori kerak bo'lishini hisoblash kerak. Buning uchun quyidagicha tajriba o'tkazamiz:

**Tajriba.** Bir xil massali ikki xil metallardan tayyorlangan ikkita silindr shakldagi jismlarni qaynab turgan suvda biroz ushlab turiladi. So'ngra ikkalasini ham bir vaqtda olib, ikkita bir xil suvli idishga solinadi. Idishlardagi termometrlar ma'lum vaqt o'tgach turli temperaturali qiymatni ko'rsatadi.

Bunday o'tkazilgan tajribadan so'ng, o'quvchilarga ya'nada tushinarli bo'lish uchun savol beriladi:

- Idishdagi issiq suvga bir xil massali yog'ochdan, plastmassadan va h.z. materialdan yasalgan jismlar tushirilsa, termometrlar ko'rsatishi qanday bo'ladi?

Berilgan javoblar bo'yicha, solishtirma issiqlik sig'imi kiritiladi:  $C = Q / m \Delta T$ .

Turli moddalar uchun solishtirma issiqlik sig'imi qiymatini jadvaldan topishni o'rganadilar. Bu bilimlar bilan termodinamikaning I qonunini o'rganish qiyin bo'lmaydi va  $Q = \Delta U + A$  tenglama mexanik va issiqlik harakatlari uchun energiyaning saqlanish qonunini ifodalaydi [3,4].

Demak, jismning mexanik harakati, harakat miqdoridan tashqari, materiya harakatining boshqa ko'rinishlariga aylanishi yuz beradigan hollarda zarur bo'ladigan boshqa o'lchovi bo'lishi mumkin. Bunday o'lchov – energiyadir. Energiya materiyaning barcha o'zgarishlarida o'zgarishsiz qoladi. U – materiya harakatining barcha shakllaridagi miqdoriy o'lchovdir. Harakatlanayotgan jismning energiyasi uning mexanik harakatini va boshqa shakllardagi harakatini, masalan, issiqlik harakatini xarakterlovchi boshqa fizikaviy kattaliklar bilan miqdoriy bog'langandir. Bu tabiatning asosiy qonuni – energiyaning saqlanish qonunidir.

Ma'lumki, fizika ta'limida innovasion texnologiya – bu o'quv jarayonini harakatlantiruvchi kuch yoki oldindan belgilab qo'yilgan aniq maqsad yulida o'qituvchi kasbiy faoliyatini yangilovchi va ta'limda yakuniy natijani kafolatlaydigan tadbirlar majmuasi hisoblanadi. Shuning uchun mammlarimizda ta'lim tizimi islohatlarini yanada rivojlantirish va takomillashtirishning yullaridan biri bo'lga ilg'or innovasion texnologiyalar ta'lim jarayoniga olib kiritilmoqda. Ilg'or innovasion texnologiya elementi bo'lgan interfaol metodlardan bugungi kunda keng foydalanilmoqda.

Interfaol inglizcha “*inter*” so'zidan olingan bo'lib, “*orasida*”, “*o'rtasida*” degan ma'noni, ya'ni ikki narsa o'rtasidagi faollik degan ma'noni bildiradi. Ta'lim jarayonida interfaol metod yordamida o'qituvchi va o'quvchi o'rtasida faollik oshirilishi orqali o'quvchilar o'tilgan mavzu bo'yicha olgan nazariy va amaliy bilimlarni o'zlashtirishini faollashtiradi, shaxsiy sifatlarini rivojlantiradi. Demak, interfaol metod o'qituvchi va o'quvchi hamkorlikda ishlash vositasida dars samaradorligini oshirishga yordam beradi, oquvchini mustaqil fikrlashga undaydi.

Har bir o'quvchi qo'yilgan maqsadga mustaqil faol ishtirok etgan holda yakkalikda yoki juftlikda yoki guruhlikda javob topishga harakat qiladi, fikrlaydi, yozadi, formulalarni eslaydi, so'zga chiqadi, fizikadan bajargan tajribalariga mos dalil va asoslar orqali masalani yoritib berishga harakat qiladi. Bu esa o'quvchining xotirasida uzoq saqlanadi. Yangi axborotni o'zlashtirishda

## PEDAGOGIKA

tanqidiy, tahliliy yondasha oladi. O'qituvchi esa faqat yul-yuriq ko'rsatuvchi, tashkil etuvchi, kuzatuvchi vazifasini bajaradi [6].

Darhaqiqat, hozirgi kunda ta'limda pedagogik texnologiyalar asosida loyihalash va ulardan ta'lim sharoitida foydalanishning o'ziga xos jihatlari pedagoglar tajribalarida namoyon bo'lmoqda. Shu maqsadda quyida biz "mexanik va issiqlik harakatlari" mavzusini o'rganishni maqsadlarga ajratib, hayotda jismlarning mexanik harakatini ko'zlash, uni bajarish hamda issiqlik harakatlarini turmushda va texnikada keng ishlatilishi to'g'risida mustaqil xulosalar chiqarish uchun interfaol metoddan foydalanishni tavsiya etamiz. Keltirilayotgan bunday interfaol metod "mexanik va issiqlik harakatlari" mavzusiga oid o'quv materialini o'zlashtirishda o'quvchilarning fikrlash qobiliyatini oshirishga va mavzuni mustaqil o'rganish uchun osonlashtirishga hamda energiyaning saqlanish va aylanishini va undan foydalanish yo'llarini o'rganishga, ulardan tabiat hodisalaridan oqilona foydalanish sifatlarini tarbiyalash imkonini beradi.

O'quvchilarni mavzu bo'yicha olgan bilimlarini mustahkamlashda **kubik** interfaol metodidan foydalanamiz [1]. Chunki mavzu o'tilgandan so'ng o'quvchilarda biror tushuncha shakllanadi. Bu shakllangan tushunchalarni quyidagi tartibda yozish taklif etiladi.

Ma'lumki, kubning 6 ta tomoni bor. Kubning tomonlarini quyidagicha tasvirlaymiz: 1. Tasvirlang. 2. Taqqoslang. 3. O'xshating. 4. Tahlil qiling. 5. Ishlating. 6. Foydali tomoni.

Bu interfaol metod qo'llansa, o'quvchilar mavzuni taxminan quyidagicha izohlaydilar.

**1. Tasvirlang** – o'quvchilar tanish bo'lgan energiyaning saqlanish va aylanish qonunini mexanik va issiqlik hodisalari uchun tatbiq etish imkonini tasvirlaydilar.

**2. Taqqoslang** – o'quvchilar mexanik harakat qilayotgan shariklarning harakatlanish jarayonini issiqlik harakatiga aylanish jarayoni bilan taqqoslaydilar.

**3. O'xshating** – jismlarning harakatini elektr tokining simlar bo'ylab oqishini, yorug'lik hodisalarini va h.k., umuman qanday hodisani qaramaylik, bularning barchasi ish bajarishi, issiqlik uzatishi bilan birgalikda ro'y beradi va ular uchun energiyaning saqlanish qonunini qo'llash mumkin, deb o'xshatadilar.

**4. Tahlil qiling** – jismning mexanik harakati, harakat miqdoridan tashqari, materiya harakatining boshqa ko'rinishlariga aylanishi yuz beradigan hollarda zarur bo'ladigan boshqa o'lchovi – energiya bo'lishligini tahlil qiladilar.

**5. Ishlating** – hayotda jismlarning mexanik harakatini ko'proq ko'zatamiz, uni o'zimiz bajaramiz yoki unda qatnashamiz. Xuddi shuningdek, konveksiya, issiqlik o'tkazuvchanlik turmush va texnikada keng qo'llaniladi.

**6. Foydali tomonlari** – energiyadan kundalik turmushda ko'p foydalaniladi. Masalan, ko'p ishni tez bajaruvchi kishi g'ayratli, ko'p energiyali, deb hisoblanadi. Yoki insoniyat doimo arzon va qulay energiya manbalaridan foydalaniladi.

Yuqoridagilardan kelib chiqqan holda, o'quvchilarda ilmiy tushinchalarni shakllantirish jarayoni juda murakkab, tashkiliy, psixologik va pedagogic jarayon deyish mumkin. Ushbu jarayonda fizikaviy hodisalarning mazmun-mohiyatini o'zlashtirilishi o'quvchilarda hodisalarni ishlab chiqarish, texnika-texnologiyada qo'llanilishi to'g'risida mustaqil xulosalar chiqarishi, fikrlashining rivojlanishi va amaliy faoliyati shakllanishi kuzatilsa, o'qituvchilarda esa o'z bilimini uzluksiz ravishda to'ldirib va yangilab borishi, malaka va metodik mahoratini yuksaltirish va o'quvchilarga yangi bilimlar berish imkoniyati paydo bo'ladi.

### ADABIYOTLAR

1. Karimov A.M., Toshpulatova Sh. O. Fizikani o'qitishda innovatsion texnologiyalardan foydalanish. – T., 2017. - 199 b.
2. Turdiyev N.Sh. 6 sinf fizika darsligi. – T., 2017. 45- 47, 101 -109 betlar.
3. Turdiyev N. Sh., Yusupov A. Fizika. 9 sinf. O'qituvchilar uchun metodik qo'llanma. – T., 2006. 41-43-b.
4. Shamash S. Ya. O'rta maktabda fizika o'qitish metodikasi (Molekulyar fizika va elektrodinamika). – T.,1992. 49-50-b.
5. Shodiyev N. Yangi pedagogik texnologiyalar. O'quv-uslubiy qullanma. – Samarqand, 2005. 74-113-b.
6. Qahhorov S. Fizika ta'limi davriyligini loyihalash texnologiyasi. – T., 2007.191 b.



УДК 629.113.65

**“ЭЛЕКТРОТЕХНИКА ВА ЭЛЕКТРОНИКА” ФАНИНИ МОДУЛЛИ ЎҚИТИШ  
ЖАРАЁНИДА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ САМОСТОЯТЕЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ В ПРОЦЕССЕ  
МОДУЛЬНОГО ОБУЧЕНИЯ ДИСЦИПЛИНЫ «ЭЛЕКТРОТЕХНИКА  
И ЭЛЕКТРОНИКА»**

**IMPROVEMENT OF INDEPENDENT EDUCATION IN THE PROCESS OF  
MODULAR TRAINING OF THE DISCIPLINE “ELECTRICAL  
ENGINEERING AND ELECTRONICS”**

*Темирова Махбубахан Абдурайимовна  
ТАЙЛҚЭИ табиий фанлар каф. доц., физ.-мат.ф.н.*

*Аннотация.* Ҳозирги кунда таълим технологияларини жаҳон андозаларига мослаштириши ҳар бир фан олдига аниқ талаблар билан бирга катта муаммоларни ҳал этиши вазифасини қўймоқда. Мақолада фанларни модулли ўқитиш жараёнида мустақил таълимни такомиллаштириши, талабалар мустақил ишини ташкил этиши билан боғлиқ ўқув-услубий ишларни ишлаб чиқиш масаласи “Электротехника ва электроника” фани мисолида ўрганилган.

*Таянч сўзлар:* технология, педагогик технология, инновация, инновацион таълим технологиялари, инновацион янгиликлар, мустақил иш, мустақил таълим, модуль шакли ва методи, модуль дастури, концентризм, ўқув элементлари, назорат тизими, ахборот базаси, ижтимоий-ҳуқуқий муҳит.

*Аннотация.* На сегодняшний день поставлена огромная задача по каждому предмету как приурочить образовательные технологии к международным стандартам. В данной статье рассмотрены вопросы совершенствование самостоятельного образования в процессе модульного обучения предметов, разработка учебно-методических мер по организации самостоятельной работы студентов на примере предмета «Электротехника и электроники».

*Ключевые слова:* технология, педагогические технологии, инновация, технологии инновационного образования, самостоятельная работа, самостоятельное образование, форма и методы модуля, программа модуля, концентризм, элементы обучения, система контроля, информационная база, социально-правовая среда.

*Abstract.* To date, delivered a huge task for each subject as to coincide with educational technology to international standards. In this article there is considered the issues of development of independent education in the process of modular training courses, the development of educational measures of organization of independent work of students on the example of the subject of ‘Electrical engineering and of electronics’.

*Key words:* technology, educational technology, innovation, technology of innovative education, innovation news, independent work, self-education, form and methods of the module, module curriculum, concentrism, elements of training, monitoring system, data base, legal and social environment.

Бугунги кунда республикамизда таълим тизими тубдан ислоҳ қилинмоқда. Барча фанлардаги сингари “Электротехника ва электроника” фанини ўқитишда ҳам талабаларнинг индивидуал хусусиятлари, имкониятларини ҳисобга олиш, фанни ўқитишда турли педагогик технологиялардан фойдаланиш дарсларни давлат таълим стандартлари (ДТС) талабларига мувофиқ ташкил этишининг макбул йўли ҳисобланади.

“Электротехника ва электроника” фанини модулли ўқитиш шахсга йўналтирилган тизим сифатида талабаларда мустақил таълим олиш кўникмаларини шакллантириш ва



ривожлантириш учун хизмат қилади.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг 3.3.3-бўлимида таълимни ташкил этиш ва ривожлантириш учун “янги педагогик ва ахборот технологиялари, тайёргарликнинг модуль тизимидан фойдаланган ҳолда талабаларни ўқитишни жадаллаштириш” кадрлар тайёрлашнинг миллий модели элементи ва муҳим вазифалари сифатида белгилаб қўйилган [1].

Таълим соҳалари жадал ривожланиб бораётган ҳозирги даврда эркин, мустақил тафаккурга эга ёшларни камол топтириш, тарбиялаш таълим-тарбия тизими олдида турган энг долзарб вазифалардан биридир. Мустақил фикрга, шахсий дунёқарашга эга инсонларгина жамият тараққиётини таъминлайдилар.

Ҳозирги кунда олий таълим тизимида ўқитувчининг билимларини бериш функцияси бошқа, кўпроқ аудиториядан ташқари билим олишни ташкил этиш ва бошқариш билан алмашаётганлигини замонавий таълим жараёни талаб этмоқда.

Аслида олимлик, фозиллик ва ниҳоят алломалик даражасига эришган шахсларнинг ҳаёт ва ижод йўлига назар ташласак, улар ижодининг махсули асосан машаққатли мустақил изланишларининг натижаси эканлиги шубҳасиздир. Мустақил таълим орқали эгалланган билимлар кишилар билан мулоқотлар ва муҳокамаларда мустаҳкамланади, кенгаяди, пухталашади, инсон миясида муҳрланиб қолади. Олий таълим муассасаси партасида ўтирган талаба жисмоний ва ақлий жиҳатдан фаол даврни бошидан кечираётган шахс. Айнан ана шу давр уни мустақил таълимга мойиллигини кучайтирувчи даврдир. Ҳар бир нарсада меъёр бўлгани сингари талабага топширилган мустақил топшириқларнинг ҳам меъёри бўлиши керак [3].

Давлат таълим стандартлари талабларидан келиб чиқиб ўқитувчи раҳбарлигида бажариладиган маъруза, амалий машғулот ва лаборатория дарсларида “Мустақил иш” сифатини кўтаришни талаб этади. Ҳозирги кунда “Мустақил иш” дарслари ва унга ажратилган соатлардан талабалар самарали фойдаланиш билан боғлиқ услубий қўлланмаларни мукамал яратиш ва мавжудларини янада такомиллаштириш зарур деб биламан. Шунингдек, “Электротехника ва электроника” фанига мустақил таълим учун ажратилган соатлардан унумли фойдаланиш, талабаларни ўз устида ишлашга ўргатиш ва бу муҳим талаб – давр талаби эканлигини улар онгига сингдиришдан иборат.

Ҳар қандай фанни мустақил равишда ўрганишда талабалар тегишли дарсликлар, маълумотномалар ва бошқа ўқув-методик материаллар билан таъминланиши талаб қилинади. Шу сабабли ҳам олий таълим йўналишидаги талабалар учун “Электротехника ва электроника” фанидан мустақил таълим билан бойитилган ўқув жараёнининг модули ҳақида фикр-мулоҳазалар қилишни лозим деб биламан. Бу компьютер технологиялари орқали замонавий шаклларда, яъни электрон ресурслар ҳолида тақдим этиш имконияти яратилади.

Маълумки, модулли ўқитишнинг моҳияти шу билан изоҳланадики, унга кўра, таълим олувчи ўзига тақдим этилган индивидуал ўқув дастури асосида мустақил тайёргарлик кўради. Бу ўқув дастурини бажариш учун ҳаракатлар режаси, ахборотлар мажмуаси, ўқитиш натижаларига эришиш бўйича аниқ методик тавсияномалар бўлиши зарур.

Ҳар бир модуль бўйича тайёрланувчи ўқув материаллари ўз ичига ўқиш даврини тўлиқ камраб олган модулли дастур, ҳар бир модуль бўйича назарий материаллар (маъруза), ўқув-услубий тарқатма материаллар, ҳар бир модуль бўйича индивидуал топшириқлар, ўқув илмий адабиётлар рўйхати, ҳар бир модуль бўйича мустақил ишлар учун топшириқлар ва ҳар бир модуль бўйича назорат топшириқларини қамраб олади.

Модул ўқув дастуридаги ўқув материалларини мустақил иш сифатида ўрганилиши, талабаларни дарслик ва қўшимча адабиётлар билан мустақил ишлаш, таҳлил қилиш, таққослаш, умумлаштириш ва хулосалаш, ўз нуқтаи назарини далиллашга интилиш сингари хусусиятларни ривожлантиришга ёрдам беради. Одатда ҳар бир ўқув модули ўзаро боғлиқ назарий, амалий ва назорат модулларидан ташкил топади. Назорат ишларнинг вариантлари модуль охирида берилади. Назаримизда мустақил иш топшириқлари ҳам модуллар бўйича берилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Электрон таълим ресурсларида жойлаштирилувчи мустақил иш топшириқлари табақалаштирилган ҳолда тузилиши лозим.

Чунки талабаларнинг таянч билими, ўзлаштириш қобилияти, назарий ва амалий тайёргарлиги турличадир. Қайд этиш лозимки, мустақил иш топшириқларини бажаришдан кўзланган мақсаднинг аниқ бўлиши (билимни мустаҳкамлаш, амалий кўникмани мустаҳкамлаш, янги билимни эгаллаш ва ҳ.к.) ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари топшириқ аниқ ва равшан бўлиши, талабага аудитория машғулотлари вақтида топшириқларни бажариш алгоритми ва методлари тўғрисида етарли йўлланма берилиши, тушунмаган талабалар учун консултация кунлари белгиланиши лозим.

Модулга асосан, “Электротехника ва электроника” фани бўйича ўқитувчи маъруза, амалий иш, лаборатория каби машғулот турларини ўтади. Унда ҳар бир машғулот тури бўйича мустақил таълимни ташкил этиш учун зарур фаолият ўз аксини топган бўлиши керак.

“Электротехника ва электроника” фанидан талабаларнинг мустақил ишини ташкил этишда машғулот турига тегишли мустақил таълим соатига мос келувчи топшириқлар тузилади. Маъруза машғулотининг ҳар бир бўлимига тегишли мустақил иш топшириқларини тузишда соддадан мураккабга қараб борилади ва топшириқлар шундай тузиладики, унинг 50-60 фоизи стандарт талабларини бажарсин, бунда талаба ўз имкониятлари даражасида юқори кўрсаткичларга эришиши мумкин. Топшириқлар тўпламига асос қилиб маърузада ўтилган таянч сўз ва иборалар, уларнинг луғати, шарҳи, мазмуни ва шунга ўхшашларни олиш мақсадга мувофиқдир.

Бу фаннинг долзарб услубий вазифаларидан бири, бунда фаннинг мустақил таълим асосида ўзлаштириш, назорат этиш ва баҳолаш мезонлари алоҳида яратиш, унинг ахборот базаси ресурсларини таъминлаш фаолиятини олиб бориш зарур ва муҳимдир.

Талабаларнинг махсус фанлардан мустақил ишларини яхши йўлга қўйишда ўқитувчининг методик ишларини режали ва тартибли олиб борилиши муҳим аҳамиятга эга. Методик иш ўқитувчининг турли мавзудаги манбалар, ахборотлар ва турли усулларни ўрганишдаги амалий фаолиятидирки, у ўқув тарбия ишлари савиясини ҳамда, ўқувчилар билим даражасини оширишнинг муҳим воситасидир. Унутмаслик керакки, ўқитувчилар ўз билими ва маҳоратини мунтазам ошириб боришлари даркор.

Бу фан модулидаги машғулот турлари бўйича услубий тавсиялар келтириб ўтилади. Ўқитувчи “Электротехника ва электроника” фани бўйича ишчи дастур тузаётган вақтда, намунавий дастурда кўрсатилган мавзулар бўйича машғулот турларини аниқлаб олади.

Фаннинг ишчи дастури: унда фаннинг мақсад ва вазифаси, машғулотларни турлари бўйича тузилмаси, талабаларнинг ўқув, малака ва кўникмаларига қўйиладиган талаблар, олинган билимни баҳолаш тизими ҳамда мустақил бажариладиган вазифалар бўйича кўрсатмалар сингари маълумотлар берилган.

Мустақил машғулотларда талабалар ишчи дастур асосида тайёрланган ўқув-услубий ва тарқатма материаллардан фойдаланадилар[4].

Фаннинг маърузалар таркиби бўйича мустақил таълим учун ажратиладиган мавзу дарс давомида ўрганилиши бошланган катта мавзунинг айрим қисмларидан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ [5].

Маърузалар: бу қисмда ўргатилаётган фаннинг асосий назарий материаллари алоҳида маърузалар мантини сифатида жамланган. Маъруза матни мультимедиа воситалари қўлланилган ҳолда ифодаланиб, махсус компьютер дастури асосида кўрсатилади [6]. Ҳар бир матн охирида қисқача хулосалар чиқарилган, тавсия этилган асосий ва қўшимча адабиётлар рўйхати келтирилган бўлади.

Маърузалар матнини тайёрлашда, структуралаш ва тизимлаш усулларини қўллаб, материалларни блок-схема, расмлар блоқи кўринишида тақдим этилиши мақсадга мувофиқ. Бунда материалнинг ўзлаштириш самарадорлиги ошади.

Ўқитувчи маърузаси давомида усталик билан турли жумбоқли ва қизиқарли саволларни ўртага ташлаши ва айнан шу саволларга жавобни талабалар мустақил излашларига ундаши самарали усуллардан ҳисобланади. Бундан ташқари маърузада ўта олмаган, яъни мавзунинг тарихий, мутахассисликка доир жиҳатларини эътиборга олиш талаб этилади ва талабаларга мустақил таълим учун топшириқ қилиб берилади [7]. Мустақил таълим учун ажратилган

мавзулар ёки мавзуларнинг қисмларини ўрганишда талабада олдиндан ўрганилган база бўлиши, яъни бундан олдинги мавзулар бўйича етарлича билимлар захираси тўпланган бўлиши керак.

Берилган мустақил топшириқ шундай мавзулар бўлсинки, талабада уни ўрганишга иштиёқ ва эҳтиёж сезилсин. Топшириқда иложи борича шундай саволлар қўйилиши керакки, бу саволларга жавоб топиш учун талаба жон-дили билан ҳаракат қилсин. Берилган мустақил топшириқлар бажарилиши учун ўқув адабиётлари ва методик таъминот мавжуд бўлиши керак. Адабиётлар, бу адабиётларни олиш мумкин бўлган маскан (интернет тармоғидаги сайдлар, кутубхона ва ҳоказолар) аниқ кўрсатилиши муҳим. Ҳар бир фан бўйича ўқув йили бошида дарсхонада ўтиладиган ва мустақил иш сифатида талабага бериладиган мавзулар обдон ўйланган ҳолда режалаштирилиши керак [3].

Бу мустақил таълимга доир мавзулар фанга кириш қисмида мустақил таълим учун саволлар тарзида талабаларга тарқатилиши лозим. Чунки ўзи ўрганаётган мавзу юзасидан тақдимот қилиб бериши учун тайёрланиши керак. Тақдимот эса кенг жамоа ўртасида ўтказилади. Тақдимотда талабалар ўртасида ўзаро мунозара ҳамда баҳсларнинг авж олишига имконият яратилади. Тушунарсиз савол, масалалар ўқитувчи ёрдамида бартараф этилади. Энг муҳими ўқитувчи билан талабалар ўртасида ўзаро алоқа ҳосил бўлади. Натижада ҳар икки томонлама ютуқ бўлади. Тақдимот талабанинг компьютер техникаси билан қандай ишлай олиши ва ундан фойдалана олиш маҳоратига ҳам боғлиқ жараёндир.

Ҳозирги таълаб бўйича, ҳар бир мавзу учун ўқув-методик материал:

– мавзулар ҳорижий материаллар билан 50-70 %га бойитилган бўлиши керак, унинг бети изоҳи (сноска ) шаклида келтирилиши керак;

– айрим мавзуларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, маҳаллий манбалар ҳам қўлланиши мумкин.

Бугунги кун инновацион янгиликлар билан бой тараққийёт давридир. “Электротехника ва электроника” фани мавзулари бўйича маълумотлар олиши учун ўқитувчи ҳам илмий-услубий қўлланмалар яратиш ўз интеллектуал даражасини бойитиб бориш фаолиятини авж олдириш лозим.

“Электротехника ва электроника” фанининг модулли ўқитиш жараёнида амалий ва лаборатория машғулотлари маърузалар билан бирга тузилади, улар маърузалар мазмунини ўрганилувчи янги материал билан тўлдиради. Талабалар маълум амалий кўникмаларга эга бўладилар. Амалий машғулотлар шундай тузилиши керакки, бунда назарий машғулотларда олган билимлар мустаҳкамланиб, янги материал билан тўлдирилган бўлиши керак.

Талабалар чуқур билимга кўпроқ амалий машғулотларда эга бўладилар, чунки амалий машғулотлар бевосита назарияни амалиётга татбиқи билан олиб борилади[10]. Бунда ўқувчилар нафқат эшитадилар, балки кўзлари билан кўриб амалиётда электротехник курилмалар билан ишлашларида қўл келади. Бу эса талабаларда малака ва кўникмаларни ҳосил қилади.

Амалий иш бўйича машғулот турида ўқитувчи томонидан масалалар ечиш учун яратилган услубий кўрсатма ва тавсиялар ёрдамида мустақил таълим асосида қийинчилигига кўра иккинчи ва учинчи даражали масалаларни ечадилар. Буни амалга ошириш натижасида олий таълим муассасалари ўртасида фан бўйича ташкил этилаётган олимпиада ва танловларда самарали қатнашиш имконини беради ҳамда талабанинг илмий ижодий қобилиятини ривожлантиради [7,8].

Амалий топшириқлар, машқлар ва масалалар: саҳифанинг бу қисмидаги материаллар амалий фаолиятда маълум бир вазифаларни ечиш учун керакли ўқув ва кўникмаларни ҳосил қилишини таъминлайди. Машғулотларни ўтказиш тартиби, талабаларни тайёргарлик даражасини аниқлаш бўйича услубий кўрсатмалар берилган [7,8]. Очiq таълим курс таркибига кирувчи амалий топшириқлар турли мураккаблик даражасига эга. Бундан ташқари унда мазкур фандан курс лойиҳаси (ишини) бажариш учун керакли тушунтиришлар ва ҳисоб ишларининг таҳлили ҳам кўзда тутилган.

Фан бўйича лаборатория машғулотида мустақил таълим асосида ҳар бир фаннинг ривожланишига олиб келган муҳим тажриба ва экспериментларнинг таҳлили (анализи)ни бажариш бўйича қўшимча лаборатория ишларини (айниқса, виртуал шаклдаги ишларни) ўтказиш тавсия этилади [9].

Виртуал лаборатория ишлари: унда биринчи навбатда талабани лаборатория ишини бажаришга қўйиш бўйича ўтказиладиган назорат тадбирлари берилган, қурилмани тажрибага тайёрлаш кетма-кетлигини ўрганиш, уни бошқариш ва унда ўлчаш ишларини ўтказиш, тажрибалар орқали керакли натижаларни олиш, олинган натижаларни ифодалаш ва ҳимоялаш тартиблари баён этилган. Виртуал ишлар, шунингдек, у мураккаб жарёнларнинг хусусиятларини чуқурроқ ўрганиш ва тушуниш имконини беради.

Фан бўйича барча машғулотлар юзасидан талабаларни мустақил таълим асосида бажарган ишларининг баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва улар асосида баҳолаш балларини белгилаш вазифаларини амалга ошириш зарур. Бу ўта мураккаб ва масъулиятли вазифалардан биридир.

Мустақил таълимга тегишли маъруза амалий иш, лаборатория ишларини топшириш кунлари ҳамма учун тушунарли бўлиши учун семестрлар бўйича тузилган дарс жадвалларида алоҳида изоҳлар билан тасвирланган бўлиши керак.

Юқорида келтирилган фикрлардан кўринадики, мустақил таълим билан бойитилган ўқув жараёни олий таълим муассасаси ҳамда профессор-ўқитувчиларидан мустақил таълим мавзуларига тегишли қўшимча адабиётларни излаш, адабиётлар ва интернет маълумотлари асосида электрон кутубхона яратиш ва улар асосида баҳолаш балларини белгиловчи илмий-услубий муаммоларни ҳал этишни тақозо этади.

Аттестациялар: ушбу қисм фаннинг назарий материаллари бўйича оралик баҳолашларнинг сони ҳамда оралик ва якуний баҳолашларнинг тартибини белгилайди. Келтирилган баҳолаш турлари бўйича вазифалар ва тест саволлари ҳамда уларнинг ечим ва жавобларининг тўплами берилган. Мустақил таълим олувчи бу намунавий тўпландан фойдаланган ҳолда барча турдаги баҳолашларга мустақил тайёргарлик кўриш имкониятига эга бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, талабалар мустақил таълимни такомиллаштириш давр талаби ҳисобланади. Шунинг учун ҳам уларни ижодийликка ундашнинг асосий воситаси мустақил таълим эканлигини эътироф этиш зарур. Мустақил таълимни педагогик амалиётга татбиқ этиш эҳтиёжи таълим жараёнига модуллашган ҳамда концентризм принципи асосида тузилган амалий дарсларни киритишни тақозо этади. Бошқача айтганда, бу ўқитиш жараёнида ижтимоий-ҳуқуқий муҳитнинг вужудга келиши билан ҳам боғлиқ. Дарс жараёнида амалга оширилувчи ижодий фаолият меъёрларига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Бу, ўз навбатида, талаба фаолиятида чуқур билимга эга бўлишга асос бўла олади.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Шарқ, 1997. 20-29-б.
2. Ашурова С.Ю. Енгил саноат йўналишлари бўйича кичик мутахассислар тайёрлашда махсус фанларни модулли ўқитишнинг илмий-услубий асослари. Пед.фан. номз... дисс. – Тошкент, 2005. 49-58-б.
3. Григорян В.Г., Химич П.Г. Роль преподавателя в организации самостоятельной работы студентов. Высшее образование в России. 2009. №11. – С. 108-114.
4. Temirova M.A. “Elektrotexnika va elektronika” fanidan uichu dastur. – T., 2020. – 28b.
5. Temirova M.A. “Elektrotexnika va elektronika” fanidan ta’ruzalalar matni. – T., 2018. – 238b.
6. Temirova M.A. “Электротехника ва электроника” фанидан маърузалар матнининг электрон шакли. I-II қисм. (Macromedia Flash Player7.0) дастурида. – T., 2018. – 345b.
7. Temirova M.A. “Elektrotexnika va elektronika” fanidan ta’ruzalalar matni. – T., 2018. – 238b.
8. Temirova M.A. “Elektrotexnika va elektronika” fанидан мустақил ишларни бажариш учун услубий кўрсатма. . T.;, 2019. – 78b.
9. Temirova M.A. “Elektrotexnika va elektronika“ fanidan amaliy mashg’ulotlari uchun O’quv qo’llanma. T.;, 2019. – 188b.
10. Temirova M.A. “Elektrotexnika va elektronika“ fanidan amaliy mashg’ulotlari uchun O’quv uslubiy qo’llanma. T.;, 2018. – 58b.



11. Temirova M.A. "Elektrotexnika va elektronika" fanidan laboratoriya ishlarini bajarish uchun uslubiy ko'rsatmalar. T.:, 2020. – 198b.

12. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технология: назария ва амалиёт. Фан. Тошкент, 2005.

УДК: 372.854

**O'RTA UMUMTA'LIM MAKTABLARINING VI-VII SINFLARIDA FIZIKA  
FANIDAN YAKUNIY NAZORATLARDA TEST SAVOLLARIDAN  
FOYDALANISHNING PEDAGOGIK ASOSLARI**

**ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ТЕСТОВЫХ  
ЗАДАНИЙ В ЗАКЛЮЧИТЕЛЬНЫХ КОНТРОЛЯХ 6-7 КЛАССАХ  
СРЕДНЕЙ ШКОЛЫ ПО ФИЗИКЕ**

**PEDAGOGICAL BASES USE OF TEST TASKS IN FINAL MONITORING  
OF 6-7 OF PHYSICS CLASSES IN SECONDARY SCHOOLS**

**Rahmatov Ilhom Ismatovich**  
*BuxDU fizika kaf. dots., tex.f.n.,*  
**Jamilova Mohigul Madiyorovna**  
*BuxDU magistranti*

**Annotatsiya.** Maqolada o'rta maktab fizika kursida testlarni qo'llashning pedagogik asoslari bayon qilingan. Ochiq, yopiq testlar ularning turlari qo'llanilish usullari keltirilgan. VI-VII sinflarning fizika darslarida yakuniy nazoratlarda qo'llaniladigan testlardan ayrim namunalar keltirilib, tahlil qilingan. Umumiy o'rta ta'lim maktabi fizika kursi uchun choraklar kesimida tayyorlangan testlar haqida ma'lumot keltirilgan. Ushbu testlarni kompyuter dasturidan foydalanib yechish yo'llari bayon etildi.

**Tayanch so'zlar:** o'rta umumta'lim maktabi, fizika kursi testlar, yakuniy nazorat, baholash mezoni

**Аннотация.** В статье приводятся педагогические основы применения тестов по физике в средней школы. Анализируются некоторые тесты, используемые для итогового контроля на уроках физики VI-VII классов. Проводятся ежеквартальные тесты по курсам физики. Пути решения этих тестов с использованием компьютерного программного обеспечения.

**Ключевые слова:** средняя общеобразовательная школа, курс физики, тесты, заключительный контроль, критерий оценки.

**Abstract.** The article describes the pedagogical basis for the use of tests in physics classes of a high school. The two types of tests, open and closed tests methods are applied.

Some examples of tests used in the final control in the physics lessons of VI-VII grades are given and analyzed. There is information about the tests prepared for the physics course of general secondary school on a quarterly basis. The ways of solving the physics problems with the help of computer software are given.

**Key words:** secondary school, physics course tests, final control, evaluation criteria.

**Kirish.** Ta'lim sohasida test-reyting usulining joriy etiishi o'quvchilar bilimni baholashdagi subyektivizimga chek qo'ydi. Test usuli yordamida o'quvchilarning fizika fanidan bilim va ko'nikmalarini tekshirish dasturlashtirilgan ta'lim metodining usullaridan biri hisoblanadi. Test usulining muvaffaqiyati ko'p jihatdan o'quvchilarning bilim darajasiga va dars mavzusining mazmuniga qarab, testning har xil turlaridan foydalanishga va ularga doir topshiriqlarni izchil tuza bilishga bog'liq bo'ladi.

Fizika fanini o'qitishda testning quyidagi turlaridan foydalanish tavsiya etiladi. Qayd etish kerakki, jami testning 40 %ini o'rtacha o'qiydigan, 60 %ini yaxshi o'qiydigan, 80 %ini a'lochi va



iqtidorli o'quvchilar, hammasini esa, faqat iqtidorli o'quvchilargina bajara oladigan bo'lishi lozim.

**Asosiy qism. Yopiq test savollari.** O'quvchi javob berishi kerak bo'lgan savol yoziladi, keyin to'g'ri javob aniq va tushunarli qilib yoziladi, keyin javobdan kalit so'z yoki formula, belgi, simbol, harflarni o'zgartirib, tushirib qoldirib, noto'g'ri javob variantlari tuziladi.

**Ochiq test savollari.** O'quvchi javob berishi kerak bo'lgan savol yoziladi, bunda o'quvchining vazifasi yetishmayotgan kalit so'z yoki ma'lumotni yozish. Savolni shunday tuzish lozimki, topilishi kerak bo'lgan kalit so'z gapning oxirida bo'lsin, aks holda savolning mazmunini anglash qiyinlashadi. Topshiriq o'quvchi uchun topshiriqni bajarishga ko'rsatma bilan boshlanadi, masalan, "tushirib qoldirilgan so'zni toping" kabi.

**Moslikni topish test savollari.** O'quv materialiga asoslangan holda, bir xil xususiyatlarga ega ma'lumotlardan ikkita ustun tuziladi. O'ng tomondagi ustunda so'zlar chap tomondagi ustundan bir nechta ortiq bo'lishi ham mumkin. Javoblarni tekshirish qulay bo'lishi uchun chap tomondagi ustunni raqamlar bilan, o'ng tomondagi ustunni harflar bilan belgilang. O'quvchi o'ng tomondagi ustunda berilgan ma'lumotlarga chap ustundagi qaysi ma'lumotlar mos kelishini topishi kerak.

**To'g'ri ketma-ketlikni topish test savollari.** O'quvchiga ko'rsatma beriladi: "To'g'ri ketma-ketlikni toping". O'quvchi berilgan javob variantlarini to'g'ri ketma-ketlikda qo'yib chiqishi kerak, bu ketma-ketlik xronologik yoki boshqa mantiqiy tartib bo'lishi mumkin. Bunda o'quvchiga berilgan ko'rsatma aniq bo'lishi kerak, agar berilgan ro'yxatda mantiqiy ketma-ketlikka kirmaydigan (ortiqcha) elementlar bo'lsa, bu ham ko'rsatmada aytib o'tilishi kerak. Topshiriqqa kiritilgan elementlar soni 5 tadan 12 tagacha bo'lishi mumkin.

Testlar ham maktabda o'zlashtirish darajasini baholash sistemalaridan biri bo'lib, unda quyidagilarni hisobga olish mumkin:

uning yordamida o'qitish natijalarini tekshirishda har bir o'quvchining qobiliyatini hisobga olish;

- o'quvchilarning nazariy va amaliy bilimlari sifatini tekshirish;
- turli testlar kiritish bilan o'quv jarayonini jonlantirish;
- o'quvchilardan so'rashga ketadigan vaqt va o'qituvchining o'quvchilar bajargan ishini tekshirishga sarflanuvchi vaqtini tejash;
- testlarni kompyuterda qo'llash.

Testlarning maktabda qo'llaniluvchi tekshirish usullari (nazorat ishi) dan farqi shundaki, test yordamida katta hajmdagi o'rganilgan mavzularni kichik, ya'ni ma'lum miqdorlar bilan o'rganish va ko'p sonli o'quvchining o'quv materiallarini o'rganganlik darajasini tez diagnostika qilish. Demak, maktabda qo'llanishi mumkin bo'lgan testga quyidagicha ta'rif berish mumkin:

**Test tekshirilayotgan masalalarni har tomonlama ifodalovchi va kichik qismlar orqali ifodalangan standartlashtirilgan topshiriqlar mujmuasidir.** Testlarni qo'llanishi bo'yicha quyidagi turlarga ajratish mumkin:

- keltirilgan jumla, ifoda, shakl yoki mulohazada qoldirilgan joylarni to'ldirishga mo'ljallangan testlar. Ular javoblarini erkin tanlash testlari jumlasiga kirib, u o'rganilgan mavzuning ma'nosini tushunganligini tekshiradi. Masalan, ta'riflar, qoidalar va hokazo.

Keltirilgan mulohazaning rost yoki yolg'onligini aniqlash testlari. Bular muqobil usuldagi testlar orqali o'quvchilarning mulohaza yuritishi, xulosa chiqarishi yoki umumiy qoida-qonunlar, xususiyatlar, ta'riflarga asoslanib, bajarilayotgan amallarning to'g'riligini aniqlay olishlari tekshiriladi. Keltirilgan ikki turdagi testlar nafaqat yozma holda, balki og'zaki shaklda ham ifodalanadi.

**Javobni tanlashga mo'ljallangan testlar.** Mazkur turdagi testlar keng tarqalgan bo'lib, ulardan kamida uchta javob ko'rsatiladi va javoblarni tuzishda o'quvchilar yo'l qo'yishi mumkin bo'lgan xatolar hisobga olinadi. Bu testlar yordamida o'quvchilarning o'quv materialini qo'llashga tayyorgarligi tekshiriladi.

Umuman, hozirgi kunda jahonda qo'llanilayotgan testlar quyidagilardan iborat:

- yetuklik testi (o'qilgan materialni aytib bera olish);
- ijod testi (ilg'ab olish, fikrlash);
- biror mezon bo'yicha test (ma'lum mezon tanlanadi);

## PEDAGOGIKA

- proektiv test (biror shakl, model, rasm yordamida);
- intellekt test (sotsiologiya va ruhshunoslikka oid test).

Yuqorida keltirilgan test turlariga qo'yiladigan talablar quyidagilardan iborat bo'lishi lozim:

- test savol-topshiriqlari asosiy bilimlar majmuasi va ularni o'zlashtirishga talablar asosida tuziladi;

- topshiriqlar sharti qisqa, aniq va oddiy bo'lib, unga keltirilgan javob yagona shaklda ifodalangan bo'lishi kerak;

- tekshirilayotgan materialning ma'nosini ifodalovchi bir xil murakkablik darajasidagi topshiriqlar albatta kiritilgan bo'lishi lozim;

- o'rganilayotgan materiallar bo'yicha bir necha xil variantlar bo'lgan holda, ulardan bir xil sondagi topshiriqlar bo'lishi lozim;

- javobni tanlash testida albatta to'g'ri javob bo'lishi kerak;

- bitta testda bir xil sondagi savollar bo'lishi lozim;

- testlarda tushirib qoldirilgan atama, formulalar tanlangan mavzuning asosiylari bo'lib, ular bir testda 2-3 tadan oshmasligi kerak;

- belgilangan maqsadga ko'ra bir xil testlarni turli xil ko'rinishda yaratish mumkin va hokazo.

Testlarni ishlab chiqish va qo'llash metodikasi unga belgilangan maqsaddan kelib chiqadi.

Agar test bilim berishning biror shaklini egallasa, bu katta yutuq bo'ladi. Masalan, o'quvchi ma'lum bir guruhdagi savollarga javob bera olmadi, deylik. Agar bunda o'qituvchi tomonidan berilgan barcha topshiriqlarni to'liq bajarish uchun o'quvchiga nimalarga e'tibor berish lozimligi to'g'risida ma'lumot berilsa, o'quvchi o'zi uchun lozim bo'lgan o'rganish yo'nalishini bilib oladi.

O'zbekistonda ta'lim sohasida test-reyting usulining joriy etish orqali o'quvchilar bilimni baholashdagi subyektiv tizimga chek qo'yiladi. Lekin shu bilan birga bu usul o'zining obyektivligi bilan birga ba'zi muammolarni ham ochib tashladi. Bu muammolardan asosiysi, an'anaviy usullardan farqli o'laroq, bu usul nafaqat o'qituvchilar, balki o'quvchilardan ko'proq vaqt va kuch-g'ayrat talab etishdir.

Test tizimi o'zining obyektivligi bilan bir qatorda yana bir muhim muammoni ko'rsatib berdi: bir sinfda o'qigan o'quvchilarning imkoniyatlari bir xil deb bo'lmaydi, lekin test savollari bilan yaxshi tanish bo'lgan turli variantlarning o'qishga kirishi ehtimoli kattaroqdir.

Shuning uchun bo'lsa kerak, ba'zi o'quvchilar testlarning javoblarini nima bo'lsa ham ishlab olishga harakat qilishadi-yu, odatda shuncha harakat samarasiz qolib ketadi. Buning sababi, test javoblarini yodlash uchun ham to'g'ri javoblarining o'zini bilish kerak, to'g'ri javobni bilish uchun esa, testni to'g'ri yecha bilish kerak. Testni yecha oladigan o'quvchi uchun javoblarni yodlash shart emas. Yana muhim muammolardan biri test topshirish paytida vaqtni to'g'ri taqsimlay olishdir. Shuning uchun testda vaqtni to'g'ri taqsimlashga jiddiy e'tibor qaratish lozimdir.

Albatta test savollari naqadar qiyin bo'lmasin, odatda uni yechish uchun ko'p vaqt talab qilinmaydi, lekin buning uchun uni yechishning ratsional yo'lini bilish lozim, ya'ni ayrim testlarning javoblarini topishda mantiqiy mulohazalar yuritishga to'g'ri keladi. Odatda o'ta qiyin yoki o'rtacha qiyinlikdagi va hattoki, ba'zi oson test savollari ham maktab dasturida unchalik yoki butunlay e'tibor berilmaydigan mavzularga oid bo'ladi. Bu esa jamoatchilikda test variantlari juda og'ir tuzilgan, degan fikr tarqalishiga sabab bo'lsa-da, aslida haqiqatdan yiroqdir.

Maktab fizika kursida har bir chorak yakunida nazorat ishlarini olib borishda test savollaridan foydalanish ta'limda, o'quvchilarni fanni o'zlashtirishlarida ijobiy natijalarga olib keladi. Biz sinflar bo'yicha har chorak uchun 50 tadan savol 2 ta variant bo'yicha tayyorlab chiqdik va ularni amalda qo'lladik, u yaxshi natijalar berdi. Quyida shu testlardan ayrim namunalarni keltirdik.

6-sinf o'quvchilari uchun testlardan namuna.

### 1. Fizika so'zi ilk bor qaysi olimning asarlarida paydo bo'ldi?

A) M.V. Lomonosov; B) Aristotel; C) Nyuton; D) Arximed.

### 2. Moddalar qanday tuzilgan?

A) moddalarning tuzilishi ularning holatiga bog'liq; B) moddalar juda mayda zarralardan tuzilgan; C) moddalar asosan yaxlit holatda uchraydi; D) moddalarning tuzilishi ularning holatiga bog'liq.

**PEDAGOGIKA**

**3. Xususiy shaklga va hajmga ega...**

A) suyuqlik; B) qattiq jism; C) gazlar; D) molekularlar.

**4. Broun harakati nima?**

A) molekularning harakati; B) qizigan havo molekularining yer sirtidan ko'tarilishi; C) atmosferada issiq va sovuq havo oqimlarining paydo bo'lishi; D) molekularning tartibsiz va to'xtovsiz harakati.

**5. Modda xususiy hajmga ega, lekin shaklga ega emas, u qanday holat?**

A) gaz; B) suyuq; C) qattiq; D) har uchala holatda ham.

**6. Bir xil haroratdagi qaysi jismlarda diffuziya tezroq boradi?**

A) qattiq jismlarda; B) gazlarda; C) suyuqliklarda; D) gaz va suyuqlikda.

**7. O'lchanadigan kattalikni namunaviy kattalik bilan solishtirish nima deyiladi?**

A) uzunlik; B) o'lchash; C) massa; D) kuzatish.

**8. Inson terisi orqali organizmga havodagi kislorod qanday hodisa tufayli kiradi?**

A) diffuziya; B) broun harakati; C) bug'lanish; D) harakat.

**9. Bir jismning ikkinch jismga ta'siri tufayli tezligi yoki shakli o'zgarishiga sabab bo'ladigan kattalik qaysi?**

A) o'lchash; B) kuch; C) fizik kattalik; D) bosim.

**10. Tublari tutashtirilgan ikkita vertikal idish sxemasiga nima deyiladi?**

A) bosim; B) kuch; C) tutash idishlar; D) barometr.

7-sinf o'quvchilari uchun testlardan namuna.

**1. Fazoning asosiy xossalari qaysi javobda to'liq va aniq ko'rsatilgan?**

A) chegarasi yo'q, harakatsiz, barcha nuqtalarda va barcha yo'nalishlar bo'yicha bir xil;

B) chegarasi yo'q, harakatsiz, uch o'lchamli, barcha nuqtalarda va barcha yo'nalishlarda bir xil;

C) uzluksiz, bir o'lchamli, bir tekis faqat oldinga o'tadi;

D) chegarasi yo'q, harakatsiz, bir o'lchamli, barcha nuqtalarda va barcha yo'nalishlarda bir xil.

**2. O'zaro ta'sirlashuvchi ikki jism bir-biriga miqdor jihatdan teng va bir to'g'ri chiziq bo'yicha qarama-qarshi tomonlarga yo'nalgan kuchlar bilan ta'sirlashadi. Bu qanday qonun?**

A) Nyutonning 1-qonuni; B) Nyutonning 2-qonuni;

C) Nyutonning 3-qonuni; D) Butun olam tortishish qonuni.

**3. Erkin tushish tezlanishi g ni qaysi olim fanga kiritgan?**

A) Nyuton; B) Galiley; C) Eynshteyn; D) Aristotel.

**4. Agar moddiy nuqta aylana bo'ylab ixtiyoriy teng vaqtlar orasida teng uznlidagi yoylarni bosib o'tsa, bunday harakatga nima deyiladi?**

A) tekis harakat; B) tekis tezlanuvchan harakat; C) tekis sekinlanuvchan harakat;

D) tekis aylanma harakat.

**5. Markazga intilma kuch ifodasi qaysi javobda to'g'ri ko'rsatilgan?**

A)  $F=mg$ ; B)  $F=ma$ ; C)  $F = G \frac{m_1 m_2}{R^2}$ ; D)  $F = \frac{mv^2}{R}$ .

**6. Tashqi kuch ta'sirida jismlar shakli va o'lchamining o'zgarishiga nima deyiladi?**

A) deformatsiya; B) kuch; C) nyuton; D) ko'chish.

**7. Aylanma tekis harakatda tezlanish qanday yo'nalgan?**

A) radius bo'ylab markazga; B) radius bo'ylab markazdan tashqariga;

C) urinma bo'ylab; D) har xil yo'nalgan bo'lishi mumkin.

**8. Kuch o'lchash asbobi qaysi javobda to'g'ri ko'rsatilgan?**

A) manometr; B) tarozi; C) dinamometr; D) barometr.

**9. Deformatsiyalangan jismda vujudga kelib, tashqi kuchga qarshilik ko'rsatadigan va unga qarama-qarshi yo'nalgan kuch qanday kuch deb ataladi?**

A) markazdan qochma kuch; B) elastiklik kuchi; C) og'irlik kuchi;

D) ishqalanish kuchi.

**10. Fizikaning dinamika bo'limi nimani o'rganadi?**

- A) kuchlar va ularning turlari, hamda tabiatini;  
 B) harakat va uning tabiatini;  
 C) o'zaro ta'sirni;  
 D) dinamometrlarni.

**Xulosa.** Test usuli yordamida o'quvchilarning fizika fanidan bilim va ko'nikmalarini tekshirish dasturlashtirilgan ta'lim metodining usullaridan biri hisoblanadi. Test usulining muvaffaqiyati ko'p jihatdan o'quvchilarning bilim darajasi, dars mavzusining mazmuniga qarab testning har xil turlaridan foydalanish va ularga doir topshiriqlarni izchil tuza bilishga ham bog'liq bo'ladi.

Tuzilgan testlarni iSpring QuizMaker dasturiga ham qo'yib, o'quvchilarning bilimlarini nazorat qilish mumkin. Bu uchun kamida 5 ta kompyuter zarur bo'ladi. Albatta bu ham ijobiy natijalaraga olib keladi.

**ADABIYOTLAR**

1. Нейман Ю. М., Хлебников В. А. Педагогическое тестирование как измерение. Ч.1. – М.: Центр тестирования МО РФ, 2002.
2. Кабанова Т. А., Новиков В. А. Тестирование в современном образовании. Учебное пособие. – М.: Высшая школа, 2010.
3. Чельщикова М. Б. Теория и практика конструирования педагогических тестов. Учебное пособие. – М.: Логос, 2002.
4. Rahmatov I.I.Jamilova M.Mahmudova N.Maktab fizika kursidan testlar (6-7sinflar uchun). – Buxoro,2019. – 60 b.

УДК: 630\*945.32

**БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ЖИСМОНИЙ СИФАТЛАРНИ  
 РИВОЖЛАНТИРИШДА ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРНИНГ ТАЪСИРИ**

**ВЛИЯНИЕ ПОДВИЖНЫХ ИГР НА РАЗВИТИЕ ФИЗИЧЕСКИХ КАЧЕСТВ У  
 УЧАЩИХСЯ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ**

**THE EFFECT OF MOVING GAMES ON THE DEVELOPMENT OF PHYSICAL  
 QUALITIES IN PRIMARY SCHOOL STUDENTS**

**Икрамов Амирбек Аминович**

*БухДУ факультетлараро жисмоний  
 маданият ва спорт каф. изланувчиси*

**Аннотация.** Мақолада бошлангич синф ўқувчиларида жисмоний сифатларни ривожлантиришда ҳаракатли ўйинларнинг таъсири, ундаги жисмоний кўрсаткичларнинг ўзгаришлари ҳар томонлама ўрганилган бўлиб, амалий аҳамияти таҳлил қилинган ва атрофлича ёритилган. Бундан ташқари ҳаракатли ўйинлар ўқувчининг ақлий ривожланишига катта таъсир кўрсатиши ва предметлар билан ҳаракат қилганда бола фикрлаш, шартли маконда ишлашни бошлаш ҳамда аста-секин ўйин ҳаракати камайганда эса бола ички ва ақлий жиҳатдан ҳаракат қила бошлашни тўғрисида батафсил мақолада ёритиб берилган.

**Таянч сўзлар:** ҳаракатли ўйинлар, бошлангич синф, жисмоний сифат, жамосиз ўйинлар, жамоавий ўйинлар, ўйин фаолияти, ахборот ҳажми, ўқув дастур.

**Аннотация.** В статье анализируется и подробно исследуется влияние и практическая ценность подвижных игр для развития физических качеств у учащихся начальной школы. Кроме того, подвижные игры оказывают большое влияние на умственное развитие учащегося, и когда субъект движется, ребенок начинает думать, работать в обычном пространстве, а когда игра развивается, ребенок начинает двигаться внутрь и умственно.

**Ключевые слова:** подвижные игры, начальный класс, физическое качество, некомандные игры, командные игры, игровая активность, объем информации, учебная программа.

**Abstract.** The article analyzes and explores in detail the impact and practical value of mobile games for the development of physical qualities in primary school students. In addition, moving games have a great impact on the student's mental development, when a child moves, he or she begins to think, work in a conventional space, and when the play progresses, the child begins to move inward and move mentally and all about this we can see in this article.

**Key words:** mobile games, primary class, physical quality, non-team games, team games, game activity, amount of information, curriculum.

Давлатимиз раҳбари томонидан ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича илгари сурилган бешта муҳим ташаббуснинг иккинчиси ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилятини намоён этишлари учун зарур шароитлар яратишга йўналтирилганлигини инобатга олган ҳолда, ҳозирги кунда қилинган ислоҳотлар бунга яққол мисол бўла олади [1, 41].

Соғлиқни сақлаш нафақат касалликка чалинмаслик, балки жисмоний машқлар, тайёргарлик, тананинг функционал ҳолати, яъни жисмоний ва ақлий фаровонликнинг физиологик асосидир. Жисмоний (соматик) саломатлик концепциясига (Г.Л. Апанасенко, 1988) асосланиб, унинг асосий мезони биосистемаларнинг энергия таъминоти ҳисобланиши керак, чунки ҳар қандай тирик организмнинг ҳаётий фаолияти атроф-муҳитдан энергия истеъмоли, унинг тўпланиши ва физиологик функцияларни таъминлаш учун сафарбарликка боғлиқ.

Ахборот ҳажмининг ортиб бораётгани, ўқув дастурларини мунтазам модернизация қилиш, транспорт воситаларидан, бошқа техник воситалардан кенг фойдаланиш ўқувчиларнинг ҳаракат фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Замонавий жамиятда болаларнинг жисмоний тайёргарлиги ва турмуш тарзи талаблари ўртасидаги зиддият мавжуд. Мактабда табиий шароитлар ва машғулотлар ҳаракатланиш фаолиятини чеклайди ва ҳаётий восита сифатларининг натижаларини сезиларли даражада ошириш имконини берувчи зарур режимни таъминламайди. Шунинг учун ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлигини ошириш учун энг мақбул воситалар ва усулларни излаш керак [2, 52].

Ақлий меҳнат билан шуғулланувчи ўқувчиларнинг кўпчилиги учун асабнинг толиқиши ортиқча юк билан тавсифланади, бу уларнинг иш қобилятини пасайиши ва улар орасида турли хилдаги касалликларга чалинишнинг асосий сабабидир. Таъкидлаш керакки, замонавий шароитда касалликларнинг олдини олиш, саломатликни мустаҳкамлаш ва ўқувчиларнинг иш фаолиятини яхшилаш учун жисмоний тарбия восита ва усулларидан кенг фойдаланиш муҳим рол ўйнайди [3, 69].

Кейинги йилларда республикада юзага келган экологик вазият касалликларнинг икки баробар кўпайишига олиб келди, шунинг учун организмнинг атроф-муҳитнинг ноқулай омиллари таъсирига чидамлилигини оширишга ёрдам берувчи воситаларни излаш энг муҳим муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Мактаб ёши саломатликни мустаҳкамлаш, такомиллаштириш ва сақлашни таъминловчи ва маданий кўникмаларнинг жисмоний таркибий қисмини шакллантиришда ўқувчининг ҳаёти учун масъул давр. Шунинг учун, жисмоний тарбия натижасида бошланғич синф ўқувчиларининг саломатлигини юқори даражада асраб-авайлаш ва келажакда етук, баркамол авлоднинг жисмоний маданият пойдеворини шакллантириш керак [4,29].

Ўйин – ихтиёрий равишда ўйинчилар томонидан белгиланган шартли мақсадга эришишга қаратилган онгли, ташаббускорликни ифодаловчи боланинг фаолияти. Ўйин боланинг жисмоний ва маънавий эҳтиёжларини қондиради, унинг ақли ва кучли иродалилик фазилатларини шакллантиради. Ўйинда бола ўз ахлокий ва жисмоний фазилатларини тарбиялаш учун ҳаракат қилади, унинг танаси ички ҳолатига мос келувчи фаолиятга киришишни талаб этади. Шунинг учун, ўйин орқали тўғридан-тўғри болалар жамоасига



таъсир қилиш мумкин [5,61].

Ўйинлар ҳаётдаги тўсиқларни енгиш ҳамда ҳар хил хислат ва қобилиятларни рўёбга чиқариш билан боғлиқ жисмоний машқларнинг турли мажмуасини ўз ичига олади. Бундан ташқари, одатда, болалар севиб ўйнайдиган, уларга бахт ва қувонч бахш этадиган мусобақа элементлари ҳам ҳаракатли ўйинларга киради.

Маълумки, кичик мактаб ёшидаги болаларнинг ўйинлари тақлид қилиш табиатида бўлади. Бола теварак атрофидаги борлиқни кузатади, ундаги баъзи нарсаларни ўйинга киритади ва шу ўйин воситасида ўзини қуршаб турган оламни билиб олади, шундай экан, унда турмуш ҳодисаларига муайян муносабат пайдо бўлади.

Ҳаракатли ўйинларнинг ўзига хос хусусияти унинг мазмуни ҳаракатнинг ролини ёрқин ифода қилиш ҳисобланади (югуриш, сакрашлар, улоқтириш, отиш, тўпни узатиш ва илиб олиш, қаршилиқ кўрсатиш ва бошқалар). Бу ўйинлар ҳаракатланиш ва унинг мазмунини (мавзу, ғояси) асослаб беради. У ўйинда қўйилган мақсадга эришиш йўлида, турли-туман қийинчиликларни, тўсиқларни енгиб ўтишига йўналтирилади.

Бола мактабда ўқишни бошлаганда, ҳали қандай ўқишни билмаганлиги сабабли, етти ёшли болалар учун машғулотнинг мақсади, болаларни ўқувчи ролига тайёрлаш, ўқитувчининг вазифаси кичкина одамга янги муҳитга тезроқ мослашишга ёрдам беришдир. Амалиёт кўрсатадики, кўп ўқитувчилар фаол ўқитиш усулларида фойдаланмай, асосан репродуктив ўқитиш усулларида қўллайдилар. Таълим соҳасида педагогик амалиётда ўқитувчида мавжуд барча педагогик манбалардан фойдаланилмайди. Мана шундай қўлланилмайдиган педагогик манбалардан бири ҳаракатли ўйин ҳисобланади. Етти ёшли болаларнинг етакчи фаолияти сифатида ҳаракатли ўйиннинг моҳияти қуйидагича намоён бўлади: ҳаракатли ўйинларда талаффуз қилинадиган турли хил анализаторларнинг фаолияти мия функцияларини машқ қилиш учун қулай имкониятлар яратади – бу ўқувчиларнинг билим ва идрокига ижобий таъсир қилади ва ўқув фаолиятини муваффақиятли эгаллаш учун келажакда замин яратади.

Мактабга борадиган бола соғлиғининг аҳамиятини тушуниб етиш, ўқитиш ва ўқитишнинг энг оқилона тизимини яратиш вазифаси ёш ўқувчиларни ўқитишда ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш методологиясида болалар жисмоний ривожланишининг устувор йўналишлардан бири сифатида белгилаб беради. Жисмоний тарбия нуқтаи назаридан жисмоний ривожланиш жисмоний қобилиятларни ривожлантириш жараёни сифатида ўрганилади. Шу ўринда мактаб ўқувчиларини жисмоний такомиллаштириш учун ҳаракатли ўйинларнинг ўрни ва аҳамияти ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Эволюцион ривожланишнинг барча босқичларида инсон шаклланиши фаол мушак фаолияти билан узвий боғлиқ бўлиб, жисмоний фаолият унинг ҳаётида муҳим биологик аҳамиятга эга.

Илмий-услубий адабиётларни таҳлил қилиш, кўплаб педагогик кузатишлар кўрсатадики, ўйиннинг энг муҳим натижаси болаларнинг қувончи ва ҳиссий юксалиши. Ўйиннинг бу хусусияти, асосан, ўйин ва рақобатбардошлик, жисмоний маданиятнинг бошқа шакллари ва воситаларидан кўпроқ, ўқувчиларнинг восита қобилиятларини тарбиялашга мос келади. Ўйин турлари ва ҳаракатлар ўқувчининг барча тезкор қобилиятларини талаб этади, чунки тезликни ривожлантиришни рағбатлантириш учун ҳаракатларни максимал тезлик билан такрорлаш керак, шунингдек, ўқувчининг функционал имкониятларини ҳисобга олиш керак. Иккинчиси эса, ўз навбатида, ҳаракат тезлигига боғлиқ. Бундан ташқари, ҳаракатларнинг стандарт такрорланишига нисбатан максимал тезлик ва юқори тезликда машқ қилишнинг кенг тарқалган усуллари билан боғлиқ йўналишларни ҳисобга олиш ва бирлаштириш керак.[5,28]

Ҳозирги кунда бошланғич синфларда жисмоний тарбия дарсларининг самарадорлигини яхшилаш ва такомиллаштиришга доир замонавий илмий-услубий ишларнинг кўлами ва сифати талаб даражасида эмас. Айниқса, кун тартибидаги жисмоний тарбия тадбирлари, синфдан ташқари машғулотларга нисбатан камроқ эътибор берилаяпти. Ҳолбуки, ўқувчиларни ҳар томонлама ривожлантириш, соғлиғини мустаҳкамлаш, ҳаётга ва фойдали

меҳнатга тайёрлашда уларнинг жисмоний ривожланиши, тайёргарлиги ва ҳаракат фаоллигини ошириш муҳим ўрин тутди. Турли йўналишдаги ҳаракатли ўйинлар восита сифатини комплекс такомиллаштиришнинг жуда самарали воситасидир. Улар, шунингдек, маҳорат, тезлик, куч, мувофиқлаштириш сингари фазилатларни яхшилаш имконини беради. Ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш нафақат муайян воситалардан фойдаланишни ўз ичига олади, балки ўйиннинг методик хусусиятларини ҳар қандай жисмоний машқларда киритиш орқали амалга оширилиши мумкин.

Сўнгги йилларда ўқитувчилар ўқувчиларнинг хайрихоҳлигини тобора кучайтирмоқда. Ижодий ишловчи ўқитувчилар ўйин ёки унинг элементларини ўқувчиларнинг кундалик ҳаётига кенг ва кўп қиррали тарзда киритишга интиладилар. Ўйин шароитида ўқувчилар томонидан қўлга киритилган бошланғич кўникмалар нафақат ҳаракатланиш техникасини янада чуқурроқ ўрганиш билан, балки тегишли техник воситани янада осонроқ эгаллашни осонлаштиради. Восита ҳаракатларини такомиллаштириш босқичи ва ўйин шароитида такрорий ҳаракатлар ўқувчиларнинг кўплаб ўрганилаётган ҳаракатларни яхлит, тўлиқ шаклда амалга ошириш қобилиятини ривожлантиришга ёрдам беради. Ўрта мактаб ўқувчиларининг жисмоний тарбия дарсларида турли йўналишдаги ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш ўқувчиларнинг ривожланиш даражаси ва суръатини сезиларли даражада оширади, деб айтиш мумкин.

Олимларнинг фикрича, бола мактабга келгунча 80 % ҳаракатда бўлар экан. Лекин мактабга келганда унинг ҳаракатлари кескин камаяди. 3-4 соат, балки 5-6 соатлаб дарсда ўтириши, мактабда олган ўқув вазифаларини уйда бажариши, телевизор кўриши болалар ҳаракатсизлигини борган сари ошириб бормоқда.

Таълим муассасаларида ўтказилаётган доимий ҳафтада 2 соатли жисмоний тарбия дарслари ўқувчиларнинг ҳафталик ҳаракатга эҳтиёжлари ҳамда уларнинг жисмоний тайёргарлигини таъминлашга жавоб бера олмайди. Бу вазифаларни амалга ошириш учун синфдан ташқари олиб бориладиган жисмоний тарбия ишларини, спорт тўғарак машқлари орқали мустақил шуғулланиш малакаларини ошириш, унинг зарурати ва қийматини тўғри тушунтириш ҳам зарур, керакли машқларни танлаб мажмуа тузиш қобилиятини шакллантириш керак. Болаларнинг ҳаракат фаоллигини оширишда кун тартибида ўтказиладиган соғломлаштириш тадбирлари, айниқса оммавий спорт байрамлари, мусобақалари етакчи вазифани бажаради.

Ўйин фаолиятининг асосий сабаблари ва ўйин олдида турган мақсадларга эришишда ўйинчиларнинг муносабатларини ҳисобга олган ҳолда ўйинларни уч гуруҳга бўлиш мумкин:

**Жамоасиз ўйинлар.** Бу ўйинлар гуруҳ ўйинчилари учун умумий мақсадлар мавжуд эмаслиги билан ажралиб туради. Мазкур ўйинларда болалар ўйинчининг шахсий манфаатларини таъминловчи ва бошқа иштирокчиларнинг манфаатларини акс эттирувчи муайян қоидаларга бўйсундилар.

**Жамоага ўтиш.** Улар гуруҳ учун доимий умумий мақсадга эга эмаслиги ва бошқаларнинг манфаати учун ҳаракат қилишнинг ҳожати йўқлиги билан ажралиб туради. Бу ўйинларда, ўз хоҳишига кўра, ўйинчи шахсий мақсадларига эришиш ва бошқаларга ёрдам бериши мумкин. Уларда болалар жамоавий фаолиятга қўшила бошлайдилар.

**Жамоавий ўйинлари.** Аввало, бу ўйинлар умумий мақсадга эришиш, ўз жамоасининг интилишлари билан ўйнайдиган, шахсий манфаатларга тўлиқ бўйсунушга қаратилган биргаликдаги фаолият билан тавсифланади. Улар болаларнинг соғлиғини сезиларли даражада мустаҳкамлайди, психофизик фазилатларнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Кўпгина адабий манбаларга кўра ўйинларни таснифлашни таҳлил қилиш тарихий ривожланиш нуқтаи назаридан бизга бир неча йўналишларни ажратиш имконини беради:

I. Ўйинларни ўтказиш жараёнида ҳал қилинувчи вазифаларга боғлиқ таснифлаш.

II. Иштирокчилар ўртасидаги муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари билан тавсифланувчи ўйинлар.

III. Ташкилий ва таркибий хусусиятларига эга ўйинлар гуруҳлари [4,71] .

## PEDAGOGIKA

Умумий фикр ва ҳаракатга эга ўйинлар алоҳида гуруҳларда параллел равишда ўтади. Бу тамойилга риоя қилиб, муаллифлар дидактик принципга асосланиб ҳаракат қиладида: оддий шакллардан мураккаброққача. Шунинг учун улар қуйидаги ўйин гуруҳларини белгилашади: мусикали ўйинлар; югуриш ўйинлари; тўп билан ўйинлар; куч ва қобилиятни тарбиялаш учун ўйинлар; ақлий қобилиятларни тарбиялаш учун ўйинлар; сувда ўйнаш; кишки ўйинлар; ердаги ўйинлар; ёпиқ жойлардаги ўйинлар.

Ўйин болаларда шодлик, қувонч, табассумни таъминлайди, боланинг кўнгли очилишига ижобий таъсир этади, болалар жисмоний кучини ва қобилиятларини ривожлантиради[5]. Ҳаракатли ўйинлар орқали иштирокчилар турли тўсиқларни енгиб, муайян, олдиндан белгиланган мақсадга эришишга ҳаракат қилишади. Улар жисмоний тарбия, фаол дам олиш, саломатликни яхшилашнинг самарали воситасидир. Ҳаракатли ўйинлар ирода, қийинчиликларни бартараф этишда қатъийлик, болаларни ўзаро ёрдам, ҳалоллик ва ҳақиқатга ўргатишга ёрдам беради.

Умуман, ўйин ўғил ва қиз болаларни нима учун ўзига тортади? Аввало, ўйин ҳолати ҳар доим ўзгариб туриши ва ҳаракат жараёнининг қизиқлиги билан, тўсатдан келиб чиқадиган ҳолатдан мустақил чиқиб кетиш, ўз кучини, ўз тезкорлигини, куч ва чидамлилигини кўрсатиш, ўртоқлари билан ҳамкорликда бўлишни мақсад қилиб қўйиши ва ҳоказо. Ҳатто ўтказиладиган ҳаракатли ўйин номининг ўзи болаларда ижобий табассум, кайфият уйғотиш, ёқимли ҳаяжонланишга қўмаклашади [7,131].

Шундай қилиб, ҳаракатли ўйинлар жисмоний тайёргарликнинг самарали воситаси бўлиб хизмат қилади ва жисмоний фазилатларни тарбиялашга ёрдам беради. Илмий кузатишлар, амалий тажрибалар кўрсатадики, тўғри ташкил этилган машғулотлар болаларни умумтаълим фанлари бўйича ўзлаштиришни яхшилаш имконини беради, болаларни меҳнатга ўргатади, иродали характерни тарбиялайди, ахлоқ маданияти, интизомини оширади ва характерининг бошқа ижобий томонларини тарбиялайди [6,241].

Келажак авлод ҳақида қайғуриш бугунги куннинг асосий вазифаларидан бири экан, болалар саломатлигини мустаҳкамлаш учун умумий ўрта таълим мактабларида жисмоний соғломлаштириш ишларини ташкил қилиш, жисмоний ривожланиш ва тайёргарлик масалалари бўйича режаларни ишлаб чиқиш, ҳаракатли ўйинлар ёрдамида ўқувчиларнинг ҳаётга, илмга қизиқишини ошириш лозим.

### ADABIYOTLAR

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони, 2017. – 112 б.*
2. *Ананасенко Г.А. Физическое развитие детей и подростков. – Киев: Здоровье, 1985. – 80 с.*
3. *Матвеев Л.П. Теория и методика физической культуры: Учебник для институтов физической культуры. – М.: Физкультура и спорт, 1991. - 543 с.*
4. *Rahimqulov K.D. Milliy harakatli o'yinlar. – Toshkent, 2012 y. - 142 b.*
5. *Usmonxo'jayev T.S., Xo'jayev F. Harakatli o'yinlar. – Toshkent, 1992 y. - 165 b*
6. *Usmonxo'jayev T.S., Xo'jayev F. «1001» o'yin. – Toshkent, 1990. - 474 b*
7. *Usmonxo'jayev F.X., Burnashev I., Meliyev A., Qipchoqov B. 500 harakatli o'yinlar. – Toshkent, 2010 y. - 174 b.*
8. *Xo'jayev P., Rahimqulov K.D, Nigmonov B.B. Harakatli o'yinlar va uni o'qitish metodikasi. – Toshkent, 2010 y. - 172 b.*
9. *<http://www.iat.uni-leipzig.de/>; <https://www.ssis.com/>; [www.ausport.gov.au/](http://www.ausport.gov.au/); <https://ru.wikipedia.org/wiki/>;*

УДК: 630\*945.32

**BOSHLANG'ICH SINFLARDA XORIJIY TIL DARSLARINI KOMPETENSIYALAR ASOSIDA TASHKIL QILISH JARAYONIDA TURLI USULLARDAN FOYDALANISH**

**ИСПОЛЬЗОВАНИЕ РАЗЛИЧНЫХ МЕТОДОВ ОРГАНИЗАЦИИ ЗАНЯТИЙ ПО ИНОСТРАННОМУ ЯЗЫКУ В НАЧАЛЬНЫХ КЛАССАХ НА ОСНОВЕ КОМПЕТЕНЦИИ**

**THE USE OF DIFFERENT METHODS OF ORGANIZING FOREIGN LANGUAGE CLASSES IN THE ELEMENTARY GRADES ON A COMPETENCE BASIS**

*Nosirova Dilfuza Mustafoevna*

*BuxDU gumanitar yo'nalishlarda chet tili kaf. o'qit.*

*Annotatsiya.* Ushbu maqolada boshlang'ich sinflarda xorijiy til darslarini kompetensiyalar asosida tashkil qilishning turli samarali usullari to'grisida fikr yuritiladi. Muallif maqolada yosh avlodning kelajakda xorijiy tillarni mukammal o'rganishi uchun ilgor tajribalardan foydalanish, shuningdek, interfaol metodlarni qo'llash katta rol o'ynashini uqtirgan. Amaliy mashgulotlar jarayonida olib boriladigan til kompetensiyalari o'quvchilarni har tomonlama yetuk va barkamol inson bo'lib yuksalishida muhim o'rin tutadi.

**Tayanch so'zlar:** ta'lim, leksik o'yinlar, muloqot, nutq, muammo, didaktik ta'lim, faollik, qobiliyat, samaradorlik, texnologiya, jarayon.

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются различные эффективные способы организации уроков иностранного языка на основе компетенций в начальных классах. В статье автор подчеркнул, что использование передового опыта и использование интерактивных методов для будущего поколения владения иностранным языком играет важную роль. Языковые навыки в ходе практических упражнений играют важную роль в развитии студентов в полностью развитого и зрелого человека.

**Ключевые слова:** образование, лексические игры, общаться, речь, проблема, дидактическое образование, деятельность, умение, эффективность, технология, процесс

**Abstract.** This article explores various effective ways of organizing foreign language lessons based on competencies in the elementary grades. In the article, the author emphasized that the use of innovative experiences and the use of interactive techniques for the future generation of foreign language proficiency plays a major role. Language competencies in the course of practical exercises play an important role in the development of students as a fully developed and mature person.

**Key words:** education, lexical games, communication, speech, problem, didactic education, activity, ability, efficiency, technology, process

Mamlakatimiz yildan-yilga dunyo mamlakatlari bilan turli sohalarda xalqaro aloqalarni kuchaytirib bormoqda. Bugungi kunda insonning ma'naviyatiga, madaniyatiga, axloqi va zakovatiga katta e'tibor qaratilmoqda. Muhtaram yurtboshimiz Sh.M.Mirziyoyev ta'kidlaganlaridek: "...biz ta'lim va tarbiya tizimining barcha bo'g'inlari faoliyatini bugungi zamon talablari asosida takomillashtirishni o'zimizning birinchi darajali vazifamiz deb bilamiz". Shunday ekan, yosh avlodni bilimli, madaniyatli, mustaqil fikrlay oladigan, hayotda va kasbiy faoliyatida uchraydigan masalalarni ijodiy hal eta oladigan qilib tarbiyalashimiz kerak. Uzoq yillar davomida sinf-dars tizimida qo'llab kelingan o'quv mashgulotlari shakllaridan farqlanuvchi mashgulot shakllariga nisbatan "noan'anaviy dars" atamasi qo'llaniladi.

Hozida chet tillarni o'rganishda "noan'anaviy darslarning quyidagi shakllari samarali qo'llanilmoqda: teatrlashtirilgan dars, bayram asosidagi dars, video-dars, sayohat darsi, intervyu darsi va boshqalar. Xalq ta'lim tizimida, xususan, maktab sinflarida chet til darslariga o'qitishning yangi samarador texnologiyalarini tatbiq etish asosida o'sib kelayotgan yosh avlodni chet tilining



boy imkoniyatlari bilan tanishtirish mumkin bo'ladi. Haqiqatan ham, yangi tamoyillar asosida rivojlanayotgan ta'lim tizimi yosh avlodni barkamol, ma'naviy yetuk inson sifatida shakllantirishga qarata olgandir" deyiladi "kadrlar tayyorlash milliy dasturida.

Chet tili mashg'ulotlarida bir xil turdagi o'qitish shakllari, jumladan, har safar darslikdagi mashg'ulotlarni o'quvchilarga bajartirish yoki nazariy qoidalarni yozdirib, so'ngra yod olish, misollar tuzdirish kabilar o'quvchilarni zeriktirib qo'yadi. Shu munosabat bilan barcha fanlarni o'qitishda ilgor pedagogik texnologiyalardan samarali foydalanish muhimdir. Umumta'lim maktablari, kollej, litsey va oliy ta'lim talabalari oldiga hozirgi kunda xorijiy tillarni mukammal o'rganish katta vazifa qilib qo'yilmoqda. Horijiy til o'qitish metodikasida yechimini kutayotgan nazariy va eksperimental masalalar bilan bir qatorda dolzarbligini hanuz yo'qotmagan masalalardan biri kommunikativ kompetensiya masalasidir.

Xorijiy til darslarida videofilmlardan foydalanish samaradorligini oshirish uning ta'lim jarayonidagi o'rnini belgilashdagina emas, balki videodarslar strukturasi ratsional tashkil qilinishi videofilm uchun tuzilgan o'quv topshiriqlarining uslubiy jihatdan to'g'riligiga ham bog'liq. Chet tili o'quvchilarning kommunikativ madaniyatlarini rivojlantiruvchi va ularning bilish qobiliyatlarini kengaytiruvchi fan sifatida, uni o'rgatish ta'limning hamma bo'g'inlarida, ayniqsa boshlang'ich sinflarda ham o'rgatish tavsiya etiladi. Leksik o'yinlar dars jarayonida o'quvchilar kommunikativ masalalarni hal qilishlarida chet tillarini o'rganish vositasi bo'lib, kommunikativ metodning usullaridan biri sifatida qo'llaniladi.

Shuning uchun, leksik o'yinlarning maqsadi dars jarayonida qo'yilgan kommunikativ masala va topshiriqlarni hal qilishda chet tillarida muloqot tashkil qilishdan iboratdir. Leksik o'yinlar yuqori ko'rgazmalilik darajasiga ega bolib, taqlid qilish va andoza olishdek aniq muloqot jarayonida va nutq vaziyatlarida o'rganilayotgan til materialini faollashtiradi. Leksik o'yinlar til o'rgatish, kommunikativ va ijodiy topshiriqlarni mujassam qilgan o'quv vazifasini o'z ichiga oladi. Til topshiriqlarini hal qilish, dars jarayonida, nutq faoliyatida til materialidan madsadli foydalanishda nutq ko'nikmalarini shakllantirish va rivojlantirishni nazarda tutadi. Leksik topshiriqlar oyin ishtirokchilarinining birgalikdagi faoliyatlarida o'zaro ma'lumot almashuvlarini o'z ichiga oladi. Leksik o'yinlar asosida farqlash usuli yotadi.

Bu usul aniq predmetlarni qimmatiga va ularning muhimligiga qarab ajratishni nazarda tutadi. O'yin jarayonida, odatda, ma'lumotlar saralanishi bo'yicha turli nuqtayi nazarlar mavjud bo'lganligi uchun, bahs yuzaga keladi va o'quvchilar juftlikda yoki guruhda o'z fikrlarini asoslab beradilar. Leksik o'yinlarni olib borishdagi variantlar:

- o'quvchilar mustaqil ishlaydilar, muammo yuzasidan o'z qarorlarini yozib boradilar, keyin juftlikda yoki guruhda o'z qarorlarini muhokama qiladilar;

- o'quvchilar kichik guruhlarda ishlab umumiy qarorga kelishga harakat qiladilar va muhokama chog'ida bu qarorni asoslab beradilar.

Bu usul o'quvchilarda muloqot jarayonida, nutqni faollashtirish va noaniq faktlarni tushuntirishga bo'lgan qiziqishlarini rivojlantirishni nazarda tutadi. Ma'lumot almashish bir tomonlama yoki ikki tomonlama bo'lishi mumkin. Bir tomonlama ma'lumot almashuvda bir o'quvchi biror aniq ma'lumotga ega bo'ladi, ikkinchi o'quvchi esa bundan bexabar bo'ladi. Ikkinchi o'quvchining vazifasi birinchi o'quvchi bilan muloqotga kirib, o'zida yo'q ma'lumotga ega bo'lishdir. Ikki tomonlama ma'lumot almashuvda o'quvchilar o'zaro hamkorlikda ish olib borib, umumiy muammoni hal qilish uchun o'zida bor ma'lumotlarni birlashtiradilar.

Chet tillarini erta o'rgatishni boshlash o'quvchilarni yangi til olamiga kommunikativ-psixologik erta moslashishlari uchun sharoit yaratadi, chet tillaridan muloqot sifatida foydalanib keyinchalik psixologik to'siqlarni yengishlariga yordam beradi, hamda o'quvchilarni, maktab va oila hayotiga oid turli vaziyatlarda ishtirok etishlari orqali yangi ijtimoiy tajribaga o'rgatib, o'quvchilar til imkoniyatlari va ehtiyojlarini hisobga olgan holda ularda chet tilida muloqot qilish qobiliyatlarini rivojlantiradi. Bolalarga mos darajada chet tilida samarali muloqot qilish shartlaridan biri – leksik ko'nikmalarni to'g'ri shakllantirish bo'lib, chet tili o'qitish mazmunining muhim komponenti hisoblanadi. Asta-sekin o'quvchilarda aniq leksik zaxira to'planadi, ularga yangi so'zlarni yod olish va esda saqlash tabora qiyinlashib boradi.



## PEDAGOGIKA

Shu tufayli nutqning sifati buziladi (ham og‘zaki ham yozma) chunki u leksik ko‘nikmalar shakllanishiga bog‘liq bo‘ladi. Bundan tashqari, muloqat vaziyatlarining doirasini kengayib borishi leksik birliklar ko‘lami ortishini va leksik ko‘nikmalar barqarorroq bo‘lishini talab qiladi. Leksik ko‘nikmalar nutq faoliyatining leksik tomonini ta‘minlovchi muhim komponentlardan birini o‘zida aks ettiradi. Leksik ko‘nikmalarni o‘zlashtirish jarayoni bir necha bosqichlardan iborat: 1) kirish va tushuntirishni o‘z ichiga olgan tanishish; Masalan, fransuz tilida ”L’Arbre de notre famille” mavzusini yoritmoqchi bo‘lsak, har kimning o‘z oilasi, tarjimai holi haqida tushuncha gavdalanadi. 2) leksik birliklarni qo‘llash mashqlari (birinchi mustahkamlash); 3) leksik birliklarni ishlatish (nutq faoliyatiga so‘zlarni kiritish) nombreuse, se composer, demeurer, quartier, confortable, cuisine, salle de bains, plafond, le mur, le lit, une armoire, ets...

Boshlang‘ich sinf o‘quvchilarining psixologik rivojlanishining o‘ziga xos tomonlari va ularning ta‘lim olish faoliyatlari, leksik ko‘nikmalarning shakllanish jarayoni bilan bog‘liq psixologik omillarni o‘rganish ilmiy ishimizning uchinchi vazifasi bo‘lib, u bizda quyidagi xulosani keltirib chiqardi. Leksik ko‘nikmalarni samarali shakllantirish uchun tushunarli va mustahkamlangan materialning taqdim qilish sharti va tartibiga amal qilish talab etiladi. Yuqorida sanab o‘tilgan talablarning ko‘plari boshlang‘ich sinf o‘quvchilarining yosh xususiyatlari talablari asosida, ayniqsa ularning ko‘chadigan predmetlarga nisbatan ta‘sirchanligi, tayanchli-sezuvchi ko‘rgazmalarga unutiluvchanligi, g‘ayriyixtiyoriy eslab qolish qobiliyatlarining ustunligi, diqqatning turg‘un emasligi, mustaqil ishlay olish qobiliyatlarini hisobga olgan holda amalga oshiriladi.

Boshlang‘ich sinf o‘quvchilari uchun tanlab olinadigan leksik materialning alohida mezonlari mavjud: 1) shu davrda o‘rganiladigan hamma so‘zlar, bolaga tushunarli va ona tilida tanish bo‘lgan so‘zlar (la mère, le père, le stylo, la table, un frère, une soeur, grande) bo‘lishi kerak; 2) so‘zlar tilda ko‘p qo‘llaniladigan va bir-biriga mazmunan bog‘langan bo‘lishi kerak.

Chet tillarini o‘qitish sifatini oshirish va yanada samarali usullarini ta‘lim jarayoniga tatbiq etish hozirgi kunning dolzarb masalalaridan biridir. Bugungi kunda respublikamizda chet tillarni o‘rganishga e‘tibor keskin kuchaydi. Buning natijasida chet tillarni o‘rganishga ehtiyoj yanada ortdi. Yangi pedagogik axborot texnologiyalarining fanga kirib kelishi o‘quvchilarning chet tillariga bo‘lgan qiziqishlarini yanada kuchaytirdi. “Kadrlar tayyorlash milliy dasturi”da ta‘kidlanganidek, zamonaviy iqtisodiyot, fan, texnika va texnologiyalarni rivojlantirish asosida kadrlar tayyorlashning takomillashtirilgan tizimini yaratish mamlakatning taraqqiy etishining eng muhim sharti hisoblanadi. Chet tili ta‘limida yangi pedagogik va innovatsion texnologiyalardan foydalanish jarayonida darsni har tomonlama puxta tashkil etish, talabalar tomonidan bilim va ko‘nikmalarni o‘zlashtirishning samarali usullarini izlab topish, darsning sifati va samaradorligini ta‘minlovchi vositalarni qo‘llash talab etiladi.

Bundan tashqari, ta‘lim samaradorligini oshirishda yangi pedagogik texnologiyalarning turli usullaridan foydalanib, ularni izchillik bilan yangilab borish lozim. O‘quvchilar faolligini oshirishda interfaol usullardan foydalanish yaxshi samara beradi. Interfaol usul deganda ta‘lim beruvchi va ta‘lim oluvchining o‘zaro hamkorlikdagi faolyati tushuniladi. Chet til o‘qitishda faol ta‘lim deganda ta‘lim-tarbiya jarayonining asosiy obyektiga ba subyekti bo‘lmish ta‘lim oluvchining ongli va faol ishtiroki, ijodiy qobiliyatlarini ta‘minlovchi omillar tizimi tushuniladi. Faollik o‘z-o‘zidan vujudga kelmaydi. Ta‘lim oluvchilarni faollashtirish ko‘p jihatdan o‘zlashtirilishi kerak bo‘lgan til materiallarini tanlash, taqdim etishda uning sifatiga e‘tibor berishga bog‘liqdir.

O‘quvchilar faolligini oshirish quyidagilarga imkon beradi:

- o‘quvchilarning darslarda muntazam va to‘liq qatnashishlarini ta‘minlash;
- o‘qituvchi va o‘quvchi o‘rtasida ongli, ijobiy munosabatlarni o‘rnatish;
- o‘quvchilarning turli axborot manbalari bilan mustaqil ishlay olish malakalarini hosil qilish;
- o‘zlashtirilishi kerak bo‘lgan bilim, ko‘nikma va malakalar shakllantirish, ijtimoiy muhim bo‘lgan ijobiy fazilatlarni egallash lozimdir.

Faol bilish muntazam, ketma-ket, bosqichma-bosqich topshiriqlar berish, muammoli vaziyatlarni yuzaga keltirish natijasida hosil bo‘ladi. Faollik onglilik natijasida paydo bo‘ladi. Chet tili ta‘limi jarayonida o‘quvchilarning o‘quv-bilish faolligini oshirish, avvalo, ularning diqqat e‘tiborini o‘rganilayotgan obyektga qaratish, aqliy faoliyat mahsuli mantiqiy fikrlashga o‘rgatish

## PEDAGOGIKA

bilan bog'liq. O'quvchilarning bilish faoliyati va ta'lim samaradorligini oshirishga qaratilgan pedagogik texnologiyalar ongli faoliyatning yuqori darajada bo'lishi va ongli ehtiyojning ortib borishiga ijobiy ta'sir etadi. Bunday texnologiyalar qatoriga didaktik o'yinlar, muammoli ta'lim, hamkorlikdagi ta'lim texnologiyalari kiradi.

Bugungi kunga kelib, ta'lim tizimida interfaol usulning quyidagi turlari darslarga tatbiq etib kelinmoqda: "Fikriy hujum" "Davra stoli", "Qorbo'ron", "Asalari galasi", "Vena diagrammasi", "Aqliy hujum", "Klaster" metodlari shular jumlasidandir. Fransuz tili darslarida suhbat, munozara, muammoli vaziyatlar, guruhlarda ishlash, "Aqliy hujum", "Klaster", "Fikriy hujum" metodlarini qo'llash yuqori samaralarga olib kelishi tajriba-sinov ishlarini tashkil etish jarayonida aniqlangan. "Fikriy hujum" metodi o'quvchilarning dars jarayonidagi faolligini ta'minlab, erkin fikr yuritishga o'rgatadi.

Metodning maqsadi – o'quvchilarni mustaqil fikrlash, muayyan mavzuni muhokama qilish, qisqa vaqt ichida ko'p miqdor variantlarni olish, muammoli vaziyatlar orqali o'quvchilar egallagan bilimni aniqlash. Metodning qiymati shundaki, u guruhni birlashtiradi, yakdil qiladi. Klaster metodi didaktik ta'limning shakllaridan biri bo'lib, u o'quvchilarga ixtiyoriy muammolar xususida erkin, ochiq o'ylash va fikrlarini bemalol bayon etish uchun sharoit yaratishga yordamlashadi. Davra stoli metodida o'quvchilar stol atrofida davra bo'lib o'tiradilar. Topshiriq yozilgan varaq davra bo'ylab aylantiriladi. Birinchi o'quvchi o'zining javob variantini yozgach varaqni ikkinchi o'quvchiga uzatadi. Hamma javob variantlari yig'ilgach muhokama boshlanadi. Noto'qri javoblar o'chiriladi. To'g'ri javoblar soniga qarab o'quvchilarning bilimlariga baho beriladi.

Bu metodni og'zaki tarzda ham amalga oshirish mumkin. Fransuz tili darslarida juft nutqni takomillashtirish uchun amaldagi darsliklarda ko'zda tutilgan mashqlar bilan bir qatorda muloqot usulida o'tkaziladigan quyidagi mashqlarni tavsiya qilish mumkin: Berilgan juft nutqning mazmunini tahlil qilish. Bu mashqni bajarish jarayonida o'quvchilar avval dialogni o'qib chiqadilar, keyin o'qituvchi o'quvchilarga savollar beradi. Bu yerda asosiy e'tibor suhbat mazmunini tushunganlikka qaratiladi. Juft nutq mazmunini tahlil qilish uchun suhbat qanday vaziyatda amalga oshirilayotganiga e'tibor qaratish zarur. O'qituvchi o'quvchilarga guruhga yangi o'quvchi kelganligini va u bilan suhbat qurishni topshiriq qilib beradi.

Rolli o'yinlarni o'tkazish. Rolli o'yin deganda, ta'limiy faoliyat tushuniladi. Rolli o'yinlarni nutq madaniyatini o'stirish, verbal va noverbal muloqotga tayyorlash maqsadida qo'llash mumkin. Rolli o'yinlar jarayonida ko'rgazmali vositalardan keng foydalanish, o'quvchilarning chet tilga bo'lgan qiziqishlarini yanada oshirishga xizmat qiladi. O'quvchilar rolli o'yinlar jarayonida o'zlarini tili o'rganilayotgan mamlakat vakillaridek his qiladilar. Rolli o'yinlar juft yoki guruh shaklida tayyorlanadi. O'quvchilarning erkin muloqot qilishiga sharoit yaratib beriladi. Rolli o'yinlarda, matnli material o'rniga o'quvchilar tomonidan rollar ijro etiladi.

Bu jarayonda ko'proq muammoli, hayotiy vaziyatlarni sahnalashtirish maqsadga muvofiqdir. Rolli o'yinlar ta'limning amaliy, ta'limiy, tarbiyaviy va rivojlantiruvchi maqsadlariga ko'ra tanlanishi mumkin. Bundan tashqari kombinasiyalangan usulda olib borish ham darsni rang-barang va samarador bo'lishiga yordam beradi.

Kombinasiyalangan dars bu turli xil kombinasiyalarni bir vaqtda darsning maqsadiga mos, uzviylikni ta'minlagan holda, o'quv maqsadlarini amalga oshirish uchun mashg'ulot turlari va o'quv maqsadlarini amalga oshirish uchun mashg'ulot olib borish hisoblanadi. Masalan, o'qituvchi o'z mahoratiga ishonsa, dars jarayonida ishchanlik o'yinlarini rolli o'yinlar bilan birlashtirishi yoki yangi bilimlarni o'zlashtirishga mo'ljallangan darsda hamkorlikda o'qitish tamoyillari asosida individual ishlash bilan kichik guruhda ishlash metodlarini bir vaqtda qo'llashi kombinasiyalanganlikka misol bo'la oladi. Interfaol dars ta'lim sifatini kafolatlaydi.

Chunki interfaol ta'lim jarayonida o'quvchilarning asosiy vazifasi o'quvchini o'qitish emas, ta'lim jarayonini boshqarish va o'quvchiga sharoit yaratib berishdan iborat bo'lib, o'quvchining vazifasi o'rganilayotgan har qanday bilim, ko'nikmalarni o'zi, o'rganilayotgan muammoning yechimini o'zi topishidan iborat. Muammo o'quvchi tomonidan yechilganligi uchun ham o'quvchining o'zlashtirishi kafolatlanadi. Interfaol usullarni qo'llashda albatta vaqtdan chiqib ketish muammolari ham bo'ladi. Buning uchun pedagogik mahoratning mavjudligi muhim ahamiyat kasb etadi.

Xorijiy tilni o'rgatishda yangi pedagogik texnologiyalar qo'llanilishi dars samaradorligiga

## PEDAGOGIKA

ijobiy ta'sir etmoqda. Avvalgi til o'rganish usullaridan farqli o'laroq, yangicha yondashuv bo'yicha ta'lim oluvchilarga kompetensiyalar, ya'ni *o'qish - yozish- eshitish- gapirish* ketma-ketligi emas, balki *eshitish- gapirish- o'qish-yozish* komponenti maqsadga muvofiq sanaladi. Haqiqatan ham, har qanday tilning to'la aks ettirilishi har bir shaxsda *eshitish-gapirish* va keyinchalik *o'qish-yozish* komponentlarini sodir bo'lishi bilan belgilanadi. Jumladan, xorijiy tilni o'rgatishda ham yuqoridagi "tabiiy evolyutsion" usuldan foydalanish joriy etildi.

Ta'lim oluvchilarga nutq faoliyati turlari – *tinglab tushunish, gapirish, o'qish va yozuvni*, shuningdek, til materiallari – leksika, grammatika va talaffuzni o'rgatish natijasida ularning kommunikativ kompetensiyasi shakllantiriladi. Interaktiv metodlar, avvalo, ta'lim oluvchining o'z bilimlarini namoyish etishga, ularni faollashtirishga xizmat qiladi. Shu bois, ushbu o'qitish usullarini qo'llash ta'lim oluvchidan mavzuga doir mustaqil fikri yoki bilganlarini aytishga undashi barobarida, o'ziga ishonch tuyg'usini shakllantiradi. Bu esa uni o'z ustida qo'shimcha ishlash orqali boshqa imkoniyatlarini kashf etadi: QUI EST-CE ? ("Kim bu?" interaktiv o'yini).

Bu o'yinning maqsadi ham ta'lim oluvchilarni og'zaki nutqini, mustaqil fikrlash qobiliyatini o'stirish va shu fanga yanada qiziqtirish uchun qaratilgan. O'yinni darsning mustahkamlash qismida tashkil etish maqsadga muvofiqdir, chunki o'yinda ishtirok etuvchilar o'qituvchining ishtirokisiz o'zlari fikr bildirishlari lozim bo'ladi. O'yinda ta'lim oluvchilarning barchasi qatnashadi. O'yining sharti shundan iboratki, bunda, bir ishtirokchi yozuv taxtasi oldiga yoki tashqariga chiqib turadi. Bu vaqtda o'qituvchi yoki biror-bir o'quvchi yozuv taxtasiga hammaga tanish bo'lgan biror-bir kishining ism-sharifini yozadi yoki fotosuratini ilib qo'yishi mumkin. Qolgan ta'lim oluvchilar yozuv taxtasi oldida turgan ishtirokchining savollariga javob berib, ana shu shaxsning kimligini (faqat ism-sharifini emas), aniqlashga harakat qiladi.

Savollarni ishtirokchilarning bilim saviyasiga moslab, oldindan tayyorlab berish joizdir. O'yin qoidasida ko'ra savol berayotgan ishtirokchi o'zi to yozuv taxtasida yozilgan kishining ism-sharifini topmaguncha qolganlarga uning shaxsini aniqlashga qaratilgan savollarni berishi kerak. Masalan: Yozuv taxtasida "Jamshid Niyozov" Sahnadagi ishtirokchi: Ta'lim oluvchilar: - OÙ habite-t-il? (U qayerda yashaydi?) - Il habite Boukhara. – Quel âge a-t-il? (Uning yoshi nechada?) - Il a 40 ans. – Quelle est son profession ? (Uning kasbi nima?) - Il est chanceur. – A quoi s'interesse-t-il? (U nimaga qiziqadi?) – Il s'interesse à la musique. – A-t-il ses enfants? (Uning farzandlari bormi?) - Oui, il a un fils. – Comment s'appelle-t-il? (Ismi qanday?) - Il s'appelle Shohjahon, ... - Alors, il s'appelle Jamshid Niyozov. (Demak u ...) - Oui (Ha) Qu'est ce que c'est? ("Bu nima?") Yozuv taxtasida "Une balle" (Koptok) Sahnadagi ishtirokchi: Ta'lim oluvchilar: Qu'est ce que c'est? -? (Bu nima?) - Comment est-elle? (U qanday?) – Elle est ronde. (U dumaloq) - Quelle est sa couleur? (Uning rangi qanday?) – Elle est verte (U yashil) - Comment est-elle ? (Yana qanday u?) - Elle est petite (U kichkina). – Pourquoi faut-il doit? (U nima uchun kerak?) – Pour jouer un tennis. - Alors, elle est une balle. (Demak, u koptok) - Oui (Ha) An'anaviy 3 qator doskaga qarab o'tiriladigan holatda ta'lim oluvchilarning imkoniyati cheklangan va doska oldidagi o'quvchiga nisbatan tinglovchilarning mavqeylari, mas'uliyati turlicha bo'lib, bu sharoitda interaktiv metodlardan foydalanish mumkin emas.

"II" shaklidagi stol atrofida uyushtiriladigan interaktiv darslar bahs-munozaralar o'tkazish uchun qulay, chunki unda shaxs o'z fikrini dadil aytish uchun imkoniyatni his qiladi. Yoki, kichikroq guruhlar tarkibida tashkil etiladigan munozara a'zolari to'rt-besh kishidan iborat bo'lib, alohida stollar atrofida o'tirib, har bir guruh o'z qarorini chiqaradi. Mana shu shakllarda ta'lim oluvchi o'zi faol ishtirok etgan holda, yakka, juftlikda, guruhlarda muammo va savollarga javob topishga harakat qiladi, fikrlaydi, baholaydi, yozadi, so'zga chiqadi, dalil hamda asoslar orqali qo'yilgan masalani yoritib berishga harakat qiladi. Yangi mavzuni o'zlashtirishda tanqidiy, tahliliy yondoshma oladi.

«Passé composé» zamonini haqida gapirmoqchi bo'lsak, uning sodda o'tgan zamonligi, «avoir» yoki «être» yordamchi fe'llari bilan yasalishi, og'zaki nutqda, matbuotda, xat-xabar yozishda qo'llanilishini o'quvchi tushunishi osonlashadi, va fe'llarni tushunishga, gaplar tuzishga tayyorlanadi. O'qituvchi rejissor, ya'ni yo'l-yo'riq ko'rsatuvchi, tashkil qiluvchi, kuzatuvchi vazifasini bajaradi.

Ta'lim oluvchi o'ziga berilgan topshiriqni o'z fikrlash qobiliyati darajasida mustaqil bajaradi,

## PEDAGOGIKA

topshiriqni bajarish uchun o'rtog'i bilan maslahatlashishi, xonada bemalol harakatlanib yurishi, xonadagi o'ziga kerak bo'lgan jihozdan foydalanishi mumkin. Hatto ayrim topshiriqlar xonadan tashqarida bo'lishi mumkin. Bu payt ular tegishli kuzatishlar, tekshirishlar, o'lchash, taqqoslash, tahlil qilish singari amaliy ishlarni bajarib ko'radilar. Natijada o'zlari mustaqil fikrlab, o'zlari xulosa chiqaradilar. Bunday topshiriqlarni barcha fanlarda ham berish mumkin.

O'qitish jarayonida yangi pedagogik texnologiyalardan foydalanish amaldagi o'qitish usuliga nisbatan samarali hisoblanadi. Bu usulda o'qitishda albatta pedagogdan pedagogik mahorat, yuqori malaka, chuqur bilim, o'z ustida uzluksiz ishlash, izlanuvchanlik, o'quvchilar bilan muloqotni to'g'ri tashkil etishni talab etadi. Bu esa o'z navbatida, o'quvchilarda ham bilim olishga nisbatan ma'suliyat hissini ortib borishiga olib keladi.

Xulosa shuki, kommunikativ kompetensiyalar orqali o'quvchilarning chet tili mashg'ulotlarida egallagan bilimlari nazorat qilinadi, darslarni turli o'yinlar asosida tashkil etish o'quv mashg'ulotlarining samaradorligini ta'minlaydi. Shu bilan birga, o'quvchilarni guruhlarda ishlashga o'rgatadi, faollashtiradi, nutqini rivojlantiradi, ularni fikrini aniq, izchil bayon etishga o'rgatadi, ularni hozirjavoblik, topqirlik, tezkorlik va hushyorlikka chaqiradi.

Xulosa qilib aytsak, zamonaviy ta'limni tashkil etishda kompetensiyasialarni olib borish jarayonida bu metodlardan foydalanish, ya'ni qisqa vaqt ichida muayyan nazariy bilimlarni ta'lim oluvchilarga yetkazib berish, ularni darsga shu yo'l bilan qiziqitira olish, ularga ma'lum faoliyat yuzasidan ko'nikma va malakalarini hosil qilish, shuningdek, ta'lim oluvchilar faoliyatini nazorat qilish, to'g'ri baholash o'qituvchilardan yuksak pedagogik mahorat hamda ta'lim jarayoniga nisbatan yangicha yondashuvni talab etadi.

### ADABIYOTLAR

1. Jalolov J. Chet til o'qitish metodikasi. – T.: O'qituvchi, 1996.
2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. – Тошкент, 1997.
3. Mirziyoyev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilabirga quramiz. – Toshkent: O'zbekiston, 2017.
4. Xidoyatova D.A. Malaka oshirish jarayonida interfaol metodlardan foydalanish. Monografiya. – Toshkent: Abumatbuotkonsalt, 2014.
5. Sattorov T.K. Bo'lajak chet til o'qituvchisining uslubiy omilkorligini shakllantirish texnologiyasi. – T.: TDYUI, 2003
6. Tolipov O'Q., Usmonbekova M. Pedagogik texnologiyalarning tatbiqiy asoslari. – T., 2006.

УДК 372.853:371.68

## РОБОТОТЕХНИКА ЭЛЕМЕНТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИБ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ТЕХНИК ИЖОДКОРЛИК ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

### РАЗВИТИЕ НАВЫКОВ ТЕХНИЧЕСКОГО ТВОРЧЕСТВА СТУДЕНТОВ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ ЭЛЕМЕНТОВ РОБОТОТЕХНИКИ

#### DEVELOPMENT OF TECHNICAL CREATIVITY SKILLS OF STUDENTS USING ELEMENTS OF ROBOTICS

*Тўйчиев Олимжон Алижонович*  
*БухДУ мустқил изланувчиси*

**Аннотация.** Мазкур мақолада ўқувчиларнинг техник ижодкорлик фаолияти билан шуғулланиш жараёнида ихтирочилик ва тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантиришида робототехника элементларидан фойдаланиш имкониятлари, ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш асосида республикамиз умумтаълим мактабларида робототехника соҳаси бўйича амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар тўғрисида маълумотлар баён этилган. Шунингдек, ўқувчиларнинг ижодий фаолият хусусиятлари, турли ёшдаги ўқувчиларга мўлжалланган робототехника конструкторларининг имкониятлари ёритилган.

**Таянч сўзлар:** техник ижодкорлик, ижодий қобилият, робототехника, ахборот муҳити, дастурлаштириш, конструктор.



**Аннотация.** В данной статье описываются возможности использования элементов робототехники в развитии изобретательской и исследовательской деятельности учащихся в процессе технического творчества, задачи, которые предстоит выполнить в области робототехники в общеобразовательных школах республики на основе изучения опыта развитых стран. Также освещаются особенности творческой деятельности учащихся, возможности конструкторов робототехники для учащихся разных возрастов.

**Ключевые слова:** техническое творчество, творческие способности, робототехника, информационная среда, программирование, конструктор.

**Abstract.** This article describes the possibilities of using elements of robotics in the development of inventive and research activities of students in the process of technical creativity, the tasks to be performed in the field of robotics in secondary schools of the republic on the basis of studying the experience of developed countries. It also highlights the features of students' creative activities, the capabilities of robotics designers for students of different ages.

**Key words:** technical creativity, creativity, robotics, information environment, programming, constructor.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сонли фармони ҳамда ёшлар таълим-тарбияси учун кўшимча шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббусни амалиётга татбиқ этиш мақсадида 2030 йилгача кўшимча таълим муассасаларида робототехника, ахборот технологиялари ва дастурлаш сингари замонавий тўғараклар улушини 20 фоизга ошириш қайд этилган.

Ўқувчиларнинг техник ижодкорлик фаолияти билан шуғулланиш жараёнида ихтирочилик ва тадқиқотчилик фаолиятига қизиқишларини ривожлантириш бугунги кунда долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Мазкур вазифаларни амалга ошириш учун таълим жараёнида зарур муҳитни ҳосил қилиш, мавжуд вазиятни таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантириш, зарур назарий билимларни эгаллаш ва уларни амалиётда қўллаш олиш лозим. Фан-техника тараққий этиб, таълим жараёнида турли инновацион технологиялар татбиқ этилаётган ҳозирги вақтда ўқувчиларга зарур билимлар бериш билан бир қаторда замонавий фан ютуқларига асосланган техник ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги вақтда технологик билим иқтисодий ривожланиш тенденцияларидан муҳим жиҳатларидан биридир. Мазкур шароитда умумтаълим мактаблари ўқув жараёнига техник таълим ютуқларини кенг жорий этиш ва ривожлантириш давр талаби ҳисобланади [2, 7]. Шу маънода ривожланган давлатлар таълими тизимида кенг қўлланилаётган робототехника ютуқларини республикамиз умумтаълим мактаблари таълим жараёнига татбиқ этиш бугунги кундаги долзарб масалалардан эканлигини таъкидлаш жоиз.

Замонавий фан-техника ютуқларини таълим жараёнида қўллаш орқали мустақил таълим мақсадларини белгилашга қодир шахсни шакллантириш, таълимни амалга ошириш усулларини ишлаб чиқиш, фан-техника ютуқларини кузатиш ва баҳолаш, турли хил ахборот манбалари билан ишлаш, уларни баҳолаш, шу асосда мустақил фикр ва мушоҳада юрита олувчи ижодкор ўқувчи шахсини тарбиялаш вазифаси ҳал этилади.

Ўқувчиларнинг ижодий фаолияти қуйидаги хусусиятларга эга.

1. Бир нечта истисноли ҳолатлардан ташқари, улар ижтимоий аҳамияти катта бўлмаган янги ишланмаларни яратадилар, яъни улар ўзлари учун янги буюмлар яратадилар, гарчи бу буюм жамиятда аллақачон яратилган бўлса ҳам. Шунинг учун бу янги табиат субъективи ҳисобланади, аммо психология нуқтаи назаридан ўқувчиларнинг ишлари ижодий муҳитдан маҳрум эмас, чунки бу жараён давомида улар ўзлари учун кашфиёт яратадилар. Ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини ривожлантириш, уларда техник ижодкорлик кўникмаларини ривожлантиришда янгиликнинг табиати муҳим ўрин эгалламайди.



## PEDAGOGIKA

2. Болалар техник ижодкорлигининг таълимий моҳияти фақатгина ижодий фаолият натижаларини эмас, балки унга тайёргарлик кўришни назарда тутди. Ижодкорлик фаолиятининг асосий манбаи шу соҳада тўпланган тажриба бўлиши лозим.

3. Ўқувчиларнинг техник ижодкорлик хусусиятларидан кўриниб турибдики, бу фақат тизимли ва йўналтирилган ўқитувчи-мураббийларнинг раҳбарлигида амалга оширилиши мумкин. Мақсадга эришиш учун ўқитувчи-мураббийлар муайян тайёргаликка эга бўлишлари керак:

а) Меҳнат жараёнида ўқувчиларнинг мустақил ҳаракатлари учун зарур шарт-шароит яратиш. Барча фазилатлар ва шахсий хусусиятларнинг шаклланиши жараёнида юзага келиши мумкин бўлган вазият, ўқувчиларнинг ижодкорлик қобилиятларини ривожлантиришга ҳам тааллуқли. Шу билан бирга вазифаларни бажаришда фаоллик ва интеллектуал фаолият даражаси юқори бўлиши лозим. Бу ўқувчиларга меҳнат жараёнида мустақил ҳаракат қилиш имконини беради.

б) Ўқувчиларни ижодий ғояни шакллантиришга ёки уларни ижодий савол, топшириқ ва вазифаларни бажаришга етакчилик қилишга ўргатиш. Моддий ишлаб чиқариш шароитида ижодий ғоя ёки вазифа ижтимоий ҳаёт талаблари, янги маҳсулотларга эҳтиёж натижасида вужудга келади. Баъзи ҳолларда ўқувчилар томонида яратиладиган буюмлар тасодифий вазифаларни бажариш натижасида яратилади. Шунинг учун ўқувчиларни мустақил равишда ўз натижаларни баҳолайдиган вазифаларга жалб этиш лозим.

в) Ўқувчиларни кўп қиррали техник ижодий муаммоларни ҳал этиш учун умумназарий билимларни эгаллашларига йўллаш ва уларни рағбатлантириш. Маълум бир билим, кўникма асосида ижодий фаолият ривожланиши мумкин. Ҳар доим ҳам ўқувчилар ўз билимларини амалда қандай қўллашни билмайдилар ва шунинг учун ҳам ижодий топшириқларни бажариш жараёнида қийинчиликларни мустақил равишда енгиб ўта олмайдилар. Машғулотлар жараёнида ўқитишнинг инновацион технологияларидан фойдаланиш ва уларни рағбатлантириш ўқувчиларга ўз билимлари ва ҳал этилиши лозим бўлган вазифаларни тезкор бажаришга ёрдам беради.

г) Ўқувчиларнинг ижодий характердаги вазифаларни бажаришда уларнинг интеллектуал фаолиятни рағбатлантириш учун турли хил педагогик усуллардан фойдаланиш. Амалий машғулотларда ўқувчиларнинг меҳнат фаолиятини ўрганиш кўрсатдики, юқоридаги шартларни ҳисобга олган ҳолда, болаларнинг фаоллик даражаси ҳар доим бир хил эмас, чунки улар ўзларининг психофизик кучларидан ижодий муаммоларни ҳал этишда фойдаланмайдилар.

**Робототехника** ақлли механизмлар, яни мехатрон тизимларни, модулли тузилишга эга микропроцессорларни дастурлаш, электрон тизимни лойиҳалаш ва конструкциялашдир.

Робототехника (робот ва технологиядан; инглизча robotics - робототехника) автоматлаштирилган техник тизимларни ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи ва ишлаб чиқаришни жадаллаштиришнинг муҳим техник соҳаси ҳисобланади [5, 25]. Робототехника фан-техника тараққиётининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, унда механика ва янги сунъий интелект технологиялари ўзаро боғлиқ.

Робототехника фан ва техниканинг энг илғор соҳаларидан бири бўлиб, ўқув жараёнида турли хил ёшдаги болаларни инновацион илмий-техник ижодкорлик жараёнига жалб этиш имконини берадиган, физика, мехатроника, технология, математика ва ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) соҳаларидаги билимларни умумлаштирувчи ўқитишнинг янги фанлараро соҳаси ҳисобланади [3, 4].

АҚШ, Япония, Корея, Хитой ва Европанинг бир қатор ривожланган мамлакатларида робототехника жадал суръатларда ривожланмоқда. Болалар робототехника билан тўғарақлар ва марказларда кичик ёшдан бошлаб шуғулланиш имкониятига эга. Ривожланган давлатларда соҳага доир маълумотларни ўрганиш натижасида мактаб ўқувчиларининг роботларни яшаш, уларни моделлаштириш ва дастурлашга доир қизиқишлари кучли эканлигини кўриш мумкин.

1971 йилда Японияда дунёда биринчи робототехника ишлаб чиқарувчилар миллий ассоциацияси (Japan Robot Association) тузилган. Уюшма робототехникани ривожлантириш бўйича дастурлар, шунингдек, роботларни ишлатишга асосланган саноатни ривожлантириш концепциясини, роботлар учун Япония саноат стандарларини ишлаб чиқади ҳамда робототехника халқаро кўргазмаларини ташкил қилишда иштирок этади [1, 7]. Россияда робототехника болалар ривожланишидаги инновацион йўналишлардан бири ҳисобланади. Болалар дарсдан ташқари ва тўғарак машғулотларида робототехника асослари билан танишадилар.

Ривожланган давлатлар тажрибалари ўрганиш асосида республикамиз умумтаълим мактабларида робототехника соҳаси бўйича қуйидаги мақсад ва вазифаларни амалга ошириш лозим.

Технологик мақсадлар:

- дизайн, моделлаш, дастурлаш асосларини ўқитиш, ихтирочилик кўникмаларини шакллантириш бўйича замонавий ўқув муҳитини яратиш;
- муваффақиятли ҳолатларни яратиш учун мактаб ва мактабдан ташқари машғулотларда болаларнинг имкониятларини ўрганиш.

Мазкур мақсадлардан келиб чиқиб, умумтаълим мактабларида робототехник машғулотларини ташкил этишнинг қуйидаги афзалликлари мавжуд:

- ахборот муҳитининг интерактивлиги, кўп функционаллик ва фаолиятнинг бошқа йўналишларига ёндашувни амалга ошириш;
- кўп функционаллик ва фаол ёндашишни таъминлаш қобилияти;
- ўқув жараёни тузилишининг мослашувчанлигини ошириш;
- технологик саводхонликни шакллантириш.

Кузатишлар кўрсатдики, қизиқиши юқори бўлган ўқувчилар турли даражадаги қийинчиликларга дуч келганда турли ғоялар ёрдамида уни ҳал этиш йўллари излайди. Техник ижодкорлик фаолиятининг узлуксизлиги болаларнинг қизиқишлари кучайтиришга хизмат қилади. Турли мураккаблик даражасидаги меҳнат воситаларини лойиҳалашда узлуксизликни кузатиш мумкин.

Ҳозирги вақтда дунёда кўплаб, турли ёшда ўқувчиларга мўлжалланган робототехника конструкторларини ишлаб чиқарувчи корхоналар мавжуд. Улар ёрдамида робототехниканинг дастлабки босқичларини ўрганишдан тортиб, турли дастурлар ёрдамида бошқариладиган роботларни ясашни ўрганиш мумкин.

Robokids – болалар томонидан робот йиғиш учун мўлжалланган ўқув конструктори. Бу моделларда компьютер билан алоқа мавжуд эмас. Роботларни бошқариш учун махсус карталардан фойдаланилади. Бу конструктор ёрдамида бола дастурлаш кўникмасига эга бўлмасдан ҳам ишлаши мумкин. Унинг ёрдамида 16 тача турли хил моделлар йиғилади. Конструктор 5 ёшдан 10 ёшгача бўлган болалар учун мўлжалланган [4, 45]. Мазкур конструктор билан ишлаш ўқувчиларга ёрқин “ақли” ўйинчоқлар яратиш, компьютерда дастурлаш элементларини ўрганиш имконини беради.

Ана шундай тўпламлардан яна бири бу Lego WeDo ҳисобланади. Мазкур тўпламда: турли мавзуларга бағишланган дарслар тўплами (“қизиқарли механизмлар”, “ёввойи ҳайвонлар”, “футбол ўйнаш” ва бошқ.), ўқитувчи учун китобмавжуд. Бу дастурда судраб бориш технологияси қўлланилади, яъни бола керакли буйруқларни сичконча ёрдамида битта панелдан бошқасига робот ҳаракат дастурини тузиши лозим [4, 51]. Дастур LabVIEW-га асосланган. Тўпламда дастурларнинг намуналари ва турли хил роботларни яратиш мисоллари келтирилган.

Тегишли блоклар моторларни, эгилиш ва масофа сенсорларини бошқариш учун мўлжалланган, уларга қўшимча равишда клавиатурани бошқариш ва компьютер, микрофон ва карнайни бошқариш блоклари мавжуд. Lego WeDo тўплами болаларга ёш тадқиқотчилар, муҳандислар ва дастурчилар сиингари ишлашлари учун кўрсатмалар беради.

Робототехника элементлари ишлаб чиқарувчилардан энг машҳурларидан бири Lego Education бўлиб, мазкур компания 5-15 ёшли болалар учун мўлжалланган Lego Mindstorm,

Lego EV3 va Lego Mindstorms Education EV3 tўplamlarini ishlab chikaradi. Tўplamning aksar elementlari plastikdan ishlab chikilgan бўлиб, ёркин ва минимал электроник элементларидан фойдаланилган. Бу махсус дастурлашдан фойдаланиб, робототехника билан танишишнинг даслабки босқичи ҳисобланади. Бу тўплам дизайн асослари, мураккаб механизмлар ва уларни йиғишни ўрганишга қаратилган.

Ўқувчиларнинг техник ижодкорлик қобилиятларини ривожлантиришда замонавий фан-техника ютуқларидан ҳисобланган робототехника элементларидан фойдаланиш, уларни тадқиқотчилик, муҳандислик, дастурлашга доир кўникмалари ҳосил бўлишига хизмат қилади. Бу эса уларнинг ижодкор шахс бўлиб етишишларига хизмат қилади.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Абушкин, Х.Х. Межпредметные связи в робототехнике как средство формирования ключевых компетенций учащихся [Текст] / Х.Х. Абушкин, А.В. Дадонова // Учебный эксперимент в образовании. – 2014. – №3. – С. 32–35.
2. Бишоп, О. Настольная книга разработчика роботов [Текст] / – Киев: МК–Пресс, СПб.: КОРОНА–ВЕК, 2010. – 400с.
3. Ершов, М.Г. Образовательная робототехника как инновационная технология реализации политехнической направленности обучения физике в средней школе [Текст] / М.Г. Ершов, Е.В. Оспенникова, // Педагогическое образование в России. – 2015. – № 3. – С. 34–41.
4. Шимов, И.В. Применение робототехнических устройств в обучении программированию школьников [Текст] / И.В. Шимов // Педагогическое образование в России. – 2013. – №1. – С. 185–188.
5. Юревич, Е.И. Основы робототехники [Текст] / Е.И. Юревич. – СПб.: БХВ–Петербург. – 3-е изд. – 2010. – 408 с.

УДК: 37.011.31

## БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИНING ИЖОДИЙ ИМКОНИАТЛАРИ

### ТВОРЧЕСКИЙ ПОТЕНЦИАЛ БУДУЩЕГО УЧИТЕЛЯ

#### CREATIVITY OF THE FUTURE TEACHER

**Саидова Гулруҳ Халим қизи**

Низомий номидаги ТДПУ докторанти,

**Кахарова Дилдора Сидиковна**

БухДУ психология каф. ўқит., п.ф.ф.д. (PhD)

**Аннотация.** Мазкур мақолада бўлажак ўқитувчи ижодий фаолиятнинг турли кўринишларида ўзини намойён эта олиши эҳтиёжлари билан боғлиқ шахсий ўз-ўзини амалда кўрсатиш мотивлари, “шахснинг ижодий имконияти” тушунчаси мазмунини ёритишда яхлит шахснинг яширин ва долзарб тавсифи, касбга мослашиш, ижодий имконият ва креативликни ўрганишга нисбатан турлича ёндашувлар мавжудлиги, улар орасида тадқиқотнинг асосий йўналишлари ҳақида сўз боради.

**Таянч сўзлар:** ижодкорлик, ихтиро, индивидуаллик ва ижодкорлик, шахснинг ижодий имконияти.

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются мотивы личного самовыражения применительно к потребностям будущего учителя выразить себя в различных формах творческой деятельности, скрытое и актуальное описание человека в освещении понятия «творческий потенциал личности», развитие карьеры, творческий потенциал и креативность. Наличие подходов, среди которых обсуждаются основные направления исследования.

**Ключевые слова:** творчество, изобретение, индивидуальность и творчество, творческий потенциал личности.

**Abstract.** This article discusses the motives of personal self-expression in relation to the needs of a future teacher to express themselves in various forms of creative activity, a hidden and relevant

*description of the whole person in highlighting the concept of “creative potential”, career development, creativity and creativity. The presence of approaches, among which the main areas of research are discussed.*

**Key words:** “creativity”, “invention”, “individuality” and “creativity”, “potential of creativity of the individual”.

Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасини ислоҳ қилишдаги асосий мақсадларидан бири – педагог кадрларни замон талабларига мос тарзда тайёрлаш, ҳар томонлама ривожланган баркамол шахсларни тарбиялашдан иборат. “Ҳар қандай мураккаб замонавий ахборот технологиялар, интеграциялар, фан соҳасидаги оламшумул янгиликлар, аввало, ўқитувчи томонидан ўзлаштирилиб, сўнгра унинг билими, савияси, қобилияти эвазига ўқувчилар онги ва тафаккурига етказилади”[4; 9 б]. Таълим соҳасидаги бу ислохотлар ўз-ўзидан “ижодкорлик” тушунчасини олиб кирди. Ривожланган давлатлар тажрибаси кўрсатадики, ҳар қандай тараққий этган мамлакатнинг муваффақиятини белгилаб берувчи омил кадрларнинг ижодкорлик фаолиятлари билан узвий боғлиқ.

Ижодий фаолиятга ўргатиш – таълим олувчилар учун ажойиб маҳсулот, яъни адабий ёки бадиий адабиёт модели, маҳсули, макети, “ихтиро”, педагогик вазифаларни ҳал қилишнинг осон бўлмаган ёки қолипсиз ғояларини яратишга эришиш демакдир.

Психологларнинг фикрича, ижодкор шахсга хос хусусиятлар борасидаги билимларимиз тўлиқ эмаслиги билан фарқ қилади. Бу жиҳатларни синтез қилишга уриниш ҳолатлари ҳам йўқ эмас. Андерсон ва Тейлор ижодининг классик психологлар томонидан тузилган ижодий ҳаракатлар учун зарур психологик жиҳатлари ва қобилиятлари рўйхати бунга мисол бўла олади.

“Ижодкорлик” терминининг ўзи илк бор XVII асрда санъат соҳасида инсон фаолиятини белгилаш мақсадида қўлланилган [3].

Сўнги пайтларда “ижодкорлик” тушунчаси билан биргаликда “креативлик” атамаси ҳам кенг қўлланилмоқда.

Узоқ вақтлар давомида ижод – инсонга табиат инъом этган ноёб қобилият, у ҳар кимга ҳам берилмайди, деб ҳисоблаб келинган. Аслида ижод инсоннинг моддий ва маънавий бойликларни яратиш фаолияти бўлиб, унда инсон тафаккури, хотираси, тасаввури, диққати ва иродаси фаол иштирок этади ҳамда унда бутун билими, тажрибаси ва истеъдоди намоён бўлади” [6; 17 б].

Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида ижод – яратиш, кашф этиш; вужудга келтириш маъноларини англатиб, бадиий, илмий, санъатга оид асар ёки моддий бойлик яратиш, вужудга келтириш; яратувчилик фаолияти ҳамда яратувчилик фаолияти маҳсули, самараси эканлиги қайд этиб ўтилган [7; 176 б].

“Маънавият: асосий тушунчалар” изоҳли луғатида эса мазкур тушунчага қуйидагича таъриф берилган: “Ижод (араб. Яратиш, кашф этиш, вужудга келтириш) – бадиий, илмий, амалий асар ёки моддий бойликни яратиш, вужудга келтириш. Ижод моҳиятан яратувчанлик фаолияти бўлиб, инсон маънавиятининг амалдаги кўринишини ифода этади” [2; 185 б].

Ш.Шарипов ўқувчиларнинг касбий ижодкорлиги ва узвийлигини тадқиқ этиш асосида ижод – инсоннинг фан, техника, ишлаб чиқариш, маданият ва бошқа соҳаларда ижтимоий аҳамиятга эга янгилик яратиш билан боғлиқ мураккаб психологик жараёнлар [5; 13-б], деган хулосага келган.

Ижодий имконият шахснинг мақсадга мувофиқ, ривожланувчи тузилиши сифатида ижодий фаолиятда рўй берувчи ва ривожланувчи креатив қобилиятлар мажмуи, шунингдек, шахснинг улғайиши давомида руҳий янгидан пайдо бўлиш уйғунлигини қамраб олади. А.Н.Лук ижодий имкониятни мантиқий, маҳсулдор тафаккур ва тасаввурнинг синтези сифатида талқин қилади: “...ғояларнинг енгил пайдо бўлиши ёки турли масалалар бўйича фаразни илгари суриш ҳамда интеллектнинг мослашувчанлиги...” [1].

## PEDAGOGIKA

Ижодкор шахсларнинг жиҳатлари		
Мутлақ ғайратлилик	Ихтирочилик	Атроф-оламдан таъсирлана олиш қобилияти
Иштиёқ	Билимларни ўзлаштириш қобилияти	Қонуниятларни англаш
Жасурлик	Мослашувчанлик	Мулоқот қила олиш
Виждонлилик	Ўткир зехн	Сезгирлик
Тўғрисиўзлик	Далилларни билишга интилиш	Мустақиллик
Диққатни жалб эта олиш	Фикрий ҳолатларни баргараф эта олиш қобилияти	Зукколик
Тиришқоклик	Ҳолатларга мослаша олиш қобилияти	Оқиллик
Жиддий меҳнат қилиш қобилияти	Таҳлил қила олиш қобилияти	Тактикага эга бўлиш
Ҳамкорлик қила олиш	Синтезни амалга ошира олиш	Касбини севиш
Ғояларнинг юзага келиши	Ҳолатни баҳолай олиш	Ҳар қандай вазиятда ўзини тута олиш

“Шахснинг ижодий имконияти” тушунчаси мазмунини ёритиш яхлит шахснинг яширин ва долзарб тавсифини ўрганишсиз мумкин эмас, буларни биз Б.Г.Ананьев, Т.Н.Артемяев, В.Г.Асеев, А.А.Матюшкин, М.М.Муканоа, Я.А.Пономарев, С.Л.Рубинштейн, Д.Н.Узнадзе ва бошқа олимларнинг ишларида кузатиш мумкин.

Ҳозирги кунда ижодий имконият ва креативликни ўрганишга нисбатан турлича ёндашувлар мавжуд, улар орасидан тадқиқотнинг уч асосий йўналишини ажратиш мумкин:

1. Ижодий имкониятнинг интеллектуал имконият эканлиги. Бу йўналиш креативликка қобилият сифатида ёндашади. Жумладан, Дж.Гилфорд креативликни инсоннинг қолипидан усуллардан воз кечиш қобилияти сифатида белгилайди.

2. Ижодий имконият муаммони ҳал этишнинг стратегик тури, когнитив фаоллик услуби эканлиги. Бу йўналиш креативликни когнитив услуб билан мутаносиблик жиҳатини ўрганиш билан боғлиқ.

3. Ижодий имконият шахснинг интеграл таълими сифатида талқини. Бу йўналиш креативликни шахсий, инсоннинг мотивацион (асосли) хусусиятлари билан боғлиқлигини намоён этиш билан шуғулланади.

Талаба – бўлажак ўқитувчи ижодий имконияти ривожланиши жараёнини амалга оширар экан, педагог ушбу жараён амалга ошишига тўсқинлик қилувчи ва уни мураккаблаштирувчи ички шарт-шароитни ёддан чиқармаслиги керак. Биз уларга ўта паст мотивацияни, ижодий вазифаларни ҳал этишга тайёр эмаслик, муваффақиятсизлик, хато қилиш, ўз-ўзини намоён этишдан қўрқиш, ҳаддан зиёд ўзини танқид қилиш, ички цензурани, ўзини паст даражада баҳолаш, юқори хавф-хатарни; паст даражадаги рефлексив фаолият, тафаккурнинг беихтиёрлиги, суст ривожланган тасаввур, хатти-ҳаракатнинг шаклланмаганлиги, дангасаликни киритамиз.



Яхлит, асосий ва белгиловчи педагогик шароит сифатида биз инсонпарварликка йўғрилган ижодий таълим фаолиятини назарда тутамиз, чунки бундай фаолиятни ташкиллаштирмай бўлажак мутахассис сифатида талабалар таълими ижодий имкониятининг ташқи ва ички шарт-шароити ривожланиши билан боғлиқ ҳақиқий амалиётни тўлақонли татбиқ этиб, амалга ошириб бўлмайди.

Ўқитувчи шахсини тавсифлаб, Б.Т.Лихачев у ҳақида “инсон қалбининг хайкалгароши” дейди, у маълум моҳият, ташкилий шакл, усул, восита ёрдамида “инсонда инсонни яратиш” мақсади томон ҳаракатланади деб таъкидлайди.

Ўзини касбий-педагогик ифода этиш нафақат касбий билимлар тизими билан боғлиқ, балки кадриятлар тизими, моҳиятли, чуқур суҳбатлашишга хоҳиш ва қобият билан, ўзаро алоқада томонларнинг умумий маданияти даражаси билан ҳам белгиланади. Улар педагогнинг истиқболини нафақат касбда ёки касб орқали, балки ўзини ҳар қандай ҳаётий ифодалашда ҳам ўз индивидуаллигини ижодий тарзда намоён этиш воситаларига эгалик қилиш билан ҳам белгилайди.

Ижодий индивидуаллик ҳолатини “рассом”, “қобилият” тушунчасининг синоними сифатида қараб, психология, адабиётшунослик, санъатшунослик, фалсафада тадқиқ этиш мумкин. Олимларнинг фикрича, ижодий индивидуаллик инсон тараққиётининг чўққиси ҳисобланиб, шахс қарор топишининг илк босқичларида “ёпик” шаклда мавжуд бўлади.

“Индивидуаллик” ва “ижодкорлик” тушунчалари таҳлили бизга ижодий индивидуаллик таърифини шакллантириш имконини берди. *Ижодий индивидуаллик – шахснинг ички яхлитлиги, нарса ва ижтимоий белгилар жараёнида фаоллик ва нисбатан мустақилликни таъминловчи хусусиятларнинг ажойиб мажмуи ифодасидир.*

Ўқитувчини тайёрлашнинг асосий вазифаларидан бири педагог ижодий индивидуаллигининг ривожланишидир. Касбий тайёрлов жараёнида ушбу муаммонинг муҳимлиги кўпгина сабаблар билан белгиланган. Аввало, касбий фаолиятнинг муваффақияти турли шахсий жиҳатлар билан таъминланган бўлиши мумкин. Машҳур америкалик психолог Г.Оппорт “Шахс: Психологик талқин” китобида илк бор ҳар қандай касбий вазифа турли усуллар билан ҳал этилиши мумкин деган эди.

Педагогик воқелик ҳолатлари ва жараёнларини ҳиссий англаш, болаларга меҳр ва уларни тушунишга интилиш, улар билан мулоқот қилиш, ишга берилганлик, маҳоратнинг юқори даражаси, болалар ва талабалар жамоаси фаол ҳаётини ташкиллаштириш – билимни кенгайтириш эҳтиёжи шаклланувчи ва истиқболдаги ўқитувчи ижодий индивидуаллиги ривожланувчи асосдир.

Шахснинг ижодий индивидуаллиги шаклланишига моҳиятан таъсир этувчи, интеграл шахсий сифатлардан бири – *касбий рефлексияга* нисбатан қобилият ҳисобланади. Рефлексия остида ўз-ўзини англаш ва ўзини таҳлил қилиш жараёни, шунингдек, ўз фаолияти ва муносабатларини ташқи томондан, бошқалар кўзи билан англаш тушунилади.

Индивидуаллик ривожланишининг асосий механизмини Е.А.Климов мослашиш, ўрнини тўлдириш ва тўғирлашда деб ҳисоблайди. Шундан келиб чиққан ҳолда, ижодий индивидуаллик тараққиёти механизмини биз қуйидагича англаймиз:

Биринчидан, шаклланувчи муҳит мақсадли ташкил қилинади, унинг марказий соҳаси эса талабаларнинг ўқув-касбий фаолияти ҳисобланади.

Иккинчидан, талабалар фаолияти ва муносабатларига замонавий ўқувчини сифатли ўқитиш ва тарбиялаш даражасига мувофиқ талаблар тақдим этилади.

Учинчидан, шахсий ўқув-касбий фаолиятни амалга ошириш учун операцион-технологик фондни шакллантириш бўйича ишлар мақсадли олиб борилади: талабаларни турли технологик тизимлар, ҳар хил ўқитувчилар фаолияти услуги билан таништириш; услубий ишланмалар, ташҳисий усуллар, дидактик материаллар, кўргазмали қўлланма кабиларни тўплаш;

Тўртинчидан, алоҳида эътибор замонавий ёрдамга, фаолиятнинг улар томонидан белгиланган алоҳида дастурини амалга оширишда талаба ҳаракатларини тўғирлаш, бу билан уларнинг фаолиятида муваффақият ҳамда асосий касбий маҳоратни сифатли шакллантириш таъминланади.

Бешинчидан, касбий фаолиятнинг қизиқарли тажрибасини кенгайтирган ҳолда

талабалар мақсадли равишда мулоқотга, ижодкор педагоглар билан ҳамкорликдаги ишга жалб этилади.

Олтинчидан, мутахассисларни тайёрлашнинг экспериментал технологиясида талабаларни доимо бирор нарса ўйлаб топишлари, ихтиро қилишлари, фаразларини намоён этишлари, ўйлаб топишлари, лойиҳалашлари, ташаббус кўрсатишларига имкон яратувчи таълим жараёнини ташкиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Еттинчидан, экспериментал гуруҳларда фаолият юритувчи ўқитувчи ва методистлар талабаларни асосий йўналишлар, ғоялар, таълим муассасасини ривожлантириш моҳияти, янги ғоялар билан таништиришга алоҳида эътибор қаратадилар ва талабаларни машғулотга мос тарзда мустақил лойиҳалашга ўргатадилар.

Мутахассиснинг ижодий индивидуаллигини ривожлантиришда энг асосийси унда ижодкорлик қобилиятини (шахс креативлигини) шакллантиришдир. Талабаларни ижодий фаолиятга касбий тайёрлаш муаммосини ҳал этиш учун бизга креатив-фаолиятли ёндашув керак. Бунда фаолиятли ёндашувга бағишланган тадқиқотларга (В.А.Беликов, М.С. Каган, В.В.Краевский, Г.А.Петрова, А.В.Петровский, Г.И. Якиманская) ва интегротив-модулли ёндашувга (Н.М.Яковлева) таяндик. Ушбу ёндашув юқорида қайд этилган маҳаллий ва хорижий олимлар тадқиқотларида креативлик назарияси ва ўқитувчи шахси креативлиги шаклланишининг педагогик жиҳатларини ўрганишни талаб этди (В. И. Андреев, Н. Б. Ковалева, Н. Ю. Посталюк, Н. М. Яковлева ва бошқалар).

Креатив-фаолиятли ёндашувнинг асосий моҳияти икки ёндашувни: креатив ва фаолиятли тизимли бирлаштиради. Креатив ёндашув истиқболдаги ўқитувчини унинг касбий тайёрланиш жараёнида ижодий фаолиятга жалб этишни ўрганиш имконини беради.

Креативлик касбий-аҳамиятли жиҳат сифатида педагогик йўналганлигининг намоён бўлишидек тадқиқ қилинади, бу ерда креативликнинг ўзи жараённинг ҳам шарти, ҳам натижаси ҳисобланиб, ижодий имконият намоён бўлишида белгиланади.

Фаолиятли ёндашув касбий фаолиятнинг барча асосий таркибий қисмлари (унинг мақсадлари, сабаб, ҳаракат, натижалар таҳлили) яхлит ўрганиш мантиғида педагогик жараёни ўрганиш имконини беради, яъни касбий педагогик тайёрлов жараёнида талаба педагогик мақсадли фаразни амалга оширишга, жараёни ташкиллаштириш, педагогик фаолиятни бошқариш, мустақил таҳлил қилиш, меҳнатининг натижаларини баҳолашга ўрганади.

Ташкилий жиҳат касбий-педагогик тайёрлов жараёнида педагогик фаолиятнинг берилган тузилмасини тайёрлашни моделлаштириш, талабаларни истиқболдаги касбий фаолиятига изчил, бевосита жалб этилишини назарда тутаяди, бу ўринда талабалар учун таълим-тарбия фаолияти моделларини ўзлаштириш ва яратиш жараёнларининг фаоллашуви содир бўлади.

Креатив-фаолиятли ёндашувда ўз тараққиётини интеграция ғояси эгаллайди: тайёрловнинг методологик, назарий, услубий, амалий кўринишлари интеграцияси; истиқболдаги ўқитувчининг касбий билимлари, маҳорат, сифат ва шахсий нуқтаи назари интеграцияси; тайёрловнинг мақсади, моҳият, усул, услуб ва воситалари интеграцияси шулар жумласидандир.

Ўз даврида Абу Али Ибн Сино, Алишер Навоий, Бехбудий, Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий сингари алломалар касблар орасида ўқитувчилик энг буюк касб эканлиги, унинг машаққатлари, шунингдек, ўқитувчи шахсиятида намоён бўлиши керак бўлган сифатлар ҳақида қимматли маълумотлар қолдирганлар. Бинобарин, педагогик ижодкорликка эга ўқитувчигина ўқувчини тушуна олиши, ўзининг тадқиқот усулларига эга бўлиши, ижодкорлик фаолиятини маъно-мазмунини билиши, уни амалга ошира олиш қобилиятига эга бўлиши, ўз ижодкорлик тизими мавжудлиги, бошқа ҳамкасбларининг тажрибаларини ҳурмат қилиши, ўзини-ўзи такомиллаштириш тажрибасини ўзлаштириши зарур.

Шундай қилиб, касбий-педагогик тайёрлов жараёнида ижодий фаолиятни ташкиллаштириш истиқболдаги ўқитувчи шахси креативлигининг педагогик намоён бўлишига ёрдам берувчи назарий-методологик ёндашувни талаб этади.

## АДАБИЁТЛАР

1. Маслоу, А.Г. Психология бытия, пер. с англ. / А.Г. Маслоу. – М.: Рефлбук, – К.: Ваклер, 1997. - 304 с.
2. “Маънавият: асосий тушунчалар” изоҳли лугати, 2010 й.
3. Попов, Е. В. Основы философии: учеб. пособие для вузов / рук. автор, колл. и отв. редактор. – М.: Гум. изд. центр ВЛАДОС, 1997. - 259 с.
4. Холиқов А.А. Олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчилар педагогик маҳоратини ривожлантириши. – Тошкент, 2015 й.
5. Шарипов Ш.С. Ўқувчилар касбий ижодкорлигини узвийлигини таъминлашнинг назарияси ва амалиёти. Диссертация, 2012 й.
6. Якубжанова Д.Б. Бўлажак дефектологларда касбий ижодкорликни ривожлантириши технологияси. Диссертация, 2017 й.
7. “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” давлат илмий наشريёти. – Тошкент: 2001-2006 й.

UDC: 372.881.111.1

**YONDASHUV, METOD, JARAYON VA TEXNIKA ORASIDAGI FARQ**  
**РАЗЛИЧИЕ МЕЖДУ ПОДХОДОМ, МЕТОДОМ, ПРОЦЕДУРОЙ И ТЕХНИКОЙ**  
**THE DIFFERENCE BETWEEN APPROACH, METHOD, PROCEDURE,**  
**AND TECHNIQUE**

*Yadgarova Zebiniso Tolibovna*  
*teacher of philology department BukhSU*

***Annotatsiya.** Ingliz tilini o‘qitish terminologiyasi ko‘pincha to‘rtta atamani bir-birining o‘rnida ishlatadi. Biroq, bu sinonim so‘zlarni turli xil ma‘nolarni ifodalash uchun talqin qilish mumkin. Ushbu maqola yondashuv, usul, protsedura va texnika o‘rtasidagi farqni tasvirlashga harakat qiladi. O‘qituvchilar uchun ushbu atamalarning har biri nimani anglatishi haqida xabardor bo‘lish juda muhimdir.*

***Tayanch so‘zlar:** yondashuv, metod, jarayon, texnika, metodika, dars mashg‘ulotlari, til o‘rganish, strategiya, nazariya va amaliyot.*

***Аннотация.** Терминология преподавания английского языка часто использует четыре термина взаимозаменяемо. Тем не менее, эти синонимичные слова могут быть интерпретированы, чтобы изобразить различные значения. Эта статья пытается описать разницу между подходом, методом, процедурой и техникой. Для учителей важно знать, что именно означает каждый из этих терминов.*

***Ключевые слова:** подход, метод, процедура, техника, методика, учебные занятия, изучение языка, стратегия, теория и практика.*

***Abstract.** English Language Teaching (ELT) terminology often uses the four terms interchangeably. However, these synonymous words can be interpreted to portray different meanings. This article tries to describe the difference between approach, method, procedure, and technique. It is important for teachers to be informed about what exactly each of these terms means.*

***Key words:** approach, method, procedure, technique, methodology, teaching classes, learning a language, strategy, theory and practice.*

**Introduction.** Methodology teaches us about different ways to organize teaching classes. Harmer (2001), for example, suggests that there are four levels of organization: approach, method, procedure, and techniques. These terms are also discussed by Anthony (1963), on the one hand, and Richards and Rodgers (1986), on the other hand.

The following table shows how approach, method, procedure, and technique have been explained by Anthony and Richards & Rodgers :

For the sake of the explanation of the above table: First, an approach, which provides theoretical assumptions about language and learning. Each method shouldn’t contradict the approach on which it is based. Similarly, procedures are ordered sequences of techniques that have to be connected with the theoretical assumption, a method aspires to put into practice.

## PEDAGOGIKA

<b>Antony's model</b>	Approach	<ul style="list-style-type: none"> <li>▪ Theory of language</li> <li>▪ Theory of language</li> </ul>	
	Method	<ul style="list-style-type: none"> <li>▪ An overall plan for the orderly presentation of language material, no part of which contradicts, and all of which is based upon, the selected approach</li> </ul>	
	Technique	<ul style="list-style-type: none"> <li>▪ The actual implementation in the language classroom</li> </ul>	
<b>Richards and Rodgers model</b>	Method	Approach	<ul style="list-style-type: none"> <li>▪ Theory of language</li> <li>▪ Theory of language</li> </ul>
		Design	<ul style="list-style-type: none"> <li>▪ Objectives</li> <li>▪ Syllabus type</li> <li>▪ Activity types</li> <li>▪ Learner Roles</li> <li>▪ Teacher Roles</li> <li>▪ Role of materials</li> </ul>
	Procedure	<ul style="list-style-type: none"> <li>▪ Techniques</li> <li>▪ Practices</li> <li>▪ Behaviors</li> </ul>	

**Main body. Approach.** An approach refers to the general assumptions about what language is and about how learning a language occurs (Richards and Rodgers, 1986). It could be seen as your perspective, ideology, belief or theoretical stance on something. In other words, an approach:

- encompasses a set of logical assumptions that could be made for better comprehension of issues;
- describes how knowledge of a language is acquired;
- clarifies the conditions that promote language acquisition.
- births your systematic plans and the strategies that you'll use to achieve particular objectives.

**Method.** A method is a practical implementation of an approach. A theory is put into practice at the level of a method. It is a sort of an organizing target plan or set of orderly procedures that relies on the approach. An approach is axiomatic, a method is procedural. Within one approach, there can be many methods.

Method includes decisions about:

- The particular skills to be taught,
- The appropriate procedures and techniques,
- The content to be taught,
- The order in which the content will be presented,
- The choices of the materials that will boost learning,
- The means to assess learners and evaluate teaching and learning,
- The roles of the teacher and the learner in language teaching and learning.

**Procedures.** Jeremy Harmer (2001) describes 'procedures' as "an ordered set of techniques." They are the step-by-step measures to execute a method. A common procedure in the grammar-translation method, for example, is to start by explaining the grammar rules and exemplifying these rules through sentences that the students then had to translate into their mother tongue. According to Harmer, a procedure is "smaller than a method and larger than a technique."

**Technique.** A Technique is a precise strategy, concrete trick which is the level at which classroom procedures are described and that's designed to help you reach your goals. Techniques must be relevant with a method and therefore in harmony with an approach as well. They are the actual moment-to-moment classroom steps that lead to a specified outcome. They could take the form of an exercise or just any activity that you have to do to complete a task. For instance, when using videos, teachers often use a technique called "silent viewing" which consists of playing the video without sound and asking students to figure out what the characters are saying.

## PEDAGOGIKA

With other words, approach is somebody's way of solving the issue/problem. While method is a well-established procedure of solving issue/problem. And technique is one of ways of solving issue/problem within the same method.

As **the practical part of my research writing**, I'm going to use any place (e.g. University) as a metaphor, to explain my answer.

The university is a place where you study situated in the region. If you were from another region, from which direction could you approach the university? Theoretically, you could approach from any and every direction. Logistics make it necessary to choose one specific direction. Typically, you will choose an approach (direction) that is the most efficient and useful. This may turn out to be the wrong approach, in the end — or it may be the right one. There is no way to tell until you actually arrive at university.

What method will you employ? That depends on your approach. You may use a bus or taxi. That gives you maximum mobility. You can change your mind as to the approach until the last moment. It means that you should find appropriate vehicle to your target direction.

Technique can be the most and/or the least important thing. You may offer higher fee in order to be lonely in a transport. You may ask increasing speed to catch on time. You may use some combination of techniques. It reveals that your techniques should help you to organize procedure of your arrival much more convenient for students. This example is metaphoric explanation of the topic. Let's see the use of these terms in the writing class.

There are several ways to **approach** writing in the classroom. It should be said at the beginning that there is not necessarily any 'right' or 'best' way to teach writing skills. One of these ways is the *Product Approach* which is a traditional approach to teaching writing in which students are encouraged to mimic a model text, which is usually presented and analysed at an early stage. There are four main steps in applying the product approach to writing:

1. Students read a model text. Then they analyze the text by looking at the features, such as organization of ideas, use of language, etc.
2. Students do controlled activities to practice the features highlighted in the analysis of the model text.
3. Students prepare to imitate the model text by organizing a pre-determined set of ideas to fit the model.
4. Students do the writing task by using the skills, structures and vocabulary they have practiced to produce the expected written product.

While *Process approaches* to writing tend to focus more on the varied classroom activities which promote the development of language use: brainstorming, group discussion, re-writing. Such an approach can have any number of stages, though a typical sequence of activities could proceed as follows:

1. Generating ideas by brainstorming and discussion. The teacher remains in the background during this phase, only providing language support if required, so as not to inhibit students in the production of ideas.
2. Students extend ideas into note form, and judge quality and usefulness of ideas.
3. Students organize ideas into a mind map, spidergram, or linear form. This stage helps to make the (hierarchical) relationship of ideas more immediately obvious, which helps students with the structure of their texts.
4. Students write the first draft. This is done in class and frequently in pairs or groups.
5. Drafts are exchanged, so that students become the readers of each other's work. By responding as readers, students develop an awareness of the fact that a writer is producing something to be read by someone else, and thus can improve their own drafts.
6. Drafts are returned and improvements are made based upon peer feedback and a final draft is written.

These steps of the approach can be called the **procedure** of the lesson, and each step is the **technique** (activity) of the desired lesson. The practical part of these approaches are called method.

The entire process has five steps, but the first step in the writing process is coming up with



## PEDAGOGIKA

your thoughts and ideas, also known as prewriting. Prewriting helps students gather ideas and give them a bank of possibilities for their writing. The bank of ideas they will generate will be an invaluable resource as they write. How to generate writing ideas:

*Brainstorming* is an activity with which most people are familiar. The object in brainstorming is to compile as large a list as possible of potential examples for a given topic. This is a great activity to do in small groups or with the entire class. Naturally, one idea will spark another, so it is helpful to have students working together when brainstorming.

*Free writing* is an individual activity for getting thoughts from your head on to paper. Explain the concept of stream of consciousness to your students and tell them that free writing is simply putting on paper every thought that is going through their heads. Like with brainstorming, anything goes. The goal of this activity is to never let your pen or pencil stop writing.

*Journalistic questions approach* a topic in a more structured manner. Start by reviewing the question words: who, what, where, when, why and how. Then, for your given topic, ask questions starting with each of these words. For example, if your topic was study habits, you might ask, “Who has good study habits? Who benefits from good study habits? What are the good habits? Where do people with good study habits study? Where do they keep their books? Where do they organize notes and homework? When do they study? When do they complete assignments? ...”

*Cluster mapping*, also called idea webbing, is a great way to show relationships between ideas. Cluster mapping is also part idea generation and part organization, so students will know exactly how to group their ideas once they are ready to write. To begin, write your topic in the center of the page and put a circle around it. Each question should be written in a bubble connected to the central topic, each of the subtopics would be one paragraph in a composed piece of writing with examples and support for the idea surrounding it.

*Flow charting* is similar to cluster mapping in that it shows relationships between ideas. However, flow charting is most effective when examining cause and effect relationships. Depending on the topic, students may create a chain of cause and effect relationships and choose to write about the series.

*Double or Triple Entry* is another focused brainstorming activity. This is especially useful when comparing and contrasting two or three topics or when exploring two or three areas of one topic. With this prewriting method, have students make two (or three) columns on their paper. Each column should have a topic which focuses the idea generation. For example, if you were going to compare love and hate, you might label your columns similarities and differences and list your ideas in the appropriate sections.

Whether you choose to use all these methods with your students or only one or two, prewriting gives your students the tools and foundation for successful writing. Prewriting alleviates students’ anxiety freeing their minds to focus on words after generating ideas instead of completing both steps simultaneously. Prewriting will give your students confidence and direction as they write not to mention improve the quality of their ideas and organization in their writing.

**Conclusion.** To sum up, according to these ideas and examples, an approach informs methods with both the theory of language and the theory of learning. Methods are actual implementations of approaches. They are theories put into practice. Procedures are ordered step-by-step events that have specified outcomes. Procedures rely on techniques to achieve desired results.



The article proves the theory of discussed terms: approach, method, technique and procedure with the practical usage of them in writing classes. If your topic on writing is “Letter of complaint”,

## PEDAGOGIKA

---

you can use product or process approach which is optional connected with your student level. And you should choose suitable method based on your approach, for example, if you choose process approach, it means that you can use communicative method, brainstorming technique.

### REFERENCES

1. Anthony, Edward M. 1963. *Approach, Method, and Technique*. *English Learning*. 17: 63-67. Ann Arbor: University of Michigan Press.
  2. Brown H. Douglas (1987). *Principles of language learning and teaching*. Englewood Cliffs, New Jersey, Prentice Hall
  3. Harmer, J. (2001). *The practice of English language teaching*. Essex, England: Longman.
  4. Richards, Jack C. and Theodore S. Rodgers (1986). *Approaches and methods in language teaching: A description and analysis*. Cambridge: Cambridge University Press
  6. [Mohammed, Rhalmi](#). November 4, 2018. Updated December 26, 2018.
  7. Vanessa, Steele. *Product and process writing: A comparison*.
  8. Verner, Susan. *6 methods for generating writing ideas*.
-